


63



# ВАТАН ТУЙҒУСИ

"УЗБЕКИСТОН"

Биз иқтисодий ислоҳотларнинг янги даврига қадам қўяр эканмиз, маданий-маърифий соҳадаги ишларимиз, маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини ҳам белгилаб олишимиз керак.

Зеро, миллий истиқлол мафкурасининг, маънавий-маърифий кадриятларнинг жамият ва халқ ҳаётида тутган ўрни беқиёс эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Халқимиз азалдан ўз маънавий кадриятлари ва диний эътиқодни юксак қадрлаб келган. Шунинг учун энг мушкул дамларда ҳам ўзлигини йўқотмади.

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

...Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишнинг маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шунга қураимиз ва уни татбиқ этамиз. Одамларимиз омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий жабҳаларда собит турадиган бўлишлар.

Ислом КАРИМОВ

АБДУҚАҲҲОР ИБРОҲИМОВ  
ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ  
НАРЗУЛЛА ЖУРАЕВ

# ВАТАН ТУЙҒУСИ

---

19023

NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI  
Axborot-resurs markazi

ТОШКЕНТ - "ЎЗБЕКИСТОН" - 1996

63.3(5У)  
И14

**Таҳрир ҳайъати:**  
*Бўрибой Аҳмедов, Ҳалимбой Бобоев,  
Рустам Жумаев, Пажмиддин Комилов,  
Аҳмаджон Мелибоев, Тура Мирзаев,  
Рустам Шоғуломов*

**Мухаррирлар:** *Бахтиёр Омон, Карим Бўрон*

ISBN 5-640-02193-4

В 4702620201 – 158 96  
М351(04)96

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 1996 й.



**Б**угунги кунда маънавият масаласи ижтимоий ҳаёти-  
мизнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолди. Ис-  
тиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда бу  
соҳага улкан ва узлуксиз эътибор қаратиб келинмоқда.  
Давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислоҳ Каримовнинг ҳар  
бир нугқ ва маърузалари, мақола ва чиқишларида юксак  
маънавият келажак пойдевори эканлиги қайта-қайта таъ-  
кидланмоқда.

Бу борада юртимизда кўплаб амалий ишлар қилингани  
жамоатчиликка яхши маълум. Жумладан, маънавият му-  
аммоларининг муайян қирраларини ўрганиш, тадқиқ ва  
таҳлил этишга бағишлаб бир қанча илмий, оммабоп ки-  
тоб ва рисоалар, мақоалар ёзилди ва ёзилмоқда. Инсон  
ҳаётида моддий эҳтиёжлар қанчалик муҳим аҳамият касб  
этса, маънавий эҳтиёжларга талаб ундан ҳам кучлироқ-  
дир. Шу боис ижодкорлар билан учрашувларнинг бирида  
Президентимиз маънавият масалаларига бағишлаб халқо-  
на, содда, ёшу қарининг юрагига бирдек етиб борадиган,  
ҳароратли тилда битилган бир китоб ёзилса, мақсадга му-  
вофиқ бўлур эди, деб истак билдирган эдилар. У киши-  
нинг нуқтаи назарига кўра, маънавият нима, маънавият-  
сиз янаш мумкинми, руҳий тарбия нима, фалсафий нуқ-  
таи назардан баҳолаганда иймон нима, ирода нима, мил-  
лий мафкура, миллий онг, миллий ғурур нима, буларни  
ота-боболаримиз қандай тушунганлар, Шарқ ва ислоҳ  
фалсафасида уяг, андиша, шарму ҳаё, орият тушунчалари  
қандай таърифланади, маънавиятнинг тарихдаги ва бугунги  
турмушдаги ўрни, унинг тарбиядаги мавқеи ва аҳамияти,  
миллатни миллат, халқни халқ қиладиган омиллар нима-  
лардан иборат деган масалалар шундай китобнинг маз-  
мун-мундарижасини ташкил этиши лозим эди.

“Ватан туйғуси” деб аталган ушбу китоб бугунги кун-  
нинг маънавий эҳтиёжи сифатида дунёга келди. Унда

юқорида зикр этилган масалалар содда ва ширали тилда мухтасар ифодаланган. Шу билан бирга, китобда ўзбек халқининг келиб чиқишини тарихий ҳужжатлар ва асл манбалар асосида ёритиш, мустамлакачилик ва қизил империя даврида бу хусусда билдирилган сохта қарашларнинг асоссиз эканлигини кўрсатиш, буюк аждодларимизнинг умуминсоний тараққиётга қўшган улۇф ва унутилмас ҳиссалари, янги ўзбек давлатининг тикланиши ва тарихида маънавиятнинг ўрни, унинг энг мураккаб, ҳал қилувчи пайтларда ҳам халқ руҳига буюк куч бағишловчи қудратли омил экани, давлатчилигимизнинг қадимийлиги ва узвийлиги, ўз эрки, ўз эътиқоди учун мардона курашиб қурбон бўлган минглаб шижоатли инсонларнинг тақдири мисолида маънавият моҳиятини очишга асосий эътибор берилди.

“Бир шода марварид” деб номланган биринчи қисмда ўқувчилар миллий маънавиятимиз, турмуш тарзимиз ва халқимиз маънавий-руҳий қиёфасини белгилайдиган асосий омиллар билан танишадилар.

“Теран томирлар” номли иккинчи қисмда эса ўзбек халқининг тарихи, буюк аждодларимизнинг беқиёс фаолияти, ота-боболаримизнинг эркинлик ва миллий озодлик йўлидаги қаҳрамонона кураши ўз ифодасини топган.

“Истиқлол шижоати” деган учинчи қисмда миллий мустақилликка эришиш, уни мустақкамлаш йўлидаги тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу борадаги мураккаб курашлар, миллий қадриятларни тиклаш ҳамда умуминсоний тараққиёт талаблари асосида янгича маънавиятни шакллантириш ва ривожлантириш, халқимиз онги ва тафаккуридаги жиддий ўзгаришлар, маънавий ислохотлар ва уларнинг жаҳоншумул самаралари бевосита юртбошимиз Ислом Каримов фаолияти билан боғлиқ ҳолда ифодаланади.

Муаллифлар ва таҳрир ҳайъати китобнинг ёзилишида сидқидилдан кўмак берган файласуф Омонулла Файзуллаев, тарихчилар Ҳайдарбек Бобобеков, Наим Норкулов, санъатшунос Файзулла Кароматов, журналистлар Комил Холмухамедов, Наримон Ҳотамов, уламолар Раҳматулла қори Қосимжон ўғли, Абдували қори Усмон ўғли ва бошқа хайрихоҳ дўстларга самимий миннатдорчилик билдирадилар.

## СУЗБОШИ УРНИДА

**1991** йилнинг 4 сентябри эди. Ўзбекистон Республикаси мустақил ва суверен давлат деб эълон қилинганига эндигина тўрт кун бўлган эди. Қарийб бир ярим аср давом этган мустамлакачилик асоратидан қутулган Ўзбекистон халқи кўтаринки руҳда яшар, республика Президенти номига чет мамлакатлар раҳбарларидан, жамоат арбоблари ва шунингдек, оддий шахслардан табрик телеграммалари ёғилиб кела бошлаган эди. Мамлакатимиз жамоатчилиги улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллик юбилейига қизгин тайёргарлик кўрарди.

Уша 4 сентябр оқшомида Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Миллий боғида қад кўтараётган Алишер Навоий ҳайкалини, бу боғда олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечирди. Унга республика ва пойтахт ташкилотларининг шу қурилишга мутасадди раҳбарлари ҳамроҳ эдилар. У меъмор, муҳандис ва қурувчилар билан суҳбатлашди, Алишер Навоийга ўрнатилаётган бу ҳайкалнинг аҳамияти, келгусида бу боғ сўлим зиёратгоҳ бўлиб қолажаги, қурилиш ишлари то юбилей кунигача сифатли қилиб тўла бажарилиши зарурлиги ҳақида сўзлади, тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар берди.

Иш режалари ва ҳайкалнинг тантанали очилиш куни қатъий қилиб белгиланди, боғнинг тўққиз ерига тўққизта дошқозон ўрнатилиб, элга наҳор оши тортиладиган бўлди. Суҳбат охирида шундай таклиф тушди:

— Наҳор оши тортишдан олдин бир Қуръон тиловати қилиб юборилса...

Бу таклифдан даврадагиларнинг кўпчилиги бир чўчиб тушди, орқага тисарилганлар ҳам бўлди. Орага бир оз сукунат чўмди. Ҳамма Президентнинг жавобини кутарди.

— Мумкин, — деди Юртбоши вазминлик билан. Кейин қатъий қўшиб қўйди: — Албатта, шундай қилиш керак. Халқимизда арвоҳ хотири деган азалий удум бор. Бу удумимизни қайта тиклашга, жорий қилишга вақт етди. Миллий турмуш тарзимиз шуни тақозо этади. Алишер Навоийнинг наҳор ошига Тошкентнинг энг кучли қориларидан таклиф қилинганлар... Нимадаи, кимдан чўчийсизлар, биродарлар! Энди мустақилмиз. Орқага қайтиш йўқ.

Рост гап шуки, даврадагиларнинг кўпчилиги Президентдан бундай жавобни кутмаган эди, шу сабабли баъзилар ажабланар, айримлар эшитган сўзларига ишонқирмас эдилар. Чунки улар кўп йиллик амалдорлик фаолиятларида республиканинг биринчи даражали раҳбаридан бундай тавсия олмаган, шундай тавсия бўлади, деб ҳатто тушларига кирмаган бўлса керак. “Буни қараиҥ-а, халқаро ва республика миқёсида ўтажак улкан анжуман Қуръон тиловати билан бошланса-я, ё тавба! Тушимми бу ёки ўнгим?”

Йўқ, туш эмас, ўнг эди!..

Бу савол-жавобдан кейин суҳбат яна давом этди. Энди сўз Тошкентнинг, умуман, Ўзбекистоннинг миллий қиёфаси, номуносиб ҳайкаллар ҳақида, майдон, кўча, ташкилотларнинг номлари хусусида борди.

Шу суҳбат самараси ўлароқ, эртаси куни, яъни 1991 йилнинг 5 сентябри оқшомида Ўзбекистон телевидениесининг “Ахборот” кўрсатувида Президент Фармонига кўра Тошкентнинг илгари Ленин номи билан аталиб келган Марказий майдонига Мустақиллик майдони номи берилгани маълум қилинди. Ушбу Фармон 6 сентябрда матбуотда эълон этилди.

Баъзан шу кеча-кундузда айрим шахсларнинг телевидение орқали чиқишларини кўриб, матбуотда чоп этилган мақолаларини ўқиб ҳайрон қоласиз. Улар “Ҳатто қаттагон йилларида ҳам миллий зиёлиларимизни ҳимоя қилиб чиққанмиз”, “Миллий кадриятларимизни тиклаш масаласини ҳукумат олдига кўндаланг қўйганмиз”, “Маънавият учун курашганмиз”, деб ваъзхонлик қиладилар, ўзларини қахрамон қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Тўғри, озми-кўпми фикр билдирган бўлишлари мумкин. Лекин, афсуски, ўша интилишлари ҳеч бир самара келтирмаганини тилга олмайдилар, ростгўйлик қилмайдилар. Ёв қочса, боғир кўнаяр, дстаиларидек, бугун ана шундай сохта қахрамонларнинг кўнаиғани кишини ҳайрон қолдиради.

Аслиди бундай кимсалар илгари ҳам, мустақилликнинг мотлабки икки-уч йилида ҳам миқ этишмади, бетараф

бўлиб туришди, дилларида эса шундай кўркув бор эди: “Қани, сиёсий оқим қаёққа бораркин, мустақиллик деганлари яшаб қолармикин, ёки...”

Мана энди давлатимиз дадил оёққа туриб олгач, хавфхатар йўқолгач, бу одамлар яна аравани қуруқ олиб қочмоқдалар. Лекин ҳеч ким ва ҳеч нарса халқ назаридан ҳеч қачон четда қолмайди, ҳар ким ўз баҳосини олади — хизматига яраша қадрланади, қилмишига яраша халқ назаридан тушиб қолади.

Ундай сўзамол шахсларни тушуниш мумкин, улардан кўп ҳам ўпкаламаса бўлар. Чунки бир ярим асрча давом этган мустамлакачилик, истибдод, етмиш йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган шўроларнинг мафкуравий сиёсати халқимизни миллат сифатида парокандаликка, миллий маънавиягимизни мажруҳ ҳолатга олиб келиб қўйган эди.

Халқимиз ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан жар ёқасига яқинлашиб қолган қалтис бир вақтда, ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган бир пайтда, Президентимиз мард элнинг мард ўғлони янглиғ дадил майдонга чиқди — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди. Шу тариқа юртимизга янги давр, янги замон келди, янги давлат тузилди, бу ўзбекнинг янги даврони, янги замонаси, янги тузуми, янги давлати, янги сиёсати эди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 1991 йил 31 августдан Ўзбекистон учун янги эра бошланди.

Маълумки, замонлардан замонларга, аждодлардан авлодларга моддий, маданий, маърифий, маънавий бойликлар, ажойиб анъаналар мерос бўлиб ўтади. Шу билан бирга, шўролар давридан бизларга ўз қадрига ета билмаслик, тарихий гумроҳлик, руҳий тушкунлик, миллий парокандалик, маънавий қашшоқлик, она тили бўйича чаласаводлик сингари ижтимоий иллатлар ҳам асорат бўлиб қолдики, бу иллатлар ўз табиатига кўра узоқ яшовчан бўлади. Халқнинг руҳан тушкунлиги, онгининг заҳарланиши энг оғир маънавий дарддир. Булар миллат учун ўта хавфли. Уларнинг давоси эса шу халқ руҳига руҳан, онгига ақлан таъсир кўрсатиш, маънавият омиллари ила малҳам қўйишдир. Зотан, тафаккурга фикр орқали, қалбга қалб орқали йўл топилади, кўнгил кўнгилдан сув ичади, деб бекорга айтилмайди.

Халқимиз миллий мустақилликка эришиш арафасида маънавият бобида шундай таназзулга келиб қолган эдики, иймон, эътиқод, маслак, уят, андиша, шарму ҳаё, орият, ҳамият, диёнат, тақво, идрок, инсоф каби тушунчаларни



унута бошлаган эдик. Рух, рухий тарбия, диний тарбия, миллий онг, миллий гурур, миллий мафкура, тарихий ватан, ватан туйғуси, ватан соғинчи, ватан қайғуси сингари ибораларни тилга олиш мумкин эмас эди.

Шўролар замонида Ўзбекистонга нисбатан мамлакат ибораси бирор марта ҳам ишлатилмаган. Ўша йиллари ғоят машхур бўлган “Менинг адресим на кўча, на уй, Менинг адресим Совет Иттифоқидир” деган ҳавойи кўшиқ замирида жуда маккорона сиёсат мужассам бўлиб, у кишиларни беватанликка тарғиб қилар, она юрт, миллий замин тушунчаларини онгу юраклардан бадарға этишга қаратилган эди. Ана шундай ёвуз ва пинҳоний сиёсат натижасида тилимиз хонадон тилига, халқимиз аҳолига айланиб борарди. Ваҳоланки, тил давлат миқёсида қўлланилсагина миллий тил бўлиб қолади ва равнақ топади. Бинобарин, ҳар бир сўз, ҳар бир ибора қандай маъно англатишини билсаккина, унинг моҳиятига ета оламиз.

Мазкур ҳолатларни назарда тутиб, ҳурматли ўқувчиларга миллий қадриятларимиз тушунарли бўлсин деган ниятда ушбу китобда маънавиятга доир сўз ва ибораларга, умуман эса, айрим фалсафий, маънавий атамаларга ихчам ва мухтасар таъриф-тавсиф бериб ўтишни лозим топдик.

Бизнинг ҳар биримиз — Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди тарихда ким эдигу, яқин ўтмишда ким бўлиб қолганимизни аниқ ва рўй-рост тасаввур қила билишимиз лозим. Ватанни севмоқ учун аввало унинг шонли кечмиши, яхши-ёмон кунлари, аждодлар қисматини пухта ўрганмоқ керак.

Бу китоб орқали биз ана шулар ҳақида фикр юритамиз, олис ва яқин кечмишга фикран саёҳат қиламиз. Зеро ҳақиқат таққосда яққол билинади. Ўтмиш унутилса, келажак орзуси ҳам унутилади. Ўтмиш — бутун ва келажакнинг пойдевори, пойдеворсиз эса истиқбол йўқ. Инсон бутуннинг қадрига етмаса, умри хору зорликда кечади, эртани ўйлаб иш тутмаса, бора-бора забунлик, қарамликка юз тутади.

Ушбу лавҳамиз бошида тилга олинган Фармон мустақилликнинг илк кунларида эълон қилинган илк Фармон эди. Маълумки, қонунлар ва фармонларда халқнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топади. Қонунлар одамлар учун яратилади, шу сабабли улар ақл-идрок қоидаларига асосланади ва умумхалқ манфаатларига уйғун келади. Ўша биригчи Фармондан кейин республикамызда қабул қилинган қонуни, қарор ва фармонлар худди шу мақсадга қара-

тилгандир. Уларда мазкур тарихий ҳужжатларнинг бош ташаббускори ва ижодкори Президентимиз феноменининг муайян қирралари ўз ифодасини топган. Мана, масалан, 1996 йилнинг июн ойида матбуотда Президент имзо чеккан **“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топономик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида”** деган қарорда жумладан шундай дейилади: *“Мамлакатимиз мустақиллигига беш йил тўлаётганига қарамай, ҳамон жойларда топономик объектларнинг эски тузум ва коммунистик мафкурага хизмат қиладиган, халқимиз тарихи ва миллий анъаналарига боғлиқ бўлмаган номлари мавжуд. Булар истиқлол мазмун-моҳиятини тушунмасликдан, миллий мафкура ва миллий ғурур сўзликдан, баъзан эса масъулиятсизлик ва бефарқлик иллатлари туфайли келиб чиқмоқда. Натижада халқимиз янгича фикрлаш ва яшашга ўрганаётган бир пайтда мустақиллик ғояларидан чалғитмоқда”*.

Кўриниб турибдики, бу фикр юртбошимиз бундан беш йил аввал Алишер Навоий ҳайкали пойида айтган ўша кўрсатмаларга моҳият-эътибори билан айнан ҳамоҳангдир. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, **Ватан туйғуси, ватанпарварлик** Ислом Каримов феноменининг бош белгисидир.

Бу китобни биз **“Ватан туйғуси”** деб атадик.

Зеро, Ватан туйғуси — бу азиз ва гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳаминча садоқатли бўлиш демакдир. Ватанга садоқат барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ватан туйғуси — бу халқимизнинг олтин мероси, анъаналари, тили ва маданиятига ҳурмат билан қараш, Турон, Туркистон, Ўзбекистон деб аталувчи юртимизнинг тарихини мутғасил ўрганиб боришдир.

Тарих — бамисоли маёқ. Кейинги 770 йил мобайнида халқимиз икки марта тутқунликка тушиб қолди. Буни қарангки, ҳар бир тутқунлик даври 150 йилдан давом этди. 1220 йилдан 1370 йилгача чингизийлар ҳукмронлик қилди. Бу тутқунликдан Амир Темур бобомиз раҳнамолигида халос бўлдик. Иккинчи тутқунлик ўтган асрнинг ўрталаридан то асримизнинг тўқсонинчи йилларигача давом этди. Гарчи рус ҳокимлигининг шакли ўзгариб турса-да (яъни Октябрь тўнгарувигача Туркистон генерал-губернаторлиги эди, Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги чоризмнинг вассаллари эди), 1920 йилдан бошлаб, Туркистон АССР, 1924 йилдан Ўзбекистон ССР деб аталган бўлса-да, мустамла-

качиликнинг мазмуни ўзгармаган, халқнинг изми, раҳбарларнинг жилови Москванинг қўлида эди. Иккинчи тутқунликдан юртбошимиз Ислон Каримов етакчилигида озод бўлганимизни чуқур ҳис қилиш бугунги кун учун айна Ватан туйғусидир. Тарих эса, ўз-ўзидан, бу буюк воқеани, бу такрорланмас ҳодисани, бу улуғ жасорат ва матонатни ҳеч қачон унутмайди.

Ушбу китобда кўп мумтоз аждодларимизнинг номларини тилга олиб ўтамиз. Уларнинг эзгу ва хайрли ишларини эҳтиром билан ёд этамиз. Улар оламшумул фаолиятлари билан халқимизга дунё миқёсида шон-шараф келтиришган. Бундай аждодлар билан фахрланиш зарур, албатта.

Лекин асосий гап шундаки, биз аждодларимизга муносиб авлодмизми, муносиб авлод бўла оляпмизми, улар қолдириб кетган олтин меросни бойита ва кўлайтира оляпмизми, мустақил республикамизда яратилган шарт-шароитдан тўла фойдалана оляпмизми-йўқми, юртим менга нималар бераяпти-ю, мен унга нима билан жавоб бераяпман, она-Ватаним, халқимнинг бирор корига яраяпманми — мана шулар бугун ҳар биримиз учун долзарб саволлардир.

Ҳар бир фуқаро дилидан шундай саволлар ўтиши, шундай фикрларни қалбан туюши, шуларга муносиб иш тутиши — бу Ватан туйғусининг асосий маъносидир.

Ватан туйғуси — бу ҳавойи гап эмас, аждодлар билан шунчаки фахрланишгина эмас. Бу — озод халқнинг муносиб фарзанди, мустақил мамлакатнинг фидойи фуқароси бўлмоқликка интилиш туйғусидир.

*БИРИНЧИ ҚИСМ*

**БИР ШОДА МАРВАРИД**

---



## ТАФАККУР НУРЛАРИ

## СЎЗ

Сўзни сўз ҳақида сўзлашдан бошлаймиз. Сўз инсонни ҳайвондан жудо айлади, дейдилар ҳазрат Алишер бобомиз. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, сўзсиз аҳволимиз не кечарди! Сўзлаш қобилияти — нутқи борки, одамлар бир-бирлари билан муомала қиладилар, мулоқотда бўладилар, фикр баён этадилар, бир-бирларини тушунадилар ёки рад этадилар. Дардга дармон бўладиган ҳам шу Сўз, турмушга оғу соладиган ҳам худди шу Сўз! Сўзнинг хили ва тури кўпдир: ширин сўз, дағал сўз, беадаб сўз, қочирим сўз, ҳикматли сўз, гап-сўз, табрик сўз, миш-миш, ифво, келинчак алласи, она дуоси, ота олқиши, илтимос, буйруқ, ваъда, лафз, азму қарор — йигит сўзи. Одамнинг биринчи сўзи — чақалоқнинг ингаси, сўнги сўзи — алвидодир!

Дарҳақиқат, сўз одамнинг бешикдан то тобутга қадар бир умрлик йўлдоши. Сўзсиз инсоний жамият, маънавий ҳаёт йўқдир.

## ГАП

Сўз ёки сўзлар орқали ифода этиладиган фикр гапдир. Бошқача айтганда, уни мантиқ ишига тизилган сўзлар маржони дейиш ҳам мумкин. Бу маржон мазмун юзакилиги ёки теранлигига қараб, кўзмунчоқлар тизими ёки бир шода марварид ҳам бўлади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, энг қадимги туркий сўзлар қисқа, лўнда — бир бўғинли бўлган: бош, қош, кўз, қўл, кул, кел, бор, ёт, ўт ва ҳоказо. Бошқача айтганда, аждодларимиз бир сўз ила фикрни тўла ифодалай олганлар ва бу хислат биз авлодларга то ҳануз мерос бўлиб келаётир. Масалан, “Кел” дегани, буйруқдан ташқари, ўзи томонга чорлаш маъносини ифодаласа, “Кет” деганда ўзидан узоқлаштириш маъноси билдирилган.

Худди Сўз каби Гапнинг ҳам тури ва хили, матндаги ўрнига қараб маънолари кўп.



## ТИЛ

Деярли барча махлуқотда тил бор. У иссиқ-совуқни, таъм-мазани билувчи, овқатланишда ишгирок эгувчи аъзо. Одамда эса булардан ташқари нутқ товушларини ҳосил қилади, яъни инсоннинг сўзлаш қобилияти тил орқали амалга ошади.

Ер юзида қанча миллат, халқ, элат, қабила бўлса, шунча тил бор. Тилсиз халқ йўқ. Халқсиз эса тил ҳам бўлмайди. Булар эгизак тушунчалардир, биридан бирини айириб бўлмайди, уларни айириб қўйилса, иккиси ҳам ўзлигини йўқотади. Халқ бошқа бир халққа қўшилиб кетади, унинг тили эса ўлик тилга айланади. Кези келганда шуни айтиб ўтишни лозим кўрамизки, биргина тил сўзи мисолида ҳам тилимизнинг нақадар бой ва сержило эканини яққол кўриш мумкин.

Ер юзидаги барча халқларнинг тиллари, уларда миллионлаб одам гаплашадими ёки атиги бир-икки минг киши сўзлашадими, бундан қатъи назар, ўзлари учун азиз ва кераклидир. Тилни кам сонли элат гаплашар экан деб камситиб ёки бўлмаса, кўп сонли миллатнинг тили экан, деб улуғлаб бўлмайди. Бунда сон жиҳатини мезон қилиб бўлмайди. Ҳар кимники ўзига, ой бўлиб кўринади кўзига-да! Лекин дунёда жуда тараққий этган, бой жаҳоний тиллар ҳам бор, энди тетапоя қилаётган тиллар ҳам йўқ эмас. Бу ўша тилларнинг соҳиби бўлмиш миллат ёки элатларнинг тадрижий раванқи, босиб ўтган тарихий йўли, инсоний жамиятнинг қайси бир тараққиёт босқичида экани, иқтисоди, маданияти, фани ва маънавияти ҳамда шу каби омилларга боғлиқдир, албатта. Бизнингча, лоақал биргина Она алласи мавжуд бўлган тил ҳам яшашга ҳақлидир. Биз ўзбеклар учун эса ўз она тилимиз бўлмиш ўзбек(туркий) тили азизу муътабардир. Бу ҳақда кейин алоҳида тўхтаб ўтишга ваъда бериб, энди қалам ва қоғоз тушунчасига ўтамиз.

## ҚАЛАМ

Аждодларимиз сиёҳ билан ёзиладиган қамиш ёки савағич қаламдан кенг фойдаланишган. Бу мумтоз адабиётимизда хома деб тилга олинади. Қаламнинг ўққалам, темирқалам, тошқалам деган турлари ҳам бор. Мўйқалам

тасвирий санъатда ишлатилса, топшқалам ва темирқаламлардан қаттиқ жисмларни ўйиш, кесиш, бирор нарсани тасвирлаш, ёғочларга гул солишда фойдаланилган.


Қаламнинг такомил йўли инсониятнинг равнақ эта бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги маданиятнинг ибтидоси қаламга бориб тақалади. Илк қалам — тошқалам. Ҳозир эса энг кенг тарқалган тури стерженли ручкадир.

Йўл усти бўлса-да, тилимизнинг бойлигини кўрсатиш мақсадида, қалам сўзининг кўчма маъноларига қисқача тўхталиб, бир неча мисол келтирамиз. Масалан, қалам аҳли: ёзувчи ва шоирлар, журналист ва олимлар. Қалами ожиз: фикрини яхши ифодамай олмайди. Қалами ўткир: фикрини таъсирчан қилиб ёза олади. Қаламқош ёки қоши қаламлар: унча эгилмаган қоп-қора, чиройли қошли сулув.

## ҚОҒОЗ

Бугунги кунда маданий турмушимизни қоғозсиз ҳатто тасаввур қилиб бўлмайди. Узоқ ўтмишда эса қоғоз бўлмаган. Унинг ўрнида ибтидоий жамоа кишилари баланд қоялардан, ўсимлик япроқларидан, ҳайвонларнинг ошланган териларидан фойдаланилган. Шўролар замонида чоп этилган қомусларда қоғознинг илк ватани Хитойдир, у ерда милодий II асрда ўсимлик толаларидан қоғоз ишланган, дейилади. Ҳатто ўтмишда қоғоз ишлаб чиқарилган Япония, Эрон, Шимолий Африка, Қибрис, Испания, Марокаш, Италия, Русия каби мамлакатлар тилга олинганда ҳам, Туркистондаги қоғоз ҳунармандчилиги, Самарқанднинг сувўтмас, ипақдек мулоғим ва сип-силлиқ қоғозлари атайин тилга олинмайди. Туркистон маданиятидан кўз юмиб ўтиш чоризм сиёсатининг бир кўриниши эди. Шу сабабли тарихдан бирор мисол келтириш керак бўлиб қолса, шўро мафкурачилари иложи борича, уни Фарбга олиб бориб тақарди, бунинг иложини тополмаса, Хитойни рўкач қиларди. Туркистон халқларининг миллий гурури уйғонишидан чўчир, уларнинг бой ўтмиш маданиятидан ифтихор туйғулари кучайишидан кўрқинар эди.

Қоғоз бобида шуни айтишни лозим кўрамизки, бизнингча, қоғознинг илк ватани қадим Турон, Туркистон, бугунги Ўзбекистон — қадим Самарқанддир. Ер юзининг сайқали Самарқанд шаҳри Буюк



марказида, қоқ ўртасида жойлашган эди. Ундан Шарққа — Хитой ва Японияга қанча йўл бўлса, Фарбга — то Андалузиягача, Қурдоба амирлигигача ҳам шунча масофа бор эди. Маданий тарзда пахта етиштириш, ипак қурти боқиш дастлаб диёримизда бошлангани, кейин бошқа ўлкаларга тарқалгани тарихдан маълум. Демак, пахта, ипак толалари ортилган карвонлар билан бирга қоғозимиз ҳам бу ёғи Шарқий Туркистон, Тибет, Мўғулистон, Манжурлар давлати орқали Чин ва Чинмочинга, Японияга, бу ёғи эса Эрон, Араб, Румо, Юнон, Андалузия ва Кастилиягача етиб борган, дейиш мумкин.

Ўз ақл-идроки ва меҳнати сарф этилгани учун ҳам халқимизда қоғоз жуда қаттиқ эъзозланган, уни оёқости қилиш, ҳаром нарсаларга тегизиш гуноҳи азим ҳисобланган. Ногоҳ оёқ остига тушиб қолган қоғоз парчаси худди нон бурдасидек дарҳол ердан олинган. Мабодо бирор узрли сабаб (сув тошқини) ёки бепарволик оқибатида яроқсиз ҳолга келиб қолган қоғоз парчаларини ҳатто ёқиб юборишга ҳам йўл қўйилмаган, фақат ерга топшириш — қўмиб қўйишга рухсат этилган. Зотан, ер ҳамма нарсанинг онаси ва эгаси, ўз бағрига олаверади.

**Ривоят.** *Айтишларича, икки қўшни бир парча ерни таллашиб қолишибди.*

— Бу ер меники, — дебди бири.

— Йўқ, бу ер меники, — дебди иккинчиси.

*Шунда Ердан садо чиқиб:*

— Икковинг ҳам меники, — дебди.

*Бу садо туфайли икки қўшни жаҳолат отидан тушиб, охиратни ўйлаб қолишибди-да, мурасага келишибди.*

Чингизхон босқинидан то Россия истилосига қадар Туркистонда китоб ёқилмаган, кутубхоналарга ўт қўйилмаган. Шўролар замонида яратилган бадиий ва илмий асарларда, айниқса, кинофильмларда тасвирланган кутубхоналарга ўт қўйиш лавҳалари асоссиздир. Чунки бизда Бисмиллохир Роҳманир Роҳиймсиз китоб ёзилмаган. Сўзнинг боши — Аллоҳнинг сўзи — Куръони карим оятлари бўлган.

**Ҳикоят.** Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибий домла арузда ижод қилиб, мумтоз адабиётимиз анъаналарини баҳоли қудрат давом эттирган. Шу боисдан у ўтгизинчи йилларнинг бошида адабиётдан четлатилган, унинг учун нашриёт ва матбуот эшиклари ёпиб қўйилган. Ўша кезлари домла сабаби тирикчилик Андижон вилоятининг чекка бир қишлоғидаги магазинда ишлашга мажбур бўлган. Қаҳратон қиш

кунларидан бирида барвақт ишга келса, магазин қоровули печкага китоб қалаб ёқиб, исиниб ўтирган экан. Қоровулнинг оёғи остида ҳам бир тўп қалин-қалин муқовали китоблар ётганмиш. “Ҳой биродар, нима қиляпсиз?” деб сўрабди Ҳабибий домла. “Кимдир кечаси магазинимиз олдига ташлаб кетибди бу китобларни,— дебди қоровул, — ҳаммасини ичкарига олиб кирдим. Мана, ёқиб, маза қилиб исиниб ўтирибман”, деб, у яна бир қалин муқовали китобни ердан олиб, бурдалаб печкага ташлашга чоғланибди. “Тухтатинг бу бемаъниликни!” дея домла унинг қўлидан китобни тортиб олибди-да, бундоқ варақлаб қараса, бу китоб Алишер Навоий “Хамса”сининг нусхаларидан бири экан. Домла қоровулга ўтин пули бериб, ёқилмай қолган китобларни уйига олиб кетибди. Эҳтимол, бу китобларнинг эгаси тингув пайтида уйдан араб алифбосидаги асарлар чиқиб қолса, қамалиб кетишдан чўчиб шу ишни қилишга мажбур бўлгандир. Балки китобсевар, китобнинг қадрига етувчи шоир Ҳабибий уларни сақлаб қолишига умид боғлаб, атайин магазин олдига келтириб қўйгандир...

Ўттизинчи йилларнинг охирларида Навоий комитети тузилгач, Ҳабибий ҳам шу ерга ишга таклиф этилади. Шоир ёнғиндан омон қолган ўша китобларни ҳам ўзи билан Тошкентга олиб келади, ижодхонасида эъзозлаб сақлайди...

Ҳа, бошимизга шундай кунлар ҳам тушган, оғир маънавий йўқотишларга дучор бўлганмиз.

Шўролар замонида қоғоз хомашё сифатида, ҳам маънавий жиҳатдан хор этилди. Натижада амалий иш ўрнига кераксиз ёзишмалар олиб борувчи, қарор устига қарор чиқариш билан ҳам ўзини, ҳам ўзгаларни овора қилувчи расмиятчилар — қоғозбозлар кўпайди. Лафз, лафзи ҳалолликнинг қадри кетди. Лафзсиз киши — субутсиз кишидир. Субутсизда бурд бўлмайди, ўз сўзига ҳам, ўзганинг сўзига ҳам ишонмайди, қоғоз талаб қилади. Лафзсизлик — маънавий таназулнинг бир кўриниши, холос.

Сўз, Гап, Тил, Қалам ва Қоғоз тафаккур мевалари, онг ҳосилаларидир.

## РУҲ

Бу муқаддас каломни поклик ҳолатларида, эҳтиёт бўлиб ва ўз ўрнида ишлатмоқ лозим. У тилимизда ўз маъносида ва кўчма маъноларда кент қўлланилади.

Диний таълимотга кўра Руҳ киши ҳаётида у билан бирга, киши вафот этгач, танадан чиқиб абадий яшайдиган

илоҳий асос. Руҳ танадан тамоман мустақил ҳолда мавжуд. Руҳ танадан чиққач, тана ўлади. Руҳ табиатдан олдин мавжуд бўлган. Руҳ кишининг танасида бўлганда, унга ҳаёт бағишлайди, уни табиат ва жамиятнинг фаол аъзоси бўлишига имкон яратади, феъл-атвор беради. Руҳ ҳеч қачон ўлмайди, уни Худо ато қилади ва Худо қайтариб олади. Туш кўришни руҳнинг танадан вақтинча кўчиши билан изоҳловчилар ҳам бор.

Ислом динига ихлос билан эътиқод қилувчилар Арвоҳлар мавжудлигига тўла ишонадилар ва ўтган аждодларининг Руҳларини унутмай, Арвоҳ хогири қилиб турадилар. Қабристонларни, қадамжоларни зиёрат қиладилар. Буюк ишларга қўл уришда ота-боболарининг руҳларидан мадад сўрайдилар.

Шўровий мафкура ва фалсафа Руҳнинг мангу мавжудлиги ва бирламчилигини гайриилмий ҳисоблаб, Арвоҳ хогири қилиш удумини хурофот, жаҳолатпарастлик, зарарли эскилик сарқити санаб келди. Бунинг оқибатида жамият руҳан мажруҳликка учради, халқнинг руҳий дунёси торайиб, руҳий бойлиги озайиб, маънавияти қашшоқлашди. Бу илоҳий тушунчалар ўрнини моддий нарсаларга сажда қилиш, молпарастликка ружу қўйиш, ўтмишни унутиш, келажакни ўйламаслик, фақат ҳозирги ҳузур-ҳаловатни кўзлаб кун кечириб сингари ижтимоий иллатлар эгаллади. Яхши амаллар учун мукофот, ёмон ишлар учун жазо бериладиган Охират куни муқаррар экани унутилди. Оқибатда кишилар ҳаром-харишдан, зинодан, ичкилик-бозликдан, ёлғон-яшиқдан, эътиқодсизликдан, хиёнат сўқинликдан ва шу каби қабих ишлардан ўзларини тия билмадилар. Бунинг натижасини ҳозирда яққол кўриб турибмиз.

Энг зарарли жойи шу бўлдики, динга ишонмаганларни буюк идеаллар тарк этиб кетди, орзулари майдалашди, ўзлари пачакилашиб қолдилар — қандай бўлмасин, қандай йўллар билан бўлмасин, ўзим яхши яшасам, бас, дейиш улар учун энг катта орзу — идеал даражасига етди. Мана сизга динсизликка қурилган гайриинсоний тузум мафкураси ва фалсафасининг моҳияти! Зеро шўро сиёсатчиларига худди шу нарса керак эди. Ўз буюк идеалларига эга бўлмаган халқни оммага айлангириб бошқариш, хоҳлаган йўриққа йўллаш унчалар қийин эмас!

Сўз сифатида Руҳ кишининг ички ҳолати, қалб кечинмалари, ҳис-туйғулари, ички дунёси, маънавий қиёфаси,



ўй-фикрлари, мақсад ва маслак кайфияти каби маъноларни ифодалайди. Кўчма маънода кибр-ҳаво, димоғ, файз, куч, завқ тушунчаларини билдиради. Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг кечишидаги белгили хусусиятни ҳам англатади. Масалан, маърифатга интилиш замон руҳи деймиз. Шунингдек, маслак, таълимот, ҳужжат ва шу каби-ларнинг асосий моҳияти, улар негизидаги белгиловчи юяга нисбатан руҳ сўзи ишлатилади. Масалан, қонуннинг руҳи адолат ўрнатишдир ва ҳоказо.

## ЖОН

Ислом таълимотига кўра фаришталарда жон, руҳ бор-у, лекин тан, яъни жисм йўқ. Шу боис улар кўзга кўринмай-дилар. Ҳайвонларда тана, жон бор-у, бироқ руҳ йўқ. Ўлимидан кейин, яъни танасидан жон чиқиб кетгач, ҳайвонлардан ҳеч нарса қолмайди, йўқликка учрайди.

Одамда эса тан ҳам, жон ҳам, руҳ ҳам бор. Ҳўш, жон билан руҳ ўртасида қандай фарқ бор? Кўпчилик жон билан руҳни бир нарса деб тушуниб келади. Бу ислом таълимотидан узоқлашиш оқибатидир. Шунингдек, жон билан руҳ сўзлари луғавий жиҳатдан бир-бирига яқиндир. Руҳ арабча, Жон форсча сўз бўлса-да, деярли ўн тўрт асрдан буён тилимизда кенг қўлланилиб, ўзлашиб, жонли сўзлашувда кўп янги-янги маъноларни англатиб келяпти, эндиликда ўз сўзимизга айланиб кетган. Аммо улар айнан бир тушунчани билдирмайди. Буюк аллома имом Абу Ҳомид Ғаззолыйнинг айтишларича, одамда жисмоний жон ва қалбий жон бўлади, одам вафот этгач, ундаги жисмоний жон тугайди, жонсиз жасад тупроққа айланиб кетади. Лекин одам шу билан батамом тугаб, йўқликка учрамайди. Одам жисмонан вафот этади, холос. Ундаги қалбий жон жасадини тарк этса-да, мангу яшаб қолаверади. Қалбий жон бу, юқорида тилга олганимиз, Руҳ, халқ ибораси билан айтганда, Арвоҳдир.

## ФАРИШТА

Ислом таълимотига кўра, фаришталарни Аллоҳ таоло нурдан яратган. Улар Аллоҳнинг буюрган барча ишларини нуқсонсиз, мукаммал бажарадилар. Уларда жинс йўқ. Овқатланиш, турмуш қуриш, савоб-гуноҳ орттириш ка-

билардан ҳам улар фориг. Улар Аллоҳнинг малакларидир. Малак арабча сўз бўлиб, ўзбекча ва форсчада фаришга дейилади. Жонли сўзлашувда малоика, малоикалар шаклида ҳам ишлатилади.

Абу Ҳомид Ғаззолий ҳазратлари “Иҳйа улум ад-дин” (“Диний билимларни тирилтириш”) китобида ёзишлари-ча, фаришталараро рақобат йўқдир. Ҳар бир фариштага фақат бир вазифа юклатилган ва у шу юмушга масъул. Масалан, ҳазрати Азроил жон олувчи, ҳазрати Жаброил хабар — ваҳий етказувчи. Улар бир-бирларининг ишларига аралашмайдилар, ўз юмушлари билан банд. Бу ҳолатни умумга тушунарли қилиб талқин қилиш учун одамнинг аъзолари ўтаётган вазифаларни мисол келтириб қўя қолайлик.

Кўзимиз ёруғ жаҳонни кўради, камалакнинг товланиши — етти тусни бир-бирдан ажрата олади. Унинг вазифаси шу, у шунга масъул. Қулоғимиз эшитади, жон озиғи — одам сўзидан тортиб то момақалди роқ гулдирагигача, булбул ноласидан чумчуқнинг чириллашигача фарқлай билади. Унинг вазифаси шу, у шунга масъул. Демак, қулоқ билан кўз орасида рақобат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки бирининг вазифасини иккинчиси ўтай олмайди.

Афсуски, шўролар замонида диний билимларнинг, жумладан, фаришталар ҳақидаги тушунчаларнинг унутилиши кўпгина ижтимоий иллатларнинг авж олиб кетишига сабаб бўлди.

Халқимизда фалончи фариштали одам, фалончининг фариштаси йўқ қабилидаги иборалар тез-тез ишлатилиб турилади. Фариштали одам кўркам, файзли бўлишидан ташқари, бировга ёмонликни истамайди, энг муҳими, ичиқоралик қилмайди, ҳамкасби шахсида ўзига рақибни кўрмайди, рақобат қилишга тушмайди, унга чоҳ қазиб, уни босиб-янчиб ўтиб, ўрнини эгаллашга интилмайди, булар унинг ҳатто тушига ҳам кирмайди. Тўғри, ўз йўлидан юриб, ўз истеъдодини кўрсатиш учун мусобақа қилиши мумкин. Зотан, мусобақа билан рақиблик ўртасида катта тафовут бор, албатта.

Фариштали одам шундай фикрлайди: барибир, мен қилган ишни фалончи худди мендек қилолмайди, мен ёзган асарни у худди мендек қилиб яратолмайди, мен ҳам унингдек ёзолмайман. Карвон кўп — ризқи бошқа-бошқа. Майли, мен ҳам, у ҳам ижод қилавераёйлик, жумлаи мўмин қаторида ҳаммамиз ҳам меҳнат қилиб турмуш кечирай-

лик, ишқилиб, бевақт қатордан хато бўлмайдик. Халқ эса ҳар кимга хизматига яраша ўз баҳосини бераверади.

Мана шундай фариштанамо тафаккур қилмаслик туфайли Шўролар замонида — йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи, элтигинчи ва ҳаттоки саксонинчи йилларда ижод ва илм аҳли орасида, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам, оддий кишилар ўртасида ҳам, чақимчилик қилиб, дўстликка хиёнат қилиб, бир-бирининг умрига зомин бўлиш ҳолатлари юз берган. Бундай ижтимоий фожеадан биринчи навбатда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Ойбек, Мақсуд Шайхзода каби фариштали адиблар, яна қанчадан-қанча атоқли олимлар жабр кўришган. Қолаверса, уларга ичиқоралик қилиб, чақимчилик йўлини тутиб, чоҳ қазиган фариштасиз кимсаларнинг ўзлари ҳам маънавий зиён кўришган — қобилиятлари бор бўйича тўла намоён бўла олмаган. Чунки виждон азоби қийнагач, кўнгил нотинч бўлади, кўнгил хотиржам бўлмагач, ақл яхши ишламайди, қалам тўмтоқлашади, хизматчиларнинг иши юришмайди. Фариштасизликнинг пировард оқибатида халқнинг умуммаънавиятига пуғур етади. Маънавияти қашшоқлашган жамиятни эса юқоридан туриб буйруқлар, қатъий кўрсатмалар орқали бошқариш осон бўлади. Шўро раҳбарларининг пухга ўйланган сиёсий мақсади мана шундан иборат эди.

## ИЙМОН

Иймон арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси — ишончдир. Шариатда эса жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таоло тарафидан келтирилган барча хабарларига тил билан иқрор этиб, дил билан тасдиқлашга иймон дейилади, яъни Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар орқали Аллоҳ тўғрисида, жаннат ва дўзах, қиёмат каби ғайбий нарсалар ҳақида берилган хабарларга ишонч — иймондир.

Ишониб иймон келтириш ҳар бир мўмин-мусулмонга зарур бўлган энг асосий нарсаларнинг етти ададга қисқартирилган шакли бор. У иймони муфассал дейилади. Иймони муфассалнинг ўзбекчаси шундай: Иймон келтирдим Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, яхши-ёмон тақдирга ва ўлгандан кейин тирилтиришига.

Булар иймоннинг энг асосий рунлари — устунлари ҳисобланади. Шу билан оят ва ҳадисларда хабар берилган бошқа нарсаларга ҳам ишониб иймон келтириш шартдир.

Аллоҳни инкор этиш ёки унга ширк келтиришдан кўра катта гуноҳ бўлмаганидек, унга иймон келтиришдан кўра катта савобли иш ҳам йўқдир. Хайрли, савобли ишлар, солиҳ амаллар қилинганда мусулмон кишининг иймони зиёда бўлади, яъни иймонининг нури янада равшанлашади. Гуноҳ ишлар қилинганда эса иймон нури хиралашади.

Мусулмон бўлишни истаган ҳар бир одам “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ” деб ўзини ислом динига кирганини эълон қилса, у бешак мусулмон ҳисобланаверади. Урф-одатимиз бўйича ислом динидаги одамни мўмин деб ҳам, мусулмон деб ҳам атайверамиз. Лугавий маъноси бўйича мўмин — бу ишонувчи, мусулмон — мусулмончиликка амал қилиб, ибодатларни бажарувчи демакдир. Мўмин-мусулмон дейиш ва шундай бўлиш янада дурустдир.

Қалбида иймони бўлмаган одам ҳар қанча савобли иш қилса ҳам унга савоб ёзилмайди. Ибодат ва солиҳ амалларнинг қабул бўлиши учун иймоннинг бўлиши шартдир. Қисқача қилиб айтсак, уч нарсанинг бугунлигидан иймон ҳосил бўлади: эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқод — динга ичдан чуқур ишониш; иқрор — сўзда буни тан олиш; амал — яхши ишлар билан исботлаш.

Ислом оламидаги барча буюк зотлар раиятни иймонли бўлишга чорлаб келганлар ва ўзлари ҳам мустаҳкам иймонли бўлиш бобида халққа ибрат кўрсатганлар. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ушбу сатрларни ўқиймиз: “Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ — андин одамийлик келмак имкони йўқ”. Яъни иймонсиз — одам эмас.

Тилимизда иймон сўзи кенг қўлланилади, жуда кучли ва ўткир тушунчаларни билдиради. Халқимизда “Иймонсиз!” дейишдан ортиқ ҳақорат бўлмаса керак. Бу ҳақорат замирида худога ишонч-эътиқоди йўқ, худодан, диндан қайтган, даҳрий маъноларидан ташқари виждонсиз, виждонфуруш, ярамас, разил, диёнатсиз тушунчалари ҳам ифодаланади. Бу шундай ашаддий ҳақоратки, ўтмишда шу ҳақоратга асосиз дучор бўлган орияти кучли одам ҳақорат этувчи кимса устидан қозига шикоят қилишгача борган.

Бизнингча, замондошимиз бўлмиш иймонли одамни қисқача шундай тавсифлаш мумкин: эътиқодли, ўзининг яниқ маслағига эга, тақводор, ҳамиятли, ориятли, ор-номусли, шарм-ҳаёли, виждонли, андишали, инсофли ва шу каби физилатлар соҳибидир.

Хурматли китобхонга ушбу тавсифимиз тушунарлироқ бўлиши учун тилга олинган сўзларни бир-икки жумладан шарҳлаб ўтамиз.

## ЭЪТИҚОД

Эътиқод — бу ўз фикр ва қарашларига маҳкам, собитқадамлик билан ишониш ва ўзгаларни ҳам ўзидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонишдир. Эътиқодли одам энг аввало ёлғон гапирмайди. Ёлғон сўзламаган одам ўзгаларни ҳам ростгўй деб билади. Лафзида турмайдиган кимсани бебурд деб ҳисоблаб, ундайлардан ҳазар қилади.

Эътиқод тушунчаси инсон ҳаётининг маъносиши, унинг ўзига хослигини ва моҳиятини англаш билан боғлиқдир. Инсон бошқа махлуқотдан фарқ қилиб, онга, ўз-ўзини англаш қобилиятига эгадир. Шу туфайли илмга интилиш, ўз ҳаётининг мақсад ва мазмунини билишга тиришиш, гўзаллик яратишга, ҳар томонлама баркамол бўлишга уриниш барча давр ва миллат кишиларига хос бўлган умуминсоний, боқий фазилатлардир. Бу умуман инсон моҳиятига хос нарса бўлиб, у бу ёруғ оламда нима учун яшаётганини англашга, келажагига замин ҳозирлашга интилади. Ҳар бир соғлом фикрли одам, инсониятнинг умрбоқийлигини идрок этади ва ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдириб кетишни истайди. Шундан келиб чиқиб, умрининг мақсади ва мазмунини белгилайди. Худди шу нарса унинг эътиқодини ифодалайди.

Эътиқод журъатни, мардликни, фидойиликни тақозо қилади. Буларсиз у қуруқ ғоя бўлиб қолаверади.

## МАСЛАК

Маслак — бу ўзига хос ақидалари билан бошқалардан ажралиб турувчи ижтимоий, сиёсий, илмий, ғоявий ва диний йўлдир. Масалан, насронийлар ва мусулмонларнинг диний маслаклари бошқа-бошқадир. Ёки бир фирқага уюшган кишилар сиёсий ва ғоявий жиҳатдан бир маслакда бўладилар. Замона зайли-да, нима қилибди, шу билан осмон узилиб ерга тушармиди, дея ўз ақидаларидан тезда ноз кечиб юборувчи кишиларни маслаксиз дейилди, улар аҳдларида муқим туролмайдилар. Даврнинг айбиччилик ва қарама-қаршиликлари ҳаммаслак киши-



лар орасига нифоқ сололмаслиги керак. Маслагиди собит турувчи киши замондан нолимаслиги керак, бу куфрдир. “Замонани сўкманглар, чунки Аллоҳнинг ўзи соҳибзамондир”, дейилади Ҳадиси шарифда.

## ТАҚВО

Тақво — бу Аллоҳдан қўрқиш, ёмон ишлардан сақланишидир. Шундай фазилат эгалари тақводор ҳисобланадилар. Яъни Ҳадиси шариф ҳукми билан айтсак, “Аллоҳдан қўрқишлик — ҳамма ҳикматнинг боши”. Аллоҳдан қўрқувчи, унга итоат этувчи банда оилада ҳам, жамиятда ҳам ҳалол яшайди, ҳаромга қўл урмайди, охиратда жавоб беришини ўйлаб, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди.

## ҲАМИЯТ

Ҳамият — бу ўзининг ва ўзига қарашли кишиларнинг ор-номусини бошқаларнинг тажовузидан ҳимоя қилишга бўлган интилиш, ор-номусни пок сақлаш туйғусидир. Шундай интилиш ва туйғуга эга бўлган кишига ҳамиятли одам дейилади. Улар жамиятдаги нопокликларга бефарқ қараб туролмайдилар.

## ШАРМ

Шарм — бу ножўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадиси шарифлардан бирида айтилишича, одам, энг аввало, ўзидан уялиши керак. Ножўя қилмиши учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам ножўя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Мана шу шармдир.

## ҲАЁ

Ҳаё — бу ўзбекча уятдир. “Бир кетган уят қайтиб келмайди”, “Дилда доғ кўтариб юргандан кўра бетнинг қизаргани афзал”, дейди халқимиз. Лекин тилимизда ҳаёсиз ёки беҳаё дейилганда, уятсиз иш қилганда хижолат чекмайдиган, адабсиз кимса тушунилади. “Ҳаё эркак кишига нисбатан табиатан аёл кишида кўпроқ бўлади. Эркак кишилар бемалол айтадиган баъзи сўзларни аёллар турли андиша ва уялиш туфайли айта олмайдилар”, деювчилар ҳам бор.

Бизнингча, гап — фақат уятлироқ сўзни айтишда эмас. Гап — амалда ҳаёли бўлишда. Аёлларимизнинг ҳаёли бўлишига боис эркакларимизнинг улардан ҳаёли бўлишни талаб қилишларидир. Ўзида ҳаё туйғуси бўлмаган одам ўзгандан ҳаёли бўлишни талаб қилолмайди ва бундай талаб туйғуси унда бўлмайди ҳам.

## ОР

Ор — бу ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, уят ва номус қилиш туйғусидир. Бундан ташқари, ўз ўрнида ҳазар қилиш ёки бўлмаса, обрў-эътибор, фахрланиш маъноларини ҳам билдириши мумкин.

Орият — бу ор-номусдан ташқари иззат-нафс, қадр туйғусидир. Одатда ориятли одамлар ўзлари ва оилаларининг иззат-нафсларини, қадрларини юксак тутадилар ва ўзгаларни ҳам қадрлай биладилар.

## АНДИША

Андиша — бу оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза, эҳтиёткорлик ҳиссидир. Андишали одам деганда, оқибатини ўйлаб иш қиладиган, юз-хотирни биладиган, ор-номусли, шарм-ҳаёли, ибולי инсонни тушунамиз. Одатда андишали одам бетгачопарлик қилмайди, фаросат билан иш тутади.

## НОМУС

Номус — бу ифбат, бокиралик маъноларидан ташқари кишининг ўз мавқеини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғуларини, оила ва аждодлар шаънига доғ тушпирмаслик маъносини ҳам ифодалайди. Одатда номусли одам маънавий қадриятни моддий бойликка алишишни ўзига эп кўрмайди. Қонун тақиқлай олмаган нарсаларни гоҳо номус тақиқлай олади, деган нақл ҳам бор халқимизда.

## ВИЖДОН

Виждон — бу кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун оила, жамоат, жамият ва Ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишдир. Шу юксак ах-

лоқий тушунча шахсни ижобий хатти-ҳаракатларга ундаб ва шунга мойил қилиб, ўз фаолиятига ўзи баҳо беришга олиб келади. Виждонли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан ғазабга келади, буларга қаршилик билдиради; ўз фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб, хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилди, яъни виждон азобига учрайди. Виждон — тугма хислат деювчилар ҳам бор. Виждон — кишиларнинг яшаб турган шароитига, олган таълим-тарбиясига боғлиқ, деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд. Биз ўзимизнинг турмуш тажрибамизда аслида виждонсиз кимсанинг вояга етиб, ўқимишли, катта одам бўлиб етишганидан кейин виждонли бўлиб қолганини учратмадик. Виждон кўп ёки оз билимлиликка, бой ёки камбағал бўлишликка, оддий ёки машҳурликка боғлиқ эмас.

## ИНСОФ

Инсоф — бу адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилик, баробарлик, тенглик, софдиллик ва ҳақиқатгўйликдир. Ўзгани ўз ўрнига ва шунингдек, ўз ўрнига ўзгани хаёлан қўйиб кўриш ҳам инсофга киради. Тўқ очни, бой камбағални, бахтли бахтсизни, толеи баланд толеи забунни, омадли омадсизни, соғлом беморни ўз ўрнига қўйиб кўролса ва аксинча ҳам худди шундай бўлса, олам гулистон — инсофдилар сафи кенгайиб кетади.

Инсоф тушунчаси Шарқ фалсафасида шундай талқин этилади. Инсоф — бу кишининг муайян жамиятнинг ахлоқ меъёри нуқтаи назаридан ўз хулқ-одобини назорат қилиши ва ахлоқий баҳолашидир. Инсоф — виждонли одамнинг ёки маълум жамоанинг жамиятга ёки бошқа кишиларга нисбатан ўз хулқ-атвори учун маънавий жавобгарлик ҳиссидир. Агар киши бирор ишни тўғри бажарса, унда ички қониқиш пайдо бўлади, виждон пок бўлади, атайин нотўғри бажарса, инсофдан чиққан бўлади. Инсоф кишини бирор ишни қилишга ундаса ёки қилишдан тортса, бунда у қалб амри тарзида бўлади.

Муайян кишининг хоҳ шахсий, хоҳ ижтимоий хулқ-атворида учраган ҳар қандай сохталик, ҳар қандай мунофиқликни жамоа инсофсизлик сифатида қаттиқ қоралайди. Хуллас, инсоф — кишининг жамият олдида, тевақатрофидаги кишилар олдида ўз хатти-ҳаракати билан маънавий масъулиятини ҳис этишининг ифодасидир.

“Инсоф — дин соф” деган нақл бу тушунчанинг нақадар теран мазмунга эга эканлигидан далолат беради.

## ГУРУР

Она тилимиз асрлар бўйи халқимиз томонидан зарғарона сайқал берилиб, шундай мукамал қилиб яратилганки, у орқали ҳар қандай маъно ва тушунчаларни, уларнинг энг нозик ва ҳарир жиҳатларигача аниқ ва тиниқ ифодалаш мумкин. Яъни неча минг йиллар давомида халқимиз онги тўлишиб бораверган, унда ҳосил бўлган тушунчаларни ўз туб сўзларимиз билан ҳам, ўрнида жаҳон тилларига оид сўзлар билан ҳам, янги-янги сўзлар яратиш воситаси билан ҳам ифодаланган. Шу тариқа тил бисоти бойиб келган. Тилимиздаги гурур, фахр ва ифтихор сўзларини олиб кўрайлик. Булар бир-бирига яқин маъноларни англатса-да, айнаи бир пайтда бир-биридан муайян даражада фарқланувчи тушунчаларни ҳам билдиради.

Шахс гурури — бу фахрдир. Ҳар бир шахс ўзининг ютуқларидан мамнуният ҳиссини туяди. Ота-она қобил фарзандларидан, устоз истеъдодли шогирдидан, ёзувчи яхши асаридан, боғбон сўлим боғидан фахрланади ва ҳоказо.

Инсон ўз кучига ишонган ва бу билан фахрлана олган тақдирдагина бирор нарсага эриша олади. Бу қадр-қимматини англаш ақлли одамни янада камтарин, янада саботли қилади. Киши учун ўз қобилиятидан ортиқ даражада гурурланиш ҳам, ўз-ўзини ерга уриш ҳам ярамайди. Ўз-ўзлигича қола билган одамнинг гурури бус-бутундир.

Ўзига ортиқча бино қўймоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ, димоғдорлик қилмоқ — булар такаббурликка киради. Ҳадиси шарифларда айтилишича, Аллоҳ энг ёмон кўрган нарсалардан бири такаббурликдир. Ҳатто масжидга гердайиб кирган одамнинг намози қабул бўлмас экан. “Манманлик заволга, камтарлик камолга етаклайди”, деган нақл шунга ишора бўлса керак. Киши шундай яшаши жоизки, унинг ютуқларидан ўзи ҳам гурурлансин, лекин ундан кўра кўпроқ оила аъзолари, хеш-ақраболари, маҳаллақўйи, қолаверса, бутун мамлакати фахрлансин, фахрим деб эъзозласин.

## ИФТИХОР

Миллий гурур — бу миллий ифтихордир. Миллий ифтихор миллат ўзини яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис қилишидир. Бу шундай бир кучли руҳий

ҳолатки, у туфайли тарихий бирлик, қон-қариндошлик, тил, маданият, маънавият, иқтисодий ҳаёт ва келажак бирлиги миллат вакиллариининг қалбидан чуқур ўрин олади.

Миллий бирдамлик туйғуси — миллий онгининг негизидир. Миллий бирдамлик етук ва мукаммал маънавий фазилат сифатида, миллий онги ривожланган миллатларда тўлароқ намоён бўлади. Маҳаллийчилик ва гуруҳбозликлар миллий бирдамлик ҳиссиётининг кучсизланишига олиб келади.

Миллий ифтихор миллат маънавий камолотининг барча жиҳатларини, мероси ва бугунги қадриятларни ўз ичига олади. Миллий истиқлол натижасида эришилган ва эришилажак иқтисодий ва маънавий ютуқлар кўпайгани сари Ўзбекистон билан фахрланиш ҳисси — миллий ифтихор шунчалик кучайиб бораверади. Миллий ифтихор мамлакатимизнинг барча фуқаролари учун бирдек тегишли ва унинг юксала бориши учун барча фуқаролар баробар масъулдирлар.

Хулласи калом, юқоридаги шарҳларимиздан ҳам кўринадик, Иймон сермаъно, табаррук, муқаддас сўз ва ҳосиятли тушунчадир. Бир сўз билан айтганда, иймонли одам рисоладаги фуқародир. Бу Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Парламентимиз томонидан қабул қилинган фуқароликка доир қонун-қоидаларга ҳам мос келади.

## ОНГ

Хўш, онг нима? Бу арабий “ақл” сўзининг ўзбекчасидир, деювчилар ҳам бор. Умуман, бу гап нотўғри эмас, лекин онг ва ақл ибораларининг ўртасида тафовут ҳам бор.

Исломиий таълимотга кўра, “*Аввалу ма холақо-моҳу ақла*” — Аллоҳ яратган илк нарса Онгдир.

Онг сўзи тилимизда ақл сўзига нисбатан камроқ ишлатилади, лекин ўз ўрнида ва ўз маъносига қўлланилади. Одамнинг фикрлаш қобилияти назарда тутилганда, онг ва ақл атамалари билдирган маънолар бир-бирига мос келади, онг ҳам, ақл ҳам одам миясининг маҳсулидир. Одам онглайди (англайди), бошқача айтганда, ақл юритади, фикрлайди.

Одамнинг ижтимоий ҳаётни тушуниши, сезиши, унга муносабати унинг онгида юз беради. Сиёсий онг, ижтимоий онг иборалари ана шундан келиб чиққандир. Воқеликнинг киши миясидида унинг бугун руҳий фаолиятини ўз

ичига олган ва, албатта, маълум мақсадга йўналган ҳолда акс этиши онгнинг зуҳуридир. Онг, шунингдек, кишининг руҳий, руҳоний, сиёсий, фалсафий нуқтаи назарлари, диний, бадий қарашларининг ҳам мажмуи ҳисобланади. Ижтимоий онг деганда ана шулар назарда тутилади.

Онгли киши дейилганда онгга эга, ақл-идрокли одам тушунилса, онгли ҳаёт иборасида эса, бир мақсадга йўналтирилган турмуш ифодаланади. Воқеликни, ижтимоий ҳаётни, ўзининг мавқеи ҳамда тарихий ва фуқаролик бурчини тушунадиган, тушунган, онги юксак одамга нисбатан онгли ибораси жуда тўғри келади. Муайян тушунчага эга, билимли, кўзи очилган, маданиятли кишига ҳам онгли ибораси мос тушади. Онгли равишда фикр юриши — бу онг, ақл-идрок билан иш тутишдир. Одам атайин, кўра-била туриб ҳам, яъни онгли равишда бирор ёмон ишни қилиши мумкин. Бу унинг қилмиши дейилади.

Одамнинг заковат даражалари — фаҳми, идроки, зеҳни, донолиги, етуклиги унинг ақлига боғлиқ. Ақли расо деганимиз эси, мияси бутун деганимиз бўлади. Ақли қисқа ёки калта десак, фаҳм-фаросати йўқ одам назарда тутилади. Бу сўз эс-ҳуш маъносини ҳам билдиради, мулоҳаза, маслаҳат маъноларини ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, ақли билан иш тутди, десак, мулоҳаза билан, ўйлаб иш қилгани маълум бўлади. Хуллас, ақл сўзи тилимизда турли нозик маъноларни ифодалашда қўлланилади. Чунинчи, ақл бовар қилмайди, яъни одам ишонгиси келмайди, тасаввур қилиб бўлмайди, ақли шошди, яъни одам ҳайрон қолди, ажабланди; ақлини олди — одамни мафтун этибди ва ҳоказо.

**Мия фаолияти билан боғлиқ иш ақлий меҳнат дейилади. Бу ўрнида интеллектуал меҳнат ибораси ҳам қўлланилиши мумкин.**

Ақли тўлиқ одам доно дейилса, ақли ожиз одам аҳмоқ ёки тенгак саналади. Бу мисолларнинг бари оддий сўзлашув тилига оиддир.

Онг ва ақл тушунчаларининг туб мўҳияти ҳақида бир оз бўлса-да, тўхталиб ўтдик. Энди ушбу тушунчаларга фалсафий томондан ёндашишга киришамиз.

Онг — воқеликни, яъни борлиқдаги нарса-ҳодисаларни акс эттиришининг юксак, фақат одамга хос шакли. Одамнинг онги жуда кўп нарса ва ҳодисаларни билиш қувватига эга. Лекин шу билан бирга фақат Аллоҳ таолога тегишли нарса ва ҳодисалар ҳам борки, булар инсон изми ва иродасидан хориждадир.

Онг тил билан боғлиқ. Тилда у ўзининг моддий ифодаларидан бирини топади. Онг тилда моддийлашгач, онг фаолиятининг самаралари авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади.

Онг маданий нарсаларда, онгли меҳнат маҳсулларида, санъат, адабиёт, меъморчилик ва шу каби соҳаларда муҳассамланади.

Фалсафада **ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг** деган тушунча мавжуд. Бу тушунчага икки хил қараш бор: марксчилардан ўзга деярли барча файласуфлар, шу жумладан, Шарқ файласуфларининг қараши ва марксчиларнинг қараши. Марксчилар ижтимоий ҳаётнинг асосини ижтимоий борлиқда кўрадилар ва ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди, деб ҳисоблайдилар.

Шарқ мутафаккирлари эса маънавий ҳаёт жамият тараққиётини, кишилар фаолиятини белгилайди, деб таълим берадилар. Шу билан бирга улар ижтимоий ҳаёт билан ижтимоий онг ўртасидаги муносабатлар мураккаб эканлигини таъкидлайдилар, ижтимоий онг ижтимоий борлиқ билан, давлат, ҳуқуқ, сиёсат ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ эканини уқтирадилар. Биз мана шу фикрларга кўшилаемиз ва ёқлаймиз.

Ижтимоий борлиқ ўзгариши билан ижтимоий онг ҳам ўзгара боради. Мана ҳозир, Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, жамиятимизда шундай ҳол юз берапти. Сир эмас, бутунги кунда республикамизда ижтимоий онг ижтимоий ҳаётдан орқада қоляпти. Фуқароларимизнинг ҳаммалари ҳам замона талаблари даражасида одимляпти, деб бўлмайди, ўтмин сарқитлари ҳам мавжуд (улар жуда яшовчан бўлади), ҳатто айрим файласуф олимларимиз ҳам эскича фикрлашдан кутула олганлари йўқ.

Шу билан бирга ижтимоий борлиқда рўй берган тарихий воқеалар кишиларнинг маънавий маданиятини тубдан қайта яратмайди. Бу бўлиши ҳам мумкин эмас. Балки кишилик тарихида яратилган маънавий маданият аждоддан авлодга ўтиб, олгин мерос бўлиб хизмат этаверади. Бу ерда гап шундаки, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ана ўша олгин меросдан кенг фойдаланишни, тарғибу таълиқ этишни, умумхалқ мулкига айлантиришни жорий этиши ҳам мумкин. Ва аксинча, бу йўлда тўғоноқ бўлиши ҳам мумкин.

Масалан, мустамлакачилик ва шўролар тузуми маънавий бойлигимизни яшириш, топташ ва ундан фойдала-

нишга қарши қаратилган сиёсатни олиб борган эди. Миллий мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт тарзи ўзгарди. Ижтимоий онг мевалари умумхалқ бовлигига айланиб бормоқда.

Президент Ислам Каримовнинг ҳозирги кунда маънавият соҳасида олиб бораётган йўлини шундай таърифлаш мумкин: ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг бир-бирига уйғун ва бир-бирига боғлиқ тушунчалар бўлиб, ижтимоий онгдаги илғор ғоялар ва назариялар жамиятни равшан қилдиради; Ўзбекистон жамиятида ижтимоий онгнинг роли бундан кейин ҳам тобора ошиб бораверади, ижтимоий тараққиёт қонунилари республика халқи манфаатларига хизмат қилаверади, кеча ва бугуннинг, кечмиш ва келгусининг, аجدод ва авлоднинг маънавий бирлиги ва уйғунлиги келажакка буюк давлат қуришда асосдир.

Энди ижтимоий онг шакллари ҳақида сўз юритамиз. Ижтимоий борлиқнинг ва моддий ишлаб чиқариш усулининг кишилар онгида ўзига хос тарзда акс этини шакллари ижтимоий онг шакллари дейилади. Ижтимоий онг сиёсий мафкура, ҳуқуқий онг, ахлоқ, дин, фан, санъат, адабиёт, фалсафа шаклларида ўз ифодасини топади.

Ижтимоий онгнинг шакллари оламнинг — табиат ва жамият (жамият эса турли салоҳиятга эга кишилардан иборат)нинг бойлиги, серқирралиги ва турли-туманлигидан келиб чиқади. Ҳар бир онг шакли воқеликнинг маълум томонини акс эттиради. Масалан, сиёсий мафкурада давлатнинг ички ва ташқи сиёсати зуҳур этади; ахлоқда кишиларнинг бир-бирига ва жамиятга муносабатларини, ўзларини тутишларини тартибга солиб турувчи қадриятлар, ҳулқ меъёри ва қоидалари акс этади; фанда табиат ва жамият муайян қоидалари мушоҳада ва муҳокама этилади, илмий ҳулосалар чиқарилади.

Ижтимоий онг шакллариининг инъикос асоси турлича шаклликдан ташқари уларнинг ўзига хос инъикос эттириш усули ҳам мавжуд. Масалан, адабиёт ва санъат воқеликни бадиий тимсоллар орқали акс эттиради, фан эса табиат ва тушунчалар орқали иш қўради.

Маркечи файласуфлар дейдиларки, “ижтимоий онг шакллариининг айримлари жамиятнинг ҳамма даври учун зарур бўлиб, жамият тараққиёти билан ривожланиб, аҳақияти ортиб борса, баъзилари жамият тараққиётининг маълум даврида пайдо бўлиб, маълум даврида йўқолади. Ахлоқ, санъат каби онг шакллари жамиятнинг ҳамма давр-



лари учун зарур бўлиб, коммунистик жамиятда аҳамияти ортиб, ривожланиб боради. Бироқ дин эскилик қолдиғи сифатида социализмдаёқ кераксиз бўлиб қолади, коммунистик жамиятда эса тамоман йўқолиб кетади” (Ўзбек Совет Энциклопедияси, Тошкент, 1973, 548-бет).

Бундай “назария”ларнинг сохта эканлигини турмушнинг ўзи эндиликда тўла-тўқис исботлаб қўйди. Ҳатто ўша сатрларнинг муаллифлари бўлмиш “файласуфлар” ҳам бугунги кунда, аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликка эришиб, фуқароларга виждон эркинлиги берилгач, диндор бўлиб қолишди. Уларнинг бу қилмишларини сабаби тирикчиликка, замонасозликка йўйиб, афв этиш мумкин ва лозим, агар улар ва улар қабилар билиб-билмасдан қилган ишлари учун астойдил тавбатазарру билдирсалар. Аллоҳ таолонинг марҳамати улғу, даргоҳи кенг, ажаб эмаски, мағфират этгай, ишшооллоҳ. Аллоҳ кечиргувчи буюк зотдир.

Дин одамзоднинг азалий ва абадий йўлдошидир. Ер юзидаги биринчи инсон Одам Ато айни пайтда алайҳиссалом, яъни Яратганнинг элчиларидаш бўлган. Маълумки, ҳеч бир банда Аллоҳни кўзи билан кўрмаган, ақли билан, тафаккур қилиб англаган. Одамнинг диндорлиги, қайси бир динга эътиқод қилиши — бу энди бошқа масала.

Юртимизда фуқаролар бу борада ҳам тўла эркиндирлар. Диёримизда ижтимоий онг ва ушнинг деярли барча шакллари нақадар юксаклиги ва ривожланиб бораётгани мана шунда ҳам кўринади. Демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлатдагина худди шундай бўлади.

## АҚЛ

Энди Ақл атамаси ва тушунчаси, булар билан боғлиқ айрим нарсалар ҳақида сўзлаймиз. Зотан шахсий ва ижтимоий турмушимизда бу ибора ишлатилмаган соҳа йўқ ҳисоби. Туркий тил султони Алишер Навоий ёзмишлар:

Кишининг бу вақт иккидур ҳолати,  
Эрур ақли ё нафсининг қуввати.

Навоий асарларида ақл билан боғлиқ шундай ибораларни учратамиз: **ақл аҳли** — ҳушёр онг эгалари; **ақл восвоси** — ақл васвасаси, мафтунлик, ақл тўлқини; **ақл деҳқони** — онгли тушунча, мулоҳаза, тажрибали, онгли киши; **ақл кўйи** — ақл-идрок йўли; **ақл мезони** — онг, ақл ўлчови,

тарозуси; **ақл муҳандислари** — донишмандлар, олимлар, билимдонлар; **ақл оллида** — онгли тушунуш бўйича, ақлан; **ақл пири** — тафаккур устози — фаросатли кишилар; **ақл саррофи** — ақл зарғари, ақл баҳоловчиси; **ақл уйи** — мия, фикру хаёл; **ақл хирмони** — ақл мужассамлиги; **ақл чирри** — ақл кучи, ақл қуввати; **ақл эшиги** — ақл йўли, онгли йўл; **ақл ўти** — зеҳн ўткирлиги, ҳушёрлик; **ақл қуши** — бунга изоҳ ҳожат эмас; **ақл ҳисоби** — онг доираси, чегараси; **ақл-дин бегона** — телба; **ақли жавоҳиршувос** — етук, комил ва сўзнинг яширин сирларини яхши тушунувчи нозиктаъб кишиларнинг идроклиси; **ақли зойил** — ақли кетган киши; **ақли зулмоний** — хира ақл, ўтмас зеҳн; **ақли кулл** — энг етук ақл; **ақли маслаҳатбин** — маслаҳат кўрсатувчи, тўғри йўл ва тўғри фикрга йўлловчи ақл; **ақли мушарраф** — соф, шарафли ақл; **ақли мустақим** — иккиланмайдиган, тўғри ақл эгаси, қатъий фикрли одам; **ақли мусоҳиб** — фаҳм-фаросатли киши; **ақли оз** — ақлдан адангмоқ; **ақли салоҳ** — тўғри, соғлом фикр; **ақли саркаш** — итоатсиз, ўжар, қайсар, бўйин товловчи ақл; **ақли ситамкора** — жабр-зулм қилувчи, жафо етказувчи; **ақлу фаҳми хурдадон** — нозик ақл-фаҳм; **ақли худбин** — фақат ўзини ўйловчи шахс; **ақли хурдабин** — ўткир, сезгир, нозик ақл ва ҳоказолар.

Юқорида биз Алишер Навоий асарларида ақл сўзининг 27 ўринда қўллаб, унинг 27 даражаси ва 27 сифатини маълум қила олганига шоҳид бўлдик. Демак, ақлнинг ўзи битта, лекин одамларнинг ақлий даражалари кўпдир. Барча одамлар ақлга эгалликлари билан бирдирлар, лекин ақлий даражалари билан бир-бирларидан фарқлидирлар. Ер юзида қанча одам бўлса, ҳаммаси ақл даражалари жиҳатидан, миллионнинг бирича бўлса-да, фарқланадилар. Бир хил даражали ақлга эга лоақал икки киши бўлма-са керак, деб ўйлаймиз. Ялпи олганда, ақл эгаларини икки сифатли деб ҳисоблаймиз.

Биринчиси — некбин ақл эгалари, иккинчиси — худбин ақл эгалари бор.

**Некбин ақл** эгаларидаги ақл инсониятга эзгулик келтиради, **худбин ақл** эгаларидаги ақл фақат унинг ўзига наф келтиришнинг пайдан бўлади; наф етмагандан кейин нима ҳам бўларди, яширин зиён келтиради-да.

**Хурматли китобхон**, атрофингиздаги одамларни синчиклаб бир кузатинг-а, ажаб эмаски, сизлар ҳам шуни **сезмасиз-да**, фикримизга қўшиласиз.

**Ақл бобида** Алишер Навоий ижодиётидан келтирганимиз **ақли** мисолларни бошқа мутафаккир ижодкорлару алломалар асарларидан ҳам қўшлаб келтириш мумкин.

Ўрта асрларда шарқ мамлакатларида, жумладан, Туркистон фалсафасида “Ақл ал-фаъол” деган тушунча қўлланилган. У ислом дунёсида ҳозир ҳам муомалада. Форобий, ибн Сино, ибн Рушднинг фалсафий таълимотларида Ақл ал-фаъол оламнинг вужудга келишида — дунёвий ақл шаклида биринчи сабаб Аллоҳдан келиб чиқади. Бу дунёвий ақл инсондаги индивидуал ақлнинг юзага келиши ва ривожига таъсир этиб туради.

Ҳар бир инсон ақли, ўз навбатида дунёвий ақл билан бирлашишга интилади. Инсоннинг шахсий ақли оламини борган сари чуқурроқ билиб, бир неча босқичларни босиб ўтади. У мутлақ билимлар, яъни оламнинг бошланғичи, асоси ҳақидаги билимларни ўзлаштиригандан сўнг дунёвий ақлга бирлашади, уни бойитади. Шахсий ақлий билим билан бойиган дунёвий ақл яна инсон ақлларининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Шарқнинг илғор мутафаккирлари Ақл ал-фаъол таълимотидан ақлнинг қудратини, унинг объектив мазмунини, олам тараққиётидаги аҳамиятини исботлаш ҳаракатида бўлдилар. Дунёвий ақл билан инсон шахсий ақлнинг муносабати ҳақидаги таълимот жамият маънавий маданиятининг узлуксиз бойиб бориши, инсон ақл-заковатининг илм-маърифатга қўшган ҳиссаси билан мангуликка эришиши, ҳар ким тириклигида келгуси авлодларга илм-маданият соҳасида мерос қолдириши учун интилиши зарурлиги ҳақидаги фикрларни ифодалайди.

Шу ўринда буюк қомусчи олим Абу Али ибн Синонинг мамлакатимиз Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти хазинасида сақланаётган қўлёзма асари бўлмиш “Ақсом ул-улум ул-ақлия” (“Ақлий билимлар таснифи”)ни мухтасар шарҳлаб ўтамиз.

Муаллиф бу асарида ўз замонасидаги илмлар тизимининг таснифини беради, мусулмон шарқидаги фалсафий билимларни санаб ўтади, уларнинг ҳар бирига қисқача таъриф бериб, вазифасини кўрсатади.

Ибн Сино фалсафий илмларни аввало иккига — назарий ва амалий илмларга бўлади. Назарий-фалсафий илмларни инсон фаолияти боғлиқ бўлмаган нарсалар тўғрисидаги ҳақиқий билимлар, деб таърифлайди. Амалий билимларнинг асоси инсон фаолиятидир. Назарий билимлар ҳақиқатни билишга, амалий билимлар эса яхши ишларни бажаришга қаратилган.

Фалсафанинг назарий қисми учга бўлинади: қуйи даражадаги илм — табиатшунослик; ўрта даражадаги илм — математика; олий даражадаги илм — метафизика.

Фалсафанинг амалий қисми ҳам учга бўлинади: шахс ҳақидаги илм; инсоннинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илм; давлатни, мамлакатни бошқариш илми.

Асарда ўша даврда мавжуд илми нужум — мунажжимлик, илми фалакиёт — астрономия, ҳандаса — геометрия, тиб — медицина каби 29 илм тармоғи тилга олинади. Мантиқ илми хатоликлардан сақланиш қуроли, деб таърифланади.

## АҚЛИЙ ВА ЖИСМОНИЙ МЕҲНАТ

Бугун жамиятимизда янгича муносабатлар қарор топаётган, янгича турмуш тарзи шаклланиб бораётган экан, ақл билан боғлиқ яна бир муҳим масала — яъни шўролар даврида кўп тилга олинган ақида — ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликлар деган тушунча хусусида ҳам тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз.

Марксча файласуфлар фикрича, кишилар ўртасида тарихан таркиб топган ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралишини, жисмоний меҳнат кишиларининг синфий эксплуатация асоси бўлиб қолишини ифодаладиган муносабатларга ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршилик, деб айтилади.

Шу таълимотга кўра бу қарама-қаршилик ўз фаолиятига кўра ўткинчи, тарихий характерга эга бўлиб, жамият моддий ишлаб чиқаришининг тараққиётидан бевосита келиб чиқармиш. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш воситаларининг алоҳида гуруҳлари хусусий мулккага айланиши, зарурий равишда жамият аъзоларининг ҳам икки катга гуруҳга — моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқарувчиларга ҳамда жисмоний меҳнат ва ақлий меҳнат ходимларига ажралишига сабаб бўлармиш. Ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бир-биридан ажралиши аста-секин улар ўртасидаги қарама-қаршиликни келтириб чиқарармиш. **Классицизм** даврида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршилик бениҳоя кескинлашиб, **ийни шаклда** шу жамиятда мазкур қарама-қаршиликларни **тутатишининг** имкониятлари юзага келармиш. Бу **кескинлик** инқилобий йўл билан ҳал этилармиш.

**Марксизм-ленинизм** асосчилари ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликларни

инқилобий тарзда тутатишнинг асосий йўлини кўрсатиб беришган. Бу йўл оломонни исёнга чорлашдир. 1917 йилги Октябрь тўнтариши оқибатида Ер юзи қуруқлик қисмининг олтидан бирида пролетариат диктатураси ўрнатилди, хусусий мулкчилик йўқ қилинди. Лекин барибир марксчи-ленинчилар белгилаб берган йўл одамзод табиатига ёт эди.

Қанчалар зўравонлик қилинмасин, халққа қарши қанчадан-қанча қатағонлар уюштирилмасин, инсоният табиатига, кишилиқ турмушига ёт бўлган совет тузуми етмиш йилга борар-бормас барҳам топди. Социалистик лагерь деб аталувчи мамлакатларда ҳам деярли шу ҳол юз берди.

Марксчилар, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликлар фақат социалистик тузумдагина бартараф этилади, деб даъво ҳам қилган эдилар. Ҳатто бунга соддадил одамларни ишонтирмоқчи ҳам бўлган эдилар. “Социализм буюк социал проблемаларни ҳал қилди...ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар тугатилди. Ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция туб манфаатларининг умумийлиги заминида совет халқининг бузилмас социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги вужудга келди” (КПСС XXII съезди материаллари, Тошкент, 1962, 362—363-бетлар).

Ҳақиқатда эса совет халқи, унинг “бузилмас социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги вужудга” келмаган эди. Аслида бу ҳолатни турли халқ ва элатлардан иборат совет қурама аҳолиси, мажбуран бир хил паспорт берилган совет фуқаролари “бирлиги” дейиш тўғрироқдир.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, касални яширсанг иситмаси ошқор қилади, дейди доно халқимиз. Орадан кўп ўтмай, совет сиёсатчи ва файласуфлари масалани бошқача талқин эта бошладилар. Илгари ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликлар деган тушунчадаги “қарама-қаршиликлар” ибораси ўрнига “тафовутлар” иборасини қўллашга киришдилар. Шакл ўзгарди-ю, мазмун ўша-ўшалигича қолаверди.

“Коммунизмнинг биринчи фазаси — социализм даврида ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутлар узоқ вақт сақланади; бу тафовутлар ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни тугатиш орқали ҳал этилади, бунинг учун жисмоний меҳнат вакиллари-нинг маданий-техник савиясини ақлий меҳнат ходимлари даражасига кўтариш талаб қилинади; жисмоний меҳ-

нат вакилларини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва махсус таълим олиши зарур, бу ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутни тугатиш йўлларида биридир”, дея Марказдан кўрсатма берилди.

Натижа шу бўлдики, олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида кечки ва сиртқи бўлимлар, факультетлар кўпилаб очилди. Билим олиш ёки малака ҳосил қилишга эмас, нима қилиб бўлмасин, дипломли бўлишга ружу қўйилди. Билим олишга ўқуви бор ҳам, ўқуви йўқ ҳам кечки ва сиртқи ўқишга ўзини урди. Ҳатто кўпчилик ўқув юртлирида, жумладан, Тошкент Политехника институтида кундузи ўқийдиган талабалар сонидан кечки ва сиртқи бўлимларда ўқийдиган талабаларнинг сони ошиб кетди.

Бироқ ихтисослик даражаси, таълим-тарбия савияси пасайди. Бу орада қанчадан-қанча ишчи ва деҳқонлар малакаларига путур етди. Шўролар тузуми кампаниябоз тузум эди. Бу ҳам навбатдаги кампаниялардан бири эди. Ҳақиқий билим эгаларининг сони ошмади, балки дипломлилар кўпайиб кетди. Ҳатто матбуот ҳар минг киши бошига ҳисоблаганда олий маълумотлилар (аслида қуруқ дипломлилар дейилса тўғри бўларди) бўйича Совет Иттифоқи энг ривожланган мамлакатлардан ҳам ўзиб кетди, дея жар соларди. Аслида эса бу кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас эди.

Марказ, шунингдек, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларни йўқотиш илинжида қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш, қишлоқ жойлардаги хутор системасини йўқотиш масаласини ўртага қўйди. Бунинг натижаси шу бўлдики, асрлардан бери қадрдон тоғлиқ қишлоқларида яшаб келаётган аҳоли водий ва воҳаларга кўчириб келтирилди, у қишлоқлар ҳувиллаб қолди; нисбатан кичик қишлоқлар ҳам йўқ қилинди, ўрни пахтаюрта қўшиб юборилди. Кўпчилик тарихчи ва файласуф “олим”лар бу сиёсатни олқишлаб, докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқладилар, “коммунистик меҳнат бригадаларининг, новаторлик ҳаракатларининг вужудга келиши, фан билан ишлаб чиқаришни чамбарчас боғлаш, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги ажралиш ни тафовутларни тугатишнинг конкрет воситаларидир”, дея сохта хулосалар чиқардилар.

Шу билан бирга, “Ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнат орасидаги тафовутларни тугатиш коммунистик жамият қурувчилар”ни тарбиялаб етиштиради, социалистик ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиради, меҳнат унумдорлигини оширади, деб ҳисобладилар.

Буларнинг бари ҳаётий заминдан ажралган бўлиб, собиқ КПСС XXII съездининг материалларига бир юзаки аксадо эди, холос. Ҳама материалларда, жумладан, бундай дейилган эди: “Коммунизм галаба қилгач, кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат узвий суратда қўшилиб кетади. Интеллигенция алоҳида социал қатлам бўлмай қолади, жисмоний меҳнат ходимлари ўз маданий-техника савияси жиҳатидан ақлий меҳнат кишилари даражасига кўтарилади”.

Йўқ, ҳеч қачон коммунизм бўлмаганидек, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат узвий суратда қўшилиб кетмайди. Жамият равнақ эта борган сари жисмоний меҳнат ходимларининг билим савиялари, малакалари, иш унумдорлиги оша боради, дейилса ҳақиқатга яқин келади. Шу билан бирга ақлий меҳнат кишиларининг онги ҳам бир жойда тургун бўлиб турмайди, бойиб бораверади.

Интеллигенция алоҳида қатлам бўлмай қолади, жисмоний меҳнат ходимлари ақлий меҳнат кишилари қаторига кўтарилади, дейиш ҳам нотўғри. Биринчидан, умуман олганда, зиёлиларни ишчи ва деҳқонларга қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Бу халқ манфаатини кўзловчи, миллатим деб яшовчи, элим деб, юртим деб рост сўзни айтган зиёлилардан ўч олинган йиллардан қолган иллатнинг бир кўринишидир.

Илғор зиёлининг ҳам, малакали ишчининг ҳам, бободеҳқоннинг ҳам туб манфаатлари бир — халқ манфаатидир. Уларнинг барчаси бир халқнинг фарзандлари, бир мамлакатнинг фуқароларидир. Масала моҳиятига шундай қарамоқ керак ва шундан келиб чиққан ҳолда иш тутмоқ, фикр юритмоқ зарур. Бир халқни касб-кори, мутахассислиги, иқтисоди, лавозими ва шу каби белгиларга қараб қатламларга, синфларга бўлиш миллатни бирлаштирмайди, балки уни пароканда қилади.

«Қолаверса, кишилиқ жамияти яратилибдики, ижтимоий меҳнат тақсимоти деган нарса бор. Биров деҳқончиликка, биров чорвачиликка, биров савдога, биров саноатга, биров муаллимликка, биров бастакорликка ва шу каби ҳунарларга табиатан мойил, уқуви ҳам шунга монанд, лаёқати, иқтисоди, қобилияти, истеъдоди шунга мос ва хос».

Беш қўл барабар эмас, касб-корлар ҳам турли-туман. Ҳар ким ўз лаёқати, қўлидан аъло даражада келадиган юмушни бажарса, бундан ўзига ҳам, жамиятга ҳам нафкатга бўлади, иши унади ва осон кўчади, шунда беҳуда уринишлар, бекорга вақт сарфлашлар, турмушдан кўнгли

тўлмаслик ҳоллари бўлмайди, энг муҳими, бировларга ғайирлик қилишларнинг олди олинади, ҳар ким табиат берган лаёқати бўйича фаолият кўрсатиб, ҳалол меҳнати билан топганига қаноат ҳосил қилиб, завқли ҳаёт кечиради.

Ҳозир Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти амалда. Ҳар бир фуқаро қонун йўл қўйган соҳаларда қонуний фаолият кўрсатиб, ҳалол меҳнат қилиб, фаровон яшаши, мулкдорлар сафига қўшилиши мумкин. Бу ҳуқуқдан барча фуқаролар фойдаланишларига йўл очиқ. Бундан буёғи эса фуқаронинг табиат берган укуви, истеъдоди, интилиши, тиришқоқлиги, меҳнатсеварлигига, яъни ўзига боғлиқдир. <sup>1</sup>

Халқнинг умумий билим савияси, маданият, маърифий, маънавий даражасининг янада юксала бориши учун ҳамма-ҳамма масъулдир.

## ТАФАККУР

Тафаккур ибораси арабча “фикр” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўйлаш, муҳокама, мушоҳада ва фикр юритиш маъноларини билдиради. XI асрда тилимизда онг, ақл, тафаккур сўзлари билан бирга соф туркий сўз “ўт” ишлатилган. “Ўгит” сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Турк хоқонлигида сарой амалларидан бири “ўтилик” деб аталган, бу лавозим эгаси маслаҳатчилик, васийлик билан шуғулланган.

Одам борки, фикр юритиш қобилиятига эга. Мутафаккир иборасининг ўзаги ҳам фикрдир. Лекин ҳар бир фикр юрига оладиган кишига нисбатан мутафаккир иборасини қўллаб бўлмайди. Юксак, теран ва атрофлича фикр юрита оладиган ва ижтимоий фаолиятдан эл-юртига наф етадиган сиймоларнигина мутафаккир дейиш мумкин. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк олимлар, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий сингари улуғ адиб ва шоирлар, имом Бухорий, имом Термизий, Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақибанд, Хожа Аҳрор каби уламолар айни пайтда улуғ мутафаккирлар ҳисобланади. Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби темурийлар мутафаккир зотлар эди.



Амир Темур, Хусайн Бойқаро ва Бобур фаолиятида давлат тафаккури устунлик қилган бўлса, Улуғбек фаолиятида илмий тафаккур етакчи эди. XX асрнинг биринчи чорагига келсак, ўзбек жамиятида етакчи ғоя жадидчилик эди. Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий халқимизнинг мутафаккир фарзандлари эдилар.

Истиқлол замони ҳам халқимизнинг мутафаккир фарзандларини рўёбга чиқарди. Президентимизнинг теран давлатчилик сиёсати аввало унинг мутафаккирлиги самарасидир.

## ФИКР

Фикр сўзи жонли тилда ва матнда ўзига хос турли маъноларни ифодалайди. Фикр бирор нарса ёки киши ҳақидаги ўй ёки хаёлни англатиши мумкин. Масалан, “фалончининг фикри бошқа ёқларда кезди” десак, унинг хаёлини назарда тутган бўламиз. “Фикрга толди” — қаттиқ ўйланиб қолди. “Фикр юргизди” — бирор хулосага келиш учун нарса ва ҳодисаларни таққослади; ўйлади; мулоҳаза қилди; разм солди.

Фикр сўзи бирор иш юзасидан қилинадиган таклиф ёки маслаҳат маъноларида ҳам қўлланилади. “Бу иш юзасидан қандай фикр берасиз?” десак, таклиф айтинг ёки маслаҳат беринг, деганимиз бўлади.

Фикр сўзи ният, мақсад маъноларини ҳам билдиради. “Фалончи бу фикридан қайтди” — демак, ниятидан воз кечибди. “Фикрига тушди” ибораси бирор нарсага эришишга, бирор ишни амалга оширишга бел боғлаш, жазм қилиш, курашиш, пайига тушиш маъноларини ифодалайди.

“Фалончи ўғлини уйлантириш фикрига тушди” — демак, тўй қилишга жазм этибди.

Фикр сўзида яқун, хулоса, тўхтам ва қарор маънолари ҳам ифодаланиши мумкин. “Фалончи шундай фикрга келди” — демак, шундай хулосага келибди.

Фикр тушунча, билим, онг ва ақл маъноларини ҳам англатади. Масалан, “одам фикрни китобдан олади”, дейилганда, бу сўз билим ўрнида қўлланилмоқда.

Ҳаётни, жамият ва табиатни тушуниш йўсини, дунёқараш ва маслакка нисбатан ҳам фикр сўзи ишлатилиши мумкин. Масалан, “Ўткан кунлар” рўмонининг қаҳрамонларидан Отабек Марғилонда бўлган бир суҳбатда “Отам-

нинг ҳам, ўзимнинг қандай фикр ва маслак кишиси экан-  
лигимизни айтиб ўтмоқчи бўламан”, дейди. Янги фикр  
ёки эски фикр дейилганда эса дунёқараш кўзда тутилади.

## ФАЛСАФА

Фалсафа аслида юнонча бўлиб, донолик, донолик ҳақи-  
да фан деган маънони билдиради. Фалсафа — ижтимоий  
онг шаклларида бири; борлиқ ва билимнинг умумий та-  
момиллари, инсон билан дунёнинг муносабати ҳақидаги  
таълимот; табиат, жамият ва тафаккур ривожланишининг  
умумий қонунлари тўғрисидаги фан. Бу фан дунёқараш-  
ларнинг умумлашган тизимини яратиш ва унда инсон  
ўрнини кўрсатишга қаратилган, у инсоннинг дунёга бўлган  
муносабати, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, эстетик ва бош-  
қа қарашларини тадқиқ этади.

Фалсафа дунёқараш сифатида ижтимоий маънафатлар,  
сиёсий ва мафкуравий қарашлар билан узвий боғлиқ. У  
ижтимоий борлиққа фаол таъсир кўрсатиб, янги ғоялар  
ва маданий бойликларнинг шаклланишига имкон беради.

Фалсафа атамаси илк бор Пифагорда учрайди. Уни  
алоҳида фан сифатида Шарқда устози аввал деб эътироф  
этилган Афлотун асослаган. Фалсафа дастлаб инсоннинг  
борлиқ, олам ва ўзи ҳақидаги билимлари мажмуи сифати-  
да пайдо бўлган. Фалсафага узоқ даврлар мобайнида фан-  
ларнинг фани, ҳамма фанларнинг устидан турувчи, улар-  
ни мутлоқ ҳақиқат билан таъминлайдиган фан сифатида  
қараб келинган, ҳозир ҳам шундай деювчилар бор.

Фалсафа яхлит дунёқараш бўлиши билан бошқа фан-  
лардан фарқланса-да, лекин улардан ажралган қандайдир  
умумий тизим эмас, балки у бошқа ҳамма фанлар билан  
чамбарчас боғлиқ бўлган, уларга асосланадиган, уларга ҳам  
асосланиши учун хулосалар берадиган, билишнинг уму-  
мий услубиятлари билан таъминлайдиган фандир.

Фалсафий билишнинг асосий услуби назарий тафак-  
кур ҳисобланиб, у инсоният тажрибаси мажмуига, барча  
фан ва маданият ютуқларига таянади.

Ҳар қандай фалсафий таълимотнинг асосий назарий  
масаласи — тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг моддийлик-  
ка, субъектнинг объектга (зарранинг ўзакка) муносабати  
масаласидир. Бу масаланинг қандай ҳал қилинишига, яъни  
онгдан моддий дунё пайдо бўлган ёки, аксинча, моддий  
дунёдан онг дунёга келинган дейилишига қараб, фалсафа икки  
катта ижтимоий-сиёсий гуруҳга бўлинади. Бу гуруҳларни

маслак, уларга мансуб кишиларни ҳаммаслак дейилади. Бу маслаклар — идеализм ва материализмдир, бошқача айтганда руҳониятчилар ва моддиюнчилардир. Собиқ Шўролар Иттифоқининг парчаланиб кетиши материалистик фалсафанинг мағзи пуч эканлигини амалда кўрсатиб қўйди.

Дастлабки фалсафий таълимотлар қадимги Шарқ: Миср, Ҳинд, Чин ва Туронда вужудга келган. Туронда илк фалсафий таълимотлар зардўшгийлик динининг муқаддас китоби “Овесто”да ифодаланган. Зардўшгийлик таълимоти асосида икки қарама-қарши куч — нур ва зулмат, яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ётади.

Милодий сананинг илк асрларида Шарқда Моний таълимоти пайдо бўлиб, Туронга ҳам кенг ёйилди, III асрда маздакий таълимоти вужудга келди. Маздакийлик кишилар ўртасида тенглик бўлиши ғоясини илгари сурса, монийлик ювош, итоаткор бўлишни тарғиб қилди. Бу таълимотга қаттиқ берилиб кетган Шарқий Туркистондаги айрим элатлар ўз давлатчилигини бой бериб, бошқаларга қарам бўлиб қолишган.

Қадим Юнонистон ҳам фалсафа ўчоқларидан ҳисобланади. Гераклит, Демокрит, Эпикур, Лукресий, Сократ (Сукрот), Платон (Афлотун), Аристотел (Арасту) каби юнон файласуфлари инсоният тарихида ёрқин из қолдиришган. Айниқса, Сукрот, Афлотун ва Арасту Туронда ҳам машҳур бўлишган.

Маълумки, дин ҳам фалсафий таълимотдир, шу билан бирга дин илоҳий таълимот ҳисобланади. Илк ўрта асрларда Ғарбий Оврупода насроний (исовий) дини, Яқин ва Урта Шарқда ислом дини ҳукмрон дунёқараш бўлиб қолади.

Ислом дини 8—9-асрлардан бошлаб бутун Туронга кенг тарқала бошлади ва туркий халқларнинг онги ва турмуш тарзига кенг сингиб кетди. Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино каби туронлик буюк қомусчи олимлар жаҳон ижтимоий-фалсафий тафаккури равнақиға улкан ҳисса қўшдилар. Улар ўз даврларидаги деярли барча фан соҳаларига доир асарлар яратдилар, шунингдек, юнон фалсафий меросини Шарқда кенг тарғиб қилдилар. Бу мутафаккирларнинг таълимоти Ибн Рушд, Умар Хайём, Ибн Холдун, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил ва бошқаларнинг ижодига, айни пайтда, Овруподаги илғор тафаккур ривожига, ҳатто Данте, Байрон, Ҳёте ижодига ижобий таъсир кўрсатди.

Афсуски, шўролар замонида Ўзбекистонда фалсафа фани асосан ҳукмрон коммунистик мафкура тазйиқи остида бўлди ва унга хизмат этди. Уни яна асл мавқеи ва ҳолатига қайтариш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

## ТАСАВВУР

Борлиқ оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларига таъсир қилиб, миёда сақланган ҳосилалари асосида қайта тикланган образи, шунингдек, хаёл суриш натижасида пайдо бўладиган образга тасаввур дейилади. Бир нарса ёки ҳодисанинг сувратини ўйлаб, уни зехнда гавдалантириш, хаёлга келтириш ҳам тасаввур бўлади. Тасаввур ҳиссий билишнинг олий босқичи. Ундаги образлар умумлашган тарзда бўлади. Тасаввур сезги ва идрок билан узвий боғлиқ, лекин улардан анча фарқ қилади. Сезги ва идрок ҳозирги ҳолатга тегишли бўлса, тасаввур айни вақтда ҳозирги ҳолатга ҳам, ўтмишга ҳам тааллуқлидир. Бу айниқса бадиий ижод табиатига ва ижодкорлар фаолиятига хосдир. Бўлмаса, олис-олис замонларни тасаввур қилмай туриб, ўтмиш ҳақида асар ёзиб бўлмас эди.

Тасаввурнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у барқарор эмас, онгда узоқ вақт сақланмай, бошқа янги тасаввурлар билан алмашилиб, ўзгариб туради. Унинг шу хусусиятини фаҳмлаган одамзод уни сақлаб қолиш мақсадида қалам ила қоғозни ихтиро этган. Қаламнинг қоғозга тушган излари ўчмасдир.

## ХОТИРА

Аслида арабча сўз бўлиб, тилимизда хотир ва хотира шаклларида ишлатилади. Кишининг бирор кимса ёки нарса ҳақидаги бирор таассуротни эсда сақлаш, эслаб қолиш қобилиятига хотира дейилади. Инсоннинг ўйлаш, фикрлаш қобилияти ҳам хотирага киради. Бирор киши учун қилинадиган иззат-ҳурмат ҳам хотира ҳисобланади. Марҳумлар эсланса, яроқ хотира бўлади. Хаёли сочилган, фикри тарқоқ кишига нисбатан хотири парижон ибораси қўлланилади. Бирор кимса на нарса ҳақида эсда сақланган таассурот ҳам хотирадир.

Хотира асосан икки туркумга — узоқ муддатли ва қисқа муддатли хотираларга бўлинади. Қисқа муддатли хотира-

лар ҳатто бир сония ичида гавдаланиб, шу ондаёқ эсдан кўтарилиши мумкин. Узоқ муддатли хотиралар эса киши ёдида бир умр сақланиб қолиши мумкин.

У инсоннинг ҳаёт тажрибасидаги мушгараклик, уйғунлик ва барқарорликдан далолат беради. Инсоннинг ўзлиги унинг хотиралари мажмуида мужассам бўлади. Инсон хотираси билан инсондир. Хотирасиз киши эса одамийликдан чиқади.

## ХАЁЛ

Тилимизда “хаёлнинг учқур оти” деган ибора бор. Бу отга миниб, бир зумда олис Амир Темур бобо замонида бўлиш, Навоий ҳазратлари давридаги Ҳиротни кўз олдимизга келтириш ёки келажакка сафар қилиб, ХХI асрдаги буюк Ўзбекистонни кўриш мумкин. Бинобарин, хаёл ҳам руҳий фаолиятнинг бир тури. У ҳаётда инсон томонидан идрок этилмаган тасаввур ҳамда ўйдаги ҳолатларнинг вужудга келишидан таркиб топади. Хаёл муайян ҳиссий тимсолларга ёки борлиқнинг аниқ андозаларига таянади. Хаёл учун замон ва макон борасида чегара йўқ.

Хаёл воқеликдан ҳамisha олдинда юради ва уни олга етаклайди. Кашфиётга олиб келувчи гумон, фараз ва интуиция ҳам хаёлсиз бўлмайди. Бошқача айтганда, хаёл воқеликни моҳиятига кўра умумлашган ҳолда идрок этиш ҳодисасидир.

Кишилар қадим замонларда табиат ҳодисаларининг қудратини эътироф этиб, Қуёш, Сув, Олов каби буюк кучларни хаёл орқали инсонлар, ҳайвонлар, қушлар қиёфасида тасаввур қилганлар. Мавжуд хаёлий тушунчалар ва тимсолларни бутунлай асоссиз, ҳақиқатга хилоф дейиш мумкин эмас. Чунки инсон қадимдан то ҳозиргача хаёл орқали воқеликнинг турли қирраларини ўрганиб келмоқда.

Хаёл оламни билишнинг, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини, ички хусусиятларини ўрганишнинг кучли қуролидир. У инсонга реал ҳаёт ҳодисалари замонидаги моҳиятни, ички алоқадорликни тушунишга, келажакни олдиндан кўришга, юксак идеаллар учун курашишга ҳамда эҳтимол тутилган фалокатларнинг олдини олишга ёрдам беради. Ва аксинча, шуни ҳам эътибордан соқит қилмаслик зарурки, реал замондан, реал шароитдан ажралган, юксак идеалларга зид хаёл инсониятни янглиштириши, тўғри йўлдан чалғитиши мумкин. Буни хомхаёл деса бўлади. Фашизм ана шундай хомхаёлдан келиб чиқиб мамлакати

халқи бошига ҳам, инсониятга ҳам талафот етказди. Коммунистик утопия — хомхаёл ҳам кишилик жамиятига нақадар фалокат етказгани ва ҳамон етказаетгани ҳаммамизга аёндыр.

## ҚОБИЛИЯТ

Кишилар тафаккур бобида турли даражададирлар. Шу даражаларни аниқлаш учун тилимизда лаёқат, қобилият, истеъдод, иқтидор, салоҳият ва даҳо деган тушунчалар мавжуд.

Шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишни муваффақиятли бажаришидаги ўзига хос имкониётларни ифодаловчи индивидуал руҳий хусусиятларга қобилият дейилади. Ҳар бир кишида муайян соҳа бўйича бирор хусусият бошқаларга қараганда нисбатан кучлироқ ривожланган бўлиши мумкин. Ана шу унинг қобилиятидир. Қобилиятдаги хусусиятлар туғма бўлади, шу қобилият эгаси билим олиши, малака ҳосил қилиши орқали уни такомиллаштира бориши ва, аксинча, танбаллик қилиб бора-бора сундириб юбориши ҳам мумкин.

## ИҚТИДОР

Инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан субъектив муносабатига иқтидор дейилади. У шахснинг ўз хулқи ва қилмишларига нисбатан ҳақ эканлигига комил ишончи қатъийлиги натижасида намоён бўлади. Бирор соҳа бўйича лаёқатини онгли равишда сезган одам ўзидаги қобилиятни тўла намоён қилиш учун қатъият кўрсатади. Кучкуватини аямайди ва кутилган натижасига — мақсадига етади, яъни ўзини бор бўйича кўрсата билади, ана шуни иқтидор деса арзийди. Иқтидорли инсонлар ишда мардлик, чидамлик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби хислат ва фазилатларга эга бўлишади, ўз хатти-ҳаракатларига ҳаминча танқидий кўз билан қарайдилар, доимо олға интиладилар, эришган самаралари билан ҳеч қачон чекланиб қолмайдилар. Улар ўз фаолиятлари билан ҳатто баъзи бир камҳаракат катта истеъдод эгаларига қараганда ҳам жамиятга кўпроқ фойда етказадилар.

## ИСТЕЪДОД

Ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиятга истеъдод дейилади. Қобилиятни

тинимсиз меҳнат туфайли тарбиялаш, такомиллаштириш мумкин. Истеъдодни эса тарбия билан вужудга келтириб бўлмайди. Истеъдодда қандайдир интуитив билим ва малакага таяниш мавжуд. Шу жиҳатдан қобилиятли одамлар тинимсиз меҳнат туфайли эришган ютуқларга истеъдодли кишилар кам жисмоний куч сарфлаб эришишлари мумкин. Қобилиятли рассом бир неча кунда ишлаган асарни истеъдодли рассом қисқа вақт ичида яратиши мумкин. Истеъдодли кишининг хатти-ҳаракатини ажодлардан ўтиб келаётган ирсий хотира ҳам тафаккур орқали бошқаради, деган эҳтимол ҳам йўқ эмас. Халқимизда бир оққан дарё яна оқади, деган нақл бор. Аждодида буюк сиймолар ўтган авлод фарзандлари орасида бирор истеъдод эгаси бўй кўрсатиб қолганда, бу ибора тилга олинади ва бу ҳолни табиий деб, шундай бўлиши керак ҳам, деб тушунилади, яъни истеъдод туғма, ирсий неъмат деб ҳисобланади.

Истеъдод эгалари камёб бўлишади, алоҳида-алоҳида олганда уларни танҳо, такрорланмас, дейиш мумкин. Демак, истеъдод эгаси ноёб ҳодиса экан, уларни авайлаш ва қадрлаш зарур. Улар миллатнинг юзи ва маънавий бойлигидир.

## САЛОҲИЯТ

Салоҳият ҳам истеъдоднинг бир тури бўлиб, инсон ўзини муайян тарзда унга келадиган илҳомни қабул қилишга тайёрлагандан сўнг юз берадиган сифатдир. Тасаввуф намояндалари — сўфийлар хонақоҳларда мудом ўтириб, узлатга чекиниб ўзларини ана шу тарзда тайёрлашган. Бундай ақл-истеъдод эгаларини салоҳиятли кишилар дейилади.

Салоҳият сўзи киши ёки жамиятнинг ички имкониятлари, ҳали тўла намоён бўлмаган куч-қуввати маъносида ҳам ишлатилади.

## ДАҲО ВА ДАҲОЛИК

Фавқулодда зеҳн ва заковат, энг юқори ва ҳар тарафлама ривожланган истеъдодга даҳо, унинг соҳибига доҳий дейилади. Даҳолик истеъдоднинг шундай олий чўққисики, у туфайли инсон ҳар қандай шароитда ўзининг хатти-ҳаракатини аниқ ва самарали бошқара олади, энг зарур пайтда энг керакли фикрни айта билади, энг керакли режани амалга ошира олади. Бу ишларни у ҳеч бир зўри-

қишсиз, шошилмасдан, босиқлик, илҳом билан, ички қувонч ва завқ-шавқ билан бажаради.

Инсондаги кучли истеъдод даврнинг талабига мос равишда фаолият кўрсатганда даҳолик вужудга келади. Шу сабабли улуг даврлар, айниқса, ўтиш замонлари даҳоларни етиштиради.

Алишер Навоийнинг ижоди туркий тил ва туркий адабиётда даҳолик деб эътироф этилган.

Даҳоларнинг бутун фаолиятлари ва яратган асарларидан дунёдаги барча халқлар манфаат кўрадилар. Даҳоларнинг номлари боқийдир, то инсоният бор экан, улар халқлар хотирасида яшайверади.

## ХАЛҚ ДАҲОСИ

Ер юзида яшовчи халқлар ранги, ирқи, сонининг кўп ё озлигидан қатъи назар, қадимда ёки яқинда миллат бўлиб шаклланигандан қатъи назар, инсониятга етиштириб берган буюк сиймоларининг кўп-озлиги билан ҳам, умуман эса, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасининг салмоғи ва сифати билан ҳам фарқланадилар. Бу тарихий тараққиёт, тақдир ҳукми ва марҳаматидир.

Даҳолик буюк сиймо фаолиятида ифодаланиб, бу фаолият бутун бир жамият, бирор халқ учунгина эмас, бутун инсоният учун оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлади. Даҳонинг яш қобилияти ва фаолияти бениҳоя юқори даражада бўлади, бебаҳо, ўлмас ва улкан мерос қолдиради. Даҳолар кўп соҳаларда янги даврни бошлаб берадилар, улар яратган маънавий бойликлар тарихда бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Улар одатда қомусий билим эгалари бўлишади, лекин даҳолар кўп соҳаларнинг биттасида куёшдек ярқираб туради. Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, имом Бухорий, имом Термизий ва бошқалар Турон элининг даҳоларидан ҳисобланадилар. Амир Темур давлат қурилиши ва ҳарбий санъатда даҳолигини кўрсатган.

Ўзбек халқи ҳам шундай илоҳий марҳаматга сазовор бўлган маданий миллатлардан биридир. Миллатимиз паспортига, яъни ярқираган манглайига кўпгина даҳоларнинг исм-шарифлари ёзилган. Миллат манглайида битилган даҳолар мажмуидан халқ даҳоси вужудга келади. Ҳар бир даҳо қанчалик буюк бўлмасин, халқ даҳосининг бир бўлаги, бир кўриниши ҳисобланади. Халқ даҳосидан кучли даҳо



йўқдир. Ҳар бир халққа мансуб даҳолардан умуминсоният даҳолиги таркиб топади. Умуман олганда эса, даҳолар бани башарга ялпи тегишлидир.

## ИРОДА

Тарихдан маълумки, барча даҳолар, умуман эса, ўзини шахс сифатида танита олган ҳамма кишилар кучли ирода эгалари бўлишган. Инсоннинг ўз хатти-ҳаракатини онгли равишда тартибга солиш ва кўзланган мақсадни амалга оширишда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш лаёқатига ирода дейилади. Мен шуни хоҳлайман, деган билан иш битмайди. Бу олма пиш, оғзимга туш, дегандек гап, холос. Иродали одам эса мен шу ишни бажаришим шарт, деб ўз олдига вазифа қўяди ва уни амалга оширишга дадиллик ва қатъият билан киришади.

Ирода арабча сўз бўлиб, луғавий жиҳатдан хоҳиш, истак, қасд, мақсад маъноларини билдиради. Диний таълимотга кўра ирода икки хил бўлади. Биринчиси, Аллоҳнинг иродаси, иккинчиси, банданинг иродаси. Аллоҳнинг иродаси доимо инсон иродасидан устун туради. Шунинг учун ҳам одатда инсон кўп нарсаларни истайди, лекин Аллоҳнинг айтгани бўлади. Чунки бандасининг хоҳиш-истаклари, мақсадларининг чегараси йўқ, беҳаду беҳисобдир. Буни тартибга солиб туриш учун ҳам Аллоҳ иродаси зарур. Шу билан бирга диний таълимотда “Сендан ҳаракат — мендан баракат” деган кўрсатма ҳам бор. Шу кўрсатмага комил ишонч ва ихлос билан амал қилган одамлар асло кам бўлмайдилар. Аллоҳ таолонинг даргоҳи кенг, марҳамати улуғдир.

Одам фаолиятининг барча турлари ва ҳар қандай меҳнат кишидан инсоний иродани талаб қилади. Ирода меҳнатда пайдо бўлади ва тобланади. Ироданинг онгдаги фаолияти ҳаракат мақсадини белгилашда, мақсадга эришиш воситалари ва йўл-йўриқларини олдиндан аниқлаб, маълум қарорга келишда ҳамда бу азму қарорни ижро этишда намоён бўлади. Одамда ироданинг қай даражада эканлиги мақсаднинг қандай рўёбга чиқаришида кўринади.

Ирода жараёнларида киши ички ва ташқи тўсиқларга дуч келади. Ички тўсиқлар кишининг ўзига, унинг ички майлларига хос ҳолат. Кишининг ички майлларини енга олиш, ўзини бошқариш ва ўз устидан ҳукмронлик қила билиш лаёқати ички ирода деб аталади. Ташқи тўсиқлар теварак-атрофдаги воқеликда учрайди. Кишининг ана

шундай ташқи тўсиқларни енга олиш лаёқати ташқи ирода деб аталади. Иродавий фаолиятда ташқи тўсиқларни енгиш ички тўсиқларни енгиш билан узвий боғлиқ. Ишни ички тўсиқларни енгишдан бошламоқ зарур, акс ҳолда ташқи тўсиқларгача етиб бўлмайди.

Ўзни тута билишлик, дадиллик, қатъийлик, чидам, тоқат, изчиллик ва шу каби фазилатлар ироданинг муҳим сифатларидир. Ирода кучи шу сифатларнинг қай даражада намоён бўлишига қараб белгиланади. Киши юксак ғоявий тамойилларга асосланган онгли қатъият ва сабот билан ўз ҳаракати йўлидаги тўсиқларни енгар экан, у кучли ирода эгаси ҳисобланади. Ирода ахлоқийлиги шахснинг ўз олдига қўйган мақсади жамият манфаатларига қанчалик мос келиши билан белгиланади. У кишининг феъл-атвори билан узвий боғлиқ, шахснинг шаклланишида муҳим ўрин тутаяди.

## “ОДАМИ ЭРСАНГ...”

### ОДАМ

Одамга нисбатан “Сен одам эмассан” дейишдан ортиқ ҳақорат йўқ. Одам бўлиб яратилганимиз учун фахрланамиз, Халлоқи оламга шукроналар айтамыз. Аллоҳга минг шукурларки, одам маймундан пайдо бўлган, деган уйдирма гаплар ниҳоят барҳам топиб бормоқда.

Ҳазрат Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзмишлар:

Ким кучук бирлан ҳўтикка қанча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, эшпақ бўлур, бўлмаслар асло одами.

Бинобарин, шу фикрни давом эттириб айтадиган бўлсак, маймунга ҳам ҳар қанча тарбият қилингани билан у зинҳор одам бўлолмайди — маймунлигича қолаверади.

Одамни Аллоҳ таоло тупроқдан яратган, деган ақида рост ва бунга ҳар бир мусулмони комил тўла-тўкис ишонади.

“Халқ” сўзини арабчадан ўзбекчага ўтирсак, яратилган деган маънони билдиради. Одам қачон яратилганини унинг Яратгувчиси бўлмиш Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди, бу ёлғиз Ўзигагина аён.

Одам фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ва шулар туфайли бошқа барча мавжудоту махлуқотдан устун турувчи олий зотдир.

Диний ақидага кўра, Одамни Аллоҳ таоло шундай гўзал ва мукамал қилиб яратиб қўйдики, Одамга ўзи ҳам мафтун бўлиб қолиб, фаришта Азозилга Одам алайҳиссаломга таъзим қилишни буюрибди. Азозил эса: “Мен нурдан яратган бўлсам, бу эса тупроқдан яратилган бўлса-ю, нега мен унга таъзим қилар эканман”, деб тақаббурликка берилиб, Аллоҳнинг амрини бажаришдан бўйин товлабди. Шунда

Аллоҳ такаббурлиги учун Азозилни Шайтони лаъин дея лаънатлаб, жаннатдан қувиб юборишга амр этибди. Лекин Шайтон шайтонлик қилиб, Аллоҳга ёлвориб сўрабди: “Менинг маконим, масканим Одамнинг қон томирида бўлса...” Аллоҳнинг даргоҳи кенг эмасми, Шайтоннинг бу илтимосини қабул этибди. Одамзоднинг баъзан шайтон васвасаларига берилиб қолиш ҳоллари мана шундандир.

Одамзоднинг Ер юзидаги инсоний вазифаси яхшилик қилишдир. Унинг ижтимоий моҳияти ана шунда. Беш қўл барабар бўлмаганидек, одамлар ҳам ҳар хил бўлади.

“Одам борки, одамларнинг нақшидур,  
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидур”,

деган халқ ҳикмати бежиз айтилмаган.

## ИНСОҢЛИК ШАРАФИ

Одамнинг бошқа жонзотлардан фарқи нимада?

Одамда хотира бор, арвоҳ хотири қилиб, ўтганларни эслаб туради.

Одамда фаросат бор, тез ва тўғри фаҳмлаб олади. “Олдига қўйганни емоқ ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демоқ тентакнинг иши”, дейдилар Алишер бобомиз.

Одамда тасаввур бор, ҳаёлига ниманингдир ёки кимнингдир сувратини келтира олади.

Одам ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бора олади. Масалан, тоза билан пок тушунчалари ўртасида катта фарқ бор. Кўринишдан тоза туюлган нарса пок бўлмаслиги, аслида пок бўлмиш нарса топ-тоза кўринмаслиги ҳам мумкин. Буни англай олиш учун Одамда мантиқ қудрати бор. Одам моҳиятига қараб иш тутади.

Одам ибодат қилади.

Одам кийинади, ўзига оро бериб юради, зеб-зийнатнинг қадрига етади.

Одам ифратни қадрлайди. Бу бутун одамзотга хос фазилатдир.

“Қиз боланинг жамики бойлиги — унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир”, дейди Вильям Шекспир.

Одамда севги бор, ҳайвонда эса — ҳирс.

Алишер Навоий ёзмишлар:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демэки жон бўлмасун.  
Иккинч ул танки, акинг жони йўқ,  
Ҳусни нетеун кишиким они йўқ.

Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошлаб, севмаган ёки севилмаган одам бўлмаган бўлса керак. Севги-муҳаббат ҳақида ёзмаган қалам аҳли топилмаса керак. Одамда икки дунё бор. Бири моддий дунё, иккинчиси — маънавий. Энг асосий фарқ ҳам ана шундадир.

## ШАХС

Аввало ижтимоий деган иборага қисқача тўхтаб ўтишни жоиз кўрамыз. Чунки шахс ва ижтимоий тушунчалари бир-бирига боғлиқдир. Кундалик турмушда ижтимоий, ижтимоий борлиқ, ижтимоий онг, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва шу каби ибораларга кўп дуч келамиз. “Ижтимоий” атамаси арабча “ижтимоъ” сўзидан яралган бўлиб, кишилиқ жамиятига, унинг ҳаёти ва қонуниятларга тегишли нарсани билдиради. Ижтимоъ деганда эса кишиларнинг йиғилиши, тўпланиши тушунилади. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

Анда Мажнун мен бу ён, Лайли сен этгач ижтимоъ,  
Бир тараф девоналар, бир ён пари рухсоралар.

**Ижтимоий гуруҳ** дейилганда кишиларнинг қайси табақага тегишли эканлиги (ишчи, деҳқон, зиёли, тадбиркор ва ҳоказолар), ижтимоий келиб чиқиш дейилганда, кишининг насл-насаби тушунилади.

**Ижтимоий тарбия** деган ибора мавжуд мафкура руҳида берилган ёки берилаётган тарбияни билдиради. Кишиларнинг жамиятдаги фаолияти билан боғланган, жамиятга, жамоатчиликка оид нарсалар ҳам “ижтимоий” калом билан англашилади. Масалан, ижтимоий ҳаракат, ижтимоий фикр деймиз.

Жамиятнинг сиёсий, маданий, ижодий, маънавий, маърифий ва бошқа эҳтиёжлари учун ихтиёрий, лекин онгли равишда хизмат этиш билан боғлиқ нарсаларда ҳам ижтимоий маъноси зухур этади. Ижтимоий ташкилот, ижтимоий таъминот, ижтимоий топшириқ, ижтимоий ишлар кишиларнинг онглилик даражасини билдирувчи омиллардандир. Умумга тегишли мулкни ижтимоий мулк, кўпчиликнинг кучи билан биргаликда қилинадиган ишни ижтимоий иш деймиз. Масалан, ҳашарда ўзбекнинг миллий қиёфаси муайян даражада кўринади.

**Ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг** жамият ҳаётининг ўзаро боғлиқ моддий ва маънавий томонларидир. Ижти-

**мой борлиқ** деганда жамиятнинг моддий ҳаёти, моддий бойликлар яратишдаги кишиларнинг ўзаро муносабатлари тушунилади. **Ижтимоий онг** тушунчасига эса жамиятнинг маънавий ҳаёти, ижтимоий гоя ва назариялар, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадий, фалсафий қарашлар, илмий ва диний тушунчалар киради. Маънавий ҳаёт жамият тараққиётини, кишилар фаолиятини белгилайди.

Ижтимоий онг сиёсий мафкура, ҳуқуқий онг, ахлоқ, фан, санъат, меъморчилик, фалсафа ва бошқа шаклларда ўз ифодасини топади. Ҳар бир онг шакли воқеликнинг маълум томонини акс эттиради. Масалан, сиёсий мафкурада миллат ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар акс этади, ахлоқда кишиларнинг бир-бирига ва жамиятга муносабатларини билдирувчи одоб, хулқ меъёри ва қоидалари акс этади, фанда табиат ва жамиятнинг муайян қонунлари ўз аксини топади, динда руҳоний турмуш ҳақида сўз боради ва ҳоказо.

Ижтимоий онг шакллариининг инъикос асоси турлича эканлигидан ташқари уларнинг ўзига хос инъикос эттириш усуллари ҳам мавжуд. Масалан, адабиёт ва санъатда воқелик бадий образлар (дилида ниманингдир ёки кимнингдир сувратини келтириш, тасаввурдан тасвирга ўтиш) орқали, фанда эса билим ва тушунчалар орқали акс эттирилади.

Ахлоқ, санъат, адабиёт, фан каби ижтимоий онг шакллари жамиятнинг ҳамма даврлари учун, абадул-абад, яъни то қиёмат зарур бўлиб, аҳамияти узлуксиз ортиб бораверади. Маънавиятсиз кишилиқ турмуши йўқдир.

**Шахс** — жамиятдаги алоҳида бир киши, одам. Лекин одам шаклидаги ҳар бир мавжудотга нисбатан шахс иборасини қўлаб бўлмайди. Кўзга кўрингани, намоён бўлгани учун инсонни башар, инсониятни эса башарият дейдилар. Жисм эгаси бўлмиш ҳар бир башар шахс даражасига кўтарила олмаслиги ҳам мумкин.

Фалсафада индивид деган атама ва тушунча бор. Лотинча индивидуум деган сўздан келиб чиққан, бўлинмайдиган деган маънони англатадиган бу атама мустақил яшайдиган тирик вужуд, ҳар бир шахс, ҳайвон ва ўсимликни билдиради.

**Индивидуал онг** — айрим шахснинг онги, давр, замон, миллат, индивидуал турмуш таъсирида шаклланган шахснинг маънавий дунёси. Индивидуал онг ижтимоий онг билан узвий боғланган, чунки ҳар бир шахс муайян жамиятда муайян муҳитда яшайди, шунинг учун унинг онги

ижтимоий онгнинг ифодасидир. Аммо индивидуал онг ижтимоий онгдан ажралмас бўлса-да, ҳар доим ҳам ижтимоий онгнинг бир бўлаги бўлавермайди.

Ҳар бир шахснинг воқеликни идрок этиши, уни қабул қилиши, маълум билимлар тизимига эга бўлиши ижтимоий тараққиёт билан изоҳланса-да, унинг ўзига хос томонлари мавжуд. Буни кишиларнинг билими, хулқи, одоби ва бошқа хусусият ва фазилатларининг ҳар хиллигида кўрамиз. Ўз навбатида индивидуал онг ижтимоий ҳаётни таҳлил қилишда, тарихда шахснинг роли ва ўрнини аниқлашда, таълим-тарбия масалаларини тўғри ҳал қилишда катта аҳамиятга моликдир. Бу фикрга далил сифатида туркий-ўзбек давлатчилиги тарихидан бир қатор мисоллар келтирамиз: Маҳмуд Ғазнавий Абу Райҳон Берунийдек олимларга етарли шароит яратди. Хоразмшоҳ Маъмун Хоразмда дорулҳикма — академия очди. Амир Темур Турон — Туркистонни мустақилликка олиб чиқди. Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни дўстона ҳимоя қилди. Ўз навбатида Алишер Навоий ҳам Ҳусайн Бойқарога Хуросонда 38 йил ҳукмронлик қилишига кўмаклашди.

Абдуллахон II XVI асрнинг иккинчи ярмида Туркистон равнақига катта ҳисса қўшди. Абдулғози Баҳодирхон Хоразмда туркий тилдаги тарихнависликни равнақ эттирди. Умархон Қўқон адабий муҳитини кучайтирди. Ислом Каримов бир ярим асрлик танаффусдан сўнг ўзбек давлатчилигини қайта тиклади.

Хуллас, шахс такрорланмас тарихий ҳодисадир. Шахс нимаси биландир ажралиб турувчи, ўз маънавий қиёфасига эга одамдир. Бир миллатга мансуб шахслар қиёфасидан миллат қиёфаси шаклланади. Лекин шахслар миллат тақдирида салбий ва ижобий ўрин тутишлари ҳам мумкин. Бу уларнинг маънавиятига боғлиқ. Бунга яқин ўтмишимиздан мисол қилиб, 1983 йилнинг кузидан 1989 йилнинг кўклами оралигида Ўзбекистон раҳбариятига тасодифан чиқиб қолган, балки атайин чиқарилган маъмурларнинг фаолиятини келтириш мумкин.

## СИЙМО

Демак, шахслар ўз фаолияти моҳиятига кўра икки хил — салбий ва ижобий бўлар экан. Барча таниқли, атоқли ва ҳатто машҳур тарихий шахсларни ҳам сиймо деб бўлмайди. Бунда уларнинг умуман инсониятга, хусусан ўз миллатига қилган хизматларининг моҳияти мезондир. Маса-

лан, Адольф Ҳитлер тарихий шахс, у номи тарихда қолган кимса, лекин сиймо эмас.

Сиймолар Бани Одамни одамий қилиб келаётган, Инсониятни инсоний қилиб, наслдан наслга, авлоддан авлодга ўтказаятган, яхшининг ёмон устидан, эзгуликнинг ваҳшийлик устидан, ҳиснинг ҳирс устидан, гўзалликнинг хунуклик устидан, назокатнинг дағаллик устидан, виждоннинг жигилдон устидан, доноликнинг жаҳолат устидан, вафонинг бевафолик устидан, субутнинг бебурдлик устидан, садоқатнинг хиёнат устидан, иймоннинг эътиқодсизлик устидан, диннинг хурофот устидан ва ҳоказолар устидан ғалабасини таъминлаб келаётган покиза руҳли буюк зотлардир.

## АЖДОД ВА АВЛОД

Аждод ва авлод — бир бутуннинг икки бўлаги. Бири жисмонан марҳум, иккинчиси тирик. Лекин баъзилар: “Аждоду авлодларимиз ундай қилишган, бундай қилишган”, деб бу тушунчаларни қориштириб юборишади. Аждодлар деганда эндиликда раҳматли бўлиб кетган ота-боболаримизни, авлодлар деганда уларнинг бутунги наслларини тушунмоқ керак. Аждодсиз авлод йўқ, авлодсиз аждодларнинг давомийлиги узилиб қолади. Шунингдек, авлод деганда туғилажак фарзандларни ҳам назарда тутиш мумкин. |

Исломгача кечган даврларда туркий халқларда аждодларга сифиниш одати бўлган. Диёримизда ислом дини қатъий қарор топгач, бу удум ўрнини арвоҳ хотирлаб, Куръон оятларидан тиловат қилиш, дуойи фотиҳа ўқиш, ис чиқариш, хайр-садақа қилиш ва шу кабилар эгаллаган. Ҳозир халқимиз аждодлари руҳига сизинмайди, балки уларнинг буюк ишларини эслаб, ифтихор туйғуларини туяди. Исломда одам одамга сифинишига йўл берилмаган, ёлғиз Аллоҳ таологагина сажда қилинади.

| Моддий-маданий ва маънавий меросдан ташқари кўҳна қабристонлар ҳам аждодларимиз турмуш тарзини ўрганишда асқотиши мумкин. |Бир мисол: тоғ бағридаги эски бир қабристонни сел олиб кетганда учта мазор очилиб қолган. Бирида жангчи устухони — ёнида дубулға, совут, қалқон, қилич, ўқ ва ёй, иккинчисида аёл кишининг устухони — ёнида тиллақош, биллагузук, сирға ва узуклар. Учинчисида эса олти-етти яшар болакайнинг устухони, унинг жажжи бармоқлари ёнида тўртта ошиқ — чикка,



пукка, това ва олчи тарзида ётарди. Демак, болакай тирикчилигида ошиқ ўйнашга ишқивоз бўлган, шу сабабли уни севган нарсаси билан бирга дафн этишган.

Ҳа, мозийни ўрганишда, аждодларимиз турмуш тарзини кўз олдимизга келтиришда ашёлар ва воситалар жуда кўп. Фақат теран тафаккур, кунт ва ҳурмат бўлса бас.

## УРУҒ

Тарихдан илгари десак, балки хато бўлар, жуда қадим замонларда бир ота-онадан тарқалган қон-қардошларнинг уюшуви натижасида шаклланган жамоа уруғ дейилади. Тирикчилик ташвиши ва ташқи душманлардан сақланиш истаги кишиларнинг қон-қардошликка асосланган бирлашувини тақозо қилган. Шу йўл билан кишиларнинг тенг-ҳуқуқлилиги, асосий ишлаб чиқариш қуролларининг умумий мулкчилиги, жамоа меҳнати ва истеъмол қилишнинг умумийлиги таъминланган, никоҳ ва диний маросимлар тартибга солиб турилган, жорий урф-одатлар бузилганда, айбдорлар жазоланган. Аждодларимиз ўтга сиғинган кезларда ҳар бир уруғга Ўтоға етакчилик қилган, унинг зиммасига ибодатхонадаги доимо ёниб турувчи ўтнинг сўниб қолмаслиги масъулияти ҳам юкланган, ҳозир бу сўз “ўтоғаси” шаклида тилимизда учраб туради.

Киши учун ўз аждодларининг кимлигини билиш мақсадида қайси уруғдан эканини аниқлаш айб эмас. Лекин қариндош-уруғчиликка муккасидан кетиб, фақат ўз уруғларининг гамини еб, улардан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланиш эндиликда ижтимоий иллат ҳисобланади. Бу миллатни жипслаштирмайди, балки заифлаштиради, тараққиётга тўсиқ бўлади. Ривожланган миллатларда бундай иллатларга аллақачон барҳам берилган, одамнинг қайси уруғдан келиб чиққанига қараб эмас, қандай фазилатлари борлигига қараб баҳо берилади, қадрланади.

## ҚАБИЛА

Кўпинча уруғ ва қабила иборалари бир маънода ишлатиб келинмоқда, бу унчалик тўғри эмас. Лоақал атама сифатида бу икки сўзнинг маъносини алоҳида-алоҳида белгилаб, аниқлаб қўйсак ёмон бўлмас. Бизнингча, қабила қон-қардош, тилдош ва диндош бир печа уруғнинг уюшмасидир, шунингдек, бир уруғ табиий равишда кўнайиб, атрофидаги ўзидан ожиз уруғ ва уруғларни бўйсундириб,

Ўз таркибига сингдириб юбориши оқибатида қабила тарзида шаклланган ҳам бўлиши мумкин.

Қабиланинг уруғдан асосий фарқларини шундай белгилаш мумкин: у уруғларга бўлинишидан ташқари ўз худудига, ягона қабилавий (шева) тилига, қабила кенгашига ва ҳарбий бошлиғига эга бўлган. Қабилалар кишиларнинг овчилик ва кўчманчи чорвачилик билан бирга деҳқончилик ва ибтидоий темирчиликка ўта бошлаган кезларида вужудга келган бўлса керак. Ақлий табақаланиш мулкий табақаланишга олиб келган. Кишилик жамиятида ҳамиша шундай бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Туркий халқлар ҳам уруғчилик ва қабилачилик даврини босиб ўтишган. Қарашлари, савиялари, назарий билимлари шўролар даврида рус ва Оврупо тарихчилари ёзган китоблар таъсирида шаклланиб қолган тарихчиларимиз “Ўзбек халқи 92 уруғ (қабила)дан ташкил топган” деб таъкидлашади. Бизнингча, бу аниқ маълумот эмас. Чунки улар XVIII асрда тузилган “Тарихи Муқимхоний” китобида ва шоир Турди Фароғий шеърида келтирилган 92 рақамини асос қилиб олишади.

Маълумки, “Тарихи Муқимхоний”да фақат Бухоро хонлиги худудида яшовчи қабилалар тилга олинади. Турди ҳам шу диёрдаги туркий қабилаларни назарда тутади. Ваҳоланки, Бухоро хонлигининг худуди Туркистоннинг бир бўлагини ташкил этарди, ундан ташқари Хева хонлигида, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, “Мамлакати Ўзбекия” — Дашти қипчоқда, Еттисув, Олтой, Қофқозда ҳам туркий қабилалар яшарди, булар “Тарихи Муқимхоний”га кирмай қолган, Турди Фароғий эса буларни назарда тутмаган. Бизнингча, қозоқлар ўтмишда 300 дан ортиқ, туркманлар 100 дан ортиқ қабилаларга бўлинган экан, ўзбек қабилалари 92 тадан анча кўп бўлган, деб айтиш мумкин.

## АЙМОҚ

Тилимизда “Уруғингдир-аймоғингдир ёки бирорта маймоғингдир”, “Фалончи серуруғ, уруғ-аймоқлари кўп” деган иборалар тез-тез учраб туради. Бунда бир худудда яшовчи қариндош оилалар тушунилади, уруғ ва аймақ сўзлари бир хил маънода қўлланилади.

Аймақ атамаси қалмоқ, бармоқ, тармоқ, маймоқ каби қадим туркий сўзлардан бўлиб, бугунги кунда Бурятиястон ва Олтой ўлкаларида кичик маъмурий худудлар — туман

маъносида ишлатилади. Бу сўз мўгул тилида ҳам бўлиб, нисбатан каттароқ маъмурий-худудий бирликни билдиради.

XV—XVI асрларда Фарғона водийсида, Қашқадарё воҳасида яшаган туркий қабилалардан бири аймоқлар эди. Асрлар ўтиши билан улар ўзбек миллати таркибига сингиб кетишган. Фақат кичик бир бўлаги асримиз бошларигача ўз номларини сақлаб келишган. 1924 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Қашқадарё вилоятида 4 мингга яқин киши ўзини аймоқ деб кўрсатган.

Аймоқ атамаси туркий қабилалардан бирини билдиришдан ташқари бир қанча қabila ва уруғлар иттифоқи маъносига ҳам эга. Бу Жанубий Туркистон — ҳозирги Афғонистоннинг шимолида яшовчи ўзбекларга тегишлидир. (Масалан, шимолий афғонистонлик ўзбек олими ва адиби Файзулла Аймоқ “Халқ ижоди дурдоналари” номи китоб ёзган.) Бу ердаги аймоқлар таркибига форс тилида гапирувчи айрим аҳоли ҳам киради. 1959 йилги аҳоли рўйхатига кўра Афғонистонда 50 минг, Эронда 30 минг аймоқлар яшаган. Орадан салкам 40 йилча вақт ўтиб қолди, табиий ўсиш бўйича олганда ҳам уларнинг сони ҳозир анча кўпайган бўлиши керак. Шуниси диққатга сазоворки, Жанубий Туркистонда қадим замонлардан бери яшаб келаётган туркий қатағон, барлос, жалойир, элбек каби туркий қабилалар аймоқлар таркибига кирмай, ўзларини тўғридан-тўғри ўзбек халқига мансуб деб биладилар. Кўринадики, аймоқ атамаси элат билан халқ ўртасидаги бир тарихий тузилма маъносини билдиради экан. Энди сўз эл ва элат хусусида боради.

## ЭЛ

Эл энг қадимги туб туркий сўзлардандир. Аввало бир жойнинг одамлари маъносини билдиради: Хоразм эли, Қашқар эли. Бир қабиллага мансуб кишиларга қўлланилади: қипчоқ эли, маңғит эли. Эл сўзи миллат, халқ маънолариши ҳам ифодалайди. Илгари “Эл байроғи” газетаси ҳам чиққан. Юрт, мамлакат маъноларида ҳам қўлланилади. Масалан, қозоқ эли деганда қозоқ халқини ҳам, Қозғистонни ҳам тушуниш мумкин. Ёки бўлмаса, чет эллар деганда, хорижий халқларни ҳам, хорижий мамлакатларни ҳам англаш ва англаштиш мумкин.

Эл иборасида, шунингдек, иттифоқ, тотувлик, аҳиллик маънолари ҳам бор. Эл ёвнинг зиддидир. “Эл бўлди”,

деганда дўстлашди, бирлашди маъноси англашилади. Элнинг ана шу мазмунидан элат атамаси келиб чиққан.

## ЭЛАТ

Элат атамаси, энг аввало, қабилалар иттифоқини, кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлигини билдиради. Уни халқнинг миллат бўлиб шаклланишидан олдинги босқичи деб ҳам атайдилар. Элатнинг келиб чиқишига бир-бирига кўп жиҳатдан яқин бир неча қабилаларнинг уюшуви асос бўлган. Кишиларнинг элат-элат бўлиб, бир ҳудудда яшашлари улар орасидаги қон-қариндошлик, умумий манфаатдорлик ҳис-туйғуларини кучайтирган. Умумий манфаатдорлик ҳисси ва уни ҳимоя қилиш масъулияти давлатни вужудга келтирган. Нисбатан марказлашган дастлабки давлатлар қадимги Миср, қадимги Бобил, қадимги Туронда ва бошқа жойларда пайдо бўлган. Сайёрамизнинг бошқа жойларида, жумладан, Фарбий ва Шарқий Оврупода элатлар ўрта асрларда шакланган. Дунёда бундай жараёнлар давом этаётган мамлакатлар ҳозир ҳам бор. Шунинг учун бўлса керак, жонли сўзлашув тилида миллат ва элатлар деган иборалар ишлатиб турилади. Кўпинча элат деганда камсонли, маданий-маърифий, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан нисбатан кам ривожланган халқлар тушунилади.

Элат бўлиб шаклланишнинг бир неча шакллари бўлган ва ҳозир ҳам шундай.

Тил жиҳатидан бир ёки ўзаро яқин қабилаларнинг уюшуви элат бўлишнинг асосий шаклидир. Бу айниқса туркий элатларнинг кўпчилигига хос. Масалан, ҳозирги уйғур халқининг шаклланишида бошқа туркий қабилаларнинг иштироки кам. Қирғиз халқи қадим Сибирияда — Онасой (Енисей) бўйларида яшаган, ўшанда ҳам, ҳозир ҳам ўзларини фақат қирғиз деб билувчи аждодларининг авлодларидир. (Бу дарёни Енисой, яъни Янгисой деювчилар ҳам бор.) Шу билан бирга улар Онасой қирғоқларидан жанубга, Марказий Осиёга — Хонтангри (бу туркий сўз, хитойлар уни ўз тилларига таржима қилиб, Тяньшян деганлар, аслида икки ном бир маънони — Улуғ тоғ, муқаддас тоғ маъносини билдиради, шу сабабли туркийча атадик) ва Помир тоғлари яқинига кўчиб келгач, улар таркибига, оз бўлса-да, қипчоқ қабилаларининг вакиллари кирган.

Бир қабиланинг бошқаси томонидан истило қилиниши натижасида, бир неча қабила аралашиб, элат пайдо

бўлган. Масалан, фаранг элати галл ва олмон қабилалари, румоликлардан иборат тарзда шаклланган.

Этник унсурлардан бирининг тили умумий тилга, қолган аҳолининг тиллари аввалига шева тарзида сақланиб, кейин-кейин эса умумий тилга бирлашиб кетган ҳоллар ҳам тарихда бор. Қудратли аждодларимиздан бўлмиш ўғузлар Онадўли ва Рум эли (Туркиянинг Овруподаги ҳудуди)даги кўпгина туркий қабилалар ва бошқа аҳолига таъсир этиб, уларни бирлаштириши натижасида ягона ном, ҳудуд, маданий ва ҳўжалик жиҳатидан умумийлик — Туркия мамлакатини ва усмонли турк тилини яратганлар.

Рус элатининг шаклланишида славян қабилалари билан бирга уларга қўшни бўлган, ирқи, тили ва ҳаттоки дини тамоман бошқа-бошқа халқлар ҳам зўравонлик ва тазйиқ остида, жисмонан сақланиб қолиш учун қатнашишга мажбур этилган. Булар асосан туркий ва угро-фин халқлари, Шимолий ва Узоқ Шарқ ўлкаларида, Сибирида яшовчи кам сонли халқлардир. Рус элатини миқдоран кўпайтириш учун шундай ашаддий зулм-истибод қилинганки, Москва давлати томонидан Қозон хонлиги босиб олингач, тили, дини, маданияти, урф-одати бутунлай бошқача бўлган татар халқининг катта бир бўлаги Ока ва Кама дарёлари, Итил (Волга) қирғоқларига ҳайдаб келиниб, чўқинишга — мусулмонликдан насронийликка ўтишга мажбур этилган. Кимки бутта чўқинмаса, сувга чўктириб юбориш дағдағаси билан кўрқитилган. Жони ширин туюлиб, шундай қилганлар ҳам бўлган. Булар мишарлар дейлади. Уларни айблаб бўлмайди. Ислом таълимоти бўйича, золимнинг зулми қаршисида Худо берган ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида дилида иймонини сақлаб қолиш шарти билан, тил учуда душманининг айтганини қилишга рухсат этилган.

1926 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатида собиқ Иттифоқда 230 дан ортиқ миллат ва элат яшайди, дейилган бўлса, 1959 йилги аҳоли рўйхатида бу рақам 129 тага тушиб қолган. Демак, 100 дан ортиқ элат, асосан кам сонли халқлар ўз миллий қиёфаларини йўқотиб, кўп сонли халқнинг миқдорини оширган. Шўровий мафкура “ўз ривожланишига кўра орқада қолган кўпгина элатлар, асосан майда элатлар, миллатга айланмаслиги ҳам мумкин. Улар вақт ўтиши билан иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалган бошқа элат ва миллатлар билан яқиндан алоқа қилишга ўтиши натижасида илғор халқнинг маданияти, тилини ўзлаштиради ва аста-секин ўша миллатнинг тар-

кибига сингиб кетади”, деб фатво берарди. Бу кўчирмани ўзимизда чоп этилган Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 13-жидидан келтирдик. Уни бошқа бировлар эмас, ўз “олим”ларимиз ёзганига эндиликда ишонгимиз келмайди. Бунда “юксалган, илғор халқ” деганда руслар, тил деганда рус тили назарда тутилган, албатта. XVI асрнинг ўрталарида, яъни Иван Грозний замонида бошланган бундай сиёсат совет даврида ҳам пинҳона давом эттирилди. Шуниси қизиқки, қаердаки миллий уйғониш юз бериб, миллий мустақиллик талаб этилса, шу халқни, шу халқ раҳбарларини сепаратизмда айблаш мустамлакачиларга хос усулдир. Аслида лотинчадан олинган бу атама ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга ингилиш маъносини билдиради. Владимир Ленин “Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи” деган асарида “Ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлиги тарафдорларини сепаратизмга йўл очиб берувчилар деб айблаш риёкорликдир” деб ёзган бўлсада, ҳокимият тепасига келгач, халқлар турмаси бўлмиш чор Россиясидаги мустақилликни талаб қилган биронга миллатга ҳурлик бермай, бебурдлик қилиб, риёкорнинг ўзгинаси бўлган эди.

Ажралиб чиқишда ҳам ажралиб чиқиш бор. Масалан, бир бутун мамлакатнинг бир вилояти ажралиб чиқишни истаса — бу сепаратизм бўлади, бу ҳаракатнинг тепасида турганларни сепаратчи деса арзийди. Бундай ингилишларни соғлом фикрли ҳеч бир киши оқламайди ва ёқламайди. Бу мамлакатнинг яхлитлигига раҳна солади, бир халқни пароканда қилади. Лекин тили, дини, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган, ўз ватанига эга бир халқнинг мустақилликни истаб, ҳукмрон миллат исканжасидан ажралиб чиқиши асло сепаратизм эмас.

Кўп сонли элатлар томонидан кам сонли элатларни ўзига сингдириб юборишнинг яна бир тарихан синалган йўли бор. У ҳам бўлса шуки, мустамлакаларига ҳукмрон миллат вакилларини кўплаб кўчириб бориб ўрнаштирилади, ниятлари — кам сонли аҳоли кўп сонли аҳоли орасига аралашиб, ўз миллий қиёфасини йўқотсин. Бир мисол: агар Латвия Республикасида 1940 йилда латишлар умумий аҳолининг 95 фоизини ташкил этган бўлсалар, ордан ярим аср вақт ўтар-ўтмас, 1988 йили бу рақам 49 фоизга тушиб қолди. Латиш халқининг ўз ватанида миллий қиёфаси йўқолиб кетишига жиддий хавф туғилди. Бунинг устига, Марказ 2000 йилгача белгиланган иқтисодий режаларда Болтиқбўйида, жумладан, Латвияда шундай ул-

кан корхоналар қуришни мўлжалладики, буларни бунёд этиш ва ишчи кучи билан таъминлаш учун ташқаридан яна юз минглаб тили, маданияти, дини ёт бўлган аҳолини кўчириб келтириб, ўрнаштириш лозим эди. Бу хавфдан зўр ташвишга тушган латиш, литва ва эстон зиёлилари миллий мустақиллик байроғини собиқ Иггифоқ миқёсида биринчилардан бўлиб далил кўтариб чиқдилар, парламент йўли билан, босиқлик, вазминлик, ақл-заковат йўли билан иш тугдилар ва деярли қон тўкмай миллий мустақилликка эришдилар.

Демак, элат ўз қиёфасини сақлаб қолиши учун ҳам, равнақ эга бориб, миллат даражасига етиши учун ҳам ўз давлатига эга бўлиши шарт экан. Ўз давлатисиз элат йўқ. Бўлса-да, элат шаклида узоқ яшолмайди, ҳукмрон элат уни ўзига “ютиб” юборади.

Дунёдаги баъзи мамлакатларда шундай бўлаётир. Нисбатан кам сонли халқ юртига юз минглаб ҳукмрон миллат кишилари узлуксиз кўчириб келтирилмоқда. Бунда қон тўкилмайди, балки қон ўзгартирилади. Миллий қиёфа йўқотилади. Миллат аҳолига айланади, манкуртлик юз беради. Унисидан буниси даҳшатлироқдир. Бундай воқеаларга ҳушёр қараш, миллий мустақилликни авайлаш ва мустаҳкамлаш зарур.

## ХАЛҚ ВА АҲОЛИ

Хўш, халқ нима? Халқ билан аҳоли ўртасида фарқ борми? Фарқ бўлса, у нималардан иборат? Ибтидоий жамоа даврида аҳоли билан халқ тушунчалари ўртасида фарқ бўлмаган, деб ёзган файласуф ва тарихчилар ҳам бор. Хўш, кейинги даврларда қандай бўлган? Ҳозир-чи? Булар жиддий, давлат ва миллат тақдирида катта аҳамиятга молик саволлар, уларга жавоб бериш ҳам осон эмас. Шундай бўлса-да, олим сифатида эмас, қаламкаш сифатида жавоб беришга ҳаракат қилиб кўраимиз.

Зотан, мамлакатимиз тарихи ва бутуни ҳақида сўз юритар эканмиз, масалага ҳар томонлама ва чуқур ёндошишимиз зарур. Одам онгида томонлар олтига: ўнг, сўл, олд, орқа, уст ва ост деб белгиланган экан, рамзий маънода шуларнинг бирини осмон — руҳият, иккинчиси ерни — борлик, учинчиси ўтмишни — аждод, тўртинчиси келажакни — авлод, бешинчиси ўнгни — тасаввур ва олтинчиси сўлни — тасаввурнинг ифодаси бўлмиш тасвир, ақлий ва жисмоний меҳнат деб талқин қиламиз.

Дунёда шундай эски ва янги давлатлар борки, тузилганидан буён ҳали бирор марта ҳам мамлакатда аҳоли рўйхати олинмаган. Ваҳоланки, мамлакат халқи билан унинг аҳолиси ўртасидаги тафовутни аниқлашнинг асосий воситаси умумий аҳоли рўйхатини ўтказишдир. Бундай тадбирнинг илк ватани кўҳна Шарқдир. Аждодларимизнинг ақл-заковати шунда ҳам кўринадик, бундан 2000 йиллар илгари ҳам Туронда вақти-вақти билан аҳоли рўйхатдан ўтказиб турилган. У пайтлари қўлга қалам-дафтар олиб эмас, кўплаб саволлар ёзилган варақалар тарқатиш билан эмас, юрт ҳимояси учун яроқли ва қуролли аскарларнинг сони, бўйсира бўлиб келаётган ёш авлоддан яқин йилларда яна қанча кўшин тушлаш мумкинлиги аниқланган. Отта мина оладиган, қўлида қурол-яроғ тута оладиган ҳар бир ўспирин ҳам ҳарбий хизматга яроқли ҳисобланган. Чунки туркий кўшинда ҳар 10 нафар аскарнинг 8-9 таси отлиқ бўлган, ҳатто баъзан, узоқ сафарларга отланилганда, ҳар бир отлиқнинг ёнида бир-иккитадан захира арғумоқлари бўлган.

Темурийлар, бобурийлар замонида мамлакат раиятининг табақаларини аниқлаш (мулкдорлар камайиб кетмаяптими, савдогарлар озаймаяптими, мударрису талабалар қанча эди-ю, ҳозир қанча, ҳунармандчиликнинг аҳволи қандай, зироатчилик ўсяптими, ер-сув қаровсиз қолмаяптими ва ҳоказолар), давлат хазинасига тушумни ҳисоблаш, дайдилар — тиланчи, бекорчи ва йўлғусарларни билиш мақсадида ўзига хос рўйхатта олишлар бўлган. Шу тадбир натижаларига қараб, келгуси вазифалар белгиланган, бугунги ибора билан айтсак, давлат бюджети ва истиқбол режалари тузилган. Амир Темурнинг: “Мамлакатим худудида тиланчилар бўлмасин, меҳнатга яроқсизлар нафақа билан таъминлансин, ишга яроқдилар меҳнат қилиб тирикчилик ўтказсин, ишқўмаслар меҳнатдан бўйин товлаб, гадойчилик қилсалар, Туркистондан чиқариб юборилсин”, деган кўрсатмалар бергани бизга тарихдан маълум. Тиланчилик қилиш ишон учун нақадар ор-номус экани халқимизнинг қон-қонига шунчалик сингиб кетган эканки, Октябрь тўнтарыши ва ундан кейинги қатағонлар оқибатида Туркистондан бош олиб кетган ватандошларимиз ва уларга бағридан жой берган хорижликларнинг эътироф этишларича, оғир кулларда ҳам юртдошларимиздан биронгаям гадой чиқмабди, то ўзларини тутиб олгунларигача қашшоқ яшасалар-да, ҳалол меҳнат қилиб тирикчилик ўтказишибди. Тиланчиликка қўл урмаслик миллат қиёфасини кўрсатувчи фазилатлардан бири десак, адашмаймиз.



Бухоро, Хева ва Қўқон хонликларида ҳам аҳолини рўйхатга олишлар бўлган. Буларда солиқ тўловчиларнинг умумий сони, аскарликка олинганлар, солиқ йиғиб олинган хонадонлар ва ҳали солиқни тўлашга улгурмаган ва умуман солиқни тўлашга қурби етмай қолганларнинг миқдори аниқланган. Агарда табиий офатлар — қурғоқчилик, сел олиши натижасида хўжаликнинг аҳволи танг бўлиб қолгани аниқланса, ҳашар йўли билан ўша хонадонга кўмак берилган, токи ўз қаддини тиклаб олсин, тиланчиликка қўл урмасин. Шунингдек, муттасил уч йил ер қаровсиз қолдирилиб, экин-тикин қилинмаса, ўша ер давлат фойдасига мусодара этилган, амлок ерларига қўшиб юборилган.

Мархум тарихчи олим Маҳкам Абдураимовнинг Бухоро хонлигидаги аграр муносабатларга доир икки жилдли асарида ёзилишича, хонликда ҳар йили кеч кузда — хирмон кўтарилганда аҳолини рўйхатга олишлар бўлган. Кичик қишлоқларда қишлоқ оқсоқоли, катта қишлоқларда эса қишлоқ аминлари бу ишни бажарган. Улар бу ҳақда туман бегига маълумот беришган. Туман беклари ўз навбатида пойтахтга — қушбегига хабар етказишган. Шаҳарларда эса бу вазифа маҳалла элликбошилари зиммасига юкланган.

Шўролар замонида 1920, 1923, 1926, 1939, 1959, 1970, 1989 йилларда аҳоли рўйхатдан ўтказилди. 1959 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати варақасида оила бошлиғига алоқаси, жинси, ёши, никоҳдалиги, миллати, она тили, қайси давлат фуқароси эканлиги, иш ва ўқиётган жойи, машғулоғи, лавозими, ижтимоий гуруҳи, тирикчилик манбаи, доимий ёки вақтинча яшаётган жойи бор эди. Бундай тadbирларнинг натижалари иқтисодиёт, жуғрофия, жамиятшунослик, халқшунослик фанларининг ривожланиши учун манба бўлиб хизмат қилади, албатта.

Шу натижаларга қараб мамлакат нуфусининг умумий сони, ўсиш ёки камайиш миқдори, ўртача умрнинг қанчалиги — аҳоли яшаряптими ёки қарияптими, аҳолининг табақаланиши қандай, қишлоқ аҳолиси қанча, шаҳар аҳолиси қанча, аҳолининг кўчиши қанақа, қаерларда аҳоли тўпланиб боряптию қаерлар хувиллаб қоляпти, шунингдек, аҳолининг нисбий, яширин ва тургун ортиқчалиги борми ва шу каби муаммолар аниқланади.

**Аҳолининг нисбий ортиқчалиги** шуки, мамлакатда ишчиларнинг сони ишчи кучига бўлган эҳтиёжга нисбатан кўп бўлади. Бу муаммо аҳолининг табиий ўсишига қараб

ва шунга мутаносиб тарзда ва узлуксиз равишда олдиндан янги-янги иш жойлари яратиш орқали ечила борилади.

Ишчим, деҳқон, зиёли, меҳнат қилади-ю, лекин даромади тирикчиликка етмайди, лекин ўзи ишсизлар рўйхатида турмайди, бундай ишсизликка аҳолининг яширин ортиқчаллиги дейилади.

Доимий иш жойига эга бўлмай, тасодифий, кунбай иш билан кун кечирадиган кишилар гуруҳига нисбатан аҳолининг турғун ортиқчаллиги дейилади. Аҳолининг бундай ортиқчаллиги жамоат тартибининг муътадил бўлиши, халқнинг маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатиши, ижтимоий иллатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳисобга олиб, ҳозирги ўтиш даврида мамлакатимизда халқ оммаси камбағаллашувининг олдини оладиган чоралар кўриш керак. Юртбошимизнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда мулкдорлар сафининг кенгайиши умум халқнинг реал даромадини ошира боришга мутаносиб равишда амалга оширилади. Бу деган сўз энг кам даромад олувчи киши билан энг кўп даромад қилувчи мулкдор ўртасида кескин тафовут бўлмайди, яъни яқин келажақда республикамизда оддий ишда ишлаган оддий одам ҳам топган даромадига бемалол тирикчилик ўтказаверади.

Собиқ марказ эса чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини изчил давом эттириб ва мавжуд шароитга мослаштириб, Бугуниттифоқ аҳоли рўйхати натижаларидан ғарзли мақсадларида фойдаланарди. Беш йиллик, етти йиллик режалар тузарди, 15 та иттифоқдош республика номидан иш юритса-да, фақат битта республика — Россиянинг, фақат битта халқ — русларнинг манфаатини кўзларди; халқларнинг миллий қиёфалари сақланиб қолишини эмас, руслаштиришни, барча халқларни аралаш-қуралаштириб, совет халқини (аслида рус тилида сўзлашувчи аҳолини) яратишни ўйларди; хом ашё ва малакали ишчи кучи йўқ жойга улкан корхона қуришни режалаштирарди, ҳаёт учун хавфли чиқиндилар чиқарувчи корхоналарни туғилиши кўп ва аҳоли зич жойлашган ерлар ва ичимлик сув манбаи бўлган дарёлар бўйига жойлаштирарди; бир дастгоҳнинг мотори Минскда тайёрланса, бошқа қисми Тошкентда ишланарди, Бухородан газ олиб кетилиб, ўрнига Кузбассдан кўмир келтириларди. Мақсадлари аниқ эди: Ер юзи куруқлик қисмининг олтидан бирини ишғол қилган улкан ҳудуд миғтақларини бир-бирига шундай боғлаб, чирмини қорикки, тоқим улар бир-бирларисиз, мустақил кун

кўра олмасинлар. Марказ қўлидаги занжирни узиб, унга тобелиқдан чиқиб кетмасинлар. Мана, гап қаерда! Бутун-ги оғир, лекин ўткинчи қийинчиликларимизнинг илдизлари ана ўша ғаразли мақсадларга бориб тақалади.

Хўш, халқнинг миллий қиёфасини белгиловчи маънавият соҳасида аҳвол қандай эди? Бу борада Марказ янада ҳийлакорроқ эди. Кўриқ ерларни ўзлашгириш сиёсати ўтказилди. Натижада қозоқ оғайниларимиз асрий яйловларидан айрилиб қолдилар, кўриқ ерларда қурама аҳоли вужудга келди, қанчадан-қанча талабалар неча муддат ўқишдан қолиб кетдилар, кўриққа борганларнинг тарбияси яхшиланиб қайтмади, албатта.

Ён қўшни — жон қўшни халқларнинг зиёлилари Москва орқали ва рус тили орқалигина мулоқот қилишга мажбур эдилар. Миллий адабиётда яратилган сара асарлар ҳам, агар Марказ манфаатига зид бўлмаса, фақат рус тили орқали четга чиқиши мумкин эди. Чет эл адабиёти ҳам фақат рус тили орқали кириб келарди. Ҳатто туркий халқларнинг адабий алоқалари ҳам рус тили орқали олиб бориларди, Марказ эса назорат қилиб турарди.

Туркистон халқлари учун Жанубий, Ғарбий ва Шарқий дарвозалар тақа-тақ берк эди, фақат Шимолга — Россияга йўл очиқ эди, холос. Бундай биқикликдан Марказ манфаатдор эди. Лекин ўз манфаати йўлида барча иттифоқдош республикалар халқларининг пешона терлари ва табиий бойликларини сотиш орқали тўпланган миллиард-миллиард сўмларни исроф қилаверарди. Марказий Россияни Узоқ Шарқ билан боғловчи Транссибир темирйўли бор эди. Лекин Марказ бунга қаноат қилмай, иқтисодий наф келтириши ва ҳали неча муддат туриши номаълум бўлмиш БАМни — Байкал — Амур магистралини қурдирди, иш ҳажми ва сарфиёти шунчалик кўпки, фақат катта-кичик кўприкнинг ўзидан 300 дан ортиғи бунёд этилган, тагин асрий музлоқ жойларда! Яна қанчадан-қанча узун-узун туннеллар бу ҳисобга кирмайди.

Россия шундай бепоён ўлка бўла туриб, атом қуроқларини синовчи зарарли полигонни қуришга ўз ери топилмади, уни жафокаш қозоқ диёри — Семипалатинска жойлашгирди!

Собиқ Иттифоқда 41 та атом электр станцияси қурилган бўлса, шулардан 9 тасини мамлакат ҳудудининг атиги салкам 3 фоизини эгалловчи Украинага жойлашгириш лозим кўрилган. Улардан биттасида рўй берган фалокатнинг асорати ҳали давом этмоқда.

Ўзи учун жуда зарур бўлиб қолганда Марказ Амударё узра Термиз-Ҳайратон кўпригини зудлик билан қурдирди, бу иншоотни тезда фойдаланишга топшириш масаласи Сийсий бюрода тўрт марта махсус кўриб чиқилган, бюро ва бюрочаларда бу борада ўтказилган йиғилишлар сон-саноксиз бўлса керак. Мақсад совет қўшинларини ва оғир қурол-аслаҳаларини тезроқ дарёнинг нариги қирғоғига олиб ўтиш эди. Шундай бўлди ҳам. Кейин... Кейин эса нариги қирғоққа ўтганлар анча камайиб қайтди. Қанчадан-қанча қурол-яроғлар оғир юк деб ташлаб қайтилди. Булар ҳамон ажал чақирмоқда.

Лекин Туркистонга иқтисодий манфаат келтиражак жануб томонга темирйўл қуришни Марказ ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Бу орзу мустақилликка эришилгач ушалди — Тежан — Сарахс — Машҳад темирйўли қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хабардор одамларнинг ҳикоя қилишича, Марказ аввалига Катта Фарғона канали қурилишига рухсат бермаган, Москвадан юборилган ирригатор мутахассислар ҳам дастлаб, бу қурилиш норентабел деб ҳисоблашган. Канал қурилса, пахта майдони кўпаяди, деб ишонтирилгач ва фақат пахта экамиз, деб сўз берилгач, Марказ канал қурилишига ижозат берган. Шундаям қурилишга давлат хазинасидан маблағ ажратилмаган. Канал умумхалқ ҳашари йўли билан қазилган.

Чоржўй — Хўжаели темирйўли қурилишига Марказдан рухсат олиш учун ҳам шундай иш тугилган. Хоразмни ёлпасига пахтазор қиламиз, у ерга маданий ўғитларни олиб бориш арзонга тушади, пахтаги Марказга юбориш осонлашади ва ҳоказо. Пахта деса мустамлакачи тўралар ўзини томдан ташлар эдилар-да.

70-йилларнинг охирлари ва 80-йилларнинг бошларида Марказ яна бир “тадбир”ни бошлади — Марказий Россиядаги ноқоратупроқ (аслида бўзтупроқли дейиш керак) минтақани қайта обод қилиш масаласини ўртага қўйди.

Москванинг тўрт томонидаги бу минтақада жойлашган 100 мингдан ортиқ қишлоқдаги тубжой аҳоли яхшироқ турмуш илаб, навбатдан ташқари квартиралар олиш илминжида йирик шақарларга, асосан миллий республикаларга, жумладан, Болгиқбўйи ва Туркистон республикаларига жўнаворишган эди, киндик қони тўкилган юртлари эса кимсенсиз ҳувиллаб ётарди.

Марказнинг бу чиқиригига керакли акс садо бўлмади. Аннилю ўша мингтақадан чиқиб келганларнинг ўзларидан

ҳам ҳеч садо чиқмади. Зотан, бу даъват уларга қаратилмаган эди-да, ҳеч ким улар ўртасида буни ташвиқ қилмади, бошқалар эса уларга бу ҳақда оғиз очолмасди, дарҳол тескари талқин қилинар, халқлар дўстлигига зид хатти-ҳаракат деб қораланар эди. Ўзбеклар орасида ҳам, бошқа халқлар орасида ҳам Марказнинг бу чақириғига учиб ва маҳаллий маъмурларнинг қистовида бўзгупроқли минтақага ўз иссиқ ўринларини совутиб, бола-чақаларини етаклаб борганлар ҳам бўлди. Орадан бир-икки йил ўтмасданок улар алданганликларини англаб етдилар, кўпчилиги ўз ватанларига қайтиб келдилар.

Шу тариқа Марказнинг навбатдаги тадбири миллий республикалардаги тубжой халқларни жойидан — заминдан жилдириш сиёсати амалга ошмай қолди. Чунки халқ ўз она тупроғидан жудо қилинса, миллий қиёфасини йўқотини тезлашади ва уни ўз измида юргизиш осонлашади, жилов қўлдан кетади. Зеро халқни халқлигида бошқариш мушкул, аҳолига айлантирилса, замонавий қўлнинг ўзи бўлади-қўяди-да. Марказ корчалонларининг бутун фарзали сиёсати шунга қурилган эди.

Чор Россияси замонидаёқ бошланган халқни аҳолига айлантириш сиёсати шўролар даврида ҳам изчил давом эттирилди. Чоризм даврида, масалан, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Наманган, Андижон, Хўжанд ва бошқа шаҳарлар ёнида руслар яшайдиган қисмлар, Марғилон, Бухоро яқинида янги шаҳарчалар (ҳозирги Фарғона, Когон), қишлоқларда слободкалар (халқ кейин буларни исловатхона деб атай бошлаган) қурилди.

Бу иш қизил империя замонида ҳам режали тарзда, лекин ими-жимиди давом эттирилди. Саноатлаштириш баҳонасида кўплаб рус аҳолиси ўлкамизга кўчириб келтирилди. Узоқ тарихни кўятуриб, яқин ўтмишимизга — саксонинчи йилларнинг ўрталарига назар ташласак, шундай аянчли бир ҳолнинг гувоҳи бўламиз: **Тошкент шаҳар коммунистик партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Сатин беш йил мобайнида 384 минг рус аҳолисини шаҳримизга кўчириб келтирган эди!**

Бироқ, барибир халқимизнинг болажонлиги, серфарзандлиги самараси ўлароқ, республикамиз умумаҳолиси таркибида ўзбекларнинг салмоғи озаймади, балки йилдан-йилга кўпайиб бораверди. Шунингдек, йирик шаҳарларда ўзбек зиёлилари ва талабаларининг сони ошиб, миллий онги ўсиб, халқимизнинг ақл-заковати яна ўзини кўрсата бошлади, яъни миллий қиёфа ёрқинлашди. Бу ҳолдан

қўрқувга тушган Марказ энди бошқача йўлни тутди. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши”ни ўйлаб топди, республикамизга Гдлян, Ивановлар бошчилигида тергов этувчиларни, тафтишчиларни жўнатди. Алоҳида танлаб олинган ва махсус тайёргарлик кўрган, зиммаларига ўзига хос топшириқ юклатилган 300 дан ортиқ катта-кичик амалдорларни ҳам юборди. Улар республикамиз ташкилотларида “биринчи” ва “иккинчи” курсиларни эгалладилар. “Биринчилар” номига биринчилар эдилар. “Иккинчилар” эса амалда ҳақиқий биринчилар эди. Эл кўзига “иккинчи” деб кўрсатиларди.

80-йиллардаги қатағон учун объект қилиб 14 та иттифоқдош республика орасида юргимизнинг танлаб олинганига, бизнингча, Ўзбекистон фуқароларининг деярли тўртдан уч қисми ўзбеклар, яна ўн беш фоизга яқин фуқаролар азалдан Туркистонда ўзбеклар билан тинч-тотув, оға-ини бўлиб яшаб келаётган, умуман теран томирлари бир қардошларимиз бўлгани сабабчи эди. Демак, Ўзбекистонда аралаш-қуралаш аҳоли эмас, ўз қиёфасига эга халқ яшарди, унинг қиёфаси йилдан-йилга маънавий жиҳатдан бойиб борарди. Ана шу ҳолдан жиддий талвасага тушган Марказ қатағон учун Ўзбекистонни махсус объект қилиб олган, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли китобхонда халқ ва аҳоли тушунчалари ҳамда улар ўртасидаги фарқларнинг нозик томонлари хусусида бирмунча кенгроқ ва чуқурроқ маълумот бериш, тасаввур ҳосил қилиш мақсадида, юқоридаги мулоҳаза ва мушоҳадаларимизни баён қилиб ўтдик.

Халқ сўзи луғавий маънода тилимизда эл, элат, миллат, аҳоли, халойиқ, оломон, бир гуруҳ кишилар маъноларини англатиш учун қўлланилади ва бундан кейин ҳам шундай бўлаверади, бу тилимиздаги ранг-барангликка хос хусусиятдир. Масалан, ўзбек халқи ибораси ўрнида кези келганда, ўзбек эли, ўзбек элати, ўзбек миллати дейиш мумкин ва бу хато ҳам эмас, бу тил қонун-қоидаларига ва мантиққа унчалик зид ҳам эмас.

Халқ сўзи — жой номиари билан бирга келиб, ўша жойда яшовчи аҳолини билдиради: қишлоқ халқи, шаҳар халқи, Фарғона халқи ва ҳоказо.

Касб, машғулот ёки тоифа ва табақани билдирувчи сўзлар билан бирга келиб, ўша касб, табақага мансуб кишилар гуруҳини билдиради: савдогар халқи, ўқитувчи халқи, бола халқи ва ҳоказо.

Бирор жойга тўпланган одамлар, халойиқ, оломон маъноларини ҳам англатиши мумкин. Масалан, фалончи халқ

орасини ёриб ўтди, дейилса, ўша кишининг бир гуруҳ одамлар орасидан ўтгани англашилади. Ёки бўлмаса, халқ тувиллаб олдинга юрди дейилса, оломон кўзда тутилган бўлади.

Халқ сўзи атама сифатида ўзининг қатъий белгиланган маъносига эга. Фикримизнинг исботи учун бир неча қиёсий мисоллар келтирамиз. Ўзбек халқи деганда Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатлару минтақаларда яшовчи барча ўзбекларни тушуниш керак. Ўзбекистон халқи деганда фақат республикамизда яшовчи барча аҳолини тушуномқ керак. Чунки улар орасида ўзбеклардан ташқари турли халқлар, фуқаролиги йўқ ёки фуқароликдан маҳрум этилган кимсалар, муҳожирлар, чет эл фуқаролари ва шу қабилар ҳам бўлиши табиийдир. Хуллас, Ўзбекистон халқи дегани республикада яшовчи ялпи аҳолидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 187 давлатнинг ҳеч қайсиси фақат бир халқдан иборат эмас, ҳаммаси ҳам кўп халқли мамлакатлардир. Тўғри, бирида асосий халқ салмоқ жиҳатдан кўп, бошқасида эса камроқ бўлиши мумкин. Лекин, барибир, ҳамма мамлакатларда халқ сони умум аҳолиси сонидан камдир. Республикамизда ҳозир яшаб турган 23 миллиондан ортиқ киши — бу Ўзбекистон аҳолисидир, уларнинг ўзбеклари — бу ўзбек халқидир, бу сирага хорижий мамлакатларда яшовчи ўзбеклар ҳам киради. Бу жиҳатдан қаралганда халқ сўзининг атама сифатидаги маъноси кенг бўлиб, давлатлараро, минтақалараро, қитъалараро қўламдадир. Халқ атамасига маънавий жиҳатдан берган манتيқий таърифимиз ана шундай.

Халқ атамасига **фалсафий нуқтаи назардан** ёндошсак, унинг таърифи бундай: тарихнинг ҳамма босқичларида жамият вазифаларини ҳал этишга қодир, юрт юмушига яроқли ва қобилиятли қатлам, ижтимоий бирлик, тарих ижодкори. Кўряпсизки, халқ деганда қўлидан жисмонан ва ақлан бирор иш келадиган, она Ватан қақирғига самимият билан отланадиган кишилар; шу йўлда таълим-тарбия олаётган, ҳунар ўрганаётган ва, албатта, балоғат ёшига етган кишиларгина назарда тутилмоқда. Бешиқдаги гўдаклар шу халқнинг вакиллари саноғига қўшилиши, мамлакат аҳолиси рўйхатига киритилиши мумкин, лекин уларнинг халқ сафига ўтишига ҳали эрта. Шу халқнинг фарзанди бўлатуриб, унинг шаънига доғ туширган ва эл-юрт ишига ўз ҳиссасини ҳеч қўшмаган кимсаларни халқ қаторига қўшиб бўлмайди, бунга ақл-идрок, виждон, мантиқ қудрати йўл бермайди. Ундайларни ўзлари ҳам, улар-

ни аслан билмаган бошқалар ҳам шу халққа мансуб деб ҳисоблайдилар, шу халқнинг қаторига қўшаверадилар, аҳоли рўйхатида фалончи халққа мансуб деб ёзаверадилар. Бу қоғоздадир. Амалда эса ундайлар халқнинг қалб дафтаридан ўрин ола билмайдилар. Бу — халқ ҳукми, бу — тарих ҳукми. Бундан ортиқ ҳукм ҳам йўқ, бундан кучли жазо ҳам йўқ.

Юқорида халқ — тарих ижодкори, дедик. Бу иборага аниқлик киритиб кетамиз. Халқ кишиларнинг муайян қатлами — ижтимоий бирлик экан, демак, у шахслардан иборат. Халқ яратган тарих — демак, алоҳида кишилар, шахслар яратган тарих саҳифаларининг мажмуидир. Тарих яратишда халқнинг барча вакиллари ялпи қатнашавермайдилар ва бунинг имконияти ва ҳождати ҳам йўқ. Алоҳида шахслар тарих яратадилар, бошқалар уларга қўмаклашиши ёки халақит бериши мумкин. **Тарих яратишда жиддий ҳисса қўшган киши тарихий шахс дейилади.** Бир киши тарихга бир саҳифа қўшса, иккинчиси ўн саҳифа қўшиши мумкин. Бу кўп омилларга, замон, макон ва шахснинг иқтидорига ҳам боғлиқ, албатта.

Хуллас, тарих шундайки, яхлит олганда унинг ижодкори халқ, саҳифаларини алоҳида-алоҳида олганда эса, унинг ижодкорлари муайян тарихий шахслардир.

Тарихий шахс шарофати билан миллий мустақилликка эришганлигимиз туфайли қиёфасиз аҳолига айланиб бораётган халқимиз миллат сифатида қайта қад ростлади ва Ўзбекистон фуқаролигига ноил бўлди. Миллий мустақилликнинг туб моҳияти мана шундадир.

## ФУҚАРО

Ўтмишда фуқаро ўрнида асосан табаа, раият сўзлари, баъзан шу сўзнинг ўзи ҳам қўлланилган. Алишер Навоий асарларида раият сўзи кўп учрайди. “Тарихи мулуки аҷам” асарида: “Дерларким, етти йил раиятдан хирож олмайди” деб ёзса, “Садди Искандарий” достонида бундай хитоб қилади:

Раятга қилса қаламзан ситам,  
Қаламзаннинг илжини қилсун қалам.

Ҳазрат Навоий айтгангадирки, агар котиб раиятга ситам қилгудек бўлса, унинг қўлини қалам қилсинлар, яъни кессинлар.



Шўролар замонида бу сўз ўрнида, асли лотинча бўлмиш граждан ибораси ишлатилган, мустақилликка эришилгач, атама сифатида фуқаро жорий этилди. Бу асли арабча бўлиб, фақир сўзининг кўшлик шаклидир. Араб тилида йўқсил, камбағал, муҳтож, бечора маъноларини билдиради. Лекин ўзбек тилига кириб келгач, маъноси ўзгариб, табаа, раият, шунингдек гражданлик мазмунини касб этган. Қолаверса, аждоқларимиз сўзлаганларида, ёзганларида камтаринлик юзасидан ўзларини (“мен” сўзини ишлатишни одоб юзасидан такаббурлик деб билиб) “фуқаро”, “фақиру ҳақир” деб атаганлар. “Фақиру ҳақир жанобларидан ўгиниб сўрайдиким...”, “Фақирингизни афв этгайсиз!”, “Камина фуқарога изн бергайсиз” ва ҳоказо. Демак, фуқаро сўзи мумтоз адабиётда ва жонли сўзлашувда қўлланилган. Шу сабабли фуқаро сўзи атама сифатида қабул этилиши ва жорий қилиниши асосли ва қонунийдир.

Ҳуқуқий ўрни қопун билан мустақамланган шахснинг давлат ичкарисида ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, маълум бир давлатга қарашлигига фуқаролик дейилади, шундай ҳуқуққа эга шахс фуқаро деб аталади. Ўзбекистон фуқароси Республикамиз Асосий Қонунида, Олий Мажлис қабул қилган тегишли қоидаларда белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана олади, қонунларда кўрсатиб ўтилган бурчларни бажариш шарт. Ўзбекистон фуқаролари миллати, ирқи, жинси, касб-кори, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, фуқаро сифатида қонун олдида ҳуқуқан тенгдирлар. Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини билиб олишлари ва ҳимоя қилишлари ҳамда бурчларини чуқур англаб етишлари учун уларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаб бориш галдаги зарур вазифалардан биридир. Бу маънавий камолот учун ҳам керак.

## МИЛЛАТ

Хўш, миллат нима?

Миллат деганда нимани тушуниш керак? Атама тарзида миллат иборасини қандай таърифласа бўлади? Миллат иборасини умрида лоақал бирор марта тилга олмаган инсон бўлмаса керак. Матбуот, радио ва телевидениеда бу ибора эсланмаган кун йўқ. Билар-билмас, тушуниб-тушунмасдан миллат сўзини тилга олувчи ва мақолаларида ёзувчилар ҳам оз эмас.

Аввало шуни айтиш керакки, миллат сўзи масъулиятли сўз. Масъулиятгни сезмаган кимса бу сўзни тилга олмагани маъқул. Уринли-уринсиз ишлатиб, ўқувчи ёки тингловчини чалғитиб қўйиши ҳам мумкин-да. Миллат атамасини диний маънода ишлатиб, масалан, мусулмон миллати, ислом миллати дегувчилар ҳам бўлган ва ҳозир ҳам бор. Бутун Ер юзидаги 1 миллиарддан ортиқ ислом динига эътиқод қилувчилар аввало бир миллат вакилларидан иборат эмас, улар орасида араблар, туркий ва форсий халқлар билан бирга Фарбада инглиз, фаранг, олмонлардан тортиб, Шарқда япон, индонезиялик, малайзияликларгача, Африкада эса негрлар ҳам бор. Ислом жаҳоний динлардан бири, унга эътиқод қилувчилар ирқий жиҳатдан ҳам турличадир. Мусулмонларни ягона ислом миллати деб эмас, балки Биру Бор Аллоҳ таолонинг бандалари, ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматлари, деб тушунмоқ жоиз. Мусулмончилик — умматлар бирлиги.

Эндиликда нуфузи 200 миллиондан ошиб кетган барча туркий халқларни ягона турк миллати деб ҳисоблаш ҳам бутунги кунда хато бўлса керак. Тўғри, барча туркий халқлар бир ота — Абултурк (Навоий ибораси)дан, яъни Туркларнинг отасидан тарқалганимиз тарихий ҳақиқат. Лекин орадан неча замонлар ўтди, Абултурк фарзандлари дунёнинг турли минтақаларида, турли шарт-шароитларда яшаб келдилар, турли воқеа-ҳодисаларни бошдан кечирдилар, неча-неча хоқонлар, хонлар, амирлар, ҳокимлар дунёга келиб кетдилар. Салтанатлар алмашинди, гоҳ мустақил яшадилар, гоҳ тобёликка маҳкум бўлдилар. Натижада масофалар олислиги, ҳаёт тарзининг ўзгачалиги, қўшни давлатлар ва халқларнинг бошқа-бошқа бўлганлиги туфайли туркий халқлар ўртасида узоқлашишлар ҳам, ўзгаришлар ҳам юз берди. Турмушларида, маданиятларида, диний эътиқодларида, урф-одатларида ўзига хос жиҳатлар пайдо бўлди. Масалан, ҳозир асосан Болтиқбўйи давлатларида яшаётган караимлар (аслида қиримлик) билан ёкутлар гарчи энг бошда бир отадан тарқалган бўлсалар-да, кўриниши, урф-одати, маданияти, дини жиҳатидан бир-бирларидан анча узоқлашиб кетдилар, караимлар мусовий бўлсалар, ёкутлар исовий, яъни насроний динига эътиқод қиладилар. Худди шунингдек, Итил (Волга) бўйида яшовчи татарлар билан туркманлар, Онадўлида яшовчи турклар билан Шарқий Туркистонда яшаб келаётган уйғурлар ўртасида тафовут мавжуд.

Шу мисоллардан кўринадики, барча туркий халқларни ягона турк миллати дейиш бугунги реал воқелиқдан анча

йироқ. Буларнинг барини ўқ томири бир қардош ва тилдош халқлар дейиш ҳақиқатга яқинроқдир. Барча туркий халқларни ягона бир миллат дейиш ҳақиқатга тўғри келмайди, деган фикрни билдириш билан биз уларни бири-биридан айирмоқчи эмасмиз, бу кайфиятдан мутлақо узоқмиз. Зотан, улар ягона миллат эмас, деганимиз билан узоқлашиб қолмайди, шунингдек, улар ягона миллат десак, ягона миллатга айланиб қолмайдилар ҳам, чунки миллат бўлиб шаклланиш узун тарихий жараёндир. Бу буйруқ билан тезда ҳал бўладиган иш эмас. Ягона ўқилдиздан тарқалган халқларнинг бири-бирларидан узоқлашиш жараёнлари қанчалик узоқ давом этган бўлса, уларнинг бирлашиш жараёни ҳам шунча давом этиши мумкин. Бу жараёни сунъий йўл билан тезлаштириб бўлмайди. Лекин кишилик жамиятининг ҳозирги тараққиёт босқичида масофалар “қисқарди”, сайёрамиз “кичрайиб” қолди, ўрта асрларда 6 ой юриладиган манзилга ҳозир 6 соатда тайёрада етиш мумкин. Барча соҳаларда узлуксиз борди-келди қилиш имкониятлари нақадар кенгайди. Бу билан айтмоқчимизки, туркий халқлар маданият, санъат, адабиёт, илм-фан, савдо-сотик ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни кучайтира борсалар, талабалар ва ўқувчиларни қардошлари диёрига ўқишга юбориб турсалар ўзаро яқинлик, умумийлик кучаяди, шояд туркий халқлар орасидаги ҳозирги айрим тафовутлар камайиб, зарурий муддат ва жараёндан сўнг улар бир миллат бўлиб шакллансалар ажаб эмас. Бунда барча туркий халқлар ва қавмлар учун тушунарли бўлган умумий тил ва ёзув асосий восита бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бунга келажак кўрсатади. Лекин ҳозирги кунда эса бир отадан тарқалган оға-ини, опа-сингил қардошлар эканимизни унутмаслигимиз, лоақал тез-тез ёдга олиб, шунга қараб иш юритмоғимиз лозим.

1996 йил май ойида Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ўзбек ва турк халқларининг абадий дўстлиги ҳақида шартнома имзоланиши бу йўлдаги улкан тарихий қадамдир. Ҳозирги кунда жаҳонда хитойликлар қардошлиги, араблар қардошлиги, славяндар қардошлиги ғоялари кучайиб бораётган экан, биз туркий халқлар ҳам ўз қардошлигимизни доимо ёдда тутиб, кучайтириб турсак арзийди.

Миллат ҳақидаги тушунчага янада яқинлик киритиш мақсадида энди турли қитъалар ва мамлакатларда яшовчи миллатлар ва халқларга оид мисоллар келтирамиз. Кавказ

халқларидан осетинларнинг бир қисми Россия Федерацияси таркибидаги Осетия Мухтор жумхуриятида яшаса, иккинчи қисми Грузия таркибидаги Осетия Мухтор вилоятда истиқомат қилади. Корейс халқининг икки мустақил давлати — Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси мавжуд. Ваҳоланки, иккала давлатда ҳам корейс миллати яшайди. Австрияда олмон миллати яшаса ҳам, ўзларини австрияликлар деб ҳисоблашади. Швейцарияда асосан уч миллат вакиллари — олмон, фаранг ва италянлар яшайдилар, шу сабабли бу давлат конфедерация деб аталади.

Озарбайжон Республикасида барча озарбайжонларнинг 20 фоизи яшаса, ҳозирги Эрон Ислом Жумхурияти таркибидаги Жанубий Озарбайжон вилоятларида қолган 80 фоизи истиқомат қилади. Яъни Шимолда 5 миллионга яқини, Жанубда 20 миллиондан ортиғи яшайди. Жаҳонга Рабишранат Тагор каби буюк зотларни берган бангол халқи дунёдаги кўп сонли миллатлардан бири, нуфузи 250 миллиондан ошади. Ғарбий ҳудудларда яшовчи банголлар Будда динига эътиқод қиладилар, Ҳиндистоннинг Банголия штатининг асосий фуқаролари ҳисобланадилар. Шарқий ҳудудларда яшовчи банголлар ислом динига эътиқод қиладилар, ўз мустақил давлатлари — Бангладеш (бу банголлар юрти деганидир) Республикасига эгадилар. Диний эътиқоддаги тафовутга кўра бир халқ иккига бўлиниб кетгандир. Яқин-яқингача икки Олмония — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси мавжуд бўлиб, сиёсий тузумига кўра икки хил давлат эди. Шўро сиёсатчилари шарқий олмонларни социалистик миллат деб, ғарбий олмонларни капиталистик миллат деб тушунтиришарди. Ҳолбуки, иккала давлатда ҳам ягона бир миллат — олмон миллати яшарди. Кейинги воқеалар — икки олмон давлатининг бирлашуви ўша синфийликка асосланган сохта назариянинг пучлигини қатъий исботлаб қўйди.

Юқоридаги мисолларни келтиришдан мақсадимиз шуки, миллат тушунчаси, биринчидан, синфий тушунча эмас. Миллат вакили бўлишлик мулкдор ёки мулкдор эмасликка боғлиқ эмас. Бой ҳам, уртаҳол ҳам, пуқсил ҳам бир миллатга мансуб бўлиш ҳуқуқига эга. Миллат тушунчаси синфлардан устувор аниқлатма. Марксни-ленинчи сиёсатдонларнинг ҳар бир миллатда икки миллат, ҳар бир маданиятда икки хил маданият бор, деган назариялари фақат ўйдирмадан иборатдир.

Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиктисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштарақлиги демакдир. Ўз давлатисиз ўз қиёфасига эга миллат йўқ. Миллатнинг метиндек жипслиги давлатининг қудратига боғлиқ. Ва аксинча, миллатнинг метиндек жипслиги давлатининг қудрати даражасини белгилайди. Миллат ва давлат тушунчаларини бир-биридан айирган ҳолда таърифлаб бўлмайди. Давлатни тузишда, демакким, миллатни шакллантиришда тарихий шахснинг — йўлбошчининг ўрни ва роли каттадир. Қачонки халқимиз метиндек бирлашиб ва жипслашган бўлса, ўшанда ўз буюк давлатига эга бўла олган. Тарихда бунга мисоллар кўп. Амир Темури XIV асрда тарих саҳнасига даядил чиқиб, шундай бирлаштирувчилик вазифасини адо этди ва буюк бир давлат — Темурийлар давлатини тузди. Аждодларимиз, ўша давр ибораси билан айтганда, туркий қавм тарқоқликка барҳам бериб, туркий миллат бўлиб шаклланди.

Миллатнинг жипслик даражаси ўзгариб турадиган нарса. У гоҳ мустақкамланади, гоҳ заифлашиши ҳам мумкин. Темурийлардан кейин миллатимиз жипслиги анча заифлашди, фақат XVI асрда Абдуллахон II даврида бирмунча кучайди-ю, бу ҳол, афсуски, узоқ давом этмади. Яна парокандалик бошланди. Ягона Туркистон парчаланиб кетди. Шимолий, Шарқий ва Жанубий Туркистон ҳудудлари ўзгалар томонидан истило қилинди. Марказий Туркистоннинг ўзида ҳам ягона давлат бўлмади, учта, баъзан эса ҳатто бешта давлат бир-бири билан уришиб яшади. Натижада таназул ёқасига келиб қолиб, охир-оқибатда чоризм истилосига дучор бўлди. Демак, миллат тақдирида давлат, давлат қисматида миллат ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланар экан.

Миллат фақат бир халқ вакилларидагина иборат тарзда шаклланмайди. Ҳозирги ўзбек миллатининг таркиб топишида барча туркий қабила ва уруғлар, олис ўтмиш, тарихдан илгариги замонлардан бошлаб Туронзаминда яшаб келаётган аждодларимиз, шунингдек, қадим Суғд эли, Хоразм эли ва бошқалар ҳам иштирок этганлар. Бу ҳол тилимиз, дилимиз, қиёфамиз, урф-одатларимиз, турмуш тарзимиз, маданият, санъат, адабиёт ва меъморчилигимизда, боринги, меҳнат қуроқларимизда ҳам зуҳур этиб турибди. Маълумки, ўзбек миллати келиб чиқиш жиҳатидан туркийдир. Лекин қонимизда бошқа ирқ қони томчилари ҳам йўқ эмас. Ўзбек миллати диний жиҳатдан ислом

динига ихлос билан эътиқод қилади, бошқа диндаги миллатдошларимизни ҳозир учратиш амримаҳол.

Ёзма адабий тил ва ягона миллий тил деган тушунчалар бор. Анча ривожланган элат ва халқларда ёзма адабий тил мавжуд бўлади. Илк ёзма манбаларимиз Урхон ҳоқон Онасой бўйларида давлат курганида битилган бўлса, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиблар ёзма адабий тилимизга тамал тошини қўйганлар. Ягона миллий адабий тилимиз XII асрдаёқ шаклланиб бўлган эди. Бунга Туркистон пири Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикмат”лари яққол исбот бўла олади. “Ҳикмат” тили XVI аср фарзанди Бобур тилига ҳам, XX аср муаллифлари Абдулла Қодирий, Чўлпонлар тилига ҳам ўхшашдир.

Ягона миллий тилимизни Хоразмда Қутб Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний, Рабғузийлар, Мовароуннаҳрда Саккокийлар, Ҳиндистонда Ҳофиз Хоразмийлар, Рум элида Жалолиддин Румий, Насимийлар, Озарбайжонда Ҳоқонийлар қўллаб, бойига бордилар. Алишер Навоий ягона адабий тилимизнинг шухратини шу қадар баланд кўтардики, бу тил куёши ёғдуларидан Чиндан Румогача, Ҳиндистондан то Сибир, Олтой ва Итил бўйларигача туркий эллар, нафақат туркийлар, барча элу элатлар баҳраманд бўлдилар, яъни ҳазрат Мир Алишер бобомиз барча туркийларни якқалам қилдилар.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоиз. Ягона адабий тил яратишни фақат бир сиймога нисбат бериш, гарчи у сиймо даҳо бўлса-да, бизнингча, тўғри эмас. Тил — илоҳий неъмат, у халқ даҳоси билан сайқал топади. Халқ даҳоси алоҳида даҳолар қудратидан қудратлидир. Зотан халқ даҳоси ўз фарзандлари даҳоларидан таркиб топади ва уларда зуҳур этади. Алишер Навоий бобомиз эса туркий тил, адабиёт, санъат, тафаккур, тасаввуф, шариат, фан, маданият ва давлатчилик бобидаги даҳоларимиздан биридир. Шундай қилиб, ягона миллий тилимиз VII асрда шаклланиб бўлган экан, кейин эса гоҳ ривож топди, гоҳ турғунликка учради, лекин ҳамма вақт сақланиб қолаверди ва бизгача етиб келди.

Миллат, бир сўз билан айтганда, маънавият бирлигидир. Маънавият — давлат асоси, давлат эса маънавият суянчиги.

Рус истилоси ва шўролар сиёсати туфайли маънавий таназзулга учраганимиз оқибатида ўзбек миллатининг миллий хусусиятларига жиддий пуғур етди. Чунки маънавиятга суянчиқлик қиладиган ўз миллий давлатимиз йўқ

эди. Шу сабабли келгусида барча миллатлар бирлашиб кетадилар, деган назария ҳар томонлама тарғиб қилинди. Бу ҳақда Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 7-жилди, 228-саҳифасида шундай фикр олға сурилган: “Иқтисодий, маданий ва социал-сиёсий ҳаётнинг интернационал бирлиги социалистик миллатлар учун характерлидир. Кишиларнинг янги интернационал умумийлиги сифатида совет халқининг ташкил топиши марксизм-ленинизмнинг миллатларнинг яқинлашуви ва етук коммунистик жамиятда уларнинг тўла қўшилиб кетишлари ҳақидаги башоратини тасдиқламоқда”.

Бу гапларни ўқир эканмиз, яқин ўтмишимизда қандай машъум кулфат бошимизга таҳлика солиб турганига яна бир карра амин бўламиз ва бутунги истиқлол кунларининг қадрини янада чуқурроқ англаб етамиз.

## ЖАМИЯТ ЖИЛОЛАРИ

## ОИЛА

**Б**арча нарса жуфт-жуфт бўлиб яратилган экан, жуфт бўлиб яшаш табиат тақозосидир. Лекин оила бўлиб яшаш барча махлуқот орасида фақат Одам наслига хосдир. Ер юзида биринчи оилани Одам Ато билан Момо Ҳаво тузишган. Улар узоқ айрилиқдан кейин бир-бирларини жуда соғиниб қолишгач, дийдор кўришганлар. Муҳаббат тарихи ҳам биринчи отамиз ва биринчи онамиздан бошланади, десак, янглишмаймиз. Муҳаббат жуда қадим нарса, лекин уни ҳар бир юрак янгилайди, деганида шоир минг бор ҳақдир.

Маълумки, оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи заррасидир. Жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади. Лекин у шунчаки зарра эмас, тирик вужудлар иттифоқидир. Ҳар бир тирик вужуднинг ўзи алоҳида бир олам. Ер юзида агар 5 миллиарддан ортиқ одам яшаса, уларнинг ҳар бири ўзига хос феъл-атворга эга, бир одам иккинчи одамдан нимаси биландир фарқланади, бу ёруғ жаҳонда бир-бирини айнан такрорлайдиган кишилар йўқ. Одамларки бетакрор эканлар, оилаларнинг бир-бирига ўхшамаслиги ўз-ўзидан аёндыр. Эр ва хотин — икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам — бу оиладир. Иттифоқ иборасида аҳиллик, тотувлик, деган маънолар ҳам бор, албатта. Агар оила ҳақиқатан тинч-тотув, аҳил бўлса, олам гулистон. Акс ҳолда турмуш дўзахга айланади, оила эса зиндоннинг ўзи бўлади-қўяди, эр ва хотин эса бир-бирига рақиб ва рақоба бўлиб қоладилар, бунинг жабрини эса улардан кўра болалари, яқин қариндошлари тортадилар. Жамиятга моддий ва маънавий зиён етади.

Дарҳақиқат, оила фақат эр ва хотиннинг ўзидан иборат эмас. Оила эр-хотин, уларнинг бола-чақалари, энг яқин



туғишганларидан иборат кишилар гуруҳи, бошқача айтганда хонадондир. Оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир. Табиий муносабат дейилганда, эр-хотинлик муносабатлари, бола кўриш; иқтисодий муносабат дейилганда, мулкий муносабатлар: уй-рўзғор, ҳовли-жой — бошпана — кичик ватан; ҳуқуқий муносабат дейилганда, никоҳни давлат йўли билан қайд этиш назарда тутилмоқда. Оила расмий тус олган тақдирдагина, эр хотини олдида, хотин эри олдида, уларнинг икковлари фарзандлари олдида, фарзандлари ота-оналари олдида масъулиятли ва бурчли бўладилар; маънавий муносабат дейилганда эса эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия каби инсоний туйғулар ва талаблар кўзда тутилмоқда.

Оила аъзолари бир-бирлари билан умумий турмуш, ўзаро иқтисодий-мулкий, ҳуқуқий, ахлоқий, руҳий алоқалар билан боғланади. Оиланинг биринчи вазифаси ўз насл-насабини давом эттиришдан, солиҳ ва солиҳа фарзандларни тарбиялашдан, оила аъзоларининг тирикчилигини, бўш вақтини кўнгилли ўтказишни таъминлашдан иборатдир.

Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса бўлиб, оиланинг ички ишларига ҳеч ким ҳуда-беҳуда аралашшига ҳақли эмас. Шу сабабли оила муқаддас ва дахлсиз ҳисобланади. Рамзий қилиб айтсак, оила ўзига хос кичик бир мухтор давлатдир. Лекин оила осмондан тушмайди, оила жамият ташқарисида эмас, унинг таркибидадир. Оилавий муносабатлар жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий ва маънавий муносабатлар билан белгиланади ва улар таъсирида ўзгариб бораверади. Оилавий муносабатлар жонли, ўзгарувчан жараёндир. Шунга кўра ҳар бир жамият ўзига мос ва хос оила турини танлайди ва шакллантиради. Масалан, XII асрдаги ўзбек оиласи билан бугунги ўзбек оиласи ўртасида муайян фарқлар бор.

## ЎЗБЕК ОИЛАСИ

Ўзбек оиласининг дунёдаги бошқа оилаларга ўхшаш томонлари кўп. Шу билан бирга унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Халқимизда, никоҳ энг аввало Арши аълода ўқилур, кейин эса ерда, деган нақл беҳудага айтилмаган. Ота-боболаримизнинг азалий тушунчалари бўйича, никоҳ — илоҳий аҳд, оила — муқаддасдир. “Хотинларингиз зироаттоҳингиздирлар”, дейилади Куръони каримнинг

Бақара сураси, 223-оятда. Бу сўзлар билан оила тузишдан биринчи муддао — фарзанд кўриш эканига ишора қилмоқда.

Маълумки, Ҳадиси шарифларнинг муайян қисмида ахлоқ-одоб, маънавият, оиланинг поклиги ва мустаҳкам бўлишига оид қимматли фикрлар мавжуд:

“Кимгаки Аллоҳ таоло солиҳа хотин насиб этган бўлса, динининг ярмига ёрдам қилибди, қолган ярмига ўзи тақво қилсин”. Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин, деган ўзбек халқ мақолини эсласак, бу ҳадисга шарҳнинг ҳожати қолмайди.

“Хотинларнинг баракотлироғи уйланиш харажатлари енгилидир”. Демак, ҳаддан ташқари дабдабали тўй қилиб, қарзга ботиб, хонадондан қут-баракани кўтармаслик керак.

“Хотин киши қовурғадан яратилган. Агар сен қовурғани тўғрилайман десанг синдирасан, муроса қилу у билан яша”. Демак, аёлни аёл деб билиб, унинг турли хархашаю инжиқликларига, ноз-фироғу эркаликларига, таманною истиғноларига чидамоқ, қисқаси, бир гапдан қолмоқ зарур. Эр эркалик мақоми — тахтидан тушмаслиги лозим. Муросаю мадора деб мана шунга айтилади.

“Қайси бир хотин эрининг розилигисиз уйдан чиқса, Аллоҳнинг газабида бўлади, то қайтиб келгунича ёки эри рози бўлгунча”. Бу ҳақда халқимизда “Эр рози — худо рози” деган ибора бор.

“Қайси бир хотин сабабсиз эридан талоқ сўраса, жаннат ҳиди унга ҳаромдир”. Ваҳоланки, ривоят қилишлари-ча, жаннат ҳиди қирқ минг йиллик масофадан келиб турар экан!

“Хотин кишига энг ҳаққи кўп киши эридир, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши онасидир”. Чиққан қиз чийириқдан ташқари, дейди халқимиз. Тарбияли, оғир-босиқ, оқила она турмушга чиққан қизига ҳар гал кўрганида “куёвимни ҳурмат қил” деб тайинлаб туради. Келини билан ўз ўғли ўртасида гап қочганида келинининг ёнини олади, келинини ўз қизи ўрнига қўйиб кўради.

“Агар бир шаҳарда лоақал бир аёл бир марта бузуклик кўчасига кириб ҳароми ортгирса, бу шаҳардан қирқ йил файзу баракот кўтарилиб кетади”. Бас, шундай экан, маънавий камолотсиз моддий фаровонликка эришиб бўлмайди. Оила поклик-софликка, садоқатга асосланиши керак.

“Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди”. Аёлларни ҳар ким ўз мо-

моси, ўз онаси, ўз эгачи-сингиллари сифатида хурмат-иззат қилиши лозим. Шундагина у инсониятнинг давомийлигига ҳам ўз ҳиссасини қўшган бўлади. Аёлларни хўрлаш ҳам ҳар хилдир. Энг тубан хўрлаш эса аёлни нопок йўлга етаклашдир. Демак, аёлни нопокликка етаклаган эркак пасткашдир.

“Кимки зино қилса, ундан иймон чиқиб кетади”. Иймонсиз кимса одам қиёфасидаги шайтондир.

“Хотин-қизларнинг номусини ҳимоя қилиш, уларни қизганиш иймондандир. Қизганмаслик эса мунофиқликдандир”. Тили бошқа, дили бошқа кимсани мунофиқ дейилади. Рашик — севги соқчиси!

“Аллоҳнинг ҳалол қилган нарсалари ичида Унга энг ёмон кўрингани — талоқдир”. Демак, ҳуда-беҳудага оғиздан “талоқ” сўзини чиқариб юборавермаслик керак экан.

“Эркак кишининг жамоли — тилидир”. Аёлнинг жони кулоғида ҳам бўлади. Ширин сўз — жон озиғи!

“Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади”. Демак, мусулмончиликнинг шартларидан бири ўз жуфти ҳалолига хушмуомала бўлиш экан.

“Киши дўстининг динида бўлади. Ҳар бирингиз кимни дўст тутмоқдасиз, қараб дўстлашинг”. Дунёда буюк дўстлик эр-хотинликдир, улар бир-бирларига ширин жонларини ишониб топширишади! Уйланишда, турмушга чиқишда — ўзига бир умрлик дўст танлашда етти ўлчаб бир кесмоқ керак. Кўз очиб кўрган одамнингиз дунёда фақат битта бўлади, уни такрорлаб бўлмайди.

“Агар киши жуфти ҳалолига жилмайиб (севиб) боқса, у ҳам эрига жилмайиб боқса, Аллоҳ таоло ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди, агар қўлидан ушласа, гуноҳлари панжалари орасидан тўкилади”. Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши. Бунда ташаббус эр томонидан бўлгани маъқул. Камтарлик камолга ҳам, муродга ҳам етказди.

“Эр-хотин — кўш ҳўкиз” дейилади ўзбек халқ мақолида. Сал тўпорироқ айтилган бўлса-да, унда оиланинг устунлари бўлмиш эр ва хотин, яъни ота ва она оиланинг қувончида ҳам, ташвишида ҳам, рўзгор тутишда ҳам, фарзандларига яхши таълим-тарбия беришда ҳам тенг шерик, ҳамкору ҳамжиҳат эканликлари уқтирилади.

Энг қадимги одатимизга кўра, ўзбек оиласи ҳам тўйдан бошланади. Халқимиз саховатли халқ. Топганини эл-юрт олдига қўйсам, дейди. Халқимизни тўйсеварликда айблаб

бўлмайди. Гар айбласак, ўз-ўзимизни камситган бўламиз. Тўйсеварликни саховатпешалик фазилатларидан бири, деб қарамоқ керак. Тўй қилиш азалий удумимиз, туркларнинг отаси — Абултурк бобомиздан, Алпомишу Алп Эр Тўнгалардан буён давом этиб келаётган, халқнинг қон-қони, жон-жонига, шуурига сингиб кетган меросий одат. “Тўй қилишнинг нима кераги бор, фалончи-фалончи жойларда бундай одат йўқ-ку”, дегувчи айрим кимсаларнинг “мулоҳаза” ларига қўшилиб бўлмайди. Тўйсиз, яъни жамоатдан яширин ҳолда “оила” қурилаётган жойларда қўйди-чиқди кўп эканини бир эсланг! Тўю маъракаларимизга ўринсиз тош отиш инсофдан эмас. Лекин тўй баҳона сохта обрў олиш илинжида кимошарга исрофгарчилик қилаётганларни ҳам оқлаб бўлмайди. Хўп, бор одам топар, йўқ одам нима қилади? Тўю маъракаларда “мусобақа” эмас, хайр-саховат устувор бўлгани маъқул.

Оилани мустақамлашда ҳуқуқий, диний билимлар тарғиб-ташвиқотининг аҳамияти ҳам катта. Шариятга доир, оила ва никоҳ масалаларига бағишланган, ёшларни жисмонан ва руҳан оила қуришга тайёрлашга кўмаклашадиган дунёвий ва диний адабиётларни нашр этишга жиддий киришиш лозим.

Шўролар даврида ҳам, ҳозир ҳам домла-имом томонидан никоҳ хутбасини ўқитмай турмуш қураётган келин-куёвлар халқимиз орасида йўқ ҳисоби. Тўғри, илгари никоҳ пинҳона ўқитиларди. Никоҳ ўқитиш ҳозир мутлақо ошқоралашган. Лекин ЗАГСдан ўтиш “Бахт уйи”да, никоҳ ўқитиш масжид ва хонадонларда бўлмоқда. Шу икки маросимни бирлаштириш ва бир жойда — “Никоҳ ва оилавий маросимлар уйида” ўтказишни давр тақозо этмоқда. Бу амалдаги Конституциямизга ҳам зид эмас. Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги “Исломобод” марказида худди шундай қилинмоқда, келиннинг шаръий маҳри белгила-ниб, бу ҳақда унга васиқа топширилмоқда. Ҳаёт мураккаб, турмуш тасодифлардан холи эмас. Эҳтиёт чораси сифатида кафолатнома керак. Мабодо турмуш бузилса, ёш она кўлида боласи билан бошпанасиз қолмайди. Бу ташаббусни бутун жумҳурият бўйича кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир. Умуман, келин тушириш орзусида юрган отоналар тўй бошлашдан олдин келин-куёвнинг, туғилажак невараларининг етарли ва қулай бошпаналари бўлиши ҳақида қайғуришлари лозим. Энди ариза ёзиш билан текинга уй-жой олиб бўлмайди. Меҳнат ва фақат ҳалол меҳнат билан бошпанали бўлиш мумкин. Ёшларни ҳам мулк-

дорлик руҳида тарбиялаш, уларга шахсий мулк муқаддас ва дахлсиз эканлигини тушунтириш, шунга одатлантира бориш керак. Моддий таъминоти яхши, уй-жойли оилаларда кўйди-чиқдилар нисбатан кам эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Болалар тарбиясида отанинг қаттиққўллиги, онанинг меҳрибонлиги ҳал қилувчи омиллардандир. Оиладаги умумий соғлом иқлим, меҳр-муҳаббат, оқибат, ўзаро ҳурмат, тинч-тотувлик, ота-онанинг билим савияси, иймон-этиқодлилиги, дунёвий ва диний илм-маърифатдан хабардорлиги, нималарни биринчи даражада, нималарни охириги ўринда кўриши, етакчи гоёнинг қаёққа йўналганлиги, пулга ва пулдорликка, моддий ва маънавий бойликка муносабати ва шу каби жуда кўпгина нарсаларга ҳам боғлиқ.

Ҳозир жумҳуриятимизда 23 миллионга яқин аҳоли яшаса, шундан 10 миллион 800 минг нафари эркаклар, 12 миллиондан ортиги хотин-қизлардир. Демак, диёримизда аёллар эркаклардан анчагина кўп. Миллатнинг давомийлиги учун масъул зот бўлиши аёлларнинг маънавий қиёфаси қайси томонга қараб ўзгармоқда — бу ҳаёт-мамот масаласидир.

Маънавиятсиз моддий фаровонликка ҳам, умумтараққиётга ҳам эришиб бўлмайди. Маънавий қашшоқлик миллий таназулга олиб боради. Ноҳалол аёлдан ҳалол фарзанд дунёга келмайди. Умуман, нопок аёлни Она дея шарафлаб бўлмайди. “Куш уясида кўрганини қилади”, “Онасини кўриб, қизини ол” деган мақоллар беҳудага айтилмаган.

Ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий мезонлари бор. Аввало, ўридан барвақт туриш шарт. Ризқ-рўз тонгда улашилади. Кимки гафлат босиб, ўринда ётаверса, ризқидан қуруқ қолади, дейилади. Барвақт турилган куни иш, ўқишнинг унумли бўлиши ҳаммамизга маълум. Қолаверса, тонгги ҳаво мусаффо бўлади, кишининг соғлиги учун фойдали, кайфиятини ҳам тетик қилади.

Иккинчидан, юз-қўлни ювмасдан ҳол-аҳвол сўралмайди; юз-қўлни ювилгандан кейингина кичиклар катталарга салом берадилар. Аёллар нонушта ҳозирлайдилар. Қизлар, келинлар ҳовли-рўя, кўча эшиги олдини супириб, сув сешиб қўядилар. Бу иш оқшомда ҳам такрорланади.

Нонуштага, умуман дастурхонга биринчи бўлиб оиланинг ёши улуғи қўл уради, табаррук нонни ҳам у ушатади.

Иш ёки ўқишга оиланинг ёши улуғидан, дейлик, ҳаёт бўлсалар боболардан, бувилардан фотиҳа олиб кетилади. Қайтишда ҳам аввал уларга учрашиб, салом берилади, ҳол-аҳвол сўралди. Улар бундай иззат-ҳурматдан мамнун бўлиб, ёшларни дуо қиладилар. Бир оғизгина ширин сўз одамнинг чарчоғини ёзиб юборади, асабини жойига келтиради, руҳини тетиклаштиради. Одам одам бўлиб яратилганлигидан, оиласи борлигидан ғурурланади. Мана шунинг учун ҳам оилани роҳат-фароғат, тинчлик-хотир-жамлик маскани дейдилар.

Оила одобига кўра катта ёшлар болаларга, балоғатга етган фарзандлар, келинлар катталарга очиқ-сочиқ ҳолда кўринмайдилар, бачкана қилиқ қилмайдилар, пардасиз сўзларни айтмайдилар, сизсираш ҳурмат белгиси ҳисобланади. Кўчага уй кийимида чиқилмайди, биров сўраб келганда, кўча эшик олдида маҳтал қилиб қўйилмайди, дарҳол уйга таклиф қилинади. Меҳмон кугилганда болалар озода кийинтирилиб, супурги каби нарсалар кўздан четга олиб қўйилади.

Айтаверсак, ўзбек оиласининг фазилатлари кўп. Шу билан бирга унинг сирли томонлари ҳам бор. Бу энди ҳар бир оиланинг ўз ички иши. Уларни гапириш одобдан эмас. Чунки оила дахлсиз, муқаддас даргоҳ.

Оила — миллат парвози учун илк учуш майдони!

Ўзбек оиласи болажонли оила. Бу ҳам бизга суннатдир. Ҳазрат Муҳаммад пайгамбаримиз ўз ҳадиси шарифларида марҳамат қилиб айтибдиларки, “Мен қиёматда ўз умматларимнинг кўп бўлиши билан севишни истаيمان”.

Ҳозирги кунда, бизнинг кузатишимизча, шаҳар хонадонларида асосан бобо, буви, ота, она, бир неча ўғил-қизлар, келин ёки келинлар, неваралар, ҳатто чеваралар яшайдилар. Бу борада қатъий ҳисоб-китоб йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, юқорида айтганимиздек, ҳар бир оила ўзига хос бир олам. Таркибий жиҳатдан бири иккинчисига ўхшамайди. Кўп қаватли уйларда яшовчи хонадонлар аъзолари ҳовлиларда яшовчилардан кам, албатта. Шаҳарлик оиладан эса қишлоқ оиласининг аъзолари кўп. Бу уй-жой шароити ва азалий анъанавий омилларга боғлиқдир.

Шароит кўтарса, уй-жой етарли бўлса, моддий, энг муҳими, фарзандларни маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялай олишга кафолат бўлса, кўп фарзандлилик ўзини оқлайди. Гап миқдорий кўпайишда эмас, маънавий сифатда. Агар фарзандлар ҳам жисмоний, ҳам ахлоқий, ҳам маънавий камолотга ета олсалар, бунга нима етсин! Бу —

жамият бойлиги, авлодлар давомийлигини таъминловчи асосий омилдир.

Оилавий турмуш шундай сир-синаотлики, баъзан тўнғич фарзанд комил чиқади, баъзан эса кенжатой оила шухратини оламга дoston қилади. Болажонлик қариндошларнинг кўп бўлишига олиб боради. Қариндошлар одамнинг ҳам моддий, ҳам маънавий таянчи ва суянғидир. Ҳртада оқибат бўлса бас. Оқибатли қариндошлар даврасида яшаш, борди-келди қилиш завқлидир. Бобо, буви, ота, она, амаки, амма, тоға, хола, ака, ука, опа, сингил, ўғил, қиз, жиян, келин, куёв, невара, эвара, чевара, бўла (холанинг ўғли), куда-анда (қуданинг қудаси анда дейилади, куда-анда ибораси шундан келиб чиққан), қайнота, қайнона, қайиноға, қайни, қайинэгачи, қайинсингил, овсин ва шу каби ўнлаб сўзлар қариндошлик даражаларини билдиради. Буларнинг бош омили болажонликдадир. Болажонлик бўлмаса, бу сўзлар, бу тушунчалар пайдо бўлмасди.

Биз ушбу китобни ёзиш асносида исгиқболни белгиловчи статистика ташкилотлари, болалар соғлиғи учун масъул соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш бўлимлари (ЗАГС), тиб, социолог ва аҳолишунос олимлар билан, маҳалла оқсоқоллари ҳамда боғча ва ясли мудиралари билан мулоқотда бўлиб, туғилишнинг ҳозирги аҳволи билан қизиқдик. Уларнинг берган маълумотларига кўра республикамызда турғунлик йилларига қараганда ҳозир болалар ўлими кескин камайган, туғилиш нисбатан кўпайган, болалар ва оналарнинг саломатлиги анча яхшиланган. Бу ёш авлодни жисмонан етук, маънавий баркамол қилиб вояга етказиш йўлида республика ҳукумати изчил ва режали асосда амалга ошираётган тадбирларнинг самарасидир. Шуни таъкидлаб ўтиш жoизки, Ўзбекистонда ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча оилалар ва уларнинг фарзандлари қонун олдида ҳуқуқан бир хил мавқедадилар, имтиёзлардан ҳам баб-баравар фойдаланадилар. Бу ҳолат Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонунлар билан кафолатланган.

Ўзбекистоннинг нуфуси ҳар йили ўртача 450-500 минг кишига кўпаймоқда. Шўролар замонида аҳоли ташқаридан кўчириб келтирилувчилар ҳисобига ҳам кўпайган бўлса, эндиликда туғилиш ҳисобига ортмоқда. Маълумки, аҳолининг табиий кўпайиши геометрик прогрессия (ҳанда-савий карра) бўйича юз беради. Демак, ХХI асрнинг илк йилларида республика аҳолиси 26 миллионга бoриб қоли-

ни кутилмоқда. Бу ҳол бир томондан қувонарли бўлса, иккинчидан, қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Мамлакат аҳолисини озиқ-овқат, уй-жой, иш билан таъминлаш, ёш авлодни ўқишга, таълим-тарбияга тўла жалб этиш осон иш эмас. Бунинг устига, республикамизда фуқароларнинг ўртача умри тобора ортмоқда, яъни пенсионерлар сафи йилдан йилга кўпаймоқда. Истиқбол режаларини белгилашда ана шу икки ҳолат назарда тутилиши жоиздир.

## ОТИНЛАР

Ўтмишда илмли эркаклар “мулло”, ўқимишли аёллар эса “отин” дея эъзозланганлар. Оила мустаҳкамлиги, поклиги, тинч-тотувлиги учун биринчи навбатда ўшандай тушунган кишилар масъул бўлишган. Муллолар эркаклар орасида, отинлар аёллар даврасида таълим-тарбия ишларини олиб боришган. Тарғибот-ташвиқот ўчоқлари асосан иккита бўлган. Бири — маҳалла ёки қишлоқ масжиди, иккинчиси — отинойилар мактаби. Ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан никоҳнинг илоҳий аҳд, оиланинг муқаддас эканлиги ва шу каби тушунчаларнинг кенг тарғиб-ташвиқ қилиниши асрлар бўйи ўз самарасини бериб келган. Аёллар юрагига аёллар чуқурроқ кириб бора оладилар. Буни аждодларимиз яхши ҳис этишган.

Тарихдан маълумки, деярли барча буюк боболаримизнинг оналари ўқимишли бўлишган. Ибн Синонинг оналари Ситорабон ҳам, Мирзо Улуғбекнинг оналари Гавҳаршодбегим ҳам, Навоий бобомизнинг волидалари ҳам, Бобур Мирзонинг оналари Кутлуғ Нигорхоним ҳам етук билим эгалари эдилар. Ўтмишда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Кўқон, Наманган, Марғилон каби кўҳна шаҳарларимиздаги, йирик қишлоқларимиздаги деярли ҳар бир маҳаллада отинойилар бўлган, улар ўз уйларида мактаб тутиб, қиз болаларга савод ўргатишган. Мумтоз адабиётимизнинг вакиллари бўлмиш шоирларимизга отинойилар муаллимлик, мураббийлик ва устозлик қилишган. X асрдаёқ Туркистонимизда донгдор шоирлар етишиб чиққани билан фахрлансак арзийди. X асрда яшаб, ижод этган Робиа Балхий, XI асрда яшаган Оиша Самарқандий, XII асрда яшаган Муниса, XIII асрда яшаган Мутриба бегимларнинг номлари ажойиб шоирлар сифатида тарихда қолган.



Меҳрий, Ниҳоний, Иффатий, Жамила, Гавҳарбегим, Дилшод Хотун каби шоирларимиз эса Алишер Навоийга замондош бўлишган.

Бобурийлар хонадонига мансуб соҳибаи девон Зебуннисобегим, Гулруҳбегим, Нуржаҳон, Жаҳоноро, Салима каби ўнлаб шоиралар, “Бобурнома”нинг узвий давоми бўлмиш “Ҳумоюннома”нинг муаллифи Гулбаданбегим ҳам илк сабоқни отинлардан олишган.

Шоира ва отин Увайсий шоира ва малика Нодиранинг устозидир. Шоира Анбар отин қанчалаб марғуба қизларнинг саводини чиқазган. Муаззамхоним, Нозимахоним, Қамбарнисо каби ўнлаб шоирларимиз ҳам маҳалла мактабларида — отинойилар кўлида таълим олиб, адабиёт оламига қадам қўйганлар. Хуллас, отинлар ўтмишда маърифий-маънавий ҳаётда катта ўрин тутганлар. Улардан тошкентлик Муборақхон, Башоратхон каби маърифатпарвар отинларнинг муборақ номлари қомуслардан ўрин олган.

Афсуски, шўролар даврида отинлар фаолияти тўсиққа учрайвериб, аста-секин барҳам топиб кетган эди. Мустақиллик шарофати билан сўнгги йилларда диёримизда аста-секин отинойилар ва уларнинг мактаблари пайдо бўлмоқда. Ҳозир пойтахтимизнинг турли даҳаларида Ўғтиборхон, Озодахон, Саидахон сингари ўнлаб отинлар фаолият олиб бормоқдалар. Олий ёки ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган, дунёвий билимдан ташқари диний билимдан ҳам яхшигина хабардор бу зиёли аёллар маҳалла йиғинларида, турли маърака ва зиёфатларда, хотин-қизлар ташкилотларининг анжуманларида фаол қатнашмоқдалар. Ўғтиборли жойи шундаки, замонавий отинларимиз ўзбек, рус ва араб тилларини билишади. Янада қувонарлиси шуки, илғор аёлларимиз инглиз тилининг оламари мавқеини тезда илғаб олиб, шу тилни фарзандларига ўргатиш учун саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Чунончи, Кўкча даҳалик инглиз тили муаллимаси Хурриятхоним қўшниларининг 6-9 ёшли қизларига ўз уйида жамоатчилик асосида инглизчадан сабоқ ўргатмоқда.

Замонавий отинойилар фаолиятини жумҳурият миқёсида кенг тарғиб қилиш, зарур бўлса уларга керакли шарт-шароит яратиб бериш, тегишли адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу масалани Халқ таълими вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун” ва “Маҳалла” жамғармалари ўғтиборига ҳавола қиламиз. Диний ишлар қўмитаси ва Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси ҳам замонавий етук

отинлар тайёрлашга эътиборни кучайтирсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

## КАФОАТ

Аждодларимизнинг оила қуришда, келин тушириш ва қиз чиқаришда ўз талаб ва тушунчалари бўлган. Бу нарса XII асрда Фарғона водийсида туғилиб, Самарқандда вафот этган улуг аллома Бурҳониддин Марғиноний томонидан тасниф этилган “Ҳидоя” (“Ҳидоя фи фуруль ал-фикҳ”) асарида “Кафоат” деб аталади. Кафоат сўзининг луғавий маъноси тенгликдир. Қонун тилида эса “Кафоат” атамаси эр ва хотин ўртасидаги тенгликни билдиради.

Никоҳда икки томон тенг ва бир-бирига муносиб бўлиши шарт. Агар шундай қилинмаса, турмуш бўлмайди, эрнинг хотиндан, хотиннинг эрдан кўнгли тўлмайди. Келин ва куёв насл-насабда, ижтимоий мавқеда, билим-савияда, дид-фаросатда, имон-эътиқодда, мулкдорликда бир-бирига яқин бўлишлари аълодир. Лекин келин бироз куйироқ даражада бўлса ҳеч гап эмас, чунки эр оила раҳбаридир. Аммо аксинча бўлса, келин ўзини камситилган ҳисоблаши мумкин. Бунинг устига, куёвнинг оила раҳбари сифатидаги мавқеига путур етади. Кўпни кўрган, тажрибали ота-оналар қуда-анда бўлишда узоқни кўзлаб иш тутишлари бежиз эмас, албатта. “Тенгини топсанг, текин бер”, деган халқ мақоли замирида ҳам кафоат тушунчаси ётади.

## МАҲАЛЛА

Кишиларнинг тарихан шаклланган, оиладан кейинги бирлиги — бу маҳалладир. Маҳаллани, агар таъбир жоиз бўлса, йирик бир оила дейиш мумкин. Ўтмишда ҳар бир маҳаллада асосан бир касб-кор одамлари — ҳамкасабалар истиқомат қилишган. Маҳаллалар шунга қараб номланган: заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, парчабоб, қошиқчилик, пичоқчилик, эгарчи, темирчи, тақачи, ўқчи ва ҳоказо. Ҳозирги кунда замона зайли билан бир маҳаллада турли касб-кор кишилари яшайди. Лекин шу билан бирга, асосан ҳамкасбларнинг хонадонлари яшайдиган маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Масалан, “Профессорлар”, “Олимлар”, “Шифо-корлар”, “Геологлар” каби маҳаллалар мавжуд.

Оиланинг рисоладагидек бўлиши, эр-хотиннинг тинч-тотув, пири бадалшат, ували-жували бўлиб юришида кўни-қўшнилари, маҳалла-кўйнинг таъсири кучлидир.

Айниқса, ёш авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни катта. Ўсмирлар обрўли маҳалла оқсоқолларидан ҳайиқиб турадилар, уларнинг салобати таъсирида ўзларини ноҳўя хатти-ҳаракатлардан тиядилар. Кимдандир ҳайиқмаган бола бевош бўлиши ҳеч гап эмас.

Қизлар ҳаё ва ибони дастлаб оилада, кейин маҳаллада ўрганадилар, катталардан дакки эшитмай деб очиқ-сочиқ кўча-кўйга чиқавермайдилар. Бўлажак келин ёки куёвларининг кимлигини ота-оналар маҳалла катталаридан суриштирадилар. Совчилар ҳам келин бўлмишнинг, куёв бўлмишнинг уйига қадам ранжида қилишдан аввал кўшчиларининг хонадонига қадам кўядилар, уларнинг берган ҳолис баҳосига қараб иш тутадилар. Шунинг учун ҳам “Бир болага етти кўшни ота-онадир”, деган нақл бор.

**Шариат бўйича ҳар бир оила учун ўнг, сўл, орқа ва олд томондаги қирқгадан хонадон, жами бир юз олтинчи хонадон кўшни мақомидадир. Кўшнининг кўшига шаръий ҳаққи бор. Кўшни мусулмон бўладими ёки ғайридин бўладими, кўшничиликда бунинг аҳамияти йўқ. Кўшни ўз оти билан кўшнидир! Кўшнилари билан тинч-тоғув, апоқ-чапоқ яшаш шарт. “Кўшнинг тинч — сен тинч”, “Агар гилам сотмоқчи бўлсанг, кўшнингга сот, бир четида ўзинг ўтирасан”, “Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги кўшнинг афзал” каби мақоллар ана шундан далолат беради. Маҳалла-кўй, кўшнилари яхши-ёмон кунларда, қувончли тўйларда, бошга ўлим тушган оғир, мусибатли дамларда кўшнингизга биринчи бўлиб ярайдилар.**

Юртбошимиз фармонига биноан “Маҳалла” хайрия жамғармасининг тузилиши маҳалланинг анъанавий тарбия ўчоғи эканини яна бир бор тасдиқлади, унинг зиммасига замона талабларидан келиб чиқиб, янги вазифалар юклади, маҳалла мақомини ҳар қачонгидан кўра оширди. Кўп қаватли бинолар жойлашган ҳудудларда ҳам янги-янги маҳаллалар тузилаётгани, республикамизда яшовчи бошқа халқлар орасида ҳам маҳалла шарофатига чуқур тушунувчилар сафи тобора кенгайиб бораётгани ушбу фармоннинг халқчиллигини яна бир бор тасдиқлайди. Эндиликда илғор фикрли кишилар бошчилик қилаётган маҳаллалардаги жамоатчилик фикри муайян маънавий куч бўлиб қолди.

Маҳаллада яшовчи киши, жамиятда тутган мавқеи, бой ёки камбағаллигидан қатъи назар, кексайгани сари бир нарсадан кўнгли тўқ бўла боради — кун-соати биттач, хотиржам оёқ узатиб кетади, уни ҳам маҳалладошлари из-

зат-ҳурмат билан сўнгги йўлга кузатиб қўядилар, инсонлик шарафига доғ тушмайди.

Маҳалла борасида Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг маънавий аҳамияти ва моҳияти мана шунда ҳам намоён бўлмоқда.

## МУОМАЛА

Кишилар билан муносабат, сўзлашув ва шунингдек иш, хизмат билан боғлиқ алоқага муомала дейилади. Энг гўзал муомала лутф-карамдир. Навоий бобомиз буни муомалапардоз деб ёзадилар. Хуллас, халқимизда одамлар билан муносиб тарзда муомала қила билишлик маданият, олижаноблик аломати, деб тушунилган.

Муомала маданиятида энг аввало халқимизнинг болажонлиги, оилани муқаддас билиши намоён бўлади.

Нотаниш икки ўзбек йигити фалакнинг гардиши билан учрашиб қолгудек бўлса, салом-алиқдан кейингина суҳбатни “Уйланганмисиз?” деган гапдан бошлайди. Агар улар ўттиз ёшларда бўлса, савол сал бошқачароқ бўлади: “Оғайни, болалардан нечта?” Ҳа, касб-кор, уй-жой, бойлик ва шу каби моддий жиҳатлар суриштирилмайди, бу одоб доирасига кирмайди ҳам, лекин бола-чақадан сўз очиш ўзбекларга хос миллий одатлардандир.

Она учун фарзандлари ҳақида мақтов сўзлар эшитиш, ота учун ўғил-қизлари ҳақида эл-юртдан “Отанга раҳмат!” деган олқиш эшитиш энг катта саодатдир.

Ўрта яшар таниш ёки нотаниш эркаклар ва аёллар мулоқотида “Ҳаммасидан қутулганмисиз?” деган савол ўртага тушиши табиий. “Ўғилларни уйлантириб, қизларни узатиб бўлдингизми?” Яхши умидлар билан ўғил-қиз ўстирган ота-она борки, фарзандларини оилали, уй-жойли қилиш ташвиши билан яшайди, бу улар ҳаётининг мазмуни бўлиб қолади. Ўғил-қизларидан тиниб-тинчиган нуруний боболаримиз, мушфиқ бувижонларимиз энди не-вара, чевара, эвараларининг, қуда-андаларнинг ташвиши, тотувлиги, яхши-яхши тўйлар қилиш нияти билан яшайдилар: фалончи чеварамнинг тўйини ҳам кўрсам, ўлсам армоним қолмасди, деб Яратганга илтижо қиладилар. Ри-соладаги қарияларимизнинг асосий машғулотлари дуоғўйлик, маслаҳаттўйлик бўлиб қолади.

Барча маданий халқларда бўлгани сингари ўзбекларда ҳам муомала “Ассалому алайкум” ва “Ваалайкум ассалом”-дан бошланади, кейин ҳол-аҳвол сўрашишга ўтилади.

## ЖАМИЯТ

Тилимизда жам, жамоа, жамоат ва жамият деган сўзлар бор. Барчасининг ўзаги йиғилган, тўпланган деган маънони билдирувчи жам иборасидир. Масалан: жамоат жам. Одамлар жам бўлишди. Жами — ўн нафар. Шунингдек, жам сўзи қўшув маъносида ҳам ишлатилади.

Жамоа ибораси бирор маҳалла ёки қишлоқ аҳолисини, бирор муассаса, ташкилот ёки корхона аҳлини билдиради, яъни бир жойнинг бир гуруҳ кишилари деганидир.

Жамоа атамаси маъноси жиҳатидан жамоатдан фарқланади. Жамоада турли қарашдаги кишилар бўлса, жамоатда эса бир мақсад, бир хил манфаат йўлида жам бўлган кишилар тушунилади. Масалан, жамоат деганда бир масжидда намоз ўқувчи ҳаммаҳалла, ҳамқишлоқ кишилар назарда тутилади. Жамоат сўзининг жамоатчилик шакли ҳам бор. Масалан: илмий жамоатчилик, адабий жамқатчилик, талабалар жамоатчилиги ва ҳоказо.

Жамият инсоният тарихий тараққиётининг маълум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Ижтимоий муносабатлар ичида энг асосийси, сиёсий ва ҳуқуқий устқурма учун ҳақиқий базис бўладиган, ижтимоий онг шакллари белгилайдиган муносабатлар — иқтисодий муносабатлардир. Тўғри, жамият тараққиёти табиий-тарихий, қонуний тараққиётдир.

Инсоният, масалан, XIX асрдан кўра XX асрда анча раванқ топган. Бу раванқни илмий техника инқилоби, моддий фаровонликка тегишли деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ инсониятнинг умуммаънавиятига оид муносабатлари бундан мустаснодир. Жамият тараққиётини бутунлай иқтисодий муносабатларга боғлаб қўйиш тўғри эмас, бу моддиюнчиликдир. Одамлар иродаси, азму қарори, маънавий омилларни ҳам унугмаслик керак.

Шўролар давридаги ҳукмрон мафкура моддиюнчиликка асосланган эди. Шу сабабли у “Тарихда тўртта ижтимоий-иқтисодий формация (босқич) — ибтидоий, кулдорлик, феодал ва капиталистик жамиятлар бўлган, энг сўнгги — бешинчиси бўлмиш коммунистик жамиятни биз — совет халқи яратяпмиз”, деб оламга жар солган эди.

Шўролар мафкурасига кўра: “Ибтидоий жамиятда ҳамма тенг эди. Кулдорлик, феодал ва капиталистик жамиятларда ишлаб чиқариш воситалари (яъни уларнинг эгалари) билан моддий бойликларни ишлаб чиқарувчилар (яъни омма) ўртасида антагонистик зиддият мавжуд бўлиб, мулкдор-

лар меҳнаткашлар ҳақини ўмариб қолишарди, оммани эксплуатация қилишарди; коммунистик жамиятнинг биринчи даври бўлмиш бизнинг социалистик жамиятимизда барча ишлаб чиқариш воситалари моддий бойликлар ишлаб чиқарувчилар, умуман, халқ ихтиёридадир, шунинг учун ҳам социалистик жамият ишлаб чиқариш воситалари эксплуатациядан озод бўлган совет кишиларининг ўзаро ёрдами ва социалистик ҳамкорлик муносабатларидан иборат”.

Шўро мафкурачилари шу ғояни зўр бериб тарғиб-ташвиқ қилар, мажбурлаб ўзгаларга ҳам тиқиштирар эдилар. СССРнинг тарқалиб кетиши, ёки 45 йил икки тузумда яшаб келган икки олмон давлатининг бирлашуви, шунингдек, икки вьетнам давлатининг қўшилиши бу “таълимот”нинг пучлигини тезда исботлади. Шу сабабли у ҳақда кўп тўхтаб ўтиришга эҳтиёж йўқдир.

Бозор иқтисодиёти онгли кишилик тараққиётининг ҳамма босқичларида бўлган ва бундан кейин ҳам давом этаверади. У инсонларга ҳамиша йўлдошдир.

## ЖАМИЯТ ВА ШАХС

Шахс — жамиятнинг бир аъзоси. У жамиятдан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Бунинг сабаблари, бизнингча, қуйидагилардир: биринчидан, шахс ахлоқи ҳамиша жамият ахлоқига бўйсунди, шунга мажбур. Иккинчидан, киши кўпгина нарсаларсиз ҳам яшай олади, лекин танҳоликда яшай олмайди, бахтни ҳам одамлар орасидан топади, шахс бахт-саодати жамиятдан ташқарида бўлмайди; учинчидан, киши жамият иродасидан далда олади; тўртинчидан, жамият шахс камолоти учун боғбонлик қилади, киши фақат туғма сифатлари билангина эмас, балки мазкур жамиятга хос ҳислатларни ҳам ўзлаштиради.

Демак, ҳар бир шахс — ўзи яшаган ёки яшаб турган жамиятнинг аъзоси, бир фарзанди. Жамият ва шахс, шахс ва жамият муносабатларининг нозик, сир-синоатли томонлари ҳам бор, албатта. Агарда жамият адолатли бўлса, унга адолатпеша шахс раҳбарлик қилаётган бўлса, жамиятнинг барча аъзолари учун ҳам, алоҳида олинган бир шахс учун ҳам бахтнинг кулиб боққанидир. Адолатли жамият шахсни шунчаки шакллантириб қўя қолмайди, балки маънавий стук қилиб камол топтиради.

Худди шунингдек, шахс яхши хулқли, олижаноб бўлса, адолатли жамиятда одамларга катта наф етказди. Ахлоқ-

ли киши ҳатто ўз ҳаётидан кечиб бўлса ҳам, халқи, ватани учун — ўзи аъзо бўлмиш жамият учун кўп иш қилади, унинг номи тарихда мангу қолади ва янги-янги авлодларга намуна бўлаверади.

Юқорида биз: “Шахс ахлоқи ҳамиша жамият ахлоқига бўйсунди, шунга мажбур”, дедик. Адолатли жамиятда шахс ахлоқи жамият ахлоқига бўйсунмиш табиийдир, аслида бу бўйсунмиш эмас, уйғунлашишдир. Адолатсиз жамиятда эса ахлоқли шахснинг ахлоқи жамият ахлоқига мос келмайди. Бундай шахс жамиятда юз бераётган адолатсизликларни қабул қилолмайди. Жамият эса уни ўз ахлоқига бўйсунмишга мажбурлайди. Беқарор шахслар жамият измига тушиб, қиёфаларини йўқотадилар. Доно шахс адолатсиз жамиятнинг ахлоқсиз хоҳишига бўйин эгмайди, аксинча, унга тўғри йўл кўрсатишни истайди. Натижада жамият ва шахс ўртасида ихтилоф чиқади, зиддият юз беради. Жамият бундай шахсларни ёки рад этади — назардан четга суриб қўяди, ёки маҳв этиб қўя қолади.

Жамият табиатида яна бир қусур ҳам борки, агар у адолатпеша раҳбар томонидан давлат йўли билан бошқарилмаса, жамият бошвоқсиз оломонга айланиб кетади, бундан энг аввало онгли, етук шахслар, зиёлилар жабр кўрадилар. Орадан маълум муддат ўтиб, эл-юртда адолат ўрнатилгач, жамият ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, ўзи рад этган шахсларни ўзи қабул қилади, ўзи маҳв этиб юборган шахсларни ўзи оқлаб, уларга ҳайкаллар ўрнатишгача бориб етади. Афсуски, вақт ўтган, ҳаёт карвони кетган бўлади... Кишилиқ жамияти яратилибдики, шахснинг қисмати гоҳ худ, гоҳ бехуд бўлиб келаётир. Албатта, ҳамма гап адолатда, жамиятга ким раҳбарлик қилишидадир.

Саксонинчи йилларнинг охирларида маълум сабабларга кўра жамиятда оломонлик қусурлари кучайиб, телба оломонни ўзига эргаштиришга интилувчи кимсалар ҳам пайдо бўлган эди. Вазиятнинг нақадар қалтис ва хавфли эканини чуқур идрок этган юртбошимиз мамлакат ва халқ тақдири учун ўзининг масъул эканини теран ҳис қилиб, ўз вақтида қилинган тегишли талбирлар билан жамиятни тўғри йўлга сола билди, жамиятга юқа бошлаган оломонлик иллатидан уни қутқариб қолди.

Мана шу фавқулодда ҳодисада ҳам юртбошимиз феноменининг бир қирраси намоён бўлди. Ҳақиқат таққосда яққол кўринади. Айрим собиқ иттифоқдош республикаларда жамиятни оломонликдан қайтариб қолувчи куч

бўлмагани сабабли фуқаролар уруши, биродаркушлик бошланиб кетди, баъзиларида ҳамон давом этиб турибди.

## ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Жамоатчилик фикри — ижтимоий онгининг ўзига хос кўринишларидан бири бўлиб, кишиларнинг турмуш ҳодисалари, сиёсий ва ижодий ташкилотлар ва алоҳида бир шахсларнинг фаолияти ҳақида ижобий ёки салбий қарашларининг мажмуидир. У кишиларнинг манфаатларини, эътиқод ва ҳис-туйғуларини, сиёсий ва ижодий ташкилот ва муассасаларнинг оммага мунтазам суратда кўрсатадиган таъсири ва амалий ҳаёт тажрибаси, анъаналар асосида ўз-ўзидан ёки уюштирилган тарзда юзага келади ва шаклланади. Шунинг учун ҳам жамоатчилик фикрида манфаатларнинг хилма-хиллиги билан бирга уларни тушуниш даражаси ўртасида фарқ бўлади. Жамоатчилик фикри ёки рад этади ёки маъқуллайди. Бетарафлик жамоатчилик фикри эмас. Бетарафлик — бу яширин ёқлаш ёки ёқламаслик, дилидагини ошкор этмасликдир.

Жамоатчилик фикри — нисбий тушунча, унда ҳақиқат ҳамиша ҳам тўла-тўқис зухур бўлавермайди. Жамоатчилик фикрининг ҳақиқатлик даражаси ўша фикрни билдирган жамоа таркиби кимлардан иборат эканлигига боғлиқ. Маҳалла жамоатчилиги деймиз. Туман жамоатчилиги деймиз. Шаҳар жамоатчилиги деймиз. Илмий, адабий, маданий жамоатчилик деймиз. Буларда ҳамма вақт ҳам мутлоқ ҳақиқат ифодаланавермайди.

Масалан, ўн нафар собиқ комфирқа аъзоси маҳалла идорасига тўпланиб, бирор масала ёки бирор фуқаро ҳақида фикр юритиб, буни маҳалла жамоатчилигининг фикри дейиши мумкин. Ёки бирор институтнинг кенгаши бирор олимнинг асари ҳақида сўз юритиб, бу илмий жамоатчиликнинг фикри дегани билан масала ҳал бўлмайди, олимнинг асари агар ҳақиқий асар бўлса, қадрини йўқотмайди, ҳақиқий асар бўлмаса, илмий жамоатчиликнинг баҳоси билан қадр топмайди ҳам.

Халифалик пойтахти, айни пайтда ўша давр дунёвий ва диний илм маркази бўлмиш Бағдодда катта бир гуруҳ олимлар Мансур Халложни кофирликда айблаб, диний жамоатчилик фикрини ифодалайдилар. Натижада милодий 922 йилда Мансур Халлож ваҳшиёна ўлдирилади. Икки



оёғи ва икки қўли кесилади, кўзларини ўядилар, сўнгра бошини ер тубан қилиб, дорга осадилар, жони узилгач, танасини куйдирадилар, кулини кўкка совурадилар. Ваҳоланки, ўша диний жамоатчилик фикрини билдирган олимлар ноҳақ эдилар. Тарих тажрибаси кўрсатадики, кўпчилик ноҳақ бўлиб, бир киши ҳақ бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Хусайн Бойқаро баъзи ғаразгўй сарой аъёнларининг кутқуларига берилиб, Мўмин Мирзони қатл этиш ҳақидаги фармонга мастлигида қўл кўйиб юборади. Оқибатда бу қатл теурийлар салтанати таназзулини тезлатади.

Миш-мишлардан рашк ўтида ёнган Отелло покдомон Офелияни хиёнатда айблаб ўз қўли билан бўғиб ўлдиради. Ваҳоланки, Офелия садоқатли, маъсума, беғубор эди. Кейин бундан хабар топган Отелло қилмишидан минг пушаймон бўлади, виждон азобида қийналади, аламига чидамай ўз жонига ҳам қасд қилади. Барибир ҳақиқат очилади, кечикиб бўлса ҳам адолат тантана қилади.

Ўттизинчи йилларда Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби раҳбарларни “чет эл айғоқчилари” деб комфирқа жамоатчилиги фикрини протокол қилиб берган бегоналар эмас, уларнинг фирқавий сафдошлари эди. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонларни “халқ душмани” деб уюшма қарорини чиқариб, уюшма аъзолигидан бир овоздан ўчириб берганлар ҳам бегоналар эмас, уларнинг ҳамкасабалари эдилар. Эллигинчи йилларнинг бошларида Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, Шухрат, Мирзакалон Исмоилий, Саид Аҳмад, Ёнфин Мирзо, Ҳамид Сулаймонларга “халқлар дохийси йўлига зид иш тутмоқда”, дея тўхмат қилиб собиқ КГБга ёзиб берганлар ҳам бегоналар эмас, улар билан бирга чой ичиб, май ичиб, улфатчилик қилиб юрган ҳамкасабалари эди. Ҳа, бетайинлар, бевурдлар зуғум таъсирида ўз фикрларини тезда ўзгартириб, умумий фикрга — “жамоатчилик фикри”га дарҳол қўшилиб кета қолади.

Марҳум деймизми, собиқ деймизми, балки иккала сифат ҳам мос келар, КПСС ва унинг жойлардаги ташкилотлари жамоатчилик фикрини уюштиришда устаси фаранг эди. Шўровий сиёсатга мос келмайдиган шахс ё асар пайдо бўлса, дарҳол улар ҳақида “жамоатчилик фикри”ни уюштиришга буйруқ бериларди, партком, райком, горком, обком, марказкомлар ишга тушиб кетарди, бюроча ва бюрларда йиғилишлар бошланарди. Қарабсизки, “жамоат-

чилик фикри” рўқач қилиниб, ўша шахс бадном этиларди, ўша асар “йўқ”қа чиқариларди.

Маълумки, республикамизда бир нечта ижодий уюшма фаолият кўрсатиб келган ва ҳозир ҳам ишламоқда. Бу уюшмалар адабиёт, санъат, меъморчилик ва журналистика ривожига муайян ҳисса қўшган, деювчилар бор. Балки ўз вақтида шундай бўлгандир. Лекин масала моҳиятига чуқурроқ ёндошиб, босиб ўтилган йўлга, ҳосил бўлган ижод хирмониغا мустақил давлатнинг бир онгли фуқароси нуқтаи назаридан қараб, уларни теран ва атрофлича таҳлил қилиб кўрайлик-чи, қандай ҳолат ва ҳодисаларга дуч келар эканмиз? Бизнинг хулосамизга кўра, ўша уюшмалар ижодкорларни бир қолипга солиб туришга интилган, бир андоза — социалистик реализм методи бўйичагина ижод қилишга мажбур этган, бунга очиқ қаршилик билдирганларни “йўқ”қа чиқарган. Кучли истеъдод эгалари муайян даражада ўзларини кўрсата олганлар, лекин тўла-тўқис намоён бўла олмаганлар; бошқалар эса қолипга тушиб, фирқа чилдирмасига ўйнаганлар. Собиқ коммунистик партия ўз сиёсатини ижодкорлар орасида ўша уюшмалар ва уларнинг ҳар бирида мавжуд партия ташкилотлари орқали изчил ўтказиб келарди. Хуллас, ижод билан сиёсат бири-бирига қориштириб ташланган эди. Ваҳоланки, сиёсат ўзгарувчан ҳодиса, ижод эса боқийдир. Энг сара мумтоз асарлар то инсоният тургунча яшаб қолаверади.

Ўз вақтида ўша уюшмаларда бирор ижодкор ёки унинг асари ҳақида билдирилган фикрлар жамоатчилик фикри деб талқин қилинар, агар у фикр ижобий бўлса хўп-хўп, агарда салбий бўлса, тамом-вассалом, неча ойлик ёки неча йиллик ижодий меҳнат зое кетар эди. Жамоатчилик фикри ижобий бўлган тақдирда ҳам, унга “умуман” сўзи тиркаб айтилар, яъни қатор “нуқсон”ларни тузатиш, асарни қайта кўриб чиқиш шарт қилиб қўйилар эди, қисман бўлсада, жамоатчилик фикрига мослаштириш талаб этиларди. Шу сабабли ижодкор бояқиш асар яратишга киришишдан олдинданоқ уюшмада билдириладиган жамоатчилик фикрининг қандай бўлишини хаёлидан ўтказар, чўчиб, юрагини ҳовучлаб юрар, асари битгач, унинг муҳокамасига иложи борича адолатли фикр билдирувчи ижодкорлар қатнашувининг ғамини еяр эди. Бу одатий ҳол эди. Чунки асар муҳокамаларида “рақиби”дан ўч олувчи, социалистик реализм тамойилларини ҳадеб пеш қилувчи нотиклар учраб турарди.

Шундай бир шароитда, ҳали республикамизда собиқ коммунистик партия мавжуд эканлигидаёқ, юртбошимиз давлат ташкилотлари, муассасалар, жумладан, ижодий уюшмаларда партия ташкилотлари фаолият кўрсатишини бекор қилиш ҳақида фармон чиқарди. Бу маънавиятни сиёсатга тобеликдан озод этиш йўлида қўйилган дадил ва илк қадам эди. Шу тариқа ижодий уюшмаларнинг “жамоатчилик фикри”ни билдирувчи партиявий вазифаларига барҳам берилди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида кўпчилик ижодий уюшмаларда тарафкашликлар, лавозим талашчилик юз берди, ҳатто айрим уюшмалар ғийбатхонага айланган даврлар ҳам бўлди. Бу иллат аста-секин барҳам топди.

Шариатда, ғийбат уясига айланиб қолгудек бўлса, ҳатто масжид бўлса ҳам бузинглар, деган фатво бор. Чунки ғийбат кишиларни иймондан айиради, давлат қудратига путур етказди, миллат жипслигига раҳна солади.

Биз жамоатчилик фикрига ҳам, ижодий уюшмалар бўлишига ҳам қарши эмасмиз. Лекин биз жамоатчилик фикрининг холис ва адолатли бўлиши тарафдоримиз. Ижодий уюшмаларнинг сиёсий ташкилотлар эмас, балки ижодий масалалар билан, ижодкорларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан шуғулланувчи, уларни ҳақиқий бадий асарлар яратишга руҳлантирувчи ва яхши асар муаллифларини рағбатлантирувчи жамоат ташкилотлари бўлишини истаймиз, холос.

Ижодий уюшмалар керак. Лекин эски шакл ва мазмунда эмас, албатта. Инш услублари мустақил мамлакатнинг, истиқлолга эришган халқнинг манфаатларига мос бўлмоғи лозим.

Бир сўз билан айтганда, жамоатчилик фикри — бу жамият фикри эмас. Жамоатчилик фикри жамият фикри бўлиши учун умумхалқ фикри юксаклигига кўтарилиши керак.

Маълумки, маърифатли давлатларда бугун халқ тақдирига, унинг туб манфаатларига дахлдор масалалар умумхалқ сўрови — референдум йўли билан ҳал этилади. Мазкур демократик модда Ўзбекистон Конституциясида ҳам ҳуқуқий асосда мустақамлаб қўйилган. 1995 йили мамлакатимиз Президентининг ваколатларини 2000 йилгача узайтириш ҳақидаги референдум ана шундай умумхалқ фикрини аниқлаш ва жамият тараққиётини шу йўсида белгилашга яққол мисолдир.

## ДАВЛАТ ТАФАККУРИ

Жамият мамлакатда мавжуд барча жамоалардан ташкил топади. Жамият фикри мавжуд барча жамоатчилик фикрларининг қаймоғидан иборат бўлади. Ҳар бир одам мавжуд жамиятда яшаб туриб, ундан ташқари туриши мумкин эмас. Ҳар бир киши ўзи вояга етган ва яшаб турган жамиятнинг фарзанди, ўғил-қиз ота-онасига ўхшагани каби шахс ҳам ўз жамиятининг мевасидир.

Саксонинчи йилларда республикамизда давлат тафаккурига эга шахс раҳбарлик қилганида халқимиз бошига “пахта иши”, “ўзбек иши”га ўхшаган маломатлар ёғилмаслиги, минглаб фуқаролар азоб-уқубатга учрамаслиги мумкин эди. Давлат тафаккурига эга бўлмаган раҳбар ўз атрофига давлат тафаккурига эга сиймоларни яқин йўлатмайди, балки ўзидан узоқлаштиради, ёнига ўзига ўхшаш кимсаларни тортади.

1989 йилги Уш можароларини бартараф этишда юртбошимиз олий заковат — давлат тафаккурининг юксаклигидан туриб фикр юритмаганида, қадим Туркистонимиз бошига Сарой Бўсна (Босния)да бўлган каби биродаркушлик, қирғинбаротлар тушиши мумкин эди. Худо бизларни бир сақлаб қолди. Бу бизларга бахтнинг кулиб боққани, омадимизнинг юришгани, раҳбардан ёлчиганлигимиз эди. Ана ўшандаёқ юртбошимиз феноменидаги энг ёрқин қирралардан бири — керакли ишни ўз вақтида қила билиш фазилати намоён бўлган эди. Демак, жамиятга жамоатчилик фикрини тўғри йўналтириб тура оладиган раҳбар керак экан.

Бизнинг таърифимиз бўйича, керакли ишни ўз вақтида қила оладиган, умумжамият манфаатини кўзлаб, жамоатчилик фикрини тўғри йўналтира биладиган раҳбарнинг тафаккурига давлат тафаккури, дейилади.

Шундай тафаккур соҳиби бўлса, юрт қарвони — сарбонсиз, жамият кемаси — дарғасиз, халқ — йўлбошчисиз қолмас экан.

Тарихда ва яқин ўтмишда ҳам жамиятга сиғмаган ёки жамият қабул қилмаган кўп буюк зотлар ўтган. Умумий манфаатлар уйғун келса, жамоатчилик фикри ва давлат манфаатлари муштарак бўлади. Бу муштараклик етакчининг давлат тафаккури даражасида фикр юритишига, иш тутишига, жамоатчилик фикрини умумжамият манфаатларига мос ҳолда йўналтириб, шакллантириб туришига боғлиқ, албатта.

Маънавият, маърифат ўчоқлари, матбуот, радио, телевидение жамоатчилиқ фикрини шакллантириш ва унга тўғри йўналиш беришнинг муҳим воситаларидан ҳисобланади. Жамиятнинг маданий-ахлоқий савиясини кўтаришда, шахснинг маънавий юксалишида ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда жамоатчилик фикрининг аҳамияти каттадир.

Тилимизда ўзбек жамияти ва Ўзбекистон жамияти деган, бир-бирига яқин, бироқ айнан бир-бирини такрорламайдиган икки тушунча бор. Ўзбек жамияти бу республикадаги ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг миллий манфаатларини ифодаласа, Ўзбекистон жамияти эса республикада яшовчи барча фуқароларнинг манфаатларини кўзлайди. Асосий Қонун олдида ҳуқуқан ҳамма тенга-тенгдир. Шундан келиб чиқиб, жамоатчилик фикрини белгилаш, татбиқ этиш ва йўналтириб туриш ҳам давлат тафаккури сирасига киради.

Кўхна тарихдан аёнки, давлат тафаккури соҳибининг ҳаёти осон кечмайди, фаолияти тўсиқларга учраши, уни тушунмасликлари эҳтимолдан узоқ эмас. Ҳамма-ҳаммага бирдек маъқулу мақбул бўладиган раҳбар ҳам, оддий киши ҳам йўқ.

Ўзбек миллатига мансублик ҳам ҳали миллий кадр деган юксак номни билдирмайди. Миллий кадр бўлиш учун миллатга мансубликдан ташқари миллат манфаати учун қайғуриш ҳам шарт. Фидойи, билимдон, укувли раҳбарлар қанчалик кўп бўлса, халқнинг эртаси бутунгидан фаровон бўлади. Тарихда шахснинг роли катта экани хусусида юқорида тўхтаб ўтган эдик. Республикамиздаги катта-кичик раҳбарлар, жумладан, муассаса ва корхоналарнинг бошлиқлари ҳам муайян савияда давлат тафаккури даражасида мулоҳаза қилсалар, иш юритсалар, нур устига аъло нурдир.

Давлат тафаккурининг ибтидоси 1991 йилнинг 31 августидан эълон қилинган мустақилликнинг моҳиятига — ўша кун қандай буюк воқеа содир бўлганига тўла тушуниб етишдан бошланади. Орадан йиллар, замонлар ўтгани сайин бу сананинг улуглиги тобора аён бўла боради. Ҳар йили янги ўқув йили бошланадиган 2 сентябрда республикамиздаги барча ўқув юртларида Мустақиллик дарслари ўтказилишининг мазмуни ҳам шунда. Зеро, Мустақиллик байрамининг моҳияти ва ундан кейин юз берган буюк воқеалар, амалга оширилган ишлар ҳақида ёш авлодга тушунтириб бориш зарур.

## МАЪНАВИЯТ МАШЪАЛИ

### АЛЛОҲ ТАОЛО

Даҳрий, яъни дунё ҳодисаларини фақат табиат қонунларига боғлиқ, деб билувчи, Аллоҳ таолога, унинг Биру борлигига ишонмовчи кимсанинг маънавияти чеклангандир. Шуни назарда тутиб, китобимизнинг маънавиятга оид бу қисмида Аллоҳ таоло, пайғамбарлар, илоҳий китоблар, Куръони карим, Ҳадиси шариф, фикҳ, ҳалол ва ҳаром ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз. Зеро, булар тўғрисида маълум бир тушунчага эга бўлмай туриб, маънавиятнинг туб моҳиятини илгаш мушкул.

Аллоҳ — арабча сўз бўлиб, ўзбекчага таржима қилсак, Тангри деган маънони билдиради. Форсийда Худо дейилади, бу калом туркий халқларда ҳам кенг қўлланилади.

Аллоҳ, Худо, Тангри сўзларига одатда сифат қўшилиб, Аллоҳ таоло, Худойи таоло, Тангри таоло шаклида ишлатилади. Таоло — улуғ, олий деган маънони билдиради. Ўз мақомига қараб бошқа сифатлар ҳам қўшилади: Ҳақ таоло, Аллоҳи карим, Парвардигори олам... Аллоҳ таолонинг Куръони карим ва Ҳадиси шарифларда қайд этилган номлари 99 тадир. Булардан тилимизда энг кўп қўлланиувчилари қуйидагилар дейиш мумкин: ар-Раҳмон — ўта меҳрибон; ар-Раҳим — жуда раҳмли; ал-Малик — подшоҳ; ал-Куддус — нуқсонлардан холи; ас-Салом — офат ва балолардан саломат; ал-Мўъмин — омон ва омонлик берувчи; ал-Азиз — иззат ва қудрат соҳиби; ал-Холиқ — яратувчи, халқ этувчи; ал-Ғаффор — кечиргучи; ар-Разоқ — ризқ берувчи; ал-Фаттоҳ — ҳукм этувчи; ал-Қаҳҳор — ғолиб; ал-Алийм — билувчи, доно, илм соҳиби; ал-Азийм — улуғ, буюк, катта; ал-Карим — карамли, саховатли, кечиримли; ал-Ғаний — бой, эҳтиёжсиз; ал-Ҳақ — ҳақиқатдан мавжуд зот; ал-Ҳай — тирик; ал-Воҳид — яго-

на; ас-Самад — ҳожатбарор; ал-Қодир — қудратли; ал-Ҳодий — йўл кўрсатувчи; ар-Рашид — барча иш ва тадбирлари тўғри чиқувчи; ал-Ҳофиз — сақлагувчи...

Аллоҳнинг мазкур ва бошқа исмларига абд — қул сўзи олддан қўшилиб, киши отлари ясалади: Абдураҳмон — ўта меҳрибон Аллоҳнинг қули; Абдураҳим — жуда раҳмли Аллоҳнинг қули; Абдулқудус — нуқсонлардан холи Аллоҳнинг қули; Абдулкарим — карамли, саховатли, кечиримли Аллоҳнинг қули; Абдулғани — бой, эҳтиёжсиз Аллоҳнинг қули; Абдулалим — билувчи, доно, илм соҳиби Аллоҳнинг қули ва шу қабилар. Фарзандларга бундай исмлар қўйишдан мақсад — уларда шундай улуғ фазилатлар бўлсин, деб ният қилишдир. ]

Аллоҳнинг сифатлари инсон сифатларидан тубдан фарқ қилади. Айтайлик, Аллоҳнинг қурувчи, эшитувчи, билувчи деб сифатлаганимизда, унинг мазкур сифатлари таърифлаганимиздек чегарали эмас. Одам яқинни кўради, яқиндаги товушни эшитади, маълум миқдорда билимга эга бўлади. Аллоҳ таолога эса узоқ-яқин баробар. У ҳали гапириб улгурмаган дилимиздаги гапларни ҳам билади ва эшитади. Кўп маълумотлар одам ёдидан кўтарилиб кетади. Аллоҳ эса бирорта катта ёки кичик воқеани унутмайди. Унинг учун бир сония ҳам, миллион йил ҳам баробар. Унинг илми ўзгариб ёки камайиб қолмайди.

Аллоҳ таолонинг зоғи ва сифатлари тўғрисида чуқур баҳс юриштиш шаръан ман этилади. Чунки унинг ҳамма сифатлари ўзига хос хусусиятга эгадир. Буларни билиб, моҳиятига етишга инсон ақли ожизлик қилади. Шунинг учун унинг Биру борлигига чин имон келтириб, ожиз ақлни унинг ҳақиқати тўғрисида кўп ўйлаб чарчатишга ҳожат йўқ. Сўфи Оллаёр айтганларидек:

Фаришталар, набийлар этмадилар,  
Бўйин сундилару фикр этмадилар.

Аллоҳ таоло бирор инсонни иймонли бўлишга ёки кифир бўлишга мажбур қилмайди, балки унга ақл, идрок ва ихтиёр бериб қўйганки, хоҳласа, ўз ихтиёри билан савобли ишлар қилиб шариат таклифларини қабул этади, хоҳласа, иймонли бўлган ҳолда иш қилади ёки иймонсиз ҳолда гуноҳ ишларга қўл уради. Мўъмин бўлиб, Аллоҳнинг буйруқларини бажарса, унинг розилигини топган бўлади, бажармаса, унинг розилигидан узоқлашиб, гуноҳкор бандалар сафига қўшилади.

Аллоҳ таолони бирор нарсага ўхшатишмайди ва бирор нарсани ҳам Аллоҳга ўхшатишмайди. Аллоҳга нисбатан сахий, хурсанд каби сифатлар ишлатилмайди: Аллоҳ қарамли, Аллоҳ рози дейилади.

Аллоҳ ҳамма жойда ҳозирдир, аммо ўзи бемақондир, яъни коинотнинг бирор жойида маскан тутиб истиқомат қилмайди. Маскан, манзил, мақон ва жой махлуқларга, яъни яратилган нарсаларга, жумладан, одамларга хосдир.

Тангри таолога вақт, замон ҳам дахлсиздир. Аллоҳни фалон вақтдан бери бор ва фалон вақтгача мавжуд, дейилмайди. У ибтидосиз ва интиҳосиздир. Туғилиш они, яшаш муддати ва ўлим махлуқлар, жумладан, одамларга хосдир.

Киши кўзига кўринмагани учун Уни инкор этиш ва Биру борлигига шак келтириш ақлсизлик ва шаккокликдир. Зеро, дунёда кўп нарсаларни кўрмаймиз, лекин борлигига шак ҳам келтирмаймиз. Масалан: руҳ, ҳаво, электр токи ва шу қабиларни кўрмасак-да, белги ва аломатларидан борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Тангри таолони ҳам кўз билан кўролмасак-да, беҳисоб аломатларидан билиб, унга имон келтирамиз. Еру осмон, ою қуёш, тун ва кун, қиш ва ёз, наботот, ҳайвонот ва инсоният дунёларининг ҳамма-ҳаммаси — буларнинг барини Аллоҳ таоло яратганлигини исботлаб турибди. Фақат уларни идрок этиш учун ибрат кўзи ва иймон нури керак.

## ПАЙҒАМБАРЛАР

Пайғамбар форсча сўз бўлиб, хабарчи демақдир. Арабча набий дейилади. Расул сўзи арабча, маъноси элчидир. Демак, пайғамбарлар Аллоҳнинг хабарчи ва элчилари бўлиб, илоҳий таълимот ва дин аҳкомларини ўз умматларига етказган кишилардир. Пайғамбарларнинг адади Куръон, ҳадис ва тарихий китобларда қатъий белгиланмаган. Баъзи манбаларда уларнинг сони 124 минг дейилган. Куръони каримда 25 нафар пайғамбарнинг номи баён этилган. Улар Одам, Идрис, Нух, Ҳут, Солиҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Якуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зи-л-кифл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илёс, ал-Ясаъ, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яҳё, Исо ва Муҳаммад алайҳиссаломлардир. Ислом таълимотига кўра пайғамбарларнинг биронтасини ажратмаган ҳолда ҳаммаларига баробар иймон келтирилади.

Араб олими Халил Иброҳим пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг хислат ва фазилатлари, бошқа пай-



ғамбарларга берилмаган юзта хусусиятларини бир китобга жам қилган. Шулардан айримларини келтириб ўтамиз. Гарчанд жаноби пайғамбаримизнинг ўзлари ҳамма пайғамбарлардан кейин келган бўлсалар-да, Одам Ато яратилмай туриб пайғамбар деб ном олганлари, “Ҳотам ул-анбиё” деган лақабга молик бўлганлари, у кишига итоат қилиш Аллоҳга итоат қилиш билан баробарлиги, ул зотни ҳамма мўмин-мусулмонлар ўз жонларидан ва аҳлу авлодларидан ортиқ кўришлари, иймон калимасида Аллоҳнинг номи билан номлари доимо бирга ёд этилиши, “Раҳматан лил оламин” деган унвон олишлари, пайғамбарликлари бутун Ер юзи халқларига баробар тааллуқли экани, динларини қиёматгача сақлашга Аллоҳнинг ўзи кафил бўлганлиги, номларини айтиб чақиришнинг ман этилганлиги, шаънларига қиёматгача доимо саловат айтиб турилиши, меърожга чиққанлари, элликдан ортиқ мўъжизага эга бўлганликлари, барча гуноҳлардан мағфират этилганликлари, жинлардан ҳам динларига кириб мусулмон бўлганлиги, ҳамма пайғамбарларга имом бўлиб Байгул-Мақдисда намоз ўқиганликлари, олди томонларини қандай кўрсалар орқа томонларини ҳам шундай кўра олишлари, икки кифт-ларининг ўртасида пайғамбарлик муҳрлари борлиги, қиёматда биринчи бўлиб тирилиб, Сирот кўпригидан биринчи бўлиб ўтишлари, жаннатга биринчи бўлиб киришлари, кавсар булоқларга эга бўлишлари, гуноҳкор умматларига шафоат қилишлари, умматларнинг кўпчилиги жаннат аҳли бўлиши ва ҳоказо хислатлар шулар жумласидандир.

## ИЛОҲИЙ КИТОБЛАР

Аллоҳ таоло ўтган пайғамбарларнинг баъзиларига саҳифалар, баъзиларига эса китоблар нозил қилган. Одам алайҳиссалом, Шис, Идрис, Иброҳим алайҳиссаломларга нозил бўлган қудрати илоҳий бир неча саҳифадан иборат бўлса, Мусо алайҳиссаломга Таврот китоби, Довуд алайҳиссаломга Забур китоби, Исо алайҳиссаломга Инжил китоби, Муҳаммад алайҳиссаломга Куръон китоби нозил бўлган. Куръони каримдан бошқа илоҳий китоб ва саҳифалар бирйўла бир дафъа тушган. Аммо Куръони карим китоб шаклида бир дафъада эмас, балки 23 йил мобайнида вақти-вақти билан оят-оят, сура-сура шаклида оғзаки қабул қилиниб, ёдда сақланган.

Аллоҳ таоло бандаларининг руҳий ва моддий аҳволларини яхши билган ҳолда ҳар бир пайғамбарга унинг умматларига муносиб ҳукмлар баён этилган китоб ва саҳифалар юборган. Таврот, Забур ва Инжил китоблари ўз даврида умматлар учун ҳидоят манбаи бўлган. Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин пайғамбар ҳам, илоҳий китоб ҳам келмаслигини ирода қилган Аллоҳ таоло қиёматгача ҳукми ўзгартирилмайдиган, бирор ҳарфи зиёда ёки кам бўлмай тилларда ва дилларда сақланиб борадиган охирги китоби — Қуръони каримни барча инсоният учун ҳидоят манбаи қилиб нозил этган.

## ҚУРЪОНИ КАРИМ

Қуръони карим Ер юзи мусулмонларининг дастуриламали, диний аҳкомлар манбаидир. Жаноби расулulloҳ алайҳиссалом 40 ёшга тўлган вақтларида Ҳақ субҳонаҳа ва таоло Жаброил алайҳиссалом орқали у зоти шарифга пайғамбарлик ваҳийсини юборган. Қуръони каримнинг биринчи ояти ҳам шу ондан нозил қилина бошланган. Жаноби расулulloҳ алайҳиссалом нозил бўлган оятларни келгусида бир мукамал мусҳаби шариф сифатига келтириш учун саҳобаи киромлардан тўрт кишини — Али ибн Абу Толиб, Муовия ибн Абу Суфён, Убай ибн Каъаб, Зайд ибн Зобитни ўзларига котиб қилиб олган эканлар. Саҳифаларни жам қилиш ва тўлиқ бир китоб шаклига келтириш ҳаракати жаноби пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларидан кейин Абу Бакр Сиддиқ халифалиги давридан бошланган. Бу муборак ҳаракат иккинчи халифа ҳазрати Умар даврларида давом этиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон халифалик замонларида якунланди. Ҳазрати Усмон ибн Аффоннинг буйруқлари билан мазкур саҳифалар жамланиб, ўша даврнинг машҳур хатготларидан тўрт кишига бир нусхада янги саҳифаларга кўчиртирилади ва тўртта муқоваланган мусҳаф шаклига келтирилади. Алҳамдулиллоҳ, Туркистонга ҳам шу мусҳаби усмоний нусхалардан бири етиб келган ва ҳозирда у Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси кутубхонасида сақланмоқда.

Қуръони каримда 114 та сура, 6236 та оят борлиги маълум. Йигирма сурада оила ва у билан боғлиқ масадалар тилга олинган инсоний жамиятда жуфтлик нақадар зарур эканлигини кўрсатади. Қуръони карим қироати турмушимизга чуқур сингиб кетган. Мустақиллик шарофати билан турли маросимларимиз Қуръони карим қироати-

дан бошланмоқда. Ўзбекистон ислом дунёси миқёсида Куръони карим қироати соҳасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

## ҲАДИСИ ШАРИФ

Ислом шариатининг асосий манбаларидан иккинчиси суннатдир. Суннат расулуллоҳдан нақл қилинган ҳадиси шарифлар орқали шаклланади. Ҳадиси шарифларда расулуллоҳ алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган иш фаолиятлари ва саҳобалар томонидан амалга оширилган ишларга муносабатлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Шу уч хил услубнинг ҳар бири суннат дейилади.

Ҳадиси шарифларни йиғиб китоб шаклига келтириш, асосан пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин амалга оширилган. Бу шарафли иш ҳижратнинг учинчи асрига келиб кенг қулоч ёйган. Ислом оламининг ўша пайтдаги маданий марказларидан саналган Бағдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис фани билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган. Улар ҳадис тўпламларини тузишган. Улар ичида энг ишончли манба саналганлари олтига бўлиб, буларни имом Бухорий, имом Муслим, имом Абу Довуд, имом ат-Термизий, имом ан-Насоий ва имом ибн Можжа тузишган. Бу буюк муҳаддисларнинг тўрт нафари турон-заминлик бўлгани билан бутун ислом дунёси миқёсида фахрлансак арзийди.

Муҳаддислик шу қадар шарафли ва сермашаққат ишки, у кишидан заковат, куч-қувват, фидойилик, юксак иқтидор ва ҳофизани талаб қилади. Масалан, имом Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисларни ёд олганлар.

## ФИҚҲ

Шариат сўзининг луғавий маъноси йўлдир. Диний атама сифатида эса Куръони карим, Ҳадиси шариф, ижмоъ ва қиёс ва бошқа диний манбаларда тавсия этилган амаллар, ибодатлар мажмуига шариат дейилади.

Жаноб пайгамбаримиз алайҳиссалом вафотларидан сўнги даврларда бир асрда яшаган мужтаҳид даражасидаги уламоларнинг бирор шаръий ҳукмга фарз ёки вожиб

деб баҳо беришда қилган иттифоқларига ижмоъ дейилади. Масалан, пайғамбаримиз вафотларидан кейин Қуръони каримни бир китоб шаклида жам қилиш, диний хизматчиларга маош тайин қилиш, мадрасалар очиш ва шу каби ишлар ижмоъ билан жорий қилинган.

Зикр қилинган учта манбада топилмаган баъзи масалаларни топилганларига таққослаб ҳукм чиқаришга қиёс дейилади. Масалан, Қуръони каримда арақ ман этилган, лекин бошқа маст қилувчи ичимликлар тўғрисида ҳукм айтилмаган. Мужтаҳид уламолар маст қилувчи ичимликларнинг барча турларини арақнинг қилмишига қиёс этиб, уларни ҳам ҳаром деб ҳукм чиқарганлар.

Юқорида тилга олинган диний манбалардан тўғри ҳукм чиқаришга фикҳ дейилади. Фикҳ — ислом ҳуқуқшунослиги, фақиҳ — ҳуқуқшуносдир.

Туркистон тупроғидан кўплаб буюк ҳуқуқшунослар егишиб чиққанлар. Руҳлари шод бўлсин деб, улардан айримларининг номларини эслаб ўтамиз. Имом ул-аъзам Абу Ҳанифа, Вақи бин Жарроҳ Суғдий, Абу Мутеъ ал-Балхий, Абу Мансур Мотуридий-Самарқандий, Ал-Ҳаким аш-шаҳид ал-Марвазий ал-Балхий ал-Бухорий, Ас-Сабазмуни Калабозий Бухорий, Абу Али Низомиддин Аҳмад Шошӣй, Рустағфани Самарқандий, Абу-л-Лайс ас-Самарқандий (орадан беш асрча ўтгач, бу улуғ зотнинг авлодларидан бири — Абу-л-Лайс Фазлуллоҳ Самарқандий Алишер Навоӣйга устозлик қилган), Абу Бакр Хоразмий, Ан-Нисовий, Абу Зайд Абдуллоҳ Дабусий, Хилвоний, Абу Шакур Муҳаммад ал-Кешӣй, Абу-л-Ҳасан ас-Суғдий, Абу-н-Наср Исфижобий, Паздавӣй Самарқандий, Абу-л-Муин ан-Насавий, Абу Саид Масъуд ал-Кушоний ас-Самарқандий, Абу Али Ҳусайн ал-Ломиший ал-Фарғоний, Аҳмад ал-Исфижобий ас-Самарқандий, Ас-Садр уш-шаҳид Бухорий, Абу Ҳафс Нажмиддин ан-Насафий, Абу Бакр Алоуддин ас-Самарқандий, Аҳмад бин Муса ал-Кешӣй, Абу-л-Фазл ал-Хоразмий ал-Баққолий, Абу-л-Ҳасан Сирожиддин Али ая-Ўший ал-Фарғоний, Имомзода Бухорий, Алоуддин Абу Бакр ал-Косоний ал-Фарғоний, Фаҳриддин Ҳасан Ўзгандий ал-Фарғоний, Бурҳониддин ал-Марғинович, Тумуртоший ал-Хоразмий, Бурҳон-уш-Шариъа ал-Бухорий ал-Марғилович, Абу Яъқуб Саккокий Хоразмий, Мажуддин Уструшаний, Абу Абдуллоҳ Ҳисомиддин ал-Аҳсикатий ал-Фарғоний ва бошқалар.

Биз юқорида фақат тўрт аср ичида, яъни VIII асрнинг иккинчи ярмидан XIII асрнинг биринчи ярмигача Тур-

кистондан етишиб чиқиб, ҳуқуқшуносликка оид нодир асарлар яратган олимлардан баъзиларининг исм-шарифларини тилга олиб ўтдик, холос. Уларнинг исмларидаги нисбалар диёримизнинг деярли ҳамма гўшаларида ҳам ҳуқуқшунослик фани равнақ этганини кўрсатади. Бу Ватанимиз қадимдан маънавият маркази бўлганига, халқимизнинг маънавий томирлари чуқур илдиз отганига ёрқин бир далилдир. Ҳозирча улардан фақат бир муаллиф — Бурҳониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асарининг биринчи жилди чоп этилди. Демак, бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп.

## ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ

Шариат назарида Аллоҳ таоло тарафидан қилинишига рухсат этилган нарсалар ҳалол дейилади. Ҳаром эса унинг акси — қилинишига рухсат этилмаган, балки қайтарилган ишлардир.

Одатда халқимиз ҳалолни ейиладиган нарсаларга ишлатиб, ейилмайдиган, зарарли, попок нарсаларга ҳаром иборасини ишлатади. Ҳақиқатда эса шариатда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ейиладиган озиқ-овқатлар ва қилинадиган ишлар ҳалол. Ижозат этилмаган нарсалар ва ишлар эса ҳаромдир. Аллоҳ таоло ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёматда жазосини албатта беради. Ҳеч ким қилмиши учун жазодан қочиб қутулмайди.

Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсалар инсон учун моддий ва маънавий фойдалидир, ҳаром қилинган нарсалар зарарлидир.

Ҳалол қилинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум. Ҳаром қилинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслатиб туриш жоиздир. Булардан айримлари шунлар: яроқли бўлатуриб беиш юриш, зинокорлик, ота-онага оқ бўлиш, фолчилар сўзига ишониш, сеҳр-жоду билан шугулланиш, шумланиш-ирим қилиш, ўликка дод-вой солиб йиғлаш, савдо-сотикда фирромлик қилиш, бировнинг ҳаққига, омонатига хиёнат қилиш, қасамхўрлик, судхўрлик, ўғирлик, қароқчилик, майхўрлик, бировни масҳара қилиш, ғийбат, туҳмат, бўҳгон, бадгумонлик, жосуслик, чақимчилик, ёлғончилик, обрўни тўкиш, қотиллик, порахўрлик, бевафалик ва ҳоказо.

Хуллас, ҳалолликка чорланг — маънавиятга даъватдир.

## МАЪНАВИЯТ

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш — онгсиз ва руҳсиз махлуқларга хос. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамга хос фазилатдир.

Маънавият — одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир. Тилимизда “Бамаъни одам” деган ибора бор. Бу иборага лойиқ кўрилиш улуг бахтдир. Ва аксинча “Бе-маъни одам” дейиш кучли ҳақоратдир, бу — ҳайвонсифат дейиш билан баробар.

Маънавият — жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокни мужассамлантирувчи тушунча. Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йўналишининг бош омилидир. У муайян иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият бойиб борса, жамият равнақ эта боради ва аксинча, маънавият қашшоқлашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутади. Мустақиллик йилларида маънавият масалаларига муносабат тубдан ўзгариб, унинг бойиб боришига кучли эътибор берилаётганининг боиси ана шунда. Бой маънавиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Маънавият жамият ва миллат равнақининг бош омили ва пойдеворидир. ]

Маънавият кенг тушунча бўлиб, маърифат, маданият тушунчаларини ҳам ўзига қамрайди.

## МАЪНАВИЯТ ВА ИСТЕЪДОД

Ҳар бир жамиятнинг маънавият даражаси унинг истеъдод эгаларини, умуман эса, қобилиятли ва укувли шахсларни қадрлаши, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши, камол топтириши учун етарли шарт-шароитни таъминлаб бериши билан ҳам белгиланади. Ривожланган, маънавиятли жамиятларда истеъдод эгалари миллатнинг юзи, гурури ва келажаги деб қаралади. Ҳозирги ўзбек жамияти ана шу йўлдан бормоқда.

Турон ва Туркистонда азалдан истеъдод эгаларини эътироф этиш ва муносиб қадрлашга ҳамisha эътибор бериб келинган. Бир тарихий мисол. Алишер Навоий буюк аса-

ри “Хамса”ни ёзиб тутатгач, Султон Хусайн Бойқаро улуг бобомизни саройга таклиф қилади, пешвоз чиқиб, карнай-сурнайлар садоси остида зўр тантаналар билан кутиб олади, аркони давлат — амирлар, вазирлар, уламо ва фузало ҳозирлигида шоирга шоҳона саруполарни ўз қўли билан кийгизади, кумуш билан зийнатланган эгар-жабдуқли оқ аргумоққа мингазади. Тантана шу билан тугамайди. Султон Хусайн Бойқаро Алишер Навоий минган от жловини тутганича Хуросон мамлакатининг пойтахти бўлмиш Хиротнинг бош кўчаларини айлантириб чиқади. Халойиқ уларни баб-баробар олқишлайди. Бири буюк асар яратгани учун, иккинчиси шу асар яратувчисининг қадрига етгани учун шундай олқишларга сазовор бўладилар. Бу буюк асарнинг шоҳона тақдирланиши эди. Бу воқеа тиллардан тилларга, эллардан элларга, замонлардан замонларга ўтиб, то бизнинг кунларимизга етиб келган ва қиймагача ҳам унутилмас керак.

Бироқ мустамлакачилик, хоризм зулми ва совет империяси йилларида юртимизда истеъдод эгалари тўла бўй кўрсатишларига эътибор берилмади. Бундан коммунистик тузум манфаатдор эмасди, у йирик истеъдод эгаларининг пайдо бўлиши халқнинг миллий руҳи ва ғурурини уйғотиб юборишидан чўчир эди.

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликка эришгач, ҳар соҳада бўлгани каби истеъдод эгаларига бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Илм-фан, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларида истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларнинг ижодий салоҳиятларини юртимиз мустақиллиги ва халқимиз маънавиятини бойитишга йўналтириш, уларга ғамхўрлик қилиш кун тартибига қўйилди. Республика Президентининг бу борадаги қатор фармонлари, ҳукумат қарорлари фикримизни тасдиқлайди.

Жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси ўз имкониятларини кўрсатиш учун тенг ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг ҳар бир ва ҳамма аъзосига баробар меҳр кўрсатиши лозим. Лекин инсоний омил деган нарса ҳам бор. Инсоний омилга эътибор билан қараш, унга алоҳида шарт-шароит яратиб бериш, рағбатлантиришдан кейинчалик жамиятга наф етади. Демак, истеъдод эгаларини излаб топиш, тарбиялаш, рағбатлантириш, уларга шарт-шароит яратиб бериш ижтимоий аҳамиятга молик ишдир. Истеъдод эгаларини зарур даражада қадрлаш, уларнинг ижодий имкониятларини очиб юбориши туфайли жамият тараққиётини тезлаштиради, бундан пировард оқибатда жамиятнинг барча аъзо-

лари манфаат кўрадилар. Юртбошимиз раҳнамолигида истеъдодпарварлик юртимизда давлат сиёсати тарзида шаклланиб бормоқда. Буни жамиятимизнинг маънавий даражасини кўрсатувчи белгилардан бири дейиш мумкин.

## МАЪРИФАТ

Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билимдир. Бу сўзнинг кўплик шакли маорифдир. Атама сифатида эса у табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифатли дегани — билимли, муайян соҳада маълумоти бор, дегани бўлиб, инсонпарварлик маънавияти заминидоғина ўз моҳиятига эга бўлади. Кишиларнинг билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбияга ҳам маърифат деб қаралади. Бу сўз илму урфон маъноларида ҳам ишлатилади. Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими орқали амалга оширилади. Демак, маърифат — билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни ёйиш қуроли, воситасидир. Маориф асосан умумий ва ўрта махсус билим берувчи мактаб ва ўқув юртлари тармоқларини қамраб олади. Маърифат тушунчаси эса кенгроқ бўлиб, билим ва маданиятнинг ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини ўзига қамрайди.

## МАЪРИФАТПАРВАРЛИК

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим деб, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли сиймолари маърифатпарварлик билан шуғулланадилар. Маърифатпарварлар одатда давр учун, жамиятнинг бугуни ва келажаги учун ўта муҳим бўлган ғояларни кўтариб чиқадиладар ва шу ғояларни амалга ошириш учун изчил кураш олиб борадиладар.

Ҳар даврнинг ўз маърифатпарвари бўлади. Ёзувчи, мутафаккир ва фалакиётчи Аҳмад Дониш Бухоро давлатининг Россияга юборилган элчисининг мирзаси сифатида биринчи марта 1857 йилда Санкт-Петербургга боради. Орадан ўн икки йил ўтгач, 1869 йили яна шу юмуш билан Русия империяси пойтахтида бўлади. Энди Бухоро амирлиги мустақил давлат эмас, вассал эди. Элчига, унинг



мулозимларига, жумладан, элчининг мирзаси Аҳмад Донишга ҳам илгаригидек муносабат кўрсатилмайди, чунки улар тобеъ, қарам эдилар-да. Шундан хулоса чиқариб, Аҳмад Дониш “Биз — ўзбеклар қачонгача гафлат уйқусида ётамиз, қачон қоқоқликдан қутуламиз”, дея фикр юритиб, бу қоқоқликдан қутулиш йўлини маърифатда кўради, халқни маърифатли бўлишга чорлайди. Бу ўша давр учун илғор фикр эди. Муқимий, Фурқат, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Завқий, Сатторхон, Исҳоқхон тўра каби бошқа маърифатпарварлар ҳам шу ғояни ўз асарларида илгари сурганлар.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида Туркистонда вужудга келган жалидчилик ҳаракати ҳам дастлаб маърифатпарварлик ишларини олиб борди. Жадид сўзи арабча бўлиб, луғавий маъноси янғидир. Жадидлар 1906 йилдан бошлаб, Туркистонда “Тараққий”, “Хуршид”, “Тужжор”, “Самарқанд”, “Ойна”, “Бухороий Шариф”, “Умид” каби газета ва журналлар чиқарадилар, босмахона ва напшиётлар, кутубхоналар, театрлар, янғича мактаблар очадилар, хайрия жамиятларини тузадилар, ўтмиш маданиятимизни, тарихимизни тарғиб қилиш билан бирга жаҳоний янгиликларни ҳам оммага етказишга ҳаракат қиладилар, дунёвий билимларни ҳам чуқур эгаллашга даъват қиладилар.

Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Саидрасул Саидазизов, Рўстамбек Юсуфбек ўғли ва бошқа шу каби маърифатчилар халқни миллий уйғонишга даъват этдилар.

Дастлаб “Нажот — илму урфонда” деб билган маърифатчилар кейинчалик “Нажот — миллий истиқлолда” деган ғояни ўртага қўйдилар, уларнинг энг етук намоёндалари миллий-озодлик ҳаракатига бошчилик қила бошладилар. Бу ҳақда кейин — ўз ўрнида сўз юритамиз.

Маърифатчилиқнинг кенг қулоч ёйилиши самараси ўлароқ халқнинг умуммаданияти юксала боради.

## МАДАНИЯТ

Маданият арабча мадина (шаҳар, кент) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга бўлиб, бирини бадавий ёки саҳроий турмуш, иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик — бу кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик

эса шаҳарда ўтроқ яшаб, шаҳарга хос турмуш тарзида яшовчи халқларга нисбатан ишлатилган.

Маданият атамаси кенг маънода қўлланилиб, жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлар мажмуини, бирор ижтимоий гуруҳ ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражасини, ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик ва маърифатликни ҳамда турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари мажмуини билдиради.

Туркистон маданиятининг буюк арбоблари, жумладан, Абу Наср Форобий ҳам, шаҳар турмуш тарзини жамоанинг етуклик шакли сифатида талқин қилади. Форобийнинг фикрича, ҳар бир киши ўз табиатига кўра олий даражадаги етукликка эришиш учун интилади, бундай етукликка фақат шаҳар жамоаси орқалигина эришилади. Унинг таъкидлашича, маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, бу мамлакатда ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баравардир, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод яшайдилар.

Инсоний яратувчанликнинг икки асосий тури — моддий ва маънавий яратувчанликка қараб, маданият моддий ва маънавий маданиятларга бўлинади. Моддий маданият моддий фаолиятнинг барча соҳалари ҳамда унинг самаралари — меҳнат қуроллари, турар-жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алоқа воситалари ва шу кабиларни ўз ичига олади. Маънавий маданиятга ақлан ва маънан яратувчанлик соҳалари — билим, ахлоқ, таълим-тарбия, ҳуқуқ, фалсафа, нафосат, фан, санъат, адабиёт, фольклор, асотирлар, дин ва шу кабилар кирази.

Фақат бир халққа тегишли, фақат бир халқнинг ўзигина яратган соф маданият бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир миллий маданиятнинг асосий қисмини шу миллат яратган бўлса-да, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний маданиятнинг улуши ва таъсири бўлади, албатта. Ҳар бир халқ қайси халқлар билан алоқа қилса, унга маданий таъсир кўрсатади ва маданий таъсир олади.

Маданият — умуминсоний ҳодиса. Лекин шўро мафкурачилари айтиб келганидек, синфий ҳодиса эмас. Маданият барчага баравардир. Масалан, мақомлар, адабиёт, меъморчилик дурдоналари, фан ютуқлари, транспорт ва алоқа воситалари барчага тегишлидир.

Ҳар бир жамият ва давр ўз маданият типига эга бўлади. Жамият ўзгариши билан унинг маданият типини ҳам ўзгарди-ю, лекин маданий тараққиёт узилиб қолмайди, илгариги маданият йўқ бўлиб кетмайди, маданий мерос ва анъаналар сақланади. Ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маънавий маданият бойликлари мажмуига маданий мерос дейилади. Ҳар бир янги авлод моддий ва маънавий маданият негизини ҳар гал янгитдан яратмайди, балки аجدодлар томонидан яратилган маданий бойликларни қабул қилиб олади. Тарихий ворислик — жамият ва унинг маданияти равақининг шартидир. Минг афсуслар бўлсинки, шўролар замонида маданий меросга тўғри муносабатда бўлинмади. “Бою заминдорларга, ҳоким синф табақаларига хизмат қилган ўтмиш маданиятининг бизга кераги йўқ, янги — пролстар (йўқсил) маданиятини яратамиз” деган шиор остида собиқ Совет Иттифоқи халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятига қирон келтирилди, саройлар, масжид ва мадрасалар бузиб ташланди, нодир асарлар ёқилди. Бу сиёсатнинг энг зарарли жойи шунда бўлдики, маданий меросга паст назар билан қаралди, осори атиқалар қаровсиз қолди.

Шу билан бирга ҳар бир жамият ўтмиш маданий меросини қандай бўлса, шундайлигича, кўр-кўрона қабул қилиб олмайди, албатта. Маданий мероснинг ўз дунёқараши, тузуми, манфаатларига мос келадиган, бутун ва келажак учун хизмат қиладиган қисмини қабул қилади. Чунки ўтмишдан қолган барча нарсалар бир хил қадриятга эга бўлмайди. Масалан, шўролар замонида яратилиб, унинг сиёсатини тарғиб этган, эндиликда ўз умрини яшаб бўлган китобларнинг бугун учун ҳам, келажак учун ҳам қадрияти йўқ. Тўғри, улар мерос, лекин маданий мерос эмас, уларни тарихий факт сифатида сақлаб қўйиш мумкин, холос. Демак, маданий мероснинг қадри абадул абад тушмайдиган қисмига миллий қадриятлар дейилади. Ўзбекистонда истиқлол шарофати билан миллий қадриятларнинг қадрига тўла етилмоқда ва кенг тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Миллий қадриятларимиз истиқлол маданиятини яратишимизга негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ҳол миллий мафкура-мизда ўз ифодасини топмоқда.

## МАФКУРА

/ Муайян бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалса-

**фий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, гўзалликка доир, бадний қарапларнинг бутун бир тизимига мафкура дейилади.** Мафкурасиз жамият, ижтимоий гуруҳ ёки миллат бўлиши мумкин эмас. Жамият маънавияти ичида турли мафкуралар бўлиши мумкин. Лекин бир жамият, ижтимоий гуруҳ (масалан, сиёсий партия) ёки миллатнинг мафкурасини бошқа жамият, ижтимоий гуруҳ ва миллатнинг мафкурасига мажбуран қабул қилдириш мумкин эмас, бунга йўл қўйиб ҳам бўлмайди.

Бундай ҳаракатлар демократия ва эркинлик қоидаларига, миллатларнинг суверенитетига зиддир. Лекин коммунистик идеология, яъни йўқсиллар мафкураси худди шундай йўл тутган. Фақат ўз дунёқарашини мафкура деб билиб, бошқа мафкураларни тан олмаган. Коммунистик идеологияга асосланган ва уни зўр бериб, турли йўл-йўриқлар билан кенг тарғиб-ташвиқ этган, тоталитар, яъни зўравонликка асосланган шўро давлати фақат ҳоким миллат манфаатини кўзлаган. Нафақат собиқ Совет Иттифоқида яшаган миллат ва элатларнинг, балки шулар қаторида социалистик лагер деб аталмиш мустақил давлатлар халқларининг ҳам миллий манфаатларини тан олмаган, миллий мафкуралари бўлишига йўл қўймаган. Бунга бир икки мисол: 1956 йилнинг октябрида Венгрияда Москвага муте ҳукуматга қарши кўзғолон кўтарилиб, венгер халқи манфаатларини ҳимоя қилувчи раҳбарлар ҳокимиятни қўлга олишлари биланоқ, шўро ҳукумати тезда бу мамлакатнинг ички ишига аралашди, кўзғолон бостирилди, ҳокимият тепасига шўро мафкураси бўйича иш тутувчи шахслар келтириб қўйилди, ҳатто Венгрия Меҳнаткашлар партияси “қайта” ташкил қилиниб, Венгрия Социалистик ишчи партияси деб юритила бошланди.

1968 йилнинг август ойида Прага шаҳрида халқ кўзғолон кўтарганида ҳам худди шундай иш тутилди, кўзғолончилар устига шўро танклари бостириб борди.

Китобнинг ушбу бобини ёзиш асносида биз собиқ КПСС Программаси билан собиқ СССР Конституциясини ва собиқ Ўзбекистон ССР Конституциясини бир-бирларига солиштириб чиқдик ва шундай хулосага келдикки, моҳият эътибори билан улар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, ҳаммаси ҳам коммунистик идеологияга асосланган ва уни амалга ошириш воситалари бўлган. КПСС — сиёсий партия эмас, балки ҳукмрон давлат ташкилоти бўлган, шунингдек, СССР Конституцияси давлат қонунларининг асосий мажмуаси эмас, балки бошқа кўринишдаги КПСС

программаси, айтиш жоиз бўлса, ёрдамчи конституция бўлган. КПССнинг хоҳиш-иродаси амрини парламент орқали депутатлар томонидан тасдиқлашиб олиш ва бажартириш дастурчаси ҳисобланган. СССР Конституциясида Коммунистик идеологиянинг гегемонлиги ҳақидаги махсус модданинг мавжудлиги ҳам шу фикримизга яққол далил бўла олади. Ваҳоланки, Конституцияда мамлакатдаги фақат бир сиёсий партия ёки гуруҳнинг мафкураси инобатга олиниши мумкин эмас, бу адолатга ҳам, одоб-ахлоққа ҳам тўғри келмайди. Конституцияда бутун халқнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топиши керак.

Ўзбекистон Компартияси ҳеч қачон мустақил сиёсий ташкилот бўлган эмас. У КПССнинг ажралмас ва таркибий қисми ҳисобланиб, Москванинг ноғорасига ўйнаб келган. Сиёсий бюронинг амр-фармонини сўзсиз бажариш, унинг учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлган. Ўзбекистон ССР Конституцияси СССР Конституциясидан бир кўчирма бўлиб, “СССР” деган ибора ўрнига “Ўзбекистон ССР” деган сўзлар ёзиб чиқилган эди, холос.

Собиқ Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясининг 20 миллиондан ортиқ аъзосининг ҳаммаси ҳам маёлақ жиҳатидан коммунист бўлмаган. Бир қарашда, ғайритабиийдек эшитилса-да, компартия аъзоси деган тушунча бошқа, коммунист деган тушунча яна бошқа нарса. Қонун чиқарувчи ташкилот ҳам, ижроия ҳокимияти ҳам, суд ҳам, боринги, жами ташкилотлару муассасалар компартия қўлида бўлиб келган.

Шу сабабли истаса-истамаса фуқаролар унга аъзо бўлишга мажбур эдилар. Турмуш тарзининг ўзи шуни тақозо этарди. Партия аъзоларига ҳаминша эшиклар очик эди. Партияга аъзо бўлмаган одам, халқ ибораси билан айтганда, Туйтепадан нарига ўтолмасди. Шу сабабли КПСС аъзолари 20 миллиондан ошиб кетган эди. Шу сабабли дилида бошқа маёлақ бўлса-да, замонасозлик қилиб фирқага ўтганлар ҳам кўп эди. Ўзбекистон Компартиясининг ярим миллиондан ортиқ аъзосининг аксарият қисми коммунист маёлагиде эмасди, десак, янглишмасмиз. Сўзимизнинг исботи учун оддийгина, лекин ҳаётий далиллар келтиришимиз мумкин.

Фирқа аъзоси бўлган ҳаммиллатларимиз ёки қон-қариндош биродарларимиз орасида фарзанди комилнинг қўлини ҳалолламаган, ўғил-қизларини никоҳ ўқитмай турмуш қурдирган ёки Рамазонни шарифда кундуз куни тўй берган, марҳум ва марҳума ота-оналарига жаноза ўқитмай

дафн эттирган кишиларни кейинги ўттиз-қирқ йил ичида деярли учратганимиз йўқ, айниқса, анъанавий маҳалларимизда. Бўлган бўлсаям, бармоқ билан санарли эди, бундай кимсалар эл назаридан четга чиқиб қоларди. Жуда оғир замонларда ҳам бундай шаръий расм-русумлар яширинча ўтказилган. Ўзбекистонда ҳеч қачон ҳақиқий маънода компартия бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ ва бундан кейин ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки коммунистик мафкура азалдан халқимизнинг руҳига, онгига, турмуш тарзига ётдир. У бизга четдан олиб келиб, мажбуран тиқиштирилган эди, лекин халқимиз дилида уни ҳеч қачон қабул қилган эмас. Шу боис диёримизда Россия Давлат думасининг Беловеж битимини бекор қилиш ҳақидаги бир томонлама қабул қилган қарорини ёқловчилар, Россия коммунистларининг фикрига қўшилувчиларнинг топилиши амримаҳол, уларнинг сохта ваъдаларига учиб, адашиши мумкин бўлган ҳамюртларимиз орасида тушунтириш ишини олиб бориш, ҳар бир зиёлининг, жумладан, қалам аҳли ва ҳуқуқшуносларимизнинг қалб амри, виждоний бурчи, фуқаролик вазифаси, ватанпарварликка садоқатли бўлиши лозим. Мафкуравий кураш доимо давом этади. Зиёлилар ҳаммаша ҳушёр, сезгир ва ҳозиржавоб бўлишлари керак.

Ҳар бир жамият, ижтимоий гуруҳ ёки миллат ўз мафкурасини тарғиб ва ташвиқ қилиши, муҳолифларининг инкор ва қарши фикрларини рад этиш билан бирга улардаги диққатга сазовор мулоҳазаларни инобатга олиши лозим.

Шўролар замонида мафкура борасидаги энг катта йўқотиш шундан иборат бўлганки, мафкура фақат синфий бўлади, у миллий бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобланган. Миллий мафкура хусусида ҳатто сўз ҳам юритилмаган. Бунинг натижасида ўзбек миллатининг миллий онги, дунёқараши, миллий ғурури, ифтихори анчагина сустлаштириб юборилган эди. Миллий мустақилликка эришилгач, Ўзбекистоннинг истиқлол мафкурасини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш, уни халқ орасида кенг тарғибу ташвиқ қилиш, ҳар бир фуқаро онгига мустақиллик мафкурасининг мазмун ва моҳиятини сингдириш, истиқлол йўлига мос ва хос ўзбек миллий мафкурасини илмий асосда яратиш каби ўта муҳим ва шарафли масалалар пайдо бўлди.

Бизнинг назаримизда истиқлол мафкураси асрий миллий қадриятларимизга ва янги вужудга келган ва келаётган, халқимизнинг бугунги ва келажакдаги манфаатларини

**ифодалайдиган фикрларга — халқ тафаккурига асосланиш лозим.** }

( Ҳозир Ўзбекистонда ўз сиёсий йўли — мафкурасига эга бир неча сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда, бу ҳам республикамиздаги демократия ва эркинликнинг далилидир. Мазкур сиёсий партиялар ҳам ўз йўлидан бориб, мафкура яратиш борасида муайян тажриба тўпламоқда.) Бизнинг назаримизда, Ўзбекистоннинг мустақиллик мафкураси асрий миллий қадриятларимиз, халқ тафаккурида вужудга келган ва келаётган янги-янги фикрлар, сиёсий партияларимиз тўплаётган тажрибаларнинг қаймоғи тарзида шаклланиши ва тўхтовсиз бойиб бориши зарур.

Халқ тафаккуридаги янги фикрлар деганда биз қуйидагиларни назарда тугамиз: XXI аср арафасида турибмиз. Ҳозир қайси бир халқ ёки мамлакат бўлмасин, агар илм-фан ва технология соҳалари равнақига диққат қаратилмаса, мафкура борасида ҳам орқада қолади. Маънавийати ҳам маънавий эскириб қолади, сўзи сўз бўлмай қолади, инobatта олинмайди. Америка, инглиз, фаранг, олмон, япон, итальян халқлари илм-фан ва технология соҳаларида илғорлик қилаётганликлари учун ҳам умумжаҳон сиёсатида етакчилик эканлигини назардан четда қолдириш мумкин эмас, деб ўйлаймиз. Биз ҳам шундай йўл тутсак арзийди.

Маълумки, мафкура ижтимоий тараққиётда орқада қолиши ҳам ва ундан ўзиб кетиши ҳам мумкин. Агар орқада қолса, жамият тараққиётига ров бўлади, ёки ҳаддан ташқари илгарилаб кетса, халқдан узоқлашиб қолади. Бизнингча, мафкура тараққиётдан олдинда юриши лозим-у, лекин ундан узилиб кетиши кутилган самарани бермайди, яъни халқ орасига кенг тарқалмайди. Илғор мафкура илғор ижтимоий кучларни сафарбар қила олади, уюштиради, жамият тараққиётини тезлаштиради. Бундай илғор мафкура ижтимоий тараққиётни амалга оширувчи кишилар томонидан онгли равишда ўзлаштирилгандагина, унга етакчи сиймо раҳбарлик қилгандагина тарих ривожига таъсир кўрсата олувчи кучга айланади. Илғор мафкура халқ томонидан ўзлаштирилгач, унинг онгига сингиб боргач, зўр моддий кучга, яратувчанлик қудратига эга бўлади. Ҳозир Ўзбекистонда мафкура борасида худди шундай ҳолатни кўриб турибмиз. **Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов республиканинг бош мафкурачиси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда**, давлат бошлиғи сифатида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда жум-

хуриятимиздаги барча сиёсий партияларнинг манфаатларини инобатта олиб, шулардан келиб чиқиб, иш юритмоқда, илғор ижтимоий кучларни жамият равнақига жалб этишда, уюштиришда етакчилик қилиб, жамият тараққиётини тезлатмоқда, тарих ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Илғор мафкура халқимиз томонидан тобора кенгроқ ўзлаштирилиб, унинг онгига сингиб бормоқда, зўр моддий куч, яратувчанлик қудратини касб этмоқда.

Мафкура, шунингдек, ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бу деган сўз шуки, ижтимоий онг шакллари қанчалик равнақ этса, мафкура ҳам шунчалик такомиллашиб бораверади.

## ТАРБИЯ

Одамзот фарзандини боқиб ва таълим бериб катта қилиш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғамхўрликка тарбия дейилади. Шу сабабли таълим-тарбия деб ҳам айтилади. Одамга иш-хунар ўргатишга ва умуман кишининг ғоявий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими ҳам тарбия сирасига киради. Таълим берувчига муаллим, тарбия берувчига мураббий дейилади. Агар муаллим ва мураббийлар маърифатли, маънавиятли, ўз касбу хунарларида моҳир бўлсалар, шогирдларига меҳрибонлик кўрсатсалар, бегараз иш тутсалар, устозлик шарафига ноил бўладилар.

Тарбия — шахс онгини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир. У таълим билан узвий боғлиқ. Таълим тарбиянинг муҳим воситаси бўлиб, кўп мақсад ва вазифаларга у орқали эришилади. Оила, турли жамоат ташкилотлари, фан, техника, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам тарбияга кучли таъсир кўрсатади. Болага олдин таълим бериш керакми, ёки олдин тарбия бериш зарурми, ишни қайси биридан бошлаш керак, деган саволлар юради эл орасида. Ишни фарзанд дунёга келиши биланоқ дарҳол тарбиялай бошлашга киришиш зарур, буни бир кун ҳам кечиктириб бўлмайди. Она алласи болада одамзодга меҳр-шафқат туйғусини уйғотади, дейдилар. Чақалоқни тиббий кўриқдан ўтказиш, вақтида эмлатиб бориш, жисмоний чиниқтириш ҳам тарбияга киради.



Тарбиянинг асосий турлари иккитадир: оила тарбияси ва ижтимоий тарбия.

**Оила тарбияси** — оилада ота-оналар, бобо ва бувилар, умуман катта ёшли қариндош кишилар томонидан болаларни тарбиялашдир. Азалий туркий удумга биноан ота-оналардан кўра бобо-бувиларнинг тарбиявий таъсири кучлироқ бўлган. Чунки ҳаётликларида бобо ва бувилар оиланинг маънавий раҳбарлари бўлишган. Амир Темур те-мурийлар хонадонида ўрнатган тартибга кўра шаҳзодалар тарбияси билан уларнинг оналари эмас, улуғ бибилари — бувилари шуғулланишган. Шаҳзодалар кўкракдан ажрати-либ, эсини таниб, ўз-ўзини эшлай бошлагач, бувилари измига ўтказилган. Масалан, Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳарнодбегим бўлса-да, унинг оилавий тарбияси билан Сароймулкхоним шуғулланган. Амир Темурнинг ўзи ҳам фарзандлари ва неваралари тарбиясига жиддий аҳамият берган, доимо назорат қилиб турган.

Оила тарбиясида доимий таъсирчан куч — оилавий тар-тиб, яъни оила аъзоларининг бир-бирларига муносабати, ота-она ва бошқа катта ёшли қариндошларнинг хулқ-ат-вори, маданий ва сиёсий салбияси, муомала маданияти, оиланинг даромади, яшаш шaroити ва шу каби омиллар-дир.

Ойла қанчалик тартибли, яхши хулқ-атворли, унинг аъзоларининг ўзаро муносабатлари самимий бўлса, оила тарбияси ҳам шувчалик самарали бўлади.

Боланинг ақлий камологига ҳам ёшлигидан аҳамият бериш керак. Бола ёши улуглангани сайин оила тарбияси ҳам мураккаблашади. Бола халқи одатда ҳар нарсага қизиқ-увчан, серсавол бўлади. Уларнинг раъйини қайтармаслик, синаб тавламаслик, берган саволларига иложи борича тушунарли қилиб, содлагина жавоб қайтариш лозим. Бо-ланинг хатти-ҳаракатини доимо назорат қилиб, ижобий фаолиятга ундаш, йўлга солиш, қобилияти ёки истеъдо-дининг ўсишига аҳамият бериш керак. Лекин ота-оналар унар-унмасга болага ёрдам беравермай, уларни кейинча-лик турмушда дуч келадиган тўсиқларни, мураккаб ҳаётий масалаларни ечишга одатлантириш мақсадида қийинчи-ликдан чиқишни ўз-ўзига қўйиб бериши ҳам керак.

Оиладаги меҳнат тарбияси болаларни уй юмушига жалб этишдан бошланади. Боланинг кийимини ўзи кийи-ши, ўрнини ўзи йиғиштириши, идиш-товоқни ўзи юви-ши ва шу қабилардан унинг илк меҳнат малакаси вужуд-га келади.

Ҳозирги кунда телевидениенинг болалар тарбиясига таъсири кучли. Болаларга фақат ўзлари бош кўрсатувларни кўрсатиш билан чекланиш лозим. Боланинг соатлаб телевизор олдида ўтириши унинг соғлиғига салбий таъсир этибгина қолмай, бадий асарни оғзаки идрок қила бошлашига сабаб ҳам бўлиши мумкин.

Оила шароити боланинг нафосат тарбиясига ҳам катта таъсир этади. Бунда кинофильмлар ва кўғирчоқ спектаклларнинг томошалари назарда тутилмоқда. Нафосат гўзалликни ҳис этиш, идрок қилиш ҳамдир. Гўзал — қадим туркий сўз бўлиб, “гўз” (кўз) ва “ол” дан тузилгандир, яъни кўзни мафтун этувчи маъносини билдиради. Тилимизда яна шу маънога яқин чиройли деган сўз ҳам бор. Чиройли нарсани кўз билан кўрилади. Гўзаллик эса ҳам кўз билан кўрилади, ҳам дил билан ҳис этилади, онг билан идрок қилинади. Болалар ёшлиқдан гўзалликни туюшга ўргатила борилса, нур устига нурдир. Бола ўз ҳиссиёт ва фикрларини мустақил ижод этиш — расм солиш, ашула айтиш, рақс тушиш ва шу кабилар орқали ифодалаш учун унга имкон бериш муҳимдир.

Ота-она болалари олдида ўзлари танлаган касб-корлари ҳақида нолимасликлари, омадлари юришмаганидан сўз очмасликлари маъқул. Шунда ота-онанинг бола олдидаги обрўйига путур етмайди. Болалар ўз ота-оналарини намуна деб билишлари, уларнинг касб-корларига ҳурмат билан қарашлари ана шундан бошланади. Ҳаётнинг қувончли томонлари ҳақидаги гаплар, ишдаги муваффақиятлар болаларни руҳан тетик этади.

Ота-оналар боланинг ахлоқи ва ҳуқуқий масъулияти учун жамоат олдида жавобгардирлар. Ўз ота-оналик бурчига эътиборсизлик билан қараш фуқаролик бурчини ўташга риоя этмаслик билан тенгдир. Хуллас, болани дунёга келтиришдан кўра уни етук одам қилиб тарбиялаш мушкулроқдир.

Шахснинг шаклланишида тарбиянинг иккинчи тури бўлмиш **ижтимоий тарбия**нинг ҳам аҳамияти катта.

Маълумки, жамият яшаб қолиши ва ривожланиши учун моддий ва маънавий бойликларни узлуксиз ярата бориши зарур. Бунинг учун тарбия керак. Тарбия орқали ўтмишнинг моддий ва маънавий бойликларига авлоднинг ворислиги таъминланади: ўсиб келаётган ёш авлод ўтмиш тажрибаларини ўзлаштириб, уни янада бойитади. Тарбия шахснинг ахлоқий, ақлий, жисмоний камолотида муҳим ўрин тутади.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос тарбия усуллари ва воситалари бўлади. Қадим замонларда тарбия — ёш авлоднинг кекса авлод тажрибаларини ўзлаштириб олишидан иборат бўлган. Тарбия асосан меҳнат фаолияти (овчилик, чорвачилик, деҳқончилик ва шу кабилар) жараёнида, турли урф-одатлар, маросимларни ўтказиш вақтида амалга оширилган. У асосан жисмоний бақувват бўлишга қаратилган.

Коммунистик дунёқараш тарбияни синфий деб тушунтириб келган эди. Лекин у синфий эмас, умуминсонийдир. Идрис алайҳиссалом замонларидан бошлабоқ барчага баробардир (мадраса сўзи ана шу зоти алайҳиссалом исмларидан келиб чиққан экан). Мактабу мадрасаларга ёш авлод жалб қилинган-у, лекин уқуви борлар ўқишни давом эттирганлар. Ислом таълимотига кўра, қизлар ва йигитлар, эркаклар ва аёллар, яъни муслим ва муслималар илм олиш ҳуқуқи бўйича тенгдирлар. Таълим-тарбиянинг қадрига етган, имконияти бор оилалар ўтмишда ўз болаларига махсус мураббийлар тайинлаганлар. Ҳозирги кунда бу одат репетитор олиш тарзида давом этмоқда.

Бола истаган соҳа бўйича таълим-тарбия кўриб, ўзи хоҳлаган ихтисосни эгаллашга ҳақли. Бунда чеклаш бўлиши мумкин эмас. Лекин ундаги хоҳиш билан ирсий имконият ҳаммавақт ҳам бир-бирига уйғун келавермайди. Одатда ота касбини, тўғрироғи, бобомерос касбини тутган ёшлар ҳаётда кўпроқ муваффақият қозонганликларига кўп шохид бўламиз. Чунки болада отанинг қони, ундаги лаёқатта монанд уқувчанлик бўлади-да.

Умуман олганда, тарбиянинг анъанавий ва замонавий турлари ва усуллари кўп. Шулардан бири **шажаравий тарбия**дир. Бунда болаларга аجدодларининг кимлиги ёзма далил — шажараномалар орқали эслатилиб, ўшалардек бўлишга даъват этилади.

Маълум бир аجدоддан келиб чиққан авлодларнинг қариндошлик даражасини изчиллик билан санаб кўрсатувчи тарихий ҳужжатга шажара дейилади. Шунингдек, уни аجدодлардан авлодларга генетик ўтиш йўли, ниҳол аждод навдасидан ривожланиб борган дарахт шохлари, қариндош-уруғлар боғлиқлиги, ҳуқуқий силсила дейиш ҳам мумкин. Шажара қозикалонлар, ҳуқуқий маҳкамалар томонидан муҳр билан тасдиқланган.

Дунёда шажаралар кўп. Турон, Туркистонда ҳам шажаралар кўп бўлган.

Шарқда шажаралар икки хил шаклда мавжуд. Насл-насаб шажараси ва маълум илмий, диний йўналишнинг

устозлардан шогирдларга узатилиш алоқадорлиги, яъни таълимот шажараси.

Насл-насаб шажарасига Ўғузхон шажарасини, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, усмонлилар, теурийлар ва уларнинг давоми бўлмиш бобурийлар, шунингдек, шайбонийлар, сафавийлар, аштархонийлар, манғитлар, қўнғиротлар, минглар ва бошқа шу каби шажараларни киритиш мумкин. Хева хони Абдулғози Баҳодирхон тузган “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарлари ҳам аслида шажаралардир.

Яссавиййа, Сухравардиййа, Кубравиййа, Нақшбандиййа — таълимот шажараларидир.

Шўролар замонида шажаралар ҳақида гапириш мумкин эмас эди. Гўё одамлар ўз аждодларини билмаслиги керак эди. Бир ўта замонасоз, мадҳиябоз шоир таърифлаганидек, биз ўзимизни “номи йўқ, қашшоқ, гадо” дейшимиз шарт ҳисобланарди. Мустақиллик шарофати билан биз ҳам жаҳондаги бошқа илғор халқлар қаторида ўзлимизни билишга, тарихимизни ўрганишга, аждодларимизнинг ақл-заковати билан фахрланишга, уларнинг дунё цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшганликларини эътироф этишга мушарраф бўлдик.

Халқимизни камситганларга тарихий ва ҳуқуқий далиллар келтиришга имкон берилган экан, бу борада саъй-ҳаракатни кучайтиришимиз зарур. Юртбошимиз неча бор айтганларидек, аждодларимиз руҳини шод этсак, уларнинг бизга қолдирган маънавий мероси сиёсий заминимизни қудратли қилади. Йўлимизни нурафшон қилиб туради.

Шўролар замонида узилиб қолган анъаналардан бири — шажара тузиш иши қайтадан давом эттира бошланганлиги қувонарли ҳолдир. Бу ишга биринчилардан бўлиб, фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаев қўл урди, тарихий, ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, “Шайх Зайниддин бобо Тошкандий ибн Шайх Шаҳобиддин Абу Хафс Умар Сухравардий шажараси” ни тузди.

Пойтахтимизнинг кўҳна жой номларининг ўз маъноси, ўз тарихи бор, албатта. Шаҳарга ислом дини дастлаб кириб келган VIII асрда комил инсонлар макон тутган жой Камолон деб аталади. Оқил одамлар маскан тутган жой Оқилон деб юритилади. Шайх Зайниддин бобо ва у буюк зотнинг авлодлари худди шу Оқилон мавзесининг шимолий қисмида яшаганлар. Кейинчалик бу табаррук жой ва улар дафн этилган қабристон атрофи Орифон деб юритилган, етарли диний билимга эга сиймога ориф

дейилади, у киши яшаган макон Орифон, яъни орифлар юрти демакдир.

Маърифат сўзининг негизи ҳам — ориф. Тарихчи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида ёзадики, Кўкча дарвозасидан то Шайх Зайниддин бобо мақбарасигача 1800 қадам (тахминан 930 метр). Орифон маҳалласида (ҳозир “Кўкча” деб аталади) Шайх Зайниддин бобонинг 48-авлоди яшаб келмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бутун Шарқ дунёси эътироф этган, Сухравардийна илмий-фалсафий таълимотини яратган Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардийнинг ўғли Шайх Зайниддин бобо мақбарасини соҳибқирон Амир Темур 1391-1392 ва 1402 йили зиёрат қилган ва таъмир эттирган.

Ушбу шажаранинг муаллифи Омонулла Файзуллаев Шайх Зайниддин Бобонинг 45-авлодидир. У киши беҳад машаққатли бу иш жараёнида қанчалаб тарихий ҳужжатларни кўздан кечиришга, исмларни аниқлашга, қариндошлик даражаларини белгилашга, саналар силсиласини бир ишга тизиш, имзо ва муҳр соҳибларининг кимлигини ўрганишга ва яна қанчадан-қанча жумбоқларни ечишига тўғри келди.

Омонулла Файзуллаев тўртта тарихий ҳужжат асосида бир бутун шажара тузган. Биринчи ҳужжат бобоси Саййид Файзуллахўжа Орифхўжаевнинг пўлат сандигида сақланиб келган. Шажаранинг иккинчи нусхасини унга амакиси Абдуллахўжа ака берган. Учинчи нусхани бошқа бир амакиси Саййид Салоҳиддинхўжа шоир Алоиддин Хўжа ўғли қўлёмаларидан ўзи кўчириб олган. Тўртинчи нусха “Насаб шажаралари” бўлиб, унда 27 аждод-авлоднинг рўйхати берилган. Бу тўртта ҳужжат умумшажаранинг муайян қисмлари бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

Демак, ўтмишда қозикалонлар муҳрлари билан тасдиқланган ҳужжатлар ўз навбатида янада қадимийроқдир. Чунончи, шажаранинг 24 ва 25-вакиллари бўлмиш Саййид Тоҳирхон Шайх ва Саййид Олимхон Шайхларнинг шажара тузишдаги хизматлари таъкидланади ва “Авлодларимиздан умид ва илтимос — шу зотларга бизларнинг қардош ва қариндошларимиз ким бўлса, ота-боболарни топиб, ушбу шажарага шўьбаларин келтириб қўшсалар керак”, деб ният қиланлар.

Хўш, Шайх Зайниддин Бобонинг ўзлари ким? Нечук у зот шундай улуғ ҳурматга сазовор, у кишининг ижтимоий-тарихий хизматлари ва жамиятдаги ўрни қандай бўлган?

Бу саволларга мазкур ҳужжатларнинг ўзи жавоб бера олади: “У — саййидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюғидир”, “Орифларнинг кутби ва ишончли раҳнамоси жаноб Шайх Зайниддин Кўйи Орифон”.

Шайх Зайниддин Бобо авлодларининг жамиятга қилган яхши хизматлари бор. Фикримизнинг тасдиғи учун бир-икки мисол келтирамиз. Машҳур шоир Саййид Ҳайбатulloҳхўжа — Мавлоно Ҳислат Шайх Зайниддин шажарасининг 43-авлодларидан биридир. Мавлоно Ҳислат асримизнинг бошларидаёқ шўх газаллари, кўшиқлари билан бутун Туркистонга кенг танилган, баёзлари чиққан, Тўйчи ҳофизлар билан ҳамкорлик қилган, жадидлар сафида маърифатчилик билан шуғулланган. Кўшиқлари ҳамон тўйларда ижро этилади, эфирга тез-тез бериб турилади, халқ ҳофизлари репертуарларидан кенг ўрин олган.

Биз мазкур шажарага мансуб Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиғи Жорулла Файзуллаев, ёзувчи, санъат арбоби Нажибулло Ҳабибуллаев, атоқли навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон билан улар ҳаётликларида суҳбатлашган эдик. Ёдимизда улардан нурли хотиралар қолган, улар насл-насабли зотлар эдилар. Шайх Зайниддин Бобонинг эндиликда марҳум авлодлари 44 поғонадан иборат. Шажараларда у зотнинг аждодларидан яна 3 поғона тилга олиб ўтилади. Ҳозир уч авлод — 45-, 46-, 47-авлодлар ҳаёт, демак, қарийб 1200 йил давомида 50 авлод яшаб ўтган.

Шажарада Шайх Зайниддин Бобо 15-поғонани эгаллайди. Энг биринчи бобокалон Саййид Муҳаммад Султон Баҳриддин эса буюк бобомиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийга замондош экан. Шажаранинг 13-авлоди Шайх Умар Шаҳобиддин Сухравардий Бағдод халифасининг Мовароуннаҳрдаги элчиси бўлиб хизмат қилган экан. Оққан дарё яна оқмай қолмас, деганларидек Омонullo Файзуллаевнинг ўгли, шажаранинг 46-авлоди Алишер Файзуллаев бобокалонининг йўдидан бориб, чет эл мамлакатларидан бирида Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб хизмат қилмоқда.

**Диний тарбия** ҳақида сўз бошлашдан аввал шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, у кишини фақат ҳудожўй қилиб қўяди, фақат тоат-ибодаттағина чорлайди, деб тушуниш хатодир. Аслида, моҳият эътибори билан, дин кишини ҳар томонлама етук инсон бўлишга даъват этади ва шунга кўмаклашади. Афсуски, шўро замонида дин, шу жумладан ислом дини, амалда рад этилгани сабабли диний таъли-

мог мутлақо нотўғри талқин этилди, руҳонийларга паст назар билан қаралиб, гўё улар замонавий билимлардан йироқ, қолоқ кишилар деб тушунтириб келинди. Фикри-мизнинг исботи учун бир-иккита мисол келтирамиз. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Моида” сурасида жаноби пайғамбаримизга ва у кишининг умматлари бўлмиш бизларга хитоб қилиб: *“Узларини насоралар деб билувчилар мусулмонларга энг яқин дўстдирлар”*, дейди. Қаранг, Қуръони карим насоролар, яъни христианлар билан мусулмонларни дўстликка даъват этмоқда.

Ер юзидаги 5 миллиарддан ортиқ аҳоли бамисоли бир дарахтнинг новдалари каби тақдирдошдирлар. Демак, инсоният мақсадларида кўплаб муштарак нуқталар ва йўналишлар мавжуд. Шулардан бири табиатни муҳофаза қилиш, яъни экология муаммосидир. Бу муаммо ўзининг инсониятга келтираётган ва келтириши мумкин бўлган бундан баттар ёмон оқибатлари жиҳатидан ядро уруши ҳалокатидан кейин иккинчи ўринда туради. Албатта, илмий-техникавий ривожланиш натижасида турли соҳа илм ва технологияларининг тараққиёти, янги энергия манбалари ва кимёвий моддаларнинг пайдо бўлиши, оқибатини пухта ўйламай табиат мувозанатига билиб-билмай аралашувлар — буларнинг барчаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ниҳоятда ташвишли ҳолатни вужудга келтирди.

Ҳар бир маърифатли ва маънавиятли мусулмонга маълумки, Аллоҳ таоло оламни дақиқ ва бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳолда, ундаги мавжудот ва махлуқотнинг хусусиятлари, сифатлари, таркиблари, синфлари ва ададларини ниҳоятда баркамол ва уйғун қилиб яратган. Бу ҳақда Қуръони каримда кўплаб оятлар бор. Жумладан, “Қамар” сурасининг 49-оятда Аллоҳ таоло бундай дейди: *“Албатта биз барча нарсаларни ўлчов билан ҳал қилдик”*. “Фурқон” сурасининг иккинчи оятда эса: *“Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мукамал қилди”*, дейилади. Бошқача айтганда, дунёдаги ҳар бир нарса — сув ҳам, тупроқ ҳам, ҳаво ҳам, ҳайвонот олами ҳам, наботот ҳам Аллоҳ таоло томонидан муайян ўлчов билан бир-бирига ўзаро боғлиқ қилиб яратилган. Агар бу мувозанат бир оз бузиладиган бўлса, инсоният учун қатор-қатор муаммолар келиб чиқиши ва натижада табиат учун ҳалокат хавфи туғилиши мумкин.

Яна шу нарса ҳам диққатга сазоворки, Аллоҳ таоло ўзи яратган бу ажойиб оламни инсон тасарруфига ҳавола этиб

қўйган. Инсон Аллоҳ таолонинг Ер юзидаги халифаси деб бежиз айтилмаган. Парвардигор илоҳий китобларда инсонни улуғлаб, уни Ер юзидаги ўз халифаси қилиш бара-варида уни синаш ва имтиҳон этишни ҳам буюрган. Шунинг учун ҳам ислом дини нуқтаи назаридан инсон Аллоҳ таолонинг ҳузурда ўзининг барча амалларидан ҳисоб беради. Аллоҳ таоло инсонга табиатни асраб-авайлаш, ўз неъматларидан баҳраманд бўлиш, уларни нобуд қилмай, эзгу мақсадларга ишлатишни амр этган. “Аъроф” сурасининг 56-оятда Парвардигор шундай деб амр қилади: *“Обод қилиб қўйилган Ер юзида бузғунчилик ишларини қилманг”*.

Имом Бухорий Муҳаммад алайҳиссаломдан ривоят қилиб, Ҳадиси шарифда айтадиларки, “Ер юзидаги одамлар худди бир кемада саёҳатга чиққан йўловчиларга ўхшайдилар. Кеманинг қайси қисмида эканликларидан қатъи назар, уларнинг омонлиги ҳам, ҳалокати ҳам кеманинг қай ҳолатда бўлишига боғлиқдир”. “Кемага тушганинг жони бир” деган ўзбек халқ мақоли замирида ҳам худди шундай маъно ётади.

Воқеликни юқорида кўриб ўтганимиздек таҳлил ва талқин этиш — диний таълимдир, халққа шундай тарбия бериш — бу диний таълимдир. Биз фақат бир нуқта — экология муаммоси ва Ислом таълимоти бўйича фикр юритдик, холос. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда барча диний ва дунёвий масалаларни ҳал этиш бўйича зарурий йўл-йўриқлар бор. Ҳамма гап уларни тўғри тушуниш, тўғри тарғиб қилиш ва тўғри қўллаш билишдадир. Ислом Каримовнинг Президент сифатида экологик муаммоларни бартараф этиш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлари, жонбозликларида, жумладан, Орол муаммосига бутун жаҳон жамоатчилиги, халқаро ташкилотларнинг диққатини жалб этишида ислом таълимотининг табиатни муҳофаза қилишга доир қарашлари ҳам зухур этган, дейиш мумкин.

Юртбошимиз мамлакатга раҳбарлик қила бошлаган дастлабки пайтда ноқ ислом таълимотига, диний тарбияга жуда тўғри ва одилона муносабатда бўлиб келмоқда. Бу эҳтиром унинг Президент сифатида Ўзбекистон Конституцияси билан биргаликда муқаллас Қуръони каримни тавоф этиб, қасамёд қилганида ҳам ўз ифодасини топган эди.

«Маълумки, шўролар замонида дин давлатдан ажратилган, деб эътироф этилган, номигагина виждон эркинлиги эълон қилинган бўлса-да, аслида диний эътиқод гоҳ ош-



кора, гоҳо пинҳона тарзда таъқибу тазйиққа олинар эди. Ҳолбуки, жамиятсиз дин, динсиз жамият бўлиши мумкин эмас. Шўролар тузумида бунга мутлақо эътибор берилмас эди. Балки, иложи борича, динга, диний тарбияга тўсқинлик кўп бўлиб, жамиятдан уларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинар эди. Шўроларнинг дини динсизлик эди.

Коммунистлар ҳукумати руҳонийларни маънавий ва жисмоний маҳв этишдан ташқари диний таълим-тарғибот масканлари бўлмиш масжид, мадраса ва қорихоналарни турли йўллар билан йўқ қилди. Масалан, фақат Тошкентнинг ўзидагина 1911 йилда 349 та масжид ва 26 мадраса мавжуд бўлган бўлса, 1990 йилда 10 тача масжидда намоз ўқилган. Аксарият масжидлар бузиб ташланган, сақланиб қолганларидан бошқа мақсадларда, чунончи, шампан виноси сақланувчи омборхона, керосин сотувчи дўкон, европаликлар яшовчи тураржой, техникум талабалари учун ётоқхона, чўян обдаста қуювчи цех, ўт ўчирувчилар гаражи сифатида фойдаланилган. Ҳатто, Аллоҳ таолонинг уйи ҳисобланмиш масжид худосизлар уйига айлантирилган. Яъни унда атеизм музейи очилган эди. Тошкентдаги масжидларга 2 марта — 1934—1935 ҳамда 1954—1955 йилларда кучли қирон келтирилган. Бундай ёвузлик мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳам юз берган. 1990 йилда бутун республикада бор-йўғи 80 масжид ишлар, яъни ҳар 250 минг аҳолига битта масжид тўғри келарди. Кўҳна масжидлар қаровсиз бўлиб, таъмир этилмасди, янги масжид қуриш ҳақида ҳатто сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Тошкентдаги ўша 26 та мадрасадан ҳозир фақат учтаси сақланиб қолган. Булар Бароқхон, Кўкалдош ва Абулқосим эшон мадрасаларидир. Шаҳардаги энг катта Бегларбеги мадрасаси Эскижўвада бўлиб, 30-йилларда у бузиб ташланган ва ўрнига дарахт экиб юборилган, олдига шўровий раҳбарлардан бири Калининга ҳайкал ўрнатилган эди.

Ўтмишда бутун мусулмон дунёсида ислом таълимотининг асосий марказларидан бири бўлган диёримизда совет даврига келиб фақат иккита мадраса фаолият кўрсатган. Бири диний ўрта маълумот берувчи Бухородаги Мир Араб мадрасаси бўлса, иккинчиси олий диний таълим берувчи Тошкентдаги мадрасадир. Тошкентдаги мадраса дастлаб ҳайит намозлари ўқиладиган намозгоҳ бўлиб, у 50-йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг биринчи раиси Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхоннинг саъй-ҳаракатлари билан очилган эди.

То унгача бу намозгоҳда шоферлар мактаби жойлашган эди. Бу мадрасаларда ҳаммаси бўлиб 60-70 талаба ўқиган. Бугун Марказий Осиё ва Шимолий Кавказда бошқа диний таълим берувчи ўқув юрти бўлмаган, яъни ҳар бир миллион аҳолига битта талаба тўғри келган, холос.

Хуллас, диний тарбия ўз ичига ҳам руҳий тарбияни, ҳам дунёвий тарбияни қамраб олади, халққа ҳам маънавий, ҳам маърифат бахш этади.

Тарбиянинг яна жисмоний тарбия, ҳарбий тарбия, ватанпарварлик тарбияси, тарихий тарбия деган турлари ва шакллари мавжуд. Жисмоний, ҳарбий, ватанпарварлик тарбиялари моҳиятида муштараклик ҳам, ўзига хослик ҳам бор. Муштараклик шундаки, ёш авлод жисмонан соғлом ва чиниққан бўлиши керак. Агар бирор йигит жисмонан соғлом бўлмаса, у шахс сифатида жамиятга керакли даражада наф келтира олмайди. Ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилади, у рисоладаги ватанпарвар бўлолмайди, қолаверса, тўлақонли ота ҳам бўлолмайди.

Бу тарбия турларидаги ўзига хослик шундан иборатки, жисмоний тарбияда инсон танаси тарбияланади, ҳарбий тарбияда инсонга ҳарбий билим ва малака берилади, ватанпарварлик тарбиясида инсоннинг руҳи тарбияланади.

Республикамизда мустақиллик йилларида физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, янги-янги спорт иншоотлари қурилмоқда, унинг турмушга кенг кириб бориши учун чора-тадбирлар кўрилмоқда. Пахта якказироатчилигига барҳам берилиши, экологик муҳитнинг яхшиланиши халқнинг умумий сиҳат-саломатлигига ижобий таъсир кўрсатди. Бундай чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ, республикамиз шаънига муносиб, халқаро миқёсда эътироф этилган янги-янги чемпионлар етишиб чиқмоқда. Ўзбекистон футболчиларининг Осиё чемпиони бўлиши, теннисчи ва боксчиларимизнинг ютуқлари бунинг ёрқин мисолдир. Республикамизда спортнинг қадимий, ашъанавий турларига ҳам, янги, замонавий турларига ҳам бирдек аҳамият берилмоқда.

Шўролар замонида миллигимиз вакиллариининг ҳарбий тарбия олишига имконият ва зарурат бўлмаган эди. Ҳарбий шукуҳ — халқ миллий ошғининг юксак кўринишларидан биридир. Мустамлакачилар одатда ишни энг аввало халқнинг ҳарбий шукуҳини сўндиришдан бошлайдилар. Россия истилочилари ҳам Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини шундай бошлаб, миллий ҳарбий кишиларни қирон келтирганлар. Шўро ҳукумати ҳам худди шу йўлдан бориб, ватанпарвар миллий ҳарбий кадрлар етишти-

риб чиқаришга қарши турган. Оз сонли миллий офицерларимиз ва аскар йигитларимиз “совет халқига хизмат қиламиз”, деб ҳарбий қасамёд этишга мажбур эдилар.

Мустақиллик шарофати ҳамда, шаҳсан Президент Исом Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги тузилди, миллий гвардия, республика мудофаа қўшинлари вужудга келтирилди. Эндиликда офицер ва аскар йигитларимиз Ўзбекистонга ва унинг халқига садоқат билан хизмат қиламиз, деб тантанали равишда қасамёд этмоқдалар. Эндиликда мамлакат Президентининг Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умум ҳарбий Низомлари жорий этилган.

Республикада ҳарбий кадрларни тайёрлашга, уларнинг ҳарбий маҳоратини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳарбий академиялар, қўшин турлари бўйича ҳарбий ўқув юртлари очилгани фикримизга ёрқин далилдир. Давлат чегараларининг ўз қўшинларимиз томонидан хушёрлик билан қўриқланаётгани ҳам халқимизнинг ҳарбий руҳини юксалтириб турибди. Ҳақиқий мустақил давлат шундай иш тутади, ўз мудофаасини ўзгалар кўлига топшириб қўймайди.

Эндиликда республикада мавжуд ҳарбий академия ва ҳарбий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган бўлажак зобитлар мақсад ва вазифаларини аниқ биладилар. Улар энди қандайдир бир бегона мамлакатга эмас, она Ўзбекистонга, мамлакат халқига садоқат билан хизмат қиладилар. Мақсад аниқ бўлганидан ҳарбий академиялар ва ҳарбий билим юртларига кириб ўқишни хоҳловчилар сафи тобора кўпайиб бормоқда. Демак, Ватан мудофааси ишончли қўлларда.

Халқнинг умумий ҳарбий руҳини кўтаришда, ҳарбийларни матонатли, шижоатли қилиб тарбиялашда аجدодларимиздан бизга мерос қолган ҳарбий билимларни оммалаштириш, ҳарбий санъат сирларини ҳарбий ўқув юртларида ўқитиш ҳам самарали омиллардан ҳисобланади. Тарихдан маълумки, туркий халқларда ўз вақтида бутун дунё бўйича энг қудратли қўшинлар бўлган, соҳибқирон Амир Темурдек буюк лашкарбошилар етишиб чиққан, ҳарбий стратегия ва тактика пухта ва мукамал ишлаб чиқилган.

\* \* \*

Инсонни қайта тарбиялаш мумкинми? Мумкин. Лекин бу жуда мушкул иш. Одатда одам йигирма бешга бори-

боқ тўла шаклланиб бўлади. Халқ ибораси билан айтганда, ақл тиши чиқиб бўлган одамни қайта тарбиялаш қийин кўчадиган иш, машаққатли савдо. Лекин одамнинг иродасига ҳамда жамиятнинг таъсири ва назоратига ҳам кўп нарса боғлиқ. Одам жамият назаридан четда қолса, хулқи салбий томонга кўпроқ оғиб кетиши мумкин. Одатда хулқ тузалишдан кўра бузилишга мойилроқ нарса. Инсонни қайта тарбиялашда маҳалла, жамоат назорати ва тарбияси катта таъсир кучига эга бўлса-да, лекин булар ҳал қилувчи омиллар бўлолмайди. Инсонни ёшлигидан, ҳагтоки гўдаклигиданоқ тарбиялай бошлаш керак.

Мана энди маърифат билан маънавиятнинг фарқи ҳақида сўз юритсак бўлади. Юқорида кўриб ўтганимиздек, маърифат табиат, жамият ва одам ҳақидаги кенг, турлитуман билимлар, маълумотлар мажмуаси бўлиб, у кишиларда инсонпарварлик маънавиятини шакллантиришга хизмат қилади. Маърифат маънавиятга нисбатан кўпроқ амалий ишлар, жумладан, мактабгача тарбия, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юрғларидаги ўқув-ўқитув ишларини уюштириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ.

Маънавият эса маърифатга нисбатан кенг қамровли тушунча бўлиб, ўз вазифаларини маърифатга суянган ҳолда бажаради, жамиятнинг ҳамма соҳаларига бевосита ва билвосита таъсир этади. Маънавият дунёқараш негизидир. Касб-кори, билим даражаси, турмушдаги мавқеидан қатъи назар, одамлар муайян даражада унга алоқадор бўлаверадилар. Маънавият жамият, миллат ва шахснинг бутун онгли ҳаёти ва фаолияти давомида шаклланиб, бойиб, такомиллашиб боради.

Тарбия ва унинг турлари ҳақида юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазаларга суяниб, шундай хулоса чиқарамиз: Ўзбекистон жамияти Президентимиз етакчилигида бош тарбиячи вазифасини ўтамоқда. Бу тарбия миллати, ирқи, жинси, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларнинг манфаатларига, бутунги ҳаёти ва келажагига мос тушади.

## НАСАБ ВА ҲАСАБ

Ҳисоб догани нима экан, деб ҳайрон бўлманг. Бу сўзнинг том маъносини айрим тилшуносларимиз ҳам яхши билишмиса ажиб эмас. Бу сўз асримизда деярли ишлатилмаган бўлса керак. Бунинг сабаби шуки, мазкур сўз ифодаланган маънога мувофиқ иш диёримизда амалга оширил-

мас эди. Юрт йўлбошчисиз бўлгандан кейин эл насабини яхшилаш ташвишини ким ҳам биларди, дейсиз. Ҳасаб аслида хислат, фазилат дегани, ўқимишли, билимли, фозил одамга бериладиган нисбат. Насаб эса зот дегани, лотинча айтсак ген. Ўзбекчасига таг, ўзак дегани. Таги-тахтли, палаги тоза дейилса, насл-насаби яхши деган маъно англашилишини биламиз. Бинобарин насаб — аждоддан авлодга қон орқали ўтиб келувчи гендир. Ана ўша генни умумхалқ миқёсида янада яхшилаб бориш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар ва уларнинг самарасига ҳасаб дейилади. Шунингдек насаб йўли билан эмас, шахсан қозонилган номдорлик, донг, шуҳрат, обрў, шарафга ҳам ҳасаб дейилади.

Ҳасаб учун кураш ота-боболаримиздан мерос, лекин шўролар замонида унутилаёзган эди. Аждодларимиз тўрт ёшидан бошлабоқ фарзандларига от минини машқ қилдиришган, отлик оғаларига ҳавас қилган болакайлар атакчечак қилибоқ, тол хивични “от қилиб” миниб пилдираб юришган. Турон элида чавгон ўйинининг кенг тарқалгани ҳам бежиз эмас. Болаларнинг ўйинлари ҳам уларнинг бақувват бўлиб камол топишларига омил бўлган. Бекинмачоқ, қувлашмачоқ, чиллак ўйини — зув-зув ва шу каби-лардан мақсад болаларни ёшлиқдан довюрак, ботир, жисмоний соғлом бўлишларига замин ҳозирлаган.

Энди замон ўзгарди, шарт-шароит ҳам ўзгача, ўйин турлари ҳам бошқача, лекин фақат насабга ишониб ҳасабни унутиш ярамайди, бу миллатни ҳам жисмоний, ҳам маънавий заифликка олиб боради. Ахир, жисм руҳнинг кўрғунидир, соғлом ақл соппа-соғ вужудда бўлади, носоғлом вужудда руҳ мажруҳдир.

Бу борада ҳам юртбошимиз ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, футбол ва теннис ривожланди, пойтахтда ва вилоятларда спорт иншоотлари, стадионлар ва теннис кортлари кўплаб қурила бошланди. Футбол янада оммалашмоқда. Теннис эса турмушимизга тез кириб бормоқда. Ўзбек футболчиларининг Осие қитъаси бўйича биринчилиқни олишлари халқимиз шуҳратига шуҳрат қўшди, руҳини кўтарди, мамлакатимиз ва миллатимизни элларга танитди.

Аммо буюк аждодлар шон-шуҳратига маҳлиё бўлиб юришнинг ўзи етмайди, уларнинг шуҳратига шуҳрат қўшиш лозим. Президент Фармонига кўра, 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилиниши замирида ҳам шу фоя мужассам.

Насл-насаби бўйича унчалик танилмаган, яъни оддийроқ оила фарзанди тиришқоқлик, чидамлилиқ кўрсатиб, ўзини намоён қила олса, айни ҳасаб ҳолати вужудга келади. Агар бундай одам лаёқатли, қобилиятли, салоҳиятли, истеъдодли бўлса, унда бундай табиий омиллар янада ёрқинроқ намоён бўлади. Агар у насл-насаб борасида ҳам юксак бўлса, улкан ютуқларга эришади. Бунга мисоллар жуда кўп.

Одам камолотга етиб, ҳаётдаги мақсадини белгилагач, ота-оналари қўйган отни сақлагани ҳолда ўзига таҳаллус олиши ҳам мумкин. Амир Темур сеvimли набираларидан бирига отаси Тарағай Баҳодир хотирасини сақлаш мақсадида Муҳаммад Тарағай деб от қўйганди. Бу суюкли набира Муҳаммад Тарағай ибн Шоҳрух ибн Темурбек ибн Тарағай Баҳодир, яъни Мирзо Улуғбекдир. У мазкур таҳаллуси билан оламда нашъу намо топди ва машҳури жаҳон бўлди. Унинг ижтимоий фаолияти ва моҳияти — Мирзо Улуғбеклигидадир.

Милодий 1441 йилнинг 9 февраль куни Ҳирот шаҳрида давлат аъёнларидан бўлмиш Гиёсиддин Баҳодир хонадонидида бир ўғил дунёга келди, яхши ниятлар билан, ҳазрат Алидек машҳури жаҳон ва солиҳи замон бўлишига умид боғлаб, унга Алишер деб от қўйдилар. Бу ўғлон дини ислом равнақиға қўшган улуши туфайли Низомиддин, яъни диннинг низомини тузгучиси нисбасига эга бўлди, давлат ва мамлакат олдида қилган хизматлари эвазига Амир, Улуғ амир унвонига ноил бўлди. Алишербек деб атади; у сўз мулкининг султони сифатида Навоий таҳаллусини ўзига сайлаб олди. Шу тариқа Низомиддин Амир Алишербек Гиёсиддин Баҳодир ўғли — Алишер Навоий номи билан шуҳрат қозонди. Унинг ижтимоий фаолияти ва умр мазмуни яхлит олинганда Алишер Навоийлигидадир. Алишер Навоий бўлишлиқ — Гиёсиддин Баҳодир ўғли Алишер учун ҳасабдир.

Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх ибн Абусаид ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ ибн Темурбекнинг ижтимоий моҳияти ва умр мазмуни Бобурлигидадир. Бобур сифатида намоён бўла олганлик Заҳириддин Муҳаммад учун ҳасабдир. Бундай мисолларни аждодларимиз ҳаётдан юзлаб, минглаб келтириш мумкин. Лекин шу билан бирга не-не улуғ зотларнинг фарзандлари насл-насабларини муносиб иш қилолмай, ўзларидаги табиий истеъдодларини намоён эта олмасдан ўтиб кетдилар. Айни пайтда иқтидорларини ишга солиб, сабр-бардоши, метиндек иро-

даси, заҳматли меҳнати туфайли шон-шуҳрат қозона олганлар ҳам талайгина.

Албатта, ҳасаб ижтимоий тузумнинг қандайлигига боғлиқ ҳолда юзага келади. Агар тузум адолатли бўлса, у намоён бўлади, акс ҳолда эса ҳасабнинг юз кўрсатиши мушкул. Ҳозирги Ўзбекистон жамиятида ҳар бир фуқаро шахсан ўзини намоён қила олиш имкониятига эга. Бундай имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқлари Асосий Қонуни-мизда ҳам кафолатланган. Қолган жиҳатлар ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

*ИККИНЧИ ҚИСМ*

**ТЕРАН ТОМИРЛАР**

---





## ОЛТИН БЕШИК

### ВАТАН НИМА?

Одамнинг шаклу шамойили, бўй-басти, кўриниши, жуссаси, туси, кўз қарашлари, юриш-туриши, овози, таровати, хуллас, ички ва ташқи дунёси у таваллуд топган, униб-ўсган ва камолотга етган жойга монанд бўлади. Етти иқлим кишилари етти хилдир. Олис шимолий ўлкаларнинг аҳолиси сайёрамизнинг белбоғи бўлмиш Ер экватори минтақаларида яшовчилардан фарқланадилар. Демак, одам ўз Ватанининг бир заррасидир.

Хўш, Ватан нима? Нима учун она-Ватан дейилади?

Бизнингча, курраи заминимиз бутун Ер юзида яшаётган беш миллиарддан зиёд халқлар учун Ватан бўлса, ҳар бир халқ учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳамда чегараланган ҳудуд она-Ватандир.

Ватан атамаси аслида арабча сўзи бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Ватан тушунчаси кенг маънода ва тор маънода ҳам қўлланилади. Бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир. Ўзбекларда фалончи ватанли бўлди, дейилганда ўша одам уй-жойли, бошпанали бўлди, деган маъно англашилади. Ҳазрат Алишер Навоий Ватан тушунчасини она юрт, ўрин, туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатганлар. Шунингдек, Ватан калимаси бадиий адабиётда кўчма маънода кўнгил мулкининг маскани тарзида ҳам қўлланилади.

Ватан тушунчаси тарих давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб, бойиб келган. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми ша-

роитила муайян қабилла яшаган жой ўша қабиланинг Ватани саналган. Жондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқидан элат пайдо бўлган, элат яшаган ҳудуд эл деб аталган. Масалан, Ўзбек халқ достонларида Чамбил эли ибораси кўп учрайди. Муайян ҳудуд доирасида марказий бошқарувнинг пайдо бўлиши билан Ватан тушунчаси элат, яъни халқ ва давлат тушунчаларини ўзига қамраб олган. Халқнинг тили, маданияти, иқтисодий турмуши, рухий ва руҳоний, маърифий ва маънавий равиқ топа бориши натижасида шу халққа мансуб кишилар орасида муштараклик шаклланади. Халқ билан миллат ўртасидаги биринчи ва бирламчи фарқ шундаки, миллат вакилларида уюшқоқлик, жипслик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, маслак ва эътиқодда ягоналик, ўзаро манфаатдорлик, боғлиқлик ва алоқадорлик, бутунги турмуш ва келгуси мақсадларда умумийлик халқ вакилларидагидан кўра кучли ва қудратли бўлади. Кишилик тараққиётининг бутунги босқичида ижтимоий гуруҳларнинг энг ривож топган бўғинлари — бу миллатлардир. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ўзига жаҳондаги 187 давлатни бирлаштирган энг нуфузли халқаро уюшма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти деб аталади, Халқлар Ташкилоти деб эмас. Бироқ ҳали-ҳануз Ер юзида кишилик тараққиётининг илгариги босқичларида яшаётган қабилалар, элатлар ва халқлар ҳам мавжуд. Демак, ҳозирги талаб нуқтаи назаридан ёндашилса, халқ миллат деб ҳисобланиши учун бошқа асос ва омиллардан ташқари халқаро ҳуқуқнинг субъекти деб тан олинган муштақил ва суверен давлатига ҳам эга бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб айтсак, Ўзбекистон Республикаси ўзбек миллатининг ватанидир. Бу ўринда давлат ва Ватан айна бир маънони ифодалайди, яъни Ўзбекистон Республикаси деганимизда Ватанимизни тушунамиз. Ватан деганда Ўзбекистон Республикасини идрок этамиз.

## ТУПРОҚ

Ватан тушунчасининг қамрови турли тарихий даврларда турлича бўлган, ҳудуди ҳам ҳажман ўзгариб турган: гоҳо торайган, гоҳо кенгайган, лекин бу ўзгаришлар нисбийдир. Маълумки, Одам — Ер фарзанди. Уни Халлоқи аъзам тупроқдан яратмишдир. Хўш, тупроқ нима? Тупроқнинг ердан фарқи нимада?

**Тупроқ** Ер қатламининг ўсимлик ризқ олиб ўсадиган устки қатламидир. Бу шунчаки қатлам эмас, балки одам-

нинг онгли меҳнати — кавлаши, чопиши, ҳайдаши, эгат олиши ва сугориши натижасида сочилувчан ҳолга келган ер қатламидир. Ота-боболарнинг, яъни аجدодларнинг хоки қўшилган ва ором олаётган, бизларнинг киндик қонимиз тўкилган замин тупроқдир. Шунинг учун ҳам Тупроқ муқаддас ҳисобланади.

Халқимизда бу даргоҳда фалончининг хоки туроби ётибди, фалончининг тупроғи шу ердан олинган, деган иборалар бежиз айтилмаган, буларнинг биринчиси дафнини аңлатса, иккинчиси туғилмоқни билдиради.

Сайёрамиздаги турли ўлкаларда тупроқ қатламлари турли даражададир, айгиш мумкинки, ери бору тупроғи йўқ, илгарилари бўлган бўлса-да, табиий ўзгаришлар натижасида тупроғи йўқолиб кетган жойлар мавжуд.

## МАДАНИЙ ҚАТЛАМ

Тупроқ одам фаолияти билан боғлиқ дедик. Одамлар турмуш фаолиятининг излари сақланиб қолган тупроқ қатлами **маданий қатлам** дейилади. Маданий қатлам манзилгоҳ, қишлоқ, шаҳарларда маданий қолдиқларнинг жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда даврма-давр, устма-уст жойлашишини ифодалайди. Бу деган сўз шуки, масалан, нураган иморат ўрнига янги уй-жой қурилади, вайрон бўлган шаҳар қайта тикланади, уларнинг қолдиқлари эса маданий қатламни ташкил этиб бораверади. Демак, маданий қатлам инсон онгли меҳнатининг аввалги ҳосили, самараси, кейинги натижасидир.

Ер юзидаги турли ўлкаларда маданий қатлам қалинлиги турличадир. Баъзи жойларда бу атиги бир неча сантиметрни ташкил этса, бошқа жойларда ҳатто 35 метргача бориб етади. Бу маданий қатламнинг теранлигидандир. Халқнинг теран томирлари деб ана шунга айтилади. Ўзбекистоннинг маданий қатламлари, халқимизнинг теран томирлари жуда-жуда чуқурдир. Афросиёб, Далварзинтепа, Китоб, Эски Қовунчи, Косонсой, Қува ва бошқа жойларда қадимшуносларимиз ўтказган қазув-тадқиқот натижалари фикримизни яққол тасдиқлайди. Самарқанднинг 2500 йиллиги, Тошкентнинг 2000 йиллиги ана шу маданий қатламларга қараб белгиланган. Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги ҳам улардаги маданий қатламга қараб аниқланди. Шу ўринда адолат ва ҳақиқат юзасидан айтиб ўтишни фарзандлик бурчимиз деб биламизки, шўролар замонида

1968 йилда Самарқанднинг ёши атайин кичрайтирилди. “Самарқанд 2500 ёшда” дейилди. Ваҳоланки, Самарқанднинг асл ёши 3800 йилдир. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Самарқанд Искандар Мақдуний (Александр Македонский) Туронга келишидан 1500 йил аввал ҳам мавжуд бўлган экан. Искандарнинг милодий эрадан аввалги 3-асрда босқин қилганини ҳисобга олсак, Самарқанднинг асл ёши 3800 йил бўлиб чиқади. Бу ҳақда академик Ғафур Гулом ҳам бир суҳбатда бундай деган эдилар: “Фотиҳлар анойи бўлмайдилар. Айниқса, муаллими аввалин, пири комил Арастудек устознинг шогирди бўлмиш Искандардек фотиҳни анойи деб бўлмайди. Уша олис замонларда Туронзамин обод, эли фаровону маъмур бўлган, Самарқанду Бухоро, Шош ва Хоразмда ҳаёт қайнаган. Бу ободон ўлканинг доврўғи Эрон оша Юнонгача бориб етган, Искандарнинг фотиҳлик қонини жўштирган, бу ерларни забт этишга ундаган.”

Лекин шўролар даврида ёзилмаган бир қонун бор эди: Шарқ Фарбдан сира олдин туриши мумкин эмас, жаҳон цивилизацияси Фарбдан бошланган, Фарб инсоният маданиятининг илк бешиги деган сохта илмий қарашлар ҳукмрон эди.

Шу боис Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланганда Москва газеталари “Самарқанд — ровесник Рима” деб ёзишгани эсимизда...

Хуллас, маданий қатлам шу жойда яшаган ва яшаётган халқларнинг ва мазкур маконнинг ёшини, кимлигини билдирувчи ашёвий далил, бошқача айтганда, ўзига хос паспортдир.

## ТАРИХИЙ ВАТАН

! Ватан тушунчаси ҳақида юқорида қисқача тўхталиб ўтдик. Муқаддас китобларда ва мулоқотларда тарихий Ватан иборасини ҳам учратганмиз. / Хўш, тарихий Ватан нима дегани? Нима сабаб билан Ватан деган муқаддас калимага “тарихий” сўзи қўшиб айтилади? Ватан атамасига таъриф-тавсиф берилган бўлса-да, тарихий Ватан атамасига берилган таъриф-тавсифни учратмаганмиз. Энди баҳоли қудрат шу иборага аниқлик киритмоқчимиз.

! Маълумки, тарих ўтмишга доир фандир. Шундан келиб чиқиб, тарихий Ватанни бирон бир халқнинг ўтмишда ажодлари яшаб ўтган ҳудуд деса бўлармикин? Ундай десақ, ўша ажодларнинг авлодлари у ерда ҳозир ҳам яшаб

келаётган бўлиши мумкин-ку! Демак, бу ўринда тарихий сўзи фақат ўтмишнинг ўзинигина англашиб қолмайди. Маълумки, Чингизхон босқинидан олдин ҳам, хусусан XIII асрнинг охиридан бошлаб, XVII асргача, Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Кўк Ўрдаларда, Нўғой улуси, Аштархон, Сибирия хонликларида ҳозирги ўзбекларнинг ҳам аجدодлари яшаб келишган, жасур ўғлонлари ҳукмронлик қилиб шаҳарлар яратишган, мадраса, масжид, карвонсаройлар қуришган, адабиёт ва санъат, фан ва маданият равнақига раҳнамолик қилишган, асарлари ҳозирги ўзбек тилига жуда мос келувчи Сайфи Саройидек шоирлар ижод этишган, давлат тили ҳам туркий тил бўлган, аҳолининг асосий қисми шу тилда сўзлашган./

Бу мамлакатлар ёзма манбаларда Дашги Қипчоқ ёки Мамлакати Ўзбекия (Абдураззоқ Самарқандий ибораси) дейилган. Эндиликда эса у ўлкаларда ўзбеклар деярли яшамайдилар. Ички тўс-тўполонлар, ташқи ҳужумлар, ҳокимиятнинг қўлдан бой берилиши, ташқи сиқувнинг тазйиқи, аҳолининг жанубга силжиши оқибатида ўша Мамлакати Ўзбекиядан тарих саҳифаларида фақат номгина, айрим адабий ва тарихий асарларгина ёдгор бўлиб қолган, холос. Демак, “Мамлакати Ўзбекия” тарихий ватанимиз ҳудудларидан бир бўлагидир. Зотан, тарих филдирагини орқага айлантириб бўлмайди, уни орқага айлантираман деган одам тарих карвони оёғи остида топталиб кетади.

Қадим маданий ва мутараққий ўлкалардан бири кўхна Хуросондир. Азал-азалдан бу диёрда туркий ва форсий халқлар яшаб келишган ва ҳозир ҳам турмуш кечирмоқдалар. Айниқса, темурийлар давридаги, хусусан Шохрух Мирзо ва Султон Ҳусайн Бойқаро замонидаги Хуросонни билмай, ўрганмай, кўз олдимизга келтирмай туриб, ўзбек халқини, унинг салоҳияти ва тарихини яхлит тасаввур қилиб бўлмайди. Сўз султони, яъни малик ул-калом Лutfий, Хожа Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан мавлоно Отойи, ўзбек халқининг даҳо шоири ва мутафаккири Алишер Навоий, атоқли мусаввир Камолиддин Бехзод каби буюк зотлар шу тупроқда дунёга келиб, наъшу намо топганлар. Тарих тақозоси ила эндиликда тарихий Хуросон ҳудуди уч мустақил давлат — Эрон Ислom Республикаси, Афғонистон Ислom давлати ва Туркменистон Республикаси таркибидадир.

Инчунун, Афғонистоннинг шимолӣ вилоятларида 3 миллиондан ортиқ ўзбеклар яшайди. У жойлар бизлар учун

тарихий Ватан ҳисобланса, афғонистонлик ўзбеклар учун ҳам тарихий, ҳам асл Ватандир.

Ҳозир Туркия жумҳуриятида 3 миллиондан ортиқ, Саудия Арабистонида 700 мингга яқин ўзбеклар яшамоқда. Улардан Туркистондан бош олиб кетганлари Туркистонни, Афғонистондан ҳижрат қилганлари Афғонистонни ўзларининг тарихий Ватанлари деб биладилар, ҳамиша шу ёқларга қалбан интиладилар.

Тарихий Ватан тушунчасига янада аниқлик киритиш мақсадида энди бошқа қитъа ва минтақалар, ўзга халқларга оид мисоллар келтирамыз.

АҚШда яшаётган негрлар учун Африканинг ўзи ёки аждоди тугилиб ўсган бирор мамлакати, япон учун Япония, немис учун Олмония, ҳинд учун Ҳиндистон тарихий Ватан ҳисобланади. АҚШлик ўзбеклар ота-боболарининг юрти бўлмиш Туркистонни тарихий Ватанимиз деб билишади. Асримиз 30-йилларининг бошларида Украинанинг Херсон, Николаев, Одесса вилоятларига “қулоқ” деб сургун қилинган ўзбек деҳқонлари ва уларнинг авлодлари Ўзбекистонни тарихий Ватанимиз деб биладилар. 1941-1945 йиллардаги уруш даврида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган украинлар ҳамда уларнинг фарзанду неваралари Украинани тарихий Ватанимиз дейдилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тенгҳуқуқли фуқаро сифатида истиқомат қилаётган армани учун Арманистон, гуржи учун Гуржистон, рус учун Россия, корейс учун Корея Халқ Демократик Республикаси ёки Корея Республикаси тарихий Ватан экани табиий ҳолдир. Чунки ҳар бир одам ўз Ватани тупроғининг бир заррасидир. Бу зарра асрлар давомида шаклланади ва яна асрлар бўйи одам қон томирларида қолаверади, наслдан-наслга ўтаверади.

Назаримизда, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов “Туркистон — умумий уйимиз” деган шиорни ўртага ташлаганида Марказий-Осиёда азалдан яшаб келаётган барча тубжой халқлар учун Туркистон замини баб-баравар ҳам тарихий Ватан, ҳам асл Ватандир, деган ғояни ифодалаган бўлса ажаб эмас. Масалан, бугунги Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бир миллиондан ортиқ қозоқлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳам тарихий, ҳам асл Ватандир. Ёки бўлмаса республикамиз аҳолисининг 3,8 фоизини ташкил этувчи тожиклар учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳам тарихий, ҳам асл Ватандир.

Маълумки, Туркменистонда ярим миллион, Қозоғистонда 600 мингдан ортиқ, Қирғизистонда 800 мингга яқин

Ўзбеклар яшайдилар. Тожикистон фуқароларининг 25 фоизга яқинини ўзбеклар ташкил этади. Бу мустақил ва суверен республикалар у ердаги ўзбеклар учун ҳам тарихий, ҳам асл Ватан мақомидадир.

Ҳар бир одам, яхлит олганда бутун халқ, ўз Ватанини чуқур билса, теран томирлари қаерларга бориб етиши ва туташганини яхши англаса, бутунини теранроқ ҳис этади ва қадрига этади, келажагини ёрқин кўра билади. Тарих мисоли дарахтнинг ўқилдизидир. Пойдеворсиз иморат бўлмаганидек, ўқилдизсиз дарахт юксакликка бўй чўза олмайди, бўронларга дош беролмайди.

## ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ҳамма ҳам Ватан нима эканини ҳис эта оладими? Биров учун Ватан бу уй-жой, бола-чақа. Бошқаларга эса тўкин-сочин яшаш учун қулай жой, ундайлар учун қаерда яшаш осон бўлса, ўша ер Ватан. Бутун Ер юзини Ватаним деб билувчи кимсалар ҳам бор, албатта. Уларни одатда космополитлар деб атайдилар. Оддий халқ ибораси билан айтсак, уларни беватанлар ҳам дейиш мумкин. Тарихий Ватанини, ажодлари хотирасини унутиб юборган кимсалар, ўзлари ҳозирда яшаб турган мамлакатларига ҳам садоқатли фуқаролар бўлолмайдилар. Чунки ҳақиқий фуқаро бўлиш учун аввало чин инсон бўла олиш шарт. Ўтмишини унутганининг келажаги ҳам бўлмайди. Одам хотираси билан одамдир, хотира мавжудотлар орасида фақат одамга хос фазилат. Тарихий Ватанини эслаш, кўмсан инсоннинг маънавиятини белгиловчи асосий омиллардандир. Тарихий Ватанини ёдидан чиқарган одам яшаб турган жойининг ҳам қадрига етмайди. Бу юрт бошига бирор нохушлик тушса, дарҳол у ерни тарк этиб, бошқа қулайроқ ерга кета қолади, тирикчилик учун қулайроқ жойни танлайди. Бундай кимсаларни ўтлоқда емиш тутагач, серўт яйловни излаб кетадиган подага қиёс қилиш мумкин.

Ватан ҳисси — муқаддас туйғу. Биз қалам аҳли сифатида ўзбек халқини озми-кўпми биламиз ва унинг фазилатини бўрттиришга мойил ҳам эмасмиз, лекин имонимиз комил ва ишонамизки, ана шу халқ рўйи заминнинг маънавий оламига ўзига хос ва теран, жумлаи жаҳон учун муҳим бўлган муайян нарсаларни бергани аниқ. Шулардан биринчиси Ўзбекистондир. Ўзбекистонни ўзбек халқи ўз меҳнати, ақл-идроки билан яратган! Ўзбекистонни мўъжизалар диёри, жаҳнатдек мамлакат дейдилар. Бу гўзал

Ватан осмондан тапша-тайёр ҳолда ўзича ерга тушиб қолмаган. У тинимсиз меҳнат ва фидокорона меҳнат ила; халқ даҳоси ила бунёд этилган.

Тасаввур қилиб кўринг-а, агар муттасил уч йил мобайнида юртимизда меҳнат қилиш буткул тўхтатиб қўйилса, далалару боғ-роғлар суғорилмаса, токзорлар хомтоқ қилинмаса, ариқ ва зовурлар тозаланмаса, шўр ерлар ювилмаса, тўғонлару кўприклар тузатиб турилмаса, сел йўллари тўсилмаса, ниҳоллар ўтказилмаса, экин-тикин қилинмаса, ўлка-мизнинг аҳволи не кечади? Буткул харобата айланиб қолади-ку! Бир мисол. Тарихдан маълумки, қадим замонларда Шош мулкида, яъни Тошкент вилоятида Чирчиқ дарёсидан бўлак оқар сув бўлмаган. Қадимшунос аллома — академик Яҳё Гуломовнинг тадқиқотига кўра, бундан уч минг йиллар илгари аждодларимиз Чирчиқ дарёсини тўғон билан тўсиб, кетмон билан ариқ қазиб Тошкентга сув олиб келганлар, воҳани обод қилганлар. Бу одам меҳнати билан қазилган катта ариқ Бўзсувдир. Ҳозирги кунда Бўзсувни, унинг ирмоқ ва тармоқлари бўлмиш Қорасув, Зола-риқ, Салор, Кайковус, Анҳор, Қичқириқ, Қорақамиш ва шу кабиларни кўпчилик сунъий суғориш шохобчалари — каналлар эканини тасаввур ҳам қилмаса, ажаб эмас. Бундай мисолларни Самарқанду Бухородан, Қашқадарёю Сурхондарёдан, Сирдарёю Жиззахдан, Хоразму Қорақалпоқдан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Катта Фарғона канали қазилишининг ўзи бир дoston!

Ҳа, Ватан ҳисси — шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак, мушгарақ тушунча. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билмоқ керак. Ўзбекистон деганда ўзбек халқини, ўзбек халқи деганда Ўзбекистонни тушунмоқ керак. Бирисиз иккинчисини ҳис қилиш мутлақо мумкин эмас. Ўзбексиз Ўзбекистонни, Ўзбекистонсиз ўзбекни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Худо кўрсатмасин, мабодо Ватанимизда бошқа қавмлар макон тутганда эдими, бугунги Ўзбекистон бўлмас эди, мутлақо ўзгача юрт бўлур эди. Азал котиблари васиқани шундай битибдилар, тақдир бизга кулиб боқибди ёки биз ўзимиз муносиб эл бўлибмизми, Ўзбекистон бизга Ватан бўлибди, биз унга фарзанди комил бўлибмиз. Тоабad шундай бўлгай, иншооллоҳ!

Таъкиду такрор ила айтгамизки, Ватан ҳисси — бу унинг эгаси бўлмиш халқни севмоқ, ҳурмат қилмоқ, қадрига



етмоқ ва эътироф этмоқ демакдир. Ватан бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажигидир. Бу унинг маданияти, маънавияти, маърифати, тили, дини, феъл-атвори, ота-боболаридан қолмиш олгин мероси, томирларида гупуриб турган, аждоддан авлодга ўтиб келаётган покиза қони, тарихидаги муҳим босқичлар, буюк давлат қуриш мақсадида олиб бораётган курашидир.

Ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги халқимиз тараққиётини олға силжитган ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир.

Биз ўз Ватанимизни севамиз, у биз учун бамисоли нафас олаётганимиз мусаффо ҳаво кабидир. Ҳавосиз ҳаёт йўқдир.

Ўзбек ватанпарварлиги унинг маърифатли фарзандлари тимсолида, қалбида сақланиб келган, зуҳур этмоқда ва сақланажак! Саодатли келажакка ҳозир, ҳар дақиқада улуш қўшмоқ Ватанга муҳаббат, ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран идрок этиш, унга чин фарзандларча муносабатда бўлиш, ундан бир ҳисса нарса олинса, юз ҳисса қилиб қайтариш Ватанни англаш ва ардоқлашнинг яна бир кўринишидир.

Ер юзида мамлакатимиздан бошқа турли хил давлатлар кўп, лекин инсоннинг туққан онаси битта бўлганидек, ўзбеклар учун Ўзбекистон ҳам ягонадир. Она бағри гўдак учун қандай ҳаётбахш бўлса, Ўзбекистон биз учун шундай ҳузурбахшдир. Бу туйғуни туюш учун Ватанни юракдан ҳис қилмоқ ва севмоқ керак. Бунинг учун соғлом, ақлли ва ўтюррак бўлмоқ лозим.

Ватанпарварлик жумлаи жаҳондаги барча халқларнинг донишманд ва солиҳ фарзандларига хос туйғудир. Уларнинг бу ҳақдаги фикрларига қулоқ тутинг-а:

*Цицерон* (Румо воизи ва файласуфи). Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақраболар қимматлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасавурларимиз биргина “Ватан” деган сўзда мужассамлашган. Ватанга нафи теккудек бўлса, қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?

*Г. Гегел* (немис файласуфи). Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

*Ж. Делил* (француз шоири). Энг мақбул фазилат — Ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматдир.

*Ж. Байрон* (инглиз шоири). Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

*Ф. Вольтер* (француз адиби). Ватанга бўлган муҳаббатим мени ажнабийлар ютуғидан кўз юмишга мажбур қилмайди. Аксинча, Ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, Ватанимни жаҳондаги хазиналар билан шунчалик бойитгим келади.

*Ж. Руссо* (француз мутаффакири). Саховатнинг энг буюк жасурликлари Ватанга бўлган муҳаббат туфайли вужудга келади.

*М. Робеспьер* (француз давлат арбоби). Ватан учун чала иш қилиш, унинг учун ҳеч нима қилмасликдир.

*В. Белинский* (рус мунаққиди). Кимки ўз Ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас.

*П. Корнел* (француз драматурги). Кимки Ватанини хор қилса, у оиласидан ҳам, бор-будидан ҳам айрилади.

*В. Гюго* (француз адиби). Ўз Ватанига доғ тушириш — уни сотиш деган сўз.

*Я. Галан* (украин адиби). Ўз юртидан юз ўтирганлар ўз виждонларидан ҳам юз ўтирадилар.

*М. Солмон Соважий* (форс шоири). Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун, Инсон ҳаётини қилур бемазмун.

Ҳақ гап! Ҳар кунимиз Ватанга наф етказсин, умримиз сермазмун бўлсин, иншооллоҳ! Ҳазрат Алишер Навоий ёзмишлар: “Элга қўшилгон эш (шерик) топти”. Дарҳақиқат, Ватандан ташқарида ҳақиқий бахт йўқ.

Ўзбек халқи азалдан ўз Ватанига — Ўзбекистонига, Туркистонига, Туронига эга бўлган, ҳеч қачон беватан бўлган эмас. Лекин ҳаёти ҳамиша ҳам осуда кечавермаган. Унга гоҳ бахт кулиб боққан, гоҳ толеи забун бўлган. Ўз эрки ўз қўлида бўлган, яъни мустақил давлатли давронларида халқимиз бошини мағрур кўтариб, дунёга доврўф солиб яшаган. Тобелик кунларида, яъни юрт ўзгалар қўлига қарам бўлган чоғларда унинг қадр-қиммати топталган. Аммо ўз қадр-қиммати учун кураш — мустақиллик учун кураш туйғуси халқимиз юрагида мудом устувор бўлган, бу жараён зоҳирий ва ботиний тарзда бир дам бўлсинки, тўхтаб қолмаган.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги эълон қилингач, Ватаннинг қадри ортди, халқнинг қадди тикланди. Ватан деган муқаддас тушунчадаги сохталиклар барҳам топиб, моҳият аниқлашди ва тиниқлашди.

Ўзбек халқининг бирдан-бир Ватани — бу Ўзбекистондир. Ватан ҳақида, халқ ҳақида, аждодлар ҳақида, ўтмиш ҳақида, қадриятлар ҳақида, мерос ҳақида, бутун ва кела-

жак ҳақида баралла сўзлаш имконияти туғилди. Бинобарин, ҳақиқий Ватан муҳаббати, Ватан ҳисси мамлакат озод ва обод, халқ эркин бўлгандагина юзага келар экан. Бир тасаввур қилиб кўрайлик-чи, мустамлака йилларимизда Қуръони карим, Ҳадиси шарифни чоп этиб бўлармиди? “Халқ душмани” Абдулла Қодирий номида Давлат мукофоти таъсис этилармиди, Соҳибқирон бобомизга “Сквер революции” да ҳайкал ўрнатиб, 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қила олармидик? Бу буюк сана ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда нишонланармиди!..

Ватанни қалбан чуқур ҳис қилиш учун ҳам, халқнинг ватанпарварлик намуналарини кўрсатиши учун ҳам Халқ ҳур, Ватан мустақил бўлиши шарт экан. Бугун шу Мустақиллик кўлимизда экан, уни эъозлашимиз, қадрига етишимиз, қадам-бақадам мустаҳкамлаб боришимиз керак. Мана шу туйғулар, мана шу олижаноб фазилат ва эзгу ҳаракатлар бугунги кун учун ҳақиқий ватанпарварлик намунасидир!

Она-табиат гўзаллигига мафтун бўлиб, унинг саховатидан мамнун бўлишликнинг ўзи ҳали бу Ватанни чуқур ҳис қилиш эмас. Ватан туйғуси аввало аждодлар ёди, уларнинг хотирасини эслаш ва қадрлаш, олис ва яқин тева-рак-атрофларда бўлаётган воқеаларни сезгирлик билан кузата бориб, Ватан ҳимояси учун доимо шай туриш, ўзининг келажак насллар олдида масъул эканини туюшдир.

Ватан туйғуси — бу азиз ватанимизни пешона тери билан обод ва маъмур этган, лекин номлари тарих саҳифаларида қолмаган оддий кишиларимизнинг фидокорона ва яратувчан меҳнатини мудом ёдда тутишдир.

Ватан туйғуси — бу ўз ақл-идроки билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Форобий, Абу Мансур ас-Самарқандий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абул Фазл ан-Насафий, Абул Лайс Наср ас-Самарқандий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абдул Қоҳир Журжоний, Фахриддин ар-Розий, Мирзо Улуғбек сингари ўнлаб қомусий мутаффақирларни ёдга олишдир.

Ватан туйғуси юксак бадиий салоҳиятлари билан ўлмас асарлар яратган адиб Аҳмад Юғнакий, Носир Хусрав, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Носириддин Рабғузий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби мумтоз қалам соҳибларини ёдга олишдир.

Ватан туйғуси — бу бугун мусулмон дунёси эътироф этган олти буюк муҳаддиснинг тўрт нафари бўлмиш туронзаминлик имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, имом Аҳмад ан-Насоий, имом ад-Доримий, яна шайх ул-ислом Абу Муҳаммад Абдулло ибн Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандийлар номини ёдга олишдир. Улар исломда Куръони каримдан кейин энг муқаддас ҳисобланувчи Ҳадиси шариф тўпламларини тузиб, юртимизга ва халқимизга то қиёмат сўнмас шон-шараф келтирдилар, такрорланмас хизмат ила икки дунёларини обод айладилар.

Ватан туйғуси — бу шунингдек, ислом таълимоти равнақиға бемисл ҳисса қўшган Қаффоли Шоший, Бурхониддин ал-Марғинович, Шаҳобиддин ас-Сухравардий, унинг фарзанди комили шайх Зайниддин бобо, Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Хованд Тахур, Хожа Аҳрор валий сингари ўнлаб буюк зотларни ёдга олишдир.

Ватан туйғуси — бу, аслида қомусий мутафаккирлардан бўлиб, замондошларимизга ҳозирча деярли номаълум бўлиб келаётган Абул Фазл ан-Насафий, Абдул Қоҳир Журжоний, Исмоил Журжоний, Маҳмуд Журжоний, Азиз ан-Насафий, Шайх Азиз ан-Насафий, Нажмиддин Дойа Розий, Насриддин Тусий, Абдурахмон ал-Ижзий, Сайиддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний, Мир Саййид Шариф Журжоний, Юсуф Қорабоғийлар, Ҳадис илмининг пешволаридан бўлмиш термизлик икки уламо — ал-Ҳаким ат-Термизий ва Саййид Ҳусайн Бурхониддин Муҳаққиқ Термизийлар каби буюк аждодларимизнинг меросини ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш ҳамдир. Бу ишнинг зарурлигини таъкидлаш мақсадида учта мисол келтирамиз.

**Биринчи мисол.** Ҳазрати имом (Хастимом) номи билан ўз даврида бугун Туркистонда машҳур бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший милодий 904 йилда Шошда туғилган. Дастлабки маълумотни ўз юртида олган. Кейин Ироқ, Шом мамлакатлари мадрасаларида таҳсил кўриб, Ватанига қайтган. Куръон, Ҳадис, Шариат илми, тилшунослик бўйича асарлар яратган. Унинг “Одоб ул-қози” (“Қози одоби”) асари бизгача етиб келган. Шуниси диққатга сазоворки, бу буюк зот қанчалик машҳурлигига қарамай, ўзгача таъма кутмай, бировга қарам бўлмай деб, ҳунармандчилик билан тирикчилик қилган. Қаффол Шоший ўз ҳунарида шу қадар машҳур бўлганки, оғирлиги атиги ярим грамм келадиган ажойиб қулф-калит ясаганлиги учун ал-Қаффол (“Қулфчи”) ла-

кабини олган. Араб тарихчиси Абул Фидонинг ёзишича, Қафқол Шоший ўз замонасининг етук имомларидан бўлиб, Мовароуннаҳрда унга тенг келадиган аллома бўлмаган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг деҳқончилик билан шуғулланиб, мош, ловия, нўхат экиб, тирикчилик қилишлари ҳам буюк ибрат намунасидир.

**Иккинчи мисол.** Саййид Хусайн Бурхониддин Муҳаққик Термизий маълум сабабларга кўра она юртидан Рум эли — Туркияга боради. Унга у ерда “Саййиди сирдон” унвони берилади. У Мавлоно Жалолиддин Румийга замондош эди. Кейинчалик Кўнё шаҳрига келиб, у ерда тўққиз йил Мавлоно Жалолиддин Румий мақбарасида шайхлик қилади. Бурхониддин Термизийдан “Маориф” деган биргина асар сақланиб қолган. Унда фалсафа, фикр, тафсир ва ҳадис илми ҳақида сўз юритилган. Бу асар 1920 йили Техронда чоп этилган. Буни қарангки, асли туронзаминлик Мавлоно Жалолиддин Румий қабри узра замондоши ва ватандоши Бурхониддин Термизий Куръон тиловат қилибдир! Мана, етти асрдан ошибдики, Мавлоно қабри қардошларимиз диёри Туркияда энг муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Мавлоно зиёратига қадам ранжида қилгучи ватандошларимиз Бурхониддин Термизийни ҳам ёд айласалар, у буюк зотнинг руҳи шод бўлур эди.

**Учинчи мисол.** Ҳозир “Биринчи космонавт ким бўлган?” деб кимдан сўраманг, дарҳол “Юрий Гагарин” деб жавоб беради. Атоқли олим, шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода бир суҳбатда “Биздан сўрасалар, дунёда биринчи фазогир Турон ўғлони, Форобий, Берунийлар замондоши ал-Жавҳарий бобомиз бўладилар. Камина Беруний ҳақида янги асар ёзиш учун манбалар кўраётиб, ал-Жавҳарий ва унинг жасорати ҳақида маълумот учратиб қолдим”, деган эди. Яқинда эса туркиялик олим, профессор Усмон Туроннинг “Туркий халқлар мафқураси” китобида ушбу сатрларга кўзимиз тушиб қолди: *“IX асрда турк файласуфи Форобий ва унинг ҳамшаҳри Исмоил Жавҳарий араб тилига оид “Сихоҳ” номли улкан асарни, тоғаси Иброҳим бин Исҳоқ эса “Девон ул-адаб” китобини ёзадилар. Шунинг учун ҳам Қазвиний: “Ажабки, турк диёрининг энг чеккасида жойлашган Фороб шаҳридан чиққан бу икки олим араб тилининг устозлари бўлдилар”, дейди. Физика билан шуғулланган Жавҳарий ўзи ясаган қанотлар билан учишни машқ қилаётиб йиқилади ва шу жароҳати таъсирида оғриб вафот этади”*.

Бу — IX асрда юз берган воқеа. Ҳозир эса XX аср охирида қолди. Орадан II аср вақт ўтибди. Ҳануз буюк аждо-

димизнинг ўша жасоратини деярли ҳеч ким билмайди. Ўта камтар халқмиз-да. Бошқаларда шундай далил бўлсайди-ми, аллақачон оламга жар солардилар. Ёки бир ярим аср давом этган миллий зулм-истибдод бизни шундай камтарин, юввош қилиб қўйдимикин?! Етар, бас энди! Ўзлигимизни жаҳонга асослаб намоён қилайлик. Исмоил ал-Жавҳарийдек боболаримиз борлигини айтиб фахр этайлик.

Ватан туйғуси — бу Ватанни ҳимоя қилиб, Ватан дея фидо бўлган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Солиҳбек додхо, мулла Алимқул додхо сингари юзлаб шерюракларни эслашдир. Томирида охирги томчи қони қолгунча душманга қарши курашган Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Абдумалик Тўра, Қурбонжон додхо, Шермуҳаммадбек, Мадаминбек, Иброҳимбек, Намоз ботир сингари бўйсунмас баҳодирларнинг, оғир кунларда қардошларга елкадош бўлай деб, ҳарбий вазирлик лавозимидан истеъфога чиқиб, ота юрти Туркистонга келиб, аёвсиз жангларда ҳалок бўлган Анвар пошшонинг, қулликдан ўлимни афзал билган Оқмасжид, Чимкент, Авлиёота, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Зирабулоқ ҳимоячиларининг номини ёдга олишдир.

Ватан туйғуси — бу мустамлака тузумига қарши бош кўтарган Тошкент, Жиззах, Андижон кўзғолонлари, Дукчи эшон хотирасини унутмасликдир.

Ватан туйғуси — бу зулм-истибдоддан қутулиш учун халқни маърифатли бўлишга чорлаган, миллий уйғонишга даъват этган, нажот илмда, бирликда ва ҳаракатда деб билган фидойи зиёлиларни, уларнинг раҳнаmolари бўлмиш Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдуллахўжа, Авлоний, Фитратларнинг номларини доимо ёдда сақлашдир.

Ватан туйғуси — бу йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи, элпигинчи ва ниҳоят саксонинчи йилларда халқимизга қарши уюштирилган қатли ом — қатағонларда қамоқ ва сургун азобларини бошидан кечирган ва ҳалок бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари минглаб миллат гулларини унутмасликдир.

Ватан туйғуси — бу Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши мардона жанг қилган ватандошларимиз ёдини эҳтиром билан эслашдир. Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши арафасида республикамиз аҳолиси 6 ярим миллион киши бўлган. Шундан 1 миллион 433 минг киши урушга сафарбар этилган, яъни ҳар беш кишидан бири жангда

қатнашган. Бу 17 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларнинг деярли ҳаммаси деган сўздир. 800000 дан ортиқ ватандошимиз мардона жанг қилиб, олдинги марраларга ҳеч бир тайёргарликсиз ташланиб, номаълум қабрлари олис ўлкаларда қолиб кетди.

Ватандошларимиз Оврупо қитъасидаги барча фронтларда, Узоқ Шарқда ҳам жанг қилишган, улар Брест қалъаси ҳимоячилари орасида ҳам бўлишган. Сталинграддаги машҳур тепалик 11 Шарқлик тепалиги деб аталса-да, Москва, Ленинград, Одесса ва бошқа киностудияларда Иккинчи жаҳон уруши ҳақида ишланган кинофильмларда, фронт ва армияларга қўмондонлик қилган ҳарбийлар томонидан ёзилган хотира китобларда ватандошларимиз сиймоси деярли кўринмайди, номлари зикр этилмайди. Бинобарин, уларни унутмаслик, жангдан омон қайтиб, сафимизда юрган уруш фахрийларининг иззатини жойига қўйиш ҳам Ватан туйғусининг кўринишидир.

**Ватан туйғуси — бу азиз ва гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳаминша садоқатли бўлишдир.**

## ВАТАН СОҒИНЧИ

Бу беҳад нозик ва ноёб туйғу. Бир умр ўз маҳалласи, шаҳри ва қишлоғидан чиқмай яшаган, гўшанишин кишилар учун бундай соғинч балки бегонадир. Аскар йигит ҳарбий хизмат ўтаётганида туғилган шаҳри ёки қишлоғини, ота-онаси, қариндошлари, қўни-қўшнилари, жўраларини соғинади, албатта. Хизмат сафари билан бошқа вилоятга ёки чет элга берган кишилар орадан уч кун ўтмасданоқ оиласини, юртини кўмсаб қоладилар. Улар мабодо тасодиф туфайли бирор маҳалладош ёки ҳамқишлоқларини учратиб қолгудек бўлсалар, кучоқлашиб кўришадилар, узоқ ҳол-аҳвол сўрашадилар, иложи бўлса, бир пиёла чойга таклиф қиладилар. Ваҳоланки, шу учрашув ўз юртларида бўлса, оддийгина саломлашиб ўтиб кетган бўлур эдилар. Демак, ўзга юртларда, мусофирчиликда бир ватаннинг икки зарраси бир-бирига талпинар экан-да.

Ёки сайёҳларни олиб кўрайлик. Сафар ва зиёрат асносида, ошно бўлаётган нарсалари, кўраётган табиат манзаралари, танишаётган осор-атиқалари қанчалик ажойиб бўлмасин, барибир, ўз юрти кўз олдида келавериши ҳам мумкин. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз гарчи Ҳусайн Бойқаронинг фармони олийшони ила мамлакатининг энг

Йирик ва гўзал вилоятларидан бири бўлмиш Астробод ўлкасига ҳоким қилиб тайинланган бўлса-да, теварак-атрофдаги ҳокимлардан, қўшни мамлакатлар подшоҳларидан, шу жумладан, Ироқ ҳокими Якуббекдан мактублар, тортиқлар билан сийланиб, иззатланиб турган бўлсалар-да, барибир она шаҳарлари бўлмиш Хиротни, ундаги дўст-ёрларини, шогирдларини, ўзлари қурдирган биноларни соғинадилар.

Ёки бўлмаса, Бобур Мирзо Ҳиндистондек улуғ мамлакатнинг подшоҳи бўлса-да, бир умр Андижонини, сўлим Фарғонасини, бобокалонидан мерос Самарқандини кўмсаб ўтади. Фурқат хорижда ўтаётган умрини “Фурбатда Фурқат” деб қиёслайди. Ёркентдан қўқонлик ва тошкентлик дўстларига пайдар-пай мактублар ёзиб туради, улардан мактуб олган кунларини байрам деб билади.

Ватан соғинчига алоқадор тарихий бир лавҳа: XX аср бошларида чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши нафрат, зулм-истибодга қарши, миллий камситилиш ва хўрликларга қарши кураш кучайди, Туркистонда миллий уйғониш шакллана бошлади, тараққийпарвар зиёдиларнинг порлоқ ўтмишни эслаш ва халққа эслатиш, аслида кимлар эдиг-у, ким бўлиб қолганимизни англатиш мақсадида қилган саъй-ҳаракатлари самаралар бера бошлади. Миллий уйғониш тепасида жадидлар туришди. Шу даврда очилган маърифат, маданият, маънавият ўчоқлари “Турон” номи билан аталиши бежиз эмас. Бунда катта рамзий маъно бор, албатта. Чунончи, “Турон” жамияти, “Турон” кутубхонаси, “Турон”, “Буюк Турон” газеталари, “Турон” театри очилди. 1918 йилда Туркистон жадидларининг пешволаридан бири Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли маслақдош сафдошлари кўмагида Туркистон Халқ университетини очди. Унда юртига садоқатли, эл хизматига камарбаста миллий кадрлар таълим-тарбия кўра бошладилар. Бундан Москва ҳукумати тезда воқиф бўлди, саросимага тушиб қолди. Чунки марказ ўз мустамлакасида миллий кадрлар пайдо бўлишидан манфаатдор эмасди, ўз-ўзини таниган зиёдилар бир кунмас— бир кун мустақилликни талаб қилиб қолишлари, халқ оммасига етакчилик қилишлари турган гап эди. Шунинг олдини олиш ниятида Ленин дарҳол Туркистон Халқ Университетини ёпиб, Туркистон Давлат Университетини очишга қарор қилади. Тошкентда шундай университет очилади ҳам, лекин муаллимлар фақат марказдан юборилади, уларга марказ сиёсатини талабалар онгига сингдириш, бу ерда халқбоп эмас,



марказбон кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилади. Университетга ерли халқ вакилларидан деярли талаба қабул этилмайди. 1920-1921 йилги биринчи ўқув йилида 200 дан ортиқ талаба таълим кўрган бўлса, шулардан атиги 3 нафари ерли халқ вакиллари эди, холос. Хужжатларда буларнинг бири сарт деб, иккинчиси қирғиз деб, учинчиси майда миллат деб ёзилган. Аслида сарт дегани ўзбек, қирғиз дегани қозоқ, майда миллат дегани бухорий яҳудий эди. Шундай қилиб, илмга чанқоқ Туркистон ёшларига таҳсил йўллари бекитиб қўйилади. Бу ҳолдан ташвишга тушган жадид етакчилари, юрагида ватанпарварлик туйғулари пинҳон бўлган айрим раҳбарлар ёшларни чет элларга, жумладан, Олмония ва Туркияга ўқишга юбориш ҳаракатида бўладилар, маърифатпарвар бойлар уларга маблағ билан кўмаклашадилар. 1920-1922 йилларда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларидан 300 га яқин талаба чет элларга ўқишга юборилади. Уларнинг аксарияти тиришқоқлик билан билим оладилар, олий маълумот эгалари бўладилар-у, лекин қисматлари оғир кечди. 1927 йилгача Туркистонга қайтганлари тўғридан-тўғри гумдон қилинади, соғ қолганлари 1937-1938 йилги қатаронга учрайди. Ёшларни чет элга ўқишга юборишда иштирок этган, ҳаттоки хайрихоҳлик билдирган зиёлилар ҳам жазодан четда қолмайди. Чунончи, таниқли жамоат арбоби, шарқшунос Лазиз Азиззода 1929 йилдан 1956 йилгача қамоқ ва сургунда бўлади.

Дўстлари ва ҳамсабоқларининг она-Ватандаги аччиқ қисматидан воқиф бўлган бошқа туркистонлик ёшлар ёки Олмониянинг ўзида яшаб, ишлаб қоладилар ёки тилдош, диндош, қардош Туркияга йўл оладилар, ўша ерда муқим яшаб қоладилар. Ватан мустақил бўлмагунча унда бизлар учун бошпана бўлмас экан, деган қарорга келадилар, бир умр она Ватанни соғиниб, кўмсаб дунёдан ўтадилар. Ана ўша инсонларнинг Ватан соғинчи энг кучли соғинч бўлса керак. Киндик қоним тўкилган она юртимга, мушфиқу меҳрибон элимга қайтай, туғишганларим қуршовида яшай дейишган-у, шўролар ҳукумати, мустабид тузум бунга йўл бермаган.

Ўзи юракдан истаган ҳолда Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этолмасликдан кўра оғирроқ азоб-укубат, маънавий йўқотиш бўлмаса керак. Лекин шуниси қувонарлики, ўша туркистонлик талабалар етук мутахассис бўлиб, халқимиз шухратига шухрат қўшишган. Ҳозирги замон Туркия фани ва маданияти равнақига ўша туркис-

тонлик олимлар муносиб ҳисса қўшганлар. Айниқса, геология, минералогия, кимё фанлари, зироатчилик, чорвачилик ривожига қўшган ҳиссалари ҳақли суратда эътироф этилган.

## ВАТАН ҚАЙҒУСИ

Ватанни севмоқ бизга суннатдир. “Ватанни севмоқ иймондандир” дейилади Ҳадиси шарифда. Ватанини севган, Ватан нима эканини юракдан ҳис этган, Ватанидан айру тушганида уни соғиниб қолган, унга ҳамиша талпинган ҳар бир виждонли одам юрт қайғуси билан яшайди, унинг ярасига малҳам, дардига дармон бўлишга интилади.

“Ўтган кунлар” романидаги бир лавҳани эслайлик: Худоёрхон Мусулмонқулга бўлган адовати туфайли қипчоқ қавмини қиличдан ўтказди. Тошкент ҳокимининг мушовири, яъни бош маслаҳатчиси бўлатуриб, бу қирғиннинг олдини олмагани учун Юсуфбек ҳожидан ўғли Отабек ўпкалайди. Ҳожи бунга изтироб билан шундай жавоб қайтаради:

*“— Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимда азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичган мўнсабнараст, дунёнараст ва шуҳратнараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилувчи золимлар — қуртлар, қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир, ўғлим!..”*

Аждодларимиз орасида бирор йирик сиймо йўқки, юрти учун қайғурмаган, юрт ташвиши билан нафас олмаган бўлсин, бетавфиқ золимларнинг йўлини тўсмаган, доимо элим деб, юртим деб ёниб яшамаган бўлсин. Улар фидойи, ватанпарвар, фикри тиниқ, мулоҳазали одамлардир. Жалолиддин Мангуберди юртининг асоратга тушаётганидан қайғуриб, жангга отланади. Шарқ томондан туғилажак хавфнинг олдини олиш мақсадида етмиш ёшга борганига қарамай соҳибқирон Амир Темур қаҳратон қишда олис сафарга отланади. Алишер Навоий юрти учун ғам чекиб, агар мамлакат пароканда бўлса, эл тинчлиги йўқолиб, азобда қолишини ўйлаб, қариган чоғларида ҳам

подшоҳ Хусайн Бойқаро билан шаҳзодалар ўртасидаги низоларни бартараф қилиш йўлида вилоятма-вилоят кезади. Абдулла Авлоний Туркистоннинг келажакига қайғуриб, нажот — маърифатда, деган шиор билан майдонга чиқади, ёшлар илмли бўлсалар, юртни озодликка олиб чиқадилар, деб “Туркий Гулистон”ини яратади. Абдулхамид Чўлпон эса юрти большевойлар оёғи остида топталаётганидан фарёд чекиб, азиз жонини қилч тигига қўйиб, халқини уйғонишга даъват қилиб, “Бузилган ўлкага” деган шеърини битади.

Бундай мисолларни ҳар бир асрдан, ҳар соҳанинг вакиллари фаолиятидан кўйлаб келтириш мумкин. Кимнинг ким эканлиги айниқса ўтиш даврларида яққол намоён бўлади. Ўзбек миллати учун асримиз бошлари ва ҳозирги кунлар шундай ўтиш паллалари ҳисобланади. Олим, адиб ва арбоб Абдурауф Фитрат юрт учун қайғуриб, шундай дейди:

*“Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?”*

*Эй Темурларнинг, Ўғулларнинг оилаларининг шонли бешиклари! Қани учикдинг юксак ўринлар? Қуллик чуқурлариға недан тушдинг?!*

*Дунёни “урҳо”лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурғон тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товушлари чиқмайди?*

*Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечук кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун... нечун... нечун?*

*Гапир менга, эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?*

*Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадингми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврупонинг улуғ хоқонларини сен юбормадингми? Эй, хоқонлар ўчоғи? Эй, қаҳрамонлар тўғойи! Қани у чақмоқ чопишли ботир хоқонларинг? Қани аввал-ўқ юрушли отли бекларинг? Нечук “урҳо”лари эшитилмайдур?*

*Дунё халқини бўйсунтирган салтанатларинг нечун бузулди?*

*Инсонлик оламини қанотлари остида олган хоқонлигинг нечун кучи ўлди? Кучингми кетди? Кимсасизми қолди?*

*Йўқ... йўқ... Тангри ҳақи учун, йўқ! Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан! Бугун Ер юзида саксон миллион боланг бор. Буларнинг томирларидаги қон Чингизларнинг, Темурларнинг қонидир.*

*Буларнинг кучлари сенинг кучингдир!*

*Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмашидур.*

*Ёлғиз... Оҳ, ёлғиз... тарқалмашидур”.*

Дарҳақиқат, бу сатрлар ёзилган 1917 йилнинг июль ойида шундай эди. Энди эса мана беш йил бўляптики, қадим Туроннинг марказий ҳудуди — Туркистонда бешта мустақил давлат қад ростлади. Бу кўҳна заминда яшаётган барча соф ниятли кишиларнинг тилаги шуки, мустақил давлатларимиз пойидор бўлсин, иншооллоҳ!

Келинг, Фитрат домланинг юрт қайғусини қилган бир ўзбек йигити тилидан ёзганларига кулоқ тугайлик:

*“Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршимда мунгли бир хаёл келиб турадур! Бу бир хотун хаёли... Бир хотунки, эғнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлақдан бошқа бир кийими йўқ. Бош-оёқлари яланғоч, тирсақларигача қоп-қора лойқадан ботган, бақирурға товуши, қутилувға кучи қолмаган!..*

*Қарайман: кимсасизлик юкиндан ориғланган танада золимона урулғон қамчиларнинг яраси бор. Кўраман: жоҳилона қилинган эмлардан носулға қайтган яралариндан қонлар оқиб турадур!*

*Эй мунгли хотун, сен кимсан! Эй ғамли она, нечук мунгдан айрилмайсан? Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан? Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларинг ёш ёмғурлари нечун тўкадур? Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладур, нима тилайсан? Оҳ... Билдим... Билдим... Англадим! Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан. Эй муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма. Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ — менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдур.*

*Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ётларинг сени шу кунгами солдилар! Тилагим, истагим, саодатим! Болаларинг сени шу ҳолдами қўйдилар! Суюнчим, овунчим, ўчоғим! Золимлар сени кимсасизми кўрдилар!*

*Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, борлигим билан сенга кўмак қилурға ҳозир. Мана мен, чин кўнғил билан сенинг йўлиңгда ўлурға рози. Қоф тоғлари йўлимда тушса, тамуғ оловлари қаршимда чиқса, яна сен сари кетарман.*

*Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопарман. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чулинини темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени қутқарарман.*

*Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман.*

*Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи! Улим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!”*

Буюк Фитратнинг 1917 йил август ойидаги бу ниятига фаришталар омин деган экан, бизни кўмгани келганлар даф бўлишди. Лекин ҳамон узоқдан қутқу солишдан, дағдага қилишдан тўхтамаётирлар. Бу эса бизни ҳаминча хушёрликка, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга чорлайди.

1996 йил Президент Ислам Каримовнинг фармони билан Амир Темур йили деб эълон қилинган экан, Абдурауф Фитратнинг Темур сағанаси қошида айтган ўтли сўзларини яна бир хотирласак, ҳам соҳибқироннинг, ҳам шаҳид кетган муаллифнинг руҳи шод бўлса ажаб эмас:

*“Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синиқ, бўйим букук. Сенинг зиёратингга келдим, султоним! Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, хоқоним!*

*Юз йиллардан бери жафо кўриб, ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларин этакларингга тўқарга келдим. Қоронғулар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олгали келдим. Номусини ёт кишиларнинг оёқлари остида кўриб, турклик қони қайнағай, мусулмонлик ҳамияти тошғай, тамуғ оловлари каби сачрағай. Лекин ўз кучсизлигин англаб, қайтиб ўтирган ва қон йиғлаган туркнинг ҳолини арз этарга келдим, хоқоним!*

*Улуғ хоқоним! Турклик шарафи таланди. Турк учун қўйдиғик давлат битди, турк отиға қурдиғик хоқонлик ёғмага кетди. Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг оёқлари остинда қолди. Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларга тушди. Туркнинг белгуси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлжасига кетди. Сенинг қамчинг билан дунё эгаси бўлган турк тинчгина бир ётоқ тополмай қолди. Сенинг омонатингга хиёнат қилганларни эз, ур, ўлдур!*

*Султоним! Билмадим, шу тобда сенинг у юксак ва улуғ руҳиятинг мен каби тубан руҳли ва ҳимматсиз бир боласи-*

нинг шу ҳолига ғазабли кулиб турубдур. Биламан, шу чоғда сенинг тўлқунли денгизларга ўхшаган юрагинг мен каби юраксиз бир ўғлингинг шу кўринишидан нафрат қиладур. Чунки юқорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим қилдим, сенинг Туронингни ўзим талатдим, сенинг туркингни ўзим эздирдим, сенинг омонатларингга хиёнат ўзим қилдим.

Мен уч кунлик умримни тинчгина ётиб ўтказмоқчи бўлма-са эдим, шуларнинг бирортаси бўлмас эди. Мен қўлимга топширдиғинг қилични ташлаб, чолғунини олмас эдим, Туроним таланмас эди!...

Мен ёлғиз қонли ёшларимни бу сағанангга тўкмак учун эмас, ўз ёзуқларимни иқрор этарга келдим, хоқоним. Мени қўйма! Мен ёлғиз ёзуқларимни иқрор этарга эмас, Туронга бердигим зарарларга тўламоқ учун келдим, хоқоним. Мендан нафрат этма.

Эй арслонлар арслони! Менинг ёзуқларимдан ўт, меним қўлимни тут, белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер!

Сенинг дунёда сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туронинг эски шараф ва улуғлиқни қайтармасдан бурун оёқдан ўтирмасман (тўхтамасман) ”.

Нақадар ёниқ, дардли ва даъваткор сатрлар! Бугун учун ҳам тўла аҳамиятли ва вазифадор сатрлар. Сизу биз ҳам соҳибқирон бобомизнинг дунёга сиғмаган ғайратига онт ичиб, буюк Туроннинг эски шараф ва улуғлигини қайтаришдек буюк вазифага масбул эканлигимизни асло унутмаслигимиз керак.

## ✓ СУВРАТ ВА СИЙРАТ

Одамнинг ташқи кўриниши, сиртдан қаралгандаги ҳоли, кайфияти унинг суврати бўлади.

Одамнинг хулқ-атвори, хислати, равиши, одати ва ҳолатига унинг сийрати дейилади. Масалан, ватанпарвар аждодимиз, сўнгги хоразмишоҳ Жалолоиддин Мангубердининг ҳарбий юришларида йўлдош бўлган тарихчи Насавий унга бағишлаб ёзган асарини “Сийрат ас-султон Жалолоиддин Мангуберди” деб номлаган. Имом ат-Термизий “Шамойили Муҳаммадий” китобида Муҳаммад алайҳиссаломнинг суврат ва сийратлари хусусида ҳадисларни далил қилиб келтириб, асосли тарзда сўз юритган...

А Аждодларимизнинг ташқи кўринишлари қандай бўлган? Қандай кийинишган? Сийратлари-чи? Энди ана шулар ҳақида сўзлашамиз. †

Китобимизнинг бошида “Одамнинг шаклу шамойили, бўй-басти, кўриниши, жуссаси, туси, кўз қарашлари, овози, таровати, хуллас, ички ва ташқи дунёси у таваллуд топган, униб-ўсган ва камолатга етган жойга монанд бўлади. Етти иқлим кишилари етти хилдир. Демак, одам ўз ватанининг бир заррасидир”, деб ёзган эдик. Шу фикримизни давом эттириб кўрайлик.

Она Ватанзимизнинг гўзаллигини бутун дунё эътироф этган. Юртимизни келиб кўрганлар бир овоздан “Ўзбекистон жаннатий ўлка экан”, дейдилар. Донишманд аждодларимиздан бири — араб, форс, ҳинд ва туркий тилларни билган Муҳаммад Фиёсиддин ибн Жалолиддин ибн Шарофиддин “Фиёс ул-луғот” асарида “Чор хон — жаннатнинг тўрт ариғи: Нил, Фурот, Дажла, Жайхун”, деб ёзади. Маълумки, Жайхун — Амударё Орол денгизида Сайхун — Сирдарё билан туташарди. Демакки, жаннат ариқларидан сув ичган юртимиз ҳам, юртдошларимиз ҳам гўзал бўлиши табиийдир. Бинобарин, шоир Хожа Ҳофиз Шерозийнинг, Алишер Навоий таъбири билан айтганда, “ришти Шероз”нинг, шерозлик бир туркий гўзалнинг оқ бетигаги биргина қора холита Самарқанду Бухорони тортиқ қилиб юборишдек сахийлигига ажабланмаса ҳам бўлади! ✓

Аёл кишининг гўзаллиги, аъзоларининг хушбичимлиги, кўринишининг жозибадорлиги эркак кишининг севги-мухаббатини ўзига тортадиган сабаблардандир. Биз ўзбеклар наздида, агар янглишмасак, аёл кишини жозибали қиладиган ранглар уч хилдир: қора, оқ, қизил. Лекин бу ранглар ўзига хос аъзоларда бўлади. Масалан, қоралик аёлнинг сочида, киприқларида, қошида ва кўзида бўлиши, оқлик унинг бадаи, кўзининг оқи, тиши ва юзида бўлиши, қизиллик тили, лаби ва юзларида бўлиши керак.

Узунлик сифатига келсак, аёлнинг бўйни, қомаги, сочи ва кипригининг узун бўлиши гўзаллик белгиларидир.

Кенглик аёлнинг манглайида, кўзида, кўксига ва чеҳрасида бўлиши хусни оширади.

Кичкиналик унинг оғзида, оёқ-қўллари ва кўкракларига бўлса ярашади. ✓

Шеърятимизда ёр васфини тасвир этишда оғзи бир нуқтадек, ҳатто оғзи йўқ, деган муболағалар ишлатилади.

✓ Нозиклик унинг гўзаллиги тимсоли сифатида баҳоланган. Шу боис аждодларимиз аёл кишини оғир меҳнатга йўлатишмаган, авайлашган. ✓

## Мавлоно Отойти ёзмишлар:

Ул санам ки сув иқосинда паридек ўлгурур,  
Ғояти нозуклигини сув билан ютса бўлур.

Аёллар гўзаллиги ҳақидаги мушоҳадаларимизни ёзма манбалар, халқ достонлари, тарихий, тасвирий ва адабий асарлар ҳам тасдиқлайди. “Алпомиш” достонидан Барчин шундай тасвирланади:

Барчин турар хурдай бўлиб,  
Тиши гавҳар дурдай бўлиб,  
Жамоллари ойдай бўлиб,  
Мисли асов тойдай бўлиб,  
Сағрилари ёйдай бўлиб...

Амир Темурнинг суюкли рафиқаси Сароймулкхонимни ўз кўзи билан кўрган испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо шундай деб ёзади: “Сароймулкхоним куйидагича кийинган эди: устида зарҳал билан тикилган, учлари ерга судралиб турган узун ва кенг, енгсиз ва ёқасиз қизил шоҳи кўйлак. Кўйлакнинг белдан кесиб торайтирилмаган ҳолда этагигача жуда кенгайиб борган. Малика осон юриши учун кўйлаги этагини ўн беш нафар ёш аёл кўтариб борарди. Маликанинг юзига офтобдан сақланиш учун оқ уша шу қадар кўп суртилган эдики, чеҳраси бамисоли оқ қоғозга ўхшарди. Қишда ёки ёзда сафарга чиққан барча аёллар аёллар юзларига шундай уша суртадилар. Маликанинг юзига ҳарир оқ матоҳ тугилган, худди жангда кийиладиган дубулғага ўхшаш жуда баланд қизил бош кийим. Унинг учлари хонимнинг елкасига тушиб турибди, куйи қисмига матоҳ тикилган. Уларга кўйлаб йирик-йирик дурри ноблар, ёқут, феруза ва бошқа хилма-хил тошлар жуда чиройли қадалган. Бош кийимнинг зарҳал билан тикилган ва хоним елкасига тушиб турган қисмига қимматбаҳо тошлар дурри ноб билан безатилган тилла баргак қадалган. Қалпоқ учи бамисоли жажжи айвонга ўхшайди, унга фавқулудда ҳар бири икки бармоқ йўғонлигида ял-ял ёниб турган чиройли, тиниқ учта ёқут ўрнатилган.

Шунингдек, унга қадалган, узунлиги икки қарич оқ жиганинг айрим парлари пастга эгилган, баъзилари юзу кўзга қадар тушиб турарди. Зар ишлар билан боғланган парлар ўрама охирида пардан ясалган жигача қимматбаҳо тошлар, марваридлар қадалган бўлиб, юрганда пирпирай-



ди. Маликанинг тимқора сочлари елкасига тушиб турарди. Улар қора сочни юксак қадрлайдилар, ҳатто сочни янада қорайтириш учун бўяйдилар”. ✓

✓ Элчилар одатда жуда синчков бўладилар. Момомизнинг тимқора сочлари елкаларига тушиб туриши, қора сочни юксак қадрлашимиз, ҳатто сочни янада қорайтириш учун бўялиши ҳам Клавихо назаридан четда қолмабди. Ушанда ҳазрат момомиз 63 ёшда эдилар. Бошқа тарихий ва бадий асарларда ҳам ёзилишича, Сароймулкхоним — Бибихоним сочлари қоп-қоралигича дунёдан ўтган эканлар. ✓  
✓ Буюк адибимиз Абдулла Қодирий бундан бир ярим асрча илгари яшаган ўзбек аёлларининг сувратларини “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида сўз ила мана бундай чизадилар. ✓

**Кумушбиби тасвири:** “Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томонига тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жингила киприк остидаги тимқора кўзлари бир нуқтага тикилганда, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийиғ қошлари чимирилганда, нимадир бир нарсдан чўчиган каби... тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизилликка айланган-да, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайриб ушлаган оқ нозик кўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста кўли билан кўндирилган қора холини қашпиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди. Сарик рупоҳ атлас кўйнакнинг устидан унинг ўрғача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўлтургач, бошини бир силкитти-да, ижирганиб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб жонсўз бир суратга киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак қутидорнинг қизи — Кумушбиби эди”.

**Офтоб ойим тасвири:** “...ичидан атлас кўйлак, устидан одми хон атлас гуппи кийган, бошига даканани хом ташлаган, ўтгиз беш ёшлар чамалик гўзал хуш бичим бир хотин. Юзидан мулойимлик, эрита итоат, тўғрилиқ маънолари томиб турган бу хотин қутидорнинг рафиқаси — Офтоб ойим...”

**Ўзбек ойим тасвири:** “Ул ўз уйида ўлтурганида ҳам устидаги атлас кўйнак билан адрас мурсакни, оқ шоҳи дакана билан каҳрабо тасбеҳни кўймай, қиш кунлари танчада пар ёстиққа суяниб, ёз кунлари айвоннинг тўрига ёслашиб Ҳасаналининг хотини Ойбодоққа, чўри қиз Ҳанифага ҳамирни ачигмасликни, паловни қирмоч олдирамасликни танбихлабкина ўлтурар эди”.

**Раъно тасвири:** “Бизнинг ўзбекларда, айниқса, Қўқонга махсус бир тус, сариққа мойил бир тус бор. Лекин бу тусни кесдириб сариқ деб бўлмайди. Чунки биз оғриқ кишининг тусини сариқ деймиз. Зарча, заъфар туслари ҳам бунга дағаллик қиладилар. Таъбиримиз кўпол тушмаса бу гўзал қиз, оч раъно гулининг тусида ёки оқ сариқ тусда яратилган эди. Аъзода ўскан тукларга ҳам ҳалиги туснинг таъсири бўладир. Раънонинг сочи гунгурт-қора, яъни қуёшсиз жойларда қора кўринса ҳам, қуёшда бир оз саригиш бўлиб кўринар эди. Шунга ўхшаш Раънонинг кўзида ҳам бунинг асари кўруладир: мудавварга мойилроқ жоду кўзи кишига қаттиқ қараганда қоралиқдан бошқача яна бир турлук нур сочар эди. Киприклари остида нафис бир сурма доираси бор эди. Қоши тугаш каби кўринса ҳам кўндаланг ётқан икки қилич орасини нафис бир қуюлиб кўтарилиши ажратиб турар эди. Бурни ҳеч бир мунақидга беришмаслик мутаносиб, ҳар замон уялиш табассумига ҳозир турган нафис иринларининг юқориғи қисмида сезилар-сезилмас туклар кўкарган эди. Юзи чўзиқ ҳам эмас, ой кулча ҳам деб бўлмас, кишига кулиб қараганда қизил олма остларида иккита замма равишлик шакл ҳосил бўлар, гўё бизга чин раъно гули очилган ҳолатда кўринар эди. Соchlари жуда қуюқ, саноксиз кокиллар Раънонинг орқа, ўнги-ни тутиб ётар, қадди узунлиқ билан қисқаликнинг ўртаси, дўндиқ бармоқларининг жимжилоғида хина гуллари, ҳар ҳолда, бу қиз ёлғиз Қўқондагина эмас, умуман Фарғонанинг куйларига қўшулиб махталадирган гўзалларидан эди”.

Энди сўз эркак аждодларимизнинг кўринишлари ҳақида боради. Халқ даҳоси билан яратилган “Алпомиш”да **Алпомишнинг тасвири** бундай:

Остингда бедовинг ҳаллослар қушдай,  
 Аччиғинг чиллал музлаган қишдай,  
 Норкалла келгансан чуйда кумушдай,  
 Норкалла полвоним, қайдин бўласан?...  
 Қийғир деган қуш ўлтирар қиёда,  
 Жасадинг бор Рустамдан ҳам зиёда,  
 Жамолинг ўхшайди осмонда ойга,  
 Қошингни ўхшатдим эгилган ёйга,  
 Жасадинг ўхшайди бўз қарчиғайга,...

Соҳибқирон Амир Темурнинг суврат ва сийратлари тарихий, илмий, бадий асарларда анча мукамал тасвир-

ланган. Бу ҳақдаги биринчи сўзни бобомизни ўз кўзи билан кўрган тарихчи Ибн Арабшоҳдан эшитамиз:

“Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди, пешонаси очиқ, боши катта, овози жарангдор, ёқимли бўлиб, кучи-қуввати жасурлиги билан тенг-мутаносиб эди, оқиш юзини оч қизил ранг жонлантириб турарди. Елкалари кенг, яғриндор, бармоқлари тўлиқ, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди. Узун соқол кўйиб юрарди... Қарашлари ниҳоятда ёқимли эди. Улимни асло писанд қилмасди, қарийб 70 га кириб ўлаётган вақтида ҳам ақл-заковатини ҳам, довиюраклигини ҳам йўқотмаган эди. У ёлғон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазил унинг кўнглига ёқмасди. Ўз ҳузурида талон-торожлик, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга асло йўл кўймасди. У ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин, уни эшитишни маъқул кўрарди. Яхши ва ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасди. Жасур аскарларнинг дўсти, ниҳоятда мард ва ботир бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсундиришга мажбур эта биларди”.

Яна бир тарихчи Г.Вебер улуғ аждодимизни кўйидагича тасвирлайди:

“Темур душманларига ҳаддан ташқари аёвсиз-у, лекин саркарда, ҳоким ва қонунчи сифатида буюк истеъдод соҳиби эди. Ёлғонни ёмон кўрар, билимга муҳаббат кўйишдан маҳрум эмас эди. Унинг саройида шоирлар, олимлар, машшоқлар ва мистиклар (сўфийлар) кўп бўларди... Лекин кайфи чоғ ва руҳи тетик вақтида у одил судья, илм-фан раҳнамоси, мароқли суҳбатни хуш кўрарди, рассомлар ва олимларнинг ҳомийси эди”.

Фаранг олими Л.Лянлэнинг фикри бундай: “Темур олимларга серилтгифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм, фан, идора ва бошқа ишларда билимдон кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга неосий эътиборни берар эди. Темур одамларни ўзига бўйсундириш қобилиятига эга эди. У ўзининг бу қобилиятини одамларни бахтли қила билиш истеъдоди билан уйғушлаштирган эди. Темур, унинг тарихчиларидан бири (Шарафиддин)нинг айтишича, бир вақтнинг ўзида душманларига офат, ўз аскарларига қаттиққўл раҳбар, ўз хал-

қига эса ота бўла олар эди. У фуқаросининг аҳволи ҳақида амалдорлари берган маълумотларни ўзи шахсан кўздан кечирарди; негаки, у одам таний ва танлай биладиган шоҳ эди. Султонлар бўш вақтларида хузур-ҳаловатлар билан дилхушлик қилса, Темур фақат ов қилиш ва ўзи такомиллаштирган шахмат ўйини билан машғул бўларди”.

Олмон тарихчиси Ф.Шлоссер Амир Темурни шу тариқа зикр этган:

“Саодатли жангчи, дунёнинг фотиҳи, айни вақтда энг узоқ Шарқни ўз қонунига қаратган одам...”

Можор тарихчиси Ҳерман Вамберининг тасвирида соҳибқирон бобомиз шундай гавдаланади:

“Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундан ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги сулолани ва балқим кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди. Бундан ташқари, Темур ўзининг издошларига панд-насиҳат, қўлланма сифатида ёзиб қолдирган “Қонунлар” муаллифи сифатида Ўрта Осиёда кенг танилди...”

Темур Осиёнинг ҳамма қисмидан ҳадсиз-ҳисобсиз хазина ва бойлик йиғди, лекин уларни хасис одамлар каби сақламади. Буни, биринчидан, унинг саройининг бой ва ҳашаматлилиги, иккинчидан эса, ҳам ўз қароргоҳини, ҳам ўз шахрини безаб турувчи ғоят улкан ва муҳташам бинолар қурдиргани исботлайди. Шунинг учун ҳам, Темурни Чингизхон билан бир қаторга қўйиб, уни мустабид ҳоким деб атовчиларнинг фикрлари икки томонлама хатодир, у аввало ўзининг голибона қуролини замонасининг одатига кўра ишга солган осиелик ҳоким эди”.

Жуда сермахсул тарихчи олим В.Бартольд Амир Темур фаолияти ҳақида адолатли гап айтган:

“Темур... Кобил водийси ва Муғон чўли каби Самарқанддан узоқ бўлган жойларда ҳам улкан суғориш ишлари олиб борди”. Демак, Амир Темур ўз тасарруфига ўтган 27 мамлакатни ободонлаштиришни давлат сиёсати деб билган, миллатидан қатъи назар, барча раиятнинг фаровонлигини кўзлаган.

Темурийлар авлодидан кўшлаб қалам аҳли чиққан. Буни сулолабошидан ворисларига ўтган зурриёдлик мероси деб изоҳлаш ҳам мумкин.

Алишер Навоий Темур Кўрагон ҳақида ёзиб қолдирган ушбу ҳикоят ҳам бағоят ибратли бўлиб, унда жаҳон-

гир бобомизнинг мардона ва олижаноб қалби яққол акс этган:

“Агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор. Табаррук ҳайсиятидинким, ул ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай ва ул латоифдин бири била ихтисор қилилур... Мундоқ нақл қилурларким, чун Табризда Мироншоҳ чоғирға кўп ишгиғол кўргузди. Димоғи ва мижози эътидол тариқдин инҳироф топиб, андин номулойим амр кўп сурат туга бошлади. Самарқандда ул ҳазрат арзиға бу нав еткурдиларким, уч надими борким, муфрит чоғир ичмакка боис алардурлар. Ҳукм бўлдиким, тавочи миод била чоғиб бориб учаласининг бошин келтурсун. Алардин бири Хожа Абдулқодир эрди ва яна бири мавлоно Муҳаммад Коҳий эрди ва яна бири Қутб Нойи эрди. Тавочи бориб иккисин ясоққа еткурди. Аммо Хожа Абдулқодир қочиб қаландар бўлуб, ўзин девоналикқа солуб, мулкдин мулкка мутавари юрур эрди, то улким, ул ҳазрат яна Ироқ юриши қилди. Ул мамоликда Хожанинг ул ҳоли баъзиға маълум бўлиб, юқори арз қилдилар. Ҳукм бўлдиким, туғиб келтурсунлар. Ул ҳазрат тахтда эрдиларким, Хожам фақирни девоналикқа қўймай, судраб тахт илайиға келтурдилар. Андин бурунким, сиёсат ҳукм бўлғай, чун Хожанинг камолотидин бири чун Қуръон ҳифзи ва қироат илми эрди, филқол бийик ун била Қуръон ўқимоқ бунёд қилдиким, ул ҳазратнинг ғазаби лутфқа мубаддал бўлиб, фазл ва камол аҳли сари боқиб, бу мисрани ба вақт ўқидиким:

Абдол зи бим чанг бар мусҳаф зад. (Мазмуни: Қаландар қўрқувдан Қуръонга чанг солур.)

Андин сўнгра Хожаға илтифот ва тарбиятлар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди. Идрок ва фаҳм аҳли билурким, йиллар, балки қарнларда мундоқ латиф сўз воқеъ бўлмас. То олам аҳли билгайларким, султон соҳибқиронгаким, мажлисда пайдар-пай хўб абёт ва яхши сўзлар дармаҳал воқе бўлур дағи маврусийдурким, нисбатан ул жидди бузургворға тузатурким, ул бирининг макони ривзаи жинон ва бу бири жаҳон мулкида жовидон бўлсин”.

**Шарҳ.** Алишер Навоий ёзиб қолдирган ушбу ҳикоятдан маълум бўлишича, Хожа Абдулқодир Қуръони каримни ёд олган ва уни чиройли қироат қилувчи ҳофиз, яъни

қори экан. Шариат бўйича бундай кишиларни бошини танидан жудо қилиш, ҳатто бошига уриш ҳам мумкин эмас, унда Каломуллоҳ жо бўлган-да! Агар Хожа Абдулқодир сингари қорилар муллои боамалликдан чиқиб, муллои беамалликка ўтиб қолган бўлсалар, уларни албатта муллои боамал бўлишга даъват этиб, кимликларини эслатиб қўйиш зарур. Агар шундан кейин ҳам тафвиққа келмасалар, унда бошқа гап. Ҳикоятдан маълум бўлишича, Хожа Абдулқодир яна тўғри йўлга тушиб олган, Амир Темур саройида, олий мажлисларида надим — ҳамсуҳбат ва мулозим — хизматчи бўлган.

Бу ҳикоят Амир Темурнинг шариат илмини ҳам чуқур билганлиги ва сўзсиз амал қилганлигини, билимдон кишиларни илмлари туфайли ҳурмат қилиб, уларга илтифот кўрсатиб, тарбият этганлигини билдирувчи бир далилдир.

Алишер Навоий буюк темурийларга ҳамиша хайрихоҳлик билан, зўр иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлган, ўгли байтлару пурмаъно сатрлар бағишлаган. “Фарҳод ва Ширин” достонида Мирзо Улуғбек ҳақида ушбу мисраларни ўқиймиз:

Темурхои наслидин султон Улуғбек,  
 Ки олам кўрмади султон анингдек.  
 Анинг абнойи жинси бўлди барбод,  
 Ки давр эли биридин айламас ёд.  
 Вале ул илм сари тошти чун даст,  
 Кўзи олинда бўлди осмон паст.  
 Расадким боғламиш зеби жаҳондур,  
 Жаҳон ичра яна бир осмондур.  
 Биляб ул нав илми осмоний,  
 Ки андин “Зичи Кўрагоний”.  
 Қиёмага дегинча аҳли айём,  
 Ёзарлар анинг аҳқомидин аҳқом.

Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг мустаҳкам дўстлиги, бир-бирини ниҳоятда иззат-ҳурмат қилишлари, ўта камтарлик билан бир-бирларини эътироф этишлари биз — миннатдор авлодлар учун то қиёмат ибратдир.

Адабий, тарихий ва хотиравий манбаларда қайд этилишича, Алишер Навоийнинг биринчи ўқувчиси, биринчи мунаққиди ва албатта, ношири Ҳусайн Бойқаро бўлган. Ва аксинча ҳам шундай. Алишер Навоий дostonларида, газалларида Ҳусайн Бойқаронинг суврати ва сийрати ҳақи-

да ажойиб фикрлар билдирган, “Мажолис ун — нафоис” асарининг бутун бошли бир қисмини — саккизинчи мажлисини дустининг ижоди таҳлилига бағишлаган. “Ҳайратул аброр” достонида шоҳи Ғозий — Ҳусайн Бойқаро ҳақида, жумладан, шундай байтлар бор:

Андаки ғолиб шоҳи фаҳунда бахт,  
Тож олайсен деб талошур эрди тахт.  
Юз, икки юзга киши бирла қазоқ,  
Гоҳ ери Хоразм эди, гоҳ Адоқ.  
Новаки душман юрагин қон этиб,  
Тиғу адув бошини паррон этиб.  
Бор эди зотида сазоворлик,  
Ким ҳақ анга берди жаҳондорлик.  
Адл эшигин элга қушод айлади,  
Тахт уза ўлтурдию дод айлади.  
Тузди бузуқларни иморат била,  
Зулмин дафъ этди адолат била.  
Бидъату фиққ аҳли бўлуб мунзаний,  
Адл шариат қўлин этти қавий...  
...Золи фалақдин неча кўрсанг алам,  
Шаҳ чу қилур адл, Навоий, не гам.

Алишер Навоий **Ҳожа Аҳмад Яссавий** ҳақида “Насоимул — муҳаббат” асарида шундай ёзади:

“Ҳожа Аҳмад Яссавий Туркистон мулкининг шайхул машойихидур. Мақомати олий ва машҳур, каромати матований ва номаҳсур эмиш. Имом Юсуф Ҳамадонийнинг асҳобидиндир ва анинг мазори Туркистонда Ясси деган ердаки, Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидир”.

Маълумки, мавлоно Лутфий Алишер Навоийнинг улуг замондоши ва устозларидандир. У ҳақда Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” да ёзади: “Мавлоно Лутфий ўз замонининг маликул каломи эрди, форсий ва туркийда назари йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркий девони ҳам машҳурдир... Ва Мавлононинг “Зафарнома” таржимасида ўн минг байтдан ортиқроқ маснавийси бор. Баёзга ёзмагон учун шуҳрат тутмади. Валекин форсийда қасидагўй устодларидин кўпининг мушкул шеърлариға жавоб айтибдур ва яхши айтибдур. Тўқсон тўққуз яшади. Бу фақир борасида кўп фотиҳалар ўқубтур. Умид улким, чун дарвиш киши эрди, баъзи мустажаб бўлмиш бўлғай. Мавлононинг қабри шаҳар навоҳисида Деҳи Канордаким, ўз маскани эрди, андадур”.

**Мавлоно Лутфийнинг сийрат**ни аниқлашда “Насоимул муҳаббат” даги ушбу сатрлар ҳам катта аҳамиятга моликдир: “Агарчи шоирлик тариқида маъруф ва машҳур бўлди,

аммо дарवेशлик тариқини даҳи илқидин бермади”. Бу деган сўз шуки, Мавлоно Лутфий ҳар қанча машҳури олам бўлмасун, оддий одам бўлиб қолаверган.

Алишер Навоий темурийлар давлати, хусусан, Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати Туроннинг бир қисми бўлмиш Хуросонда пойдор бўлиши учун жон фидо қилган бўлса, бунга жавобан замондошлари бўлмиш деярли барча илғор фикрли темурийлар ҳам унга улуғ марҳаматлар кўрсатганлар.

Султон Ҳусайн Бойқаро Абулғози Баҳодирхон -Ҳусайний “Рисолаи Ҳусайн Бойқаро” асарида ёзади: “Мир Алишер аслаҳаллоҳу шонаҳукум, таҳаллуси Навоийга машҳурдурур ва ашғорида бу таҳаллуси мастур — турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ анфоси била руҳ кюрди ва у руҳ топқонларга туркий ойин алфоз тору пудидни тўкулгөн ҳулла ва ҳарир кийдурди. Ва сўз гулистонида навбахори табъидин равон асо ёғинлар била ранго-ранг гуллар очди ва назм дарёсиға саҳоби фикратидин руҳпарвар қатралар била гуногун дурлар сочти. Ҳар синф шеър майдониғаким, тақовар сурди — ул кишварни тиғи забон била ўз хитгаи тасарруфига кюрди. Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожиз турур”.

Ўтмишдаги улуғ аждодларимизга хос ибратли фазилатлардан бири шундаки, улар ҳақиқий истеъдод эгаларини беҳад эҳтиром билан тилга олганлар. Ҳазрат Навоийнинг кичик замондоши Бобур Мирзо шу боис Алишер Навоий сиймосини улкан меҳр ва самимият билан чизади:

“Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммақтаб экандурдар (Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий назарда тутилмоқда — муал.). Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима билан Султон Абусаид Мирзо (Бобурнинг бобоси — муал.) Ҳиридан ихрож қилди. Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандда эди. Алишербекнинг мижози нозук била машҳурдир. Эл назокатини давлатининг гуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий (яъни туғма — муал.) экандур. Самарқандга эканда ҳам ушмудоқ нозук мижоз экандур.

Алишербек назирини йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтгубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқон эмас.

...Яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур.

Аҳли фазл, аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай.



Устоз Кулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шухрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми билан мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.

Уғул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жарийда ўткарди. Авойил муҳрдор эди, авосит бек бўлуб, неча маҳал Астрободда ҳукумат қилди, авохир сипоҳилиқни тарк қилди. Мирзодин нима олмас, балки йилда Мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди...”

“Бобурнома” XV-XVI асрларда яшаган аждодларимизнинг, хусусан, теурийларнинг шаклу шамойилини аниқлашда ишончли манбадир. Шу китобда зикр этилган бошқа тарихий шахсларнинг тасвирига назар ташлайлик.

**Султон Ҳусайн Бойқаро қиёфаси:** “Шакл ва шамойили: қийиқ кўзлук, шер андом бўйлуқ киши эди. Белидин қуйи инчка эди. Бовужудким, улуг ёш яшаб, оқ соқоллик бўлиб эди, хушранг, қизил абришимни кияр эди. Қора кўзи бўрк кияр эди ё қалпоқ. Аҳёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси ямон чирмон чирмаб, қарқара ўтағаси санчиб, намозға борур эди.

Ахлоқ ва атфори: Аввал тахт олғонда хаёли бор экандурким, дувоздаҳ имомни хутбада ўқутғай. Алишербек ва баъзилар манъ қилибдурлар. Сўнгралар худ жамиъ ишкучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эди. Мафосил заҳмати (яъни бўғинлар зирқираши — муал.) жиҳатидан намоз қила олмас эди, рўза ҳам тутмас эди. Ҳарроф ва хуш хулқ киши эди. Хулқи бир нима гузаророқ воқе бўлуб эди, сўзи ҳам хулқидек эди. Баъзи муаммалотта шаръни бисёр риоят қилур эди. Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонликларига топшириб, дорулқазога йиборди.

Аввал тахт олгон маҳалда олти-етти йил тоиб эди (яъни ичмасди — муал.). Андин сўнгра ичкуга тушди, қирқ йилға ёвуқким, Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намоз пешиндин сўнг ичмағай, вале ҳаргиз сабуҳий қилмас эди (яъни эрталаб бош оғриғи қилмас экан — муал.), ўғлонлари ва жамиъ сипоҳига ва шаҳриға бу ҳол эди. Ифрот билан айш ва фисқ қилурлар эди.

Шужоъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич тегурубтур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубтур. Теурубек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн Мирзоча қилич чопмиш бўлғай. Табъи назми бор

эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси “Ҳусайний” эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони бир вазндадур, бовужудким, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуғ подшоҳ эди, кичиклардек қўчқор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди...

Авлоди: ўн тўрт ўғул, ўн бир қиз қолиб эди. Бори ўғлонларидин улуғ Бадиуззамон Мирзо эди. Онаси Санжар Мирзо Марвийнинг қизи эди. Яна Шоҳғариб Мирзо эди, букри эди. Агарчи ҳайъати ёмон эди, таъби хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. “Ғарибий” тахаллус қилур эди, девон ҳам тартиб қилиб эди, туркий ва форсий шеър айтур эди...”

Юқоридаги парчаларга иккита изоҳ беришни лозим деб биламиз.

Биринчи изоҳ: Ҳусайнийнинг ижод қилган вазни “туркий” деб аталиб, арузга туркий шоир ва олимлар томонидан кейин қўшилгандир. Халқ ижоди, жумладан, ўзбекча “ёр-ёр”ларимиз шу вазнга рост келади. Ҳусайнийнинг бу вазнда ёзганини Навоий “Мажолис ун-нафоис” ва “Мезон ул-авзон” асарларида туркий халқчиликка йўяди.

Иккинчи изоҳ: 1469 йили Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллагач, мусулмончиликда икки асосий мазҳабдан бири бўлмиш шиа мазҳабига берилгандай бўлиб, ўн икки имомнинг номини хутбада ўқитмоқчи бўлади. Алишер Навоий бунга йўл қўймайди. Шундан сўнг Ҳусайн Бойқаро сунний мазҳабда қатъий туради, суннат йўлини тутади, диний йўли жамоат мазҳаби — имом Аъзам мазҳаби билан мувофиқ бўлади, бу борада ҳам умум эл назаридан тушиб қолмайди.

Яна “Бобурнома”га мурожаат қилиб, улуғ боболаримизнинг тарихий сувратлари билан танишишда давом этамиз. Бобур ўз отаси Умаршайх Мирзони бундай таърифлайди.

“Шакл ва шамойили: паст бўйлуқ, тегирма соқоллик, қўба юзлуқ, танбал киши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоғким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлагондин сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эди, боғлари узулур эди. Киймоқта ва емоқта бетакаллуф эди. Дасторни дасторпеч чирмар эди. Ул замонда дасторлар тамом чорпеч эди, бечин чирмаб, алоқа қўяр эдилар. Ёзлар ғайри девонда аксар мўғулий бўрк кияр эди.

Ахлоқ ва атвори: ҳанафий маҳзаблик, покиза эътиқодлиғ киши эди, беш вақт намозни тарк қилмас эди. Ҳазрат

Хожа Убайдуллоға иродати бор эрди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлуб эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эдилар.

Равон саводи бор эди. “Хамсатайн” ва тарихларни ўқиб эди. Аксар “Шоҳнома” ўқур эди, таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди.

Адолати бу мартабада эдики, Хитой корвони келадурганда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлук карвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, корвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эди, бовужуди эҳтиёт сақлаб, бир-икки йилдан сўнтра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуриб, молларини солим топширди.

Бисёр саховати бор эди. Хулқи дағи саховатича бор эди, хушхулқ ва ҳарроф ва фасиҳ ва ширин забон киши эрди, шужоъ ва мардона киши эди.

Икки мартаба ўзи жамиъ йигитлардин ўзуб қилич те-гурди: бир мартаба Аҳси эшигида, яна бир мартаба Шоҳрухия эшигида. Ўқни ўрта чоғлиқ отар эди, бисёр зарб мушги бор эди, анинг мушгидин йигит йиқилмагон йўқтур. Мулкгирлик дағдағаси жиҳатидин ҳейли ярашлар урушқа ва дўстлуқлар душманлиққа мубаддал бўлур эди...”

Бобур амакиси Султон Аҳмад Мирзони тасвирлар экан, унинг нақадар юксак эътиқод эгаси бўлганини кўрсатиш учун қуйидаги бир мисолни келтириб ўтади: “Ҳазрат Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаб бор эди. Алалхусус Хожа суҳбатида, дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвуткаган эмастур. Бир навбат ҳазрати Хожа суҳбатида бар хилофи одат оёғини ёвуткаб ўлтурубтур. Мирзо қўпқондин сўнг ҳазрати Хожа буюрубтурким, Мирзо ўлтургон ерни боққайлар: бир сўнтак бор экандур”.

Мозий мавзуидаги адабий асарлардаги тарихий шахслар қиёфаси ҳам тарихий ҳақиқатга асосланади. Ойбек “Навоий” романида Алишер Навоий қиёфасини шундай тасвирлайди.

“Шоирнинг бошида учли кўк тақяга силлиқ ўралган кўркамгина салла. Эғнида одми шоҳи тўн, устида яланг қўнғир мовут чакман... Навоий ўтгиздан ошмаган бўлса ҳам ёши улуғроқ кўринарди. Қомати ўртадан баланд, ингичка, лекин пишиқ, бармоқлари узун ва нафис, қора ва қисқа соқолли, хушбичим, мийиқлари текис ва силлиқ, ёпоқлари чиқиқроқ, кенггина юзида доимий тафаккур-

нинг асл маъноси, маънавий кудрат ва энгил, гўзаллаштирувчи бир ҳорғинлик жилваланади. Қабарикроқ қовоқлари остидаги қийғоч кўзларида гўё тафаккур ва ҳаёл билан бирга қандайдир ирода кучи ифодаланади”.

Шу романда **Хусайн Бойқаро** айти Бобур тасвиридагидек:

“Хусайн Бойқаро белидан юқориси кенгайиб борган, қабарик кўкракли, кенг ягринли, миқти гавдали эди. Йирик, қийиқ, ўткир қаровчи кўзлари ирода ва ингичка ҳийла билан бирга қандайдир беқарор, энгил ва шўх табиатни ҳам ифодалар эди; бошида йирик гавҳарлар қадалган қоракўл қалпоқ, эгнида ёқаси олтин гуллар, қимматбаҳо тошлар, ранг-баранг порлаган қизил абришим тўн. Энлик камарида олтин куббачалар, йирик гавҳарлар. Бадахшоннинг асл лаъли-ёқутлари оловланар эди.

...Мулозимлар ёрдами билан Хусайн Бойқаро эгнита совут, бошига дубулға кийди. Қини олтин ва ранго-ранг қимматбаҳо тошлар билан ишланган, ажойиб санъат намунаси бўлган қилични тақди. Яна шундай чиройли садоғини осди. Ўқ-ёйни тақди. Қадамларини тетик босиб, дабдаба билан чодирдан чиқди...

...Махсус мулозимлар эгар-жабдуқлари олтин, лаъл, ёқутдан ишланган ўйноқи отни эҳтиёт билан етаклаб келтирдилар-да, подшоҳни қўлтиқлаб миндирдилар”.

Булар — XV асрга оид гаплар. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида ўтган аср ўрталарида яшаган ота-боболаримизнинг қиёфаларини кўрамыз.

**Тошкент ҳокими Азизбек тасвири:** “Тилла жабдуқли қизил айғирға минган, қуёш ёғдуси билан турлик туска кириб товланадирған, ёқа ва этакларига олтин уқа тутилган кимхоб тўн кийиб, белидаги олтин камарга кумуш қинли жазоир қилич оққан, бошига оқ шоҳидан салла ўраб, оёғларини кумуш узангига тираган, сийрак қошлик, чўққи соқол, буғдой ранглик, қирқ беш, элик ёшлар чамалиқ бир киши эди”.

**Анвар тасвири:** “Анвар ёшлиғида бўшонғина бир бола эди. Ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб-кулмас, ҳамиша унинг кўзида бир мунг ётар эди. Бу ҳолат балки оила бахтсизлигидан, ота-она бағрида яйрамағанликдан туғилгандир, десак, унинг оғалари мундай эмас эдилар...

Анвар ёш бўлса ҳам жиддий ва кичкина мияси муҳомага қобил, бошқа кишилар устига тушкан бахтсизликдан ҳам мутаассур бўлғучи эди”.

**Отабек тасвири:** “Оғир табиатлик, улуғ гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлик ва эндигина мурти сабз урган бир йигит”.

**Мирзакарим кутидор тасвири:** “Мирзакарим исмлиқ қирқ беш — эллиқ ёшлар чамасида қора қош, қора кўз, кўркам юз, яхшигина кийинган бир киши”.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, эркагу аёл аждодларимиз азалдан кўркам бўлишган, яхши кийинишган, гўзалликни севишган ва қадрлашган. Кейинги минг йиллар мобайнида насл-насабимизда деярли ўзгариш бўлмаган, зотимиз тоза сақланган, дейиш мумкин. Ҳукмдорлар келиб кетаверган, салтанатлар ўзгараверган, миллатимиз ўз ташқи ва ички қиёфасини йўқотмай, қолаверган. Бу кўп омиллар, жумладан, эр йигитларимизнинг “қизғончиқлиги” — рашқдорлиги, фарзанд ўстирган ота-оналаримизнинг қуда-андачилик бобида ўта масъулият билан иш тутишлари, келажак авлодларнинг ҳам насл-насаби ҳақида доимий қайғуришларининг ҳам самарасидир.

Тўғри, дунёда қонига ўзга халқларнинг қони ўтмаган бирорта ҳам халқ бўлмаса керак. Ўзбек халқи ҳам бундан мустасно эмас. Вужудимизда туркий қон етакчилик қилсада, бошқа халқларнинг қон унсурлари ҳам бор. Ҳаммиллатларимиз орасида кўриниш жиҳатидан бошқа халқларнинг вакиллариға ўхшаб кетадиган кишилар ҳам йўқ эмас. Бу фақат ташқи ўхшашлик, холос. Лекин ҳаммамизни бир нарса — ўзбекларға хос ноёб фазилат — ўзбеклик метиндек бирлаштириб туради.

Ҳар бир халқда гўзаллик ҳақида умумбашарий тушунчадан ташқари фақат шу халқнинг ўзигагина хос тасаввур ҳам мавжуд, албатта. Шу нуқтаи назардан қарасак, ўзбек халқининг бир фарзанди сифатида сўйласак, ўзбек халқи дунёдаги гўзал халқлардандир. Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига, деб бежиз айтилмайди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақил Ўзбекистонда таъсис этилган биринчи орден — “Соғлом авлод учун” деб аталиши, шу номда халқаро жамгарма тузилганлиги ва журнал нашр қилиниши замирида ҳозирги ва келгуси авлодларимизнинг жисмонан соғлом ва гўзал, маънавий етук бўлишлари — миллатнинг насл-насаби, унинг истиқболи учун қайғуриш ва ғамхўрлик қилиш ғояси мужассам.

## ТУРОН — ТУРКИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН

## ТУРК

**М**улки Турон, Туркистон деган ибораларни бот-бот ишлатамиз. Хўш, мулки Турон нима? Туркистон деганда қайси ва қандай мамлакатни тушунмоқ керак? Туркнинг бош бўғини, деган ибора нимаини билдиради?

Булар мураккаб ва мушкул, айни пайтда ечимини кутаётган саволлардир. Истиқлолдан бошланган миллий турмуш тарзимиз уларга тезроқ жавоб беришни тақозо этмоқда.

Бош бўғин бўлишлик нима эканини англаб етиш учун олдин унинг келиб чиқиш асосини аниқлаш лозим. Турк сўзи тарихий ва замонавий маъноларга эга. Турк деган сўз, энг аввало олис ўтмишда Турон мамлакатида таваллуд топган ва яшаган халқнинг номини билдиради. Ҳозир эса Туркия жумҳуриятининг туб миллати — турк деб юритилади. Турк эли дейилганда Турон мамлакати тушунилган — бу биринчидан. Иккинчидан, турк деган сўз сифатни ҳам англатган. Турк эли дейилганда эса, мард, ёвқур, кўркмас, баҳодир, мустақил халқ маъноси англашилган. Мажозий маънода сифат вазифасини ўтаб, кўркам, қомади келишган, соелом, жисмонан бақувват, чидамли, чиниққан, сабрли, бошга тушганни Тангрининг буйруғи деб билиб, шукр қиладиган одам тушунилган. Турк ўғлони дегани шундай маънавий ва жисмоний фазилатларга эга йигитдир. Шунингдек, гўзал маъносини ҳам билдирган. Маълумки, қадимда тилимизда “о” товуши бўлмаган, “к” ўрнида “г” ҳам ишлатилган. Шундан келиб чиқсак, “гўзал” сўзи қадимда “кўзал”, кейинчалик ҳозирги шаклини касб этган. “Турк” сўзи “гўзал” сўзи ўрнида ҳам ишлагилиб, кўрганнинг суқи, ҳис этганнинг иқи тушадиган даражадаги гўзалликка нисбатан ишлатилган ва шундай фазилат-

лар соҳибаси бўлмиш мафтун этувчи сулувни билдирган. Шоир Ҳофиз Шерозий турк иборасини икки хил маънода — ҳам туркий миллатга мансублик, ҳам мафтункорлик маъноларида қўллаган, буни бадиий адабиётда сўз ўйини — сўз санъатининг бир кўриниши дейилади.

Турк сўзи Қуёш, Туннинг акси бўлмиш Кун-ёруғлик, ёғду сочувчи манба — мабдаи нур маъносини ҳам билдирган. Туркнинг Қуёш маъносини англатиши аждодларимизнинг кўнгилда ёлғиз Аллоҳ таолога, уларнинг ўз иборалари билан айтсак, Тангрига яқинлашиб қолганликларига бориб тақалади.

Мажозий маънода Турки анжум, яъни Турк юлдузлари дейилганда Қуёш ва Қуёш тизимига кирувчи самовий жисм — сайёралар, Турки фалак дейилганда эса Миррих (Марс) сайёраси тушунилган. Буни қарантки, аждодларимиз ўша қадим замонлардаёқ фалакиёт — илми нужум билан ҳам шуғулланишган, ҳатто она еримизга энг яқин сайёра Миррих юлдузи эканлигини билишган. Ўша олис ўтмишда Турон худуди шу қадар бепоён бўлганки, манзилдан манзилга адашмай, омон-эсон етиб бориш учун юлдузларга қараб йўналиш-мазгил белгиланган, йўлчи юлдуз ибораси ҳам ўша даврдан қолган.

Турмушнинг ўзи самовий жисмларни кузатишга, ўрганишга, ўрниларини аниқлаб белгилашга, ҳар бирига ўз кўринишига қараб от қўйишни тақозо этган. Етти айиқ, Сомон йўли каби юзлаб иборалар ўша пайтларда пайдо бўлган. Мирзо Улуғбекнинг илми нужум — фалакиёт билан ҳам шуғулланиб, 1018 юлдузнинг ўрни ва ҳолатини, Ердан то уларгача бўлган масофаларни ўлчаб, юлдузлар жадвали — “Зижи жадиди кўрагоний” асарини ёзиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да ёзадиларки, Нуҳ пайгамбарнинг Хом, Сом ва Ёфас деган уч ўғли бор эди. Хом ҳинд халқларининг отаси бўлгани учун Абулҳинд, Сом форснинг отаси бўлгани учун Абулфорс, Ёфас турк халқларининг отаси бўлгани учун Абултурк деб ҳам атаганлар.

Ёфаснинг тўққиз ўғли (баъзи манбаларда саккизта дейилади) бўлиб, тўнғичининг оти Турк эди, Абултурк — Туркнинг отаси демакдир. Отанинг тўнғич ўғлидан нисба олиши ва унга нисба бериши, тўнғич ўғилнинг биринчи вори бўлиши, агар шаҳзода ёки хонзода бўлса, қонуний валимаҳд деб аталиши ана шу даврдан қолган қадимий одаддир.

Мирзо Улугбек, Абулғози Баҳодирхон асарларида, шунингдек, бошқа манбаларда ёзилишича, ҳақиқатан ҳам олис ўтмишда Турк исмли тарихий шахс яшаган, узоқ йиллар Турон мамлакатида хоқонлик қилган, измидаги халқ унинг номига нисбат берилиб, турк деб аталган. Форс ўлкасининг биринчи шоҳи Каюмарс унга ҳамаср бўлган.

## ЎЗБЕК

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиши, бу жараённинг бошланиш санаси хусусида ҳозиргача кўп фикрлар билдирилган. Бироқ булар турли-туман мулоҳазалар, баъзан эса бир-бирини инкор этувчи тахминлардан иборатдир. Бу борада ҳанузгача қониқарли жавоб айтилмаган. Биз ҳам шу хусусдаги мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз.

Сўзни ўзбек атамасининг келиб чиқиши тарихидан бошлаймиз. Зеро, ҳақиқатнинг негизини туб тарихдангина топиш мумкин. Тарих эса шахслар тарихи, сулолалар тарихи, давлатлар тарихи, шу давлатларнинг фуқаролари тарихи. Яъни халқ тарихи, ҳаттоки ўз фарзандларига от кўйишдек удумлари тарихигача бориб тақалади.

Қорахоний, Ғазнавий, Салжуқий ва Ануштакинлар каби аждодларимиз тарихда катта из қолдирган, улар ҳақида кейинги бобларда алоҳида сўз юритамиз.

XIII асрнинг бошларида, Чингизхон босқини арафасида Алоуддин Муҳаммад ҳукмронлик қилаётган Хоразм давлати ўша замонда Ер юзидаги энг улкан ва қудратли мамлакат бўлиб, Туркистоннинг катта ҳудуди унинг таркибида эди. Шимолий Ҳиндистон, ҳозирги Эроннинг шимолий қисми, Итил дарёсининг ўнг ва сўл соҳиллари ҳам Хоразм давлатига қарарди.

Чингизхон ва унинг ўғиллари 1211-1231 йиллар давомида жанг қилиб, Хоразм давлатини ва унга туташ ҳудудларни ҳам забт этди. Сўнги Хоразмшоҳ (1220-1231) Жаллоддин Мангуберди қанчалик матонат ва мардлик, ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб, ҳатто бу борада ғаними Чингизхоннинг ўзини ҳам тонг қолдирган бўлмасин, иқбол унга кулиб боқмади. Ун икки йиллик қаршилик кўрсатиш кутилган натижа бермади — ватанини босқинчилардан қутқара олмади. Аммо номи халқимиз дили ва тилида мангу қолди.

У 1231 йили ҳозирги Туркиянинг Арзирум шаҳри яқинидаги бир тоғлик қишлоқда душманга қарши олиб бо-



рилган жанглардан кейин ҳориб-чарчаб, тунда ухлаб ётганида ногоҳоний ўлим топади.

Хоразм давлати ҳалокатидан кейин Чингизхонга бас келадиган бошқа куч қолмаган эди ва у ўзини дунё ҳоқими деб эълон қилди. Забт этган мамлакатларини у тўрт ўғлига бўлиб берди. Шу тариқа босиб олинган бошқа ҳудудлар қаторида бутун Туркистон мамлакати ҳам тўртга бўлиниб, Чингизхоннинг тўрт ўғлига улус қилиб берилди. Марказий Туркистон (ҳозир Марказий Осиё дейилмоқда) ва Шарқий Туркистоннинг жанубий қисми Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойга тегди. Чиғатой улусининг биринчи маркази Ғулжа вилоятида эди. Ўзи кўчманчи ҳаёт кечирishга одатлангани ва мамлакатни идора этишга тажрибасиз бўлгани учун, улусни бошқаришни асли хоразмлик бой савдогар Маҳмуд Ялавочга топширди. Маҳмуд Ялавоч марказни Хўжанд шаҳрига кўчириб келди ва шу ердан туриб иш юритди. У 1238 йил Хонбалиққа (ҳозирги Пекин шаҳри) ҳоқим ва Хитойга ноиб қилиб юборилгач, ўрнига ўғли Масъудбек тайинланди. Масъудбек шу лавозимда 51 йил ишлади.

Чингизхоннинг учинчи ўғли Ўктойга Жўжи билан Чиғатой улуслари оралиғидаги шимолий ҳудудлар, яъни шарқий ва узоқ ўлкалар улус қилиб берилган эди. Бу улуснинг аҳолиси кам ва сийрак жойлашган бўлиб, асосан шамоний, мажусийлар, қисман бутпарастлар эди; бу улус бошқа улусларга қараганда кам ривожланган, ислом дини ҳали ёйилмаган эди. Ҳозир бу ерларда туркий қавмлардан ёқутлар, олтойлар, хакаслар яшайди. Келиб чиқиши мўғул қабиласига мансуб бурятлар ҳам бор. Русия истило қилгач, бу ерларга насроний дини кириб келди. Бурятлар эса будда таълимотини қабул қилди.

Чингизхон кенжа ўғли Тўлихонга Мўғулистон ва Шимолий Хитойни улус қилиб берган эди. 1248 йили Гуюкхон вафот этгач, тахт учун кураш бошланади ва Тўлихоннинг ўғли Мангухон Ботухон ёрдамида буюк хон қилиб сайланади ва отаси ўрнига ўтиради. Шу боис унинг укаси Ҳалакухон бу улусдан кетади ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларида тарихда “Элхонийлар давлати” деб аталган ҳалакуийлар салтанатини тузади. Бу давлатни бошқарган ҳукмдорлар элхон деб аталгани учун элхонийлар давлати ҳам дейилади. Унга ҳозирги Эрон, ҳозирги Афғонистон, Туркменистоннинг кўп қисми, Озарбайжон, Онадўлининг шарқий қисми киради. Арманистон, Гуржистон, Курдистон, Кўня султонлиги, Қибрис қироллиги унинг вассал-

лари эди. Элхонлар туркийлашган ва ислом динини қабул қилганликлари учун ўзларига Озарбайжоннинг Мароға шаҳрини, сўнг Табризни, кейинчалик эса Султония шаҳрини пойтахт қиладилар (Мирзо Улуғбек худди шу Султонияда туғилган). Элхонийлар туркий тилда сўзлашган, Олтин Ўрда, Чигатой улусларининг хонлари ва Миср султонлари билан муносабатлар ҳам шу тилда олиб борилган.

Чигатойнинг ўзи шамоний мазҳабида бўлса-да, унинг авлоди тез орада, Чингизхон вафотидан кейин ўттиз йил ўтар-ўтмас ислом динини қабул қилган эди. Масалан, 1266 йили Чигатой улуси тахтига чиққан Муборак, ундан кейинги хон Бароқ ва бошқалар мусулмон эдилар. Алоуддин Тармаширин (1326-1334 йилларда хонлик қилган) даврида марказ Қарши шаҳри эди. Чигатой улусида ўтроқ ҳолда маданий турмуш кечирувчи халқ туркийлар эди. Шу сабабли мумтоз адабиётимиз яратилган туркий тилимизни чигатой тили, мумтоз адабиётимизни эса чигатой адабиёти деб аталади. Бу ўринда улуснинг номи шу ерда яшовчи халққа, унинг тили ва адабиётига нисбат берилган кўрилади.

Чингизхон тўнғич ўгли Жўжига Иртиш дарёси ҳавзаси ва ундан наридаги ғарбий ўлкаларни улус қилиб берган эди. Жўжи вафот этгач, унинг ўгли Ботухон бобоси васиятига амал қилиб, улусини шимолда Владимир, Суздал, Москва, Новгород князликларигача, ғарбда Киев, Можористон, Руминия, Польшагача, жанубда эса Азов ва Қора денгиз бўйларигача кенгайтди. Шу тариқа Иртиш дарёсидан Ёйиқ, Итил, Тан, Днепр, Днестр дарёлари оша Дунай дарёсигача бўлган ҳудудда давлат тузади. Шарқий Чехия, Австрия, Руминия, Булгористон, Сербия, Хорватия, Босния ҳам маълум муддат шу давлатга тобе бўлган. Мазкур давлат тарихда Олтин Ўрда деб аталади. Бу ўринда Олтин сўзи марказий, асосий маъносини билдирса, Ўрда сўзи хон қароргоҳи маъносини англатади. Олтин Ўрда дегани марказий ҳокимият демакдир. Боту ҳозирги Астрахандан шимолроқда Итил дарёси бўйида ўзига пойтахт қурдиради ва мамлакатни шу ердан туриб бошқаради. Бошқа улуслардаги қариндошларининг ички ишларига ҳам аралашиб туради. У 1255 йили 47 ёшида вафот этади. Унинг пойтахти Сарой Боту номи билан тарихда қолган.

1257 йили Ботухоннинг укаси Беркахон Олтин Ўрда тахтига чиқади. Давлатнинг иқтисодий қудратини ошириш мақсадида босқоқлик деб аталган махсус ташкилот

тузади. Бу ташкилот мамлакат хазинасига тушувчи кириминни ва чиқимни ҳам назорат қилади, барча вилоятларда, жумладан, Новгород, Ростов, Суздал, Ярославлда ҳам илк бор аҳолини рўйхатдан ўтказди. Бу солиқ тўловчилар миқдорини аниқлаш учун зарур эди. Мамлакатда давлат интизоми қаттиқ ўрнатилиб, иқтисодий кудрати ошгач, Шимолий Кавказ, Озарбайжон ва Чигатой улусига тегишли бўлган Шимолий Хоразм ерларини Урганч шаҳри билан бирга Олтин Ўрда таркибига қўшиб олади. Беркахон бобоси Чингизхон, отаси Жўжихон ва акаси Ботухондан фарқли ўлароқ, ислом динини қабул қилган эди. Айни шу даврдан бошлаб, бутун Олтин Ўрдада ислом дини кенг ёйила бошлайди. Уша даврда Мисрда ҳам туркий сулола вакиллари султонлик қилишарди. Бағдод халифалиги тугатилгач, ислом дини бўйича пешволик ҳам шу султонлар қўлига ўтган эди. Беркахон Миср билан дипломатик муносабат ўрнатади, у ердан Олтин Ўрдага илм-хунар эгаларини, тарихчиларни таклиф этади. Маълумки, Хоразм Итил бўйидагига нисбатан кўп тараққий этган, маданий ҳудуд эди. Унинг Олтин Ўрда таркибига киритилиши ҳам мамлакатда илм-фан, хунармандчилик, савдо-сотик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Худди шу Беркахон замонидан бошлаб Итил бўйида ҳам туркий адабиёт равнақ эта бошлайди, бу адабиётнинг мумтоз вакиллари-дан бири ҳозирги кунда ҳам элимизда машҳур Сайфи Саройидир. У яшаб, ижод этган шаҳар — Беркахон қурдирган ва Олтин Урданинг иккинчи пойтахти бўлган Сарой Берка шаҳридир. Шу даврдан бошлаб Олтин Ўрда давлатида ислом дини асосий дин бўлиб, туркий тил давлат тили ва адабиёт тилига айланади.

Мана, мақсадга ҳам яқинлашиб қолай дедик. 1312-1342 йилларда ҳукмронлик қилган Ўзбекхон замонида Олтин Ўрда шу даражада равнақ топадики, қўшинлари сони 300 минг кишидан ошиб кетади. Ана шу навкарлар Ўзбекхонга нисбат бериб, унингдек бўлишга таҳассуб қилиб, ўзларини ўзбек деб атар эдилар. Ўзбекхон замонида қўлаб масжид, мадрасалар ва мактаблар қурилади, булардан айримлари ҳозиргача Қиримнинг Эски Қирим (Сўлгат, яъни Сўл қанот) шаҳрида сақланиб қолган, улар ҳамон “Ўзбекхон мадрасаси”, “Ўзбекхон жомеъ масжиди” деб тилга олинади. Ўзбекхон бошлаб берган бундай яхши ишларни Олтин Ўрдада 15 йил (1342-1357) хонлик қилган унинг вориси Жонибек Султон муваффақиятли давом эттиради.

Олтин Ўрда давлатини шу даврдан эътиборан Миср ва бошқа араб мамлакатлари, шунингдек, юнон ва форс тарихчилари ҳам “Мамлакати ўзбек”, “Ўзбекия” деб ўз асарларида ёритадилар. Мирзо Улуғбек эса “Тўрт улус тарихи” асарида Ўзбекхоннинг ҳокимият тепасига келишини “ўзбек улуси унга берилди”, деб ёзади. Унинг фикрича, Олтин Ўрда давлати Ўзбекхонгача ҳам “Ўзбек улуси” деб аталган. Ўзбек атамаси Олтин Ўрда давлатида яшаган, ислом динини қабул қилган Орлот, Баҳрин, Бургут, Дўрмон, Қтой, Қорлуқ, Мажор, Қипчоқ, Қиёт, Қўнғирот, Манғит, Найман, Нукуз, Танғут, Қушчи, Минг каби туркий қабилалар уюшмасини, яъни ўзбек халқи маъносини ва шу халққа тегишли мамлакатни билдирган. XIII асрнинг иккинчи ярми, XIV асрда яшаган Шарқ тарихчилари томонидан бу халқ умумий ном билан ўзбек деб аталган.

XIII ва XIV асрларда туркий тил учта қитъада — Осиё, Оврупо ва Африкада кенг ёйилган халқаро тил бўлиб қолган эди. Бу ҳол кейинги асрларда ҳам давом этди. Ҳатто рус подшоҳи Михаил ўзи Москвада зарб эттирган танганинг бир томонига “Михаил тверча ақчаси будир” деб ёздирган эди. Агар тангада бундай туркий ибора бўлмаса, у пул сифатида қадрланмасди ва савдо-сотиққа ярамасди.

Дарвоқе, — элхонлар саройида ҳам ўзбек ибораси ишлатилган, лекин бунда ўзбек сўзи элхоннинг энг яқин одами — оталиғи, маслаҳатчи маъносини англатган. Элхонлар ҳузурида саройда шундай лавозим жорий этилган.

Бизнингча, ўзбек атамаси худди турк сўзининг эквиваленти — маънодоши бўлиб, ўзига ишонувчи, мустақил фикрловчи ва иш тугувчи, ботир (Абдурауф Фитрат ҳам “Абулфайзхон” трагедиясида шу сўзни ишлатиб, “Ўзбек ўғлонлари ботир бўлурлар” дейди), мард, ёвқур, чекинмас сингари фазилатларни англатган. Шундай фазилатли кишиларга нисбатан ўзбек ибораси ишлатилган. Бора-бора ота-оналар орасида ўғлим шундай фазилатларга эга бўлиб, камол топсин деган ният билан фарзандларига Ўзбек деб исм қўйганлар. Ўзбекхонга Ўзбек деб исм қўйилибдими, демак, бундай одат то у туғилгунча ҳам расм бўлган. Халқимизда Ойбек, Отабек, Бобобек, Темурбек, Улуғбек ва шу каби исмларни қўйиш одати азалдан бор.

Шўролар даврида чиқарилган бадиий, илмий ва тарихий китоблар ва дарсликларда Чингизхон қўшини ва у билан эргашиб келган аҳоли мўғул қабиласидан эди, деб талқин этиларди. Тарихий китобларни кўздан кечириш

асносида шундай хулосага келдикки, бу фикр бирёқлама экан. Чингизхон қўшинининг ўндан тўққиз қисмидан ортиги ислом динига ўтмаган шамоний ва мажусий турк қабилаларининг вакиллари экан. Туронда, жумладан, Шарқий Туронда шундай бир одат бўлганки, қайси бир қабила қудратли бўлиб қолса, ўша қабила бошлиғи атрофига бошқа қабилаларни уюштириб, қабилалар тузилмасини тузган. Бу тузилма кучли қабиланинг номи билан аталган. Чингизхондан илгари ҳам бундай тузилмалар бўлган. Уғузхон атрофига уюшган қабилалар ялписига Уғузлар деб, Қипчоқхон атрофига уюшган қабилалар ялписига Қипчоқлар деб, Тотархон атрофига уюшган қабилалар ялписига Тотарлар деб аталган. Ваҳоланки, бу тузилмалар турли қабилаларнинг вакилларидан иборат эди. Рус манбаларида Ботухон қўшинларини, умуман ҳокимиятни қўлга олганларни мўғуллар деб эмас, балки тотор - мўғуллар деб аталишининг боиси ана шундандир. Бундаги тотор ибораси турк қабилаларини, мўғул ибораси мўғул қабилаларини ифодалайди. Чингиз қўшинини ҳам, Ботухон қўшинининг деярли ўндан тўққиз қисмини турк қабилаларига мансуб навкарлар ташкил қилгани учун турк тили етакчилик қиларди. Лекин ҳаммаларининг ҳам турмуши, маданий даражаси, диний қараши бир хилда бўлиб, урф-одатларида умумийлик бор эди. Улар кўчманчи чорвадорлардан тузилган, ўлжа олишга шайланган, ёлланма жанговар қўшин эди. Чингизхоннинг маҳорати ва ташкилотчилиги шунда эдики, ўз қабиласи атрофига қурол кучи билан ҳам, ўлжа беришни ваъда қилиб ҳам бошқа қабилаларни уюштира билди, мустаҳкам интизомли қабилалар иттифоқини тузиб, олис сафарларга йўллай олди.

Чингизхоннинг асл исми Темучин бўлиб, қабилалар бошлиқларининг қурултойида унга Чингизхон унвони берилди. Чингиз сўзи туркча бўлиб, луғавий маъноси Катта денгиз, Денгизларнинг денгизи — Океандир. Мумтоз адабиётимизда Чингиз сўзи арабий ибора билан Баҳри Кабир дейилган. Масалан, Тинч Океан — Баҳри Муҳитдир. Чингиз сўзи асли Денгиз сўзидан келиб чиққан. Тилимизнинг сўз бошида ундош товушларнинг ўзгариши мумкинлиги қоидасига кўра Денгиз ўрнида Тенгиз шакли ҳам ишлатилган. Чингиз сўзининг мажозий маъноси Улуғ, Буюк, Қудратлидир. Чингизхон номи эса шундай хислатларга эга Улуғ Хон демақдир. Темучинга бундай туркча ном берилиши ҳам ўша хон сайлови ва қурултойида қатнашган қабила бошлиқларининг кўпчилиги турклар эканини кўрсатади.

Ёки мана бу мисолни олиб кўрайлик.

Ботухоннинг асл исми Саиндир. Саин асли туркий сўз бўлиб, ҳозирги ибора билан айтсак, жаноб, жаноби олийлари маъносини билдиради. Қардош турк халқларида Саин, Саинбек исмлари кўпдан бери мавжуд. Туркия 1920 йили республика деб эълон қилингандан сўнг илгариги “жаноб” маъносини ифода этувчи “эфендим” ибораси ўрнида “саин” сўзи ҳам ишлатилмоқда. (Агар турк телевидениеси кўрсатувларига диққат қилсангиз, “саин жумхурбошқони” — “хурматли президент” деган сўзларни бот-бот эшитасиз.) Сўнгги йилларда қозоқ қардошларимиз ҳам “жолдас” ўрнида “саин” сўзини қўллай бошладилар.

Хон сайлови қурултойида Саинга Ботухон унвони берилган, бу ҳам туркча ибора бўлиб, Ботирхон маъносини билдиради, ўша давр талаффузи билан Ботуйхон дейилган, русча Батый деб аталиши ҳам шундандир.

Ўзбекхоннинг асли исми Султон Муҳаммад эди, хон сайлови қурултойида унга Ўзбекхон унвони берилади, яъни ўзбекларнинг хони деб эътироф ва эълон қилинади. Бу далил то Султон Муҳаммад хонлик тахтига чиққунча уни сайлаганлар ўзларини ўзбеклар деб ҳисоблаганликларини билдириб турибди.

Шу муносабат билан, эътиборингизни бир нарсага жалб этмоқчимиз. Чингизхоннинг ўзидан бошлаб ўғиллари, неваралари ва атоқли лашкарбошилари аксариятининг исми туркча бўлган. Бу ҳам у тузган қўшилмада турк қатлами кўпчиликни ташкил этганини кўрсатади. Орадан 40 йил ўтар-ўтмас невараларининг исломга кира бошлаши, қўшинларида ҳам шу ҳолатнинг вужудга келиши мазкур фикрни тасдиқлашга қўшимча далилдир. Дастлаб туркча отлар кўпчиликни ташкил қилган бўлса, улар мусулмон бўлгач, энди арабча исмларни қўйиш, илгариги исмларини арабча отлар билан алмаштириш ёки арабча тахаллус ва нисбалар олиш келиб чиқди. Бу ҳолни Чигатой улусида ҳам, Олтин Ўрдада ҳам, Элхонийлар сулолаларида ҳам, улар ҳукмронлик қилган салтанатларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Чигатой хонларидан Муборақ, Алоуддин, Муҳаммадларнинг номларини эслаб ўтиш кифоя. Шуниси қизиқарлики, Чигатой улуси хонларидан беш нафарининг исми-шарифида Темур нисбаси бўлган: Туға Темур, Дува Темур, Есун Темур, Шоҳ Темур ва Тўқлуқ Темур. Хулақуийлар хонлари орасида Аҳмадхон, Абусаидхон, Мусахонларни учратиш мумкин. Олтин Ўрдада эса Ботухон замонидан бошлаб исмлар асосан туркча бўлган. Мўғулча

исмлар деярли учрамайди. Ислом дини кенг ёйилиши билан арабча исм қўйиш ҳам кўпаяди, лекин жойларга, янги шаҳар ва қишлоқларга асосан туркча номлар берилган. Булардан айримлари ўтмишдан бир ёдгорлик сифатида сақланиб келмоқда, кўпчилиги эса Россия босқинидан кейин славянча номлар билан алмаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Чингизхон қўшини ҳам, у билан эргашиб келган аҳолининг кўпчилиги ҳам турк қабила-ларининг вакиллари эди. Шу боис улар тезда Туронза-миннинг туб халқи бўлмиш туркларга сингиб кетишган. Қолаверса, ўша замондаги мўғул саҳросидаги турмушдан, улар забт этган ўлкалардаги ҳаёт маданий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан анча юксак эди. Одатда илғор турмуш тарзи қолақ турмуш тарзини ўзига бўйсундиради. Чингизийлар билан ҳам худди шу ҳол юз берди.

Шўролар даврида барлос, жалойир ва бошқа қабила-лар мўғул бўлиб, Туркистонга келгач аста-секин туркий-лашиб кетган, деб келинди ва ҳозир ҳам шу фикрни илгари сурувчи тарихчилар йўқ эмас. Бизнингча, бу фикр ҳақиқатдан йироқ, нотўғри тушунчадир. Бундай гаразли фикр ўртага ташланиши бежиз бўлмаган. Сабаби шуки, Туркистонга, барча турк халқларига Хусрав Деҳлавийдек, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобурдек ва шулар каби юзлаб буюк сиймоларни берган, барлос деб аталган аждодларимизни биздан, биз ворис авлодларни улардан ажратиб қўймоқчи эдилар. Ахир, барлосларни туркий эмас дейиш, темурийларни ҳам туркий эмас дейиш билан баробардир. Ғоявий ғанимларимизга ана шу нарса керак эди. Бундай зарарли талқиннинг туб моҳиятига ета олмаган, балки била туриб, замонасозлик қилган айрим тарихчиларимиз, жумладан, тарих фанлари доктори Г.Ҳидоятлов, ўз китобларида, мақолаларида, матбуотдаги чиқишларида, айниқса, рус тилида нашр қилинадиган газета ва журналларда “Барлослар туркий эмас, Темурнинг ўзбек халқига алоқаси йўқ, у Олтой тоғининг нариги томонига тааллуқлидир” деган фикрни баён этди. Бундай асоссиз мулоҳазалар яқин-яқингача, истиқлол арафасигача давом этиб келди. Яхшиямки, миллий мустақиллик тарихий ҳақиқатни ошқора этишга имкон берди, бўлмаса бундай тарихчилар халқимизни ўз тарихидан айиришда, тарих фанини сохталаштириб, уни фанлик вази-фасидан жудо қилиб, сиёсий лўғтибозлик воситасига айлантиришда давом этган бўлардилар.

Ҳақиқатда эса барлос ва жалойирлар турк қабила-ларидан эди. Улар то Мовароуннаҳрга келгунча бошқа қаби-

лалар қаторида шамоний мазҳабида эдилар. Бундан ташқари, улар орасида ислом таълимотига амал қилувчилар ҳам бўлганлигига лойиқ далиллар ҳам бор. Турк ибн Ёфас алайҳиссалом замонларидаёқ илк бор Турон элида мусулмончилик ёйилганини бир эслайлик. Барлослар ўшаларнинг авлодларидандир. Шуни алоҳида таъкидлаймизки, ислом динига ўтиш бошқа, туркийлашиш бошқа. Бу икки тушунчани бир-биридан фарқлаш жуда зарур ва аҳамиятлидир. Ислом таълимотини қабул қилиш — бу киши маънавий қиёфасининг бойишидир. Туркийлашиш (шунингдек руслашиш, хитойлашиш, эронийлашиш) эса киши миллий қиёфасининг ўзгариши, бошқа миллат ёки халқ таркибига сингиб, ўша миллат ва халқнинг миллий қиёфасини олиши демакдир.

Одам бирор динни қабул қилса, ўша дин таълимотига эътиқод қилади, лекин ўз миллати ёки халқининг вакили бўлиб, миллий қиёфасини сақлаб қолаверади. Агар у бошқа миллий шароитда — ўзга миллат ва халқлар орасида узоқ йиллар янаса, уларнинг турмуш тарзига кўникиб ва одатланиб, сингишиб кетса, унинг миллий қиёфаси ўзгаради, ўша миллат ёки халқнинг фарзандига айланади. Дунёда бирор миллат ва халқ йўқки, шундай жараёнлар орқали ҳам нуфузи ошиб бормаган бўлсин. Ўтмишда бундай жараёнлар ўзбек халқи ҳаёти учун ҳам бетона бўлмаган. Масалан, амир Қўтайба билан келган араблар Туркистон тупроғида туркийлашиб кетишган. Шундай ҳол Чингизхон босқинидан кейин ҳам юз берган. У билан келган мўғуллар туркийлашган, мусулмончиликни қабул қилиб, халқимиз бағрига сингиб кетган. Албатта, бу бошқа масала. Чингизхон билан келган туркий қабилалар, жумладан, барлослар учун туркийлашишнинг ҳожати йўқ эди, чунки уларнинг ўзи турк эди. Улар Мовароуннаҳрда исломни қабул қилдилар, ҳолос. Бу тамом бошқа масала. Демак, барлослар, жалойирлар кейинчалик туркийлашдилар, дейиш ўрнига, “барлослар, жалойирлар ислом динини қабул қилдилар”, дейиш ҳақиқатта тўғри келади. Фикримиз исботи учун яна далиллар келтирамиз. Агар барлослар мўғул бўлишса, шу қабиллага мансуб Амир Темур ўз халқига қарши қилич кўтариб чиққан бўлармиди? Ёки бўлмаса, у туркийлашган ва мусулмон динига ўтган чингизий хонлардан бирининг қизига уйланиб, “кўрагон” унвонини олишига ҳожат бўлармиди?! Ёки тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзони, севиқли набираси Улуғбекни Туронда мусулмон бўлган мўғул хонларнинг қизларига уйлантириб, уларнинг



ҳам “кўрагон” бўлишларига саъй-ҳаракат қилармиди?! Хуллас, туркийлашиш бошқа, мусулмонлашиш бошқа. Барлослар мусулмонликни қабул қилган аслан турклардир.

Барлослар ва келиб чиқиши шу қабилага мансуб Амир Темурнинг кимлиги масаласига доир турли фикрлар мавжуд. “Зафар йўли” деб аталган китобда улуғ бобомиз ўз таржимаи ҳоли хусусида, жумладан, бундай ҳикоя қилдилар:

*“Бир кунни отам Амир Тарағай менга деди: мен айтадиган мана бу ўғитларни ёдингда тут. Билгилки, сен Темур-Тарағайнинг ўғли; Тарағай — Амир Барғулнинг ўғли; Барғул Амир Илинғизнинг ўғли; Илинғиз — Баҳодирнинг ўғли; Баҳодир — Анкал Нўйоннинг ўғли; Анкал Нўйон — Суюнчининг ўғли; Суюнчи — Эрдамчи Барлоснинг ўғли; Эрдамчи Баҳодир — Қочули Баҳодирнинг ўғли; Қочули Баҳодир-Туманакхоннинг ўғли; Туманакхон эса Ёфас ўғлоннинг авлоди эди. Ёфас эса — Нух пайғамбарнинг ўғли. Бизнинг аجدодларимиздан Қорачар Нўйон Аллоҳга тоат-ибодат қилди. У дунё ва охи-рат тўғрисида фикр юритганидан кейин ислом ҳақиқига ишонди ва қариндошлари билан уни таниди. У Аллоҳни, расулуллоҳни ва чорёр халифаларни тан олди.*

*Иккинчидан, Темур, сенга васиятим шуки, ота-боболарингдек шарият бўйича иш тут, расулуллоҳнинг авлодларини ҳурмат-эҳтиром қил, сенга тобе халққа раҳмдил ва меҳрибон бўл.*

*Учинчидан, ёдингда бўлсинки, барчамиз ҳам Аллоҳнинг бандаларимиз. Унинг амри билан бу Кўк остида юрибмиз. Шунинг учун Аллоҳнинг сенга юборган неъматларига шукрона айт. Унинг марҳаматига шукур қилиб, номини доимо тилга олиб такрорла, унинг ягоналигига эътиқод қил, амрига итоат эт ва мамнуъ нарсаларга қўл ура кўрма.*

*Тўртинчидан, қариндош-уруғчиликни узма, бировга ёмонлик қилма, ҳар бир махлуққа раҳмдил бўл, деган эди”.*

*Отамнинг бу доно насиҳатларини яхшилаб тинглаб олдим ва умр бўйи уларга амал қилишга қарор қилдим”.*

Юқоридаги сўзларни кенг шарҳлаб ўтиришга ортиқча ҳожат йўқ — ҳаммаси аниқ-равшандир. Фақат Амир Темурнинг отаси, бобоси ва катта бобоси амирлар бўлганини, Ёфас ўғлон эса барча турк халқларининг биринчи отаси Турк эканини, Амир Темурхоннинг аждодлари Туманакхонга бориб туташишини ва барлослар аслан туркийлар эканини эслатиб ўтамиз. Фикримизни янада асослаш учун Абулғозийнинг “Шажараи турк” асаридан ушбу жумла-ларни келтирамиз:

*“Туманохон яхши улуг подшоҳ эди. Эл анинг замонида давлатли ва тинч бўлдилар. Тўққиз ўғли бор эди. Учинчи ўғлининг оти Қочули, анинг ўғлининг оти Эрдамчи Барлос. Барча Барлос эли шунинг насли турурлар. Темур ушбу уруқдан эрди. Барлоснинг маъноси сипоҳсолор темак бўлур (сипоҳсолор — лашкарбоши). Туркийси -черик бошлаб юратиркан киши”.*

Барлосларнинг бир қисми Темур замонида ҳам, ундан илгари ҳам Туроннинг жанубий ўлкаларида, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида, Ҳисор, Вахш, Ҳирот, Кобул, Кашмир, Тибет водийларида яшаганлар. Чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Айниқса, моҳир жангчилар бўлишган. Бу ҳақда Беруний ҳам “Осорул ал-боқия” асарида айтиб ўтган. Барлослар Турон, Туркистон, шунингдек, Ўзбекистонга шон-шараф келтирган аждодларимиздирлар. Бобур Мирзони ва бобурийларни ҳам назарда тутсак, улар Ҳиндистонни ҳам юксалтирганлар.

Барлослар ўзбек халқи ва миллатининг шаклланишида фаол қатнашганлар. Ҳозирги кунда ҳам ўзини ўша барлосларнинг авлодлари деб билувчи кишилар номлари юқорида зикр этилган воҳаларда, шаҳар ва қишлоқларда кўплаб учрайди. Бу ҳақда ҳатто ҳиндистонлик, покистонлик, афғонистонлик олим ва адиблар тарихий, адабий асарлар ёзиб қолдиришган.

Кўряпмизки, гап ўз-ўзидан ўзбек халқи таркибига сингиб кетган туркий қабилаларга келиб тақалди. Уруғ-қабилачилик жараёнини босиб ўтишлик ҳар бир халқ қисматида бўлган. Дунёда ҳозир мавжуд қайси бир халқнинг тарихига назар солмайлик, албатта уруғ-қабилачилик босқичини босиб ўтиб, халқ сифатида шакллана борганини кўрамиз. Бунда ҳам ўзига хос жиҳатлар бўлади: бир неча ирқ ва динга мансуб қабилалардан шаклланган халқлар; бир неча халқлардан қайта шаклланган халқлар; бир ирққа мансуб қабилалардан шаклланган халқлар.

Ҳозирги Русия халқи икки босқичда шаклланган. Биринчи босқич XVI асрнинг ўрталаригача, илк рус подшолиги вужудга келгунча давом этиб, унда славян гуруҳига мансуб қабилалар иштирок этган. Иккинчи босқич XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, то қизил империя таназулга учрагунча давом этди. Бу босқичда Русияга тобе этилган ўлкаларда яшовчи тубжой эл ва элатлар — турк ва угро-фин қавмларига мансуб миллион-миллион кишилар зўравонлик йўли билан ассимиляция қилиниб, руслаштирилиб, рус халқи сирасига қўшиб юборилди.

Ҳозирги Америка халқи турли халқларнинг қўшиливи-дан қайта шаклланган халққа ёрқин мисол бўла олади. XVI асрнинг аввалидан бошлаб янги дунё — Америка қитъасига кўчиб бора бошлаган кишилар ўз ватанлари бўлмиш эски дунё — Оврупода инглиз, испан, португал, италян, олмон каби халқларнинг вакиллари сифатида шаклланиб бўлган эдилар. Улар Америка қитъасида қайта шаклланиб, янги халқ қиёфасига кирдилар. Шимолий Америкада американ, мексикан, канада халқлари, Жанубий Америкада бразил, аргентин, перу, чили ва бошқа халқлар вужудга келди. Бу жараёнга кейинги икки аср давомида Африка қитъасидан сотиб олиб борилган 20 миллиондан ортиқ негрлар ҳам иштирок этган. Эскимос, ҳинду каби кам сонли ерли аҳолининг қатнашуви деярли сезилмайди.

Араб халқи асосан бир қавмга мансуб араб қабилаларидан шаклланган. Шу билан бирга, араб халқларининг шаклланишида бошқа қабилалар ҳам иштирок этиши ҳоллари учрайди. Шимолий Африкада — Мисрда кибтийлар, Ливия, Тунис, Марокаш, Жазоирда маврлар, Судан ва Сомалида занжийлар араб халқининг шаклланишида қатнашганлар. Бу қитъанинг шимоли-ғарбида фақат бир халқ ўзини эндиликда араб ҳисобласа-да, илгариги номини сақлаб қолган. Бу Мавритания халқидир.

Ҳозирги кунда жаҳон бўйича энг илғор халқлардан ҳисобланувчи инглиз, олмон, фаранг, италян ва бошқалар бир ирқий гуруҳга мансуб инглиз, сакс, норман, шотланд, ирланд қабилаларидан шаклланганлар.

Ўзбек халқи ҳам худди шундай бир ирқий гуруҳ — туркий қавмга мансуб қабилалардан шаклланган. Хўш, ўзбек халқи таркибига қайси қабилалар сингиган? Шуниси диққатга сазоворки, қадим замонлардан бошлаб, Турон заминда, жумладан Кушонлар салтанати ёки бўлма-са Маҳмуд Ғазнавий давлатида ўтроқ ҳолда яшаган аждодларимиз ўзларини турк деб билишган ва турк деб аташган. Демак, уруғлар ва қабилаларга бўлинишлар ўтроқ аҳолига эмас, кўчманчи, ярим кўчманчи, энди ўтроқлаша бошлаган аҳолига хос удум экан. Аҳолининг тўла ўтроқлашуви билан уруғлар ва қабилаларга бўлинишга ҳожат қолмайди.

Ўзбек халқи икки этник қатламдан ташкил топган. Биринчи қатлам жуда қадимдан Турон заминининг деҳқончилик қилинадиган ҳудудларида яшаб келаётган аждодларимиздир.

Иккинчи қатлам эса, Турк бобо замонида ўзини бир ном билан — турк деб атаганини юқорида айтиб ўтган эдик. Турк вафот этгач, Турон мамлакати унинг ўғиллари ва авлодлари ўртасида тақсимланди. Ва шунинг натижасида ягона турк халқи қабилаларга бўлиниб кетди. Ҳар бир қабила ўз етакчисининг номи билан аталди. Кейин туркнинг авлодларидан Ўғузхон замонасида турк қабилалари бирлашиб, яна турк халқини ташкил этдилар ва машҳури олам бўлдилар. Ўғузхондан кейин Турон унинг ўғиллари ўртасида тақсимланди ва ягона турк халқи қабила-қабила бўлиб яшади. Шу тариқа аждодларимиз бирлашганда турк халқи бўлиб, ажралганда қабила-қабила бўлиб яшашда давом этдилар.

Орадан асрлар ўтди. Кўпроқ Афросиёб номи билан танилган бобомиз Алп Эр Тўнга замонасигача шу ҳол давом этди. Алп Эр Тўнга худди аждодлари Турк ва Ўғузхонлардек бирлаштирувчи салоҳиятга эга бўлиб, Турон тахтига ўтирди. Турон яна бирлашди ва унинг халқи ўзини яна умумий ном билан турк деб атай бошлади. Алп Эр Тўнга ўзига пойтахт қилиб Самарқанд шаҳрини танлаганини ва шу ердан туриб бутун Туронни бошқарганини ҳисобга олсак, ўзбекларнинг ҳозирги Ўзбекистон худудида ўзбек халқи бўлиб шаклланиши Алп Эр Тўнга замонида юз берган дейишга ҳақимиз. Савол туғилиши мумкин: ҳўш, нима учун ўша аждодларимиз ўзларини ўзбек деб атамаган? Бу саволга жавобимиз шу: одам олдин туғилади, маълум муддат ўтгач, унга от қўйилади. Шунга ўхшаш ўзбек халқи ҳам аввал шаклланган, кейин унга ном берилган. Аждодларимизда чақалоқ туғилгач дарҳол исм қўйилмаган, маълум муддат ўтгач от қўйиш удуми бўлган. Қолаверса, гап номда эмас, балки халқ халқ бўлиб шаклланишидадир.

Алп Эр Тўнга замонида Турон халқи шундай метиндек халқ бўлганки, ғанимлари унинг қудрати олдида ожиз қолган ва очик жангда ғалаба қила олмасликларини яхши ҳис этиб, ҳийла-найранг йўлига ўтганлар. Мидия шоҳи Кайхусрав Турон хоқони Алп Эр Тўнгага “садоқат”ини кўрсатиш ниқоби остида уни зиёфатга чорлайди ва зиёфат чоғи унга заҳар бериб ҳалок этади. Унинг ухлаб ётган лашкарбошилларини ўлдиртиради. Соддадиллик, самимият ва ишонувчанлик турк элига туғма одат эди. Ухлаб ётган кишига қилич уриш номардлик ҳисобланарди.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида шундай бир лавҳа бор: Шоҳ Хусрав Фарҳодни жангда енга олмагач, ҳийла йўлига ўтади, Ёсуман орқали унга беҳуш қилувчи заҳар пуркалган гулни ҳидлатиб, асир этади.

Алп Эр Тўнга ҳалок бўлиши санаси тарихий китобларда аниқ баён этилган. Бу машғум воқеа милоддан аввалги 626 йилнинг кузида юз беради. Шу йилнинг кузида Алп Эр Тўнга вафотига 2622 йил тўлади. Шу йўқотишдан кейин Турон қудрати заифлашади. Турк халқи яна бўлиниб, қабилаларга ажралиб кетади. Шу қабилалардан бир нечаси Онадўли — ҳозирги Туркия ҳудудига бориб жойлашдилар. Бироқ Алп Эр Тўнга номи Турон ва турк халқи ёдида абадий сақланиб қолади. Маҳмуд Қошғарий “Девон ул-луғатут турк” асарини ёзиш учун манбалар тўплаш мақсадида Турон бўйлаб қилган саёҳатлари давомида Алп Эр Тўнга ҳақида халқ яратган мадҳия ва марсияларни кўплаб эшитади. Шулардан айримларини халқ оғзидан ёзиб олиб, ўз китобига киритади. Абдурауф Фитрат шу асардаги ўша марсияларни “Энг эски турк адабиёти намуналари” китобига киритади ва 1927 йили нашр эттиради. Мана ўша марсиялардан намуна:

Алп Эр Тўнга ўлдими,  
Ёмон дунё қолдими.  
Замона ўчин олдими,  
Энди юрак йиртилур.

Алп Эр Тўнга замонида ҳозирги Самарқанд шаҳри Семизкент деб аталган. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарий, академик Иброҳим Мўминов ва бошқа олимлар маълумот ёзиб қолдиришган. Семизкентнинг луғавий маъноси бой-бадавлат, тўкин-сочин, фаровон, маъмур ва буюк шаҳар демақдир. Амир Темур бобомизнинг Самарқанд шаҳрини ўз салтанати пойтахти қилиб танлаши ҳам бежиз эмас, бу ўша буюкликка бориб тақалади ва соҳибқироннинг бутун Турон элини бирлаштириш ниятини ифодалайди.

Орадан яна асрлар ўтди, қанчадан-қанча катта-кичик хоқонлар ва хонлар келиб кетдилар. Турон гоҳ бирлашиб, қудрат касб этди, халқи ўзини бир ном билан атади, гоҳ бўлақларга бўлиниб заифлашди, ҳар бир қабила ўз бошлиғининг номи билан аталди.

Қорахонийлар, газнавийлар, салжуқийлар ва ануштакинлар даврларида Туроннинг буюклигини бутун дунё эътироф этган, у билан ҳисоблашган эди.

Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлигининг охириги йилларида яна қабилачилик иллати пайдо бўлди — ягона халқлик туйғуси заифлашиб, қипчоқлик, ўғузлик, найманлик, қорлиқлик ва шу каби қабилачилик маҳдудлиги жамиятни заҳарлади, амал талашишлар оқибати-

да қўшинда парокандалик бошланди. Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ қўшини гарчи сон жиҳатидан кўп бўлишига қарамай, қўшинга ягона шахс лашкарбошлик қилмагани учун Чингизхон қўшинидан енгилди, натижада Турон тўрт улуста бўлиниб кетди.

1312 йили Муҳаммад Султоннинг хон қилиб сайланиши, унга Ўзбекхон — ўзбекларнинг хони деган унвоннинг берилиши билан туркий қабилаларнинг халқ бўлиб бирилашув жараёни яна бошланди ва асосан ниҳоясига етди. Туркий халқ Олтин Ўрда давлатининг асосий халқи бўлиб қолди.

Бу халқнинг номи ўзбек эди. Ўзбеклар Олтин Ўрда давлатида қарийб 250 йил яшадилар ва ҳукмронлик қилдилар.

Бу кўҳна дунё, бу қадим тарих не-не салтанатларни кўрмади, дейсиз, бирининг ўрнига иккинчиси келиши қисматдир. “Мамлакати Ўзбекия” манглайига ҳам шундай қисмат ёзилган экан. Ички низолар — тахт учун бўлган курашлар халқ бирлигига, мамлакатнинг бус-бутунлигига путур етказди. Натижада XVI асрнинг бошларига келиб, Олтин Ўрда бир неча хонликларга бўлиниб кетган эди. Мамлакатнинг бўлиниши туфайли шимолдан рус босқинининг бошланиши, унга қарши тура оладиган ҳарбий кучнинг йўқлиги, асосийси, шижоатли йўлбошчининг бўлмагани сабабли, халқ пароканда бўлиб, турли ёқларга тарқалиб кета бошлади. Уларнинг кўпчилиги Мовароуннаҳрга йўл олди.

Туркистонда ҳам худди шундай халқ Алп Эр Тўнга замонларидан буён яшаб келаётган, унга 539 йилдан бошлаб туркий ном — Туркистон номи берилган эди. Шу туркий халқ 1370 йилдан бошлаб, соҳибқирон Амир Темур етакчилигида яна буй кўрсатди — тарих саҳнасига чиқди ва қарийб 130 йил жаҳон миқёсида эътиборда турди.

Темур ва темурийлар даври халқимиз ҳаёти ва тарихида энг ёрқин ва оламшумул воқеаларга бой саҳифалардир. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам бундай шавкатли, шон-шукўҳли ва куч-қудратли давримиз бўлмаган. Темур ва темурийлар даври халқимиз шухратининг чўққиси бўлиб қолмоқда.

Алқисса, XIV асрнинг охири — XV асрнинг бошида Олтин Ўрда — Мамлакати Ўзбекияда шаклланган ўзбек халқининг шимолий қатлами Туркистонда, унинг марказий ҳудуди бўлмиш Мовароуннаҳр ва жанубий ҳудуди Хуросонда Турк ота, Ўғузхон, Алп Эр Тўнга замонлари-

дан бери яшаб келаётган туркий қатламга келиб қўшилган эди. Дарҳақиқат, шимолий Туркистондан кўчиб келган аҳоли ҳам, навкарлар ҳам бу ерда яшовчи халқ билан қон-қардош, диндош, мазҳабдош, тилдош эдилар. Жонли сўзлашув тилида, талаффузда бир озгина фарқ бўлса-да, адабий тил битта — умумий эди. Туркий шоирлар Оғойи, Лутфий ва бошқаларнинг тили Аҳмад Яссавий тилига нақадар рост келса, Сайфи Саройи, Шайбоний, Убайдий каби ўзбек шоирлари деб аталган ижодкорларнинг адабий тили — шеърят тили ҳам Аҳмад Яссавий ҳикматларига шу қадар яқин келади. Бундай адабий тил бирлигини мазкур шоирларнинг асарларини чоғиштириб ўқиб чиқиб, осонгина аниқлаш мумкин. Қолаверса, бу даврда Алишер Навоийнинг ўлмас ва қуёш нурлари янглиғ ҳаётбахш асарлари Ҳиротдан Сарой Берка, Сарой Боту оша Қозонгача, Шарқий Туркистондаги Хито шаҳридан Рум элидаги Истанбулгача етиб бориб, бутун Турон заминни яққалам қилиб бўлган эди. Навоий ҳазратларининг иборалари билан айтганда, “Черик тортмай, ҳол айлаган” эдилар.

Шу ўринда “кўчманчи ўзбеклар давлати”, “кўчманчи ўзбеклар” ибораларига ҳам аниқлик киритиб кетиш жоиз кўрилади. Кўчманчи ўзбеклар давлати атамасига юзаки қараб, у кўчиб юрадиган кишиларнинг беқарор тузилмаси, деб тушунмаслик керак. Аслида беқарор тузилмани давлат деб бўлмайди. Абулхайрхон тузган давлат марказлашган, барқарор давлат бўлган эди. Унинг ўзи ҳам, унга қўшни бўлган давлатлар ҳам бу давлатга нисбатан кўчманчи иборасини қўлламаганлар. Буни кейинчалик тарихчилар ишлатишган. Чин маънодаги кўчманчиларда муқим пойтахт ҳам, зарбхона — танга зарб этувчи корхона ҳам бўлмайди. Ўзбек-туркий тилда зарбхона чақар дейилади, шундай ишхона жойлашган маҳалла Чақар, деб аталган. Масалан, Тошкентда шундай икки маҳалла бор эди, бири Бешёғоч чақари, иккинчиси Чигатой чақари дейиларди. Бу атама олтин, қумуш ва жезга чакич уриш — муҳр босишдан келиб чиққан.

Тарихда икки хил кўчманчилик бўлган: бири мавсумий кўчманчилик, иккинчиси доимий кўчманчилик. Муттасил кўчиб юрувчи аҳолининг турмуш тарзига доимий кўчманчилик дейилади. Бундай ҳаёт тарзи ҳозир ҳам айрим пушгун, яриб қабилаларида сақланиб келмоқда. Дунёдаги кўп халқлар турмуши шундай йўлни босиб ўтганлар. Турк эли ҳам бундай холи бўлмаган, баъзи қабилалар илгарироқ, баъзилари кейинроқ ўтроқ ҳаётга ўтган.

Ўзбеклар туркий халқлар ўртасида биринчилардан бўлиб, бизнингча, биринчи бўлиб, ўтроқ ҳаётга кўча бошлаган ва тамом ўтроқлашган. Халқимизнинг ерга қаттиқ боғланганлиги, иморат солмасдан туropolмаслиги, бўйрадек ерга ҳам экин-тикин қилиб, боғ-роғ яратишга ўчлиги шундан далолатдир. Бу фазилат ҳоқиму фуқарога, олиму омига, бою камбағалга, ёшу қари — барчага баробардир. Форобийдек қомусчи алломанинг олис Дамашқда ҳам кексайиб қолганига қарамай сўлим боғ яратганини ёки Бобур ва авлодларининг Ҳиндистондаги буюк боғдорчилик ишларини бир эсланг!

Ўзбеклар турмушига нисбатан мавсумий “кўчманчилик” иборасинигина қўллаш мумкин, холос. Турмушимизда, айтайлик мовароуннаҳрлик ўзбекларда, айниқса шаҳарлар ва катта қишлоқларда, шу жумладан тошкентликлар турмушида бундай мавсумий “кўчманчилик” шўролар замонида хусусий мулк бекор қилиниб, қишлоқда “ислоҳот” ўтказилиб, катта-кичик мулк эгалари бадном этилганига қадар, ҳатто қирқинчи йилларгача давом этган.

Икки оғиз сўз ўзбек халқининг асосий таркибини ташкил этган туркий қабилалар хусусида.

Улар асосан қуйидагилардан иборат: қорлуқ, ўғуз, найман, қиёт, қўнғирот, кенагас, барлос, дўрмон, буркут, курлаут, манғит, дўлдой, чимбой, чигатой, тубой, қтой, тоймас, эчки, шунқорли, шодбоқли, жалойир, қирқ, юз, минг, лақай, қотоғон, можор, турк, сарой, элбек, қурама, қангли, уз, нукуз, тангут, уйғур, арғин, аймақ, уйшун, гончи, қушчи, ийжон ва бошқалар. Бу қабилаларнинг отлари кўпгина тарихий ва бадиий асарларда, бутун Турон ва Туркистонда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам жой номлари тарзида ҳамон сақланиб келмоқда.

Мирзо Улуғбекнинг садоқатли шоғирди ва сафдоши, машҳур олим Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий қушчи қабиласидан бўлиб, Али Қушчи оти билан жаҳонга машҳур бўлган, 1403 йилда туғилиб, 1479 йилда Истанбулда вафот этган, у ерда бош мударрислик қилган. Унинг отаси Муҳаммад Қушчи Самарқандий Амир Темур қароргоҳи, яъни Кўксаройнинг бошлиғи бўлган.

Хусайн Бойқаронинг забардаст ва чаққон амирларидан бири, Алишер Навоийга хайрихоҳ Зуннунбек арғун шундай эпчил ва довюрак бўлганки, кетма-кетига саккиз отнинг устидан сакраб ўта олган. У келиб чиқишидан арғун қабиласига мансуб бўлгани учун исмига арғун сўзи қўшиб



айтилган. Хусайн Бойқаро амирлари орасида Иброҳим Дўлдой ва Иброҳим Чигатой деган беклар бўлган, улар дўлдой ва чигатой қабилаларидандир.

Тошкентдан Чирчиққа йўл олган йўловчи Дўрмон, Аргун, Қипчоқ қишлоқлари ёқалаб ўтади. Ҳозирги Чилонзор мавзеи ҳудудида илгари Нўғойқўрғон, Қангли қишлоқлари бўларди. Ёки бўлмаса Амударё этакларидаги Қўнғирот, Чимбой, Нукус шаҳарларининг номлари ҳам ўша туркий қабилаларга тегишлидир. Тошкентда Чимбой деган маҳалла ҳозир ҳам бор. Хеванинг сўнгги хонлари Ўзбекнинг қўнғирот элидандирлар.

Бундай мисолларни юртимизнинг барча ҳудудларидан ҳам, қўшниларимиз диёрларидан ҳам келтириш мумкин. Масалан, Хўжанд вилоятида Гончи қишлоғи бор. Бобур Мирзонинг айрилмас сафдошларидан бири шу ерлик бўлгани учун “Бобурнома”да унга “Гончи” лақаби қўшиб тилга олинади.

Юқоридаги рўйхатда тилга олинган “қтой” — хитой эмас, балки туркий қabila, хитойликлар ўзларини шин дейишади, аجدодларимиз эса уларни чин, мамлакатларини Чин, Ҳинди-Хитойни эса Чин-Мочин деб аташган. Нўғой деганда ҳозирги қозон татарлари эмас, қадимги нўғой қабиласини, Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг авлодидан бўлмиш Нўғойхон Шимолий Кавказда тузган Нўғойхон хонлигида яшаган элатни тушунмоқ керак. Нўғой қабиласи ўзбек халқига сингиб кетган бўлса, нўғой элати ҳамон Астрахон вилоятида, Итил (Волга) бўйларида, асосан Шимолий Кавказда яшаб келмоқда. Улар худди қўмиқлар, балқарлар каби ўзбекчага жуда яқин тилда сўзлашади, исломнинг сунний мазҳабига амал қилади.

Турк қабиласи деганда Онадўлилик қардошларимизни эмас, балки ўзбеклар бағрига сингиб кетган ҳамюртларимизни тушунмоқ керак. Яна шуниси диққатга сазоворки, йигирманчи йилларда Туркистонда аҳоли рўйхатдан ўтказилганда, юртдошларимизнинг кўпчилиги, айниқса, Фарғона водийси (Андижон, Ўш, Жалолобод, Наманган, Ўзган, Мирғилон, Қўқон, Хўжанд), Тошкент ва Самарқанд вилоятларида “миллатинг ким?” деган саволга турк деб жавоб беришган. Шунингдек, бу саволга “ўзбек”, “сорт”, “кўрама” деб жавоб қилганлар ҳам бўлган.

Туркиялик қардошларимиз кўп асрлар давомида ўзларини бошида салжуқийлар, кейин усмонлилар деб, давлатларини Усмонли императўрлиги, Усмонлилар халифалиги, Кямол Отатурк замонига келиб эса ўзларини турк

деб, давлатларини эса Туркия Жумҳурияти деб эълон қилишган. 1920 йилларда Усмонлилар халифалиги бекор қилиниб, янги давлатга қандай ном қўйиш масаласи мунозарага сабаб бўлади. Бир гуруҳ арбоблар бу жумҳуриятни Туркистон Жумҳурияти деб аташни таклиф қиладилар. Шунда узоқни кўра билган заковатли давлат арбоби Мустафо Камол Отатурк айтибдики, Туркистон бизнинг ота юртимиз, Туркистоннинг ўз ворислари бор. Туркистонлик қардошларимиз бир куни келиб ҳурриятга чиқажаклар, ўз мамлакатларини яна Туркистон деб атаяжаклар. Қардошларимизнинг миллий қадриятлари — Туркистонга тегинмайлик, бу тарихий ва шукуҳли ном уларнинг ўзларига буюрсин.

Шу тариқа у асос солган жумҳуриятга унинг таклифига кўра Туркия Жумҳурияти деб ном берилган.

Бу ўринда атоқли турк олими Зиё Кўкалпнинг йигирманчи йиллардаги Туркиядаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлилига бағишланган “Туркчилик асослари” (“Фан ва турмуш” журнали, 1993 йил, 2-сон, 20-бет) мақоласидаги ушбу сатрларини эслаш кифоядир: “Халқ Фирқаси ҳукмронликни миллатга, яъни турк халқига берди. Давлатимизга “Туркия” ва халқимизга “турк миллати” номларини берди. Ҳолбуки, Оводўли инқилобига қадар, давлатимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг, ҳатто тилимизнинг номи “усмонли” деган сўз эди, “турк” деган сўз оғизга олинмасди. Бирор киши “мен туркман” дейишга журъат-жасорат этмас эди. Кейинги пайтда туркчилар бундай ғояни айта бошлаганиклари учун саройнинг ва калтафаҳмларнинг нафратига дуч келдилар. Шундай қилиб, Халқ Фирқасининг онаси бўлган Мудофан ҳуқуқ жамияти буюк халоскоримиз бўлган Ғози Мустафо Камол Пошшо Ҳазратларининг тўғри йўли — кўрсатмаси ва йўлдошчилиги билан бир томондан, Туркияни душман истилоларидан қутқариб, бошқа томондан эса, давлатимизга, миллатимизга, тилимизга ҳақиқий номларини берди ва сиёсатимизни истибдоддан, ёт унсурулар сиёсатининг охириги асоратларидан ҳам қутқарди”.

Шундай қилиб, расмий тарзда йигирманчи йиллардан бошлаб турк атамаси онадўшлик қардошларимизга тегишли бўлиб қолди. Турк халқи деганда Туркия Жумҳуриятида яшовчи туб аҳоли ёки бўлмаса, турк адабиёти деганда эса шу халқнинг адабиёти тушунила бошланди.

Туркий халқ деганда эса қадим замондан бошлаб Турон ва Туркистонда яшаб келган ўтроқ туркий халқ —

Ўзбеклар назарда тутиладиган бўлди, унга 1924 йили ўзбек деб расман ном берилди. Шу каби туркий тил ва туркий адабиёт деганда Турон ва Туркистонда вужудга келган, қарийб минг йиллик тарихга эга бўлган ва ўтроқ туркий халқ — ўзбеклар яратган тил ва адабиёт тушуниладиган бўлди. Бу ҳол ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам тегишлидир. Масалан, туркий давлат, туркий тарих, туркий маданият деганда 1924 йилгача бўлган ўзбек давлатчилиги, ўзбек тарихи, ўзбек маданиятини тушунамиз.

Бу ўринда шундай аниқлик киритиб кетиш керакки, Туронзаминда яшаб келган ён қўшниларимиз, масалан, туркманларда адабиёт бошидан туркман адабиёти шаклида, қозоқларда қозоқ адабиёти шаклида, қирғизларда қирғиз адабиёти шаклида вужудга келган. Ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам худди шу ҳолатни кўрамиз.

Айни пайтда қардошларимиз туркий ибораси билан ифодаланадиган маънавий бойликларга билвосита дахлдордирлар, дейиш мумкин.

Туркий ибораси матндаги ўрнига қараб яна қўшимча бошқа маъноларни ҳам англата бошлади. Масалан, туркий халқлар деганда, Турк отадан тарқалган барча турк халқлари, элатлари, қавмлари тушуниладики, бу сирага туркиялик турклар ҳам киради. Ёки бўлмаса, туркий адабиётлар деганда барча қардош халқлар — озарбайжон, татар, бошқирд, турк, ўзбек, қозоқ, уйғур ва бошқа адабиётлар назарда тутилади.

Барча туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек ва турк халқларининг илдизлари, теран томирлари бир. Масалан, туркий ўғуз қабиласининг авлодларининг бир қисми Румода — Туркияда нашъу намо топди, бир қисми она юрт Туркистонда яшаб қолди, булар ўзбекларнинг бағрига сингиб кетди. Ҳозир Хоразм элида ўғуз лаҳжаси ва сиймосини сезиш мумкин.

Инсониятнинг маданият ва маънавият бешикларидан бири бўлмиш она Турон — Туркистон — Ўзбекистонининг буюклиги яна шунда кўринадики, у кўп давлатлар ва салтанатларга тамал тошини қўйиб берган.

Бошқа қардошларимиз ҳақида сўз юритган эканмиз, юртдошимиз қорақалпоқлар ҳақида ҳам қисқача ҳикоя қилиб ўтамиз. Қорақалпоқлар ҳам бошқа туркий қабилалар сингари узоқ тарихий йўлни босиб ўтишган. Уларнинг номи Шарқ ва Ғарб йилномаларида учрайди. Қорақалпоқлар кўчманчи тарзда турмуш кечирганларида Туроннинг кўп худудларида, жумладан, Дашти Қипчоқда ҳам

бўлишган. Рус, қозоқ, ўзбек ва қорақалпоқ тарихчиларининг яқдиллик билан берган маълумотларига кўра, қорақалпоқлар XIX асрнинг бошларида ҳозирги Чимкент вилоятида Арис дарёси Сирдарёга қуйиладиган жойларда ярим кўчманчи турмуш кечирардилар, чорвачилик, балиқчилик, қисман галлачилик билан шуғулланардилар. Кўчманчилар бу кам сонли аҳолига тез-тез ҳужум қилиб турарди. Бундай босқинлардан безор бўлган қорақалпоқлар уч қисмга бўлиниб, уч тарафга йўл оладилар. Оз сонли икки гуруҳ Фарғона водийси ва Зарафшон воҳасига келиб жойлашади. Қорақалпоқларнинг асосий қисми Фарб томонга йўл олади ва Хева хонлиги ҳудудига боради. Қорақалпоқ бийлари Хева ҳукуматига ўз ҳимоятига олишни сўраб мурожаат этадилар ва муқим яшаш учун жой берилишини илтимос қилади. Хева ҳукумати қорақалпоқларнинг диндош, тилдош ва кўп жафо чекканлигини инобатга олиб, уларни ўз ҳимоятига олишга қарор қилади ва уларга Амударёнинг қуйи қисмларида, Орол бўйларида яшашга ижозат этади ҳамда бу ҳақда Хева хони фармонида кўра васиқа ҳам берилади. Бу воқеа 1811 йили содир бўлган. Шундан бери қорақалпоқлар шу ерларда ўзбекнинг қўнғирот, манғит, чимбой, нукуз ва бошқа эллари билан бирга яшаб келмоқдалар.

Ўзбек халқининг шаклланишида деярли барча туркий қабилалар қатнашган, дейиш асослидир. Халқнинг бағри кенлиги деб шунга айтилса керак.

Хуллас, ўзбеклар, ўзбек бўлиб шаклланиб жаҳонга бўй кўрсатди. Ҳатто бир ота-онадан туғилган ака-укалар ҳам бир-биридан нимаси биландир фарқланганидек, Шажармиздан келиб чиққан халқлар ўртасида муайян фарқлар бўлиши табиийдир. Ҳар бир халқ ўз тадрижий такомил йўлини босиб ўтади. Халқларнинг ном олиши ёки уларга ном берилиши икки хил бўлар экан. Масалан, қирғизлар VI-IX асрларда Онасой бўйларида қабила бўлиб яшаганида ҳам, IX-X асрларда қирғиз хоқонлигини тузганида ҳам, XVII асрда Тиёншон тоғларига кўчиб келганида ҳам, ундан кейин элат бўлиб шаклланишида ҳам ва ҳозир ҳам қирғиз деб аталади: қабила, элат, халқ ва миллат бир нонда — қирғиз.

Қозоқлар элат бўлиб шаклланганидан бери фақат битта ном билан аталадилар. Туркманларда ҳам худди шундай. Улар элат бўлиб шаклланганларидан бери туркман деб аталадилар. Туркиялик қардошларимиз турк элати бўлиб X-XI асрларда шаклланган бўлсалар-да, қарийб минг

Йил усмонлилар деб аталиб келадилар. 1920 йилда мазкур халққа турк деб ном берилганини юқорида айтиб ўтган эдик. Бу турк миллати ўша йили пайдо бўлган экан, деган сўз эмас, албатта. Турк миллати азалдан бор эди, 1920 йили эса унга янги ном берилган эди, холос. Биз, ўзбекларда эса халқимиз номи ҳатто уч ном — турк, туркий ва ўзбек деб аталган. Демак, гап номда эмас, моҳиятда — мавжудликда. Айрим кишилар (улар орасида бизларга ноҳайрихоҳлар ҳам бор, албатта) билиб-билмасдан ўзбек халқи ўзбек номи келиб чиққанидан кейин пайдо бўлган, ўзбек миллати собиқ Ўзбекистон ССР тузилганидан кейин вужудга келган, деб бир томонлама — юзаки фикр юригадилар. Ҳақиқатда эса ўзбек халқи ўзбек номи келиб чиққанидан кўп асрлар илгари ҳам мавжуд эди, ўзбек миллати эса Ўзбекистон ССР тузилмасидан кўп асрлар аввал шаклланиб бўлган эди. Хуллас, ўзбек халқи ва ўзбек миллати илгари, уларга ном берилиши кейин юз берган. Аввал таваллуд, сўнг от қўйиш кабидир.

Ўтмишда турк, туркий халқ деб аталиб келишимиз Турон ва Туркистонга бевосита, узвий ва узлуксиз ворислигимизда ҳам кўринади. Туркистон мамлакатига қайси бир йирик осор-атиқани олиб кўрманг, халқимизнинг бирор тарихий шахси номи билан боғлиқ, унинг фармони билан қурилган. Туркий адабиёт ва санъатга ворислигимиз шунда ҳам кўринадики, туркий ёзма адабиёт барча мумтоз вакиллариининг асарлари она тилимиз туркийда битилгани учун бугунги кунда ҳам севиб ўқиймиз, таржимага ҳожат йўқ, ўша адабиёт бугунги авлодлар томонидан давом эттирилмоқда, янги чўққиларга олиб чиқилмоқда. Қадим Туркистонда санъатнинг қайси турлари мавжуд бўлса, улар ҳозир ҳам бор ва равнақ топмоқда. Ал-Форобий тадқиқ қилган ўша чолғулар, у яратган қонун чолғуси ҳамон созандаларимиз қўлларидан тушмайди.

Асрлар мобайнида, турли замонларда неча бор камситилишига қарамай, халқ даҳоси ила куч-қудрат ва мадад олган она тилимиз ҳам ўша азалий ўзанида — турк, туркий ўзанда тўлқинланиб, равнақ топиб бормоқда, бунга адабиётимизнинг тонг юлдузларидан бири Чўлпоннинг тамомила туркий сўзлардан тузган ушбу тўртлигини мисол қилиб келтириш мумкин:

Қўлимда сўнгги тош қолди,  
Кўнгилда сўнгги интилмак.  
Кўзимда сўнгги ёш қолди,  
Кучимда сўнгги талпинмак.

Эркесвар халқимиз, шоир айтмоқчи, сўнгги кучи қолгунча курашди ва истиқлолга эришди. Турон ва Туркистонга ворислик бугунги кунда Юртбошимиз мустақил олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатда ҳам давом этмоқда.

XVI аср бошида Туркистонда ҳокимият тепасига темирлар ўрнига шайбонийлар келади. Эл-юрт ўз ўрнида қолаверган, халқимиз таркибига унинг шимолий қатлами келиб қўшилган, улус нуфуси кўпайган. Мамлакат номи ҳам ўзгармаган, илгаридек Туркистон деб аталаверган. 1920 йилга келиб, миллий чегараланиш ниқоби остида ягона Туркистон мамлакати атайин беш қисмга бўлиниб, унинг марказий қисми Ўзбекистон ССР деб атала бошлади, 1929 йилнинг кузигача Тожикистон ҳам мухтор республика сифатида унинг таркибида эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ана шундай мураккаб тарихий тадрижий йўлни босиб ўтган халқимиз бугун ўзбек номи билан жаҳон ҳамжамиятига танилган экан, биз бундан ҳар қанча фахрлансак, бу номни ардоқлаб, унинг шон-шарафини ҳар қанча эъзозласак арзийди. Шоир айтмоқчи, “ўзбегим деб кенг жаҳонга не учун мадҳ этмайин!”

## ТУРОН

Турон мамлакати Ер юзининг қаерига жойлашган ва қайси худудларни эгаллаган? Бу борадаги биринчи сўзни Мирзо Улуғбекдан эшитайлик. Унинг “Тарих-и арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асаида, жумладан, шундай сатрлар бор:

*“Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссаломни баъзилар хилоф (таъриф) қилганлар. Аксар уламо ва кибор машойих ривоятларига қараганда, пайғамбар мурсал саҳобалари сўзига қараганда, Ҳақ субҳону ва таоло унга 9 ўғил ато қилган: биринчиси Турк, иккинчиси Ҳиброз... Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом ҳар учала ўғли (яъни Хом, Сом ва Ёфас) барча авлодлари билан миллатнинг дастлабки аҳволи даврида бир неча йил Бобил шаҳрида ва биргаликда умрбасорлик қилганлар. Ҳар бир ўғилдан ҳар тарафда шўьбалар ва тоифалар ҳосил бўлди. Улар билан ожизроқлари ўртасида ихтилофлар келиб чиқди. Оқибатда ҳазрати Ҳақ субҳонаҳа кечаларнинг бирида ҳар шўьба учун каромат қилди. Тонг отганда (уйқудан) турганларида ҳар шўьба бир-бирларининг тил луғатларидан қутулган эдилар. Иложсиз ҳар бири отаси ва бобоси ишорат қилган томонга тарқалганлар. Ҳар бир шўьба ўзи бир жойда қарор топдилар ва*

(у ерларни) обод қилишга ҳаракат қилдилар. Токи бугунки кунда уларнинг ҳар бири бу шаъндан бир шаҳар, қишлоқ мавжуд эди. Унинг аҳли ва авлоди бўлган. Шундан кейин маълум муддатгача Қодир ул-иттилоқ иродаси билан ўз обу ҳўреши қисмати халқлар, турли сабаблар билан, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, сокин бўлдилар. Наслда келишмовчиликлар ҳам пайдо бўлди. Бошқа бир ривоят шуки, бутун Ер юзи ҳазрати Нухники бўлгандан кейин алайҳиссалом жаҳонни уч қисмга бўлди. Чунончи, Машриқдан Мағрибгача бўлган ерларни, Хатти устуводан шимол томон ерлар: бир бўлак маъмур оролларки, жанубида эди ва Чин баҳри билан Ҳинд баҳри оралиғидаги ерлар, оламнинг рубҳики, ҳозир Бабри Ҳабаша номи билан машҳурдир, билан тугаганди. Баҳри Чин соҳилларидан, учинчи иқлим учдан биригача чўзилган ерлар, кенглиги то Мағрибнинг Холидот оролларигача, узунлиги бешинчи иқлим учдан биригача одамлар яшайдиган ўрталиқнинг кенглигича (ерлар) Сома берилган эди.

Ёфас алайҳиссаломга Чин Машриқининг бошқа муҳитлари, Қомарун тоғлари ва рус ерлари охиригача чўзилган оқ чўққилар ва бешинчи иқлимнинг қолган учдан бир қисми то маъмур ерларнинг охиригача ва Шимолнинг зулуммотигача ерлар бахш этилган эди. Шуниси равшандирки, бу барча халойиқ ҳозир оламда мавжуддирлар. Бу ҳазрати Нух алайҳиссаломнинг уч ўғлону авлодидандирлар. Айтадиларки, Туронзамин ва Туркистонни Ёфас алайҳиссалом ўзига асраб қўйган эди. Шу сабабли уни Абут-турк дейишган. Эронзамин ерлари ва Ажам ерлари Оҳвоз Сом алайҳиссалом улушига тушган эди. Шу жиҳатдан уни Абулажам деб атаганлар. Ҳиндистон ноҳиялари, Судан мамлакати Хом ихтиёрида эди. Уни Абулҳинд атаганлар. Ҳазрати Ҳақ таоло уни расуллик ташрифига мушарраф қилди. Ва ушбу мусаввадаки, “Шажарат ул-атроқ” аталур.

Энди юқоридаги парчани шарҳласак, масала анча ойдинлашиб қолса ажаб эмас, иншооллоҳ.

“Турк” сўзининг кўплик шакли — атроқ, атроқ дегани турклардир. “Шажарат ул-атроқ” — “Турклар шажараси” демакдир.

“Мусаввада”нинг луғавий маъноси қоралама ёки хомаки ёзув ва қоралама матндир. Шунингдек, бу сўз асл манба, ишончли асос тушунчаларини ҳам билдиради. Мирзо Улуғбек шарқ-ислом одобига кўра бу ўринда асарини қоралама матн, деб камтарлик қилмоқда.

“Тонг отганда (уйқудан) турганларида ҳар шўъба бир-бирларининг тил луғатларидан қўшилган эдилар” жумласи

ҳар бир шўъба ўз тилига эга бўлиб, бошқасининг тилини тушунмай қолган эди, деган маънони билдиради.

*“Халқлар турли сабаблар билан, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб сокин бўлдилар”* жумласида жаҳон халқларининг сайёрамиз бўйича буюк кўчишлари назарда тутилмоқда.

*“Наслда келишмовчиликлар ҳам пайдо бўлди”* жумласида эса халқларнинг ҳудуд талашиб қилган ўзаро жангу жадаллари ифодаланмоқда.

Баъзи манбаларда Ёфас ибн Нух алайҳиссаломни пайғамбар дейилса, бошқа манбаларда эса у зот пайғамбарлар рўйхатига киритилмаган, бу масала ихтилофли деб айтилади. Куръони каримда номи тилга олинган 25 та пайғамбарлар орасида Ёфаснинг номи учрамайди. Лекин шу билан бирга баъзи манбаларда пайғамбарларнинг сони 124 минг дейилишини, бошқа жойда ундан ортиқ ёки камроқ адад кўрсатилишини ҳамда отадан кейин унинг ўғли ёки ўғиллари ҳам Аллоҳ таоло томонидан пайғамбарлик таърифига мушарраф кўрилганини (масалан, Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғиллари Исмоил ва Исҳоқ ҳам пайғамбар бўлишган) назарда тутсак, Мирзо Улуғбекнинг Ёфасни алайҳиссалом деб ҳисоблаши асосли кўринади. Зеро, муллоқ ҳақиқатни билгувчи — ёлғиз Тангри таолодир.

*“Хатти устуво”* — Ер шарининг белбоғи — экватордир. *“Хатти устуводан шимол томон ерлар”* дейилганда экватордан шимолий томон назарда тутилмоқда.

“Иқлим” сўзи юнонча “клима”дан келиб чиққан бўлиб, луғавий маъноси оғишдир, атама сифатида эса ер юзасининг қуёш нурларига нисбатан оғишини билдиради. Бирор жойнинг об-ҳаво шароити унинг иқлимидир. Ернинг шар шаклида бўлиши, унинг Қуёш атрофидаги ҳаракати ва Ернинг эклиптика текислигига қиялиги натижасида ер юзига қуёш нурининг турли кенгликларда турлича тушиши, Ернинг ўз ўқи атрофида айланишининг ҳаво ва сув ҳаракатлари йўналишини ўзгартиришга таъсири ва бу таъсирнинг юқори кенгликларда кучли бўлиши иқлим ҳосил қилувчи самовий омиллардир. Бошқача айтганда, Қуёш нури ерга тик тушганда, ер юзаси қаттиқ исийди, қияроқ тушганда мўътадил бўлади, жуда ётиқ тушганда ер юзаси совиб кетади. Ёзда куннинг иссиқ бўлиши, қишда совуқ бўлиши мана шунга боғлиқдир.

Шарқ олимлари, жумладан, Абу Райҳон Беруний Ер юзини етти иқлимга бўладилар. Етти иқлим мамлакатлари дейилганда, экватордан бошлаб, то Шимолий кутбгача



бўлган ҳудудлар кўзда тутилган, шу улкан ҳудуд еттига тақсимланиб, етти иқлим дейилган. Ҳар бир мамлакат ёки шаҳарнинг ўрни унинг қайси иқлимда жойлашганига қараб белгиланган. Масалан, Бобур “Бобурнома”да Фарғона ва Самарқанд вилоятларини бешинчи иқлимда деб, Кобил вилоятини тўртинчи иқлимда деб, Ҳиндистонни биринчи, иккинчи ва учинчи иқлимда деб айтиб ўтади. “Тўртинчи иқлимдан Ҳиндистонда йўқтур”, деб таъкидлаб ҳам кўяди.

Ҳозирги иқлимшунослик фани ҳам ўша Шарқ олимларининг ақидасига асосланади, фақат иқлим сўзи ўрнида минтақа сўзи ишлатилади.

Ҳозир етти иқлим, яъни етти минтақа шундай таърифланади:

I. Экваториал минтақа — иссиқ ва нам, қиш билан ёзнинг фарқи йўқ.

II. Субэкваториал минтақалар — қиш ёздан бир оз фарқ қилади.

III. Тропик минтақалар — умуман иссиқ.

IV. Субтропик минтақалар — ёзда иссиқ, қишда мўътадил, қор ёғиши ҳам мумкин.

V. Мўътадил минтақалар — бунга масалан, Ўзбекистоннинг об-ҳаво шароитини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

VI. Субарктика ва субантарктика минтақалари — ёзи или-милиқ, қиши қаҳратон, ер юзаси мангу музлаб ётган ҳудудлари кўп. Бунга Сибирни, Тундрани мисол қилиб келтириш мумкин.

VII. Арктика ва антарктика минтақалари — Ер шаридаги энг совуқ жойлар, абадий музликлар ҳам бор, чунки Куёш нури сира тик тушмайди.

Мақсадимиз Турон мамлақати ҳудудини аниқлаш бўлгани учун ушбу минтақаларга ҳам тўхталиб ўтдик.

“*Чин баҳри*” — Хитой денгизи.

“*Ҳинд баҳри*” — Ҳинд океани.

“*Чин Манжуриянинг бошқа муҳитлари*” — ҳозирги Хитойнинг шимоли, Манжурия, ҳозирги Мўғулистон (у пайтдаги Мўғулистон эндиликда Хитой таркибида бўлиб, ҳозир Ички Мўғулистон мухтор тумани деб аталади). Узоқ Шарқ ўлкалари, Амур дарёсининг ҳавзалари, то Тинч океани — Татар бўғозигача бўлган ҳудудлар.

“*Оқ чўққилар*” — Ҳимолай, Помир, Олой, Тиёншон (туркий Хонгангри), Кавказ, Урол тоғлари.

“*Бешинчи иқлимнинг қолган учдан бир қисми то маъмур ерларнинг охиригача*”, деб аталган жойлар — бу ҳозирги

Марказий Осиё ҳудуди, Жанубий Сибирь, Урол ўлкалари, Кавказ, Волга (Итил) бўйи, Кичик Осиё ва бошқа шуларга ёндош ҳудудлар.

“Рус ерлари охиригача” дейилганда албатта ҳозирги Россиянинг ҳаттоки Оврупода жойлашган қисми ҳам кўзда тутилмаган. У пайтларда рус ери Москва ва Яуза дарёлари ҳавзасидаги ҳудуддан иборат эди. Ҳатто бундан уч юз йил олдин ҳам Қрим хонлигининг шимолий чегараси Воронеж шаҳри яқинигача борарди. Шу тарихий ҳолдан келиб чиқиб айтсак, “рус ерлари охиригача чўзилган” ҳудудга Итил дарёсидан то Дунай дарёсигача бўлган ерлар, Қуйи, Ўрта ва Юқори Итил бўйи ўлкалари, Татаристон, Бошқирдистон, Мордва, Мари, Удмурдистон, Россиянинг Воронеж шаҳридан жанубидаги вилоятлар, Тамбов вилояти (ҳатто тўрт юз йилча аввал бу ерда туркий Қосим хонлиги мавжуд эди), Дашти қипчоқ — Оренбург, Волгоград вилоятлари, Краснодар, Ставрополь ўлкалари, Қора ва Азов (аслида Азоқ) денгизлари бўйларидаги вилоятлар, Қирим, Киевдан жанубдаги Украина ҳудуди, Измаил (аслида Исмоил) вилояти, Днепрбўйи, Днестрбўйи (жумладан, Гагаузия — Кўкўғизлар), Можористон, Булфористон ва шу каби бепоён ерлар киради.

“Шимолнинг зулуммотигача ерлар” — Фарбий, Шарқий Сибирь, Ёкутистон, Чукотка, Тундра ва ундан у ёғи Шимолий муз океанидан то Шимолий кутб ҳудудларидир. Шимолий ва Жанубий кутбларда Куёш кам кўрингани учун улар зулуммот дейилган.

Энди юқорида айтилган изоҳлар ва фикрларни жамлаб хулоса чиқарамиз. Биз ҳеч бир ҳудудни даъво қилмоқчи ҳам эмасмиз, тарих фидирагини орқага айлантириш мумкин эмаслигини яхши биламиз, бу соғлом фикрга тўғри келмаслигини ҳам чуқур ҳис қиламиз. Биз фақат аждодларимизга мансуб ўша Туронни ҳаёлан кўз олдимизга келтириб кўриб, ҳурматли китобхонларга — Турон тўғрисида деярли тасаввурга эга бўлолмай туриб, Туронни кўп тилга олаётган ўқувчиларимизга бир оз бўлса-да, тасаввур бермоқчимиз, холос.

Хулосамиз шуки, Турон — бу Шарқда Тинч океанидан Фарбда то Болқонгача, Жанубда — Ҳимолай тоғи, Тибет, Шимолий Ҳиндистондан тортиб Шимолий кутбгача бўлган бепоён ҳудудни ташкил этган, инсоният тарихидаги энг улкан бир мамлакатдир. Ҳозир унинг ўрнида юзларча давлат ва давлатчалар вужудга келган. Шулардан Туронга воқис бўлган мустақил туркий давлатларни алифбо бўйича

санаб ўтамиз: Озарбайжон, Туркия, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон. Озарбайжон таркибида Нахичиван, Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон, Гуржистон таркибида Ажаристон, Молдова таркибида Гагаузия бор.

Россия таркибидаги мухтор туркий давлатлар: Бошқирдистон, Кабарда-Болқор, Татаристон, Чувашистон, Ёкутистон. Доғистон унда яшовчи бир неча камсонли туркий халқларнинг ҳам мухтор давлати ҳисобланади. Шунингдек, Россияда туркий халқларнинг Тоғли-Олтой, Қорачой-Черкасия, Хакасия мухтор вилоятлари, бир қанча мухтор округлари бор. Хитойда эса уйғурларнинг Шинжон-уйғур мухтор тумани тузилган. Шимолий Кипр Турк Жумҳурияти кўп йилдан бери мавжуд, лекин уни ҳозирча фақат Туркия тан олган. Бу халқларнинг ҳар бири ўзини Турк бобомизнинг ва Туроннинг вориси деб биладилар ва бунга ҳақлидирлар. Масалан, Озарбойжон Жумҳурияти миллий истиқлолга эга бўлиши биланоқ миллий телеграф агентлигини “Турон” деб атай бошлади. Шунингдек, эндиликда тили, дини ўзгариб кетган Булғористон, Можористон мустақил давлатлари, Мордва, Мари, Удмурд, Тува мухтор давлатларининг халқлари ҳамда Сибир, Узоқ Шарқ ўлкаларида, Хитой, Мўғулистон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Болқон давлатларида яшовчи туркий халқлар ҳам ўзларини Турк бобо ва Турон мамлакатининг ворислари деб ҳисоблашлари табиий ҳолдир.

Энди Туроннинг жуғрофиясига доир қисқача маълумот берамиз.

Тоғлар: Ўрол, Кавказ, Тиёншон, Помир, Ҳимолай, Олтой ва бошқалар...

Океанлари: Шимолий муз океани, Тинч океани.

Денгизлари: Қора денгиз, Азов денгизи, Эге (Эгей) денгиз, Ўрта денгиз ва бошқалар.

Дарёлари: Амур, Саха (Лена), Онасой, Амударё, Сирдарё, Мурғоб, Зарафшон, Ишим, Иртиш, Урхун, Ўрол (Ёйиқ), Ака (Оқа), Кама, Оқдарё, Игил (Волга), Кура, Терск, Днепр, Днестр, Дунай, Дажла, Фурот, Аракс, Тан (Дон) ва бошқалар.

Кўллари: Бойкўл, Балхаш, Иссиқкўл, Орол, Каспий ва бошқалар.

Саҳролари: Гоби, Қорақурум, Қорақум, Қизилқум, Сарсонқум ва бошқалар.

Паст текисликлари: Турон, Тўрғай ва бошқалар.

Хуллас, Турон ўз даврида Ер юзининг тўрт иқлимини ишғол қилган буюк бир мамлакат бўлган.

Хўш, Турон ва туронликлар инсониятга кимларни берди, қандай маданият ва қадриятлар яратди? Булар ҳақида жилдлаб китоб ёзиб адо қилиб бўлмайди. Шу боис бир неча мисоллар келтириш билан фикримизни мухтасар қилиб қўя қоламиз.

Турон энг аввало Туркхон, Ўғизхон, Қипчоқхон, Атилла каби буюк давлат арбоблари ва улуғ лашкарбошиларни, Тумарис, Спитамен, Алп Эр Тунга сингари фидойи ватанпарварларни етиштириб берди.

Туронликлар тўрт иқлимнинг соҳиблари ўлароқ, шу иқлимларга мос турмуш тарзини яратдилар. Биринчи, иккинчи ва учинчи иқлимларда яшовчи кишилар иморат қурмай яшашлари ҳам мумкин эди. Лекин туронликларнинг иқлим шароити иморат қуришни тақозо қилар эди. Шу боис шаҳарлар яратдилар, маданий турмуш барпо этидилар.

Турк қурол-яроғни биларди, эъозларди, ўзини ҳимоя қила оларди — шавкатли ва довжорак кўшинга эга эди. Отлиқ кўшинни илк бор у тузган. Қуролсозликда ҳам кўп ихтиролар қилган. Шамширни қиличга айлантирган ҳам у.

Туронда масофалар олис-олис эди. Манзилдан манзилга боришда юлдузларни йўл кўрсатувчи деб билиб ва уларнинг ҳолатини ўрганиш асосида самовий мавжудотларни ўрганиш — илми нужумга асос солдилар. Илк турк исмлари Ойхон, Юлдузхон, Кунхон, Кунтуғмиш, Ойғўлди, Ойсулув, Кунсулув, Кунтуғди бўлгани бежиз эмас, албатта. Ойнинг бошқа номи Йалчиқ, Куёшнинг бошқа номлари Кун ва Яшиқ. Кунчиқар — Шарқ, Кунботар — Ғарб. Йил давомида Куёш айланадиган фалак доиралари ҳар бирининг ўз туркий номи бор. Қўзи — Ҳамал, Уд — Савр, Эрангиз — Жавзо, Кучиқ — Саратон, Арслон — Асад, Буғдойбоши — Сунбула, Улгу-Мезон, Чаён — Ақраб, Ёй — Қавс, Ўғлоқ — Жади, Кўнак — Далв, Балиқ — Ҳутдир. Аждодларимизнинг тарихий тафаккуридан дарак берувчи бу сўз ва тушунчаларни унутилиб борилаётганлиги, афсуски, ачинарли ҳолдир.

Венера (Зухро) юлдузининг туркий номи Йилдириқ, Чўлпон ҳам дейилади. Миррих — Кўруд, Зухал — Секантир, Мушгарий (Юпитер) — Қорақуш ва шу қабилар. Ҳамма сайёралару барча аниқланган юлдузларнинг туркий номлари бор, балки уларга биринчи бўлиб аждодларимиз от қўйишган бўлса ажаб эмас.

Туронликлар рақам ададини 9 (1-9) деб билганлар, шунга ихлос қўйганлар ва келгуси жаҳоний илм-фаннинг ўсишига тамал тошини қўйиб берганлар.

Туронликлар илк бор гилдиракни, яъни аравани яратдилар. Аждодларимиз аравани таниқ деб, аравасозни таниқчи деб аташган. Маълумки, гупчаги баланд аравалар юрганда “таниқ-таниқ” деган товуш чиқаради.

Туронликлар йилқичилик, туячиликни ҳам ривожлантирганлар. Чунки улар боғ-роғли, деҳқончилик қилинадиган жойлар ва шаҳарлар билан бирга яйловли даштларда, қир-адирларда, саҳроларда ҳам яшаганлар. Даштда отсиз, саҳрода туясиз кун кечириб бўлмайди. От одамнинг садоқатли йўлдоши, туя — саҳро кемасидир. Ҳайвон терисини ошлаб, кийим қилишни ҳам аждодларимиз бошлаб беришган.

Орадан минг-минг йиллар ўтди. Турон гоҳо ягона мамлакат бўлди, гоҳо бир неча давлатларга бўлиниб кетди. Туронзаминда ўшлаб буюк салтанатлар — хоқонликлар, қанчадан-қанча хонлик ва бекликлар тузилди ҳамда вақти-соати етгач, тақдир тақозоси билан таназзулга юз тутди. Лекин барибир худди самандар янглиғ бирининг ўрнида иккинчиси қад ростлади.

## ИСЛОМ ВА ТУРОН

Туркистон — Туроннинг вориси. Лекин қандай вориси? Бизнингча, Туркистон — Туроннинг исломий ворисидир.

Фикримизни тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Ислом дини Туронга, жумладан унинг қалби бўлмиш Мовароуннаҳрга Араб халифалигининг амири Кутайба ибн Муслим ва аскарлари томонидан 705-715 йилларда ёйилган, ушгача юртимизда мусулмончилик бўлмаган, деган фикр, бизнингча, бир томонламадир.

Ишончли манбаларнинг дарак беришича, ҳақиқатда Туронга мусулмончиликни Ёфас алайҳиссалом ибн Нуҳ алайҳиссалом олиб келган. У буюк зотнинг тўнғич ўғли Турк ибн Ёфас алайҳиссалом ислом таълимотини Туронзаминда кенг ёйган эканлар. Қуръони каримда айтилишича, Одам алайҳиссаломдан бошлаб барча ўтган пайғамбарлар умматларини муслим бўлишга, Тангри таолонинг биру борлигига иймон келтиришга даъват этганлар. Муслим ва мусулмон атамаларининг луғавий маъноси бир: бири бирлик шаклида, иккинчиси кўплик шаклидадир, холос. Ислом динини қабул қилиш муслимлик ва мусулмонликдир.

Абулғозийнинг “Шажарайи турк” асарида ёзилишича, ҳазрати Нуҳ икки юз эллик ёшга етганда Худои таоло уни пайғамбар қилиб юборади. Нуҳ алайҳиссалом етти юз йил халқни мусулмонликка даъват қилади. Фақат саксон киши иймон келтиради. Бундан аччиқланган Нуҳ алайҳиссалом иймон келтирмаганларни дуоибад қилади. Жаброил алайҳиссалом келиб, Нуҳ алайҳиссаломга дейдики: “Худои таоло сенинг дуоингни қабул қилди. Фалон вақтда барча ер юзидаги халқни сувга фарқ қилмоқчи бўлди. Кема ясагин, деб амр қилди”. Жаброил алайҳиссалом Нуҳ алайҳиссаломга кемани қандай ясашни ҳам ўргатади. Нуҳ алайҳиссалом иймон келтириб, мусулмон бўлган кишилар билан кема ясайди. Шундан кейин ердан сув чиқади, осмондан ёмғир ёғади — тўфон бошланади. Нуҳ алайҳиссалом қушлар ва ҳайвонларнинг ҳар хилидан бир жуфтдан олиб иймон келтирган кишилар билан кемага минади. Ер юзидаги барча жонзот сувга фарқ бўлади. Олти ою ўн кун дағанда Худои таолонинг амри билан тўфон қайтади. Кемадагилар саломат қолиб, Жуди деган тоғда кемадан қуруқликка ўтадилар. Шу ерда улар бемор бўладилар. Нуҳ пайғамбар ва кўчлари, уч ўғилу уч келини тузалади, бошқалар вафот этишади. Шундан кейин Нуҳ пайғамбар ўғилларига: “Одам фарзандларидан фақат учалангиз қолдингиз. Энди учалангиз уч юртда гуринг”, деб, уларни уч томонга юборади. Ёфас алайҳиссалом отасининг амри билан Жуди тоғидан жўнаб кетиб, Итил ва Ёйиқ дарёларининг ёқасини макон тутади. Шу ерда яна икки юз эллик йил яшайди, авлоди кўпаяди. Вафоти олдида ўрнига тўнғич ўғли Туркни қолдириб, бошқа ўғилларига бундай васият қилади: “Туркни ўзларингизга подшоҳ билинглар, сўзидан чиқманглар”. Ўғиллар ота васиятига содиқ қолиб, Туркни подшоҳ қилдилар. Турк одобли ва оқил киши экан. Ота-мерос мамлакатини кезиб чиқади. Иссиққўл бўйларини хушлаб қолиб, шу ерда яшайди. Хиргоҳ уйни, яъни чодир-ўтовни шу киши ихтиро қилади. Туркдан кейин ўғли Тўтак, невара, эвара ва чеваралари — Деббокуйхон, Кункхон, Аланчахонлар подшоҳлик қилдилар. Нуҳ алайҳиссаломнинг замонидан то Аланчахоннинг замонигача барча Турк авлоди мусулмон эдилар. Аланчахон замонида юрт обод ва эл жуда бадавлат бўлиб кетади. Моддий нарсаларга сифиниш бошланади. Бирор кишининг суюкли одами вафот этса, унга ўхшаш кўғирчоқ ясаб уйининг тўрига қўядиган, бу фалончимизнинг суврати деб унга топинадиган бўлади. Ошнинг олдини унинг олдига қўяди. Юз-

кўзини кўғирчоқнинг юз-кўзига суртиб, бошига кутаради. Шу тариқа бутпарастлик пайдо бўлади.

Нух алайҳиссалом замонидан то Аланчахон замонигача бўлган давр Турк элининг биринчи мусулмонлик даври эди. Истиқлол бизга тарихимизни чуқур ўрганишга ўргатмоқда ва шуни талаб этмоқда. Балки кимдир юқорида баён қилинган гаплар бир ривоятдир, дейишлари ҳам мумкин, лекин ҳатто ривоят замирида ҳам қандайдир ҳақиқат ётади. Қолаверса, гарблик археолог олимлар Нух алайҳиссалом кемаси бўйича қидирув ишларини олиб бориб, уни Туркиянинг шимоли-шарқий қисмидаги бир тоғдан топдилар, бу ҳақда ўз вақтида жаҳон матбуотида хабар эълон қилинди.

Турк эли иккинчи марта Ўғузхон замонида мусулмонликка қайтди. Ўғузхон Аланчахоннинг эвараси эди, бобоси Мўғулхон, отаси Қорахон мусулмон эмасдилар. Ўғузхон туғилгач, уч кечаю кундуз онасини эммайди. Ҳар кеча онасининг тушига кириб: “Эй она, мусулмон бўлинг. Агар бўлмасангиз, ўлсам ўламанки, сизни эммасман”, дерди. Онаси ўғлининг раъйига қараб, Тангрининг бирлигига иймон келтиради. Шундан кейин Ўғузхон онасини эмади. Онаси кўрган тушини ва мусулмон бўлганини бировга айтмайди. Чунки Қорахон замонида мусулмончилик ва мусулмонлар қаттиқ таъқиб этиларди. Шундай эдики, агар отаси мусулмон бўлганини ўғли эшитса, у отасини ўлдиради, агар отаси ўғли мусулмон бўлганини эшитса, у ҳам шу ишни қилар эди. У пайтларда ўғил бир ёшга тўлмагунча унга от қўйилмасди. Ўғузхон бир ёшга тўлганда, отаси Қорахон юртга тўй бериб, бекларига бундай дейди: “Ўғлимиз бир ёшга етди. Энди унга не от қўярсизлар?” Беклар жавоб бермасданоқ, бир яшар Ўғузхон тилга кириб, бундай дейди: “Менинг отим Ўғуз турур”. Тўйга келган барча катта-кичик, ёш қари бундан танг қоладилар.

Ўғузхоннинг тили чиққач, Аллоҳ-аллоҳ деб такрор айтарди. Лекин араб тилини атрофидагилардан ҳеч ким билмасди. Аллоҳ таоло Ўғузхонни модарзодивалий қилиб яратган эди. (Мумтоз шоиримиз Бобораҳим Машраб ҳам шундай валий бўлганини адабиёт тарихларида ёзилган.)

Ўғузхон балоғатга етгач, Қорахон икки марта уйлантиради. Ўғузхон хотинларини мусулмон бўлишга даъват қилади, улар бу таклифга кўнишмайди, шу сабабли Ўғузхон уларга рўйхушлик бермайди. Кейин у мусулмон бўлишга кўнган бошқа қизга уйланади. Катта келинлари Қорахонга Ўғузхон мусулмон бўлганини чақадилар. Ота-ўғил ўрта-

сида низо чиқади, уруш бошланади, Ўғузхон голиб келади, Қорахоннинг бошига дайди ўқ тегиб, ҳалок бўлади. Ўғузхон ота тахтига ўтиради. Элини мусулмонликка давват қилади. Мусулмон бўлганларни сийлайди. Мусулмон бўлганлар Ўғузхонга келиб қўшилаверади.

Ўғузхон ўзи тарбия қилиб, вояга етказган Қипчоққа кўп эл ва навкар бериб, можор, бошқирд элларини итоатда ушлашни буюриб, Дон, Итил ва Ейиқ дарёлари ҳавзаларини юрт қилиб белгилаб, уни ўша ёққа йўллайди. Бу жойларнинг Дашти Қипчоқ дейилиши боиси шундадир.

Ўғузхон биринчи юришида Талас, Сайрам, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Балх, Ғур, Бадахшон, Кашмирни забт этади. Иккинчи юришида Хуросон, Эрон (бу пайтда Каюмарс вафот этиб, юрт шоҳсиз эди), Ироқи Ажам, Ироқи Араб, Озарбайжон, Арманистон, Шом ва то Мисргача бўлган ҳудудларни эгаллайди. Боши Сайрам, охири Мисргача бўлган вилоятларига ҳокимлар қўйиб, ўз юртига қайтади.

Ўғузхон замони турк элининг мусулмонликка қайтиш даври эди. Бу даврнинг Ўғузхондан кейин қанча давом этгани, авлодининг қандай маслакда бўлгани хусусида қўлимизда ҳозирча манба йўқ. Зеро, ислом ва Турон масаласига доир бошқа маълумотлар ва манбаларга асосланиб сўзимизни давом эттирамиз.

Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи”да ровийлар ва тарихчи арбобларнинг маълумотларига суяниб ёзадики, Ер юзини Нуҳ алайҳиссалом авлоди ва аҳолиси томонидан эгалланиши билан, уларнинг зурриёди ҳамда хешларининг ҳар бири ўртасида ибратли тартиблар, эътиборга лойиқ қондалар кўрина бошлади. Тангри таоло улар дилини илҳом билан бойитади, токи улар мамлакатни бошқариш бўйича расм-русумлар бунёд этсинлар.

Ўфас ибн Нуҳ алайҳиссалом Жуди тоғидан пастга тушгач, Аллоҳ таоло амри билан Машриқ томонга жўнайди. Ўз падари бузрукворидан рухсат олиш асносида, ундан, яъни Нуҳ алайҳиссаломдан дуо ўргатишларини сўрайди, токи ҳазрати Қодир Аллоҳдан ёмғир ёғишини сўрагай. Нуҳ алайҳиссалом унга исми аъзамни ўргатади. У исми аъзамни бир тошга нақш қилиб Ўфас алайҳиссаломга топширади. Ҳар қачон ёмғир ёғишни истаганларида Ўфас алайҳиссалом Ҳазрати Борий таолонинг буюк исми нақш қилинган тошни келтирар эканлар.

Бутунги кунда ҳам турклар орасида ёмғир ёғдирувчи тош мавжуд, — деб давом этади Мирзо Улуғбек. У тошни



Жада тоши, Яда тоши деб атайдилар. У арабчада Хажарулмугур дейилади. Хуллас, Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом ёмғир дуосини Ёфас алайҳиссаломга таълим берадилар ва ўша тошни кўрсатадилар. Улуғ тарихчи арбобларнинг ривоят қилишларича, Ҳазрати Ёфас алайҳиссалом пайғамбари мурсал бўладилар (мурсал — элчи демак. -*муал.изоҳи*) У Ҳазратга нозил бўлган китобларда Яда илми ҳам зикр этилган эди.

Демак, Турк бобомизнинг оталари бўлмиш Ёфас алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг элчиларидан бири бўлиб, у кишига пайғамбарлик нишонлари учун Яда илми ҳам берилган экан. Диний муқаддас китобларда қайд этилишича, Ҳазрати Одам алайҳиссалом сифрида ҳарфлар, Ҳазрати Идрис алайҳиссалом муқаддас китобида илми нужум, Ҳазрати Иброҳим китобида санок илми (илми аъдод), Мусо алайҳиссалом Тавротига илми санъат ва тиб битилганини хотирага олсак, Ёфас алайҳиссаломга Яда илми берилганига ҳам иймон келтириш вазифамиздир.

Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳамма ўтган пайғамбарлардан афзалдирлар. Умнатларининг кўплиги ва иймон келтирганларининг зиёдалиги билан фарқ қиладилар. Мана шуларга иймон келтирган ҳолда Ислом таълимотига кўра қанча бўлишларидан қатъи назар пайғамбарларнинг биронтасини ажратмай ҳаммаларига баробар иймон келтиришимиз керак.

Ажали етгач, Ёфас алайҳиссалом вафот этади. Ўғил ва набиралари уни иззат-икром билан ерга топширадилар. Ёфас алайҳиссаломнинг кичик ўғиллари ўз улуғ акалари Турк ибн Ёфас алайҳиссалом уйига келиб, таъзиятни охирига етказадилар. Ҳаммалари иттифоқлик кўргузиб, Турк ибн Ёфас алайҳиссаломни ўзларига бошлиқ сайлайдилар ва Ёфас ўғлон деб атайдилар.

Алқисса, Туркни унинг тамоми халқи Ёфас ўғлон деб атай бошлагач, ўзларига подшоҳ қилиб сайлайдилар. Турк отаси ўрнига ўтиради. Ўз қавми ўртасида хуш расм-русумлар, таҳсинга лойиқ тартибларни ўрнатади. Айтадиларки, Турк ибн Ёфас алайҳиссалом Каюмарс замондоши бўлган. Каюмарс форс мамлакатада биринчи шоҳ бўлганидек, Турк Турон мамлакатининг биринчи хоқонидир. Демак, турк ва форс халқларининг давлатчилиги айни бир замонда вужудга келган. Бунда маъно кўп. Шу фикрга риоя қилинса, кўпгина ихтилофли масалалар ўз-ўзидан ечимини топиб кетади.

Ривоят қилишларича, Турк одил ва комил, кўнгилчан хоқон бўлган, ҳаттоки турклар орасида инъом қилиш ода-

тини у ўрнатган, раъият борасида кўп риоят қилган, унинг замонида фуқаролар айна осойишталик ва тинчликда яшаганлар.

Юқорида баён этилганлардан кўринадик, Турон ва Турк тарихи борасида Мирзо Улуғбек ҳам, Абулғозий ҳам айна бир хилда фикр билдирадilar. Зеро, уларнинг иккалалари ҳам буюк турк ўғлонларидан бўлиб, тарихдан сўзлаганларида Шарқнинг мумтоз тарихий асарларига асосланиб иш тутгандирлар.

Ҳикоямизда давом этамиз. Тошкентнинг Чорсу майдонида, “Чорсу” меҳмонхонаси ўрнида, Бадалмат ҳаммининг яқинидаги жарликнинг шундоққина ён бағрида бир булоқ бўларди. Тошкент булоқларининг энг машҳури, суви шифобахш эди. Тепасига шийпон қурилган бўлиб, булоқ сувидан олиш учун заранг коса қўйиб қўйиларди. Шифоталаблар узоқ-узоқлардан келиб, ихлос билан бу булоқ сувидан ичишарди. Булоқдан бохабар меҳмонлар унинг сувидан ичмай туриб, ўз юртларига қайтмасдилар. Савобталаб мешкоблар Эски шаҳар бозорини айланиб, “Оби худойи” дея булоқ сувини улашиб юрардилар. Ҳазрати Уккошша булоғи номи билан машҳур бўлган бу булоқ ҳақида эл орасида турли ривоят ва афсоналар тарқалган эди. Хўш, нима учун бу булоқ ҳазрати Уккошша деб аталади. Ҳазрати Уккошшанинг ўзи ким бўлган? Тарихий шахси, ёки афсонавий қаҳрамонми? Асли исми шундай аталганми ёки халқ тилида ўзгариб кетганми? Ислом ва Турон мавзуини ўрганиш асносида қуйидаги маълумотларга эга бўлдик.

Ҳазрати Уккошшанинг асли исмлари Саъд ибн Абу Ваққос бўлиб, буюк саҳобалардан эканлар (саҳоба — Муҳаммад алайҳиссаломга ҳамсуҳбат бўлган, у ҳазратни лоақал бир марта кўрган киши. - *муал. изоҳи*).

Қуръони каримнинг “Оли имрон” сурасида Мадина шаҳридаги мусулмон жамоатнинг ҳижратнинг иккинчи йилида бўлиб ўтган Бадр жанги билан учинчи йилидаги (милодий 624 йил) Уҳуд жанги мобайнидаги ва ундан кейинги даврдаги ҳаётдан жонли лавҳалар тасвирланади.

Пайғамбар алайҳиссалом Уҳуд жангига минг кишилиқ аскар билан чиқдилар. Душман уч мингча эди. Қаттиқ жанг бўлди. Ана шу Уҳуд жангида моҳир мерган — тийрандоз Саъд ибн Ваққос ҳам қатнашадилар. Пайғамбаримиз “Ирми ё Саъд, фидока аби ва уммий!” (отгил, отгил эй Саъд, санга ота-онам фидо бўлсин) деб хитоб қиладилар. Пешво уламоларимиздан раҳматли Алихонтўра Соғуний-

нинг айтишларича, Ухуд жангидан илгари ҳам ва кейин ҳам Муҳаммад алайҳиссалом томонларидан ҳеч кимга бундай сўзлар айтилмаган. Саъд ибн Абу Ваққос Муҳаммад найғамбаримизнинг бир неча бор оғир вазиятдан чиқиб олишларига сабаб бўлганлар, эркаклар орасида олтинчи бўлиб ислом динини қабул қилганлар, пайғамбаримиз вафотларидан кейин халифаликка номзодлардан бири бўлганлар. Ҳазрати Умар ибн Ал Хаттоб халифалиги даврида Шарққа лашкарбоши қилиб юборилганлар. Ҳазрати Умар ал Хаттоб милодий 634-644 йилларда халифалик қилганликларини назарда тутсак, Саъд ибн Ваққос ана шу йиллар орасида Туронга ташриф буюрганлар. Бу воқеа Қутайба ибн Муслим келишидан 70 йилча олдин юз берган, дейиш мумкин.

Тошкентлик билимдон отахонларнинг ҳикоя қилишларича, Саъд ибн Абу Ваққос ота қадим-қадимдан “Камони шоший”лари билан машҳур бўлган Тошкентда ҳам яшаганлар. У зотнинг келишлари шарофати билан у булоқ кўз очган ёки у киши булоқ сувининг шифобахшлигини кашф этганлар. Тошкент азалдан ўқ-ёй ишловчи ҳунармандлари, камонгарлар-тирандозлари билан машҳур бўлган. Саъд ибн Абу Ваққос ҳазратларининг асл касблари ҳам худди шундай бўлганлигини назарда тутсак, бу ҳикояда жон-мантиқ борлигини ҳис этамиз. Бутина эмас, саҳобаи киромлардан бўлмиш Саъд ибн Абу Ваққос Туронда ислом динини ташвиқ ва тарғиб қилишлари табиий эди. У киши ҳаётининг давоми Тошкентдан шимолроқда жойлашган Сабронда кечганини Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларида қайд этиб, Саъд ибн Абу Ваққос руҳидан мадад олганларини билдиради. Ўша пайтлари Саброн ҳам, унинг яқинидаги Сигноқ ҳам турли томонларга ўқ-ёй олиб кетиладиган кичик шаҳарлар бўлганини рус тарихчиси Василий Бартольд тилпа олиб ўтса, Шарқ тарихчиси Ҳофиз Таниш эса Сабронда кўп уламолар яшаб ўтганлигини, ҳатто Бухородаги энг машҳур мадраса — Мир Араб шу ердан етишиб чиққан, асли араб шаҳзодаларидан бўлмиш Абдулла Яманий шарафига Убайдуллахон томонидан қурилганини баён этади.

Маълумки, ислом динининг моҳияти ва қудрати ҳам шундаки, бу таълимотни қурол кучи билан эмас, мантиқ, исбот кучи билан, намуна кўрсатиш йўли билан тарғиб ва ташвиқ этилади. Яссавийга — ана шундай иш тутиш тариқатидир. Бу тариқатнинг илдизлари Аҳмад Яссавий замонларидан тўрт юз йиллар аввалги диний ҳаётимизга

бориб тугашади, деган фикрни илгари сурмоқчимиз, яъни Қутайба ибн Муслим Мовароуннаҳрга қўшин билан кириб келишидан 70 йилларча илгари Туроннинг Шош, Сайрам, Фароб ва бошқа вилоятларининг халқлари Саъд ибн Абу Ваққос ва сафдошларининг тарғиб-ташвиқотлари тўфайли ихтиёрий равишда ислом динини қабул қилган эдилар, демоқчимиз. Саъд ибн Абу Ваққос ва сафдошлари Туронга келганларида ислом дини ҳали мазҳабларга ажралмаган эди.

Юқорида келтирилган маълумотлар шунинг учун ҳам аҳамиятли деб ҳисоблаймизки, Исломи дини Туронга қандай, қайси йўллар билан, кимлар иштирокида ҳамда қачон кириб келиб ёйилганини билишга маълум аниқликлар киритса керак, деб ҳисоблаймиз.

Туроннинг нисбатан шимолий вилоятлари, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими, Еттисув ўлкалари, Туроннинг нисбатан ғарбий қисми — Дашти Қипчоқ халқлари — туркийлар IX-X асрларда ихтиёрий равишда ислом динини қабул қилишларини шу билан изоҳлаймизки, бу ҳудудларда яшовчи халқларнинг аجدодлари ўтган замонларда мусулмон бўлган эдилар, кейинги авлодлар будпараст бўлиб кетган эдилар, улар учун ислом динини қабул қилиш — аждодлар динига қайтиш эди. Шу сабабли ҳам Туронда 200 минг оила бир йўла ислом динини қабул қилган ҳоллар юз берган эди. Уларнинг қонида, турмуш тарзида ислом динига мойиллик ва мослик жиҳатлари кўп эди. Айтиш мумкинки, Куръони карим Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилина бошлаган милодий 610 йиллардаёқ туронликларнинг аксарият қисми ислом динини қабул қилишга руҳан ва қалбан тайёр эдилар, деб ҳисобласак бўлади. Биз “аксарият” деган иборани ишлатяпмиз. Демак, ҳаммани эмас, кўпчилиكنи назарда тутяпмиз, озчилик Исломи динини дарҳол қабул қилмади, ёки уни дарҳол қабул қилишга ҳозир эмасди. Ана шу озчилик кимлар эди? Сўзни ана шулар ҳақида бошлаймиз.

Тарихдан маълумки, VII асрнинг иккинчи ярми, VIII асрнинг бошларида Буюк Туронни кўзда тутсақ, мамлакатнинг Ҳинд ва Форс диёрларига яқин ҳудудларида будда таълимотини қабул қилганлар ҳам, ўтга топинувчилар — оташпарастлар ҳам бор эди. Хоразм, Бухоро, Самарқанд аҳолисига ҳам оташпарастлик таъсири юккан эди. Оташпарастларнинг бош китоби — “Овесто”ни билувчи кишилар — қоҳинлар ҳам бу ерларда бор эди. Улар она тилимизда Ўт оға дейиларди, оташпарастлар ибодатхонасида

ҳамиша ёниб турувчи ўтнинг ўчиб қолмаслиги учун маъсул бўлган киши шундай аталарди. Ҳали ҳамон бу атама ўтоғаси шаклида сақланиб қолган. Ана шу оташпараст аждодларимиз ислом динини дарҳол қабул қилмаган, онглари оташпарастлик касофати билан банд ва заҳарланганлиги туфайли исломни тушуниб етишлари осонликча кечмади. Бунинг учун аввало тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиши лозим эди. Ислом шундай илоҳий ва қудратли динки, у ихтиёрий қабул қилинади, уни қурол ишлатиб, мажбуран қабул қилдиришга ҳожат ҳам йўқ. Ана шу борада, тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Амир Қутайба ибн Муслим тезлик қилиб қўйган кўринади. Масалан, Самарқандда мусулмонлар билан оташпарастлар ўртасида қон тўкилган ҳоллар ҳам юз берган. Бир гуруҳ самарқандликлар 705-710 йиллар орасида мусулмончилик шаҳарга зўрлик билан, қурол кучи билан олиб кирилди, деб халифалик марказига арз қиладилар. У ерда бу шикоят ислом таълимоти бўйича ўринли деб топилиб, диний адолат бўйича иш тугилади-да, ислом аскарлари Самарқанддан олиб чиқиб кетилади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Амир Қутайба аскарлари ўтпарастлик таълимотини тарғиб қилувчи китобларни ёқишган. Абу Райҳон Беруний “Осорул ал-боқия” асарида худди шу ҳолатни эслатиб ўтган. Буни қарангки, Амир Қутайба аскарларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатган Хоразм, Термиз, Бухоро, Фарғона каби Турон ҳудудлари кейинчалик ислом динининг энг йирик марказлари бўлиб қолди. Мусулмон дунёсига буюк Хоразмийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Фарғонийлар, Самарқандийларни етиштириб берди.

Энди Туроннинг нисбатан шимолий, шарқий, шарқий-шимолий, ғарбий, ғарбий-шимолий ҳудудларида ислом дини ихтиёрий равишда, қилич кучи билан эмас, балки ташвиқот, тарғибот ва мантиқ кучи билан қабул қилинишини изоҳлаб ўтамиз. Маълумки, бу ҳудудларда Ўғузхон замонларидан кейин, орадан маълум давр ўтгач, турк қабилалари ўртасида бутпарастлик ҳам, шамонийлар ҳам, чекка ўлкаларда эса мажусийлар ҳам бор эди. Шамонийлик етакчилиқ қиларди. Аждодларимизнинг “Тангри” тушунчаси исломий “Аллоҳ” тушунчасига яқин келиб қолган эди. Уларда илоҳий ҳокимият тушунчаси мавжуд бўлган. Бутун борлиқни яратувчи, одамларнинг яхши ва ёмон тақдирларини белгиловчи — Тангри деб билганлар. Шамоний турклар бошларига бирор мушкул иш тушганда

кўкка боқиб, “Тангри бир” дея илтижо қилганлар, деган гап ана ўша даврлардан етиб келган.

Қадимда юнон, румо ва бошқа қавмларда кўнхудолик мавжуд бўлгани ҳолда туркларда Тангри бирлиги ишончи вужудга келган. Шу билан бирга Тангри кўкда деб ҳисоблашган. Аслида, яъни ислом таълимотига кўра, Аллоҳ — ломакон, маконга ҳожати йўқ энг буюк зотдир.

Тангри сўзи ҳам Кўк (осмон, само), ҳам Аллоҳ маъноларини англатган. “Кўк Тангри” ибораси ана шундан келиб чиққан. Барча динларнинг самовий таълимотлар деб аталиши ҳам шунга бориб тақалади.

Аждодларимизда Тангри ердаги одамларни кўриб туради, хоқонлар ҳокимиятни Тангридан олади, деган тушунчалар ҳам бўлган. “Подшоҳ Аллоҳнинг ердаги сояси-дир” деган нақлни бир эсланг.

Улуғ ва танҳо бўлмиш Тангрига ишонувчи аждодларимиз руҳнинг абадийлигига, охираат ҳаётига, яхшилик эвазига мукофот, ёмонликка яраша жазо берилишига ишонишган. Уларда арвоҳ тушунчаси ҳам бўлган. Яхши одам ўлганда, руҳи Кўкка — Тангри томонга учиб кетади, ёмон одам ўлганида эса, руҳи ер остига юборилади, деб ҳисоблашган. Шу тариқа жаннат ва дўзах тушунчалари пайдо бўлган. Она тилимизда дўзах — тамуғ, жаннат — учмоғдир, учмоғ сўзининг луғавий маъноси ердан кўтарилиш, осмонга парвоз қилишдир. Аждодларимизда бундай тушунчаларнинг мавжуд бўлиши қадимда — Туркхон, Ўғузхон замонларида уларнинг мусулмон бўлганликларини кўрсатувчи далиллардандир. Шундай анъанавий асослар ва айниқса Тангри бирлиги ҳақидаги тушунча Туроннинг катта бир ҳудудида ислом дини ихтиёрий равишда қабул қилинишига омил бўлди, деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, аждодларимизнинг мусулмонлиги илк бор Ёфас алайҳиссалом ва унинг тўнғич ўғли бобокалонимиз Туркхон замонларидан бошланган.

Ўғузхон даврида эса иккинчи марта мусулмон бўлиб яшаганлар.

Муҳаммад алайҳиссалом замонларидан бошлаб мусулмон бўлишимиз бу учинчи марта муслим бўлишимиздир.

Ҳамма динларнинг асоси бир — исломдир. У азалий ва абадийдир. Маълумки, инсоннинг хулқи тузалишдан кўра бузилишга мойилроқдир. Шу боис Аллоҳ таолло динни тирилтириб туради. Улуғ олим Абу Ҳомид Ғазолий худди шу мавзуда махсус асар ёзиб, бу китобини “Диний билимларни тирилтириш” деб аташи ҳам бежиз эмас, албатта.

Дарвоқе, шу ўринда яна бир нарсани эслатиб ўтишни лозим кўрамиз. Туронда ибодат қилинувчи махсус бинолар — ибодатхоналар бўлмаган. Улар исталган жойларда Кўкка боқиб дуолар ўқиб кетаверганлар.

Мусавий ва исавийларда ибодатхоналар — калисо ва черковлар, ўтпарастрларда эса ўтхоналар бўлган, улар ибодатларини мана шу биноларда ўтаганлар.

Ислом таълимотига кўра Ер юзининг ҳар бир пок жойида намоз ўқишга рухсат берилади, камида уч киши биргаликда ўқиган намози жамоат намози мақомида ҳисобланаверади. Исломнинг бу борадаги кенглиги ҳам аждодларимизнинг азалий диний турмушлари тарзига мос келган эди.

Биринчи масжид биноси Муҳаммад алайҳиссалом замонларида қурилган. Кейин бу анъана диний турмуш тарзи тақозоси билан бутун ислом дунёсида, жумладан Туронда ҳам кенг авж олиб кетган. Азалдан қонида иморатсозлик унсурлари бўлган туркий халқлар тарихида бирор хоқон, хон, подшоҳ, амир ёки бир бой-бадавлат мусулмони комил киши бўлмасинки, катта ёки кичик масжид қурдирмаган бўлсин. Бунга олис ва яқин ўтмишдан минглаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Мазкур анъана юртимизда мустақиллик шарофати билан яна жонланиб кетдики, бу ҳақда кўп тўхтаб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ҳисоблаймиз. Ҳамма-ҳаммасини кўриб-билиб, шоҳиди бўлиб турибмиз.

## ТУРКИСТОН

Туркистон Туроннинг кунчиқар ва кунботар кенглиги бўйича чамалаганда нақ марказидадир. Шимол ва жануб узунлиги бўйича ҳисоблаганда жануброқда жойлашган асосий ҳудудидир. Умуман олганда эса, Туркистон Туроннинг марказий қисмидир. Берунийлар, Қошғарийлар, Яссавийлар замонидаёқ (ва улардан илгарилари ҳам), Улуғбеклар, Бобурлар даврида ҳам Турон сўзи билан бирга Туронзамин ва Туркистон иборалари ишлатила бошлаган. Кўпинча эса Туркистон деганда бутун Туронни, Турон деганда эса бутун Туркистонни ҳам англашаверган.

Биринчи марта “Туркистон” атамаси мамлакат маъносида 539 йили, Араб халифалиги вакиллари юртимизга келмасданоқ, Форс манбаларида учрай бошлаган. Унгача юртимиз Турон дея аталган. Туркистон қўшма сўз бўлиб, “Турк” ва “стон” сўзларининг қўшилишидан яратилган.

“Стон” сўзи мамлакат маъносини билдиради. Туркистон — бу турклар мамлакати, турклар давлати демакдир.

Асрлар давомида Туркистоннинг худудий доираси ўзгариб, баъзан кенгайиб, баъзан кичрайиброқ турган. Масалан, милодий VI асрда Туркистон дейилганда Форс ва Ҳинд вилоятларидан Шимолдаги ўлкалар — барча туркий халқлар яшайдиган ҳамма диёрлар — Танкутдан (Тибетнинг туркий номи, форсча Тибет аталади) тортиб Шимолий Кутбгача, Осиё қитъасини Ёпуниёдан (Навоийнинг “Хамса”сида шундай ёзилган) ажратиб турувчи Татар бўғозидан Дунай дарёси бўйларигача бўлган худудлар назарда тутилган бўлса, X—XI асрларда бу худуд бир томондан кенгайиб, иккинчи томондан бироз торайган эди: Хитой чегараси шимолга сурилган, мўғуллар умумтуркликдан ажралиб чиққан, славянлар Жанубга — қипчоқ, бижанак ва бошқа турк қабилалари диёри — Дашғи Қипчоқ томонга силжиб, Днепрнинг ўрта оқимида Киев князлигини тузган, Дунай бўйидаги можорлар (ўша Атилахоннинг авлодлари), Итил бўйидан кўчиб келган булғорлар насроний динини қабул қилган бўлсалар, иккинчи томондан, Туронзаминнинг нисбатан шимоли-ғарбий қисмида Ока, Кама дарёлари ҳамда Итилнинг юқори оқими ҳавзаларида ва уларга туташ худудларда, яъни ҳозирги Татаристон, Бошқирдистон, Мордва, Мари, Чувашистон, Удмурдистон ўрнида ислом динини қабул қилган маданий бир давлат — Булғористон давлати вужудга келган (пойтахтининг номи Булғордир). Кичик Осиёда, яъни Туркиянинг Осиё қисмидаги худудида туркий давлатлар — Салжук беклиги, Усмон бекликлари оёққа тура бошлаган эди. Умуман эса, диний эътиқод борасида бу даврга келиб турк халқларининг аксарияти ислом динини қабул қилиб бўлган эди, шарқий худудлардаги айрим эллар, айниқса, камсонли элатлар бундан мустасно эдилар.

Туроннинг Туркистонлик даврини Туркликнинг мусулмончилик билан узвий қўшиливидир, дейиш ҳам мумкин. Туркистон — бу исломий Турондир.

Шу ўринда араб лашкарбошиларида ва ислом динини тарқатувчиларидан бири Уммавий Араб халифалигининг Хуросон ва Сейистондаги ноиб Кутайба ибн Муслимининг номини эслаб ўтишимиз лозим. У Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм воҳаларини, Фарғона водийсини то Қашқаргача бўлган қисмини халифаликка қўшган. У милодий 715 йили ҳозирги Андижон вилояти, Жалолкудук туманида исён кўтарган ўз аскарлари томонидан ўлдирил-



ган. Мовароуннаҳр номи ҳам ана ўша пайтда пайдо бўлган. Бу номни биринчи бўлиб Қутайба ибн Муслим тилга олган бўлса ажаб эмас. Мовароуннаҳр сўзини ўзбекчага таржима қилсак, дарёнинг нариги тарафи деган маънони билдиради. Икки дарё, яъни Амударё ва Сирдарё оралиғидаги жойларнигина эмас.

Қутайба ибн Муслим ва унинг сафдошлари томонидан юртимизга ислом динининг тарғиб қилиниши арафасида Туркистон ягона бир мамлакат эмас эди. Заминимизда ўнлаб катта-кичик давлатлар мавжуд бўлиб, улар орасида энг қудратлиси Буюк Турк хоқонлиги эди. Милодий 460 йили хонлик сифатида вужудга келган, 551 йили Илхон Бумин хоқонлик деб эълон қилган бу давлатнинг ҳудуди шарқда Манжуриядан бошлаб, ғарбда Византия чегарасигача, Азов ва Қора денгиз бўйларидаги Боспор (Керч), Херсонес шаҳарларигача, жанубда эса Форс вилоятигача борар эди. Византия ва бошқа давлатлар билан савдо-сотик яхши йўлга қўйилган эди.

VI аср охирида бу хоқонлик иккига бўлиниб, Шарқий турк хоқонлиги ва Ғарбий турк хоқонлиги вужудга келган. VII аср бошларида Ғарбий турк хоқонлиги ярим мустақил 15 давлатдан иборат эди. Тошкент, Фарғона, Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва бошқа ўлкаларда ана шундай ярим мустақил давлатлар бор эди. Қутайба ибн Муслимнинг юртимизга келиши шундай бир пайтга тўғри келган. Хоқон Шибий, Хоқон Хелу, Хоқон Қутлуғ, Хоқон Қопоғон, Хоқон Билге, Хоқон Шабало, Хоқон Ашина ва бошқалар бу сулоланинг машҳур вакиллари дир. Уларнинг замонида Хитой, Форс ва Византия билан савдо-сотик кучайган, Самарқанд, Бухоро, Сайрам, Тошкент, Хоразм, Марв, Чоржўйда қурилишлар олиб борилган, умуман шаҳар ҳаёти жонланган. 745 йили Ғарбий турк хоқонлиги тарқалиб кетди.

Албатта, ҳаёт давом этаверди, унинг ўрнида бошқа давлатлар вужудга келди. Туркистоннинг ўзга ҳудудларида ҳам ўзига яраша давлатлар мавжуд эди. Турк отамиздан бошлаб, Турк халқларининг давлатсиз қолган пайти тарихда сира ҳам учрамайди. Туроннинг — Туркистоннинг у ҳудудида бўлмаса, бу ҳудудида давлат бўлган, бир Турк қавми тобе бўлиб қолган бўлса, бошқа қавмларнинг давлатчилиги давом этаверган. Давлати бўлса халқ сақланиб қолади, давлати равнақ топса халқи қудратли бўлади. Бу ақида бизларга Турк отадан мерос.

Шундай қилиб, Қутайба ибн Муслим келишидан кейин Туркистоннинг Мовароуннаҳр ҳудуди Араб халифа-

лиги таркибига киритилди. Лекин Туркистоннинг бошқа худудларида туркий давлатчилик хонлик ва хоқонлик шаклида давом этаверди.

Халифалик марказидан узоқда бўлган ўлкаларда уларни бошқаришни қулайлаштириш мақсадида ноибликлар тузилади. 821 йили Тоҳир ибн Ҳусайн Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинланади, маркази Нишопур шаҳри эди. 873 йили тоҳирийлар ҳокимиятдан четлатилади. 875 йили Наср I Сомоний, 892 йили Исмоил Сомоний халифалик томонидан Мовароуннаҳр ноиблигига лойиқ кўринади. Бу ноиблик ҳам халифалик таркибидаги бир вассал тузилма, бошқаришнинг халифалик манфаатлари учун қулай бир усули эди. Машҳур немис олими Адам Мецнинг “Ислом ренессанси” китобида ёзилишича, бу ноибликнинг бошлиқлари бўйсунмас халқ қаҳрамонларининг азиз бошларини халифалик пойтахти бўлмиш Бағдодга юбориб туришган, бунинг эвазига халифадан совғалар олишган, шу билан ўзларининг гўё марказга бўлган садоқатларини изҳор этишган.

Нишопурда ҳам, Бухорода ҳам ноиблик кўшинлари, жумладан, сарой гвардияси туркий аскарлардан иборат эди. Саркардалар ҳам уларнинг ўзларидан бўлган, аниқроғи, аскарларнинг ўзлари энг муносиб, энг довжоракларини бошлиқ қилиб сайлаб олишган. Аста-секин реал ҳокимият ўша ҳарбий бошлиқлар қўлига ўта боради, ноиблар эса ҳокимиятни қўлдан бой бера бошлайдилар.

Худди шундай тарихий шароитда Араб халифалигининг Туркистондаги вассал ноибликлари ўрнида мустақил туркий давлатлар вужудга келди. Булар Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Ануштакинлар (Хоразмшоҳлар) давлатлари эди. X аср Туркистон жаҳонга шундай буюк лашкарбошилар етиштириб бердики, дунёнинг изми кўп асрлар шуларнинг авлоди қўлида бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, бу давлатларга асос солувчилар хоқонзода ёки султонзодалар эмасди, улар ўша ноибликлардаги туркий кўшинларнинг лашкарбошилари — ҳарбий фаолиятини ўспиринлигидаёқ оддий аскарликдан бошлаган довжорак кишилар эдилар. Улар учун хоқонлик ва султонлик даражалари насаб эмас, балки худди Амир Темур бобомиз учун ҳам бўлгани каби ҳасаб эди, яъни улар ўз саъй-ҳаракатлари билан давлат соҳиби бўлган, ўз сулолаларини бошлаб берган эдилар.

Қорахоний хоқонлар наслан қадим Буюк Туроннинг хоқони Алп Эр Тўнга авлодларидан бўлсалар-да, орадан

минг йилча ўтгач, яна ҳокимиятни курашиб қўлга киритган эдилар. “Қора” сўзининг бир неча маъноси бўлиб, шулардан бири буюк, катта, улкан тушунчаларини билдиради. Қорахоний ҳоқон деганда ана шу маънолар ифодалангани. Масалан, Қорасув катта сойдир, Қоработир — қудратли ботирдир. 927—1212 йиллар давомида асосан Марказий ва Шарқий Туркистонни идора қилган бу сулолага Абдулкарим Сотуқхон асос солган.

Қорахонийлар замонида туркий адабиёт ва санъат, меъморчилик, илм-фан анча ривожланган. Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Бурхониддин Марғилоний, Аҳмад Яссавий каби буюк сиймолар ўша давр фарзандларидир. Қорахонийлардан ёдгорлик бўлиб, буюк иншоотлар қолган ва улар ҳозир ҳам сақланмоқда. Жумладан, Бухородаги Арслонхон минораси (Катта Минора), Жоме масжид, Вобкент минораси, Жарқўрғон минораси, Малик работи, Шоҳи Зиндадаги айрим мақбараларни эслатиб ўтиш мумкин. Аждодлар хотирасини улуғлаш ва адолат йўлида шунини эслатиш ўринлики, барча тарихий асарларда 1127 йили Арслонхон томонидан қурдирилган баландлиги 46 метрдан ортиқ бу иншоот Арслонхон минораси деб аталиб келинган. Фақат шўролар замонида бу миноранинг номи ўзгартирилган. Асрлар шоҳиди бу иншоотни ўз номи билан атасак, аждодлар руҳи шод бўлур эди. 285 йил яшаган Қорахонийлар давлати 1212 йили Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан Хоразм давлатига қўшиб олинган.

Ғазнавийлар ҳақидаги сўзимизни Хоразм фарзанди Абу Райҳон Берунийдан бошлаймиз. Шунда айтмоқчи бўлган фикримиз аниқроқ ифодасини топса ажаб эмас. 973 йили Хоразмнинг ўша пайтдаги пойтахти Кот шаҳри атрофида (берун — шаҳар ташқариси маъносини билдиради) таваллуд топган Абу Райҳон Берунийнинг ҳокитуроби бир иқлим олисда — Ғазна шаҳридадир. Баъзи китобхонлар: “Э, аттанг, улуғ бобомиз ватандан айру тушган эканлар-да, ҳокитуроби бегона юртда қолиб кетибди-да”, деб афсусланишлари ҳам мумкин. Лекин аслида ундай эмас. Беруний ҳазратлари биздан айру тушган эмаслар, тақдир тақозоси билан биз ўзимиз айру тушиб қолганмиз, биз ўзимиз шундай ўйлайдиган бўлиб қолганмиз. Чунки Беруний замонида Ғазна шаҳри Туркистон замини ва худуди эди, у ерда асосан туркийлар яшарди, бу ҳақда Бобур Мирзо ҳам ордан роса 5 аср ўтгач, шундай дейди.

Лашкарбоши Алптакин 962 йили янги давлатга асос солади ва ҳозирги Афғонистоннинг шимоли-шарқий

қисмида, Фазна дарёси бўйидаги Фазна шаҳрини ўзига пойтахт қилиб олади. Пойтахт номи сулола номига, давлат номига ҳам асос бўлади. Шу боис Фазнавийлар, Фазнавийлар давлати атамалари келиб чиқади. Фазнавийлар давлати айниқса Сабуктакин (977-997), Маҳмуд Фазнавий (997-1030), Масъуд I (1030-1041) ҳукмронлик қилган даврларда жуда қудратли бўлиб, бутун Шимолий Ҳиндистонни, ҳозирги Афғонистонни, ҳозирги Эрон ва Марказий Осиёнинг катта қисмини ўз тасарруфига олган эди. Бу даврларда мамлакатда савдо-сотик, илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик, суғориш ишлари ҳам ривожланган. Сирдарё бўйларида, суғорма деҳқончилик равнақ топган юртда туғилиб ўсган Алптакин куш уясида кўрганини қилади, деганларидек бу ерларда ҳам кориз усулида, яъни қатор-қатор қудуқлар қазиб, уларнинг сувини ер остидан оқизиб тўплаш усулини жорий этган. Унинг ўғли Маҳмуд Фазнавий бу ишни давом эттирган. Шунингдек, у буюк ҳомий сифатида ҳам тарихда абадий қолган. Масалан, ўз хазинаси ҳисобидан 300 нафар адиб, олим, фозил ва уламо аҳлига етарли даражада маош тўлаб, уларнинг етук асарлар яратишига шароит яратиб берган. Саройига Беруний, Утбий, Байҳақий, Гардизий, Фирдавсий каби Шарқнинг буюк сиймоларини олиб келган. Яна шуниси диққатга сазоворки, Маҳмуд Фазнавий кимга қандай асар ёзишни таклиф қилишни ўзи белгилаган, яъни ҳозирги ибора билан айтганда, ўзи давлат буюртмаларини берган.

1017 йилдан 1048 йилгача, 31 йиллик умрини Фазнада ўтказган, шу ерда вафот этган Берунийнинг жуда кўп машҳур асарлари, жумладан “Ҳиндистон”, “Сайдана” китоблари ҳам ана шундай давлат буюртмаси бўйича дунёга келган эди. Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ҳам Маҳмуд Фазнавий буюртмаси бўйича яратилган, лекин китобда Турон тарихи бир ёқлама тавсифлангани учун у Маҳмуд Фазнавийга манзур бўлмади. Беруний яна бир шоҳ асарини Масъуд I га бағишлаб, бу китобини “Қонуни Масъудий” деб номлайди. У олимнинг фалакиётга доир энг муҳим асари ҳисобланади. Шундан кейин Беруний яна “Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ан-жавоҳир”, “Ас-сайдана” асарларини яратган. Улуғ олим буюк султоннинг юришларида йўлдошлик қилган. Фазнавийларнинг элчиси сифатида учинчи иқлимда — Ҳиндистоннинг шимолида яшаб, Ҳиндистон халқлари ҳаёти ва тарихини, ҳаттоки қадимги санскрит тилини ҳам ўрганиб, бу мамлакатга оид ўлмас асарлар ёзиб қолдирган.

Ғазнавийлар давлати 1187 йилгача давом этган. Шундан кейин Ғазна шаҳри вилоят маркази бўлиб қолган. Чингизхон босқини арафасида Ғазна шаҳри ўша даврдаги энг қудратли давлат бўлмиш Хоразм давлати таркибида эди. XIII асрнинг охиридан то 1738 йилгача Ғазна шаҳри аввал темурийлар, ундан кейин шу сулоланинг давоми бўлмиш бобурийлар қўлида эди. Темур вафот этган 1405 йилда унинг сеvimли набираларидан бири — валиаҳд Мирзо Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир ибн Темурбек худди шу шаҳарда бўлиб, Туркистоннинг бу ҳудудларини бошқараётган эди. Ғазна XVI аср бошларидан бошлаб Бобур Мирзо салтанати таркибига киради, унда Бобур, ўғиллари Ҳумоюн, Комрон, Ҳиндол, Мирзо Аскарый вақти-вақти билан яшаганлар. Шаҳар 1738 йили туркийларнинг салкам 800 йиллик тасарруфидан чиқиб, пуштун қабилалари қўлига ўтган.

Салжуқийлар, салжуқ авлодлари, буюк султонлар ҳақида билмай туриб, Турон-Туркистоннинг кечмиши ва бугуни тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас, албатта. Бу сулола Туроннинг маркази, кейин ғарбида жуда довруғ қозонган. Сулолага асос солган Салжуқ ибн Дукак Сирдарё бўйидаги Янгикент шаҳрида ўғуз қабиласининг қаниқчи уруғига мансуб оилада туғилган. “Қаниқ” сўзи арава, қаниқли сўзи аравасоз маъноларини билдириши ҳақида ўз ўрнида гапириб ўтган эдик. Шуни эсласак, Салжуқ ибн Дукак аждоди Ўғузхонга бориб тақалишини англашимиз мумкин. Тарихчиларимиз унинг туғилган ва вафот этган йиллари аниқ эмас дейишади. Бизнингча, гарчи жуда аниқ ҳисоблаш қийин бўлса-да, умуман тўғри белгилаш мумкин. Тарихчи ал-Асирнинг ёзишича, Салжуқ ибн Дукак 107 ёшга кирган. Бошқа манбаларда кўрсатилишича, у вафот этгач, ўғиллари ва қариндошлари 985-986 йилларда Нур вилоятида (ҳозирги Нурога тумани) яшаган эканлар. Шу икки рақамни чоғиштириб кўриб, хулоса чиқарсак, Салжуқ ибн Дукак IX асрнинг тўртинчи чорагида туғилиб, X асрнинг 70-йилларида вафот этган бўлиб чиқади.

Салжуқ ибн Дукак ҳокимият учун курашни юзбоши сифатида бошлаган бўлса, унинг авлодлари дастлаб Туркистоннинг жанубида, ҳозирги ибора билан айтганда Хуросонда 1038 йилдан бошлаб ҳукмрон бўлишган. Кейин бу давлат жуда кучайиб ва кенгайиб, бир аср давомида Хоразм, ҳозирги Эрон ҳудуди, Озарбайжон, Ироқ, Арма-

нистон, Кичик Осиё (ҳозирги Туркиянинг Осиё қитъа-сидаги қисми), Сурия, Фаластин, Яман, Баҳрайн, Гуржистон, Ширвон ўлкаларини ўз таркибига киритди. Салжуқий Маликшоҳ замонида маълум бир муддат (1072—1074) Термиз, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона ҳам шу давлат таркибида бўлди.

1118 йили Салжуқийлар салтанати иккига бўлинди. Пойтахти Ҳамадон бўлмиш Ғарбий Салжуқий давлат Ироқ султонлиги (1118—1194) деб аталди, уни дастлаб Маҳмуд ибн Муҳаммад бошқарди. Пойтахти Марв бўлмиш Шарқий Салжуқий давлатни (1118—1157) Султон Санжар бошқарди. Кейин иккала Салжуқийлар давлати ҳам Хоразмшоҳлар томонидан бу мамлакатга қўшиб олинди. Фақат Кичик Осиёда Кўнйа султонлиги мустақиллигича қолди. Ҳозир туркиялик қардошларимиз бизнинг давлатчилигимизга туркистонлик аждодларимиз асос солинган, Туркистон — она юртимиздир, дейишларига боис мана шундандир, салжуқийлардандир. Кўряксизки, гап айланиб бориб, Туркияга етади. Кўнйа султонлигига Сулаймон I 1077 йили асос солган. 1308 йили бу султонлик кичик бекликларга бўлиниб кетди. Шу бекликлардан бирига Усмон исмли киши бек эди. Шу беклик 1320 йилдан эътиборан кучайиб ва бора-бора кенгайиб, буюк салтанатга айланди. Усмонлилар давлати деб аталган бу давлатнинг биринчи пойтахти Бурса шаҳри эди. Халқининг номи ҳам, тили ҳам усмонли деб аталарди. 1402 йили Амир Темур ва Султон Боязид I ўртасида бўлган Анқара жангидан сўнг, ордан қирқ йилча ўтгач, усмонлилар давлати яна кучая бошлади. 1453 йили — бундан 820 йилча аввал Муҳаммад алайҳиссалом айтган баъшоратлари юз берди — Султон Меҳмет II Константинополни фатҳ этади, уни Истанбул деб атайдди ва ўз давлатининг бошкенти — пойтахти деб эълон қилади.

1550 йилларда Усмонлилар давлати шу қадар қудратли ва улкан бир салтанатга айланган эдики, ўша замонда бутун дунё бўйича унга тенг келадиган мамлакат йўқ эди. Фикримизнинг исботи учун иккита рақам келтирамиз. Ўша пайтда Усмонлилар давлатининг ҳудуди 8 миллион карра(квадрат) километр бўлиб, ҳозир Туркия Жумҳуриятининг ҳудуди 780 минг 600 карра километрдыр. Усмонлилар салтанати қарийб 600 йил яшади. 1920 йилларда Мустафо Камол Отатурк томонидан халифалик бекор қилинди ва Туркия жумҳурият деб эълон этилди. Туркиялик қардошларимиз шу сабабли Турон-Туркистонни ота юр-

тимиз дейдилар. Сирдарё бўйида туғилган аждодимиз Салжук бобонинг авлодлари шу қадар донг таратган эдилар.

Энди ёўз Хоразмшоҳлар хусусида боради. Хоразмшоҳ — Хоразмда ҳукмдорлик қилган кишиларнинг унвонидир. 4 та сулола вакилларига шундай унвон берилган. Булар Африғийлар (305—995), Маъмунийлар (995—1017), Олтинтош (1017—1034) ва Анушгагин (1097—1231) сулолаларидир. Уларнинг сўнгги вакили — Жалолиддин Мангуберди.

Айниқса, Хоразмшоҳ Маъмун ва Хоразмшоҳ Маъмун II ибн Маъмун замонида Хоразм давлатининг қудрати ошади. Мамлакат пойтахти Урганч (араблар Журжон деб ёзганлар) йирик маданият марказига айланади, Маъмун академияси очилади, унда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, Абулхайр, Ибн Мискавайх, Абу Бакр Муҳаммад Хоразмий, Абу Саид Шашибий, Абулҳасан Маъмун ва бошқа йирик олимлар, шоирлар фаолият кўрсатадилар.

Чингизхон босқини арафасида, яъни XIII асрнинг бошларида, Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200—1220) замонида Хоразм давлати ўша давр учун дунёдаги энг қудратли ва улкан мамлакат эди. Лекин урушда Чингизхон ғолиб чиқади. Тарихчилар бунга иккита сабабни асос қилиб кўрсатадилар. Биринчиси — Алоуддин Муҳаммад барча кўшинларни бир жойга тўшлаб, Чингизхонга қарши бир йўла жанг қилиш ўрнига, кўшинларни жой-жойларга бўлиб, Чингизхонга қарши курашиш йўлини тутади. Бундай ҳарбий тактика амалда ўзини оқламайди, Чингизхон бўлинган кўшинлар устидан ғолиб келаверади ва ютиб чиқади.

Ислом тарихчилари эса Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад мағлубиятини унинг гурурланиб кетганлигига, диний заифлигига, Бағдод халифасига қарши шиалар томонида турганлигига боғлашади. Чингизхоннинг ғалабасини эса унинг Тангрига бўлган садоқатига, жанг арафасида, хусусан, Ўтрор шаҳрига ҳужум бошлашдан олдин ёлғиз ўзи бир тепаликка чиқиб уч кун Тангрига илтижо қилганига йўйишади. Гуржи ва армани манбалари ҳам Чингизхон аскарлари тилидан Тангри сўзи тушмаганини, уч марта тиз чўкиб топинишганини, ҳатто мактубларида “Мангу Тхенгри кучундир” (“Мангу Тангрининг кучи билан”) деган ибора билан бошлашганини тасдиқлайди.

Бу гапларнинг ҳақиқатга нақадар яқин келиши ёлғиз Аллоҳга аён. Лекин эътиқодда ҳикмат кўп. Бу ҳам аён гап.

## ТУРКИСТОННИНГ ҚЎШНИЛАРИ

Бу ўринда давр эътибори билан икки хил қўшниларни тушунмоқ керак. Қадимги қўшнилар ва кейинги, яъни янги қўшнилар. Туркхон, Ўғузхон замонларида қўшниларимиз — ғарби-жанубда Бобил, жанубда Ҳинд ва Форс, шарқи-жанубда Чин мамлакатлари эди, холос. Ўзи у пайтларда дунёда ҳали бошқа давлатлар вужудга келмаган эди ҳам.

Турон мамлакатининг жануби-ғарбдаги ён қўшниси бўлмиш **Эрон** ҳам Туронга тенгдош қадимий давлатлардандир.

Милoddан илгариги биринчи минг йилликнинг ўрталарида ҳозирги Эроннинг ғарби-жанубидаги бир вилояти — Форсда Форсия подшоҳлиги вужудга келади. Милoddан аввалги 550 йили ҳокимият форсий сулола бўлмиш Ахманий қўлига ўтгач, юнонлар, кейинчалик Оврупонинг бошқа халқлари ҳам Форсия номини мамлакатнинг барча қисмига тааллуқли деб билиб, уни Форсия деб атай бошлаганлар. Оврупо адабиётларида бу ном 1935 йилгача сақланиб келган, русларнинг “Персия” дейиши ана шундандир. Эрон ҳудуди гоҳ кенгайиб, гоҳ кичрайиб турган. Ҳамма вақт кўп миллатли мамлакат бўлган, асосан эса форсий ва туркий халқлар яшаган, бу ҳол ҳозиргача сақланиб келади.

Ахмонийлардан сўнг бу диёрда Парфия, Сосонийлар давлат қуришган. Кейин ҳозирги Эрон ҳудуди Араб халифалиги таркибига киради. Узоқ йиллар давомида араб тили давлат тили ва адабий тил бўлиб қолади. IX асрда халифаликка бўйсунувчи кичик-кичик ноибликлар тузилади.

XI асрнинг бошларида Шарқий Эрон Ғазнавий давлати таркибига кирди, Хоразмшоҳлар қўлида бўлди. Кейин мамлакатнинг бутун ҳудуди Салжуқийлар давлати таркибига қўшилди. XIII асрнинг йигирманчи йилларидан бошлаб то XIV асрнинг ўрталаригача элхонийларга тобе эди. Амир Темур замонасида темурийлар давлатига қўшиб олинди. Соҳибқирон вафотидан кейин мамлакатнинг шарқий ҳудуди темурийлар қўлида қолиб, ғарбий ҳудудида эса бошқа бир сулола — қора қўюнлилар давлати вужудга келади. 1502—1736 йиллар давомида Эронда озарбайжон сулоласи Сафавийлар ҳукмдорлик қилади. Қизил тусдаги бош кийим кийганликлари сабабли уларни қизилбошлилар дейиш расм бўлган. 1502 йили шиа мазҳаби давлат дини деб эълон қилинади ва бу сулоланинг барча вакил-



лари шу мазҳабни ёйиш учун қаттиқ кураш олиб борадилар. Бу ишни сулолабоши Исмоил I бошлаб беради.

Сафавийлар, гарчи тили туркий бўлса-да, шарқда ўзбек хонликлари билан, Фарбда усмонли турклар билан муттасил уруш олиб борди. Уларнинг биринчи пойтахти Табриз бўлган. Кейин пойтахт Қазвинга, ундан сўнг Исфаҳонга кўчирилган. 1736 йилда сулолалар алмашинган, қизилбошлиларнинг афшор қабиласидан бўлган Нодиршоҳ ҳокимият тепасига келади. Унинг талончилик урушлари натижасида йирик бир давлат — империя тузилди. Унга Арманистон, Озарбайжон, Гуржистон, Доғистон, Афғонистон, Балужистон ҳамда бирозгина вақт Хева ва Бухоро хонликлари киради. 1737—1739 йилларда Нодиршоҳ Шимолий Ҳиндистонга ҳужум қилади. Бобурийлар пойтахти Деҳлини эгаллаб, катта бойликни қўлга киритади. Нодиршоҳ 1747 йили Хуросонда фитна натижасида ўлдирилгач, империя парчаланиб кетади. Занд ва қожар хонлари ўртасида жанг бошланиб, узоқ давом этади. XVIII асрнинг охирига келиб, ҳокимият тепасига яна бир туркий сулола — Қожарлар келади. Уларнинг вакиллари-дан бири Муҳаммадшоҳ I мамлакат пойтахтини 1786 йили Техронга кўчиради.

Қожарлар ўрнини 1925 йили паҳлавийлар эгаллайдилар. Паҳлавийлардан фақат икки вакил давлат тепасида бўлди. Уларнинг биринчиси 1941 йили тахтдан воз кечган Ризошоҳ бўлса, иккинчиси эса унинг ўрнига ўтирган ўгли Муҳаммад Ризо Паҳлавий эди. 1978 йилнинг январь ойида бошланиб кетган шоҳ тузумига қарши халқ ҳаракати туфайли шаҳаншоҳ 1979 йилнинг январида мамлакатни тарк этади. 2500 йилдан кўпроқ давом этган монархия тузуми ағдарилади, ҳокимият оятуллоҳ Ҳумайний бошчилигидаги шиа руҳонийлари қўлига ўтади. Шу тариқа ҳозирги Эрон Ислом Жумҳурияти вужудга келади.

Демак, ҳозирги Эрон ҳудуди жиҳатидан ҳам, аҳолиси ва тузуми жиҳатидан ҳам милоддан аввалги ёки ўрта асрлардаги Эрон эмас. Бу билан айтмоқчимизки, агар сўз милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарига тааллуқли бўлса, кичик Форсия подшоҳлигини назарда тутиш лозим. Милодий V асрлар ҳақида гап кетса Сосонийлар Эронини, IX асрга оид бўлса, Араб халифалигига тобе ноибликлар Эронини, X асрдан то 1925 йилга қадар тегишли бўлса, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, ғазнавийлар, қорақўюнлар, темурийлар, сафавийлар, афшорлар, қожарларга тобе мамлакатни мушоҳада қилиш керак. Шунинг-

дек, Эронда бир ярим асрча Чингизхон авлоди ҳукм юргизганини ҳам унутмаслик керак.

Ваҳоланки, шўролар даврида яратилган аксарият тарихий ва адабий асарларда бундай қилинмади, Эрон тарихи ҳақида гап борса, ундаги форсий қатламга ўрин берилди-ю, туркий қатлами ҳақида лом-мим дейилмади, четлаб ўтилди. Тарихий асарлардаги бундай муносабат оқибатида бадиий асарларда, дарсликларда китобхонлар ва ўқувчиларга шундай тасаввур ҳосил қилиндики, гўё ҳатто ўша сафавийлар ҳам туркий эмас. Ҳақиқатда эса Эрон тарихи шу ҳудудда яшаган ва яшаётган барча халқларнинг, давлат тузган форсий ва туркий сулолаларнинг ҳам тарихидир. Масалага шундай қаралса, адолатли иш қилинган бўлур эди.

Бугун тарих ўз ўрнини замонага бўшатиб берди. Ҳозир бизнинг қўшимиз сифатида Эрон Ислом Жумҳурияги мавжуд. Унинг ҳудуди қадимги Форс, Жанубий Туркистон, Фарбий Хуросон, Жанубий Озарбайжон, Ироқи Ажам, Шарқий Курдистон ва бошқа ўлкалардан иборат бўлиб, 1 миллион 648 минг карра километрни ташкил этади.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасида тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро иззат-ҳурматга асосланган дўстона муносабатлар ўрнатилган.

**Афғонистон** эса Туркистоннинг янги ёш қўшниларидан бири. Унга 1747 йили Аҳмадшоҳ Дурроний томонидан асос солинган. Унгача бу ҳудуд бобурийлар ва аштархонийлар давлатлари таркибида эди.

Маълумки, 1747 йили аштархонийларнинг сўнгги вакили бўлмиш Абулфайзхон вафотидан кейин Бухоро хонлигида ички низолар, тахт учун курашишлар, сулолалар алмашиниши натижасида марказий ҳокимият заифлашди ва бунинг оқибатида Бухоро хонлигининг Амударёнинг сўл қирғоғидаги қисми — Балхдан то Ҳиротгача бўлган 9 та вилояти — Жанубий Туркистон Афғонистон подшоҳлиги таркибига қўшиб олинади. Бу вилоятларда азалдан ўзбеклар, қисман туркманлар яшаб келади. Ҳозир Афғонистонда 3 миллиондан ортиқ ўзбеклар истиқомат қилмоқдалар.

**Ҳиндистон** — Туркистоннинг қадим қўшниларидан бири. Унда турли динларга эътиқод қилувчи турли халқлар, элатлар ва қабилалар яшайдилар. Шулар қаторида бу афсонавий мамлакатда, айниқса, унинг шимолий ҳудудларида, Жамму ва Кашмир вилоятларида Туркхон замонларидан бошлаб туркий халқлар ҳам истиқомат қилиб кел-

моқдалар. Қадимдан бу минтақада яшаб келаётган аждодларимизни Абу Райҳон Беруний “Ҳиндистон” асарида умумий қилиб тибетлик турклар деб атайди. Ҳиндистон тарихи ва тақдирида ўзбекнинг барлос ва жалойир қабилалари катта ўрин эгаллаган. XII асрда асос солинган Деҳли султонлигининг ҳукмдори Шамсиддин Элтутмиш ҳам, Деҳли маликаси Розиябегим ҳам, буюк шоир Амир Хусрав Деҳлавий ҳам ана шу барлослардан эдилар.

Юртимиздан чиққан буюк аждодларимизнинг ўзга юртларда ҳам ўз нодир истеъдод ва ақл-заковатлари билан нақадар юксак мавқе-эътибор қозонганликларига бир мисол тарзида Ҳиндистонда фаолият кўрсатган ана шундай зотлардан баъзиларининг ҳаёти ва ижодини мухтасар эслатиб ўтиш жоиз.

Яминиддин Абул Ҳасан Хусрав Деҳлавий 1253 йили Деҳлига яқин Патёла шаҳрида туғилиб, 1325 йили Деҳлида вафот этган. Отаси Сайфиддин Маҳмуд асли кешлик бўлиб, тақдир тақозоси билан Ҳиндистонга кўчиб боради. Деҳли султони Шамсиддин Элтутмиш давлат олдидаги ҳарбий хизматларини қадрлаб, унга амирлик унвонини берган. Сайфиддин Маҳмуд вафот этгач, ёш Яминиддинни бобоси Имодулмулк ўз тарбиясига олади. Бўлажак шоирга мутасаввуф Шайх Низомиддин Авлиё устозлик қилади, янги-янги асарлар ёзишга илҳомлантиради. Хусрав Деҳлавий йигирма ёшидаёқ таниқли шоирлар қаторидан ўрин олади. Форс, урду ва араб тилларида ижод қилади. Уни урду тилида шеър ёзган биринчи шоир деб эъзозлайдилар.

Деҳли султонларидан Жалолиддин Фирузшоҳ Хусрав Деҳлавийга амирлик унвони ва бош ходим лавозимини беради, унга ер-сув инъом қилиб, 1200 танга маош тайинлайди. Хусрав Деҳлавий умрининг охиригача саройда яшайди. Охириги беш йиллик умрини Фиёсиддин Туғлуқшоҳ саройида амирлик лавозимида ўтказди.

3 та сулолага мансуб 7 нафар султон саройида хизмат қилган Хусрав Деҳлавий, табиийки, ўша давр анъаналарига кўра ўз асарларини ана шу султонларга бағишлаган бўлса-да, муҳим ижтимоий масалаларни кўтариб чиқади, асарларида юксак инсонпарварлик ғояларини ишари суради, инсоннинг буюклигини, унинг гўзал ва олижаноб туйғуларини тараннум этади.

Хусрав Деҳлавий нафис шеъриятини жамлаб, 5 та девон тузган. Иккита эпик достон ёзган. У Низомий Ганжавий анъаналарини давом эттириб, беш достондан иборат

“Хамса” яратган. Бу билан Хусрав Деҳлавий хамсачиликни янги мазмун, янги қахрамонлар билан бойитди, унинг бадиийлигини оширди. У, шунингдек, тарихий рисоалар, адабий услуб, муסיқага доир асарлар ҳам ёзган. Унинг ижоди Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий томонидан юксак баҳоланган.

Хусрав Деҳлавий гарчи туркий бўлса-да, Ҳиндистонга муҳаббат, ҳинду тилига ҳурмат билан қараган. Шоир ўзининг “Гуррат ул-калом” асарининг дебوحасида “Туркийи Ҳиндистонам, ҳиндавий гуям чу об”, яъни “Мен Ҳиндистон туркийси бўлсам ҳам, ҳиндчани сувдек ичаман” деб ёзади. Жавоҳарлаъл Неру ўзининг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида ҳинд тилида кўп ажойиб китоблар ёзган адиблар орасида энг машҳури турк Амир Хусравдир, деб таъкидлаб ўтган.

Туркий шоирлардан фақат икки кишига амирлик рутбаси берилган. Бири Хусрав Деҳлавий, иккинчиси Алишер Навоийдир. Қисқаси, Амир Хусрав Деҳлавий Туркистон заминидан чиқиб, Ҳиндистон осмонида мангу чарақлаб турувчи ёрқин юлдузлардан биридир.

Бадри (Бадриддин) Чочий 1285 йил Тошкентда туғилган 1332 йили Деҳлига кўчиб боради, Султон Муҳаммад Туғлуқ саройида хизмат қилади, “Қасидаи шитоия”, “Қасидаи сайфия”, “Қасидаи раббия” асарларини ёзади, 35 минг байтлик “Шоҳнома”сини яратади, 10 минг байтдан иборат девон тузади ва “Фахр уз-замон” — “Замон фахри” унвонига сазовор бўлади. 1344 йили Деҳлида вафот этади.

Ҳофиз Хоразмий Хусрав Деҳлавийга кичик замондош, Бадри Чочийга асрдош бўлган. Бугунги ўзбек адабий тилига ниҳоятда мос келадиган туркийда гўзал ғазаллар битган. Девони икки жилд қилиб, бундан бир неча йил олдин Тошкентда чоп этилди. Ғазаллари юртимизда севиб ўқилмоқда ва ҳофизлар ижросида янграмоқда.

Абдулқодир Бедил Мирзонинг ҳам ота-боболари асли шахрисабзлик ҳарбийлардан бўлиб, бобурийлардан Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб ҳукмронлик қилган даврларда йирик ҳарбий лавозимларда хизматда бўлишган. Бедил 1644 йили Банголиянинг Азимобод шаҳрида туғилиб, 1721 йили Деҳлида вафот этган. У атоқли шоир ва мутафаккирдир. У ўз аждодларининг юрти Туркистонда шунчалик машҳур бўлганки, асарлари мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган. Бедилхонлик — яъни, шоир ғазалларини давраларда мутолаа қилиш, мағзини чақиш адабий удум —

анъана тусини олган. Академик Иброҳим Мўминов “Мирзо Абдулқодир Бедил ва унинг фалсафий қарашлари” монографиясида бу аждодимизнинг меросини теран таҳлил қилган.

Саййид Қосимий XVI-XVII асрларда Ҳиндистонда яшаган, туркий тилда ижод қилган. Маснавийлардан иборат тўплами нашр этилган.

Муҳаммад Ёқуб Чингий XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошида Ҳиндистонда яшаган, луғатшунослик билан шуғулланган. “Келурнома” деган ўзбекча-форсча луғат тузган.

1525 йили Бухорода туғилиб, 1588 йили вафот этган шоир Абдураҳмон Мушфиқий бир қанча вақт Акбаршоҳ саройида хизмат қилиб, ижод этгани маълум.

Шоир, тарихчи ва таржимон Султон Муҳаммад Тошкандий — Ҳофиз Кўйкийни Али Қушчининг авлодидан дейдилар. Тошкент вилоятининг Паркент қишлоғида туғилган. Шу боис “Кўйкий” — “Кўҳакий”, яъни “тоғлик” тахаллусига эга бўлган. Ҳиндистонга икки марта сафар қилган, биринчи марта 1528 йилда Бобур билан учрашган. Иккинчи марта боришида — 1569—1570 йилларда Акбаршоҳ билан мулоқотда бўлган. “Тарихи оли Чингиз”, “Тарихи Туркистон” асарларини ўзбекчага ўтирган. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида, Сағбон кўчасида бир кўҳна маҳалла бор. У “Ҳофиз Кўйкий” деб аталади. Маълумки, Қуръони каримни тўла ёд билган ва чиройли қилиб тиловат қилган кишига “Қори” ёки “Ҳофиз” деган унвон берилган. Ҳофиз дегани ҳофизаси — ёддан билиб олув иқтидори кучли деган маънони билдиради.

Султон Муҳаммад Тошкандий ана шундай қорию қурро ҳофизлардан бўлиб, шу маҳаллада яшаган. Халқ унинг хотирасини абадий сақлаб, маҳаллага “Ҳофиз Кўйкий” номини берган.

XVIII асрда Ҳиндистонда яшаб, ҳинд, урду ва ўзбек тилларида ижод қилган шоирлардан яна бири Мирзо Алибахт Азфарий Кўрагонийдир. “Девони туркий”, “Девони урду”, “Девони ҳиндий” тўпламларининг муаллифи, Алишер Навоий асарларини ҳинд ва урду тилларига таржима қилган. Исми шарифидаги Мирзо сўзи амирзодалардан, яъни шаҳзодалардан эканини билдирса, “кўрагоний” лақаби эса турклашган ва мусулмон бўлган маликалардан бирига уйланганини кўрсатади. Кўрагоний — улуғ ҳоконнинг куёви деганидир.

Бобурийлар саройида XVIII асрда ўзбек тилида ижод қилган, туркий девон тузган шоирлардан яна бири Фо-

ригийдир. Девони Ҳиндистондан келтирилиб, ижоди энди энди ўрганилмоқда, айрим шеърлари нашр қилинган.

Ҳиндистонда Туркистондан борган шоиру олимлар, тарихчию уламолар қаторида машҳур рассомлар, меъморлар ҳам ижод этишган. XVI—XVII асрларда Ҳиндистонда яшаб, ижод қилган мусаввирлардан бири Муҳаммад Нодир Самарқандийдир. У муъжаз суратлар — миниатюра-лар ишлаган, подшоҳ Жаҳонгир портретини яратган.

Бобур Мирзонинг ҳарбий салоҳияти, давлат ишларидаги зукқолиги, адабий-бадиий, илмий салоҳияти фарзандларида ҳам, уч ярим асрдан ортиқ вақт давомида авлодларида ҳам давом этди. Бу сулоладан истеъдодсиз киши чиқмаган, десак муболаға бўлмайди. Ўғиллари Ҳумоюн Мирзо туркий ва форсийда шеърлар ижод қилган, форсча девон тузган, Комрон Мирзо туркий девон яратган. Бу анъана деярли барча бобурийлар томонидан давом эттирилган. Энг сўнгги бобурий подшоҳ Баҳодиршоҳ Иккинчи “Зафар” таҳаллуси билан урду ва форс тилларида гўзал ғазаллар битган, девон тузган.

Бу ажойиб анъана бобурийлар хонадонига мансуб аёлларга ҳам хос бўлган. Бобурнинг қизи Гулбаданбегим акаси Ҳумоюн фаолияти ҳақида “Ҳумоюннома” деган тарихий асар ёзган. Бу китобни “Бобурнома”нинг бевосита давоми дейиш ҳам мумкин.

Зебунисобегим бугун шарқ адабиётининг мумтоз вакилларида бири сифатида эътироф этилган. Унинг девони Ҳиндистону Покистонда, Афғонистону Ўзбекистонда, Эронда ҳам машҳур. Гулруҳбегим, Нуржаҳон, Жаҳоноро, Салима исмли бобурийлар хонадонига мансуб аёллар ҳам қалам соҳибалари бўлишган, шеърлар ёзишган.

Туркистон ва Ҳиндистонда яшаб, ижод қилган шоир ва тазкиранавислардан яна бири Мутрибийдир. У XVI асрнинг биринчи ярмида Самарқандда туғилади, шу ердаги мактаб ва мадрасаларда таълим олади. Таҳсилини Бухорода давом эттиради, шоир ва олим Хўжа Ҳасан Нисорийдан таълим олади. Шоир, бастакор, созанда, тарихчи ва адабиётшунос олим сифатида шухрат қозонади. Бастакорлик ва созандаликда ҳам моҳир бўлгани учун Мутрибий таҳаллусини танлайди. Мутрибий умрининг охирида Ҳиндистонга — бобурийлар ҳузурига боради ва ўша ерда яшаб ижодини давом эттиради. Унинг 1605 йилда Самарқандда тузган “Тазкират уш-шуаро” ва Ҳиндистонда ёзган “Тарихи Жаҳонгирий” номли адабий ва тарихий асарлари сақланиб қолган. “Тазкират уш-шуаро” асарида XVI аср-

нинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг бошларида асосан Туркистонда, қисман Ҳиндистонда яшаб ижод этган 320 дан ортиқ шоир, олим ва санъаткор ҳақида маълумот беради. Жумладан, у ўз тазкирасида XVI асрнинг иккинчи ярмида Туркистондан Ҳиндистонга сафар қилиб, у ерда ижод қилган Мирзо Боқий Андижоний, Одамий Самарқандий, Дўстий Бухорий, Доий Андижоний, Восилий Ҳиравий, Хоримий Тарзий Самарқандий, Маҳзуний Самарқандий, Нидоий Самарқандий, Шарифий Самарқандий, Қилич Муҳаммад, Шомий Тошқандий каби олим ва шоирларни ҳурмат билан тилга олиб ўтади.

Тарихий маълумотларнинг кўрсатишича, бобурийлар замонида Туркистон ва Ҳиндистон ўртасида адабий-маданий алоқалар, савдо-соғиқ ишлари, элчилар қатнови яхши йўлга қўйилган ва мунтазам давом этиб турган. Туркистоннинг турли бурчакларидан — бу ёғи Тошкенту у ёғи Андижондан, Хоразм, Самарқанду Бухородан зиёлилар, нафақат зиёлилар, балки ҳарбий кишилар ҳам Бобурни, унинг авлодларини паноҳ тортиб Ҳиндистонга сафар қилишган, кўплари ўша ерда яшаб қолишган, аввалига туркийда сўзлашиб ва ёзиб, бора-бора урдучага ўтиб кетишган, умумҳиндистон адабиёти, санъати, фани ва меъморчилиги равнақига муносиб ҳисса қўшганлар.

Ўтган асрда Туркистон Русия истилосига учраб, Ҳиндистон Англия асоратига тушгач, бундай алоқалар давлат миқёсида тўхтаб қолган, аниқроғи, бунга мустамлакачилик тузуми йўл қўймаган эди. Туркистон халқлари мустақил республикаларига эга бўлган бугунги кунларда ўша анъанавий алоқалар яна ўз ўзанига тушиб бормоқда.

Маълумки, ўша қадим Ҳиндистон ҳудудида ҳозир учта мустақил давлат — Ҳиндистон Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Бангладеш Республикаси мавжуд. Бу мамлакатларга ислом динининг кириб бориши ва қарор топишида Туркистоннинг ҳам ўрни катта бўлган. Бу борада Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Бобур ва бобурийларнинг ҳиссалари беқиёсдир. Ҳозир Покистон ва Бангладеш мамлакатларида аҳолининг муғлақ кўпчилиги ислом динига эътиқод қилади. Ҳиндистонда ҳам юз миллиондан ортиқроқ мусулмон яшайди. Покистонда давлат тили мақомига эга, Ҳиндистонда ҳам кенг ёйилган, адабиёт ва санъат тили ҳисобланган урду тилининг шаклланишида туркий тилнинг ҳам таъсири кучли бўлганини ҳиндистонлик ва покистонлик тилшунос олимлар эътироф этишди. Ҳўш, урду тили қандай тил ва у қачон пайдо бўлган?

Тарихдан маълумки, кейинги минг йиллик даврда бу мамлакатни асосан туркий сулолалар бошқарган. Табиийки, улар маҳаллий лаҳжаларни, бу ердаги аҳоли эса туркий тилни билишмаган. Шундай бир шароитда икки томоннинг ўзаро муносабати ва мулоқоти, бир-бирини тушунишга ингилиши самараси ўлароқ иккала томонни яқинлаштирувчи восита сифатида урду тили вужудга келган. Урду тили сарой тили демакдир. Урду сўзи туркий ўрда сўзидан келиб чиққан. Агар ҳинд ва Покистон фильмларидаги кўшиқларга синчиклаб қулоқ солсангиз, қаҳрамонларнинг мулоқотига эътибор берсангиз, ўзбекча сўзларни ҳам учратасиз. Ҳиндистонда яратилган фильмларнинг аксарияти урду тилида бўлади. Покистонда эса урду давлат тили эканлигини юқорида эслатиб ўтдик. Агар бу тилда ғазал ёзишни Амир Хусрав Дехлавий бошлаб берганини эътиборга олсак, у қарийб 750 йиллик адабий-бадий анъаналарга эгадир.

Урду тилининг вужудга келиши ва шаклланишида асосан тўртта тил — туркий (ўзбек), ҳинди, араб ва форс тиллари фаол иштирок этган. Араб сўзлари Куръони карим, ҳадиси шариф, диний китоблар орқали урдуга кириб борган, бунда ҳам аجدодларимиз жонкуярлик кўрсатганлар. Форс сўзлари асосан шеърят орқали ўрин олган. Туркий-ўзбек сўзлари ҳам туркий адабиёт ва айниқса, жонли сўзлашув — ўзбек ва ҳиндистонликларнинг ўзаро мулоқоти орқали оммалашган. Айни пайтда Шимолий Ҳиндистонда азалдан яшаб келган туркий қатламнинг, хусусан, барлосларнинг таъсирини ҳам унутмаслик лозим.

**Хитой** ҳам Туркистоннинг қадим кўшниларида бири-дир. Лекин, агар сўз олис ўтмиш ҳақида борса, Хитой деганда Чин мамлакатини тушуниш лозим. Чин мамлакати ҳозирги Хитойнинг шарқи-жанубидаги бир қисмидир.

Агар гап ўрта асрларга оид бўлса, Хитой деганда Буюк Хитой деворидан жанубдаги ҳудудлардан иборат мамлакат назарда тутилади. Ҳозирги Хитой таркибига ўша Чин, Чин Мочин ҳудудлари билан бирга кейин унга қўшиб олинган Манжурия, Ички Мўғулистон, Тибет ҳамда Шарқий Туркистон киради.

**Русия** Туркистоннинг ғарби-шимолидаги ён қўшнисиди. У нисбатан ёш давлатлардан. Бу ерда 1547 йили подшоҳлик вужудга келган, то унгача майда-майда князликлар мавжуд бўлган. Биринчи рус подшоси Иван IV дир. У подшо бўлгач, фақат зўравонлик сиёсатини ўтказиб, бос-



қинчилик юришлари қилган. Орадан олти йил ўтар-ўтмас — 1553 йили у қадим Булғория, кейинчалик Қозон хонлиги деб аталган мустақил ва маданий давлатни забт этиб, қонга ботиради, аҳолининг бир қисмини чўқинишга мажбур қилади ҳамда шу қилмиши туфайли ўзига Грозний — “Мудҳиш” деб лақаб олади. Кейин XVI аср охирида Ҳожитархон (Астрахан) хонлиги забт этилган, тубжой аҳоли пароканда қилиб юборилган, уларнинг кўп қисми Марказий Туркистонга кўчиб кетишга мажбур бўлган. XVII асрда Сибир хонлиги (тарихий китобларда “Кўчманчи ўзбеклар давлати” деб тилга олинган мамлакатнинг вори-си) босиб олинган. Кейин эса тарихан Дашги Қипчоқ деб аталган мамлакатнинг бир қисми бўлмиш ҳозирги Волгоград, Оренбург вилоятлари, Краснодар, Ставрополь ўлкалари ва шу каби жуда катта ҳудудда жойлашган Нўғой хонлиги забт этилган. Сўнгра қозоқ ерларига, Сибирияга ҳужумлар бошланган ва то Тинч океанигача бўлган ерлар босиб олинган ҳамда Мўғулистон ва Хитой Россиянинг қўшнилари бўлиб қолишган. 1783 йили Крим хонлиги босиб олинган, 1 миллиондан ортиқ тубжой халқ обод ерларидан маҳрум этилган, улар ватанларидан бош олиб кетишга мажбур бўлганлар.

Шу тариқа Русия ҳудуди Қора ва Азов денгизлари қирғоқларигача кенгайтирилган. Русия ҳукумати томонидан бундай босқинчилик сиёсати шимол томонга, ғарби-жанубга нисбатан ҳам қўлланилган. Русия чегараси ғарби-жанубда Днестр дарёси бўйларигача, шимоли-ғарбда эса Болтиқ денгизи қирғоқларигача етиб борган. 1613 йили ҳокимият тепасига чиқиб олган романовлар сулоласидан бирон подшо йўқки, Россия ҳудудини қўшнилари ери ҳисобига кенгайтирмаган бўлсин. Сулолабоши Фёдор Романовдан тортиб то сулоланинг сўнгги вакили Николай II Романовгача ана шундай босқинчилик сиёсатини амалга оширишган. Курол ишлатишдан ташқари сиёсий фитна ва тузоқлар йўлидан ҳам маккорона фойдаланишган. Чор ҳукумати ва унга тобе ташкилотлар бошқа халқларнинг хоҳиш-иродасини писанд этмай, мустақил яшаш ҳуқуқларини тан олмай ва оёқости қилиб, босқинчилик, мустамлакачилик сиёсатини давом эттираверган.

Русия ҳокимларидан айниқса икки нафари босқинчиликка ружу қўйган. Биринчиси Пётр I бўлса, иккинчиси Екатерина II дир. 1721 йили Пётр I Россияни империя деб, ўзини император деб эълон қилади. Марказий Тур-

кистонга кўз олайтирган ҳам, Хева хонлигига биринчи марта, лекин муваффақиятсиз босқин уюштирган ҳам Пётр I дир.

Туронзаминни босиб олиш сиёсати роса 150 йил давом этди. Кавказни бўйсундириш ҳаракати ҳам деярли шунча муддат давом қилди. Натижада XIX аср охирида Русия империяси Ер юзи куруқлик қисмининг олтидан бирига эгалик қила бошлади. Бу ҳудуднинг 95 фоизи Турон ерлари эди. Русия 200 га яқин миллат ва элатларнинг турмаси бўлиб қолди, 50 га яқин камсонли халқ ўз миллий қиёфасини йўқотди. Унинг ҳудуди эса 22 миллион 400 минг квадрат километр бўлиб қолди. Кўривадикки, агар Русия давлат бўлиб шаклланганида унинг ҳудуди 200 минг квадрат километр бўлса, 4 аср давомида кўшнилари ери ҳисобига, асосан Туронзамин ҳисобига 100 баробаридан ортиқ кенгайган, бунга фақат босқинчилик билан эришган. Собиқ СССРнинг ҳудуди ҳам шунча, яъни 22 миллион 402 минг 200 квадрат километр бўлиб, бундан 17 миллион 75 минг 400 квадрат километр ҳудуд расман Русияга тегишли ҳисобланса-да, амалда эса барча ҳудуд Русияга хизмат этарди, пойтахт Москванинг айтгани айтган, дегани деган эди. Бу “хуқуқ”дан тарих ҳукми билан маҳрум бўлган жанобларни ҳамон ўша дамларнинг хумори тутиб, жазаваси кўзгаётгани бежиз эмас.

1991 йилнинг августидаги маълум воқеалардан сўнг Украина, Ўзбекистон, Гуржистон ва бошқа барча иттифоқдош республикалар ўз мустақилликларини эълон қилдилар. Шу тариқа собиқ совет империяси ҳудудида 15 та мустақил давлат вужудга келди. Буларнинг бари халқаро ҳуқуқнинг субъектлари, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тенгҳуқуқли аъзоларидир. Бу ҳол Россиядаги буюк миллатчилик иллати билан оғриган тўдаларнинг аламини келтирмоқда. Қўлларидан чиқиб кетган эндиги 14 та мустақил давлатга, яъни 5 миллион 326 минг 800 квадрат километр ҳудудга яна эгалик қилиш учун турли ҳийланайранг кўрсатмоқдалар, дўқ-пўписалар қилмоқдалар. Россия Давлат думасининг Беловеж битимини бир томонлама бекор қилиш ҳақидаги “қарори” замирида ана шу улкан ҳудудни Россия таркибига қайтариш нияти ётади. Бу эса ҳаммамизни ҳушёр бўлишга даъват этади. Ҳушёрлик учун эса киши тарихдан хабардор бўлиши лозим. Шу боис халқимизнинг рус истилосига қарши кураш тарихидан бир неча лавҳаларни ҳикоя қилиб ўтишни лозим топдик. **Зотан, Туркистон фожиаси ва унинг қурбонлари хотираси доимо ёдимизда туриши лозим.**

## ТУРКИСТОН ФОЖИАСИ

Бу воқеа **Оқмасжид фожиасидан** бошланди. Ўтган асрда, рус босқини арафасида Марказий Туркистонда учта давлат — Бухоро амирлиги, Хева ва Қўқон хонликлари мавжуд эди. Тарих дарсликларида булар умумий қилиб ўзбек хонликлари дейилса-да, Қўқон хонлигига доир тарихий манбаларда бу давлат Туркистон мамлакати деб тилга олинган, унинг ҳукмдори эса “**Хоқон ибн хоқон султон...**” деб юритилган. Шундай хоқон ибн хоқонлардан бири 1822 — 1842 йилларда ҳукмронлик қилган Муҳаммад Алихон ибн Умархон эди. Унинг ҳукмронлик йилларида Туркистон мамлакати бирмунча ривожланади, янги қалъа ва уларнинг ёнида шаҳарлар қурилади. Шарқий Туркистон Қўқон хонлигига қўшилади. Муҳаммад Алихон ўттиз минг кишилик қўшин билан бориб, Шарқий Туркистон халқини манжур босқинчилари асоратидан қутқаради. Шу галабаси эвазига ғозий унвонига мушарраф бўлади. То унгача ва ундан кейин ҳам ўтган Қўқон хонларидан ҳеч бирига ғозий унвони берилмаган. Умуман, Туркистон тарихида бундай унвонга сазовор бўлган лашкарбошилар бармоқ билан санарлидир. Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Султон Ҳусайн Бойқаро ғозий унвонига сазовор эдилар. Улар Туркистон тупроғини ғайридин босқинчилар асоратидан озод этишда фавқулудда хизматлар кўрсатган эдилар.

Шуни алоҳида қайд этиш ҳам лозимки, Амир Темур замонларидан бери Шарқий Туркистон Ғарбий Туркистонга бирлашмаган эди. Бу тарихий воқеа худди шу Муҳаммад Алихон замонида юз берди. Унинг бу муваффақиятидан чўчиган атрофдаги ғаним давлатлар саросимага тушдилар ва ўзларича чора қўришга киришдилар. Жосуслар юбориб, учта қўшни ва қардош давлат ўртасида низо чиқаришга уриндилар, Муҳаммад Алихонни бадном қилиб, қатл этилишига эришдилар. Бу ишни Бухоро амири Насрулло амалга оширди. Узоқни кўзлаган босқинчилар Туркистонни забт этишга ана шундай ҳозирлик кўрдилар, бу ердаги давлатлар бирлашмасин дея, уларни бир-бирларига ёв қилиб қўйдилар.

Муҳаммад Алихон ҳаётлигида Қўқон хонлигининг худуди Сирдарёнинг қуйи оқимларидан то Шарқий Туркистонгача эди, жанубий чегара Помир тоғларигача борса, шимоли Олмаота, Пишпек, Иссиққул бўйларигача борарди. Бу даврда қурилган янги шаҳарлардан бири Сирдарё бўйидаги Оқмасжид эди. Бу ерда қурилган масжид олис-

олислардан оппоқ бўлиб кўрингани учун халқ шаҳарни Оқмасжид деб атаган.

Рус босқинига биринчи бўлиб ана шу Оқмасжид (ҳозирги Қизил Ҳаёт) дучор бўлди. 1852 йили Бларамберг деган келгинди бошчилигидаги рус казак каллакесарлар Оқмасжидни босиб олишга уриниб кўрди. Лекин шаҳар ҳимоячиларининг қаттиқ қаршиликларига учради, кўп талафот кўриб, келган тарафига қайтиб кетди.

Орадан бир йилча вақт ўтгач, Оренбург губернатори генерал-майор В.Перовский етовидаги тиш-тирноғигача қуролланган кўп сонли рус қўшини Оқмасжидга яна ҳужум қилди. Ҳаёт пайтда Оқмасжид қалъасида ҳаммаси бўлиб 500 киши бор эди, холос. Улар бир томчи қонлари қолгунча қалъани ҳимоя қилдилар. Беаёв жанг бўлди. Лекин кучлар тенг эмас эди. Барибир қалъа таслим бўлмади. Рус қўшинлари қалъа деворини портлатиб, ичкарига ёпирилиб кирганида, 400 кишидан ортиқ ватанпарвар жон таслим қилиб ётарди, қолган кишилар эса кекса кампирлар, бола-чақалар ва огир ярадорлар эди.

Қалъа ҳимоясида аёллар ҳам эркаклар сафида туриб, жанг қилиб ҳалок бўлишган эди. Инсонликдан етти ёт бегона босқинчилар бу тирик қолганларни ҳам қилич домидан ўтказадилар — чошиб ташлайдилар, бу қирғинни шундай бошлайдиларки, аввало бувилари кўз ўнгида невараларига қилич урадилар. Кейин эса уй-уйларига Оренбург, Самара, Пенза, Орёл ва бошқа шаҳарларга йўллаган соғинчли салом хатларида бу қилмишларига мағрурланиб кўядилар. У ерларда эса бу ваҳшийликни қаҳрамонликка йўядилар.

Оқмасжид шаҳри истило қилингач, чор ҳукумати босқинчи генерали номини абадийлаштириш мақсадида уни Перовск деб атади. 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида шаҳар шу ном билан юритилди. 1920 йилларда Ҳаёт пайтдаги Қозоғистон мухтор ҳукумати Оренбургдан кўчириб юборилгач, бу шаҳар шу ҳукуматнинг қароргоҳи бўлди ва Қизил Ҳаёт деб атала бошлади.

**Солиҳбек додхо жасорати.** 1864 йилнинг кузида полковник Черняев бошлиқ рус қўшини Тошкентни эгаллаш учун ҳужум бошлайди. Шаҳар мудофаачилари уюшган ҳолда қарши ҳужумга ўтадилар. Уларнинг ҳужумига дош беролмай, 100 га яқин аскардан айрилган Черняев орқага чекинади ва Чимкентга қайтиб кетади.

1865 йилнинг апрелида у катта қўшин билан Тошкент яқинида яна пайдо бўлади. Бу сафар энди ҳийла-найранг

йўлини тутади. Чирчиқ дарёси ёқасидаги тўғонбоши Ниёзбек қалъасини жанг билан эгаллайди. Тўғонни буздириб ташлаб Тошкентни сув билан таъминлайдиган Бўзсувнинг йўлини тўсиб қўяди, Тошкентни сувсиз қолдиради. Унинг бу қилмиши Чингизхон нўёнларининг Урганчни сувга фарқ қилишларини эслатади. Унда сув ҳалокат келтирганда, бунда эса сувсизлик фалокат келтирди — 100 мингга яқин аҳоли, мол-ҳол 52 кун мобайнида сувсизликдан азоб чекади, шунча кун она шаҳрини мардларча мудофаа қилдилар. Кудуқ қазиб, қудуқ суви ичиб, тирикчилик ўтказсалар-да, ёвга бардош бердилар. Вақти-вақти билан шаҳардан ташқарига чиқиб, душман билан очик жанг қилиб, унга талафот етказиб ҳам турдилар. Шаҳар барибир ўз хоҳиши билан таслим бўлмади, уни душман забт этди. Рус қўшинлари шаҳарга кирганидан кейин ҳам гузарларда, ҳаттоки ҳар бир хонадонда қаттиқ қаршиликка дуч келди, икки кун мобайнида кўча жанглари, тунги ҳужумлар давом этди. Черняев Тошкентнинг майдонлари ва чорраҳаларида катта тўпу замбаракларни ўрнатиб, агар кўча жанглари тўхтамаса шаҳарни портлатаман, ҳамма ёқни ёқиб юбораман, деб дағдаға қилди. Ноилож қолган шаҳар халқи жанг қилишни тўхтатди.

Тошкентнинг зўравонлик билан босиб олинishi Оврупо мамлакатларида, шунингдек, Туркияда норозилик туғдиради, халқаро матбуотда Россиянинг босқинчилик сиёсатини фош этувчи ва қораловчи хабарлар, мақолалар босилиб чиқади. Россия ҳукумати, хусусан, полковник Черняев ўзларининг босқинчилик сиёсатларини оқлаш йўллариини излайдилар. Босқинчиликдаги хизмати учун энди генераллик рутбасига эришган Черняев Тошкентнинг нуфузли кишиларини тўплаб келиб мажлис ўтказади. Музокарада Абулқосим эшон, Солиҳбек додҳо, Ҳакимхўжа қозикалон сингари кишилар иштирокида “сулҳ” тузилади. Бу “сулҳ” шартларига кўра Тошкент халқи ўз динида қолади, барча ишлар шариат бўйича қилинади, мол-мулк, ҳовли-жой ўз эгалари қўлида қолади. Шундан кейин гўё шаҳар ўз ихтиёри билан русларга топширилди, деган маънодаги хатга имзо қўйиш талаб этилади.

Солиҳбек додҳо биринчи бўлиб, бу сохта хатга имзо чекишдан бош тортади. Шунда генерал Черняев ким хатга имзо чекишни истамаса, бу томонга ўтсин, дейди Солиҳбек додҳо тарафни кўрсатиб. Бир неча киши ўша ёққа ўтадилар. Черняев уларни дарҳол хибсга олишга буйруқ беради ва қамоққа юборади. Черняевнинг ғазабидан чўчи-

ган бошқа аёнлар хатта имзо қўйишга мажбур бўладилар. Черняев хатни Санкт-Петербургга жўнатади. Рус ҳукумати ўзининг Туркистондаги босқинчилик сиёсатини яшириш воситаси сифатида уни Овруцо мамлакатларига юборади. Матбуотда чоп эттиради. Ўз ватанини сотмаган, эътиқодида собит қолган иймонли Солиҳбек додхо ва унинг сафдошлари эса Сибирга сургун қилинадилар. Зеро золим ҳукмдорга ҳақ сўзни айтмоқ, бошига қилич келганида ҳам юртига, халқига, миллати ва динига содиқ қолмоқ энг буюк жасоратдир.

**Абдумалик Тўра жасорати.** Абдумалик тўра Бухоро амири Музаффарнинг тўнғич ўғли бўлиб, валиаҳд шаҳзода эди. Шу боис бу жасур йигитни халқ ҳурмат қилиб, туркий ибора билан “Катта тўра” деб атади.

Туркистоннинг ҳар бир қарич ери қаттиқ туриб ҳимоя қилинди. Оқмасжид, Тошкент мудофаачилари қандай матонат ва жасорат кўрсатган бўлсалар, Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Зирабулоқ, қўйинги, барча шаҳар ва қишлоқларда босқинчиларга қарши қаттиқ курашди. Бу адолатли курашда ёшу қари, аёлу эркак ватанпарварлар, диёримизда яшовчи барча халқларнинг фарзандлари жон олиб, жон бердилар. Юрт ҳимоясида барчани виждон туйғуси, ватан қайғуси бирлашгирди. Оддий меҳнат аҳлидан тортиб руҳонийларгача, зиёлилардан тортиб маликаю валиаҳд шаҳзодаларгача ватанни ҳимоя қилдилар.

Амир қўшинлари Зирабулоқда бўлган жангда енгилгач, Музаффар 1868 йилда босқинчилар билан сулҳ тузди. Сулҳ шартлари шундай оғир ва ҳақоратомуз эдики, амирликнинг то Зирабулоқгача бўлган ҳудуди, жумладан, Самарқанд шаҳри ҳам Русия ихтиёрига ўтиши, катта товон тўланишидан ташқари, Бухоро амирлиги Русиянинг вассалига айланиб, чет эл мамлакатлари билан алоқа қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Эндигина 20 баҳорни кўрган Абдумалик Тўра бундай хўрлик ва ҳақоратга кўнган отасидан норози бўлади, озодлик учун курашни давом эттиради. Ватанпарвар кучлар унинг атрофида уюшадилар. Абдумалик Тўра амирликнинг мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадида Шаҳрисабзда — Оқсаройда Бухоро амири деб эълон қилинади. Неча маргалаб жангу жадал қилишмасин, кучлар нисбати сираям тенг бўлмагани боис Абдумалик Тўра босқинчиларни юртдан ҳайдаб чиқара олмайди. Отаси ҳам душман тарафга ўтиб кетиб, ўғлига қарши курашади.

Иймон сустлик қилса, жон ширин кўриниб, ҳатто ота ўғлига қарши бораркан.

Абдумалик Тўра нажот истаб Қўқонга келади, ёрдам ололмайдди. Шундай тилакда Хевага — Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи хузурига боради. Хоразм хони уни зўр иззат-хурмат билан кутиб олади, ўзига куёв ҳам қилади, ойига фалон тиллодан маош ҳам тайинлайди-ю, лекин қўшин билан ёрдам бермайди, чамаси, оқлошшодан чўчийди. Бу ҳам Абдумалик Тўрани ниятидан қайтара олмайди. Хевадаги шоҳона ҳаётидан воз кечиб, яна йўлга тушади. Чунки бундай оҳиста ҳаёт узоққа бормаслигини у яхши биларди. Тошкентг, Самарқанд бошига тушган кун яқин орада Хеванинг ҳам қисмати бўлишини юракдан ҳис этарди. Умумий душманни даф этиш учун ҳамма бирлашиши шарт эди. Бирлаштириш учун масъул бўлган ҳокимлар эса ана шунга тушуниб етмасдилар, фақат ўзларини ўйлардилар, холос.

Абдумалик тўра нажот истаб Шарқий Туркистонга — Ёқуббек хузурига ҳам боради. Яқиндагина Шарқий Туркистонни чинлик босқинчилардан озод этган, ҳали етарли даражада оёққа туриб ололмаган Ёқуббек Абдумалик тўрага қўшин билан ёрдам беришдан ожиз эди. Шундан кейин ҳам букилмас иродали Абдумалик тўра тинчимайди. Нажот истаб Истанбулгача боради. У ерда унга ёрдам ваъда қилишади. Юртга қайтади. Ғузур, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабзнинг ўгюракли йигитларидан қўшин тузиб, мустамлакачиларга қарши яна кураш бошлайди. Ота эса ўғилга қарши, руслар паноҳида тинчгина айш-ишратини суриб яшамоқда. Ватан туйғуси, юрт қайғуси унга бегона. Абдумалик тўранинг бу галги уриниши ҳам натижа бермайди, ота руслар қўшини ёрдамида ўғли хужумини қайтара олади. Чунки орқасида қудратли Русия турарди.

Шундан кейин ҳам Абдумалик тўра шахдидан қайтмайди, унинг аҳди юртини душмандан озод этиш эди. Шу аҳду паймониға ҳамини содиқ қолган Абдумалик тўра энди жанубга йўл олади. Кобулга боради. Афғон амиридан ёрдам сўрайди...

Абдумалик тўра ватан озодлиги йўлида 41 йил курашиб, сўнгги нафасигача юрт қайғуси билан яшаб, 1909 йили Пешовар шаҳрида вафот этади. Истиқлол замонамизда шундай аждодларимизни хотирласак, уларнинг руҳини шод этган бўламыз.

Ватан тарихи, аждодларимизнинг курашлари ҳақида сўз борар экан, озодлик учун халқни курашга бошлаган ва шу йўлда қурбон бўлган барча ота-боболаримизни, момоларимизни, чунончи, Широқ, Тўмарис, Маҳмуд Торобий,

Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темурмалик, Муҳаммад Али (Дукчи эшон), Курбонжон додҳо каби юзлаб шижоатли ватанпарварларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олиш бурчимиздир. Уларнинг мардона ҳаёти ва ишлари ҳақида ёзиш қалам аҳли зиммасидаги қарзидир. Зотан, ҳақиқий ватанпарварлар тўғрисидаги ўтли сатрлар ўқувчида Ватан туйғусини бойитади.

## ПОЙТАХТ ВА ПОЙТАХТЛАРИМИЗ

Давлат пойтахтсиз бўлмайди, пойтахтсиз давлатни тасаввур қилиш мумкин эмас. Халқимиз ўз тарихида кўплаб саттанатлар, хоқонликлар, хонлик ва амирликлар тузган экан, демак, унинг кўплаб пойтахтлари бўлиши табиийдир. Уларнинг барчасини санаб чиқишнинг имкони ҳам, ҳожати ҳам йўқ. Фақат айримларини келтирамиз: Самарқанд, Урганч, Бухоро, Тошкент, Андижон, Қўқон, Хева ва бошқалар. Буларнинг айримлари дунё бўйича ўз пайтида пойтахт ҳисобланган бўлсалар, бошқалари Туркистоннинг маълум ҳудудлари доирасидаги давлатларнинг пойтахти бўлган.

Ҳозирги пойтахтимиз Тошкент ўтмишда Шош давлатининг, кейин Тошкент хонлигининг пойтахти бўлган. У 1991 йилнинг 31 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг пойтахтидир. “Ахир Тошкент 1930 йилдан бери Ўзбекистон ССРнинг пойтахти эди-ку”, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, Тошкент илгари пойтахт эмасди, мустамлака бир ўлканинг маркази эди, холос.

Пойтахт бўлиш учун, аввало, пойтахтлик мақоми керак. Жумладан, унда чет эл мамлакатларининг элчихоналари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари бўлиши лозим. Пойтахтда мустақил давлатнинг давлат ва ҳукумат идоралари жойлашади. Пойтахтга пойтахтлик мақоми мустақил давлат томонидан берилади. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, Тошкент чин маънода пойтахтимиз бўлиб қолди, бу шаҳар республиканинг барча кишилари учун бирдек азиздир, барча фуқароларга баб-баробар тегишли шаҳардир. Зотан, пойтахт бир давлатда фақат битта бўлади. Шу фикрга асосланиб Тошкент ўтмишидан айрим тарихий лавҳаларни ҳикоя қиламиз. Зеро, Тошкент кечмиши ҳам республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларининг ўтмиш ҳаётига ўхшашдир.

Сўзни тошкентликларнинг сўзлашув тилидан бошлаймиз. Абдурауф Фитрат тилшуносликка оид “Сарф” аса-рида шундай деб ёзади:



*“Адабий тилда “ёзсак”, “ёзмасак” бўлса ҳам, Тошкент ўзбеклари “ёзсамиз, ёзмасамиз” дейдилар. Бу маҳаллий озчилик ишлатиш бўлса ҳам, тарихий, эски бир ишлатишдир. Тошкент шеvasида “ёздик” ўрнида “ёздимиз” деб ишлатиладиким, бизнинг эски турк тилларида ҳам бу шаклга учраймиз. “Девони лугатит турк”да “кечдик” ўрнида “кечтимиз” шакли бор. “Урхун” ёзувларидан Култегин отига битилган битиктошда ҳам жўнадимиз-жўнадик каби феъллар бор”.*

Демак, барчага баробар пойтахтимизнинг ўзига хос сўзлашув тили умумтуркий тилнинг бир кўриниши экан.

Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга Тошкент атрофи девор билан ўралган бўлиб, шаҳарга 12 дарвозадан кирилган. Шаҳарнинг диаметри шарқдан ғарбга, шимолдан жанубга тахминан 6 километр бўлган. Шаҳар дарвозалари Самарқанд, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасарой, Тахтапул, Лабзак, Қашқар, Қўқон, Коймас, Бешёғоч ва Камолон деб аталган. Ҳар бир дарвоза мудофааси шу дарвозага яқин маҳаллада яшовчи аҳоли зиммасига юклатилган, бу маҳалла ўз навбатида унда яшовчи уруғ номи билан аталган. Масалан: Коймас дарвозасини Коймас уруғи, Қўқон дарвозасини Қиёт уруғига мансуб кишилар мудофаа қилишлари зарур ҳисобланган. Қиёт маҳалласи ҳозирги Навоий кўчасининг Анҳор кўприги билан кесишган қисмида — Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг ўрни ва шу атрофларда жойлашган.

Шаҳар мудофааси учун эҳтиёт чораси ва ҳушёрлик омилли сифатида дарвозалардан икки-уч чақирим нарида мудофаа иншоотлари ҳам бунёд этилган. Тупроқ уюмидан қад кўтарган бу сунъий тепаликлар оқ тусли бўлгани учун халқ уни Оқтепа деб атаган. Унда кўриқчилар тунда гулхан ёқиб ҳушёр ўтиришган. Бу гулхан ёғдуси шаҳар дарвозаси минорасида соқчилик қилаётган посбонларга кўришиб турган. Мабодо ёвнинг қораси қайси томондан сезилса, ўша Оқтепадаги гулхан дарҳол ўчирилган. Бундан дарак топган дарвоза посбонлари бу ҳақда зудлик билан шаҳар доруғасига хабар етказишган. Доруға эса мудофаа чорасини кўришга киришган, ўз навбатида Ўрдага маълум қилган. Шу тариқа кўшин оёққа турган. Асосий эътибор душман ҳужуми кутилаётган томонга қаратилган.

Ўтмишда 12 та дарвозадан нарида — шаҳар ташқарисида 12 та шундай Оқтепалар бўлган. Мустамлакачилик йилларида ва шўролар замонида ўтмиш ёдгорликлари бўлмиш бу Оқтепаларнинг аксарияти йўқ қилиб юборил-

ди. Ҳозир фақат Чигатой Оқтепаси қисман сақланиб қолган. Чилонзор Оқтепасининг қолдиқлари ҳам бор. Оқтепа майдонининг номи шундан келиб чиққан. Кўкча Оқтепаси, Сағбон Оқтепаси топономик ном сифатида сақланиб келмоқда.

Шаҳар халқининг тунда хотиржам ором олиши учун ҳам ўзига хос тадбирлар қўлланилган. Хуфтондан кейин шаҳар дарвозалари тақа-тақ беркитилган, ҳеч ким ташқаридан шаҳарга киритилмаган, шунингдек, шаҳар ташқарисига ҳам ҳеч ким чиқарилмаган. Фақат хон ёки ҳокимнинг махсус ёрлиғи билан келувчи ва кетувчи чопарлар бундан мустасно бўлганлар.

Шаҳар дарвозалари ёпилгач, қуролланган ва довуллари (довул — ноғоранинг барабанига ўхшаш бир тури) осиб олган тунқотарлар Эски Жува майдонига йиғилиб, Тунқотарбоши кўригидан ўтганлар. Тунда жамоат тартибини сақлаш учун масъул бўлганликлари учун улар шундай аталганлар, бу вазифани кундузи ўташга масъул бўлган кишилар миршаб дейилган, аслида ҳар иккала атаманинг луғавий маъноси бирдир. Кўрик тугагач, барча тунқотарлар бараварига довул чалишган ва бу садо бутун шаҳар узра ёйилган: “Тунқотарлар — оёқда! Юрт — осойишта, хотиржам ором олаверинглар!”

Шундан сўнг Тунқотарбоши бир гуруҳ тунқотарларни навбати билан шаҳарнинг барча дарвозалари томон довул чалиб бориб келишга буюрган. Улар довул чалиб, йўл-йўлакай маҳалла гузарларидаги қоровулларнинг уйғоқлиги ёки ғафлатда эканлигини аниқлаганлар, агар қоровул ўз ишига совуққонлик билан қараган бўлса, қайтиб келгач, бу ҳақда Тунқотарбошига маълумот берганлар. Ўз кўчаси, ўз гузаридан ҳам довул товушини эшитган халойиқ учун бу яна бир далла эди: “Маҳалла қоровули ҳам уйғоқ! Хотиржам ухлаш мумкин”.

Тун қоронғусида бирор зарурат билан бу маҳалладан у маҳаллага, бу даҳадан у даҳага боришга мажбур бўлган фуқаро фонус олиб юриши, маҳалла қоровули ёки тунқотарни учратиб қолгудек бўлса, яқинлашмасданок — узоқдан баланд овоз билан ўзининг кимлигини уларга танитиши шарт эди. Табиблар ва ғассоллар бундан мустасно бўлганлар, чунки уларни ҳамма таниган, юмушлари ҳам аниқ эди. Доялар ва отинойилар эса тунда эркак кишилар ҳамроҳлигида юришган. Уларнинг ҳам вазифалари маълум эди. Лекин, ланшкар бехатар бўлмас деганларидек, ондасонда бўлса-да, ўғирлик, томтешарлик, деворбузарлик,

безорилик, қозининг фатвосисиз қасос олишлик каби ҳодисалар бўлиб турган. Бундай жиноят қайси даҳада юз берса, жиноятчи ўша даҳа қозихонасига олиб бориб топширилган. Даҳа қозиси камида икки нафар мусулмон эркак киши (ёки бир эркак ва икки аёл) гувоҳлигида аълам, яъни адвокат ишгирокида жиноятчини сўроқ қилиб, шариат бўйича тегишли фатво чиқарган. Лекин даҳа қозисининг фатвоси Маҳқама масжид хатиб имоми томонидан шаръий деб топилганидан кейингина ҳақиқий, деб ҳисобланган ва ҳукм дарҳол шу масжид олдидаги майдонда ижро этилган. Кўп асрлик тарихга эга бу кўҳна масжид Тошкент Эски шаҳар бозорининг Мискарлик растаси ёнида жойлашган бўлиб, 50-йилларда бузиб ташланган, ўрнига “Тоҳир ва Зухро” дўкони қурилган эди. Унинг Маҳқама масжид деб аталишининг боиси шуки, Маҳқама сўзининг ўзаги ҳукмдир. Қозининг фатвоси шу ерда кучга кириб ҳукм ижро этилган ёки бўлмаса фатво шаръий эмас, деб ажрим чиқарилган.

Шаръий ҳукмлар зудлик билан ижро қилинишидан ташқари жуда кескин, қатъий ва қаттиқ бўлган. Шариатда жиноятлар турига қараб жазо белгиланган. Қирқ даррагача бўлган жазоларга таъзир, ундан юқорисига ҳад дейилади. Жонли сўзлашувимиздаги “бир таъзирингни бериб кўяй”, “ҳаддингдан ошма” деган иборалар ана шундан келиб чиққандир. Биринчи марта ўғирлик қилгани учун жиноятчининг чап қўли кесилган, шу ўғри томонидан бундай жиноят такрорланса, энди унинг ўнг қўли ҳам кесиб ташланган. Ҳукм қатъий ва кескин бўлгани сабабли ҳам ўғирлик, зинокорлик, ичкиликбозлик каби иллатлар кам учраган, халқ бу иллатларни қаттиқ қоралаган.

Субҳи содиқда халойиқ шаҳардаги юзлаб жоме ва маҳалла масжидлари минораларидан янграган азон товушидан уйғонган. Рамазони шарифда ўтгиз кун мобайнида тунда масжид ва мадрасалар тепасида ноғоралар чалиниб, халойиқни сақарлик вақти бўлганидан огоҳ этилган. Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайити кунлари эрта тонгдан оқ ноғора, доира, карнай-сурнайлар чалиниб, халқ байрамга чорланган. Бегим кунлари эса бомдод намози адо этилгач, ҳамма яна ўз иш кучига киришган, тирикчилик, уй-рўзғор юмушлари, қора қозонни қайнатиш, бола-чақани боқиш ташвишлари билан машғул бўлганлар.

Тошкент қадимда Шош, арабча Чоч, X—XI асрлардан бошлаб, Тошканд — Тошкент деб аталган. Маҳмуд Қошғарий шарҳига кўра, Тошкент дегани тошдек мустаҳкам

қалъадир. Шаҳардаги олий маъмурий бино хон ёки ҳоким ўрдаси деб номланган. Самарқанддаги Кўксаройни, Бухородаги Аркни бир эсланг.

Тошкент гоҳ мустақил давлатнинг пойтахти, кўпинча вилоят маркази бўлган. Турон, Туркистоннинг тақдирида нимаики юз берган бўлса, унинг қисматига ҳам тушган. Бобур Мирзонинг она томондан бобоси Юнусхон XV аср охирида Тошкентда ҳукмронлик қилган, мақбараси ҳозир ҳам Шайхонтохурда салобат билан қад кўтариб турибди. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Тошкент бир неча вилоят миқёсидаги мустақил давлатнинг пойтахти бўлиб турган. Бу давлатни Юнусхўжа исмли бошқа бир аждодимиз тузди, савдо-сотиқни бироз кучайтиради, ҳатто Русия билан дипломатик алоқа боғлайди, элчилар айирбошлайди. Тошкент 1808 йили Олимхон томонидан Кўқон хонлигига бирлаштирилади...

Тошкентда кейинги 1000 йил давомида 5 та Ўрда қурилган. Ҳозир улардан биронтаси ҳам сақланиб қолмаган.

Ўрданинг ички бўлагида хон ёки ҳоким оиласи, хос хизматчилар яшаган, асосий бўлагида маъмурият жойлашган, керакли миқдордаги кўшин ва хазина ҳам шу ерда сақланган.

Тарихий маълумотларга кўра, биринчи Ўрда Эски Жўва майдонининг шимол томонидаги босмаҳона ўрнида, иккинчи Ўрда Фурқат кўчасининг Рассомлар билим юрти жойлашган ерда (бу жойда қазув ишлари ўтказилганда тупроқ остида қолиб кетган кўҳна ҳаммом биноси топилган эди, кейин кўмиб юборилди), учинчи Ўрда иккинчи Ўрдадан бир оз шарқи-шимолда — Қоратош маҳалласида (Ғафур Фулом шу маҳаллада туғилган) жойлашган, тўртинчи Ўрда Анҳорнинг ўнг томонида, собиқ ҳукумат биносининг қарши ёғида — сувнинг нариги томонида, бешинчи Ўрда эса Анҳорнинг чап томонида, ҳозирги Туркистон саройи яқинида бўлган. Русия кўшинлари 1865 йилнинг ёзида шаҳарни босиб олгач, биринчи галда шу Ўрда талланган, хазинаси ўлжа олинган, оёқ ости қилинган. Рус кўшинлари дастлаб Ўрдадан казарма сифатида фойдаланган, орадан кўп вақт ўтмай бузиб ташланган, халқнинг давлатчилик руҳини сўндириб ташлаш, истиқлол туйғуси қайта уйғонмасин, деб ҳам шундай ёвузликка борилган.

Рус босқини арафасида шаҳарда 200 га яқин маҳалла бўлиб, тахминан 100 мингга яқин киши яшаган, бу ўша давр учун катта рақам эди. Аҳоли ҳам ҳунармандчилик, деҳқончилик ва боғбонлик билан шугулланган, савдо-сотиқ

ишлари яхши йўлга қўйилган, Ҳинд, Чин, Форс ва шимол-ий ўлкаларга йирик савдо қарвонлари қатнаб турган. Тошкент Туркистоннинг ички савдосида ҳам, ташқи савдосида ҳам муҳим ўрин тутган, савдо қарвонлари учрашадиган йирик марказлардан бир бўлиб, Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи шу ердан ўтган.

Шаҳар халқининг асосий қисми кўкламдан кузгача шаҳар ташқарисидаги боғларда яшаган. Боғ-роғли бу жойлар мавзе деб аталган. Умуман шаҳарнинг тўрт томонида 100 га яқин мавзе бўлган. Булардан айримларининг номлари ҳамон сақланиб келмоқда: Ҳасанбой, Юнусобод, Бўз, Олтинтепа, Ниёзбек, Кўктерақ, Яланғоч, Қоплонбек, Шофайзиқулоқ, Назарбек, Бешқайрағоч, Оқилон, Қангли, Рақат, Новза, Чилонзор, Қақнус, Дўмбираобод, Қўйлиқ ва бошқалар. Бу мавзелар Бўзсув ва унинг ирмоқларидан сув ичган.

Боғ-роғлардан иборат мавзелардан кейин бошланган далаларда лалми деҳқончилик қилинган: буёдой, арпа экилган. Далалар яйловларга туташиб кетган.

Тошкентликларнинг шимол томонда Эшонгузар (ҳозир Абай дейилади), Турват, Сайрам, Чимкент, Туркистон, Авлиёота, Тўқмоқ, Чўпонота (Иссиққўл бўйидаги Чўпонота назарда тутилмоқда)ларда ҳам мол-мулки, уй-жойи, ер-суви бор эди. Шунингдек, Шарқ томонда — Дўрмон, Қипчоқ, Арғун, Байтқўрғон, Ғазалкент, Хўжакент, Хумсон, Сўқоқ, Бурчмулла, Сижжак, Боғистон қишлоқларида ҳам тошкентликларнинг ер-сувлари бўлган.

Йилнинг беш-олти ойини шаҳардан ташқарида ўтказган аҳоли кузда қишлик озигини ғамлаб, шаҳарга қайтган. Шаҳар ҳаёти асосан кеч куздан эрта баҳоргача қайнаган, тўй-ҳашамлар, гап-гаштаклар ҳам шу пайтларда авж олган.

Тўғри, катта қишлоқларда турғун аҳоли ҳам бўлган, у ерларда турмуш ўз маромида кетаверган. Лекин бадавлат, ўқимишли оилаларнинг аксарияти шаҳарда қишлашни афзал билган.

Китобларда улуг аждодларимиздан бири Хожа Аҳрорни Боғистон қишлоғида туғилган, деб келинмоқда. У мансуб бўлган обрўли ва қадимий оиланинг Тошкентда, Хастимом даҳа, Парчабоб маҳалла, Маҳв ота деган катта ҳовуз яқинида уй-жойи ҳам бўлган. Агар Хожа Аҳрорнинг 1404 йилнинг феввалида — қаҳратон қишда таваллуд топганини, қўлёзма китобларда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Тошкандий деб аталишини ҳисобга олсак, у буюк зот Тошкентда туғилган бўлса керак, дейиш ҳам мумкин. Бу билан айт-

моқчимизки, халқнинг анъанавий турмуш тарзидан келиб чиқиб, бирор кишининг қаерда туғилганини аниқлашда қайси фаслда таваллуд топганини ҳам назарда тутиш лозим. Халқнинг турмуш тарзини чуқур ўрганиш кўп жумбоқларни ечишга ёрдам беради.

Тошкентда дарвозалардан ташқари яна бир яширин йўл бўлиб, у Тешикқоққо дейилган. Тешикқоққо ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, дарвоза ўрнига девор тусидаги катта наमत ёпиб қўйилган. Ёв босганда, шу ердан отлиқ аскарлар кўққисдан чиқиб бориб, душманга кутилмаганда зарба берган, агар кучлар нотенг бўлса, уни таҳликага солиб қўйиб, кўздан ғойиб бўлган. Зарурат туғилганда бундай кўққис ҳамлалар бир неча марта такрорланган. Тешикқоққодан чиқиб-кирувчи аскарлар шижоатли ва матонатли сара йигитлардангина иборат бўлган.

12 та дарвозанинг ташқарисида 12 та қабристон бўлган. Бунинг ўз рамзи, ўз маънавий аҳамияти бор, албатта. Шаҳардан ёмон ният билан чиққан кишининг кўзи энг аввало қабристонга тушгач, ёмон ниятидан қайтган, охират, бу дунёнинг ўткинчилиги эсига тушган, қалбида яхшилик қилиш ҳисси уйғонган. Худди шунингдек, шаҳарга ёмон ният билан яқинлашган киши ҳам дастлаб қабристонга кўзи тушиб, ёмон ниятидан қайтган, эзгу ният билан шаҳарга қадам қўйган. Ҳа, аждодларимиз қабристонларга ўрин белгилашда ҳам эзгуликни кўзлашган, донолик қилишган. Ҳозир ўша қабристонларнинг кўпчилиги, жумладан, Сағбон дарвозаси яқинида Ачаобод қабристони, Чигатой дарвозаси яқинида Қўшчи ота қабристони, Қорасарой дарвозаси яқинида Ғойиб ота қабристони, Камолон дарвозаси яқинида Хўжа Аламбардор қабристони, Самарқанд дарвозаси яқинида Заҳариқ қабристони ва ниҳоят, Кўкча дарвозаси яқинида Шайх Зайниддин бобо қабристони сақланиб келмоқда.

Тошкентликларнинг ўтмишдаги “кўчманчилиги” мавсумий, нисбийдир. Уни кўчманчиликка йўймаса ҳам бўлади. Тўқ, фаровон, қулай яшашга интилиш иштиёқи шундай турмуш кечирish тарзини тақозо этган.

Тошкент боғларига араб тарихчиси ал-Умарий XI асрдаёқ мафтун бўлган.

1485 йили Ҳиротда туғилиб, ўз ижодини Алишер Навоий мактабидан бошлаган ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли вакилларида бири Зайниддин Восифий Тошкент боғларини кўргач, уларнинг мафтунлиги бўлиб, қолган умрини шу ерда ўтказган. 80 ёшга бориб, шу ерда вафот этган.

Тарихий ва бадий асарларда тасвирланишича, Тошкент боғлари жуда сўлим бўлган. Ҳар бир боғда мевали дарахтлар, токзорлар, иморатбоп теракзорлар, полиз, экин-тикиндан ташқари атрофига қоратол ва мажнунтоллар экилган ҳовуз, ундан нарироқда супа ёки шийпон бўлган. Улар атрофида садарайҳон, ошрайҳон, жамбилу гултожихўрозлар, атиргул, гулсафсарлар экилган гулзорлар бўлган. Боғларда ёмғирли кунларда, баъзан эса қишлаб қолиш учун айвонли уй-жойлар ҳам қурилган. Ҳозирги ибора билан айтганда, микроиқлимли бундай боғларда яшаш тирикчилик учун — қулай, саломатлик учун — фойдали, кўнгили учун — мароқлидир.

Бугунги кунда дала ҳовлиларига қатнаб яшовчи ҳам-шаҳарларимиз учун ажодларимизнинг турмуш тарзларини бир меросий одат дейиш мумкин.

Абдулла Қодирий айтмоқчи, “кейинги хонлар замони”-даги тошкентликларнинг турмуш тарзи ана шундай эди. Бундай турмуш тарзи нафақат йирик шаҳарларда, балки Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор каби нисбатан кичик шаҳарларда яшовчи аҳолига ҳам хос эди. Чоризм истибдоди ва шўролар даврида халқимизнинг турмуш тарзи билан бир қаторда катта-кичик шаҳарларимизнинг қиёфасига ҳам шикаст етди, айниқса қадимий шаҳарларимиздаги туб халқ камая борди, шаҳарларимиз ўз эгаларидан, ҳақиқий во-рисларидан жудо этилдилар. Асрлар шоҳиди бўлган, ҳар бири халқимиз ҳаётидаги тарихий бирор воқеа муносаба-ти билан қурилган обидалар — санъат асарлари шонли тарихимизнинг ажралмас қисмидир. Маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида бўлгани каби тарихий обидалар ҳам шўролар замонида топталди. Мана, масалан, Бухорои шарифни олиб кўрайлик.

Бухородаги Амир Абдулаҳад ва Амир Саидолимхонлар-нинг ёзги қароргоҳи бўлмиш “Ой ва юлдузлар саройи” (“Ситораи моҳи хосса”) руҳий касалликлар шифохонаси (жиннихона)га айлантирилди, бу муҳташам қасрдаги бутун мол-мулк, зеб-зийнат буюмлар Рус императорларининг Қишқи саройи — Эрмитажга олиб кетилди. Моддий-маданий ёдгорликлар кун сайин нураб бораётганли-ги масаласи Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети-нинг 1931 йил 19 январида бўлиб ўтган йиғилишида кўрил-ганида вилоятлар ижроия комитетларига тарихий ёдгорликларни таъмир этиш эмас, балки **суратга тушириб қўйиш тавсия** этилади. Бу тавсия амалда обидалардан воз кечишни буюрарди.

1939 йилнинг 19 мартда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг 340-қарорида, жумладан, бундай дейилган эди:

1. Бухоронинг Қарши, Имом, Самарқанд, Салоҳхона, Шергирон, Мозор дарвозалари ва уларга туташ бўлган шаҳар девори давлат муҳофазасидан чиқарилиб, шаҳар шўроси ихтиёрига топширилсин.

2. ... Тоқи Саррафон (1-гумбаз) давлат муҳофазасидан чиқарилинсин.

3. ... Йиқилиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Кўкалдош мадрасаси давлат муҳофазасидан олиниб, шаҳар шўролари ихтиёрига топширилсин.

8. ... Гавкушон мадрасаси... Калобод мадрасаси давлат муҳофазасидан олиниб, шаҳар шўролари ихтиёрига топширилсин.

Бу машғум қарорга 20 йил мобайнида Ўзбекистон оқсоқоли бўлиб турган, Парламент раиси ҳисобланган Йўлдош Охунбобоев имзо чеккан! Марказнинг қўлида кўғирчоқ бўлган бу "раҳбар"нинг битта имзоси бебаҳо осори атиқалар тақдирини ҳал қилган-қўйган, ёдгорликларимиз тақдирини манқурт ва келгинди кимсалар раҳбарлик қилаётган шўролар ихтиёрига топширган. Улар эса "тарихий ёдгорлик сифатида аҳамиятини йўқотганлиги учун" деган важ билан, "таъмирлашга маблағ етишмайди" деган сохта сабабни рўқач қилиб, қанчадан-қанча осори атиқаларни буздириб ташлашган. Лекин қонхўр босқинчи М.Фрунзегга ҳайкал ўрнатиш учун маблағни аямаганлар. Бундай аянчли қисмат Хива, Наманган, Кўқон, Марғилон ва бошқа қадимий шаҳарларимизнинг бошига ҳам тушган.

Юқорида тилга олинган икки қарор билан Ҳукуматимизнинг бу йил чиқарган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларини ўтказиш ҳақидаги қарорларини солиштириб кўрсак, уларни амалга ошириш бўйича амалда бошлаб юборилган таъмирлаш ишларини кўз олдимизга келтирсак, миллий истиқлолнинг моҳиятини чуқурроқ идрок этамиз. "Ватанни севмоқ иймондандир". Севмоқ учун уни билмоқ ҳам керак.

Тошкент жўғрофий ўрни жиҳатдан Туркистоннинг марказидадир. "Туркистон" атамасининг худудий қамрови дунёда энг катта Евроосиё материгига боғлиқ, зеро у мазкур қитъанинг таркибий қисмидир. Туркистон тарихан шаклланган ва тақдиран қисмларга бўлиб юборилган ягона иқтисодий-жўғрофий жиҳатларга эга бўлган мамлакат-



нинг номидир. У ўтмишда тахминан 5 миллион 400 минг квадрат километр майдонга эга бўлган. XIX асрга келиб Туркистон уч қисмга — Фарбий Туркистон, Шарқий Туркистон ва Жанубий Туркистонга тақсимланган. Ҳозир Марказий Осиё дейилганда XIX асрда Чор ҳукумати томонидан босиб олинган ўша Фарбий Туркистон худуди назарда тутилмоқда.

Тошкентда ўтмишда Ҳинд карвонсаройи, Афғон карвонсаройи ва шу каби савдо-сотик марказлари бўлган, аждоқларимиз азалдан ён қўшнилари билан доимий алоқада бўлиб келганлар.

Мумтоз адабиётимиздаги Ҳирот мактаби, Бухоро мактаби, Хева мактаби, Самарқанд мактаби, Андижон мактаби, Кўқон мактаби, Наманган мактаби қаторида Тошкент адабий муҳити ҳам бўлган. XIV асрдаёқ бу диёрдан Бадриддин Шошийдек улуғ шоирлар етишиб чиққан. Маънавий бойлигимиз фақат туркий (ўзбек) тилида яратилган асарлардан иборат десак масалага бир томонлама ёндошган бўламиз, чунки илм ва ижод аҳлигимиз ҳам туркийда, ва шунингдек, араб ва форс тилларида ҳам ижод қилганлар. VIII—XI асрларда бутун ислом дунёсида илмий ва ижодий тил араб тили эди. Бу ҳол олимларимиз ва адибларимиз, шунингдек, тошкентлик ижодкорлар фаолиятида ҳам ўз ифодасини топган. Кейин улар туркий билан бирга форсийда ҳам қалам тебратишган. Улар орасида замона зайли билан фақат форсчада ижод этган ўзбеклар ҳам, икки тилда ижод этган ўзбек ижодкорлари ҳам бор. Масалан, Алишер Навоий форсий шеърларига Фоний тахаллусини қўйиб, 6 минг байтдан иборат девон тузган. Бадриддин Шоший эса асосан форсийда ижод этган. Умуман, ҳақиқий ўзбек зиёлилари камида учта тилни — ўзбек, араб ва форс тилларини билишган. XIX асрнинг тўртинчи чорагидан булар ёнига рус тили ҳам қўшилган. Масалан, атоқли маърифатчилардан Убайдуллоҳон Асадулло ўғли, Абдулла Авлоний ва бошқалар ана шундай кўп тиллар соҳиби эдилар. Катта замондошимиз Гафур Гулом бир неча туркий тилларни билишидан ташқари, форсча маърузалар ҳам қилар, арабчадан ҳам хабардор эди.

Яна шуниси ҳам борки, азалий ва наслий одатларига кўра туркий ҳокимлар қайси элга мансублигидан қатъи назар, давлатга хизмат қилиш нияти кўнглида бор барча зиёлиларга асар ёзишни топширар ва уларга ҳомийлик қилар эдилар. Бу борадаги хулосамиз шундан иборатки,

Ўтмиш маънавий бойлигимиз доирасини белгилашда мезонни адолат ва ҳақиқат юзасидан тўғри белгилаб, туркий халққа ва туркий давлатларга хизмат қилган, туркий (ўзбек), араб, форс ва рус тилларда яратилган барча асарларга қонуний ворис эканлигимиз билан ифтихор қилсак арзийди.

Тошкент ҳозир ҳақиқий пойтахтлик мақомига эга. Шаҳримизда элликдан ортиқ элчихоналар, қанчадан-қанча халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатётганлиги ҳам ана шунга ёрқин далилдир.

## БУЛУТЛИ ОСМОН

Осмонни булут қоплаганда, бу ёруғ жаҳон ҳам кўзга қоронғу кўринади. Она Туркистонимиз осмонини салкам бир ярим аср мустамлакачиликнинг қора булути тўсди, юртимиз тутқунликда бўлди, халқимиз кун кўрса-да, рўшнолик кўрмади. Босқинчилар Туркистонни тўла забт этиш учун қарийб чорак аср қурол ишлатди. Шунда ҳам барибир узил-кесил бўйсундира олмади, халқ иродасини буқолмади, халқ қасоскорлари гоҳ ошқора, гоҳ яширин курашни давом эттиравердилар. Айниқса, йирик шаҳарлар ва қишлоқларнинг тубжой халқи кўп жафо чекди. Масалан, 1868 йилнинг 30 апрел ва 1 май кунлари Чўпонота тепалигида бўлган жангда Самарқанд мудофаачиларининг кўпчилиги ҳалок бўлади. Омон қолганлари шаҳар ичкарасига қайтадилар.

Шаҳар учун кураш давом этади. Шаҳар ҳокими Шерали Иноқ жангда мардларча ҳалок бўлади. Бошлиқсиз қолган шаҳарни талон-торож қилишга Кауфман буйруқ беради. Тиш-тирноғигача қуролланган казаклар уч кун мобайнида Самарқандни ғорат қиладилар, тинч аҳолини ҳам қирадилар, уй-жойларига ўт қўядилар. Рус босқини арафасида Самарқанд аҳолиси 80 минг киши бўлса, ғоратдан кейин 40 минг тирик қолган эди.

Кауфман қилмишини орадан 52 йил ўтгач, шўровий мустамлакачи М.Фрунзе ҳам Бухоро шаҳрини забт этишда такрорлади. Бухоро учун бўлган жангда фрунзечилар оғир замбараклар, ҳатто аэропланлардан фойдаландилар. Шаҳар тўрт кун ёнгин ичида қолди, ярми куйиб битди, Аркнинг 80 фоизи вайрон этилди. Қанчадан-қанча мейморий ёдгорликлар вайрон бўлди ва шикаст топди. Арслонхон миқорасига замбарак ўқлари келиб етди. Шаҳар забт этилганидан кейин эса, кўп киши амирга тегишли

одамлар, деб қириб ташланди. Шу тариқа Бухоро асл фарзандларисиз хувиллаб қолди. Бухоро бошига шундай қисмат яна икки марта тушди. Йигирманчи йилларда ер-сув ислоҳоти ниқоби остида ўтказилган тадбирдан, биринчи навбатда Бухоро шаҳри ва вилоятида яшовчи тубжой халқ кўп азият чекди, ўн минглаб ўзбеклар чет элларга бош олиб кетишга мажбур бўлдилар. Ўттизинчи йилларда ўтказилган колхозлаштириш сиёсати ҳам халқимиз бошига битган бало бўлди.

Чор ҳукуматининг нияти, биринчидан, халқимизни жисмонан йўқотиш бўлса, иккинчидан эса, маънавий маҳв этиш эди. Халқни оғулантириш, унинг ахлоқ ва маънавиятини бузиш мақсадида Туркистонга ичкилик балоси олиб келинди. Чоризмнинг Тошкентда қурган биринчи корхонаси пиво заводи эди. Самарқандда ҳам шундай корхона очилган эди.

Халқнинг маънавий қиёфасини ўзгартириб юбориш учун 1867 йилдан бошлаб Туркистонга рус аҳолисини оммавий тарзда кўчиртириб келтириш бошланди. Улар учун дастлаб Тошкентда янги шаҳар қурилди. Марғилон яқинидаги Сим қишлоғи ўрнида “Новый Маргелан”, ҳозирги Фарғона қурилди. Бухоро яқинидаги қадим Хоқон қишлоғининг номи ўзгартирилиб, Когон деган рус шаҳарчаси бунёд этилди. Қўқон, Андижон, Наманган, Самарқанд шаҳарларининг ичида ва ёнида руслар учун “слободка”лар қурилди, халқимиз кейинчалик бу жойларни “ислободка” — “исловатхона” деб атади. Энг унумдор, сувли ерлар русларга бўлиб берилди, рус хуторлари вужудга келтирилди. Туркистонлик ватанпарварлардан бири Турор Рискулов бу ҳақда “Янги Туркистон” газетасининг 1923 йил 25 ноябрдаги сониде ёзишча, “Туркистонда ишлатилмоқда бўлган ерларнинг 55 фоизи ўрис келгиндиларининг қўлига ўтди”.

Албатта, ўз қадрини билган одамлар ўзининг иссиқ ўрнини ташлаб, бегона ва нотаниш ўлкаларга келмайди. Лев Толстой “Тирилиш” романида бундай кимсаларга салбий муносабат билдириб, асар қаҳрамони пойтахт Санкт-Петербургда номатлуб бўлиб, бети шувит бўлиб қолгач, Тошкентни забт этиш учун отланган “пойтахт чиқинди”лари — ёлланма аскарларга қўшилиб кетди, деб ёзади.

Рус таъсирини кучайтиришнинг иккинчи йўли — вақф мулкининг тугатилиши бўлди. Вақф мулклари тортиб олинди. Рухонийлар тирикчилик манбаи — доимий даромаддан маҳрум этилди. Масжид, мадраса, мактаб ва дарсхо-

налар қаровсиз қолдирилди, улар етмиш йил давомида таъмирланмади ҳам, қайтанга кўпчилиги бузиб ташланди. Энг қимматли тарихий бойликлар, шу жумладан, нодир қўлёзмалар, муқаддас китоблар Москва ва Петербургга ташиб кетилди. Чор ҳукумати руҳонийларни оёқ ости қилди. Чор амалдорларининг зуғумлари шу даражага етдики, улар масжидларга қўнғироқ осиб ҳаракатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликлари ва ҳукмронликларини кўрсатмоқ учун номоз вақтида масжидга итлари билан кириб келдилар.

Н.Остроумов қаби миссионерлар зиёлиларимиз онгини заҳарлашга интидилар, В.Бартольдга ўхшаш сермаҳсул тарихчилар чор ҳукуматига “Туркистонни қўлда абадий сақлаб қолиш учун жануб, шарқ ва ғарб дарвозаларини тақа-тақ бекигиб, фақат шимолга — Русияга йўлни очик қолдириш керак” деган шайтоний маслаҳатлар бердилар. Амалда шундай қилинди ҳам.

Фақат рус маданиятини улуғлаш, тарғиб қилишда — халқни руслаштиришда туркистонлик зиёлиларни жалб қилишга катта аҳамият берилди, бунга рози бўлганлар рағбатлантирилди. Ҳатто бундай номақбул ишга айрим атоқли шоирлар ҳам қўл уришган. Бунга мисол қилиб “Суворов” қасидасини, Дукчи эшон қоралаб ёзилган “Баччағар” ҳажвиясини келтириш мумкин. Ваҳоланки, Дукчи эшон миллий озодлик ва истиқлол учун курашган асл ватанпарварлардан бири эди. У ҳажв қилинган ўша “шеър” шўролар даврида чиққан мактаб дарсликларига ҳам киритилиб, ёш авлодга Дукчи эшон ҳақида мутлақо ёлғон тасаввур ҳосил қилиниб келинди.

Ёш авлод онгида ўтмишимиз ҳақида нотўғри таассурот қолдириб, русларга нисбатан катта оға туйғусини уйғотишга интилинди, таълим-тарбия шу асосда олиб берилди. Бунинг оқибатида халқимиз орасида оз бўлса-да, ўзлигини унутган манқуртлар ҳам пайдо бўлди, улар чоризм ва шўро ҳукуматининг типик малайларига айландилар. Масъулиятли вазифаларга, маъмурий ташкилотларнинг раҳбарлигига халқимизнинг асл фарзандлари яқин йўлатилмади. Раҳбарлик ҳамиша келгиндилар қўлида бўлиб келди.

Шўролар даврида раҳбарлик лавозимларида ишлаган машҳур кишиларга нисбатан “атоқли давлат арбоби” деган иборалар одат тусига кириб қолган. Аслида бундай эмас. Уларни давлат арбоблари деб бўлмади. Ахир у йил

ларда бизда давлатнинг ўзи йўқ эди-ку. Йўқ давлатнинг арбоби қандай қилиб бўлсин?!

Бошқа қардошларимиз диёрида бўлганидек, Ўзбекистонни ҳам амалда “иккинчилар” — Компартиянинг республика, вилоят, туман ва шаҳарлардаги иккинчи котиблари бошқарар эдилар. Биринчи котибларнинг инон-ихтиёри иккинчи котибларнинг қўлида эди, берилган ваколатларига кўра иккинчи котиблар раҳбар мақомида эдилар.

Саноатлаштириш ҳам юртимизни руслаштириш воситаларидан бири эди. Тошкент, Фарғона, Олмалиқ, Навоий ва бошқа шаҳарлар рус шаҳарларига айланиб бормоқда эди. Тошкент зилзиласи руслаштиришда мустамлакачиларга қўл келди. Бу мақкор сиёсатчилар ҳатто халқимиз бошига тушган табиий офатдан ҳам усталик билан фойдаландилар. Бугунитгифоқнинг турли ерларидан юборилган, аслида муқим бошпанасиз қурама аҳоли Тошкентда уй-жойли қилиб жойлаштирилди, тубжой аҳоли эса шаҳар чеккаларида ўзи иморат курди.

“Қайта қуриш” баҳонасида ҳам бу сиёсат давом эттирилди. Тошкент шаҳрининг “фирқавий” ҳокими Сатин беш йил ичида 384 минг овруполик аҳолини Тошкентга олиб келиб жойлаштирди. Уша йиллари Москвадан юртимизга 300 га яқин махсус таълим берилган раҳбар ва раҳбарчалар юборилди. Бу ҳақда Москва матбуоти Ўзбекистонга виждон олиб борилди, деб ёзди. Аслида эса улар бориб турган шовинистлар, типик мустамлакачилар эди. Тафовут шунда эдики, уларнинг кўкрак чўнтақларида комфирқага аъзолик чиптаси бор эди, холос.

Она тилимиз шунчалик қадрсизланган эдики, ўз тилини мукамал билиш эскилик сарқити ҳисобланиб, рус тилида равон гапира олмаслик қолюқлик, маданиятсизлик ҳисобланарди. Рус тилини яхши билмаган киши раҳбарлик лавозимларига яқин йўлатилмасди.

“Қайта қуриш” даврида халқимиз “пахта иши”, “ўзбеклар иши” ниқоби остида қатағонга учраш билан бирга, худди шу даврда унинг миллий онги, миллий истиқлол учун кураш туйғуси кучайиб кетди.

Миллий озодлик учун кураш ўша Оқмасжид фожиаси юз берган пайтларданоқ бошланган эди. Бу кураш ҳеч қачон сўнмади. 1876 йилда Фарғона водийсида бўлган Пўлатхон қўзғолони чор маъмурларини ҳам эсанкиратиб қўйди. Олой маликаси Қурбонжон додҳо бир неча йил мустамлакачиларга қарши кураш олиб борди. Кейин Тош-

кент халқи қўзғалди. Бу қўзғолон тарихда “Вабо қўзғолони” деб аталди. Кейин Андижонда Дукчи эшон бошчилигида халқ озодлик ҳаракати бошланди, курашчилардан минглаб кишилар дорга осилди, юзлаб кишилар Сибирга сургун қилинди.

1916 йилги Тошкент, Жиззах қўзғолонлари ҳам қурол кучи билан бостирилди, аммо халқимизнинг миллий озодлик йўлидаги кураши давом этаверди.

1917 йилги Октябр тўнтаришидан кейин большевоилар барча миллатларга эркинлик берилишини ваъда қилдилар-у, лекин амалда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирдилар. Туркистон халқларининг мустақил давлати — Туркистон мухториятини Шўро ҳукумати тан олмади, уни қурол кучи билан йўқотди. Шундан кейин бугун ўлкада миллий озодлик ҳаракати бошланиб кетди, бу курашни бошқинчилар “босмачилик” деб, унинг фидойиларини “босмачилар” деб атадилар. Аслида улар миллий озодлик учун курашнинг жангчилари эдилар.

“Босмачилик ҳаракати” — мураккаб тарихий жараён бўлиб, ҳали-ҳануз ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Шўролар замонида ошкора курашиш кўп қурбонлар беришга олиб боришини билган зукко зиёлилар энди нолегал кураш йўлини танлайдилар. Пировард мақсади Туркистонни миллий истиқлолга олиб чиқиш бўлган бундай нолегал ташкилотлардан бирини жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчилари ва етакчи мафкурачиларидан бўлмиш маърифатчи Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли йигирманчи йилларнинг ўрталарида тузган эди. Бу ташкилот оғир шароитда муайян даражада нолегал иш олиб боради, зиёлиларни руҳан тушкунликка тушмасликка даъват этади. Шўро чекистлари 1929 йили бу ташкилотдан хабар топдилар ҳамда Мунаввар қори ва унинг сафдошларидан 100га яқин кишини ҳибсга олади. Улар Москвага — Бутир турмасига олиб кетилади ва ўша ерда қатл этилади. Архивларда сақланиб қолган маълумотларга кўра Мунаввар қори 1929 йилнинг майида яширинча Москвадаги Ваганков қабристонинда кўмилган.

Халқнинг иродасини барибир буколмадилар. Миллий истиқлол туйғуси унинг қалбини бир дам бўлсинки тарк этмади. Мустақиллик дилларда армон эди...

*УЧИНЧИ ҚИСМ*

**ИСТИҚЛОЛ ШИЖОАТИ**

---



## УЗОҚ ВА ЯҚИН ЙИЛЛАР

ИСТИҚЛОЛ АРАФАСИ:  
СЕВИНЧ ВА ИЗТИРОБЛАР

**Ж**амият ҳаётида шундай ҳодисалар юз бериши мумкинки, улар аста-секинлик билан кундалик турмуш мавжларидан кудратли тўлқинларга, майин шабадалардан бўронлару шиддатли довулларга айланади. Бир юз ўттиз йиллик мустамлакачилик даврида ўзлигини йўқотиб, ўтмишини унута бошлаган халқимиз руҳиятида бора-бора кучли пўртана рўй берди.

Қизил империянинг тажовузкорона сиёсати 73 йил мобайнида аста-секинлик билан чок-чокидан ситила борди. Натижанда мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларини ҳам, одамлар хатти-ҳаракатини ҳам бошқариб бўлмайдиган ҳолат вужудга келди. Яқин ўтмишимиз сиёсий ва маънавий руҳияти, иқлими хусусида кўп гапириш мумкин. Бироқ, сўзни мухтасар қилиб, қуйидаги саволларга жавоб ахтариб кўрайлик.

*Ислом Каримов қандай шароитда ҳокимият тепасига келди? Ўтмишдошларидан унга қандай жамият мерос қолган эди? У қандай вазиятда иш бошлади?*

Масалага ана шу тарзда ёндошилса, бизнингча, Президентнинг ҳам, мамлакатнинг ҳам тўлақонли қиёфаси, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, мақсад ва интилишлари, ташвиш-изтироблари, қўйингки, барча-барчаси кўз ўнгимизда яққолроқ гавдаланади. Мавжуд ҳодисалар ва қарор топган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий муҳитни ўрганиш — масалага ҳолис ёндашиш ва адолатли баҳо бериш асосидир.

Айтиш мумкинки, қизил империя ва коммунистик мафкура асримизнинг 80-йилларига келиб, ўз келажагининг унчалик ҳам ёруғ эмаслигини, узоққа бормаслигини пайқай бошлади. Энди у чуғ устида ўтирган одамдек ўзини ҳар



тарафга ташлашга, бу таҳликали ва охир-оқибати номаълум истиқбол қаршисида қандайдир йўл топиш талвасасига тушиб қолди. Бошқача қилиб айтганда, совет тузуми ўз ҳаққини, инсоний шаъни ва яшаш ҳуқуқини талаб қила бошлаган одамларнинг қудратли тўлқинига дуч келган, бу тўлқин уни фарқ қилиб юбориши ҳеч гап эмас эди. Шу боис у чуқайтган кимса каби “хасга ҳам, хашакка ҳам ёпиша бошлаган” бир ҳолатда эди.

Хуллас, коммунистик мафкура хоҳлайдими-йўқми, ўз ғояларини қисман ўзгартириши, иш услубининг янги шаклларини излаб топиши, қисқаси, қандайдир ўзгариш қилиши керак эди. Ана шу ҳаракатларнинг маҳсули сифатида Горбачевча “қайта қуриш” сиёсати дунёга келди.

Бир қарашда, қайта қуриш сиёсати мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш борасида маълум даражада ижобий силжишларга олиб келди. Бироқ бу асл манзаранинг ташқи кўриниши эди, холос.

Бу сирти ялтироқ, ичи қалтироқ жамиятда ойнанинг тескари, аммо ҳақиқий томони ҳам бор эди. Бунда энг оддий ҳақиқатларни очикдан-очик тан олмаслик, жиззаклик, ашаддий ва эҳтиросли сиёсий ўйинлар, турли кичик халқларни хонавайрон қилгувчи ҳийла-найранглар, иттифоқдош республикаларга “тошни пахтага ўраб отиш” сингари тажовузлар, Бош котиб қиёфасидаги сиёсий чайқовчилик кўринишлари кучайиб борар эди.

Иккинчидан, қандайдир сиёсий нуфузга эришиш, машхурлик даъво қилиш, ном чиқаришга интилиш, йирик мансаб курсиларини эгаллаш касаллигига учраган “демократ”лар ўйини авж олди. Айни пайтда бу бугун мамлакат бўйлаб хавф-хатар келтирувчи сурункали касалликка айланди. Натижада иттифоқнинг турли бурчакларида турли кўринишдаги шиорбозликлар, сўзамолликлар, шармандали тарзда бир-бирини рад этувчи, бир-бирини инкор қилувчи, тўғри келиб қолса, маҳв этувчи ҳар хил ҳаракатлар юзага келди. Буларнинг бари бугун мамлакатда сиёсий-маънавий муҳитни лойқалатиб юборди.

Аслида бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Жумладан, узоқ йиллар мобайнида инсон ҳуқуқларининг чекланганлиги, сўз ва фикр эркинлигининг йўқлиги, иқтисодий тараққиётнинг жар ёқасига бориб қолганлиги, мудҳиш қатгонларнинг ташкил этилиши, аҳолини доимий равишда кўрқув ва ҳадик билан яшашга мажбур қилиш ана шу сабаблардан эди. Қайта қуриш сиёсати, юқорида айтганимиздек, одамларга бирмунча эркинлик берди.

Бироқ бу эркинликнинг маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий асоси бўлмаганлиги боис, у шунчаки, ўткинчи ҳодисага айланди. Ҳокимиятнинг энг баланд курсиларини эгаллаган кишиларда эса аниқ дастурлар, мамлакат истиқболини белгилайдиган, уни таназул ботқоғидан олиб чиқишга қодир бўлган сиёсий ирода, маънавий қудрат, ички маданият ва донишманд давлат арбобларига хос муҳим фазилатлар етишмади. Натижада уларнинг ўзи ҳам шаклан турлича бўлган, моҳиятан бир-бирини тўлдирадиган, устаси фаранг найрангбозларга айланиб қолишди. Ана шундай найрангбозликнинг фожиаги маҳсули сифатида Грузияда Тбилиси воқеалари, Озарбайжон ва Арманистонда Тогли Қорабоғ, Қирғизистонда Ўш, Ўзбекистонда энг аввал “пахта иши”, сўнгроқ Фарғона, Бўка ва Паркент воқеалари юзага келди.

Ўзбекистонда қарор топган сиёсий-маънавий муҳит СССР доирасига кирган бошқа республикаларга нисбатан анча жиддий, таҳликали, бесаранжом ва зиддиятли эди. Буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, Кремлнинг кўлида кўғирчоққа айланиб қолган, мустақил фикрга эга бўлмаган, ўз миллатимиздан чиққан мунофиқлар бутун Ўзбекистонни хонавайрон қилишди. Миллат шаънига, унинг асрлар мобайнида тўплаган обрў-эътиборига, миллий қадриятларига доғ туширишди. Бугун ўзбек халқини порахўр, лаганбардор, ўғри ва муттаҳам қилиб кўрсатишди. Натижада юзлаб тажрибали ва етук, мамлакат равнақига чинакамига таъсир кўрсата оладиган раҳбарлар қасддан йўқ қилинди. Ваҳоланки, “пахта иши”га ўхшаган салбий ҳодисалар Москвада ва бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам турли шаклларда бундан ҳам оғирроқ, бундан ҳам даҳшатлироқ тарзда мавжуд эди. “Пахта иши” кейинроқ атайлаб “ўзбек иши”га айлан-тирилиб, халқимизнинг миллий нафсониятини топташ йўлига ўтилди. Оқибатда бутун республикамизда парокандалик, лоқайдлик, умидсизлик ва ишончсизлик кайфияти чуқурлашди. Одамларнинг кўнгли жамиятдан ҳам, сиёсатдан ҳам совиди, саросималик ва таҳлика билан яшайдиган бўлди.

Иккинчидан, ўзларини миллатпарвар ва ватанпарвар қилиб кўрсатадиган сохта демократлар Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлган, улар шундоқ ҳам танг аҳволда яшаётган аҳолининг кундалик ҳаётидаги етишмовчиликлардан унумли фойдаланиб қолишга интилар эдилар. Уларнинг мақсадлари иқтисодий ва ижтимоий муаммолар гирдобидан ган-

гиб қолган халқ ўртасида норозилик келтириб чиқариш ва шу йўл билан уларни ҳукуматга қарши оёққа турғизиш, турли хилдаги исён ва низоларни вужудга келтириш йўли билан ҳокимиятни эгаллаш эди.

Бундай сохта халқпарварларни СССРнинг турли бурчақларида, Москва ва бошқа шаҳарларда ҳомийлари, маслаҳатчилари, йўл-йўриқ кўрсатувчилари бор эди. Улар зарур бўлганда ҳам моддий, ҳам маънавий, керак бўлиб қолганда эса, жисмоний ва ҳарбий жиҳатдан ҳам ёрдам беришга тайёр эдилар. Ҳар икки томон фаоллари мамлакатнинг оловли нуқталарида, муаммолар тўпланиб қолган жойларда, аҳолининг асаблари нисбатан таранглашиб, иродаси синиб қолган жойларда изғиб юришарди. Йиллар мобайнида тўпланиб қолган масалаларни бирданига ҳал қилишнинг имкони борми-йўқми, янгими-эскими раҳбарият олдига қўндаланг қилиб қўйишарди. Минглаб одамларни ўзларига эргаштириб, кўча-куйларда, майдонларда норозилик митинглари уюштиришарди. Ваҳоланки, бу оғир, мураккаб, машаққатли масалаларни ҳал этиш энг аввало барқарорликни, тинч-тоғувликни, мулоҳазакорлик билан иш юритишни талаб этарди. “Бирлик” халқ ҳаракати, “Эрк” демократик партияси худди ана шундай номақбул ва айни пайтда мамлакат ҳаёти учун ҳам, халқ ҳаёти учун ҳам хатарли бўлган йўлни тутишди.

Учинчидан, Шароф Рашидов вафотидан сўнг ҳаёт пайтида унинг этагини тутиб сифинган айрим ноқобил ва сотқин шоғирдлар бу атоқли раҳбарнинг обрўсини тўкиш орқали мамлакатда норозиликни кучайтириш, одамларни чалғитиш, уларнинг руҳиятини синдириш, миллатни бўлиб ташлаш мақсадида ҳеч нарсадан тойишмади. Жумладан, баъзи туманлар, вилоятлар ва турли вазирликларни қўшиб юбориш орқали ана шу ниятларига етмоқчи бўлишди.

Туман ва вилоятларнинг қўшиб юборилиши мамлакат иқтисодий тараққиётига кескин зарба бериш билан бирга одамлар кайфиятига ҳам жуда қаттиқ салбий таъсир кўрсатди. Нафақахўрлар, ногиронлар, ёш болали оналар оддий бир ҳужжат учун юзлаб километрлаб йўл босиб, сарсон-саргардон кезишарди. Бу уларнинг кўндан-кўп норозиликларига сабаб бўлган бўлса, иккинчи жиҳатдан, республика бошқарув тизимининг ўзида ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Чунки юзлаб бошқармалар, бирлашма, трестлар, бошқа идора ҳамда муассасаларни тарқатиб юбориш шу соҳа мутахассислари орасида ишсизликни келтириб чиқарар, қолаверса, ташкилий-худудий муаммо-

ларни баттар чуқурлаштирарди. Хулласки, бошқарувдаги бу номақбул “ислоҳот” аҳолининг турли табақаси ўртасида хилма-хил парокандаликка сабаб бўлди.

Туртинчидан, аҳоли тифиз жойлашган, моддий жиҳатдан қатор етишмовчиликлар қуршовида қолган минтақаларда миллатлараро низоларни келтириб чиқариш ва шу йўл билан аҳолини асосий мақсад ва йўналишларидан чалғитиб, ўз ҳукмдорлигини сақлаб туришга интилган Кремль республикамиз ўша пайтлардаги раҳбариятининг ношудлигидан устомонлик билан фойдаланди. Юртимизда вужудга келган турли хилдаги тангликлар, жумладан, месхети туркларининг ўз тарихий ватанига қайтишдек адолатли талаблари юзасидан келиб чиқаётган норозиликларни чувалаштириб қонли тўқнашувга олиб келди. Бу мунофиқ сиёсат ўзини ҳеч нарса билан оқюлмайдди, тарих ҳамиша уни лаънатлаб ўтади. Қўғирчоқ раҳбарлар бутун миллатни, минг-минглаб хонадонларни ўзларининг вақтинчалик амал курсилари учун қурбон қилдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг биринчи котиби Р. Нишонов ана шу можароларга бефарқ қараганлиги ёки унга атай йўл очиб берганлиги учун боши “силанди”. СССР Олий Советининг Миллатлар Советига раис қилиб қўйилди. Айни миллатлараро низоларни кучайтиргани, одамлар ёстигини қуритгани эвазига! Депутатлар Фарғона воқеаларига сиёсий баҳо беришни талаб қилиб турган бир пайтда Нишонов: “Ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида. Фарғонада тинчлик. У ерда икки безорининг бир челақ қулупнай устидаги жанжали бўлган, холос”, деб бамайлихотир ўгиришининг ўзи унинг шахс ва сиёсатчи сифатидаги қиёфасини яққол кўрсатади.

Бешинчидан, коммунистик мафкура арбобларининг жазаваси билан қайта қуриш йиллари халқимиз қон-қонига, жон-жонига сингиб кетган, кундалик турмуш тарзига айланган ислом динига қарши кураш янада кескинлашди. У бидъат ва хурофот сифатида қораланди. “Дин — афюндир” деган даҳрийлик шиори одамлар қалбини жароҳатлади. Бироқ иймон ва эътиқоди кучли бўлган халқимизнинг асосий қисми юрагида динга муносабат ўзгармади, уни асраб-авайлаб юрди.

Аммо диндан ўз манфаати йўлида фойдаланувчи айрим ақидапараст кимсалар ислом динини ҳимоя қилиш ниқобида қўпоровчилик ишлари билан шуғулланишди. Аллақандай диний партиялар, диний ҳокимият хусусида гаплар тарқатилди. Моддий қийинчиликлар гирдобига тушиб

қолган аҳолининг кайфиятидан фойдаланишга, ҳукумат билан халқ ўртасига нифоқ солишга уринишди. Наманган, Андижон, Фаргона ва Тошкентда турли-туман митингбозликлар авж олиб кетди. Охир-оқибат сохта диндорларнинг ниқоби йиртилди.

Ислом Каримов ана шундай — муаммолар устига муаммолар қалашиб, масалалар чувалашиб кетган, мураккаб ва зиддиятли бир пайтда ҳокимият тепасига келди. У ўзи раҳбар этиб сайланган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси пленумининг 1989 йил 23 июндаги йиғилишидаёқ ўз позициясини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Жумладан, мамлакатни жар ёқасидан қайтариб олиш, минтақада миллатлараро тотувлик ва барқарорликни бутун чоралар билан таъминлаш, тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ бартараф этиш учун бутун куч ва ҳаракатни жамлаб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш кераклигини уқтирди. Қарашлар ва ғоялардан қатъи назар мамлакат ва халқ манфаати йўлида бирлашиш зарурлигини, мавжуд кескин ва таҳликали вазият шуни талаб этаётганини, бунинг учун ўзининг ҳамма нарсага тайёр эканлигини такрор ва такрор айтди. Тўқнашув юз берган жойларда бевосита бўлиб, одамлар билан мулоқотда бўлди, уларни қийнаётган масалаларни ҳар жиҳатдан чуқур ўрганди.

Ана шундай оғир ва зиддиятли бир пайтда Ислом Каримов биринчи навбатда республикада барқарорликни таъминлаш орқали ҳаётий эҳтиёжларни қондириш йўлини тугди. Партия Марказий Қўмитасининг кейинги олти ойлик фаолиятида тўрт марта пленум йиғилиши ўтказилди. Уларнинг барчасида миллатни миллат сифатида белгилайдиган асосий омиллар — маданий меросни ва тарих ҳақиқатини тиклаш, миллий урф-одатлар ва анъаналарни ривожлантириш, яқин ўтмишдаги руҳий кушандалик мафкурасига зид ҳолда ислом динининг юксак маънавий ва маданият воситаси эканлигини, у одамларни инсофга, диёнатга, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликка давъат этувчи ғоят кучли қурол эканлиги Ислом Каримов томонидан очиқ-ойдин айтилди ва тўғри баҳоланди.

Муқаддас туйғулари топталиб, юраги зада бўлиб қолган халқ динга катта йўл очилгани, диний таълимотга катта эътибор берилаётганлигини зўр қониқиш билан кутиб олди. Республикада маънавий жиҳатдан соғлом, назарий жиҳатдан етук, амалий жиҳатдан баркамол сиёсат вужудга келаётганлигини пайқай бошлади ва унга ишонди.

Иелом Каримовнинг сиёсатдаги ютуғи шундаки, у ҳаминча одамлар дилидаги кечинмаларни чуқур англайди, уларнинг энг нозик ҳисларига таъсир ўтказишни яхши билди. Шу сабаб у ҳаётдан кўнгли совиб, қўлини ювиб қўлтиғига урган, можаролар ва қонли тўқнашувлар эзиб юборган, ғайринсоний сиёсат тегирмон тошлари орасида қолган халққа тўғридан-тўғри мурожаат қилди. Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг 1989 йил 19 августда бўлиб ўтган XVI пленумида: “Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг продаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳаминча ўзбек халқига хос фазилатлар бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўнгина мисоллар билан исбот қилинган”, деб халқимизнинг дардига дармон бўлди, унга чексиз тасалли берди.

Шу билан бирга сўнги 8—10 йил мобайнида ўзбеклар ва Ўзбекистон бошига аедарилиб келинган маломатни ювиб ташлашга қатъий аҳду паймон қилганини кескин билдирди ва амалда исбот қилди.

Халқимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, уни муносиб қадрлаш маънавий баркамол сиёсатнинг мазмунидир.

Айни ўша пленумда Ислом Каримов: “Шунга аминманки, одам биргина яхши сўз туфайли, мажозий қилиб айтганда, тоғни талқон қилиши мумкин. Афсуски, биз кейинги вақтда одамларга бундай муносабатда бўлишни деярли унутиб қўйдик. Чулки, одамга ишонч уни улуғлайди, ўз кучига ишонч бағишлайди. Бошқа томондан ишончсизлик, холисона муносабатда бўлмаслик одамларнинг ҳафсаласини пир қилади ва шу туфайли биз қанчадан-қанча истеъдодли кишиларни бой бермоқдамиз”, дея афсус билан таъкидлаган эди.

Бу муносабат ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги парокандалик ва бесаранжомликни бартараф этишнинг услуб жиҳатдан халқона, шакл жиҳатдан миллий, мазмун жаҳатдан умуминсоний қадриятларни ҳимоя қиладиган сиёсат қарор топаётганидан далолат беради.

Масаланинг яна бир жиҳатига эътибор беришни истардик. Яъни бироз олисроққа борсак, 1983—1988 йиллардаги сиёсий-маънавий муҳитни мумкин қадар чуқурроқ

таҳлил этсак, унинг устида мулоҳаза юритсак муаммонинг моҳияти яхшироқ очилади. Демак, юқоридаги фикрлар баён этилган кундан роппа-роса беш йил муқаддам, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1984 йил XVI пленуми айни унинг тескарисини ашаддий тарзда баён қилган эди. Шу билан бирга тобелик ва мугеликнинг миллатфурушлик ва ватанфурушлик мазмунидаги сотқинлик қиёфасини кўрсатди. Марказий Қўмитанинг ўша пайтдаги биринчи котиби Усмонхўжаев узоқни кўра олмаслиги, қалбида миллат ва Ватан туйғусининг заифлиги ҳамда иймонининг сустлиги туфайли Кремлга кўр-кўрона итоат билан иш юритди. Ўзбек ва ўзбекларни рўй-рост бадном бўлишига, шармандаи шармисор этилишига йўл қўйиб берди. Унинг раҳбарлигида ўтган ана шу пленум тарихимизда машғум ном олди.

Муқоясадан кўриниб турибдики, демак, сиёсатчининг шахсий етуклиги сиёсатнинг етуклигига, раҳбарнинг маънавий баркамоллиги бошқарув тизимининг маънавий баркамоллигига бевосита боғлиқ.

Юқорида қайта қуриш сиёсатининг талвасага тушган ҳолатлари хусусида гапирган эдик. Ўша йиллари Горбачев мамлакатни таназзулдан олиб чиқиш йўлида бошини урмаган эшик қолмади. Гоҳ жадаллаштириш концепциясини ўйлаб топди, гоҳ фан-техника тараққиёти деб бутун мамлакатни алгов-далгов қилди. Ундан натижа чиқмагач, агросаноат комплексини қайта қуриш режаларини ишлаб чиқди. Шундан сўнг кадрлар сиёсати масаласини кўтарди. У ўзини қаёққа урмасин, ҳаракатлари самарасиз бўлаверди. Бора-бора, энг муҳими — инсон омили эканлигини тушунди, бироқ энди кеч бўлиб қолган, фишт қолипдан кўчган эди.

Дарҳақиқат, инсон онги ва тафаккурида ўзгариш ясамагунча, унинг дунёқарашларини янги ижтимоий-сиёсий жараёнларга мослаштирмагунча ҳар қандай ҳаракатлар бесамар ва фойдасиздир. Ислом Каримов эса мамлақат раҳбарлигига сайланганидан бошлабоқ халққа суянди, унинг ташвиш ва изтироблари билан яшади. Аҳоли руҳиятига таъсир қиладиган, уни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, ўзлигини англашига ёрдам берадиган усулларни ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ этди.

Шўро тузуми даврида Ўзбекистон иқтисодини издан чиқариш, аҳолини қора меҳнатга маҳкум этиш, унинг бой ўтмиш маданиятидан, миллий қиёфа ва анъаналарни ўзида мужассам этган ёрқин ва рангин хотирасидан айириш

мақсадида пахта яккаҳоқимлигига зўр берилган эди. Қайта ишлаш саноати атай ривожлантирилмади. Халқнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, жаҳон тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган кадриятлари топталди.

Ислом Каримов Марказнинг ана шундай пишиқ-пухта стратегиясини ўзгартирмасдан туриб, Ўзбекистонда ижобий силжишлар қилиш мумкин эмаслигини дадил баён этди. Жумладан, пахтанинг харид нархини ошириш, унинг ҳукмронлигини камайтириш борасидаги талабларини Кремл олдида қатъий қилиб қўйди. Марказ олдида қўйилаётган янгидан-янги талаблар, Москва билан Тошкент ўртасидаги кўз илғамас зиддиятли муносабатлар ва кўрилаётган чора-тадбирларини ўз вақтида халққа маълум қилиб турди. Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989 йил 19 августда бўлиб ўтган XVI пленумида: “Биз 1990 йил плани лойиҳаси билан Иттифоқ органларида якки марта учрашдик. КПСС Марказий Комитети, мамлакат Министрлар Совети ва Госплани раҳбарияти билан учрашдик. Бутун масъулиятни зиммамга олиб, шуни айта оламанки, пахта нархи масаласи яқин ойлар ичида кўриб чиқилади. Бу муаммони ҳал қилишимиз учун ҳисоб-китобларга кўра, камида бир ярим миллиард сўм талаб қилинади...”

Ҳозир очигини айтиш керак... Москвада ўртага қўйилган масалаларни ҳал қилишимиз қийин бўляпти. Биз раҳбарлар бу масалаларни қатъият билан, билимдонлик билан ўртага қўйишимиз, уларнинг ҳал этилишига изчиллик билан эришишимиз, ҳар қандай ҳолда ҳам айбни бировларга тўнкамай ва бировларнинг орқасига яширинмай, масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз керак”, деб аниқ-равшан кўрсатиб берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир ярим миллиард сўм пул ўша пайтдаги қиймати бўйича жуда катта маблағ ҳисобланарди. Қолаверса, ўта ҳасис “оға”нинг “қандайдир” Ўзбекистонга шунча пул бериши унинг жонининг чиқиши билан баробар эди. Шунга қарамай, Ислом Каримов республика раҳбари сифатида энг қийин ва зиддиятли бир пайтда қанчалик оғир бўлмасин, ҳақиқат билан юзма-юз туришга ҳаракат қилди. Бу эса осон иш эмас эди. Бунга ҳамма ҳам чидай олмасди. Бунинг сабаби, биринчидан, республика аҳолиси асосий кўпчилигининг сабр косаси тўлиб, ҳиссиётлар жунбушга келиб, кучли бир пўртана ҳаммаёқни текислаб кетиши мумкин бўлган вазият ҳар қандай раҳбарни ҳам ўйга солиб қўяр эди.



Иккинчидан эса, Москва Ўзбекистондаги худди ана шундай вазиятдан фойдаланиш позициясида турарди. Бу ерда қанча кўп нохушлик юз берса, у ёқда шунчалик хушнудлик кайфияти кучаярди. Худди ана шундай вазиятда Ислом Каримов, таъбир жоиз бўлса, икки ўт орасида ёки сандон билан болганинг ўртасида қолган эди. Ва улкан давлат арбоби, донишманд сиёсатчига хос фазилатлари туфайли у бу мушкул вазият чангалидан мардоналик билан, ёруғ юз билан чиқа олди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг 1989 йил 25 ноябрда бўлиб ўтган XVIII пленуми республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида кескин бурилиш ясади. Унда миллий масаланинг тарихий жиҳатлари, ҳозирги аҳволи, миллий сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, маданий-ахлоқий масалалари чуқур илмий ҳолислик билан таҳлил этилди ва иттифоқ раҳбарияти олдига бу масалаларни ҳал этишни асосий вазифа қилиб қўйди. Жумладан:

Биринчидан, Ўзбекистон ва ўзбеклар бошига ёғилаётган маломат тошларига чек қўйиш, “пахта иши”, “ўзбеклар иши” деган уйдирмаларни бас қилиш, Москва матбуотида ўзбекларнинг миллий нафсониятига тегадиган чиқишларни тўхтатиш зарур эканлиги уқтириб ўтилди.

Бундай талаблар жавобсиз қолавергач, жиддийроқ йўл тутишга тўғри келди. Шимолдан жанубга қараб чигирткадай ёпирилиб келиб, ҳаммаёқни горат қилаётган баъзи бадният ва шум муҳбирлар йўли тўсилди. Айрим газеталарнинг тарқатилиши тўхтатилди. Буни ҳар ким ҳар хил тушунди. Москваликлар ўзича, қўйнида пичоғини яшириб, орқамиздан пойлаб юрган “жайдари” миллатпарварлар ўзича. Кимдир дод-фарёд солди, асосан кўпчилик тўғри тушунди. Ҳақиқат ҳақиқатлигича қолди. Вақт ҳаммасига ўз баҳосини берди.

Шу ерда диққатингизга “Век” газетасининг 1995 йил 21—27 июль сонларида босилган бир мақоладан кўчирмани ҳавола этамиз. Жумладан, унда шундай дейилади: “СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади.

Каримовнинг митингларни тақиқлаб қўйиши қирғизлар, тожиклар билан ўзаро муносабатлардаги мураккаб вазифаларни ҳал этиш каби жуда тўғри иш эди. Унинг колхоз ва совхозлар раҳбарларини сайлаш эмас, балки тайинлаш тўғрисидаги таклифи ҳам ўриили эди. Агар шундай қилин-

маганида охир-оқибат қандай бўлишини билиш қийин эди. Каримов мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни ҳам заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўйди... Буларнинг ҳаммаси Ислом Каримовнинг улуглигини белгилайдиган сифатлардир”.

Иккинчидан, ўзбеклардай қадимий халқ жуда катта маданиятга, тарихга ва маънавий меросга эгаллигини назарда тутишни, унинг миллат сифатидаги ниҳоятда ёрқин ва бетакрор қиёфасини тан олишни ва шу асосда юқори даражадаги раҳбариятнинг номақбул сиёсати туфайли бутун СССРда илдириш отган нуқсонларни ўзбекларга тўнкашга айриқонуний иш эканлиги таъкидланди.

Учинчидан, мамлакат халқ таълими тизимида, маданий-маърифий ҳаётида жиддий равишда ислохотлар ўтказиш, халқнинг ўзлигини англаши, миллий қадриятларни қайтадан тиклаши ҳаётий зарурат эканлиги қайд этилиб, бу иш масъуллиқ қайси даражада бўлмасин, барча соҳадаги раҳбарларнинг зиммасига қатъий қилиб қўйилди.

Ислом Каримов мамлакат халқ таълими ва маърифат соҳасида фикр юритар экан, “Она тилида ўқитиладиган мактаблар тармоғи, бошқа миллий-маданий муассасалар асоссиз тарзда камайди. Феодализм сарқитларига қарши кураш шиори остида ўттизинчи-қирқинчи йилларда ва элликчи йилларнинг бошларида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий мероси, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва бойитишга ҳаракат қилган Ўзбекистон фани ва маданиятининг бир қанча таниқли арбоблари, жумладан, Абдулла Қодирий, Усмои Носир, Ойбек, Шайхзода, Шукрулло, Шўхрат, Туроб Тўла ва бошқалар миллатчиликда, панисломизм ва пантуркизмда айбланиб репрессия қилиндилар.

Республика адабиёти ва санъати тараққиётига катта ҳисса қўшган Чўлпон ва Фитрат сингари маданиятимизнинг таниқли арбоблари хусусида ҳам тарихий ҳақиқат ва адолат тикланиши керак”, деган янгича нуқтаи назарни илгари сурди.

Республикада тил масаласини ҳал этиш муҳим сиёсий ва маънавий ҳодиса сифатида кўтариб чиқилди. Тил — миллатнинг қалб тори. Унга озор етказмаслик, аксинча, сайқал топиб, жилоланиб боришига эришиш зарур. Кўпмиллатли мамлакатда ўзаро муносабатларнинг таъминланиши, бошқа кичик халқлар тилларини камситмаган ҳолда туб аҳоли тили мавқеини тиклаш муҳим маданий-маърифий ҳодисадир. Пленумда *партия тарихида биринчи марта мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб тилларга муносабат*

бутунлай ўзгариши лозимлиги ва ана шу ўзгариш тўғрисида республикага номини берган миллат қадр-қимматини кўтариши, иззат-икромини жойига қўйиш адолат иши эканлиги алоҳида уқтирилди. Ижодкор зиёлиларнинг энг иқтидорли ва соғлом кучларини бирлаштириш, шу асосда юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни вужудга келтириш, халқимизга маънавий-руҳий жиҳатдан мадад бўлиш республика раҳбариятининг асосий вазифаси қилиб белгиланди. Ана шу хулосалардан келиб чиқиб, кўҳна тарих ва маданият соҳибни бўлган Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий, Фурқат, Муқимий ва бошқа улуг мутафаккирлару халқ маърифатпарварларининг бебаҳо меросига эга бўлган Ўзбекистондай республикада тарих ва маданиятнинг мантиқий ва собитқадам силсиласи узилмаслиги учун барча шарт-шароитларни яратиш керак, деб уқтирди Ислом Каримов.

Яна бир муҳим масала: худди шу пленум бизнинг 70 йил мобайнида шаклланиб қолган атеистик қарашларимизга, ислом ва бошқа динларга бўлган муносабатларимизда кескин бурилиш ясади. Биз биринчи марта коммунистик партиянинг жазаваси тутиб турган, унинг мафкураси эса қилич яланғочлаб майдонга тушган бир пайтда ислом динини маънавият, юксак ахлоқ ва маданиятнинг муҳим бўғини сифатида тан ола бошладик. Бу партия раҳбарлиги курсисида ўтириб, унинг мафкурасини бутунлай бошқа ўзгаришга буриб юборишга қодир бўлишдек ниҳоятда кучли ирода, қатъият ва жасурлик талаб этадиган камданкам ҳодисадир.

Дарҳақиқат, бугун Иттифоқда демократия ўйинлари, сиёсий шовқин-суронлар, мафкуравий тўқнашувлар жунбушга келган бир пайтда Ўзбекистонда Ислом Каримов “Динга муносабатда ҳам пухта ўйланган, синовдан ўтган ёндашув лозим. Бир томондан виждон эркинлиги, динга ишонувчиларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш принципини оғишмай ўтказиш лозим. Диний тузилмаларнинг тинчлик ва хайрия фаолиятини қўллаб-қувватлаш керак”, дея ўз фикрини ўртага ташлади ҳамда “барча масалаларни ҳал этиш учун сиёсий системани ислоҳ қилиш зарурлиги” ни кўрсатиб берди. Масалага бундай ёндашув ва шу пайтгача қутилмаган ислоҳчиликка интилиш энг аввало мавжуд ва чуқур илдиз отган ижтимоий-сиёсий муҳит билан муроса қила олмаслик, уни иложи борича мумкин қадар тезроқ йўқотиш зарурат эканлигини теран тушунди. Шу билан бирга уни тубдан ислоҳ қилишга ўзини қодир деб

билди, ўз кучига, иқтидорига, бўлажак ишининг якунига қатъий ишонди. Натижада бу ниҳоятда қалтис ва таҳликали ишга енг шимариб киришди. Хатти-ҳаракатлар ва интилишлар кўп ўтмай ўз самарасини бериб, республикада қандайдир ҳаётбахш жараён бошланаётганидан далолат бера бошлади.

Иккинчидан, Каримовнинг ўзига хос, мустақил иш фаолияти СССР таркибидаги каттаю кичик сиёсий арбоблару арабчаларни ҳайратга солар эди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон етакчиси билан Кремль ўртасидаги муносабатларни жиддийлаштирар, марказдагилар “бебош ва ўзбошимча раҳбар” нинг таъзирини бериб қўйишга ҳаракат қилишарди.

...Воқеалар жараёни шу даражада тезлашдики, Каримовнинг сиёсати бевосита ўзбек халқи хоҳиш-иродаси, саъй-ҳаракати билан қўшилиб кетиб, иттифоқ раҳбариятини хийла талвасага солиб қўйди. Чунончи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 24 мартада бўлиб ўтган сессиясида бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, президентлик лавозимини ташкил этишга қарор қабул қилинди. Бу ҳужжатда, жумладан шундай сатрлар бор:

*“Демократия жараёнларини янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, Конституцион тизимни, граждандарнинг ҳуқуқларини, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети*

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти лавозими таъсис этилсин”.

Қарор матнига жиддийроқ эътибор берайлик. Унда қўйидагиларни кўриш мумкин.

Биринчидан, демократия жараёнларини янада чуқурлаштириш ҳам, сиёсий ўзгаришларни такомиллаштириш ва конституцион тизимни мустаҳкамлаш мантиқан том маънодаги мустақилликни талаб этади ва унинг замирида марказга бўйсунмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили ётади. Зотан, қайсидир даражада бўлмасин, энг кичик масалалар бўйича ҳам кимгадир тобе бўлинса, юқорида қўйилган талабларнинг биронтасига ҳам эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш — бу бевосита партия яккаҳокимлигини бар-тараф этиш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, халқ ва ҳокимият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни яқинлаштириш, яъни жамиятда соғлом ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий муҳитни қарор топтириш, уни аста-секинлик билан турмуш тарзига айлантириш имконияти демакдир. Бу эса охир-оқибатда республиканинг ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқадиган ва уни амалга оширадиган Президент лавозимини жорий қилишни тақозо этади.

Бу табиийки, Горбачев бошлиқ иттифоқ раҳбариятини қаттиқ ташвишга сола бошлаган эди.

Аслини олганда, Ислом Каримов СССР ҳукумати барча миллий республикаларга кундан-кунга тазйиқ ва зўравонликни ошираётган, кам сонли халқларга зуғум ўтказётган бир пайтда собиқ иттифоқда биринчи бўлиб Президентлик бошқарувини ташкил этиб, вазминлик ва қатъият билан Ўзбекистон мустақиллигига дастлабки пойдеворни қўйган эди! Чунки Президентлик бошқарувининг энг асосий тамойили мустақиллик истагини ҳаётий зарурат даражасида англаш, ўзгага бош эгмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиш, дунёга ўзлигини танитишдир. Ана шундай оғир ва қалтис ишни амалга ошириш, бир жиҳатдан, Каримовнинг фавқулодда жасорати ва журъатидан далолат берса, иккинчи томондан, унинг ниҳоятда мутафаккир ва ўткир сиёсатчи эканлигини кўрсатади. Ахир, Марказ — Сиёсий Бюро, СССР Президентлик Кенгаши, унга бўйсунувчи қатор маъмурий ва жазо органлари ҳар қандай йўл билан бундай “бебош” раҳбарга тазйиқ ўтказиши ҳеч гап эмас эди-да. Бироқ Ислом Каримов СССРнинг ич-ичидан зил кетаётганини, бу мамлакат — “бузуқ арава” узоққа боролмаслигини, барча сессиялару пленумлар, партия ва депутатлар қурултойлари халқ туғени қаршисида энди ожиз ва нотавон эканлигини Иттифоқ миқёсидаги бошқа раҳбарлардан олдинроқ англади, олдинроқ тушунди ва бу воқеаларга ўз муносабатини кескин равишда билдирди. Мамлакат то мустақил бўлмагунча ҳеч қачон миллий раванқ бўлмаслигини, том маънодаги тарих ҳақиқатини тиклаш учун эса аввало мамлакат озод бўлиши зарурлигини сиёсий, назарий ва амалий жиҳатдан кўрсатиб берди.

Шунинг учун Президент Ислом Каримовнинг қарашлари Марказнинг етмиш йил мобайнида шаклланган, об-

дон пиштитилган қарашлари ва манфаатларига сира мос келмас эди. Аниқроғи, унинг Горбачев бошлиқ ҳукумат сиёсий ўйинларига унчалик ҳуши йўқ, табиатан бундай муҳитни ўзига сингдирилмас эди. Чунки, вазият аллақачон ўзгарганлигини, Марказ олиб бораётган калтабин сиёсатнинг охири вой эканини, энди янги руҳдаги, халқнинг ва тарихий жараённинг эҳтиёжига монанд сиёсат зарурлигини у аллақачон пайқаган эди. Марказ Каримов билан ҳисоблашиб ишлаш, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб туришга мажбур эди. Шу билан бирга у билан ғоят эҳтиёткорона муносабатда бўлишар эди.

Болтиқбўйи мамлакатлари мустақиллик тўғрисидаги талабларини СССР Олий Кенгаши мажлиси ва халқ депутатлари курултойига кўндаланг қилиб қўйганларидан сўнг Президент М. Горбачев бир гуруҳ депутатлар ва раҳбарлар билан вазиятни ўрганиш, аниқроғи, тазйиқ қилиш, ўз таъсирини ўтказиш мақсадида Болтиқбўйига борди. Гуруҳ таркибида Ўзбекистон Президенти ҳам бор эди. У ерда Ислом Каримов ҳақиқат билан юзма-юз келди ва шунда жуда катта қатъият ва фавқулодда журъат билан ўз муносабатини билдирди: комиссия ишини яқунламасданок Горбачевни ҳам, унинг манфаатларини қўллаб-қувватловчи гуруҳни ҳам ташлаб тезда орқага қайтди. Бу билан у Болтиқбўйи халқларининг талаблари қонуний эканлигини, мустақиллик, СССР таркибидан чиқиш — тарих ҳақиқати инсон ҳақ-ҳуқуқларининг тантанаси эканлигини ошкора намоён этди.

Чиндан ҳам, СССР таркибида туриб ҳеч қандай миллий раванқ, маънавий тараққиёт хусусида гапириб бўлмас эди. Чунки ёвузлик ва зўравонлик асосида қурилган бу давлат бундай интилишларга асло йўл бермас эди. Америка адибаси Эйн Рэнд таъбири билан айтганда, *“инсонни фикрсиз қулга айлантирган ёки унинг меҳнати самарасини тортиб оладиган эркин тафаккур қилишдан маҳрум этадиган ёки ақлга зид ҳаракатларга ундайдиган жамият, мавжуд қонунлари билан инсоннинг табиий талаб-эҳтиёжлари ўртасида қарама-қаршилик келтириб чиқарадиган жамият аслида жамият деб аталишига ҳам арзимайди. У — жиноятчилар тўдаси ёки оломондир. Барча инсоний қадриятларни нест-нобуд этадиган бундай жамият фаолиятини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Бундай жамият фаровонлик манбаи эмас, балки инсон ҳаётига хавф солувчи офатдир. Шу сабабдан ҳам, Совет Иттифоқида ёки фашистлар Германиясидек мамлакатда яшагандан кўра кимсасиз оролда истикомат қилмоқ инсон учун минг карра хавфсизроқдир”*.

Тарих ҳақиқатини тиклаш, асрлар мобайнида шаклланган анъаналар ва урф-одатларимиз, қадриятларимизни жой-жойига қўйиш учун энг аввало сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллик керак эди. Акс ҳолда тоталитар тузум тиш-тирноғи билан иттифоқдош республикалар ва кичик халқларга зуғум қилаётган бир пайтда миллат эҳтиёжлари хусусида гапириш хомхаёлдан бошқа нарса эмас эди. Шунинг учун ҳам Президент Исрол Каримов Ўзбекистонни том маънода мустақил мамлакат сифатида тан олдириш йўлини тутди. Шунинг учун ҳам республикада президентлик бошқаруви тизимини жорий этилганидан кейин кўп ўтмай “Мустақиллик декларацияси” эълон қилинди:

**“Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети:**

*Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий таърибаси ва таркиб топган бой анъаналари;*

*ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи,*

*ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечирishiни таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда,*

*Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда,*

*халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб,*

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади.*

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида, барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлидир.

4. СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.

5. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.

6. Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олади ва ҳурмат қилади.

7. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.

8. Ўзбекистон ССР ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.

9. Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси мустақиллигини Мухтор Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Қонуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпоғистон МССР манфаатларини ҳимоя қилади.

10. Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади. Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва қурилишини белгилайди.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокама-си асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик беради.

12. Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир.

*Ўзбекистон ССР  
Олий Советининг  
иккинчи сессиясида  
қабул қилинди.  
Тошкент шаҳри  
1990 йил 20 июнь”.*

Шундай қилиб, давлат раҳбари ҳаёти учун хатарли, аммо миллат ва юрт истиқболни учун шуқуҳли бўлган дастлабки, залворли қадамлар қўйилди. Энди халқ душмани сифатида қораланган миллатимизнинг асл фарзандларидан тортиб ўрганиш ман этилган улуғ тарихимизни — барча-барчасини тиклаш, унга ҳолис баҳо бериш учун шароит ту-



гилди. Борган сари ўзлигини англашга, ўзлигини тиклашга, тарихий қадриятларини ўз вақтида баҳолашга замин яратилди. Хўш, буларнинг ҳаммасига қандай қилиб эришилди? Бундай имконият ўз-ўзидан юзага келдими? Йўқ, албатта!

Москвада ва Россиянинг бир қатор йирик шаҳарларида воқеалар шу даражада чувалашиб кетдики, унинг ечимини топишга энг юқори даражадаги раҳбарлари ҳам ожиз бўлиб қолишди. Горбачев ва унинг бир ҳовуч гумашталари зўр бериб жон ҳолатда пўкакка осилишарди. Аммо, халқнинг қудратли тўлқини уларни тобора қирғоққа чиқариб ташлаётганидан таҳликага тушиб қолишган эди. Аниқроғи янгилик билан эскилик, истиқбол билан ўтмиш орасида муаллақ қолишган эди. Бу мамлакатнинг келажаги таназзул билан тугашидан далолат берарди. Ана шундай оғир, саросимали, таҳдид ва таҳликалар пайғида Ўзбекистон ҳукумати халққа суянди. У билан тиллашди, дардлашди. Натижада халқ билан ҳукумат ўртасида соғлом муносабат вужудга келди.

Президент Ислам Каримовнинг энг катта ютуғи одамлар билан юзма-юз туриб гаплашди, рост гапирди, ёлғон ва баланд парвоз ваъдалардан ҳазар қилди. Халқ эса аччиқ бўлса-да рост гапга муҳтож эди. Чунки у йиллар мобайнида ҳаёт ҳақиқатидан маҳрум этилган, уйдирмалар ва ҳавойи шиорлар гирдобига ғарқ этилган эди. Ҳукумат раҳбари сифатида И. Каримов халқнинг худди ана шу кемтик жойини тўлдиришга киришди. Халқ даҳосига, унинг яратувчилик қудратига ишонди, унга таянди. Улкан йиғилишларнинг бирида, мамлакатимизнинг олий минбаридан туриб юртбошининг исёнкор қалбидан Чўлпоннинг йиллар мобайнида ўқиш ман этилган оловли сатрлари отилиб чиқди:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...  
Халқ қўзғолса куч йўқдирким тўхтатсин,  
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.

Бу мамлакатда ижтимоий-сиёсий муҳитнинг бирмунча барқарорлашишига олиб келди. 1989-90-91-йиллар, айтиш мумкинки, бир неча минг йиллик тарихимизда миллий тикланиш, миллий уйғониш ва миллий тараққиёт даврининг муқаддимаси бўлди. Худди ана шу йилларда Наврўз байрами миллий байрам сифатида кенг нишонланди, бу оммавий байрамларда биринчи марта ҳукумат раҳбарлари халқ билан бирга иштирок этишди.

Бу воқеаларни бугун — орадан бирмунча вақт ўтган хотиржам эслаш осон. Уша пайтларда эса ҳар бир кишининг қалбида аллақандай ҳадик, ифодалаб бўлмас қўрқув, унга қоришиб кетган севинч ва ҳаяжон бор эди. Бу воқеаларни ҳар ким ўзича тушунди, ўзича талқин этди. Бироқ Ўзбекистон раҳбарияти ўз сўзида собит турди. Турли ҳийлаю найрангларни, иғво ва маломатларни қатъият билан, амалий иш билан енгди. Охир-оқибатда эса Ўзбекистон яна бир бор ўз куч-қудратини, сиёсий салоҳиятини ёрқин намойиш этди. 1991 йил 31 август куни иттифоқдош республикалар ичида биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди ва уни қонун билан мустаҳкамлаб қўйди. Бу сана тарих саҳифасида абадий қолади!

Президент Ислон Каримов сессияда мустақиллик моҳияти, унинг тарихий зарурат эканлиги хусусида гапирар экан, мустамлакачилик асорати ва собиқ иттифоқда қарор топган муҳитни рўй-рост очиб ташлади:

“Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзларининг, овласининг, бола-чақасининг тинчлигига қяфолат истайди. Тўқис, хотиржам ҳаёт талаб қиялпти. Бу истақлар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозлик остида кўмилиб кетяпти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан хайрихоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қиялпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитларини талаб қиялпти. Бу — ҳаққоний талабдир.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди”.

Бу нуқтаи назар Ватан ҳисси, миллий руҳ, миллий туйғу давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг яққол ифодасидир.

Президент мустақиллик тўғрисида қонун қабул қилиш, энди СССР таркибида ортиқ қолиб бўлмаслигини, ундан чиқиб эса чинакам миллий равнақ ва миллий тараққиётга замин яратишимиз зарурлигини уқтириб, “Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси эса биз учун муқаддасдир”, деб таъкидлади.

Ислом Каримов тасаввурида том маънодаги маънавият энг аввало Ватан туйғусидир. Ватан туйғуси ҳам миллий мансублик сингари ҳар бир шахснинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган мўътабар ҳодисадир. Зеро, инсон қайси замон ва қайси маконда яшамасин, туғилган юртини ўзгартира олмайди, ундан тонолмайди. Ватан ва миллат туйғусининг мўътабарлиги, улуғлиги, муқаддаслиги ана шунда. Шунинг учун ҳам Президент энг аввало мустақилликни англаш учун миллатни англаш, ўзликни англаш, Ватан ва унинг буюк ўтмиши билан фахрлана олиш ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилди. Айни пайтда мустақиллик йўли ҳақиқат йўли, инсон ҳақ-ҳуқуқлари йўли, маънавий етуклик, юксак маданият, бой инсоний фазилатлар мажмуидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ўз танлаган йўлининг тўғрилигига қатъий ишонди ва миллионлаб юртдошларимизни ҳам бунга ишонтира олди.

“...Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким ҳеч қачон қайтара олмайди, зотан, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодирдир. Энди ортга йўл йўқ. Ўзбекистон истиқболини собитқадамлик билан барно этмоғимиз зарур. Бу йўлда иккиланмоқ, манфаатпарастликнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашмоқ — Ватанга, халққа, келажак авлодга хиёнат бўлади.

Биз Истиқлол шарофати билан кўн қадриятларни — иймонимизни, миллий гуруримизни, озодлик, бир сўз билан айтганда, парвардигорни қайтадан чинакамга танидик. Эндиги вазифа — боболаримизнинг поймол этилган орзу-умидлари ҳаққи, авлодларимизга, Сизу бизнинг фарзандларимизга бутун дунё билан тенга-тенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистонни мерос қилиб қолдирмоқдир.

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак”.

Президент Ислом Каримовнинг ушбу ҳаяжонли, ҳароратли сўзларида истиқлол, миллат ва Ватан тушунчасининг мазмун-моҳияти, илоҳий мўъжизаси теран ифода этилган. Зотан, том маънодаги маънавиятга, ҳақиқий буюк маданиятга, жаҳон тараққиётига элтадиган оламшумул маърифий йўл ана шу эзгу тушунчалар замирида мужассамдир.

Ватан беқиёс ҳақиқат, ҳаёт ва адолат рамзи. У мислсиз қудрат, сеҳру синоат, мўъжизалар жамулжами. Фақат уни

қалбдан ҳис қилмоқ жоиз, фақат уни юрак-юрақдан туймоқ лозим. Ана шунда унинг бутун жозибасию илоҳий қудратини теран англайсиз ва Ватан оғушининг Она оғуши янглиғ ҳароратини, жонбахшу хузурбахшчилигини сезасиз. Шунда бу муқаддас маконга бамисли Каъбага талпингандек талпинасиз, бу муқаддас тупроққа пешонангизни қўйиб, Ҳаётга, Замину Осмон ҳадя этган барча эзгуликларга шукроналар айтасиз. Ана шундай туйғудан бегона қалб қалб эмас, совуқ тош! Ана шундай туйғуга макон бўлмаган юрак сўқир! Беватанлик — бечоралиқдир! Беватанлик — бенаволикдир!

Маънавиятнинг беқиёс мўъжизаси шундаки, у макон этган ҳар қандай юрак фақат эзгуликка интилиб яшайди. Мустақилликнинг маънавий қадрияти, тарихий қиймати худди ана шу мезон билан ўлчанса, яна ва яна ошади. Унинг мамлакатимиз халқи ҳаётида тутган ўрни яна ҳам қимматлироқ бўлади. Зотан, истиқлол даврида одамлар тушунчаси, тафаккури тубдан ўзгарди. Юрт, Ватан, Миллат, Мустақиллик тушунчалари тобора улкан мазмун касб этди. Президентимизнинг сўзлари билан айтганда, “...қисқа муддат мобайнида юртдошларимизнинг, халқимизнинг савиясида кескин ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу энг аввало сиёсий савияга тегишли гап. Истиқлол туйғу файли кишиларимизнинг ватанга, она заминга меҳрли муносабати шаклланиб борапти. Шунинг очик айтишимиз зарур: илгари бутун собиқ СССР харитасини қамраб олган ватан туйғусини онгимизга сингдириш тамойили кучли эди.

Бугун эса ватанамиз муайян чегара ва қиёфа касб этди. Биз унинг куч-қудратини, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ва бутун вужудимиз билан ҳис этамиз.

Бугун ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бир бўлаги деб ҳис қиляпти ва бундан фахрланипти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз.

Ватан, ватандошлик туйғуси эски мафкуравий қобиклардан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топди. Бугун диққат қилсак, истиқлол қўлга киритилганидан сўнг биз ўз кучимизга, қудратимизга кўпроқ ишона бошладик. Шу туйғу файли барчамиз вазминлашиб, ўз кадр-қимматимизни тегинроқ англай бошладик.

Бугун биз ўзаро жипслашиб, том маънодаги халқ бўлиб, майда-чуйда иғволарга мутлақо эътибор бермайдиган кучга айландик”.

## ИСТИҚЛОЛ

Мустақиллик азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида мужассам этади. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гултожи сифатида ҳамиша озодлик ва хурриятга интилиб яшайди. У қалбида ўзини ҳамиша ҳар жиҳатдан эркин ҳис қилишга, таҳликасиз турмуш кечиришга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам кишилиқ тарихи турли даврларда Ер шарининг барча минтақаларида озодлик учун курашнинг, шаклан турлича, моҳиятан ўхшаш бўлган хурриятга интилиш ҳодисаларини кўп кўрган.

XX асрнинг интиҳосида дунёнинг қарийб учдан бир қисмида мисли кўрилмаган ҳодисалар содир бўлди. Социализм деб аталган тоталитар тузум, коммунистик мафкура деб аталмиш зўравонлик ва тазйиққа асосланган мафкура таназзулга учради. Жаҳонга, Ер юзига ҳокими мутлоқликни даъво этган СССР жамият сифатида ҳам, давлат сифатида ҳам жарга кулади. Унинг таркибига кирган иттифоқдош республикалар том маънодаги мустақиллик мақомини олишди.

Хўш, мустақилликнинг ўзи нима? Истиқлол нималарга асосланади ва унинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

Энг аввало шуни айтиш керакки, мустақиллик тенглик сари қўйилган биринчи қадамдир. Чунки, тенглик бўлмаган жойда кимдир кимгадир тобе бўлади. Мутелик бор жойда ҳукмронлик, ўзгалар ҳисобига яшаш каби иллатлар пайдо бўлади. Натихада биз сўнгги бир ярим аср мобайнида бошимиздан ўтказган мустамлакачилик дунёга келади. “Тенглик” сўзининг қудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро муносабатларидан тортиб, мамлакатлараро муносабатларгача ҳамма нарсани меъёр-мезонга солади, турли камситишлар ёки ортиқча таъзим-тавозега чек қўяди.

Истиқлол — ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқаролари ўзаро муносабатида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниш, ана шу умумий мезонлар асосида яшаш демақдир. Мустақиллик — жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдири билан боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлашдир. Истиқлол — эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳиятидир.

Мустақил яшашга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз ҳаётини ўзи изга солишга қодир одам

зиддиятларни осонлик билан енгади, бу дунёнинг шиддатли муаммолар бўрони қаршисида довдираб қолмайди. Ана шу оддий ҳаётий ҳақиқатни давлат мустақиллигига ҳам қийёслаш мумкин.

Мустақиллик мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, у тақозо этадиган тўсиқлар ва зўравонликларни инкор этади. Айни пайтда мустақиллик жаҳон тараққиётининг илғор тажрибалари асосида ўз равнақининг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш билан бирга ягона замин, ягона макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, сифат жиҳатидан юқори бўлган, умуминсоний манфаатларга мос келадиган андозаси асосида яшаш демакдир. Агар у ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик мамлакатлараро, давлатлараро ва минтақалараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларни қарор топтирмаса ўз қобиғида қолиб кетиши, миллий маҳдудлик доирасидан чиқолмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг ана шу ҳаёт тажрибасидан ўтган тамойиллари ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверади. Чунки у доимий равишда ривожланиб, ўз-ўзини бойитиб, такомиллаштириб, онг ва тафаккурни чархлаб борадиган воқеликдир.

Мустақиллик — табиатан онгли яшаш, онгли муносабатни қарор топтириш мезони. Айни пайтда у ҳаракатларнинг, интилишлар ва қобилиятларнинг кучайишини тақозо этадиган ҳодисадир. Бу айниқса собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мустақил республикалар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Нима учун?

Биринчидан, тоталитар тузум даврида давлат мамлакат бошқарув тизимидан тортиб алоҳида-алоҳида шахсларнинг кундалик турмушига ва истиқболига дахлдор бўлган ҳар қандай катта-кичик масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига олгани учун меҳнаткаш халқ боқимандалик кайфиятига дучор бўлган эди. У фақат ишлаш ҳуқуқига эга эди, холос. Меҳнат деб аталган ҳиссиз машинанинг мурватига айланиб қолган эди. Эртадан-кечгача меҳнат қиласан, меҳнатингга яраша очдан ўлмасликка етадиган ҳаққингни оласан, тамом-вассалом. Бу — собиқ иттифоқда қонун кучига эга давлат сиёсати эди. Одамзот шунчаки ишлар, шунчаки умр кечирарди, холос. Тириклик деган буюк неъматнинг, ҳаёт деган олий тушунчанинг мағзини чақишга ўзида рағбат ҳам, эҳтиёж ҳам сезмас эди. Бинобарин, ақл билан иш тутиш, воқеликни идрок қилиш, бунёд этиш, яратиш туйғулари бутунлай сўндирилган эди. Шунинг учун ҳам мамлакат тараққиёти сустлашиб, одамлар турмуш даражаси пасайиб борарди.

Донишмандлар айтганидек, ҳар қандай фаоллик тамо-йиллари ҳаракатлар эркинлигига замин яратиши, унга су-яниши керак. Акс ҳолда боқимандалик иллатлари сурун-кали касалликка айланади. Демак, ҳар қандай хатти-ҳара-кат, ҳар қандай интилиш ўз-ўзидан бунёдкорлик, яратув-чилик руҳи билан йўғрилган бўлиши даркор. Ана шунда эркинлик самарасиз, фаолиятсиз ҳодисага айланмайди.

Собиқ иттифокда ҳукм сурган қайта қуриш сиёсати унинг таркибига кирган иттифокдош республикаларнинг мустақилликка чиқишига йўл қўймаслик мақсадида қилин-ган маккорона ҳаракат эди. Давлат тўнтаришга уриниш, зўравонлик ва тазйиқ ўтказиш сиёсатини чуқурлаштиришга интилиш бу жараённинг якуни бўлди. Мустақиллик им-кониятларини олдиндан пайқаган, мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларининг боришини тўғри кузатиб, тўғри баҳолай билган Ўзбекистон иттифокдошлари орасида би-ринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди. 1991 йил 31 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Респуб-ликасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёноти Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий йўлини тўла қонунлаш-тириб берди. Бу тарихий ҳужжатда қуйидаги хулосалар ил-гари сурилган эди:

- “Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттифоқининг сиё-сий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб,

- Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақ-дирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,

- Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун масъу-лиятни англаб,

- шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларининг, мустақил дав-лат ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб,

- миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублиги-дан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир ки-шининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимма-тини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий дав-лат барпо этишга интилиб,

- Мустақиллик Декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кен-гаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суве-рен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилган-лигини тантанали равишда эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ўз таркибидаги Қорақал-ноғистон Республикаси билан бирга, ҳудуди бўлишмас ва

дахлсиздир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва табиий бойлиқларига нисбатан олий ҳуқуқга эгадир”.

• Ўзбекистон парламентининг бу баёоти ўзининг қонун кучи билангина эмас, сиёсий мантиқи, маънавий қудрати, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келиши билан ажралиб туради. Бу ҳужжат ССРСнинг 73 йиллик ҳаёти нақадар аянчли ва фожиали эканлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, бу мамлакатда инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама поймол этилганлигини, энди бу тузумда ортиқ яшаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турарди. Бироқ, мамлакат аҳолисининг аксарият қисми ва айрим миллий республикалар раҳбарияти онгига сингиб қолган тобелик ва мутеълик туйғулари кескин ҳаракат қилишга, ўз халқи манфаатини мардона туриб ҳимоя қилишга йўл қўймас эди. Аммо, ўша пайтда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият — Фарғона, Кўқон, Бўкада юз берган маълум воқеалар, миллатлараро низоларнинг пайдо бўлгани, халқ ҳаётининг таҳликали тус олаётгани ортиқча кутиб туришни тақозо этмас эди. Жараёнларга ўз вақтида етарли баҳо бериб, зарур ҳулосага келиш керак эди. Шунинг учун ҳам Фарғона воқеалари бирмунча изга тушгач, мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, турмуш шароитини ва фаровонлигини ошириш борасида амалий чоралар кўрилди. Жумладан:

аҳолини қўшимча томорқалар билан таъминлаш, якка тартибда уй-жой қуришга кенг имкон бериш, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, чорвачилик ва паррандачиликни тараққий топтириш;

пенсиялар, талабалар ва ўқитувчиларнинг маошларини ошириш, оғир ижтимоий аҳвол натижасида камқонлик касалига учраган ҳомиладор аёлларга имтиёзли овқатланиш, бошланғич синф ўқувчиларига бепул озиқ-овқат ажратиш ва шунга ўхшатган бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг марказ билан ҳисоблашмай ҳал этилиши мамлакат аҳолисига қанчалик маъқул келса, иттифоқ раҳбариятида шунчалик норозилик туғдирар эди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириши қатор хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиши у ўз тараққиёт йўлини танлаб олганини кўрсатар эди.

“Биз буларнинг ҳаммасини мустақил равишда ҳал этиб, этилган масалаларни ечишда иттифоқ идораларидан сезиларли равишда олдиб боряпмиз. Бу хусусда марказдаги-



ларнинг бирортаси ҳам бизни олқишлаб қабул қилаётгани йўқ. Аксинча, гуё бу — Ўзбекистон президентининг ўзбошимчалиги деб баҳолашди. Буларнинг ҳаммаси иттифоқ кўрсатмаларига мувофиқ келмайди ёки уларга зид эмиш. Гуё буларнинг ҳаммаси вақти келиб тугатилар эмиш”, деган эди Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган мамлакат Олий кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида.

Ўзбекистон ҳукумати СССРда мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини бошқалардан кўра тезроқ англади ва баҳолади. Шунинг учун ҳам у қатъий хулосага келди. 1991 йилнинг 31 августда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун”ни қабул қилди ва ана шу қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг бундан кейин Ўзбекистон ССРни Ўзбекистон Республикаси деб аташ, 1 сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиш, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, иттифоқнинг ва унинг таркибига кирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хорижий давлатларга ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатини тан олишга даъват этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу бевосита мустақиллигимизнинг дастлабки ҳуқуқий пойдевори эди.

Дарҳақиқат, биз ижтимоий-сиёсий жараёнлар одамлар ҳаётини кескин тарзда бир ўзандан иккинчи ўзанга буриб юборган, ҳаётимиз бутунлай бошқача тус олган ва турмушимиз ўзгача мазмун касб этган мураккаб руҳий-маънавий ҳолатни бошдан кечиряпмиз. Йиллар мобайнида қотиб қолган тушунчаларимиз ўзгармоқда ва мудраб қолган онгимиз уйғонмоқда.

Мустақиллик, ҳуррият деган сўзлар бутун жозибаси билан бирга беқиёс қудратини, буюк ўзгартирувчилик мўъжизасини кўрсатмоқда. У дунёқарашларимизни тубдан ўзгартириб, фикримиз, тафаккуримизни бойитмоқда. Воқеалар ривожини бутун моҳияти билан англашни, дунёга кенгроқ ва тийрақроқ назар билан қарашни, бу кўҳна оламда шўро тузумидан бошқа адолатли тузумлар ҳам борлигини, бошқача яшаш ҳам мумкин эканлигини, коммунистик мафкурадан бўлак ҳаёт лаззатини, инсон қадр қимматини ҳимоя қиладиган ўзга ғоялар ҳам мавжудлигини кўрсатиб берди. Зотан истиқлолнинг буюк моҳияти, беқиёс қадрияти ана шунда. Мустамаклачиликнинг кишилиқ та-

рихида андуҳ ва кулфатлар ёғдирган беқиёс фожиаси — унинг инсонни мустақил фикрлашдек улкан иқтидоридан маҳрум этганида. Мустақиллик ана шу фожианинг аччиқ мазмунини очиб берди.

Истиқлол бизга ўзлимизни англатди. Ўзини англаган худони англайди, ўзини таниган худони танийди. Худони англаш — оламни англаш, оламни тушуниш — одамни тушуниш, демакки, ҳаётнинг мазмунини идрок этиш демакдир. Инсон ўзининг бутун моҳиятини, ўзининг инсонлигини қанчалик чуқур тушунса, яшаш мазмун-моҳиятини ҳам шунчалик чуқур англайди.

Ўзлигини англаган киши оламнинг бор ранг-баранглиги билан бирга ҳаёт мазмунини, ўзининг шунчаки тириклик ва мавжудлик белгиси эмас, аксинча, табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлигини, шу аснода инсон қадру қиммати тобора теранроқ англай бошлайди. Маърифатга муҳтожлигини, хурофот ва жаҳолат ҳаёт кунандаси, манқуртлик — ўзлигини ва оламни унутиш эканлигига тобора кўпроқ ишонади. Демак, бевосита ички бир даъват ва илоҳий қувват билан маънавий етукликка, комилликка интилади. Бу — истиқлолнинг яна бир мўъжизаси.

## МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ

Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ одамлар онги ва тафаккурида ўзгариш яшаш асосида Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўзига хос куйидаги тамойилларини ишлаб чиқди:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- ватанпарварлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши.

Бу тамойиллар халқ дунёқараши, яшаш тарзи, воқеа-ҳодисаларга муносабати, маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиққанлиги учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки, биринчидан, Шарқда азалдан маънавиятга таяниб яшаш, комилликка интилиш, ҳар томонлама баркамоллик олий қадрият даражасига кўтарилган. Одамларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, ягона ўлчов — инсонни инсонлиги учун улуғлаш, инсон деган муқаддас номга муносиб бўлиш бош мезон қилиб олинган.

Иккинчидан, ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунё-қарашини ҳисобга олмаса, унинг эҳтиёжларига мос кел-маса таназулга учраши табиий. Шунинг учун ҳам Президент Ислоҳ Каримов ўз мамлакати истиқболли ҳақида фикр юритар экан, “Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат ман-баи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги-дадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва ин-сонпарварлиқнинг нозик куртақларини асрлар бўйи авай-лаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақ-сади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги маз-мун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир ки-шини камол тошғиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир”, деган эди.

Бу фикрдан англашиладики, Президент мамлакат куч-қудратини халқнинг маънавий камолотида кўради. У жа-мики инсоний фазилатларни такомиллаштириш учун зар-ур шароит яратиш вазифасини қўймоқда. Бу биринчи-дан, давлат сиёсатининг нечоғлик инсонпарварлигини кўрсатса, иккинчидан, давлат раҳбарининг сиёсий мада-ниятини, халқ маънавий-руҳий эҳтиёжларини нақадар чуқур ўрганганлигини кўрсатади. Учинчидан эса, бу халқ ва ҳокимият интилишларининг муштараклигидан дало-лат беради.

Инсонпарварлик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, уларни асраб-авайлаш билан бирга янги замон талаб-ларига мос равишда такомиллаштириб бориш — тараққиёт мезони, миллий равнақ асоси. Бундай руҳиятдаги одам ҳеч қачон бировга тазйиқ қилмайди, шафқатсизлик ва зўра-вонлик каби ғайриинсоний иллатларга ҳамиша нафрат билан қарайди. Ўз табиатига мос равишда бағри кенг ва мурувватли бўлади.

Олис ўтмишимизга назар ташлаб, унинг бутун борлиги-ни жамлаб баҳолаган Ислоҳ Каримов: “Халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп пар-саларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан, ўз дав-латчилиги ютуқлари вашидасини сурди. Ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини торгди, энг яхши ўғил-қизла-ридан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқи-мизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмади”, деган теран ва ҳаққоний хулосани баён этди. Бу ўз миллатига, ўз она халқига берилган энг холис, энг юксак баҳо. Айни пайтда у мустақиллик шароитида шаклланаётган янги жамиятимизнинг маънавий қиёфасини белгилайди.

Мустақиллик инсон имкониятларини тобора кенгайтириб, унинг яратувчилик иқтидорини ва бунёдкорлик қобилиятини янада кучайтирмоқда. Энди одамлар реал воқеликка, ўз ҳаётини қутилмаган бутунлай янги изга солишга эҳтиёж сезишмоқда. Улар яшаш ҳуқуқи, ўз оиласи дахлсизлиги ва истиқбол хусусида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолишди. Айни пайтда истиқлолнинг мазмун-моҳиятини кундан-кунга чуқурроқ англай бошлашди.

Туғри, ҳаётимиз ҳали биз орзу қилгандек мукамал эмас. Ҳали турмушнинг ҳал этилмаган муаммолари кўп. Юлғичлик, фирибгарлик, порахўрлик, хизмат вазифасини сусистеъмол қилиш, тўрачилик, манманлик, кибру ҳаво, мансаб касаллиги ўткир ва юқумлилигича қолмоқда. Бироқ, булар мустақилликнинг, омма ва жамиятнинг муштарак равнақи билан, қонуннинг устуворлик кучи ортиши билан бартараф этиб бориладиган иллатлардир.

Маънавий оламимиздаги ўзгаришлар барча янгиликларнинг асосидир. Зеро, Ватан, миллат тушунчалари тобора чуқурлашмоқда. Биз энди яшаб турган заминимиз, фуқаролигимиз жиҳатидан дахлдор бўлган мамлакатимиз, миллий равнақимиз ва истиқболимиз хусусида жиддийроқ ўйлайдиган бўлдик. Ҳар қандай моддий манфаатдорлик, ҳар қандай иқтисодий тараққиёт бевосита маънавий етуклик, маънавий баркамоллик туйғулари билан боғлиқ ҳолдагина ривож топиши мумкинлигини яққол кўряпмиз. Миллий равнақ ҳамма вақт ақлий имкониятнинг беқиёс кучига, онг ва тафаккур ривожига муҳтож эканлигини, унга таяниш ва суяниш лозимлигини чуқурроқ англай бошладик.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, унинг тараққиёт йўллари хусусида ўзимизда ҳам, хорижда ҳам кўп гапирилмоқда. Мамлакатимизда миллий барқарорлик, миллатлараро муносабатларнинг мутаносиблиги, иқтисодий жараёнларнинг бир меъёрда ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг тобора такомиллаштириб борилаётганлиги мамлакат маънавий-сиёсий муҳитининг соғломлиги, халқ орзу-умидлари билан давлат сиёсатининг уйғунлиги натижаси эканлиги жаҳон сиёсатдонлари томонидан тан олинмоқда. Ана шундай муҳитни вужудга келтириш, мамлакатда барқарор тараққиётга эришиш — бу бевосита давлат сиёсатининг халқ талаб ва эҳтиёжларини, руҳий ва маънавий ҳолатини нечоғлик ҳисобга олганлиги билан белгиланади.

## МИЛЛИЙ ИФТИХОР ✓

Халқимиз азалдан меҳнаткашлиги, буюк яратувчилик қувватига эгаллиги, ҳамиша эзгуликка интилиб яшаши, инсонга муносабатнинг ғоят ибратли жиҳатларини турмуш тарзига айлантиргани билан ажралиб туради. У ўз тақдирини қўшнисининг тақдири, қолаверса, маҳалла ва туман аҳли билан боғлиқ ҳолда тушунади. Меҳнати натижасини фахру ифтихор билан умумий меҳнат натижаси деб билади ва шу билан гурурланади.

Миллий ифтихор туйғуси — ўз миллий мансублигидан фахрланиш имконияти. Миллий ифтихор туйғуси ўз миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан гурурланиш имконияти. Миллий ифтихор туйғуси — ўзлигини англаш ва ўзгаларни тушунишга даъват этувчи қудратли куч.

Миллатга мансублик ўта нозик ва айни пайтда жуда мураккаб ҳолат. Киши зарур бўлганда ҳаётидаги жамики неъматлардан ҳеч оғринмасдан воз кечиши мумкин. Бироқ, ҳеч ким, ҳеч қачон миллий мансублигидан тонолмайди. Уни хоҳлаган пайтида хоҳлаганча ўзгартира олмайди. Чунки, миллатга мансублик ҳислари инсоннинг қон-қонига, минг бир ҳужрасига сингиб кетган. Буни англамаганлар ғариб ва бечорадир. Буни ҳис қила олмаганлар қалбан сўқир, маънавий кемтик кишилардир. Аммо, миллатга мансублиги билан фахрланиш бошқа, миллатчилик бошқа.

Ўзига бино қўйиб, ортиқча баҳо бериш ҳамма вақт шахс ҳаётини ҳам, миллат истиқболини ҳам инқирозга олиб келади. Миллий кибр, ўзга миллатларни менсимаслик, камситиш охир-оқибатда миллатлараро низоларнинг кучайишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда мавжуд барқарорликнинг асоси шу замин фуқароси бўлган барча миллатлар учун мамлакат тарихи, унинг асрлар мобайнида тўплаган қадриятлари умумий гурурга айланганлигидир. “Шу азиз Ватан барчамизники,” “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, “Савоб ишни ҳар кун қилиш керак. Савоб ишни ҳар ким қилиши керак” деган шиорларнинг маънавий қудрати, улкан умуминсоний мазмуни ана шунда.

Миллий ифтихор туйғусининг яна бир жиҳати шундаки, у шахснинг энг аввало қайсидир миллатга мансублиги, унинг кенг имкониятларидан қувона олиш фазилатигина эмас, балки яшаб турган заминга, фуқаролиги дахл-

дор бўлган мамлакатта муносабат белгиси ҳамдир. Миллий ифтихори кучли бўлган шахс ўз мамлакати билан фахрлана олади ва унинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Миллий ифтихори кучли бўлган шахс истиқболни чуқурроқ англайди. Унинг эртаси бутунидан кўра мукамалроқ бўлишига интилади.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси бевосита миллати ва элатидан қатъи назар, аҳоли турли табақасининг умумий манфаатларига мос келадиган мақсадлар муштараклигидадир.

Жамият тараққиётида омма фикрини бир нуқтада жамлаб унинг имкониятларини бир ўзанга солиб, умумий тараққиёт йўлига бошлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода мустақилликка эришилгандан кейин яқин ўтмишимизда кенг тарқалган кўпгина иллатлардан воз кечилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Яъни жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муҳитини пароканда қиладиган, одамлар фикрини чалғитадиган ҳодисаларга барҳам берилди. Мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида бирлашиш, кучларни уйғунлаштириш, барча имкониятларда эҳгироларга, берилмай, ақл-идрок билан фойдаланиш йўли тугилди. Оғир-вазминлик, мулоҳазакорлик, андиша, узоқни кўзлаб иш тутиш доимий тамойилга — турмуш тарзига айлантирилди.

Айтиш мумкинки, миллий ифтихор туйғуси, миллий мансубликни чуқур англаш ва уни эъзозлашга интилиш маънавай эҳтиёж маҳсулидир. Миллий ифтихор энг аввало ўзлигини англаш, миллий равнақни таъминлаш йўлидаги хатти-ҳаракат, ўз миллати истиқболи олдида масъуликнинг беқиёс намунаси дир. Миллий ифтихор эгаси бўлган киши энг аввало ўз миллати ўтмишини яхши билган, уни қадрлай оладиган ва айни пайтда уни янгича шароитлар ва ҳолатларда бойитиб борадиган комил инсон дир. Акс ҳолда миллий ифтихор ҳисси ҳавоийлик белгиси ва шунчаки даҳанаки мақтанчоқлик воситасига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Турли миллатлар турли шароитда ўзига хос руҳий ва маънавий феъл-атворга эга бўлганлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам турли минтақада яшаётган халқлар турлича яшаш тарзига, бир-бирига ўхшамаган урф-одатларга эга бўлишган. Жумладан, ўзбеклар, умуман Шарқда диёнат, ор-номус, шарм-ҳаё ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида муҳим фазилат деб қабул қилинган. Дарҳақиқат, маънавий баркамол, ахлоқий етук, ҳар то-

монлама камолотга етган аҳоли яшаётган жамият ҳам, давлат ҳам файзли бўлади.

Мутафаккир бобокалонимиз Абу Наср Форобий ибораси билан айтганда, “аҳолиси хушхулққа эга бўлмаган мамлакатда ҳокимиятга эҳтиёж сезилади”. Демак, жамиятнинг нечоғлиқ демократлашуви инсон эрки ва ҳуқуқларининг нечоғлиқ тўла таъмин этилиши энг аввало мамлакат аҳолисининг феъл-атвориға, маънавий-ахлоқий ва руҳий камолотига боғлиқ экан. Агар аҳоли ўз ҳуқуқи нормалари доирасида амал қилинаётган қонунларға бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирса, ўз хатти-ҳаракатини маълум қонун-қоидалар йўналишиға тушира олсагина, юксак ақл-идрок, одоб ва ахлоқ категорияларини ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида намоён қилиб борсагина жамиятнинг маънавий қиёфаси баркамол, шахсининг яшаш тарзи етук, эркинликлари эса чексиз бўлади.

Аллома Форобийнинг мамлакат аҳолисининг феъл-атвори хусусидаги мулоҳазалари минг йил аввал қанчалик долзарб бўлса, бугун ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, у инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти эса характерда намоён бўлади, деган эди. Демак, инсоннинг инсонлигини ифода этувчи ягона мезон ақл-идрок, онг ва тафаккур даражаси бўлса, уларнинг моҳиятини очиб берувчи, миқёси ва кўламиға баҳо берувчи бош мезон хатти-ҳаракат, ҳаётға ва атроф муҳитға муносабат, ўз-ўзини бошқаришдаги ички қудратдир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда бобо Шарқнинг диёнат, ор-номус, шарм-хаё каби фазилатларға таянгани, асрлар мобайнида уларни олий қадриятға айлантиргани бежиз эмас. Шарқ халқларининг ҳаётға бундай муносабати кейинчалик ислом ақидалари билан уйғунлашиб бориб, тобора шаклланди ва маънавиятнинг янги-янги имкониятларини очиб берди.

Мустақиллик яратган кенг имкониятлар туфайли минг йиллар мобайнида халқимиз онгига ўрнашган, турмуш тарзига айланган, бугун ақидаларига, руҳий ва маънавий кечинмаларига жо бўлган ислом динига муносабат кескин ўзгарди. Жумладан, 70 йил мобайнида хурофот, бидъат деб аталган ислом дини маърифатпарвар ва юксак маънавиятға етакловчи қудратли гоё эканлиги рўйирост эътироф қилинди. Ислом динига кенг йўл очиб берилди. Комилликка даъват этувчи улуг аждодларимиз номи тикланди. Жумладан, имом Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа

Аҳрор ва бошқа ўнлаб алломаларнинг илмий мероси чуқур ўрганилмоқда, ҳар томонлама тарғиб қилинмоқда. Буларнинг барчаси мамлакат фуқаролари қалбига эзгулик руҳини сингдириш яхшиликка даъват этиш билан бирга миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини ҳам кучайтирмоқда.

Шу билан бирга юртимизда диний мутаассибликка, исломни сохталаштиришга йўл қўйилмади. Аксинча, ислом гоёлари юксак маънавият ва баркамоллик мезони, бой маънавият сарчашмаси сифатида талқин қилинди. Асрлар мобайнида халқимиз қонига сингиб кетган ақидаларга одилona баҳо берилди. Натижада миллат юрагида эртанги кунга ишонч кучайди. Ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этишга рағбат ва куч пайдо бўлди. Бу эса мамлакатдаги умумий барқарорликнинг тобора чуқурлашиб боришида муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон истиқлолининг энг кагта ютуқларидан бири шундаки, турли миллат ва ақидаларга эга бўлган кўп миллатли мамлакатда миллатлараро тотувлик тўла таъмин этилди. Ягона ватан — ягона хонадон тушунчаси янгича мазмун-моҳият касб этди. Барча фуқароларнинг ягона оила, бутун мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳисси ошди. Энди у қайсидир миллатга мансублигидан кўра кўпроқ Ўзбекистон фуқароси эканлиги, қандай тарихий тажриба ва анъаналарга ворислиги билан фахрланадиган бўлди. Албатта, бу борада миллий раvнақ, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, тили ва маданиятини такомиллаштириш қонун билан кафолатлангани муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис умумий хонадон тинчлиги учун масъуллик бурчи, тенг ҳуқуқли фуқаролик талаби юксак даражадаги виждон ва иймон ишига айланмоқда. Шахснинг жамият олдидаги масъулиятини, бошқача қилиб айтганда, ўзаро муносабатлар маданиятини оширмоқда.

Айрим муҳолифларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг суръатидан қониқишмаяпти. Уларнинг фикрича, ислоҳотлар жараёни суст эмиш. Бу гараз ва адоватдан бошқа нарса эмас. Чунки Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мамлакатлар ўртасида ҳамма жихатдан — сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа жабҳаларда пешқадамлик қилмоқда. Буни инкор қилиб бўлмайди. Иккинчидан, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро тинчлиги, қолаверса, эртанги куни тўла кафолатланган.

Учинчидан, ҳодисаларга кўр-кўрона ёндошиш, жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, одамлар фикри ва



дунёқараши билан ҳисоблашмаслик ҳамма вақт жамият ҳаётига таҳлика ва фожиалар олиб келишини бир қатор мамлакатлар мисолида яққол кўриб турибмиз. Ўзбекистонда эса ўзгартишлар ва янгиланишлар энг аввало маънавиятга асосланганлиги, бой маданиятга таянганлиги, ислоҳотлар одамлар онги ва тафаккурида ўзгариш ясаш, қолаверса, ўзаро ҳурмат, инсонни улуғлаш, асраш-авайлаш тамойиллари асосида олиб борилмоқда. Бу, бир жиҳатдан, мамлакат ички ҳаётини бир маромда сақлаб туриш имконини берса, иккинчи жиҳатдан, хорижий шерикларнинг имкониятларидан фойдаланишга, икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга замин яратади.

Шарқ тарбия мактаби ва ислом ақидалари ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмаслик, сабр-қаноат, офир-вазминлик фазилатларини юксак қадрлайди. Бироқ, баъзан халқимизнинг ана шундай юксак инсоний фазилатларини нотўғри талқин этилади. Унинг мушоҳадакорлиги ва мулоҳазакорлигига кўпинча бошқача тус бериб, қўрқоқликка, тобелликка, мустамлакачилик ва бюрократия тазйиқи остида шакланган куллик иллатларига йўйилади. Албатта, бу фикрларда ҳам маълум маънода жон бор, уларни бутунлай инкор этиб бўлмайди. Бироқ бизнинг табиатимизда бесабрликдан кўра қаноат, жаҳолатдан кўра иймон-этиқод билан яшаш, эртанги кунга ишонч билан қараш кучли. Эзгуликка интилиш, барча ҳодисалардан яхшилик қидириш фазилати чуқур илдиз отган. Шунинг учун ҳам халқимиз яхшилик йўлидаги жамики ҳодисаларга имон-этиқод билан ишонади.

Маълумки, шарқ демократияси оиладаги муносабатдан бошланади. Ота-онанинг муқаддаслиги, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, ўзаро муносабатларда ҳурмат-эҳтиромнинг устунлиги каби олий фазилатлар турли сиёсий режимларда турли мафкуравий тазйиқлар остида ҳам ўз қийматини, мазмун-моҳиятини йўқотмади.

Мамлакатимизда демократиянинг маънавий асослари яратилди. Бу асослар ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди. Ёш мустақил давлатларнинг кўпчилигида демократия кампаниябозликка айланганлиги натижасида, у ерларда бошбошдоқлик авж олди. Бизда эса кўп қиррали ислоҳотлар билан бирга қадимий анъаналарни ривожлантириш, асрлар мобайнида шакланган урф-одатларни қайта тиклаш, шу йўл билан халқ тафаккурида миллий мустақиллик мазмун-моҳиятини кучайтиришга кенг йўл очиб берилди. Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар

юксак маънавият ва инсоний баркамоллик негизида олиб борилаётганлиги, уларнинг барчаси уйғун ҳолда ташкил этилаётганлиги боис ислохотларнинг инсонпарварлик мазмуни тобора кенгроқ намоён бўлмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг маънавий асоси тобора чуқурлашмоқда. Дейлик, қадим замонларда камбағал оилаларга кўплашиб ёрдам бериш яхши анъанага айланган эди. Шўролар даврида унутилаётган бу анъаналар мустақиллик шароитида янгича шаклга эга бўлди ва янги мазмун касб этди. Жумладан, кам таъминланган оилаларга давлат йўли билан ёрдам бериш тизими иншлаб чиқилди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу бошқа ёш мустақил мамлакатларда кам учрайдиган ҳодиса.

## МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

Мустақилликнинг асосий қадриятларидан бири, унинг ижтимоий, маънавий моҳияти бевосита омма фикрини уйғотишда, халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги хусусида қайғуриши ҳиссини кучайтиришдан иборат. Акс ҳолда туб ислохотларнинг умри қисқа, тақдири эса фожиа билан тугаши мумкин.

Файласуф олим Жондор Туленов: “Дунёдаги ҳар бир давлат, катта-кичиклигидан қатъи назар, ўз тараққиёти жараёнида маънавиятга эҳтиёж сезган ва сезади. Бу — тарихий заруратдир. Маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти тарихнинг бурилиш даврларида айниқса беқийс бўлади” — дейди.

Дарҳақиқат, биз тарихнинг айни бурилиш даврида яшамоқдамиз. Ана шу бурилиш нуқтасининг ўзиёқ тафаккуримизни, тор дунёқарашларимизни, ҳар томонлама чегаралаб қўйилган тушунчаларимизни ўзгартиришни тақозо этмоқда. Узоқ йиллар мобайнида бир қолипдаги ҳаётдан сўнг беихтиёр олис ўтмишни эслашга, уни ўрганишга, ўзлгимизни англашга кучли эҳтиёж туғилди. Ички бир табиий куч миллион-миллион кишилар қалбида мудраб ётган туйғуларни ҳаракатга келтириб юборди. Натижада одамларнинг ҳаётга муносабати ўзгариб, ўз тақдирини ўз тақдири билан боғлиқ бўлган замин истиқболини ўйлашга зарурат сезмоқда.

Бугун борлигидан, маънавий бисотидан жудо қилинган халқ эркинлик туфайли катта ташналик билан ўз тарихини билишга интилмоқда. Шўро ҳукумати даврида онгли равишда йўқ қилинган маданий бойликларимиз ху-

сусида юқорида алоҳида тўхталдик. Шунинг учун уларни яна такрорлашга зарурат йўқ, деб ҳисоблаймиз. Бироқ, минг йиллар давомида вужудга келган, халқимизнинг даҳлик кудратини, қувваи ҳофизасини, таъби назмини, қолаверса, маънавий-руҳий ҳолатини белгилаб берадиган халқ оғзаки ижодига муносабатни эслатиб ўтиш жоиз.

Асрлар мобайнида тилдан-тилга кўчиб, авлодлар давомийлиги ва ворисийлигини сақлашда олтин халққа бўлган афсоналар, ривоятлар, эртаклар, топишмоқлар ва латифалар зўравонлик билан йўқ қилинди. “Алпомиш”, “Гуруғли”, “Ҳасанхон”, “Нурали”, “Шерали” сингари дostonлар, миллий кўшиқ ва лапарлар ғоявий нуқтаи назардан зарарли деб топилди. Умуман, барча миллий-маданий ёдгорликлар сингари ўзбек халқ оғзаки ижодининг юксак намуналарига ҳам коммунистик мафкура нуқтаи назаридан қаралди ва ана шу ўлчов билан баҳо берилди, дейди куйиниб профессор М. Муродов.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида 1952 йил 28 ва 31 март кунлари бўлиб ўтган мажлисида “Алпомиш” дostonи алоҳида муҳокама қилинди. Гуёки унда хонлар ва беклар шаънига ҳамду санолар ўқилармиш, босқинчилик ва зўравонлик ташвиқ қилинар эмиш, диний оҳанглар, илоҳий кучга ишониш, илоҳиятнинг мавжудлиги каби ғоялар тарғиб қилинар эмиш...

Ўзбек халқ дostonларида диний оҳанглар, Аллоҳнинг мавжудлиги ва унинг иродаси хусусидаги талқинлар азалдан бўлган. Худобехабар коммунистик мафкура дostonнинг ана шу жиҳатларига ёпишиб олиб, уни даҳрийлик ташвиқот куралига айлангирмоқчи бўлади. Мазкур мафкуранинг ана шу қабиҳ ғояси туфайли инсон қалбидаги ишонч, эътиқод туйғуси маҳв этилади. Табиийки, худодан қайтган одам ҳар қандай разолат ва қабоҳатдан қайтмайди. Худобехабарлик иймонсизлик ва диёнатсизликни келтириб чиқаради. Натижада на Ватанга, на миллатга, на ўтмиш ва истиқболга эътиқод қолади. Табиийки, эътиқодсизлик хурофотга, хурофот эса жаҳолатга олиб келади. Жаҳолат, нодонлик ҳукмрон бўлган жойда таназзул чуқурлашади. Манқуртлик шаклидаги ёлғон ҳаёт вужудга келади. Совет тузумининг “улуғ мафкурачи” ларига айни шу нарса керак эди. Шунинг учун ҳам эзгулик ҳимоячиси сифатида халқимизнинг маънавий қаҳрамонига айланган Алпомиш образи атай бузиб кўрсатилди. Аниқроғи, унга туҳмат қилинди, таъна тошлари отилди.

Ўзбек халқ ижодиётининг одамларни инсоф ва диёнатга, имон ва эътиқодга, меҳнатсеварлик ва юртпарварликка, одоб-ахлоқ ва маданиятга чорловчи асосий ғоялардан/фойдаланиш ўрнига улар ўтмишни идеаллаштиради, пирлар, азиз авлиёлар, подшоҳлар, муқаддас қадамжолар, мақбаралару мадрасаларни улуғлайди, шу тариқа одамлар онгини эскилик сарқитлари билан заҳарлаб, улар эътиборини совет тузумидан четга тортади, деб қораланди. Халқ ижодиётининг кўплаб асарлари, масалан, машҳур халқ куйчиси Ўтар шоир Сафаров айтган “Ойпарча” достони қайта ишланиб, хоҳлаганча қисқартирилиб, қайчиланиб замонавийлаштирилганидан, ундаги асл ғоялар тушуриб қолдирилганидан кейингина нашр этилди. Ўтар шоир Сафаров ўғли Қорабахшига китобни ўқитиб ўксиган, бу мен айтган дoston эмас, деб йиғлаган экан.

30-йиллардаги қатағонда ўзбек халқининг энг истеъдодли намояндалари йўқ қилинди. Уларга турли айблар қўйилиб, ҳар хил баҳоналар билан қатл этилди. Бироқ, шўро тузумини мақтаб, “халқлар отаси”ни куйлаган айрим шоирларга ҳам кун берилмади. Сабаби, уларнинг беқиёс истеъдод эканлиги, бир кун келиб барибир ўз халқига ён босишини олдиндан пайқаган қизил империячилар уларни ҳам отиб ташлади. Холёр Абдукарим ўғли халқимизнинг истеъдодли бахшиларидан бўлган. Филология фанлари доктори, профессор Малик Муродовнинг айтишича, халқимизнинг истеъдодли бахшиларидан бўлган Холлиёр Абдукарим ўғли “Амир қочди” дostonини яратган. У шўро тузумини мадҳ этган. Бироқ барибир 1937 йилда қатл этилган. У ўлими олдидан дўмбирасини олиб бўзлаб куйлаганда ҳатто соқчилар ҳам: “Зўр экансан-ку, бахши, аммо иложимиз йўқ-да”, деган эканлар. Шундан сўнг унинг иқтидорли шоғирди Эрмамат Бадалов ҳам дostonчиликдан бир умр воз кечди. Билган-ўрганганларини ўзи билан у дунёга олиб кетди. Ёхуд деҳқонободлик Фармон бахши қулоқ қилинишини сезиб қолгач, гоҳ Сурхондарё, гоҳ Тожикистон, гоҳ Қашқадарёда қишлоқма-қишлоқ, овулма-овул дарбадар бўлиб яшашга мажбур бўлди. Ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида дostonлар куйлаган Фармон бахшининг бебаҳо мероси ёзиб олинмади. Бедодлик шу даражага етдики, унга ўз қишлоғига келиб ўлишга ҳам рухсат беришмади, хоки ўзга жойларда қолиб кетди.

Бундай ҳодисалар қарийб 130 йиллик мустамлакачилик йилларида турли соҳаларда, турли шаклларда юз берган. Қатағонлар, маҳв этишлар, отиб ташлашлар халқ

руҳиятини синдирди. Одамлар бу мислсиз қирғинлар натижасида бир умр таҳлика ва қўрқув билан яшади. Ана шу ҳадиксираш миллат ҳаётини заҳарлади. Турмуш лаззатини, яшаш завқини заққумга айлантирди.

Мустақиллик ана шундай изтироблар, қон ютишлар исканжасида қолган халқимиз қалбига нур, умидларига қанот, дардларига малҳам бўлиб келди. Мустақилликнинг маънавий-ижтимоий мазмуни, унинг беқиёс моҳияти ана шунда. Мазкур хулосалардан келиб чиқиб Президент Исом Каримов: “Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга кiritиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши — биз кўзлаётган олий мақсаддир”, деганида том маънода бутун халқимизнинг орзу-умидини, мақсад ва интилишларини ифода этган эди.

Мустақилликнинг моҳияти, унинг тарихий аҳамияти миллий уйғониш ва миллий тикланиш жараёни билан боғлиқ. Халқимиз миллат сифатидаги беқиёс қадриятларини, асрлар мобайнида шаклланган маънавий-руҳий бойликларни қанчалик чуқур англаса, миллий уйғониш ҳисси шунчалик кучаяди. Қалбидан миллат, ватан, аждодлар олдидаги бурч туйғулари қанчалик чуқур жой олган бўлса, ўзлигини англашга, ўз миллий қадриятларини тиклашга шунчалик кўпроқ эҳтиёж сезади. Бундай одамда курашчанлик, ташаббускорлик, ўз-ўзини, демакки, миллатини ва ватанини ҳимоя қилиш қудрати беқиёс бўлади. Шунинг учун ҳам биз мустақиллик учун курашнинг бутун мазмун-моҳиятини шахс маънавий баркамоллиги, унинг ҳар томонлама етуқлиги билан боғлиқ ҳолда тушунмоғимиз керак. Ана шунда мустақилликнинг тараққиёт йўллари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, ғоявий-ахлоқий асослари мустаҳкам бўлади.

Жондор Туленов таъкидлаганидек, “миллий тикланиш жуда кенг, мураккаб тарихий жараён бўлиб, у миллатимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини: иқтисодиётни ҳам, сиёсий фаолиятни ҳам, маънавиятни ҳам, илм-фан, тил, тарих, урф-одатлар, ҳунармандчилик, меъморчиликни ҳам, инсон камолоти билан бевосита дахлдор барча масалаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

*Миллий тикланишга бирданига эришиб бўлмайди. Миллий тикланиш узоқ давом этадиган, кўп йилларни қамраб оладиган мураккаб жараёндир”.*

Дарҳақиқат, биз ана шундай машаққатли ва шарафли жараёни бошдан кечирмоқдамиз. Бугун Ўзбекистон — улкан хонадонимиз ана шундай янгилашиш ва покланиши йўлидан бормоқда. Бизнинг руҳиятимиз, туйғуларимиз, энг нозик ҳиссиётларимиз тиниқлашмоқда, равшанлашмоқда, турли чангу ғуборлардан тозаланмоқда.

Истиқлол моҳияти, унинг миллат ва мамлакат тақдирида тутган ўрни, улуғ аждодларимиз, бой ва ноёб тарихимиз ҳамда истиқболдаги вазифаларимиз хусусида гапирар экан, Президент Ислом Каримов буни мухтасар қилиб шундай тушунтиради: “Биз учун мустақиллик — энг аввало ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун муътабар шу ватанда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанамизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳр-оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгаллик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаро учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир”.

Биз бугун дунёни янги кўз билан кўриш, уни янги тафаккур билан идрок қилиш жараёнлари ичра улғайиб бораяпмиз. Бугун барча йўқотилган қадриятларни, бой берилган маданий ва маънавий бойликларни қайтадан тўплаш, қадимий Туркистон анъаналарини тиклаш, ўз миллий қиёфаси билан жаҳон халқлари сафидан муносиб ўрин олишдек ғоят мураккаб ва машаққатли вазифалар қаршисида турибмиз. Зиммамизда йиллар давомида йўл қўйилган хатоликлар ва келажак олдидаги қарздорликнинг улкан, залворли юки бор. Бироқ буюк аждодларимиз қолдирган меросни қайта тиклаш, ўзлигимиз, инсоний ҳис-туйғуларимизни, шаънимиз ва ориятимизни ҳимоя қилишга, уни ҳамisha баланд тутишга имконият туғилганининг ўзи барча машаққатлардан кўра устунроқдир. Ана шу им-

кониятнинг ўзиёқ кишига беқиёс куч-гайрат, кудрат ва журъат бахш этади.

## ЯГОНА ЗАМИН, ЯГОНА ТАҚДИР

Инсон табиати мураккаб, руҳий ҳамда ҳиссий таъсир даражаси ўта нозик ва айна пайтда жуда сезгирдир. До-нишмандларнинг фикрича, руҳ туйғулар билан фикрлар таъсирида пайдо бўлиб шаклланармиш. Ташқи ҳодисалар, воқелик нечоғлик аниқ ва чуқур идрок этилса, туйғуларга таъсир шунчалик кучли бўлар экан. Натижада ана шу та-ассуротлар қуршовида руҳ, феъл-атвор, борлиққа ўзига хос муносабат, оламни англаш қобилияти шаклланади.

Афлотуннинг фикрига кўра, руҳ энг эзгу олам бўлгани учун инсон аввало ўз руҳини камол топтириши зарур. Зеро, руҳнинг соғломлиги — ақл-идрок бутунлигидир, руҳнинг покизалиги — ҳиссиёт покизалиги, туйғулар мусаффоли-гидир. Қалбида шундай фазилат мавжуд одамда Ватан, Халқ, Миллат тушунчалари олий ҳақиқат даражасига кўта-рилади. Биз қанчалик руҳан тозалikka эришсак, фикри-миз шунчалик тоза, хаёлларимиз равшан, орзу-умидлари-миз ёрқин бўлади. Атоқли турк олими Зиё Ғукалп: *“Фикр-лари ҳисларига тамомила мувофиқ бўлмаган ҳар бир одам руҳан хастадир. Бундай одам ҳаётда бахтли бўла олмайди. Масалан, ҳиссиётига кўра кучли диндор бўлган киши ўзини фикран динсиз деб тушуна бошласа, руҳи қандайдир бир му-возанат, осойишталик ҳолатида бўладими? Шубҳасиз йўқ!”* — дейди.

Яқин ўтмишимизга бир назар солайлик. Бир неча минг йилликлар мобайнида жони жонига, қони қонига пай-ванд бўлиб кетган Туркистон халқлари собиқ СССР дав-рида турли миллатларга ажратиб ташланди. Қоғоздагина суверен, аслида эса Марказга қарам совет республикала-ри барпо этилди. Бу сохта сиёсат туфайли анъаналари, турмуш тарзлари, руҳий ва маънавий қадриятлари бир бўлган халқлар ўзбегу қозоққа, тожигу қирғиз, туркманга бўлиб юборилди.

Албатта, мазкур халқлар ўтган 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида миллат сифатида шаклланди. Уларнинг ўз тили, маданияти бор. Энди уларни бутунлай бирлаштириб юбо-риш миллий қадриятларини топташ билан баробар. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Яъни, ягона Туркист-он заминида собиқ СССР тарқалгач вужудга келган мус-тақил давлатлар ўз тарихий келиб чиқишлари, халқлари-

нинг бой ўтмиши, маънавий ва руҳий эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ўзаро яқинлашишга ҳаётий зарурат сезишлари табиий ҳолдир.

Туркистон халқлари руҳияти асрлар мобайнида бири-бирига туташиб, маънавий, диний ва ахлоқий муносабатлари уйғунлашиб кетган, яшаш тарзлари ва урф-одатлари муштарак бўлиб, ягона улкан ва жонли вужудга айланган эди. Шунинг натижасида қондошу жондошлик, бир бутунлик анъаналари таркиб топган. Кишилиқ тарихида бундай маънавий, руҳий ва фикрий яқинлик бу диёрда ҳаммаша ҳамма нарсадан устун келган. Шунинг учун ҳам Мавлоно Рудакий: *“Дунёнинг шодлиги йиғилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун”*, деб бежиз айтмаган.

Мустақиллик шароитида бизнинг миллат, миллатлараро муносабатлар, миллий маданият, яқин қардош халқларнинг маданий мероси, этник муаммолари, жуғрофий ва иқтисодий бирлиги ҳақидаги тасаввурларимиз ўзгармоқда. Янги тарихий шароитларда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Туркистон мамлакатлари халқлари тарихи, уларнинг келиб чиқиши, ўзига хос турмуш тарзлари ва яқин қўшничилик муносабатларига ҳар қачонгидан бошқачароқ қарашни тақозо этмоқда. Зеро, этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган, тарихан бир муҳитда яшаб, ўтмиш маданияти бир заминда вужудга келган, бироқ, айни пайтда мустақил давлат бўлиб яшаётган мамлакатлар ўз тарихий илдизларини қидириб топишини, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини қайтадан тиклашини ҳаётнинг ўзи зарурат даражасига кўтармоқда.

Қолаверса, ҳозирги ривожланган мамлакатларда давлатлараро минтақавий ҳамкорлик сиёсий ва иқтисодий мазмундан бирмунча бошқачароқ — маънавий мазмун касб этмоқда. Бу ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг энг илғор йўналишларидан бири сифатида тан олинмоқда. Қардош халқлар ва қўшни мамлакатлар умумий хонадонини ташкил этиш, ягона замин, ягона маконни қарор топтириш, белгилашнинг маънавий пойдевори — бу олис ўтмиш муштараклигини, шу асосда шаклланган урф-одатлар, анъаналар ва турмуш тарзини чуқур ўрганишдир. **“Туркистон — умумий уйимиз”** шиорининг мазмуни, минтақавий барқарорликни таъминлашдаги моҳияти ана шунда.

Марказий Осиё Ҳамдўстлиги мамлакатлари жаҳоннинг бошқа иттифоқдош ва минтақавий ҳамкорлик мамлакатларидан фарқли ўлароқ маънавий ва маданий ҳамкорликка кўпроқ асосланади. Чунки бу ҳудудда асрлар мобайни-



да маънавият, ахлоқ, таълим-тарбия ва маданият уйғун ҳолда турмуш тарзига айланган. Ахлоқ ҳар қандай шароитда ҳам инсонийлик ва инсоний баркамолликнинг бош принципи сифатида тан олинган. Қолган барча ҳаракатлар ва мезонлар, жумладан, иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бозор муносабатлари, савдо-сотиқ, мол айирбошлаш ҳам қадимдан юксак ахлоқ ва одобга таянган маданий муносабатларнинг бир қисми ҳисобланган. Бу минг йиллар мобайнида шаклланиб, жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган улуғ алломалар ҳаёти ва ижодида, уларнинг инсоният тарихида бурилиш ясаган асарларида ҳам ўзига хос тарзда ифодасини топган. Шу боис Шарқ алломалари дунёвий фанларнинг қайси соҳасида ижод қилишмасин, ахлоқ категориясига қаттиқ суянишган, унга катта эътибор билан қараб, қомусий хулосалари билан бойитиб боришган.

Маълумки, цивилизация дунёнинг турли минтақаларида турлича юз бериб, муайян ҳудудлар аҳолиси дунёқараши ва турмуш тарзига чуқур ўрнашган. Цивилизация, жумладан, Юнонистонда нафосат, Ҳиндистонда дин, Оврупада моддий-техника тараққиёти, Туркистонда эса ахлоқ шаклида вужудга келган. Натижада юнонлар онги ва дунёқарашида гўзалликка интилиш, санъат ва маданиятга эҳтиёж катта бўлган. Ҳиндистонда турли дин ва мазҳаблар кўпайиб, ақидалар ва тақводорлик туйғулари ҳам ҳар хил бўлган. Халқлар руҳияти ва турмуш тарзига сингиб кетган бундай ҳодисалар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Оврупада эса цивилизация жараёни анча кейин моддий-техника тараққиёти шаклида вужудга келди ва бу минтақада иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фан-техника бошқа жойларга нисбатан шиддат билан ривожланди, моддий эҳтиёжга асосланган ишлаб чиқаришга, уни механизациялашга интилиш кучайди.

Юқорида айтганимиздек, Туркистонда ахлоққа катта эътибор билан қарабган. Юксак инсоний фазилат, инсонни миллатидан қатъи назар барча мавжудотларнинг сарвари сифатида қадрлаш, маънавий камолот ва етуклик, адолат, инсоф, диёнат ва имон каби хусусиятлар тирикликнинг бош мазмуни сифатида тушунилган.

Халқларимиз дунёқараши, мақсад ва интилишларини ифода этган халқ оғзаки ижоди намуналари ана шу замин аҳлининг бутун руҳиятини қамраб олган. Жумладан, ўзбек, қozoқ ва қорақалпоқ халқларида “Алпомиш”, Туркменистон, Озарбайжон ва Ўзбекистонда “Гурӯғли” дostonлари-

нинг, қирғизларда “Манас” халқ эпосининг вужудга келиши, уларда қарийб бир хил — эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик курашида тўғрилиқ ва адолатнинг таътанаси, донишмандлик, ақл-идроқ, хушхулқ ва хушфелълик асосий ғоя қилиб олинганлиги ана шу халқлар қарашларининг уйғунлигидан далолат беради. Ёзма адабиётда эса Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асаридаги сингари фалсафий-ахлоқий ғоялар, форсийларда Умар Хайём, Фирдавсий, Саъдий Шерозий, ўзбекларда Беруний, Абу Али ибн Сино, Хоразмий, Алишер Навоий, қozoқларда Абай, туркманларда Махтумқули асарлари вужудга келди ва дунё маданияти тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Мазкур халқлар ўтмиши тарихий-этник жиҳатдан кишилик тарихининг муқаддимасига бориб тақалади. Неча асрлар мобайнида Туркистон халқлари ягона турмуш тарзини бошдан кечиришган. Миср ва Бобил билан ёнма-ён, қадимий Бақтрия ва Суғдиёна давлатчилиги вужудга келган. Аждодларимиз эрамиздан олдинги тўртинчи асрда ҳам турли тажовузларни биргалиқда барбод этишган. Сўнграқ, араб ва мўғул.

Тил — халқларни яқинлаштирувчи энг қудратли ва энг ишончли восита. У ўзида инсоннинг жамики ҳис-туйғуларини, алқ-идроқини, фикр ва борлигини мужассам этади. Айни пайтда уларни ифодалаб беради. Кўнгилларни кўнгилларга боғлаб, қарашларни уйғунлаштиради.

Қадимдан бир дарёдан сув ичиб, яшаш тарзлари бир заминда шаклланган халқлар жамики иқтисодий-ижтимоий манфаатлар бирлигидан ташқари маънавий жиҳатдан ҳам яқин эдилар. Руҳий, маънавий яқинлик жаҳон тарихидаги буюк силжишларга, умуминсоний қадриятларнинг кескин ривожланишига асос бўлган. Чунки худди ана шу юксак инсоний фазилатлар барқ урган, жамики хатти-ҳаракатлар юксак ахлоқ ва маънавиятга асосланган бир шароитда дунёвий илмларнинг янги, мўъжизавий кашфиётлари вужудга келган. Бутун дунё аҳли онги ва тафаккурида туб бурилиш ясалган.

Марказий Осиё халқлари тарихида, айниқса, ғазнавийлар, салжуқийлар ва теурийлар сулоалари алоҳида ўрин тутади. Бу уч сулола нафақат Туркистонда балки, Эрон ва Ҳинд диёрини бирлаштирган улкан бир ҳудудда илму урфон, иқтисод ва турмуш тарзи учун катта тарихий ишларни амалга оширишди. Бу ердаги барча халқлар бирлашиб, ягона, буюк, оламшумул маданият яратдилар.

Улуғ аждодларимиз ҳеч қачон тор маҳаллийчилик доирасида кун кечиринмаган. Улар дунёвий муаммолар, умуминсоний тараққиёт, киши ҳаётининг мазмун-моҳияти, мантиғи, оламу одам ташвиши билан яшашган. Натижада фанда тенгсиз кашфиётлар, санъат ва адабиётда мислсиз юксалишлар, маънавият ва ахлоқда етуклик, давлатчилик ва бошқарувда инсонпарварлик ва адолат тамойиллари вужудга келган.

Тўғри, Туркистон ҳаёти ҳаммавақт ҳам сокин ва осойишта бўлмаган. Бу заминда турли даврларда жангу жадаллар юз бериб турган. Кимнингдир қурганини кимлардир бузган. Бироқ бундай ҳодисалар минтақа аҳолиси умумий мушгараклигига рахна сололмайди.

Биз ўтган 70 йил мобайнида ўтмишни қоралашга, тарихни сохталаштиришга одатланган эдик. Энди-энди ўтмиш аждодларимиз ҳақидаги бор ҳақиқат аён бўлмоқда. Масалан, мазкур уч сулола вакиллари фақат жаҳонгирлик, мустамлакачилик ва зўравонлик билан шуғулланишмаган, тасарруфларига олинган мамлакатларда шўролар каби ўз тилларини мажбуран жорий этишмаган. Аксинча, ҳар бир миллатнинг тили ва маданияти тараққиётига йўл очиб беришган. Биргина мисол келтирайлик. Маҳмуд Ғазнавий ҳақида, унинг давлатчилиги тўғрисида ўз даврининг Фаррухий, Унсурий сингари тўрт юздан ортиқ шоирлари қасида, дostonлар ёзишган! Бу бежиз эмас. Бу, албатта, ана шу даврда чинакам демократик қарашлар ва халқнинг умумий мақсадларини бирлаштириш ғоялари баланд турганлигидан далолатдир.

Минг таассуф билан шуни айтиш керакки, собиқ СССР ҳукмронлиги пайтида Туркистон халқлари ўртасида “Хитой девори” тикланди. Натижада онгимиз ва тушунчаларимизга чегара солинди, миллий маҳдудлик қобигида биқиниб қолдик. Бундан эса фақат “улуғ оғаччилик” сиёсатини юргизувчиларгина фойдаланишди, холос.

Дарҳақиқат, биз тарихимизга ҳам, олис истиқболимизга ҳам аждодларга хос донишмандлик билан маънавий ва ахлоқий юксакликдан туриб қарашимиз керак. Оламга кенгроқ назар солишимиз лозим. Ана шунда минтақа мамлакатлари миллий мустақиллигини сақлаган ҳолда умумий тараққиёт ва буюк келажақ сари яна ҳам кўпроқ ишонч билан бориши мумкин бўлади.

Туркистон мамлакатлари ҳамкорлигини вужудга келтириш, уларнинг суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда, қадимдан ҳамқору ҳамфикр бўлиб келган халқларни яқин-

лаштириш ва шу асосда ўтиш даври мураккаблигини енгизиш энг ҳаётий, энг ишончли ва энг самарали усулдир. Бу айни пайтда юқорида тилга олинган улуг аждодларимиз қарашларига ва минтақа халқлари мақсадларига тўла мос келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Исом Каримов бундай ҳодисани ўз вақтида чуқур баҳолади ва долзарб масала қилиб кўтарди.

Очиғини айтиш керак: дастлаб Президентимиз “Туркистон — умумий уйимиз” шиорини ўртага қўйганида кимлардир унга юзаки қарашди. Кимлардир Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мавжуд бўлган бир пайтда унинг худудида яна бир ҳамкорлик минтақасини тузиш зарурмикин, дейишди. Яна кимдир эса бу шунчаки сиёсий ислохотчиликка даъвогарлик, ном чиқаришга интилиш, навбатдаги асоссиз ташаббускорлик, деб баҳолашдан ўзини тия олмади. Бироқ ҳаёт саракни саракка, пучакни пучакка ажратди. Марказий Осиё ҳамдўстлиги ҳаёт ҳақиқати, ижтимоий тараққиёт зарурати, минтақа халқларининг руҳий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжи эканлиги намоён бўлди.

Жаҳон давлатчилиги тарихи турли хилдаги ҳамкорликлар — иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий ҳамжиҳатлик минтақаларини вужудга келтиришга гувоҳ бўлмоқда. Энг тараққий топган давлатларда ҳам ана шундай ҳамкорлик минтақаларини ташкил этишга эҳтиёж сезилмоқда. Европа ҳамдўстлиги, Араб давлатларида Маврит уюшмаси деб аталадиган АПЭК — нефть ишлаб чиқарадиган давлатлар иттифоқи фаолият кўрсатмоқда. Бундай ҳамкорликнинг бошқа турлари Африка ва Лотин Америкасида ҳам бор. Ҳозирги замон жаҳон тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳеч бир мамлакат якка ўзи, ҳеч қайси давлат билан ҳамкорлик қилмасдан ривожлана олмайди. Ўз халқи эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш имкониятига эга бўлолмайди. Мабодо ўзини ўзи таъминлаб, ўз эҳтиёжларини ўзи қондирган тақдирда ҳам ҳозирги замон сиёсати бундай ўзига “ишонувчан”ликни манманлик, ибтидоий, асабий ва зўрма-зўраки равнақ деб таърифлайди.

Ўтиш даврида қайсидир мамлакатнинг бошқа бир мамлакат билан ҳисоб-китоб қилиши, қайсидир қўшни давлат билан умумий бозорни вужудга келтириши, маҳсулот айирбошлаши, қолаверса, бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, унинг доирасида фаолият кўрсатиши табиийдир. Ана шундай йўлдан бормаган мамлакатлар ҳам мавжуд. Жумладан, Африкадаги Сомали, Судан, Замбия ва бошқа мамлакатларда фақат ўз кучи ва имко-

ниятларига таяниб иш тутиш аянчли оқибатларга олиб келди. Бу мамлакатларда уруф-аймоқчилик, тожу тахт учун кураш омманинг камбағаллашиб, қашшоқликда яшашига, қолаверса мамлакат бошқарувининг издан чиқишига олиб келди. Ҳокимият тепасига келган янгидан-янги ҳукмдорлар миллий бойликни талон-торож қилишди, мамлакат қарзга ботди.

Туркистон ҳудудидаги беш мамлакат ўзаро иттифоқни вужудга келтириш жиддий сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт йўлидир! Миллий равнақ, тинч-тотув яшаш, ўзлигини намоён қилиш сиёсатидир!

1993 йилнинг январида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Олий даражадаги бу учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Бош давлат раҳбарлари ҳамдўстлик ҳақидаги битимга имзо чекишди. Буни минтақа халқлари хурсандчилик билан кутиб олдилар ва тўла қўллаб-қувватладилар.

Албатта, бу ҳодисага турли тоифа ва қарашдаги сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар турлича баҳо бердилар. Айримлари ҳатто, минтақадаги мамлакатлар бирлашиб, ягона давлат бўлармиш, дейишгача бордилар. Минтақа раҳбари ким бўлади? Қайси тил давлат тили бўлади, кўп миллатли минтақа миллий маданиятлари муаммолари қай йўсинда ҳал этилади, қабилдаги саволлар кўпайиб кетди.

Президент Ислом Каримов Марказий Осиё Ҳамдўстлигини вужудга келтириш ташаббускори сифатида унинг мақсад ва моҳиятини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Яъни Мустақил Давлат суверенитети дахлсиздир. Ҳамдўстликка аъзо бўлган мамлакатлар халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла амал қилган ҳолда давлат тизимига, бошқарув усулига ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, ҳар бир давлат Конституциясини ҳурмат қилиш ва тан олиш, фақат иқтисодий ва маданий ҳамкорликни вужудга келтириш, ягона бозор, мол айирбошлаш имкониятларини кенгайтириш, божхона ва чегаралардаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди. Орадан кўп ўтмай ана шу ҳамдўстликка амалий пойдевор қўйилди. 1995 йилнинг январь ойида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Тошкентга келди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатларга имзо чекилди. Тез орада бу битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Президент Асқар Акаев ана шу ҳамкорлик та-

шаббусини қўллаб-қувватлади. Натижада уч мамлакат ўртасида ягона бозорни вужудга келтириш, халқларимиз ўртасида маҳсулот айирбошлаш имконияти яратилди.

Марказий Осиё Ҳамдўстлиги нафақат бутунги ўтиш даври маҳсули, балки жуғрофий, тарихий-этник ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёждир. Чунончи бу мамлакатлар жуғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин ва зич жойлашган. Сув, электр энергетикаси ва бошқа табиий омиллар ҳам уларни боғлаб туради. Қарийб 50 миллионли аҳоли тарихан ягона ўтмишга, ягона тақдирга, бир-бирига уйғунлашиб кетган дунёқараш ва анъналарга эга. Уларнинг ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий ҳамдўстликдан ҳам баланд турадиган қадимий қадриятлари бор. Минг йиллар мобайнида шаклланган маънавий, маданий, ахлоқий, диний ва лисоний муштараклик ҳам мавжуд.

Дунёвий муаммолар, инсоният тақдирига дахлдор масалалар ечимини топишда мамлакат ва халқлар, миллий манфаатлари ҳамда эҳтиёжларидан қатъи назар, биргаликда ўзаро ҳамкорлик йўлларини излайдилар. Бироқ ҳеч қандай ҳамкорлик, турмуш тарзлари, урф-одатлари, руҳиятлари уйғунлашиб кетган яқин қўшни халқларнинг дўстлигига тенг келолмайди. Чунки бу ерда ажодлар руҳи билан келажак авлодлари боғлиқлиги, бир бутун замин — Она Ватан яхлитлиги каби муқаддас туйғу доимо барқарордир. Президент Каримов Осиё халқлари бирлигини мустаҳкамлаш, минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш сиёсатининг инсонпарварлик мазмуни ана шунда.

Айни пайтда Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларда ўзига хос табиий ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Яқин ўтмишимиздаги рақамларга назар ташлайлик. Собиқ СССР даврида қазиб олинган кўмирнинг қарийб 20 фоизи, газнинг 18 фоизи, олтиннинг 33 фоизи, ўсимлик ёғининг 26 фоизи, пахтаинг 92 фоизи ана шу минтақа ҳисобига тўғри келарди. Шу масаланинг ўзиданоқ бой, деҳқончилиги тараққий топган, маъдан ва ҳазиналари беҳисоб бўлган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш қанчалик самарали эканлиги кўзга яққол ташланмоқда.

Бироқ Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг самарали ишлаши учун тўсиқ бўлаётганлар ҳам оз эмас. Булар, биринчидан, етмиш йиллик яқин ўтмишда шаклланган, сохта миллатпарварлик ҳиссиёти, аҳоли бир қисми тушунчаси ва дунёқарашининг маълум даражада чеклан-

ганлиги, минтақавий ҳамкорлик мазмун-моҳиятини тула ва чуқур тушуна олмаётганлиги бўлса, иккинчидан, мамлакатларимизнинг ўзаро яқинлашуvidан таҳликага тушаётган кучларнинг мавжудлигидир. Бу йўлдаги ютуқ ва камчиликларни, мавжуд зиддиятларни ўз вақтида англаган Каримов масалага реал қарайди ва ҳолис баҳолайди.

Агар Туркистон минтақаси келишилган ягона бир иқтисодий асосда ривожланидиган бўлса, қардош мамлакатлар энг аввало хом ашё базаси бўлишдан қутулади.

— Мен, — дейди Президент Каримов, — “Туркистон — умумий уйнимиз” ғоясини илгари суриш орқали Марказий Осиё давлатлари тенасида турувчи янги бир тизимни яратишни назарда тутаётганим йўқ. Мен бундай фикр-тушунчаларга қатъиян қаршиман. Аксинча, Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири ўз доирасида, ўз тараққиёт йўлидан ривожланишда давом этаверади. Шу бонс масалани тескари талқин қилиб, ҳиссиётларни аланга олдириш, насваса кўзгашининг кераги йўқ!”

Умуман Президентимиз сиёсатида минтақавий муаммолар, ўз мамлақати тақдирини яқин қўшни мамлакатлар тақдири билан бирга ҳал этиш, минтақаларо муаммоларни биргаликда ҳал қилиш масалалари алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам у Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлиги бўладими, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ёки бошқа шаклдаги минтақаларо ва қитъаларо ҳамкорлик бўладими, ҳаммасига алоҳида хайрихоҳлик билан қарайди. Айни пайтда бундай инсонпарварлик муносабатларига раҳна солувчи, уларни сохталаштирувчи кучлардан ташвиш чекади. Шунинг учун ҳам у: “Туркистон — умумий уйнимиз” дейиш орқали биз зинҳор бу ердаги туркий давлатларни ёки халқларни назарда тутаётганимиз йўқ. Туркистон деб номланган сиёсий-жуғрофий ҳудуд ҳақида гапирмоқдамиз. Марҳамат, бу ном маъкул бўлмаса, уни бошқача атанг. Муҳими, бизнинг чегаралар шартли эканлигини англашдир. Мен Ўзбекистон ва Туркменистон орасида чегара қозиклар ўрнатилишини зинҳор истамаган бўлар эдим. Ёки халқларни ажратувчи чегара қозиклари ўрнатилишини қатъиян хоҳламаган бўлур эдим. Шу бонсдан мени тўғри тушунишларини истардим. Биз биргаликда яшашимиз керак. Янада очикроқ айтганда, агар Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ёки Қозоғистон ҳам ташаббус билан чиқадиган бўлса, мен уларни қўллаб-қувватлашга тайёрман. Мен Марказий Осиё давлатлари орасида интеграция барпо қилишнинг энг оғир ва энг ожиз томони бу

**халқлар орасига совуқлик солувчи, уларни бир-бирларидан узоқлаштирувчи сунъий тўсиқлар эканини яхши тушунаман**— дейди “Озодлик” радиостанцияси муҳбири А. Дубнов билан суҳбатда.

Кўришиб турибдики, Президент Каримовнинг ташвишлари олис истиқбол ташвишлари, дунё, унинг келажаги, олам ва одам дарди билан боғланиб кетган. Бу боғланиш бевосита Ўзбекистон ҳукумати сиёсатининг мазмун-моҳиятини, кўлами ва қамровини белгилайди.

Туркистон хонадони — қадимий хонадон. У ўз шонли тарихига, буюк анъаналарига, дунёвий маданиятига эга бўлган улкан ва файзли оила. Ана шу минтақада мавжуд бўлган тарихий анъаналарни давом эттириш, уларни янги тарихий шароитларда бойитиб бориш, келгуси авлодга ҳар томонлама етук, баркамол мерос қолдириш ҳаммамизнинг бурчимиз. Шу маънода Президентимизнинг “**Ёш авлодга биз озод ва обод Ватани мерос қолдирмоғимиз керакки, улар боболарининг улуғ ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар. Чунки ёшларнинг маънавий уйғоқлиги гафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир**”, — деган сўзлари барчамизнинг кўнглимиздаги фикрлардир.

## ВОРИСИЙЛИК

Мустамлакачилик йилларида тарихимиз сохталаштирилганлиги сир эмас. Биз бу ҳақда юқорида бир эмас, бир неча марта айтдик. Бу даврда буюк ўтмишимизга етарлича баҳо берилмади. У, биринчидан, ўтмиш сарқити сифатида баҳоланди, иккинчидан, халқнинг миллий уйғонишига сабаб бўлишидан чўчиб, уни ҳар томонлама чуқур ва объектив ўрганиш ман этилди. Оқибатда бир неча минг йилликлар мобайнидаги қадриятларимиз билан шўролар тузуми ўртасида “Хитой девори” тикланди. Деворнинг нариги ёғида қолган қадриятларимизнинг бир қисми коммунистик тоғарата сиққанича олиб ўтилди. Бошқача қилиб айтганда, айна шўроларга хизмат қиладиган нуқсон ва камчиликларимизгина миллий анъаналар ниқоби остида ривожлантирилди. Пировард-натижада буларнинг барчаси жаҳон тараққиётида кескин бурилиш ясаган, инсоният тарихида бутунлай янги даврни бошлаб берган, маънавий ва маданият жиҳатдан буюк силжишларга сабаб бўлган беқиёс ўтмиш ва меросимизни хиралаштириб қўйди.

Жаҳон фани ва маданиятининг улкан арбоблари бўлган улуғ аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти у ёқда турсин, бу-



тун давлатчилик тарихимиз ҳам исталганча қисқартирилди, исталганча ўзгартирилди. Ўзбек миллий давлатчилик анъаналари ва унинг ўзига хос тамойиллари қўпол равишда камситилди. Ваҳоланки, инсоният тарихи шарқ миллий давлатчилиги таъсири ва тажрибаси асосида шаклланганлиги исбот нораво ҳақиқатдир. Турли уруғлар, қабилалар ҳали халқ бўлиб шаклланмаган бир пайтда қандайдир бошқарув шаклини ибтидоий ҳолда бўлса ҳам вужудга келтириш, маълум бир ҳудудда муайян тартиб-интизомни ўрнатиш яшашнинг энг қулай шакли эканлигини кўрсатиб берди. Бу қадим Шарқда давлатчилик шаклидаги дастлабки, ибтидоий ҳаракатлар эди.

Йиллар мобайнида тарихчилар ўзбек миллий давлатчилигининг турли даврларини турлича баҳолашди. Қизил империянинг яловбардор ва фидойи мафкурачилари эса Октябрь инқилобидан олдинги Туркистон халқлари тарихини бутунлай инкор этарди. Ҳақиқий илмга алоқаси бўлмаган, ғаразли сиёсий мақсадга бўйсундирилган бу нуқтаи назар бугун бир минтақа тараққиётига асос бўлган, унга замин яратган, шарт-шароит туғдириб берган давлатчилик тажрибаларини атайлаб тан олмас эди.

Оддий бир мисол келтирайлик. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлар эканмиз, ўз-ўзидан савол туғилади: бундай шаҳарларни, дунё нигоҳини торган осори-атиқаларни дунёга келтирган халқ тарихи неча ёшда бўлади? Ахир дунё маданиятининг гултожи бўлган, жаҳон шаҳарларининг сарварига айланган, афсонавий ва эртакнамо шаҳарларни бунёд этган халқ, халқ бўлиб шакллангунга қадар, миллат бўлиб вужудга келгунга қадар неча асрлар ўтганлигини ва бу ҳудуддаги халқларни бошқарадиган, йўналтириб турадиган қандайдир тизим — давлат борлигини англаш унчалик қийин иш эмас. Зеро бизнинг давлатчилик анъаналаримиз эрамиздан олдинги бир неча минг йилликлар қаърига бориб туташадик, буни асло инкор этиб бўлмайди.

Умуман олганда, қадимий туркий-ўзбек давлатчилиги мазмун-моҳияти билан ҳам, ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан ҳам соф маънодаги фуқаролик жамияти тамойилларига мос келади. Қатъий қонун ва тартиб-интизомнинг мавжудлиги, адолатнинг бош мезон қилиб олинганлиги ҳозирги замон ҳуқуқий демократик давлатчилик ва фуқаролик жамиятининг энг илғор намуналарининг аксарият унсурларига тўла мос келади. Қадимдан шарқ миллий давлатчилигида ахлоқ, маънавият, комиллик ва адолат асо-

сий мезон қилиб олинган. Давлат тизимининг қандайлигидан, қандай ижтимоий-сиёсий тузум мавжудлигидан қатъи назар, бу сифатлар ўз моҳиятини йўқотмаган. Инсонпарварлик, эзгуликни ҳимоя қилиш, маданиятни ривожлантириш ҳамма вақт, ҳар қандай шароитда ҳам муҳим соҳа сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам айни ана шу заминда инсоният тарихида бурилиш ясаган маданият ва буюк тарих яратилган.

Айрим мутахассисларнинг фикрларига кўра, қадимий туркий давлатчилик тарихи тўрт минг йилдан ошиқроқдир. Баъзи тадқиқотчилар эса уни қадимий юнон давлатчилиги билан тенг баҳолашмоқда. Бундай муносабатларда жон бор, албатта.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳалимбой Бобоевнинг фикрича, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи кишилик тарихининг ибтидоси билан боғлиқ. Чунончи, Ўзбекистон давлатчилиги ва қонунчилиги тарихи жуда бой ва қадимийдир. Қадимги Туронда давлатчилик ва қонунчилик маданияти эрамиздан аввалги уч-тўрт мингинчи йиллардаёқ шаклланган. Аммо тарихий китобларда, ўқув қўлланмаларида ушбу масалалар бўйича ягона фикр йўқ. Бу соҳанинг кўп жиҳатлари бизга қоронғилигича қолмоқда. Қадимги Турон ҳудудида ташкил топган турли давлатлар, хусусан, Сўғдиёна, Парфия, Юнон-Бақтрия, Канҳқа, Паркона, Кушон, Тоҳаристон давлатлари, Турк хоқонлиги, сомонийлар, газнавийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатлари тарихи, бу давлатлардаги қонунчилик старли ўрганилмасдан қолган.

Табиийки, давлатчилик қарор топган жойда унинг ўзига хос эҳтиёжларидан келиб чиққан қонунчилиги ҳам вужудга келади. Давлат маълум қонун-қоидалар, тартиб ва тамойиллар асосидагина ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ана шу жиҳатдан қараганда қадимий Туронда қонунчиликнинг ҳам ўзига хос тарихи бой ранг-баранг ўтмиши бор. У турли даврларда, турли ижтимоий-сиёсий тараққиётга ўзига хос замин бўлган. Давлат қонунчилиги ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида халқ дунёқарashi, маънавий-руҳий эҳтиёжи билан бирга мавжуд диний-ахлоқий қоидалар билан уйғунлашиб кетган. Бу бевосита давлат қонунчилигининг ҳаётийлигини, халқнинг кундалик турмуши билан узвий алоқадорлигини кўрсатади. Дейлик, Зардушт динининг бош китоби — “Авесто” да мазкур диннинг умумий қоидалари билан бирга оила, жиноятчилик ва турмушнинг бошқа жабҳаларига дахлдор қоидалар ўз ифода-

сини топган. Ислом динининг Туркистонга кириб келиши билан эса мусулмончилик қонун-қоидалари бу ердаги давлатчилик тартиблари билан бевосита боғланиб кетди ва умуминсоний манфаатларни ҳимоя қиладиган, адолат ва эзгуликка кенг йўл очиб берадиган қонуният сифатида ўзини кўрсатди.

Имом Бурхониддин Марғинонийнинг эллик уч китобдан иборат “Ҳидоя” асари мусулмон олами давлатчилиги ва бошқарувида алоҳида ўрин тутади. Мазкур асардан ўрин олган фикр илми — ислом ҳуқуқшунослигига доир қатор кўрсатмалар шариат қонунлари, Қуръон ва ҳадисларда баён этилган ҳулосалар ва фикрлар илоҳий қонуният сифатида талқин этилади. Шарқ мусулмон давлатчилиги айни шу қонуниятларга таянган эди. Афсуски, собиқ иттифоқ мавжуд пайтда миллий республикалар эҳтиёжларига мос келмайдиган қонунлар зўрлик билан татбиқ этилди. Маҳаллий ҳуқуқшунослар Москвада тайёрланган қоидалар асосида иш юритишарди. Бунинг устига, улар ўз тарихини теран ўқиб-ўрганиш, анъанавий қонунчилик тизими билан танишиш имкониятидан буткул маҳрум этилган эди. Чунки, миллий қонунчилигимизга очикдан-очик қолоқлик, хурофот, бидъат деб қараларди.

Соҳибқирон Амир Темур тарих саҳнасида пайдо бўлган даврда, айтиш мумкинки, жаҳон давлатчилигининг янги даври бошланган. У ўз империяси таркибидаги 27 давлатда ниҳоятда аниқ ва ҳаётий бўлган қонунчиликни жорий этдики, бу ана шу улкан ҳудудда ўзига хос маънода ҳуқуқий-демократик давлат тамойилларига айнан мос келади. Улуғ бобомиз давлат ва давлат бошлиғи, фуқаро ва раҳбар ўртасидаги муносабатлар хусусида фикр юритар экан, бошлиқсиз мамлакат жони сугуриб олинган танага ўхшайди, деган эди. Бу соҳибқироннинг давлат ва қонунчилигининг мамлакат тараққиётида тугган ўрнига қанчалик эътибор билан қараганидан далолат беради.

Ана шу ҳулосалардан келиб чиқиб Президент Ислом Каримов: “Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак.

Бугун юртимизда барпо этилаётган давлат энг аввало умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим”, деган ғояни илгари суради.

Халқимиз гувоҳ бўлиб турибдики, бу гоё Ўзбекистон раҳбарининг ўзбек миллий давлатчилигини барпо этиш борасидаги фаолиятининг бош мазмунини белгилайди. Президент Каримов бутунлай янги тарихий шароитларда давлатчиликнинг буюк анъаналари билан жаҳоннинг энг илғор тажрибаларини уйғунлаштирган ҳолда янги, ўзбекона давлатчилик асосларини яратмоқда. Бу унинг давлат ва сиёсат арбоби сифатидаги тафаккур кўлами, ноёб иқтидори ва улкан салоҳиятини белгилайди, жаҳон давлатчилиги майдонида ўзига хос ва ўзига мос нуфузли ўрин эгаллаб келаётганини кўрсатади.

Бизнинг давлатчилик анъаналаримиз, унинг турли даврлардаги ҳолатлари, дунё тараққиётида тутган ўрни ҳали лозим даражада ўрганилмаган. Бу муҳим иш тарихчиларимиз, ҳуқуқшуносларимиз, файласуфлар ва бошқа мутахассисларимиз олдида турган энг зарур вазифалардан бирidir. Биз бу ўринда масалага умумий тарзда бўлса-да, муносабат билдириб ўтишни жоиз топдик.

Аниқроқ қилиб айтганда, Туркистон халқлари бир неча минг йилликлар мобайнида шаклланган оламшумул сиёсий тажрибалари, маънавий баркамол давлатчилик анъаналари билан жаҳон давлатчилиги ва сиёсати тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Улуғ боболаримиз Афросиёб, қорахонийлар, Маҳмуд Ғазнавий ва хоразмшоҳларнинг адолат ва инсонпарварликка таянган салтанатлари, соҳибқирон Амир Темурнинг туркий улусни якқалам қилиб, марказлашган давлат ва миллат қудратини юксалтириш учун буюк теурийлар салтанатига асос солиши, Мирзо Улугбекнинг фан ва маданият равнақи, Ҳусайн Бойқаронинг адабиёт ва санъат, илм ва ҳунар аҳлига раҳнамолиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Шоҳ Жаҳонларнинг турли дин ва мазҳабдаги халқларни бирлаштириб, энг инсонпарвар давлатни вужудга келтириш йўлидаги тажрибалари ва ютуқлари жаҳон сиёсатдонлари томонидан юқори баҳоланган.

Буюк аждодларимиз ҳукмронлик қилган бу кўҳна заминда қадим-қадимдан буён ҳур, эркин фикр қадрланганини ўзбек фани ва маданияти, адабиёти ва санъатининг нақадар равнақ топганида кўриш мумкин. Фикр эркин бўлмаганида Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздий, Туркистоннинг буюк уламолари Хожа Аҳмад Яссавий, имом Бухорий, ат-Термизий,

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдулло Аҳрор каби даҳолар дунёга келмаган бўлур эди.

Жаҳон сиёсатдонлари мамлакатимизда азалдан фикр эркинлиги мавжудлиги, бироқ қонунга ҳурмат билан қараш, қатъий интизом ҳамма нарсадан баланд турганлигини эътироф этишмоқда. Президент Каримов сиёсати ана шу қадимий тажрибага таянади. У миллий давлатчилик анъаналарига асосланиб иш юритади. Вужудга келаётган ҳодисаларни ана шу тарихий тажрибалар ва фуқаролар эҳтиёжларидан келиб чиқиб таҳлил этади.

*Буюк файласуф Гегель ибораси билан айтганда: “Ҳар бир давлат қурилиши маълум халқ миллий-маънавий маҳсули, ўзлигини намоён этиш ва маънавий-онглилик тараққиётининг ниллапоясидир. Бу тараққиёт зинани қадам-бақадам босиб, бир меъёрдаги ҳаракатни, Вақтдан ўзиб кетмасликни тақозо этади. Вақт ҳамма нарсага қодир. Унда тафаккур, фалсафа... ҳамма нарса мужассам”.*

Давлат қурилиши, унинг ўзига хос қонуниятлари, мураккабликлари ва талаблари хусусида фикр юритар экан, Гегель янгиликни жорий этиш аксар ҳолларда вайронгарчиликка олиб келади, шу сабабли янги шаклларни вужудга келтириш ўз-ўзидан секинлик билан боради. Давлат қурилиши жонли ҳодиса. Шунинг учун у доимий ҳаракатда, деган мулоҳазани баён этган.

Дарҳақиқат, миллий дунёқарашларга, анъаналар ва эҳтиёжларга асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узоққа боролмайди. Уни халқ тан олмайди. Шу билан бирга у вақт талаб этадиган, аста-секинлик билан шаклланиб борадиган мураккаб жараён. Ўзбек миллий давлатчилиги, унинг шаклланиш жараёни хусусида гап борар экан, бу борадаги дунёвий назариялар билан Президент Ислом Каримов томонидан амалга оширилаётган давлатчилик қурилиши сиёсати ва амалиётининг нақадар мос тушаётганини англаш мумкин.

Жаҳон давлатчилиги тарихи жамиятнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши каби ўзгаришлар жараёнини кўп кўрган. Ана шундай мураккаб шароитда турли давлатлар турлича йўл тутишган. Бироқ, тажриба шуни кўрсатадики, туб бурилиш пайтида кучли ижро ҳокимиятини вужудга келтириш, бошқарув тизгинини бир киши қўлида маҳкам тутиш зарур экан. Аниқроқ қилиб, фан тилида айтганда давлат раҳбари айни пайтда ижро ҳокимиятининг ҳам бошлиғи бўлмоғи лозим.

Мамлакатда қонун устуворлигига эришиш, бутун бошқарув тизимида қонуннинг роли ва вазифасини кенгайти-

риш, қонунга бўйсуниб яшашни аҳоли турмуш тарзига айлантириш энг демократик давлатнинг сифат кўриниши, фуқаролик жамиятининг беқийс фазилатидир. Бироқ, мамлакатда ана шундай ҳолатни барқарор таъминлашнинг ўзига хос мураккаб томонлари ҳам бор. Булар:

- аҳолининг дунёқараши, унинг ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий билим даражасини ошириш;

- маънавий ва ахлоқий баркамолликка доимий интилиш ҳар бир фуқаронинг ўзини ўзи назоратга олиши каби мураккаб, вақт талаб этадиган руҳий ўзгаришлар даврини бошдан кечириш;

- ижтимоий адолат тамойилларининг ҳаётийлигини таъминлаш.

Ўтиш даврида кучли ижроия ҳокимиятига эҳтиёж сезилади. Чунки, мавжуд қонунларнинг тўла амал қилиши, ўз таъсир доирасини кенгайтириши, аҳоли барча табақасининг ана шу қонунлар доирасида яшашга қўникиши учун ҳам кўп қиррали жамият ҳаётининг ҳамма соҳалари “тизгини” ни маҳкам тортиб турадиган, қатъиятли, кези келганда ўжар қўл керак бўлади.

Айримлар кучли ижроия ҳокимияти диктатура ва зўравонликни келтириб чиқаради, ташаббусларни бўғиб ташлайди, эркин фикр ва ижодий ғайратни сўндиради, дейишади. Президент Каримов эса кучли ижроия ҳокимиятини жамиятда юз бераётган янгиланишлар, янгича тафаккур, ташаббус ва ислоҳчилик фаолиятини ўтмиш иллатларидан, боқимандалик, пассивлик ва текинхўрлик касаллигидан асраш, қонуннинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш зарурати деб тушунади. Шунинг учун ҳам “Озодлик” радиостанцияси муҳбири билан суҳбатда: “Ҳар қандай қонун фақат ижро қилинган тақдирдагина қонундир. Қонуннинг амалда ишлаши учун эса унга ёрдамчи ақллар тузиш, энг асосийси эса, уни ҳаётга татбиқ этиш керак. Чунки, ҳаётимизда нарокандалик, тушунмовчилик ва ҳатто ушбу нарокандалик ва хаосни қўллаб-қувватлаб, лойқалатилган сувдан ўз манфаатига мос кўп нарсаларни олишни кўзловчи жуда кўп кучлар мавжуд.

Энди сиз айтгинг-чи, кучли бўлмаган ҳокимият қонунларнинг, баъзида унчалик оммаланимаган қонунларнинг ҳаётга татбиқ қилинишини таъминлаши мумкинми? Ахир қонун хўжалик иқтисодий соҳасига татбиқ қилинишидан илгари одамларнинг онига етиб бориши шарт эмасми? Фақат ҳаётнинг ўзигина одамлар тафаккурини ўзгартириши мумкин. Биз бу босқични босиб ўтишимиз керак. Бундай даврда агар

муҳим йўналишларни белгилаб берувчи фуқароларни ҳимоя қилувчи, оддий одамлар ва уларнинг болаларини ҳимоя қилувчи, уларнинг энг муҳим кафолат — меҳнат кафолати билан таъминлайдиган кучли ҳокимият бўлмаса қанақасига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш ҳақида гап бўлиши мумкин”, — деб таъкидлаган эди.

Президент Каримов сиёсатчи сифатида ҳам, шахс сифатида ҳам оламни мукамаллигича тасаввур этади ва доимий равишда ана шу мукамалликка интилиб яшайди. У келажакка ишонч билан қарайди, гоят асосли ва ҳаётий мушоҳадалари билан омманинг истиқболига ишончини кучайтира олади. Шунинг учун ҳам у, энг аввало, одамлар онгини ўзгартириш, улар дунёқарашида бурилиш яшаш йўли билан туб ислоҳотлар самарадорлигини оширишга, юксак маънавиятга асосланган одил жамият барпо этишга интилади. Кучли ижроия ҳокимияти тушунчасига ҳам худди ана шу концепция билан ёндошади.

Айрим муҳолифларимиз Президент Ислом Каримовни яккаҳокимликда, бошқарув органларининг асосий бўғинларини ўз ваколатига олганликда айблашади ва далил сифатида унинг Республика Президенти ва айни пайтда мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳам эканлигини кўрсатишади.

Президентлик республика бошқарувида энг муҳими — ҳокимият бўлинишини адолатли тарзда амалга ошириш имкони бор. Яъни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти бир-бирига дахлсиз ҳолда иш олиб боради. Президентлик республика бошқарувида ижро ҳокимияти Президент қўлида бўлади. Бу усул имкониятларини дунё тан олган.

Ҳақли савол туғилади: нима учун Президент Ислом Каримов бошқарувнинг айни шу усулини танлади? Масаланинг икки жиҳати бор.

Биринчидан, Шарқда азалдан давлат демократияга қанчалик кенг имконият яратиб берган бўлмасин, кучли ҳокимият мавжуд бўлган. Энг улуғ ва адолатпеша давлат бошлиғи қатъиятли, талабчан ва айни пайтда меҳр-мурувватли бўлиши билан ҳаммага ўрнатилган ва ҳаммаша тинчлик, адолат ва ҳақиқатга хизмат қилган. Акс ҳолда ҳар қандай ҳокимият анархияга айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Иккинчидан, бошқарувнинг парламентар республика усулида Президент парламент йиғилишида унинг аъзолари томонидан сайланади. Президентлик республика бош-

қарувида эса у умумхалқ сайлови йўли билан барча фуқароларнинг овоз бериши асосида сайланади. Бунда Президент ўз ваколатини парламентнинг саноқли аъзоларидангина эмас, кенг халқ оммасидан олади. Қолаверса, бунинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва демократик мазмуни ҳам бор.

“Умуман олганда, жамиятни бошқаришда давлат бошлиқларини сайлаш тартиби ҳам жуда катта аҳамият касб этади,— дейди профессор А.Азизхўжаев. — Парламентар республика бошқаруви шаклидаги давлатда Президент парламент овози билан сайланади. Президентлик-Республика бошқаруви шаклидаги мамлакат президенти эса парламент иштирокисиз бевосита халқ томонидан сайланади, у ўз ваколатларини халқдан олган ҳисобланади. Ҳозирги замон давлатчилиқ тажрибасига таяниб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бошқарувнинг Президентлик республика шакли давлат бошқарувининг энг мақбул шаклидир”.

Дарҳақиқат, тарихий тажриба, ён атрофимизда юз бераётган турли хилдаги бўҳронлар, айрим мамлакатларда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг таҳликали тус олиши шундан далолат бермоқда.

Президент Ислом Каримов ишлаб чиққан машҳур беш тамойилнинг бири — ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиб қолиши зарурлигининг моҳияти шундай пайтда кўзга яққол ташланади. Ижро ҳокимияти билан давлатнинг ишлови бир кишининг қўлида бўлган тақдирда ва уни парламент қонун билан ҳимоялаб турган бир шароитда мамлакатда соғлом ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий вазият барқарор бўлади. Демак, туб ислохотларнинг самарадорлиги, ҳар бир фуқаро ҳаёти ва истиқболи кафолатланган ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда давлат бошқарувининг парламентар республика ва монархия шакли ўрнатилган мамлакатларда ҳам ҳукумат — олий ижро органи асосий ўринни эгалламоқда. Масалан, Олмония, Италия, Япония ва бошқа мамлакатларда ана шундай ҳодиса юз бермоқда.

Умуман олганда, Президент Ислом Каримов фаолиятидаги қатъийлик, қатъий интизом юксак талабчанлик ва улкан масъулиятни чуқур ҳис этиш ифодасидир. Буни “Комсомольская правда” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида яққол кўриш мумкин. Жумладан, у “Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тап оламан: эҳтимол менинг ҳаракатларимда



авторитаризм нишонлари бордир. Аммо, мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳарҳолда кучли ҳокимият зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар то-тувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур. Бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман”, дея ўз нуқтаи назарини очиқ-ойдин баён этган эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон давлатчилигида қатъий интизом бор. Уни назорат қилиб боровчи Конституциявий суд мавжуд. Дастлаб мамлакатда Конституциявий назорат қўмитаси ташкил этилди. Маълум муддат ўтгач бу қўмита Конституциявий судга айлантирилди. Чунки, назорат қўмитасининг мазмун-моҳиятида воқеа-ҳодисаларни кўздан кечириб қўйиш, уларга назар солиб туриш маъноси ётади. Судда эса қатъий талаб ва шафқатсиз ҳукм мавжуд. Бунда талаб ҳам, масъулият ҳам ошади.

Президент Ислам Каримовнинг бошқарувчилик фаолиятидаги муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, у доимо босиб ўтилган йўлга назар солиб боради. Воқеа-ҳодисаларнинг боришини сергаклик билан кузатиб ўз иш юртиш усулини ана шу таҳлиллар асосида бойитиб, такомиллаштириб боради. Ҳеч қачон маълум бир фикрга абсолют ҳақиқат деб қарамайди. Уни доимий равишда кўчайтириб, миқёсини кенгайтириб, эҳтиёж туғилса, янгиллаб боради.

Жумладан, Конституциявий назорат қўмитасининг Конституциявий судга айлантирилиши ҳам ана шу изланиш жараёнининг маҳсулидир. Бундай мисолларни бошқарув тизими ва халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам кўриш мумкин.

Сир эмас, Президент Каримов фаолиятида қаттиққўллик мавжуд. Бу ўтиш даврида, турли зиддиятлар юз бераётган пайтда умумий мувозанат ва барқарорликни сақлаб туришни таъминлашга хизмат қилади. Бундай ёндашувни жаҳон давлатчилиги тарихи, амалиёти ва назарияси тўла қўллаб-қувватлайди.

Ўтиш даврида либералликка кенг йўл очиб берган, аҳоли фикрини чалғитадиган, бир-бирини инкор этадиган мавҳум гоялар ва тушунчаларга имкон яратган давлат ҳеч қачон узоқ яшай олмайди. Сиёсий йўналишлари ва тамойиллари тез-тез ўзгариб турадиган, қатъиятга ва аниқ позицияга эга бўлмаган бошқарув тизими мамлакатда пароканда-

лик юз беришига сабаб бўлади. Буни тарих Испания, Португалия, Непал, Ирландия ва бошқа давлатлар мисолида кўрсатади. Давлат тизимини мустаҳкамлаш, бошқарув жиловини маҳкам тутиш, қонун устуворлигига риоя қилиш зарурат эканлигини буюк файласуф Абу Наср Форобий ҳам таъкидлаган эди. У Илоҳий қонунни (интизом, юксак баркамоллик, етукликка интилиш-муал.) идрок этиш учун икки нарсага эътибор беришни тавсия қилади: “Биринчиси, саъй-ҳаракати, ҳунари ва мақсадлари ҳокимга (давлат раҳбарига-муал.) қарши бўлган ёвуз ниятли одамлардан шаҳарни (мамлакатни-муал.) тозалашдир. Бошқа бир ғоя — панд-насихат йўли билан фаровонликка интилиш ва одамларнинг Илоҳий қонунни осонликча ва қувонч билан қабул қилишларини таъминлашдир”.

## ЎТИШ ДАВРИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

Бу ўта мураккаб, турли қийинчиликлар ва қарама-қаршиликлар авж олган бир пайтда кучларнинг мамлакат ва миллат манфаати йўлида бирлашишини, умумий мақсадлар рўёби учун биргалашиб курашишни тақозо этади. Ана шундай пайтда ҳар бир сиёсий арбоб ё гуруҳ раҳбаридан алоҳида жасорат ва тангилик талаб қилинади. Вазиятга қараб турли партиялар, гуруҳлар ва фуқаролар юрт равнақини таъминлаш учун шахсий кибру ҳаволардан воз кечиши лозим. Дунё давлатчилиги тарихи бундай ҳодисаларнинг кўпига гувоҳ. Дейлик, Туркияда Турғут Ўзол ва Сулаймон Демирэл муносабатлари, уларнинг иш усуллари ва ўзаро муносабатлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Бундай ҳолат бошқа бир қатор мамлакатларда ҳам мавжуд.

Бугунги Ўзбекистон давлатчилиги, унинг ўзига хос шаклланиш жараёни хусусида турли доираларда ҳар хил фикрлар билдирилмоқда, турлича талқин қилинмоқда. Баъзан эса умуман нотўғри хулосалар ҳам ўртага ташланмоқда. Айниқса, давлат бошқарувининг Президентлик республика шакли диктатурага олиб келади, тоталитаризмга кенг йўл очади, деб айюҳаннос солиб юрган мухолифларимиз асосан давлат бошқаруви шакли билан сиёсий режим ўртасидаги фарқни англамаслик, уни тўғри баҳолай билмаслик натижасида одамларни чалғитадиган мулоҳазаларни баён этмоқда. Жумладан, айримлар Президентлик республика бошқаруви шаклида мамлакат фуқароларининг, сиёсий партиялар, ҳаракатлар ҳамда парла-

ментнинг ҳуқуқлари кенг бўлмайди, у маълум доирада чекланиб қолади, дейишади.

Ваҳоланки, бошқарув шакли бутунлай бошқа нарса, сиёсий режим эса унга дахл қилмайдиган муглақо ўзгача ҳодиса. Давлатшунос мутахассисларнинг фикрича, бошқарув шакли деганда марказий давлат органлари тизими тартиби, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ваколатларининг чекланиш даражаси тушунилади. Марказий давлат органлари жумласига қонун чиқарувчи — парламент, ижро ҳокимияти — ҳукумат ва давлат бошлиғи, судлов органи — Олий суд киради.

Сиёсий режим эса бутунлай бошқа нарса. Яъни у фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кўлами, миқёси, шахсининг ҳуқуқий ҳолати, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни ўзида мужассам этади. Бу бевосита мамлакат конституциясининг нечоғлик мукаммал ёки мукаммал эмаслигига боғлиқ. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бошқарув шакли турлича бўлган мамлакатларда бир хил сиёсий режим бўлиши мумкин. Ёки аксинча, бир хил бошқарув шаклидаги давлатларда турлича сиёсий режим ўрнатилган бўлиши ҳоллари ҳам бор. Бу табиий ҳодиса. Дейлик, Америка Қўшма Штатларида юқорида айтганимиздек бошқарувнинг Президентлик республика шакли, Буюк Британияда эса парламентар — монархия, Олмонияда — парламентар республика, Францияда эса Дуалистик республика шакли мавжуд. Кўриниб турибдики, бу мамлакатларда бошқарув шакли турлича. Бироқ, сиёсий режим бир хил. Уларда демократик режим барпо этилган. Ана шу ҳодисадан келиб чиқиб, Ўзбекистонда мавжуд бошқарув шакли ва сиёсий режимга баҳо берадиган бўлсак қуйидагиларни айтиш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Конституцияси жаҳоннинг бир қатор илғор ва демократик давлатлари мутахассислари кўригидан ўтказилган, унда конституцион тизимнинг жаҳон тажрибалари ҳамда туб аҳоли маънавий-руҳий эҳтиёжлари, анъаналари ва турмуш тарзи уйғунлаштирилиб юборилган. У умумхалқ муҳокамасига қўйилган пайтда дунёнинг турли мамлакатларидан келган мутахассислар ва экспертлар назаридан ўтган. Уларнинг Конституция ҳозирги замон демократик жараёнларга мос келади, деган хулосалари олинган ва умумхалқ овози билан қабул қилинган.

Иккинчидан, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг янгича, ўзбекиона тамойиллари ишлаб чиқилган. Бу давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари зиммасига юклаш асосида демократияни йўлга қўйиш ва фуқаролар фаоллигини ошириш билан боғлиқ.

Улуғ мутафаккир И. Кант таъбирига кўра, давлат — ҳуқуқий қонунларга бўйсунган кўндан-кўп одамларнинг йиғиндисиدير. Демак, ҳар қандай демократия бошбошдоқлик, сўзамоллик, шиорбозлик ва айбўханнос кўтариш эмас, аксинча, қабул қилинган қонунлар доирасида бўйсуниб яшаш салоҳиятидир. Ана шунинг ўзи бутун Ўзбекистонда янги шароитларда қарор топаётган янги давлатчилигимизнинг мазмун-моҳиятини, қиёфасини белгилайди. Қолаверса, аҳоли мутлоқ кўпчилигининг орзу-истагини, хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган давлат табиий равишда ўз фуқароси билан ҳамжиҳат, бир бутун жонли вужуд бўлиб яшаши шубҳасиз.

Буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобий: “Бошқарув ҳам қонунларнинг сонига ва қадриятига боғлиқ. Яхши бошқарув — яхши қонунларга боғлиқ, ёмон бошқарув — ёмон қонунларга, етук бошқарув — етук қонунларга боғлиқ”, — деган эди. Ана шу фикрдан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларга баҳо бериш мумкин. Ҳозиргача қабул қилинган икки юздан ортиқ қонуннинг аста-секинлик билан амалга оширилаётганлиги, ҳаётимизга тобора кўпроқ кириб бораётганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Президентимиз ибораси билан айтганда, “адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмағи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмағи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари, қўйингки, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари ана шу заминга таяниши зарур”. Бу Ўзбекистонда вужудга келаётган давлатчиликнинг ўзига хос тамойиллари ва бош йўналишини белгилайди.

Жамият тараққиётини бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш, жамиятни тубдан ўзгартириш жуда камдан-кам арбобларга насиб этган. Ўз миллий давлатчилигига асос солиш, бутунлай янги шароитларда янгича давлатчилик пойдеворини қўйиш у давлат арбобининг бор имконият-

ларини, беқиёс ақлий ва сиёсий қудратини, улкан салоҳиятини белгилайди. Президент Ислом Каримовнинг давлатчилик борасидаги фаолиятига назар ташлар эканмиз, беихтиёр кўз ўнгимизда турли даврларда фаолият кўрсатган арбоблар гавдаланади. Хусусан, яқин ўтмишимизда Ер юзининг турли минтақаларида миллий-озодлик ҳаракатларига бошчилик қилган, ўз ватанини мустамлакачилик исканжасидан озод этиб, миллий давлатчилигига асос солган даҳолар диққатимизни тортади. Дарҳақиқат, ҳақиқий баҳо таққосда берилади. Тарихий жараён, воқеа ва ҳодисалар таҳлил этилаётганда, улар бир-бирига қиёсланганда ўзининг бугун салмоғи ва миқёси билан намоён бўлади. Ана шу жиҳатдан қараганда, миллий давлатчилик барпо этиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларни жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари тарихида кечган оламшумул жараёнларга қиёслаш мумкин.

Машиҳур давлат арбоби **Жорж Вашингтон** Шимолий Америкадаги инглиз колониялари мустақиллиги учун уруш бошланганда фаол қатнашган, уларга қўмондонлик қилиб, саркардалик истеъдодини ёрқин намоён этган, Америка Қўшма Штатлари давлатининг асосчиси ҳамда унинг биринчи Президенти сифатида тарихда қолган сиймодир.

Индонезиянинг давлат ва жамоат арбоби **Аҳмад Сукарно** мамлакат озодлиги учун беқиёс курашчи сифатида жаҳон жамоатчилиги диққатини тортган. 1945 йил 17 августда Индонезия Республика деб эълон қилинган, у мамлакатнинг биринчи Президенти қилиб сайланди. Мустамлакачиликка қарши кураш, миллий бирлик ва мамлакат тараққиётининг турли босқичлари тўғрисида қатор асарлар ёзган.

Ҳиндистоннинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби, ҳинд миллий озодлик ҳаракати раҳбарларидан бири **Жавоҳарлаъл Неру** мамлакат мустақиллиги учун толмас курашчи сифатида майдонга чиқди. У билан елкама-елка туриб, ҳинд истиқлоли учун фаол курашчи бўлган **Маҳатма Ганди** жаҳон озодлик ҳаракатида ўзига хос мактаб яратди. М. Ганди ва Ж. Неру инглиз мустамлакачиларига қарши курашда, ҳинд давлатчилигини тиклашда беқиёс азму шижоат кўрсатдилар. Улар ҳиндлар билан мусулмонларнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга, табақачиликни (кастачиликни) барҳам топтиришда қаттиқ курашдилар. Улар дин билан сиёсатни, давлатчилик ва фуқаролар манфаатларини уйғунлаштиришнинг энг илғор намуналарини вужудга келтирдилар.

Цейлон озодлик ҳаракатининг раҳбари ва миллий давлат қурилишининг кўзга кўринган арбоби **Саломон Бандаранайке** жаҳон давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Асримизнинг 50—60 йиллари жаҳон озодлик ҳаракатлари кенг авж олган, мустамлакачиликка қариши курашлар қизгин тус олган даврлар эди. Бу пайтда бир қатор араб мамлакатлари ҳамжиҳатлигини таъминлаш, уларнинг озодлик учун кураши алоҳида ўрин тугади. Айниқса, Миср Республикаси миллий озодлик ҳаракатига бошчилик қилган **Жамол Абдул Носирнинг** сиёсий фаолияти ана шу минтақа давлатчилигининг янги даврига асос солиниши билан боғлиқ.

**Ислом Каримовнинг** Ўзбекистон ҳали СССР таркибида турган пайтдаёқ миллий озодлик учун бошлаган ҳаракати, мустақилликка эришиш, мустақилликни таъминлаш ва ниҳоят, миллий давлатчиликни тиклаш борасидаги фаолияти юқорида тилга олинган, оламга машҳур давлат ва сиёсат арбобларининг фаолиятини эслатади. Бу эса Ўзбекистон раҳбарининг жаҳон давлатчилиги қурилиши тажрибасини бойитаётганлиги, унга янги мазмун, янги шакл бераётганидан далолатдир. Зеро, Ўзбекистондаги ислохотларга, дунёнинг энг илғор давлатчилик тажрибалари ва демократик тамойилларига мос келадиган, айни пайтда ниҳоятда миллий, таг заминли давлат қурилаётганлигини хорижий атоқли сиёсатдонлар тан олмоқда ва юқори баҳоламоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай давлатчилик фақат миллий асосда қурилгандагина, туб халқ маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиқиб барпо этилган тақдирдагина яшовчан бўлади. Айни пайтда у миллий равнақ учун кенг имкониятлар яратади. Чунки, ҳар бир халқ ўзининг бой ўтмишини, тарихини, анъаналарини ва хуллас ўзлигини бевосита давлат тимсолида кўриши керак. Бу ўзини билган, ўзини таниган халқ учун жуда катта маънавий-руҳий эҳтиёж ҳисобланади.

Масаланинг яна бир эътиборли томони шундаки, жамиятни тубдан ислох қилиш жараёнлари, дейлик, бутун бир маконни қулликдан озод этиш ҳоллари ҳамма вақт кучли тўқнашувлар, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ва тушунмовчиликлар тўқнашган мураккаб бир ҳолатда ўтади. Ана шундай маънавий-руҳий ўзгаришлар, дунёқарашлардаги силкинишлар ва пўртаналар пайтида мамлакат аҳолисининг умумий сиёсий маданияти, унинг онглилик даражаси кўп нарсани ҳал этади. Бошқача қилиб айтганда,

ислоҳотлар онг ва тафаккур ойнаси орқали ўтганда, унинг бутун миқёси ва кўлами, мазмуни ва моҳияти чин маънода қалб ва тушунчаларимизга кўрсатилаётган таъсир жараёнлари енгил ўтади ва самарали бўлади.

Янгилик билан эскилик ўртасида ҳамма вақт кескин курашлар, зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар бўлиб ўтади. Таассуфки, ҳаётда кўпинча янгиликдан кўра эскилик, яхшилиқдан кўра ёмонлик, эзгуликдан кўра ёвузлик яшовчан бўлади. Ана шу ҳаётгий фалсафадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, турмуш тарзига айланган ва кундалик ҳаёт қобилигида ўралиб қолган дунёқарашларни ўзгартириш осон иш эмас. Бу вақт талаб этадиган ҳодиса. Айни пайтда у сиёсий арбобдан ниҳоятда кучли ирода, мустаҳкам асаб, сабот ва матонат талаб этади. Бу — интиҳосиз изтироблар, ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасини эътиқод ва ғоя учун қурбон қилишдек фидойилик ва олий даражадаги шахсий фазилат кўриги.

Жамият ва одамлар ҳаётида юз берадиган ана шундай туб бурилишлар пайтида Бош ислоҳотчи мураккаб маънавий-руҳий кечинмалар қуршовида қолади. Айни пайтда Ўзбекистон худди ана шундай жараённи бошдан кечирмоқда. *Ислом Каримов эса ислоҳотлар самараларини бевосита янгилик билан эскилик ўртасидаги жарликни тўлдириш, яъни энг аввало аста-секинлик билан бўлса-да, одамлар онги ва дунёқарашини бурилиш яшаш, шу асосда янгича яшаш афзалликларини кўрсатиш йўлини тутди.*

Юқорида тилга олинган давлат ва сиёсат арбоблари турли сиёсий гуруҳлар, муҳолифлар ҳаракатлари билан бирга бир-бирига зид қарашлар ва ғояларни ҳам енгиб ўтишган. Айни пайтда мамлакат аҳолиси онги ва қалбида беқиёс янгиликларни ҳам амалга оширишган. Бу жамият ҳаётидаги жиддий сифат ўзгаришидир.

## ДЕМОКРАТИЯ — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

## ДЕМОКРАТИЯ НИМА?

Демократия деганда энг аввало “Халқ ҳокимияти” деган тушунча англашилади. Бироқ, унинг асл мазмуни, жамият тараққиётида тутган ўрни, инсон ҳақ-ҳуқуқларини белгилашдаги вазифаси хусусида кўп ҳам ўйлаб ўтирмаймиз. Зеро бунга ҳозиргача шароит йўқ эди. “Қизил империя” раҳнамолари демократияни ўзича тушунар ва бизни ҳам ўз тушунчаси доирасида тарбияларди.

Демократия — кишилиқ тарихида инсоннинг онгли ҳаёти бошланган даврдан бошлаб унинг эрку иродасини, хоҳиш-истагини белгилайдиган мезон бўлиб келмоқда. Албатта, бу борада кишилиқ жамияти шаклланиш давридан тортиб то цивилизациялашган турмуш тарзи, ҳар жиҳатдан чуқур илдиз отган давлатчилик ва шу асосда маълум тартиб-қоидага кириб қолган аниқ йўналишлар ўртасида катта фарқ бор.

Чунки, асрлар мобайнида одамлар дунёқараши ўзгариб, талаб-эҳтиёжлари ошиб боради.

Демократия бевосита жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа жиҳатлари билан бирга ана шу жамиятни ташкил этган аҳоли умумий дунёқарашини ўзида мужассам этади. Ҳар қандай давлат ўз ҳуқуқий асосига, сиёсий режимига, бошқарувидаги аниқ тамойилларига эга бўлмаса, фуқаролар эса ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга жамият ва давлат олдидаги, ўз мамлакати истиқболи йўлидаги вазифалари ва бурчларини тўла англаб олмаган тақдирда демократия том маънодаги мазмунига ва жаҳон тажрибасида исбот қилинган моҳиятига эга бўла олмайди.

Жаҳон давлатчилиги тажрибалари тобора бойиб, халқнинг ўзлигини англаш жараёни тобора тезлашиб бор-



гани сайин демократиянинг жамият ҳаёти тараққиётида тутган ўрни хусусида мунозаралар кескин авж олди. Айниқса, XX аср кишилиқ тарихида кескин бурилиш ясади. Ер қуррасида икки қарама-қарши ижтимоий-сиёсий тузумнинг пайдо бўлиши дунё давлатчилиги тажрибасида ва жаҳон халқлари тафаккурида кескин бурилиш ясади. Икки лагерь ўртасидаги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва мафкуравий рақобат туфайли бир қатор халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлишига, инсон ҳақ-ҳуқуқларини маълум бир тартибга солиб туришга, уни ҳимоя қилишга эҳтиёж сезилди.

Тоталитар тузумдаги инсон ҳуқуқларининг чекланганлиги, мафкуравий яккаҳоқимлик жамият маънавий тараққиётини чеклаб қўйди. Иккинчидан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида озодлик учун кураш, миллий давлатчиликка замин яратиш ва шу асосда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама баркамол демократик жамиятни вужудга келтиришга интилиш кучайди. Натижада ана шу қитъаларда миллий озодлик ҳаракатлари авж олди. Бу ҳаракатлар заминида инсониятнинг азалий орзу-умиди — озодлик ва ҳурриятга эришиш, эркин яшаш эҳтиёжи ётарди.

Қадим Шарқда азалдан ҳуқуқий демократик давлатчилик ва фуқаролик жамиятининг турли элементлари мавжуд эди. Бунга узоқ ўтмишимизга — Афросиёб ва Қорахонийлар, Хоразмшоҳ, темурийлар ва бошқа қатор сулолалар давлатчилигини мисол келтириш мумкин. Бу даврларда ҳақиқат ва адолат ғояси ниҳоятда баланд кўтарилгани ва бутун мамлакатда аниқ тартиб-интизом ўрнатилгани натижасида инсон ҳаёти, аҳоли турмуши кафолатланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Агар ана шу даврларда сўз ва фикр эркинлиги, ғоялар қарама-қаршилиги мавжуд бўлмаганда эди, бу қадимий маконда фан, маданият ва маънавият жаҳон тараққиётида бу даражада кучли таъсир кўрсатмаган бўлур эди. Шарқ уйғониш даври ва кескин юксалиш пайтларида дунёвий илмлар, ишлар билан ислом маданияти назарияси ва фалсафаси уйғун ҳолда тараққий топди, турмуш тарзимизга айланиб қолди. Акс ҳолда ислом динининг буюк намояндалари, уламо ва фузалонинг дунё тан олган асосий кўпчилиги қадимий Турон заминида етишиб чиқмас эди. Бу бизга “дин — афюндир” деб ўргатиб келинган, бизни худосизликка — имонсизликка ва эътиқодсизликка даъват этган ёлғон мафкуранинг ёлғон умридан дарак берга-

нидек, ислом дини ва Шарқ турмуши фалсафасининг абадиятини, ҳақиқати ва қадриятини белгилайди. Соҳибқирон Амир Темурнинг биргина “куч адолатда” деган шиорида ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳам, фуқаролик жамиятининг ҳам инсоннинг яшаш ҳуқуқи ва унинг барча эркинликлари ҳамда ҳозирги замон демократик ҳаракатларнинг энг илғор тажрибалари мужассам бўлган.

Албатта, бу анча-мунча мунозарали масала. Мамлакатимизда янги тарихий шароитларда янгича давлатчилик қарор топаётган бир пайтда демократия, фуқаролик жамияти, аҳоли ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар турли соҳа мутахассислари ўртасида турлича талқин этилмоқда. Бироқ, ҳар қандай хулосалардан қатъи назар, қадимий Шарқ давлатчилигида инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари кўп жиҳатдан ҳимоя қилинган ҳамда ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб инсон озодлиги ва хатти-ҳаракатлар эркинлиги таъмин этилган эди. Бу айни демократик жамиятнинг муҳим ва асосий белгиларидан ҳисобланади.

Биз бугун янги тарихий шароитларда яшаймиз. Жаҳон демократик жараёнлари тобора чуқурлашган, унинг имкониятлари анча кенгайган, одамларнинг онглилик даражаси бирмунча ошган бир пайтда яшаймиз. Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мамлакатлараро, минтақалараро ва қитъалараро таъсири тобора кучайиб бораётган бир шароитда кун кечираймиз. Буларнинг барчаси инсон онги, тафаккури ва қалбини ҳеч қачон четлаб ўтмайди. Энди демократиянинг шунчаки оддий эркинлик, ҳуррият, озодлик деган тушунчалари ва айни пайтда халқ ҳокимияти деган мазмуни ҳам бирмунча ўзгармоқда. Жумладан, демократиянинг маданияти, маърифати одамлар ўртасидаги муносабатлардан тортиб дунёвий муаммоларни ҳал этишгача бўлган низо, муроса ва яқдиллик, унинг иқтисод, сиёсат ва фикрлар хилма-хиллиги шароитидаги вазифалари анча кенгайди.

Бизнинг яқин ўтмишимиз жаҳон демократик меъёрларига мос келадиган инсон эрки ва яшаш ҳуқуқини чегаралаб қўйган эди. Мислсиз зўравонликка таянган коммунистик сиёсат табиатан озодликни ёқтирмас ва том маънодаги демократияни тан олмас эди. Америкалик сиёсатчи Диана Ревич таъбири билан айтганда, *“Тоталитар сиёсий тузумлар сустлик ва лоқайдлик кайфиятини ривожлантиради. Тузум итоаткор ва лаббайғўй фуқароларни шакллантиришга интилади. Бундан фарқли ўлароқ, демократик*

жамиятнинг фуқаролик маданияти алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг эркин равишда ихтиёр этган фаолияти туфайли шаклланади. Озод жамият фуқаролари ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қиладилар, ўз ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва ўз ҳаётлари учун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар”. Ана шу масъулият одамнинг жамият олдидаги бурчини ҳам, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни ҳам белгилайди.

Ўтиш даврида, айниқса, тоталитар тузумдан эркин фуқаролик тузумига ўтаётган бир шароитда демократияни англаш, унинг бутун моҳиятини тушуниш ва масъулиятини зиммага олиш анча қийин иш. Ижтимоий ҳаёт, мамлакатда юз бераётган жиддий ўзгаришлар ва инсон ҳаётининг дахлсизлиги бевосита янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Одамлар эса ана шу муаммоларни бирин-кетин ҳал этиш жараёнида ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб бораверади. Жамият тараққиётига мос равишда аҳоли “тарбияланиб”, шаклланиб, баркамоллашиб боради. Айни пайтда биз худди ана шундай жараёнларни бошдан кечиряпмиз.

Демократиянинг муросачилик ва яқдиллик маданияти мамлакат ички ҳаётида ҳам, ташқи сиёсатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, одамлар — мамлакат фуқаролари ўртасидаги муносабатлар қанчалик илиқ бўлса, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бирлашиб, муаммоларни ҳал этишда оқилона фаолият кўрсатилса, барча учун умумий бўлган вазифалар олдида масъулият чуқур ҳис қилинса — бу демократиянинг мамлакат ички ҳаётидаги маданиятини белгилайди.

Демократиянинг ташқи сиёсатдаги кўриниши бу бевосита давлат раҳбарининг дунё муаммоларини ҳал этишдаги фаолиятида акс этади. Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги фаолиятида айниқса ушбу жиҳатлар эътиборни тортади:

— ҳар қандай можароли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, музокаралар йўли билан фикр алмашиш ва энг тўғри, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган хулосаларга келиш;

— ҳар қандай зўравонликларга, тазйиқ ва куч ишлатишларга қарши равишда шарқона муносабатлар илмини эгаллаш — демакки, шарқона демократия тамойиллари асосида иш юритиш. Дарҳақиқат, Шарқда, Шарқ давлатчилигида ҳар қандай зўравонликлардан холи йўсин-

да масалаларни ақл-идрок билан, рўй-рост ва ошкора мулоқот қилиш асосида ҳал этиш тамойиллари мавжуд.

Ўзбекистон раҳбарининг халқаро сиёсати ҳозирги замон жаҳон демократик ҳаракатларининг илғор тажрибаларига мос келади. Бу йўл ҳар қандай зўравонлик ва куч ишлатишни рад этиш билан бирга, жаҳон сиёсати маданиятини оширишга даъват этиш орқали сиёсатга демократик тамойилларни олиб киришнинг ўзбекона йўлидир.

Демократия доимий ҳаракатдаги ҳодисадир. Аини пайтда у жамият тараққиёти ва мавжуд сиёсий режим таъсирида ўзини ўзи тўлдириб, бойитиб, янги тарихий шароитларда янгича мазмун касб этиб боровчи воқелиқдир. Мухтасар қилиб айтганда, демократия тажрибага асосланган ва доимий равишда мазмунан бойиб, баркамоллашиб, моҳияти чуқурлашиб борадиган фаолиятдир.

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ

Энди ҳақли равишда савол туғилади. Хўш, Ўзбекистон демократиянинг қайси йўналишларидан бормоқда? Ҳуқуқий, демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини вужудга келтириш олий мақсад экан, унга эришишнинг ягона йўли демократияни чуқурлаштиришдир. Аини пайтда Ўзбекистонда давлатчиликнинг бу жиҳатига қандай қаралмоқда?

Аини пайтда демократик жамиятни барпо этишнинг халқаро тамойиллари, дунё ҳамжамияти эътироф этган йўриқлари мавжуд. Бу бевосита фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгаллиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, сайлов ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалардир. Булар қарийб барча мамлакатлар конституцияларида қатъий белгилаб қўйилган тартиб-қоидалардир. Бироқ, маълум бир мамлакатда демократияни жорий этишда фақат шунинг ўзи кифоя қиладими? Фақат шунинг ўзи аҳоли барча эҳтиёжларини, маънавий-руҳий оламини қамраб ола оладими? Йўқ! Чунки, ҳар бир халқнинг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, демократияга ёндошиш усули

бор. Шу маънода Президентимиз: “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар гоът нохуш, ҳатто, фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Фарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”, деганида демократияни жорий этишнинг юртимизда ўзбекона тамойиллари шаклланаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бир қатор мамлакатлар — жумладан, Туркия, Олмония, Англия, Франция ва бошқа давлатларнинг тараққиёт йўллари билан яқиндан танишди. Бу мамлакатларда демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд. Бироқ Ўзбекистон Президенти бу масалада ўзининг муносабатини аниқ ва равшан баён этди. Ҳар бир миллат ўз миллий руҳиятидан келиб чиқиб бу масалага ёндошиши зарур. Айниқса, ўзбеклар сингари жуда қадимий миллат ва жуда бой анъаналарга эга халқ эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик оғир натижаларга олиб келиши мумкинлигини уқтирди ва “одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бундай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин”лигини кўрсатиб берди.

Демак, ҳурриятга муносабатда ҳам бошқалардан андоза олиш, мамлакат туб халқи руҳиятини ҳисобга олмаслик раҳбарни ҳам, халқни ҳам, бутун мамлакатни ҳам боши берк кўчага киритиб қўяди. Фарб демократиясини Шарқ мамлакатларида кўр-кўрона жорий этиш мумкин эмас. Унга тақлид қилиш кутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкин. Бунинг аччиқ натижаларини Тожикистон мисолида кўраянимиз. Эркинлик ниқобидаги бошбошдоқликка йўл бериш, давлат ва бошқарув аппаратининг беҳад бўшашиб кетиши, ҳокимият жилловининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши минг-минглаб хонадонлар бошига кулфат келтирди.

Одатда якка-якка шахсларнинг руҳий кечинмалари, хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворидан умумжамият кайфияти, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Мустақиллик ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган, янги-ча маънавий, сиёсий муҳит шаклланаётган бир пайтда бу муҳим аҳамият касб этади. Энди ҳар галгидан ҳам ҳушёрроқ бўлишимиз, қўлга киритган буюк неъматни асрай олишимиз керак.

Хатти-ҳаракатлар, интилишлар ҳар қандай шароитда ҳам умумхалқ манфаатини ҳисобга олиб, унга таянсагина қадриятга айланади. Қадриятлар эса бебаҳо мулк. Уларни халқ яратади, халқ баҳолайди, ўзи асраб-авайлайди. Демократия худди ана шундай буюк неъмат. Уни олий қадрият сифатида тушуниш, унга бўлган муносабат ҳар бир фуқаронинг ички маданиятидан, маънавий-ахлоқий қиёфасидан, демакки, бутун миллатнинг умумий маданий савиясидан, сиёсий ва ижтимоий фаоллигидан далолат беради.

Муҳолифларимиз сўз ва фикр эркинлиги зарур, деб даъво қиладилар, узоқ-яқиндан айюҳаннос солишади. Бироқ, улар ҳеч нарса билан чегараланмаган сўз ва фикр эркинлиги ноўрин ва беўхшовгина бўлиб қолмай, балки у халқ бошига чексиз кулфатлар келтириши ҳам мумкинлигини тушунмайдилар ёки тушунишни истамайдилар. Бу ҳақда ўйлаганда беихтиёр атоқли файласуф Андре Жиднинг “Эркин фикрлаш имкониятига эга бўлиш учун, энг аввало, хатти-ҳаракатларимиз оғир оқибатларга олиб келмаслиги кафолатига эга бўлмоқ лозим”, — деган сўзлари ёдга тушади.

Демократияни Президент ёки ҳукумат бир фармону қарор билан, парламент бир қонун билан ўрнатиб бермайди. Уни халқ ўзи учун ўз ақл-идроки ва заковати билан яратади.

Демократияни англаш — шахснинг ҳамма учун бирдай зарур бўлган қонунларга тўла риоя этиш, аниқ тартиб-интизомга таяниб яшаш салоҳияти. Демократия бизни инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган барча қонунларга бўйсуниб яшашни ўргатади.

Демократия фақатгина сиёсий, ҳуқуқий ёки ижтимоий категория эмас. Айти пайтда у маънавий-ахлоқий категориядир. Демократия — бу ҳокимиятсизлик ёки сепаратизм эмас! У давлат бирлиги ва Конституция асосидаги қатъий тартиб-интизомдир.

Эркинлик, демократия ўзига ҳаммани бўйсундирмаслиги, ҳаммани забт этмаслиги, балки у ақл-идрокка бош эгиши, унинг йўриғида юриши лозим. Бинобарин, биз энг аввало эркинликни, демократияни тарбиялашимиз керак. Чунки, у соғлом фикрлар ва шаклланган ақл-идрок таъсирида бўлсагина бизни тарбиялаши, жамиятни соғломлаштириши мумкин.

Қолаверса, ҳар бир халқнинг фикрлаш даражаси воқеа ва ҳодисаларга муносабати, уни баҳолаш тарзи, ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади. Фарб демократиясида очиқдан-очиқ муносабат, Шарқ демократиясида эса аксинча — андишалилик, Фарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда эса ўзидан катталарга, раҳбарга ҳурмат билан қараш, ақл билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Умуман, ҳаёт тарзи, анъаналар ҳамма вақт ҳар бир мамлакат халқларининг хулқ-атворини шакллантиради. Хатти-ҳаракатини, воқеаларга муносабатини одатга айлантиради, миллатнинг қон-қонига сингиб кетади, минг бир ҳужайрасидан жой олади. Демак, Мағрибдаги турмуш тарзини зўрлаб Машриққа тикиштириш, Машриқ ҳаётини Мағрибга кўчириш мумкин эмас. Мамлакатимизда юз бераётган жараёнларни кузатиб айтиш мумкинки, ўз миллий давлатчилик тажрибаларимиз ва анъаналаримизга таяниб ҳар қандай шароитда ҳам оғир-вазминлик ва ақл-идрок билан иш тутиш — Президент Ислон Каримов сиёсий йўлининг, иш услубининг бош концепцияси ҳисобланади. Бу “қаттиққўл” ва “ўжар” сиёсатда қонунга ҳурмат билан қараш, қатъий интизом тушунчалари зарурий эҳтиёж даражасига кўтарилади!

Айрим мухолифлар Ўзбекистонни Америка Қўшма Штатлари, Олмония, Франция, Англия ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги аҳвол билан солиштирадилар. Бу унчалик тўғри муқояса эмас. Биринчидан, мазкур мамлакатларда чинакам, рисоладагидек демократия мавжудлигига ҳеч ким кафолат бермайди. Сабаби, ҳаёт борки, қайсидир даражада “тартиббузарлик” содир бўлади. Инсоннинг табиати шундай. Бундай ҳолат фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда ҳам, фуқароларнинг ўзаро муносабатларида ҳам юз бермоқда. Қолаверса, бу мамлакатларда инсон ҳуқуқлари, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар борасида тўпланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар икки юз ва ундан ортиқ йиллар маҳ-

сули эканлиги ҳаммага аён. Мустақил Ўзбекистондан тарихан жуда қисқа вақт ичида Фарб давлатларидагидек кенг миқёсли тадбирларни амалга оширишни талаб этиш ақлга сиғмайди. Одамлар дунёқараши, фикрлаш тарзи ва онглилик даражасини бир кун ё бир йилда ўзгартириш сира мумкин эмас.

Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу ривожланган мамлакатлар мустақилликка эришган давр билан бугунги кун ижтимоий-сиёсий жараёнларининг турличалиги, одамлар дунёқараши ва онглилик даражасидаги ўзгаришларни таққослаганда яққолроқ кўринади. Мазкур ривожланган мамлакатларга нисбатан Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлатни вужудга келтириш жараёни анча тез, шиддатлироқ тарзда бормоқда.

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Мамлакатимиз аҳолиси ҳаётида юз бераётган демократик жараёнлар ижобий ҳодиса. У яшаш тарзимизнинг сифат ўзгаришига асос бўлиб, фуқароларга қобилияти, касб маҳорати ва онглилик даражасини намоён этишга имконият яратади. Ана шу имконият кишини ўйлашга, фикр юритишга, ақлни ишлатиш йўли билан фаровон турмуш кечиришга даъват этади. Ҳар бир оила фаровонлиги эса мамлакат фаровонлигини белгилайди.

Демократия бизнинг бутун фазилатларимиз, имкониятларимиз ва маҳоратимизни кўрсатишга кенг йўл очиб бериш билан бирга барча нуқсонларимизни ҳам ошкор эта бошлади. Нафсга эрк берилган жойда мурувват йўқолади. Инсон қадр-қиммати оёқости бўлади. Бугун биз ана шундай хуруждан эҳтиёт бўлишимиз, бутун иродамиз, куч-қудратимизни, ақл-заковатимизни ишга солиб, инсоф ва диёнатни ҳимоя қилмоғимиз керак. Зеро, ҳазрат Алишер Навоий ҳам:

Эркин улким, саъйд этиб нафсоният,  
Ғолиб ўлса умрида руҳоният,—

деган эдилар. Дарҳақиқат, нафсини тия билган, руҳий дунёси пок инсонгина эркиндир.

Худбинлик қасаллигига чалинганлар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Ўйлашга, ён-атрофга қараб мулоҳаза юртиш, андиша қилишга вақтлари йўқ. Чунки худбин бир



дақиқа бўлса-да ўйланиб ё иккиланиб қолса, нимадан-дир қуруқ қолади, ниманидир ютқизади. Ҳамма нарсага эришиш учун эса беҳаё, бетгачопар бўлиши керак.

Хатти-ҳаракатлар, интилишлар ҳар қандай шароитда ҳам умумхалқ манфаатини ҳисобга олиб, унга таянсагина қадриятга айланиши мумкин. Қадриятлар эса бебаҳо мулк. Уни халқ яратади, халқ баҳолайди. Унинг ўзи асрайди, авайлайди. Демократия худди ана шундай буюк неъмат. Уни олий қадрият даражасида тушуниш, асраш ёки топташ, авваламбор ҳар бир кишининг ички маданиятидан, маънавий қиёфасидан, сўнг эса бутун миллатнинг умумий маданий савиясидан, онглилик даражасидан, сиёсий ва ижтимоий фаоллигидан далолат беради. Хоҳлаган пайтда хоҳлаган гапни гапиравериш эркинлик эмаслигини, аксинча, у шахсиятимизни, маънавий имкониятларимизни, қолаверса, миллий қадру қимматимизни поймол этиш эканлигини баъзан ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Сўз ва фикр эркинлиги зарур, деб бонг урдик, ўзимизга ортиқча эрк бердик. Бироқ бутунлай, ҳеч нарса билан чегараланмаган сўз ва фикр эркинлиги хатти-ҳаракатларимизнинг ноўрин эркинликларини чегаралаш учун зарурлигини, бу бизнинг инсоний фазилатимиз ва юксак кадр-қимматимиз эканлигини ўз вақтида тушуна олмадик. Ҳали-ҳамон сўз ва фикр эркинлиги ҳар бир қадамимизни ўйлаб босишни, соғлом фикрлашни ўрганишни талаб этишини англашда маънавий қурбимиз етмаяпти шекилли.

Ҳуррият — бу фақат яхши турмуш кечириш, кўнгли тусагандек яшаш дегани эмас. Ҳурриятнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб, уни идрок этиб, эркинлик имкониятларини юксак маънавий неъмат сифатида юрак-юрақдан туймоқ лозим. Бунинг учун жамият маърифатли бўлмоғи керак. Ана шунда аҳолининг ирода кучи, идроки ва тафаккури билан эркинлик — демократия турмуш тарзига, яхши яшаш воситасига, жамиятни ҳам, инсон ҳаётини ҳам эзгулик сари йўналтирадиган қудратли кучга айланади ва юксак қадрият сифатида эъзозлайди.

Демократия — онгли фикрлаш, тафаккур, ақл-идроқка таянган муносабат. Демократия — юксак маънавият ва ички маданиятни ошқор этиш имконияти. Демократияни англаш — шахснинг барча учун бирдай зарур бўлган қонунларга тўла риоя этиш, аниқ тартиб-интизомга та-

яниб яшаш салоҳияти. Демократия бизга инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган барча қонунларга бўйсуниб яшашни ўргатади ва талаб этади. Бунинг акси бўлган жойда бошбошдоқлик, парокандалик авж олади. Кишилар ҳаёти таҳлика остида қолади. Буни ён-атрофимиздаги мамлакатларда юз берган нохуш воқеалар мисолида кўриш мумкин.

Йиллар мобайнида онгимиз ва шууримизда ўрнашиб, вужудимизда илдиз отиб кетган сиёсий ақидапарастликдан, ҳодисаларга кўр-кўрона эргашиш ва қотиб қолган тушунчалардан воз кечиш, уйғониш ҳаётий эҳтиёждир. Ана шу эҳтиёж бизни демократия ва унинг имкониятларини, мазмун-моҳиятини, сиёсий ва ижтимоий ҳодиса сифатидаги мантиғини тўғри англаш даражасига кўтарди. Шахс ва жамият эркинлигининг муштараклиги, руҳий ва маънавий-ахлоқий уйғунлиги олий мақсад, турмуш тарзи ва энг муҳим тараққиёт йўли бўлмоғи керак. Ҳозирги ислохотлар даври, туб бурилишлар жараёни биздан теран мулоҳаза, ҳушёр қарашларни талаб этади. Бугун миллий уйғониш ва жаҳон саҳнасида ўзимизни кўрсатиш пайтида синиқ ва ўйчан эмас, фикрлайдиган, ҳаракатлайдиган, ишлайдиган, муносабат билдирадиган жонли ва уйғоқ нигоҳлар зарур. Бугун бизга шундай қарашлар керакки, улар биратўла бутун борлиқни кўрсин. Нигоҳларимиз атроф-муҳитни қамраб олсин, айти пайтда ўйласин, фикрласин, воқелиқни тушунсин, моҳиятига етсин.

Ўзлигини англаши, ўз шаънини ҳимоя қила билиши ва барча ёмонликлардан ўзини тия олиши учун одам ориф бўлмоғи, қалбининг тубида маърифат шамчироғи ёниб турмоғи лозим. Ана шунда у гуноҳдан ҳазар қилиш, барча неъматлардан ақл-идрок ва инсоф доирасида фойдаланиш йўлини тутди. Ножўя хатти-ҳаракатлари учун тавба-тазарру қилиш зарурлигини англай бошлайди. Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий: “Тавба — гуноҳкор банданинг кўнгил кўзгусини гуноҳ зангидан тозалайди; афв сайқали билан у кўзгунинг юзини ёритади. Тавба — бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилиқ йўлининг бошланишидир; у такаббурлик ғафлатидан сесканмоқ ва ғафлат уйқусидан уйғонмоқ ва ўзининг нолайиқ аҳволини англамоқ ва беҳуда феълларини ташламоқ, қабиҳ ишлар, шармандалиқ ва расвоғарчилик туфайли хижолатга қолишдан огоҳ бўлмоқдир. Тавба — инсонга хос саркаш-

ликдан воқиф бўлмоқ, кишини тўғри йўлдан оздирувчи нафс фасодидан ва кўнгил итоатсизлигидан нафратланмоқдир”, — деган эди. Бу айни ҳақиқатдир! Бироқ бутун ҳақиқатини англаб олиши, тавбага — ўзини ўзи тозалашга интилиши учун ҳам одам ўзида маънавий куч, рағбат, интилиш сезмоғи даркор. Афсус ва надоматлар бўлсинки, бизда ана шу фазилатнинг ўзи ҳам тансиқ, камёбдир.

Эркинлик, демократик жараёнлар ҳаётимизнинг барча соҳаларига чуқур кириб бормоқда. Мустақиллик бунга йўл очиб берди, имконият яратди. Энди биз ўзимизни англашимиз, дунёни тушунишимиз ва шу билан бирга демократиянинг бутун моҳияти ва имкониятларини чуқурлаштиришимиз лозим. Ана шунда биз ҳам, демократия ҳам, мустақиллик ҳам буюк неъматга, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган олий қадриятга айланади.

Хуллас, ҳазрат Мир Алишер Навоий айтганларидек:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,  
То зулму ситам жонига беод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Дарҳақиқат, то маънавий камолотга етмагунча, то хатти-ҳаракатларимиз, муносабатларимиз ақлу идрок ва умум манфаат доирасига кўтарилмагунча демократиянинг мазмуни ҳам, кўлами ҳам талаб даражасида бўлмайди. Бу бевосита фуқаролар онги ва дунёқарашини тубдан ўзгартириш, яқин ўтмишимиздан қолган лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятларини йўқотиш, миллий давлатимиз, ватанимиз истиқболи учун жон куйдириш туйғуларини кучайтириш каби мураккаб, узоқ муддатли жараён билан боғлиқ. Ана шундан келиб чиқиб Президент Ислоҳ Каримов: “...демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдан тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин”, деган эди. Зеро, ана шу жуда мураккаб жараёнга ҳамма ва ҳар бир киши алоҳида тайёргарлик кўриши, ўзини тайёрлаб бориши, энг муҳими, ўзини ўзи ички бир маънавий қудрат билан тарбиялаб бориши керак. Зеро, Президент таъкидлаганидек, “демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга татбиқ қилишни ҳамда уларни

ҳимоялаш зарурлигини авваламбор жамиятнинг ўзи англамоғи даркор”. Ана шунинг ўзи бизнинг жамият олдидаги, янгиланаётган ҳаёт олдидаги ва келажак олдидаги вазифаларимизни белгилайди.

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Мамлакатимизда туб ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилларининг жорий этилиши аввалига айрим мухолифларимизга унчалик ҳам хуш келмаган эди. Улар буни сусткашликка, маъмурий-буйруқбозлик тузумининг иллатларига, янги ҳокимиятнинг демократик ўзгаришлари ноқобиллигига йўйишди.

Аслини олганда, ислохотларни инқилобий йўл билан амалга ошириш бизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзимизга буткул зид нарсадир. Бундай йўл тутилганда жамиятда мислсиз фожиаларга олиб келиши бугун барчага аён. Ҳиссиёт ақдан устун келган жойда жамият инқирозга юз тутишини, ҳар қандай ислохот эса аста-секинлик билан одамлар қалби ва онги орқали амалга оширилгандагина юксак маданий ва маънавий мазмун касб этишини мухолифлар тушунишмас ёки тушуна туриб, бошқача мақсадларни кўзда тутишар эди.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, аввало иқтисодий ислохотларнинг дастлабки самаралари кўзга ташлана бошлади. Бу давлат мулкани хусусийлаштиришдан тортиб, пул ва банк-кредит тизимини бутунлай янги изга солиш, хорижий сармояларни жалб этиш, ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириш, саноатни янги, илғор замонавий технологиялар билан жиҳозлашгача бўлган ва бошқа жиҳатларни қамраб олган ислохотларни ўзида мужассам этади. Айни ана шу янгиланиш жараёнида “ўзбек модели” вужудга келди.

Хўш, Ўзбекистоннинг туб ислохотлардаги ўз тараққиёт йўли фақат шулардан иборатми?

Бугун ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бутунлай янгича муносабатлар қарор топди. Жамият тараққиётининг аҳоли маънавий-руҳий, сиёсий-маданий қарашларидан келиб чиққан ўзига хос ёндошиш усули шакллана бошланди. Жумладан, демократик жараёнларини чуқурлаштиришда ҳам муҳим босқич, янги давр бошланди.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик

жамиятини вужудга келтириш масаласини долзарб вазифа қилиб ўртага ташлади. Аини ана шу тамойиллар асосида жаҳон давлатчилиги энг илғор тажрибаларига мос келадиган, уни дунё тан оладиган, инсон ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан кафолатланадиган жамият сифатида барпо этиш кўзда тутилган эди.

Маълумки, 90-йилларнинг бошларида мамлакат мустамлака тузумидан мерос бўлмиш оғир ижтимоий, иқтисодий пўртаналар гирдобидида қолган, демократия “ўйин”лари авж олган, аҳолининг айрим гуруҳларида эҳтирослар жунбушга келган бир пайт эди. Биз бу хусусда китобимизнинг аввалги саҳифаларида имкон доирасида тўхталиб ўтдик. Ана шу оғир вазиятдан эсон-омон чиқиб олиш, Президент ибораси билан айтганда “**ҳеч қандай ларзаларсиз**”, қон тўкмасдан, мамлакатда барқарорликни сақлаб турган ҳолда аста-секинлик билан ҳаётни изга солиш йўли танлаб олинди ва қатъият билан амалга оширилди. “**Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик**” сингари ҳаёт синовидан ўтган тажрибалар йўлидан борилди. Бу ғоя ислохотларнинг ҳамма соҳаларига — ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатларига тегишли эди. Унда сиёсатнинг инсонпарварлик мазмуни, ҳар бир фуқаро, ҳар бир тирик жон ҳаётининг дахлсизлигини таъминлашга масъуллик, бутун мамлакат тинчлиги ва осойишталигини сақлашга жавобгарлик ҳисси мужассамлашган эди.

Ислон Каримов ўша пайтдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бориши хусусида фикр юритар экан, жумладан, шундай деган эди: “**Дастлабки кезларда Ўзбекистонни сусткашлик ва консерватизмда айблашарди. Аммо Ўзбекистон бугунги кунга келиб, бозор ўзгартишларининг теранлиги, ижтимоий янгиланишнинг суръатлари ва тараққиёти юзасидан, собиқ совет ҳудудидаги аниқ дастурга эга бўлмай туриб, асоссиз ва мулоҳазасиз ислохотлар жараёнини тезлаштиришга уринган, бесабрлик қилган, сохта обрўга интилган кўпгина республикалардан олдинлаб кетди.**

Минг афсуски, ана шу юзаки уринишларнинг ҳаммаси пировард натижада ислохотларнинг ўзини маълум даражада обрўсизлантирди. Уларга ортиқча сиёсий тус берди. Жамиятдаги ички қарама-қаршилиқни кучайтирди. Бу бор гап ва ундан ҳеч қаяққа қочиб қутулиб бўлмайди”.

Мана, орадан олти йилга яқин вақт ўтди. Тошқинлар тинди, атай лойқалатилган сувлар тиниқлашди, булут-

лар тарқалди. Ҳақиқий ҳаёт манзараси аниқ-равшан кўзга ташланди: сиёсатнинг ўткинчи ҳиссиёт ва туйғулардан холи бўлган, ақл-идрок ва тажрибага таянган амалий қиёфаси намоён бўлди. Айтиш мумкинки, шу ҳолнинг ўзиёқ янгиликни эволюцион йўл билан амалда жорий қилишнинг, қатъий интизомга таянган демократиянинг маънавий қиёфаси эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ I сессиясида Ислом Каримов томонидан (1995 йил 23 февраль) демократия ҳақидаги илмий-назарий жиҳатдан асосли, ҳаётий жиҳатдан амалий хулосалар ўртага ташланди. Давлат сиёсатининг демократик жараёнларни чуқурлаштиришга доир стратегияси ишлаб чиқилди.

Бугунга келиб ҳаммамизнинг демократия ҳақидаги тасавурларимиз бир мунча кенгайди. У ҳаётимизнинг муҳим ва ажралмас қисми, маънавиятимизнинг кўзгуси эканлигини тушундик. Ҳуррият шунчаки сўзбозлик ва тадбирбозлик, гуруҳбозлик ёки кўча-куйда айюҳаннос солиб қичқириш эмас, таъбир жоиз бўлса, **қонун диктатурасидир. Ҳа, ҳақиқий демократия — қонунлар диктатураси!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессияси ижтимоий ҳаётимизда демократик ўзгаришларнинг янги даврини бошлаб берди ва бу жараёнларни чуқурлаштириш тамойилларини янги босқичга кўтарди. Буни нималарда кўриш мумкин?

**Биринчидан**, мустақилликнинг дастлабки йилларида, аввало, одамлар янгича турмуш тарзига кўникма ҳосил қилишлари керак эди. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини англаб, мустақил тараққиёт афзалликлари ва беқиёс имкониятларини тушуниб олишлари лозим эди. Бусиз ҳеч қандай натижага эришиб бўлмасди. Чунки, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ҳам инсон асосий ҳал қилувчи омил, жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳаётдаги янгиланишлар дастлаб ҳар бир фуқаронинг қалбидан, онги ва тафаккуридан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистонда, иқтисодий ислоҳотларга бўлгани каби, демократияга муносабатда ҳам шу тарзда йўл тутилди. Олдин жамият барқарорлигини таъминлаш, одамларни демократик ҳаёт тарзига ўргатиш, уларга демократик тамойилларни тушунтириш ва шу тариқа демократик жараён

ёнларни фаоллаштириб, уларни турмушга жорий эта бо-риш зарур эди.

Аслида, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини бар-по этиш йўли танлангандаёқ демократияни жорий этиш-нинг стратегик дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бу дас-турларни амалга ошириш учун назарий фаолиятни ку-чайтириш, тафаккур ва тушунчаларни ўзгартириш йўли билан одамларни ҳам, жамиятни ҳам демократик исло-ҳотларга тайёрлаш тақозо этиларди.

**Иккинчидан**, жамиятни тубдан янгилаш ва турму-шимизнинг барча соҳаларида кенг миқёсли ислоҳотлар-ни амалга ошириш ва шу асосда демократик тамойил-ларни турмуш тарзига айлантириш узоқ давом этадиган узлуксиз жараён. Бу кундалик ҳаётимиз билан боғлиқ бўлган ва умуман мамлакат тақдирини белгилайдиган муҳим ҳодиса. Жамиятда демократияни чуқурлаштириш изчилликни тақозо этадиган, собитқадамлик билан тур-ли қаршилиқлар ва тўсиқларни енгиб, эскича қолиплар-ни бартараф этиб, янгича тафаккур тарзини жорий қилиш каби мураккаб жараён.

**Қолаверса**, жамиятни демократлаштириш бу бевосита иқтисодий ислоҳотлардан тортиб ҳуқуқий, сиёсий ва маъ-навий янгиланишларга бевосита таянган воқелиқдир. Сес-сияда таъкидланганидек, “демократиялаш жараёнининг айни ана шу ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий жараёнлари иқтисодий тараққиётдан орқада қолмоқда.” Бунинг саба-би, Президент айтганидек, “талай муҳим қонунлар те-гшли қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаганлиги-да, қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва кафолатларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган” идадир.

Бинобарин, бу ҳолат ҳокимиятнинг қонун чиқарув-чи, ижро этувчи ва суд тизимлари ҳамда жамоат ташки-лотларининг фаолиятини кенгайтиришни, уларнинг таъ-сирчанлиги ва самарадорлигини оширишни тақозо эта-ди. Ёки аниқроқ қилиб айтганда, улар фаолиятини ин-сон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бутун бир тизимини яратишга, пировард мақсадларни инobatга олган узоқ муддатли стратегик дастурларни ишлаб чиқишга, уни ҳаётга изчиллик билан жорий этиш-га ва шу йўл билан одамлар тафаккурида ўзгариш ясаб, жамият маънавий қиёфасини шакллантиришга сафарбар этиш лозимлигини кўрсатади.

**Учинчидан**, қонун устуворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш лозим. Бунинг

учун, энг аввало, ҳуқуқ-тартибот ишларини, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни халқаро мезон ва андозаларга мослаштириш зарур. Ҳозирги пайтда жаҳонда мазкур масалага доир етмиш хил андоза мавжуд. Буларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамиятида тан олинган тамойиллар ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозир ана шу андозалардан ўн бештасига қўшилганлиги унинг жуда қисқа муддатда демократиянинг турмуш тарзига ва тобора шаклланиб борадиган жонли ҳодисага айлантириш борасида эришган катта ютуғидир.

Ислом Каримов мустақиллик даврида босиб ўтилган йўл, тўпланган тажрибалар ва имкониятларни таҳлил қилар экан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш, уни жаҳоннинг энг илғор тажрибалари билан бойитиш кераклигини уқтиради.

Сессияда инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва бу соҳадаги меъёрий ҳужжатларни амалга ошириш устидан назоратни кучайтиришнинг энг замонавий шаклларини вужудга келтириш зарур, деб таъкидланди. Жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти ҳамда ҳуқуқпарвар жамоа ташкилотларининг мавқеи ва мақомини кўтариш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вакили — Омбудсман институти, Жамоатчилик фикри институти, Амалдаги қонунчилик Мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ташкилотлар ишини ривожлантириш, такомиллаштириш ҳамда бошқа бир қатор институтларни ташкил этиш зарурлигини кўрсатди.

Президентимиз сессиядаги маърузасида масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди: *“Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак”*.

Бу вазифа одамларнинг тафаккурида ўзгариш ясаш, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини чуқурроқ англаб олишига ёрдам бериш, умуман олганда, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий билимлари савиясини оширишни тақозо этадиган жараён. Зотан, ўз ҳақ-ҳуқуқини аниқ билган, ўзини ҳимоя



қилишга қодир шахс жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларини ҳам чуқур ҳис этади. Фуқаронинг ҳуқуқий онги ва сиёсий билими қанчалик юқори бўлса, давлат ва жамият олдидаги мажбуриятини ҳамда фуқаролик масъулиятини шунчалик чуқур англайди. Ана шундай ҳолатнинг ўзи шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлашган, баркамол маънавий қиёфасини белгилайди.

**Тўртинчидан**, аҳолининг сиёсий фаоллиги бевосита унинг жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларига қанчалик дахлдорлиги билан белгиланади. Агар фуқаро сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан фаол бўлса, у ўз-ўзини бошқаришга ва шу орқали жамоа ҳаракатини шакллантиришга, унинг мазмунини чуқурлаштиришга қодир бўлади. Янгиланаётган жамият аҳолини кундалик ташвишлар ва ҳар хил икир-чикирлар гирдобидан олиб чиқади, уни ҳаётга теранроқ ва сергакроқ қарашга ўргатади. Агар ҳар бир фуқаро ҳаётда ўзини ана шундай тутса, ана шундай қобилиятга эга бўлса, демократия ўз-ўзидан жамиятнинг таркибий қисмига айланади, ижтимоий турмушимизда мустақкам қарор топади. Бундай ҳодисани Президент И. Каримов “Бир сўз билан айтганда, мустақиллик, ҳуррият халқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, ҳаёти, иймони, виждони билан ўлчанади”, — деб тўғри баҳолаган.

Аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш, унинг жамият ривожланишида тутган роли ва мавқеини кўтариш кўп жиҳатдан кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва унинг фаолиятини чуқурлаштириш билан белгиланади. Айни пайтда мамлакатимизда “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун амал қилмоқда. Ҳозир шу қонун доирасида мамлакатимизда тўртта партия, битта халқ ҳаракати, касаба уюшмалари, жами икки юздан ортиқ жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда бу ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Ислом Каримов таъбири билан айтсак, “**жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, волюнтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди**”.

**Бешинчидан**, демократиянинг яна бир белгиси жамиятда муҳолифатнинг мавжудлигидир. Маълумки, бизнинг

мухолифат ҳақидаги тушунчаларимиз ҳали-ҳамон жун ва содда. Чунки, биз учун мухолифат янги даврнинг маҳсули сифатида истиқлол арафасидагина тилимизда пайдо бўлди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аввал Россияда демократия ва сўз эркинлигининг авж олиши, аниқроғи, жунбушга келиши, унинг ибтидоий ва “ёввойи” шаклининг шарқ ақидаларига зид ҳолда Марказий Осиёга “бос-тириб” кириши ана шу омиллардан биридир.

Қадимда шарқ давлатчилигида адолат тамойилларининг устун турганлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг тизими мавжудлиги жамиятда барқарорликка асос бўлган. Умуман, Шарқда ахлоқ категориясининг турмуш тарзимизда ҳам, давлат сиёсатида ҳам етакчи рол ўйнагани, унга ҳамма бўйсуниб яшагани учун мухолифатга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Қолаверса, мухолифат тушунчаси жаҳон давлатчилиги тажрибасида ҳам XX аср “ихтироси” сифатида демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашиши шароитида вужудга келган ҳодисадир. Тоталитар тузум манфаатига мос келмайдиган бу жараённинг собиқ иттифоқ ҳудудига кириб келиши қатъий ман қилинган эди. Шунинг учун ҳам биз бу замонавий демократик тушунчалардан узоқда яшаганмиз.

Мухолифат мавжуд сиёсий кучларни тарозига солиб турадиган, жамият тараққиёти мувозанатини сақлаб турадиган, унинг равнақига хизмат қиладиган янгидан-янги ғоя ва фикрларни ишлаб чиқишга даъват этадиган ижобий воқелик. Бироқ биз ана шу воқеликнинг ҳақиқий мазмунини кашф этолганимиз йўқ.

Очигини айтганда, бизда ҳақиқий маънодаги мухолифат бўлмаган. Тўғри, бир пайтлар — 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида демократия “ўйин”лари авж олган пайтда бир гуруҳ кишилар мухолифат қиёфасида майдонга чиқишди. Уларнинг айримлари шон-шўрат ва амал илинжида бўлса, бир қисми совет даврида юқори партиявий мансабларда ишлаб, имтиёзлар мазасига ўрганган ва кейинчалик қуруқ қолиб, янги ниқобда яна ҳокимиятни қўмсаб қолган — аламзада кишилар эди. Уларга эргашганларнинг аксарияти эса ҳаётдан норози бўлган, турмушда ўз ўрнини тополмаган, жамиятга бир нарса беришдан кўра ундан кўпроқ нарса олишга иштиёқманд одамлар эди.

Умуман олганда, бу гуруҳларни мухолифатчилар эмас, балки ҳаётдан норозилар, деб аташ мумкин. Бундайлар

эса, таассуфки, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ва ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд. Бу — табиий ҳодиса. Чунки, мавжуд сиёсат, тартиб-қоидалар, қонунлар қайсидир жиҳати билан чекланган бўлади. Улар аҳоли барча табақасининг талаб-эҳтиёжларини тўла қамраб ололмайди. Қисқа қилиб айтганда, тартиб-интизомнинг чегараси бор, эҳтиёжлар эса ниҳоясиздир. Ана шу ҳолатнинг ўзи қонунларни доимо такомиллаштириб, қўшимчалар билан бойитиб боришни тақозо этади. Демак, ҳеч қачон мукаммал демократик ҳаёт мавжуд бўлмайди. У доим фуқаролар талаби, ҳаёт эҳтиёжи ва янгидан-янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида ўзгариб, ривожланиб, бойиб бораверади.

Шу боис Президент муҳолифат тушунчаси хусусида гапирар экан, **“тушунчанинг асл маъносини аниқ англаб олишимиз лозим. Биз сиёсий муҳолифатни муқобил муҳолифат сифатида тушунамиз. Турмушимизнинг ҳамма соҳасида муқобиллик бўлиши лозим. Шу сабабли муҳолифат ҳақида сўз борар экан, энг аввало, ислоҳотлар ўтказиш, жамиятнинг тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олға бориш бўйича муқобил дастур турларини таклиф этишга қодир амалий муҳолифатни назарда тутамиз”**, деган ғояни илгари сурди.

Дарҳақиқат, жаҳон демократик жараёнлари ҳуқуқий мақоми ва конституциявий кафолатлари мавжуд бўлган, ўз фаолиятини жамият тараққиёти ва фуқаролар осойишталиги асосида қурган, унинг бутун масъулиятини зиммасига олган, давлат равнақини таъминлашга ҳолисона кўмаклашадиган, ҳар томонлама — илмий ва ҳаётий жиҳатдан асосланган дастурларга эга бўлган муҳолифатни тан олади. Тараққий топган мамлакатларда ва демократик тамойиллар ривожланган давлатларда муҳолифатга ана шундай кўз билан қаралади. **“Биз расмий ҳокимият билан ғоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачис тарихида майдонга чиқа оладиган муҳолифатни кўришни истаймиз”**,— деб уқтирар экан, Ислом Каримов масалага ана шу халқаро талаблар нуқтаи назаридан ёндашади, бу борадаги жаҳон тажрибаларига таянади. Муҳолифатчилиқнинг ҳаётий зарурати, масъулияти, бурчи ва мажбурияти ҳақидаги адолатли мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

**Олтинчидан**, сессияда ҳокимият бўлиниши тамойилларига қатъий амал қилиш демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу, айниқса, ўтиш даврида жамият бошқарувини такомиллаштиришга, унинг барқарорлигини таъминлашга, фуқаро ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштиришга замин яратади.

Қонун чиқарувчи орган жамиятни қонунлар тизими билан таъминласа, ижро органлари бевосита ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, жойларда қонунчиликни жорий этиш, ҳуқуқий демократик давлат тизimini мустаҳкамлашни таъминлайди.

Суд ҳокимияти эса инсонпарвар фуқаролик жамияти маънавий қиёфасини белгилайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Бизда эндигина — мустақиллик даврига келиб суд ўз вазифасини бажаришга киришмоқда, ўз мақоми доирасида фаолият кўрсатишни тамойилга айлантирмоқда.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайлик. Суд, прокуратура, ички ишлар ва давлат хавфсизлик хизмати, бизнинг тасаввуримизда қаттол ва бешафқат жазо органи, одамларга тазйиқ қилувчи, зўравонлик маҳкамаси бўлиб кўринар эди. Кўчада бир милиционер ёки прокуратура ходимига кўзи тушса, беихтиёр кишининг эти увушиб, товонигача музлаб кетарди. Чунки қизил империянинг асосий таянчи, қонхўр қиличи ҳисобланган органлар аслида ўз вазифаларини бажармас эди. Улар давлат ва қонунни рўкач қилиб, фуқароларни кўрқитиш, уларга тобелик ва мутелик руҳини сингдириш, иродасини букиш билан шуғуланарди. Аслини олганда бу мақсадгина эмас, балки аниқ давлат сиёсати эди.

Президент сессияда **“Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим”**,— деб алоҳида уқтирди. Суд энди фақат жазоловчилик фаолияти билан банд бўлмасдан, одамларни ҳимоя қилувчи, ҳақ-ҳуқуқини тиклашга ёрдам берувчи, инсонпарвар ва адолатпарвар тизимга айланиш йўлига кирмоқда. Ана шундай тақдирда чинакам демократик жамият вужудга келади ва унинг ҳаётийлиги таъминланади.

Президент Суд ҳокимиятини ислоҳ қилишни ҳуқуқий демократик давлатни барпо қилишнинг асоси сифатида қарайди. Суд фаолиятини демократиялаштиришни эса халқ маслаҳатчилари тизimini такомиллаштириш, суд ишларида кенг жамоатчилик вакилларининг фаол иш-

тирок этишини таъминлаш орқали амалга ошириш зарур. Шу ҳолда демократик жамият пойдевори ҳар томонлама мустаҳкам бўлади.

**Еттинчидан**, биз бутунлай янги тарихий шароитда яшайпмиз. Биз ўз ҳаётимизни қайтадан қурмоқдамиз. Жумладан, суд ҳокимияти фаолиятида ана шундай янгиликлар даврини бошдан кечиряпмиз. Энди унинг таркибини кенгайтириш, йўналишларини кўпайтириш, самарали тизимини шакллантириш даркор. **“Шу мақсадда, — дейди Ислом Каримов, — транспорт ва солиқ судларини тузиш, ҳолис ҳакамлар судлари (третейский суд) имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим.**

**1993 йил сентябрида қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги қонунда назарда тутилганлигига қарамай, судлар таркибида ҳанузга қадар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича судьялар лавозимлари жорий этилмади.**

**Ўзбекистон судьялари уюшмасини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ кўринади. Бу уюшма Халқаро судьялар уюшмасига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши мумкин”.**

Буларнинг барчаси ҳуқуқий демократик давлат илдизларини чуқурлаштиришга, уни қудратли механизмга айлантиришга ёрдам беради. Давлат кучли бўлган жойда тараққиёт тезлашади, жамият маънавий жиҳатдан юксалади, сиёсий жиҳатдан янада инсонпарвар ва демократик қиёфа касб этади.

Қонун барқарор бўлган жойда фуқароларнинг эркинликлари, ўз-ўзини бошқариш имкониятлари кенгайди, ички салоҳиятини яққол намоён қилиш, яратувчилик иқтидорини ривожлантириш шароитига эга бўлади. Фуқаролари ўз тақдирини ўзи белгилаб, ҳар бир кунини бунёд этиш, кашф қилиш, изланиш билан ўтказадиган мамлакатда, албатта, аҳоли эҳтиёжлари қонун билан кафолатланади. Давлат эса бутун чоралар билан ана шу қонунлар ҳаракатини назорат қилиб бориш, уни йўналтириб туриш, йўл-йўлакай “таъмирлаб”, такомиллаштириб бориш сингари муҳим вазифани бажаради.

Мазкур ҳолатларнинг барчаси бевосита фуқароларнинг ҳуқуқий билимларни нечоғлиқ эгаллашига, ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб олишига, мавжуд қонунлар кафолатлаб берган имкониятлардан қанчалик фойдалана олиш даражасига боғлиқ. Иккинчидан, ҳуқуқшунос кадрлар сифатини яхшилаш, уларни замонавий билимлар билан қуроллантириш катта аҳамият касб этади. Президент сессияда шу масалалар ҳақида сўз юритар экан, ҳуқуқшунос кадр-

ларга эҳтиёж катта эканлигини алоҳида уқтирди. Жумладан, бизда ҳар юз минг аҳолига судлар Германиядагига нисбатан олти марта, адвокатлар эса Америка Қўшма Штатларига нисбатан 55 марта кам эканлигини кўрсатиб ўтди.

Бош ислохотчи — давлатнинг истиқбол режалари ва стратегик дастурлари хусусида тўхталиб, юртбошимиз куйидаги хулосани баён этди: **“шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур.**

**Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилиши лозим”.**

Ана шундай шароитда жамиятда демократия чуқурлашади, фуқароларнинг ижтимоий фаолияти кучаяди. Жойларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари иши бевосита барча фуқароларнинг иштироки асосида такомиллашиб бораверади. Натижада одамлар ўзларини жамиятнинг муҳим, йўналтирувчи кучи эканликларини яхшироқ англай бошлайдилар. Уларнинг дунёқараши, мақсад ва интилишлари бевосита жамият истиқболини белгилайди. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Президент **“демократия жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётининг узвий бир қисмига айланган тақдирдагина демократия ҳисобланади. Фарзандларимизни болаликданоқ айни шу руҳда тарбиялаб бориш зарур”**, деган ғояни илгари суради.

Биз демократик тамойилларни чуқурлаштиришнинг уч омили хусусида сўзлаб ўтдик. Ҳокимият бўлинишидаги тармоқларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталдик. Қонун чиқарувчи, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимиятининг фаолиятлари юзасидан фикр юритдик. Уларнинг демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида тутган ўрни ва роли ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён этдик.

Ҳозирги замон демократик жараёнлари ва унинг энг илғор тажрибалари **“тўртинчи ҳокимият”** — матбуот фаолиятидан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу бевосита оммавий ахборот воситалари фаолияти билан

боғлиқ бўлиб, унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, демократик жамиятдаги роли ва вазифаларини белгилаб бериш, журналистик фаолиятни қонун билан кафолатлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур сессияда Президент “тўртинчи ҳокимият” вазифалари хусусида алоҳида тўхталди.

## “ТўРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ” САРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари қатори оммавий ахборот воситаларига ҳам янгича муносабат вужудга келди. Мамлакатда барпо этилаётган, ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлига эга янги жамият оммавий ахборот воситалари олдига ҳам янги вазифалар қўйди.

Янги жамиятнинг моҳияти, юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмуни ҳақида тўлиқроқ тасаввур ва тушунча бериш, эркин турмуш аҳамиятини ҳар бир фуқаро онгига етказиш, мамлакат халқини адолатли ва демократик жамият қуришга маънавий жиҳатдан тайёрлаш зарур эди.

Мустақилликни миллий қадрият сифатида идрок этиш, уни янги мазмун билан бойитиш, жамоатчиликда демократик ҳур фикрлаш кўникмасини пайдо қилиш туб ислохотларни амалга оширишда етакчи аҳамият касб этади.

Маълумки, матбуот ривожланишнинг ҳар бир босқичида жамият барча қатламларининг манфаати учун хизмат қилади. Зотан, ҳақиқий оммавий матбуотнинг вазифаси ана шундан иборат бўлмоғи керак. Афсуски, шўролар тузуми даврида матбуот ҳукмрон ягона коммунистик мафкура ғояларини тарғиб қилган, унинг раҳнаمولари йўл-йўриқлари асосида иш тутган, уларнинг дастёрига айлантирилган.

Оғизда “халқ матбуоти” деб аталган оммавий ахборот воситалари амалда “барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси” деб бонг урилган коммунистик партиянинг лаббайгўй хизматкори эди. У қизил империянинг қудратли суянчи, тоталитар тузум манфаатларини ҳимоя қиладиган ғоявий қурол бўлиб хизмат қиларди. Табиийки, бу ҳолат халқ билан матбуот ўртасида катта жарлик пайдо бўлишига олиб келган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари ана шу тазйиқ-

дан, коммунистик ғоявий исканжадан халос бўла бошлади. Энди газета-журналлар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда бевосита республиканинг мустақиллигига бағишланган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-маърифий, халқаро аҳамиятга эга бўлган мавзуларга кенг ўрин берилганидан бўлинди.

Шу маънода Президент фармони билан собиқ ТАССнинг ажралмас қисми — ЎзТАГнинг тугатилиб, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ташкил этилганини эслаб ўтиш жоиздир.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари эндиликда хорижий мамлакатларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборот ва янгиликларни ўша мамлакатлар ёки йирик ахборот агентликларидан тўғридан-тўғри қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Айниқса, 1996 йилнинг май ойидан бошлаб республикамиз ахборот воситаларининг Америка Қўшма Штатларида жойлашган жаҳондаги йирик компьютер тизими — “Интернет” билан алоқа ўрнатиб, ундан энг сўнгги янгиликларни қабул қилиб олишнинг йўлга қўйилгани Ўзбекистон ахборот воситалари тарихига муҳим воқеа бўлиб кирди.

“Интернет”нинг 50 миллион абоненти бўлиб, дунёдаги энг йирик ахборот марказлари унга аъзо бўлишган. У бутун ер юзидан турли хил янгиликларни қабул қилиб олади ҳамда уларни ўз абонентларига жадал суратда аниқ етказиб беради.

Ўз навбатида, республикамиз ҳақидаги муҳим янгилик ва ахборотлар ҳам мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий ахборот агентликларининг вакиллари ва мухбирлари орқали жаҳон ахборот воситаларига бевосита етказиб берилмоқда. Шу туфайли ахборот алмашинуви, дунё воқеаларидан хабардорлик, информация бозорига кириб бориш имконияти туғилди.

Мустақиллик туфайли газета саҳифалари, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларда мамлакатнинг қадимий тарихи, бой маданияти, шўролар тузуми даврида ўрганиш тақиқланган миллий қаҳрамонларимиз, ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатлари, ақидалари ҳаққоний ёритила бошланди. Ана шунинг ўзиёқ жамиятимизда ҳуррият, ҳурфикрлик, миллий манфаатлар ва миллий равақ сари кенг йўл очилганидан далолат беради.

Матбуотда ислом дини назарияси, мусулмончилик тарихи ва анъаналарини ўрганиш, таҳлил қилишга им-



коният берилди. Буюк уламои киромлар: имом Бухорий, имом Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори валий сингари қатор тарихий шахслар, улуғ донишмандлар, хусусан, соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти, илмий-руҳоний меросининг халқимизга танилишида матбуот катта хизмат кўрсатди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон матбуотининг олдинги “қизил яловбардорлик” иллатларидан қутулиб, соғломлашиб, халқчиллик ва ошкоралик сари юз тута бошлаганидан далолат беради. Бу ҳолни оммавий ахборот воситаларининг демократлашиш сари қадам ташлаётганига яна бир мисол дейиш мумкин.

Умуман олганда, истиқлол эркин фикрлашга, ҳар кимнинг ўз фикрини ошкора баён қилишига, ҳурриятга кенг эшик очди. Ҳурфикрлиликни барқарор этишнинг янгидан-янги имкониятларини вужудга келтирди. Жумладан, вақтли матбуот турлари ва сонлари кўпайди. Демократик эркинлик шароитида бир неча мустақил сиёсий ҳаракатлар, жамоат бирлашмаларининг нашрлари чиқа бошлади. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг “Ўзбекистон овози” — “Голос Узбекистана”, “Ватан тараққиёти” партиясининг “Ватан”, “Адолат” социал-демократик партиясининг “Адолат”, “Миллий тикланиш” партиясининг “Миллий тикланиш”, “Халқ бирлиги” ҳаракатининг “Бирлик” газеталари нашр қилина бошланди. Қатор вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшма ва концернлар, жамоат ташкилотлари ўз соҳаларига доир нашрлар ташкил этишди. Бундай газета ва журналларнинг чоп этилиши маълум тармоқ муаммоларини, соҳа муаммоларини ўз вақтида ўрганишга ва уларни бартараф этишга ёрдам беради.

Мазкур нашрлар ўз муассисларининг ғоя-дастурлари доирасида мустақил иш олиб борадилар. Ислоҳотлар ва янгиланишларга уларнинг ўз муносабатлари, муаммоларга ёндашиш усуллари бор. Бироқ, ягона мақсад — истиқлол тақдири, мамлакат ва халқ истиқболи уларни бирлаштириб туради. Бугунги кунда Ўзбекистонда 444 та газета, 93 та журнал нашр қилинмоқда. 1995 йил декаб-ридан бошлаб янги — мустақил “Ҳуррият” газетаси нашр қилина бошлади.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар бугун оммавий ахборот воситаларидан ўз иш услубларини тубдан ўзгартиришни талаб қилмоқда.

Матбуотнинг холис ва ҳаққоний ахборот берувчи манба, аҳолида янгича онг ва тафаккурни шакллантиришда таъсирчан восита бўлиши, кишиларнинг фикр ва хоҳиш-иродасининг эркин, холис ифодачиси, айтиш мумкин-ки, инсон манфаатларининг изчил ҳамда фаол ҳимоячиси бўлишини ҳаёт тақозо қилмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, Президент Ислом Каримов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини барқарор этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада оширишга доимо эътибор бериб келмоқда. Президент деярли ҳар бир нутқ ва маърузасида матбуотнинг кундалик ҳаётимиз ва ислохотлар давридаги роли ҳақида, уларнинг кенг имкониятлари тўғрисида тўхталиб ўтади. Бунинг боиси шундаки, матбуот ва умуман ахборот воситаларининг мамлакатимиз демократик ривожланишидаги аҳамияти муттасил ортиб бормоқда. Бироқ, демократик жараёнларни чуқурлаштиришда уларнинг роли унчалик сезилмаяпти, матбуот ўзининг “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги имкониятларини ҳанузгача тўла кўрсатаолмаяпти. Президент Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги маърузасида оммавий ахборот воситалари фаолиятига баҳо бериб, шундай деган эди: “Очигини айтганда, бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шакллари эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳифаларида ва телевидениеда чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар йўқ, баҳс-мунозара кўринмайди. Айрим оммавий давлат нашрларининг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмайди. Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланмоқда.”

Шунинг учун ҳам юртбошимиз Олий Мажлиснинг ўша сессиясида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш масаласини ўртага қўйди. “Олий Мажлис, унинг Кўмиталари “Ахборотдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Матбуот эркинлиги тўғрисида”ги қонунларнинг лойиҳалари устида иш олиб боришлари талаб этилади. Қабул қилинаётган қонун меъёрлари, улар асосида чиқариладиган ҳужжатлар сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаши, ахборотлар бозори шаклланиши учун шароит яратиб бериши, журналистларнинг шаъни, қадр-қимматини ишончли тарзда ҳимоя қилиши лозим”. Жамиятда етилган бу ижтимоий заруратни инobatга олиб, Олий Мажлис мазкур сессиясида “Ахборот олиш

кафолатлари ва эркинлиги”, “Журналистнинг касбига оид фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини муҳокама этиб, биринчи ўқишда қабул қилди. Бу қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинди. У кенг жамоатчиликнинг янги таклиф ва мулоҳазалари билан тўлдирилиб, қабул қилинган, ижтимоий ҳаётнинг энг долзарб масалаларини ҳал этишга, мамлакатда демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга ҳисса қўшади.

Бундай қонунларнинг лойиҳаси тайёрланиши, уларнинг умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилиниши Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, инсон ҳуқуқлари эркинлиги, озодлиги, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш каби халқаро ҳуқуқ нормаларига изчил амал қилаётганлигидан далолат беради.

Мазкур қонунларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам борки, бу бевосита турмуш тарзимиз ва аҳоли маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳодисадир.

**Биринчидан**, бу қонунларда аҳоли ҳамда жамиятнинг холисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш каби ҳаётий талаблар ўз аксини топган.

**Иккинчидан**, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида ҳар бир фуқарога ахборот олиш кафолатланиши ва давлат томонидан ҳимоя қилинишининг алоҳида таъкидланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Учинчидан**, бундай қонунлар МДХ давлатларида ҳам қабул қилинмаганлиги, бошқа мамлакатларда, хусусан, демократия нисбатан ривожланган мамлакатларда эса камдан-кам учрайдиган ҳодиса эканлиги билан ҳам диққатга сазовор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, демократик жараёнлар анча чуқурлашган, демократик матбуотга эга бўлган ривожланган мамлакатларга сўз ва фикр эркинлиги аста-секин, ўз табиий оқими билан кириб келган. Жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, йиллар мобайнида шаклланган, яқка мафкурага асосланган тушунчалардан халос бўлиш, хур-фикрликни турмуш тарзига айлантириш мақсадида ана шундай қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон учун катта сиёсий, маданий, қолаверса, ҳуқуқий воқеадир. Айни пайтда у матбуотни жаҳон андозаларига мослаштириш, фуқароларни эркин фикрлашга ўргатиш ва шу асосда жамиятни соғлом фикрлар асосида ривожланти-

риш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатади.

Маънавиятга эътибор, сўз ва фикр эркинлигига маънавий мезон сифатида ёндошиш, ҳурфикрлиликка юксак ахлоқ, комиллик ва маърифат кўзгуси сифатида қараш учун, энг аввало, жамиятда барқарорлик мавжуд бўлиши керак. Фуқароларнинг мақсад ва интилишлари ягона йўлга сафарбар этилиши, улар ўз эртасини, истиқболини аниқ кўра билиши, уни бошқараётган ҳукуматга қатъий ишона олиши лозим.

Шу боис мазкур қонунларнинг қабул қилиниши конкрет шароитдан, мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнлар туфайли келиб чиққан ҳодиса бўлиб, Ўзбекистонда турли фикрлар ва қарашлар ривожланиб бораётганининг белгиси, демократик қадриятларнинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидан аста-секин мустақкам ўрин олаётганининг аломатидир.

Олий Мажлис “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”, “Ноширлик фаолияти тўғрисида” ҳам қонунлар қабул қилди. Булар мамлакатимизда ихтирочилик ва бадиий ижод муаллифлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга, ноширчилик фаолиятини ривожлантиришга, демакки, демократик жараёнларни мустақкамлашга хизмат қилади.

Демократиянинг, конституциявий тараққиётни таъминлашнинг, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қадрқимматини ҳимоя қилишнинг ғоят муҳим масаласи сифатида телевидение ва радиоэшиттириш тизимини миллий ғоялар асосида қайта шакллантириш, унинг республикада иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдаги таъсирини кучайтириш мақсадида Ислом Каримов 1996 йил 7 майда “Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” деб номланган Фармонга имзо чекди. Унда Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси Ўзбекистон телерадиокомпаниясига айлантирилди. Фармонга асосан унинг вазифаси қилиб қуйидагилар белгиланди:

— ахборотларнинг мафкурадан мутлақо холи бўлишини назарда тутган ҳолда аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳолисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш ва қониқтириш;

— мамлакат аҳолисини, шунингдек, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва иж-

тимой-маданий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш.

Айтиш мумкинки, 1996 йилда республикада оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган муҳим амалий чоралар кўрилди. Шу йилнинг май ойида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ташкил қилинди. Бу жамғарма оммавий ахборот воситалари вакиллариининг мустақил, ўз-ўзини бошқарувчи, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилоти ҳисобланади.

Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ҳамда “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги”, “Журналистнинг касбига оид фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида юритади.

Жамғарма ўз фаолиятида қуйидаги вазифаларни бажариши кўзда тутилган:

— оммавий ахборот воситалари амалий фаолиятида демократик жараёнларни янада ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, журналистлар фаолиятини активлаштириш, газеталар, журналлар, радио ва телевидениенинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустақкамлаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида уларга молиявий ёрдам кўрсатиш;

— ижодий фаолиятда демократик тамойилларни жорий этиш;

— демократия ва суз эркинлигининг чинакам институтлари сифатида матбуот органлари роли ва нуфузини кучайтириш;

— журналистларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий ва ижодий ҳуқуқларини, қадр-қимматини, уларнинг давлат ва жамоат органлари олдидаги, оммавий ахборот воситаларининг таъсисчилари ва ноширлари олдидаги манфаатларини ҳимоя қилиш;

— мулкчиликнинг барча шаклларидаги оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш йўли билан Ўзбекистонда эркин демократик ахборот муҳитини вужудга келтириш;

— гоёвий йўналиши турлича бўлган нашрларда, радио ва телевидениеда ишловчи журналистлар ҳамкорлигини таъминлаш;

— оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳар қандай вазиятда ўз фикрларини эркин ифодалаш, ах-

боротларни қонунлар билан ман этилмаган усулларда тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш;

— оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли давлат идораларига таклифлар киритиш;

— қонунда белгиланган тартибда чет эл оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустақкамлаш, республика матбуот вакиллариининг касб маҳоратини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида уларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларини уюштириш.

Вазирлар Маҳкамасининг янги жамғарма тузишни қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилган қарорида оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш, уларнинг демократия ва сўз эркинлигининг ҳақиқий муассасалари сифатидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, матбуот янги тафаккурни шакллантиришнинг таъсирчан воситасига, одамларнинг фикр ва хоҳиш-иродасининг холис ифодачисига айланиши учун уларнинг эркин тайёрланиши ва тарқалишини таъминлаш зарурлиги алоҳида уқтирилади.

Бугунги кунда эркин, демократик ахборот маконини яратиш мақсадида давлатга қарашли бўлмаган, мустақил нашрлар ва ахборот органлари тармоғини кенгайтириш масаласи кун тартибига чиқмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда демократик жараёнлар изчиллик билан ривожланаётганидан далолат беради. Мамлакат иқтисодиёти мустақилликнинг олтинчи йилида барқарор тус олди. Янги жамиятимизнинг жаҳоний андозаларга мос келадиган шаклу шамоили қад ростлади. Энди уни демократик тамойиллар билан мазмунан бойитиш, ғоявий жиҳатдан чуқурлаштириш зарур.

Матбуот чин маънода мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётининг фаол иштирокчиси, янгиликлар жарчиси, эзгу ишлар даъваткори, жамоатчилик фикрининг холис кўзгусига айланишининг ўзига хос шарт-шароитлари ҳам бор, албатта.

Матбуот ва сўз эркинлигини танлаган ҳар бир жамият бошидан кечериши ва амал қилиши муқаррар бўлган талаблар бор. Бу, энг аввало, ҳамма учун бирдай тааллуқли бўлган масъулият ҳисси, жавобгарлик туйғуси.

Ҳақиқий эркинлик — юксак интизом, қатъий талаб, фуқаролик масъулияти, қонун устуворлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1996 йил 19 декабрь куни Республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси вакилларини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон матбуоти олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, мамлакатимиз истиқлоли ва равнақи, миллий онг ва тафаккурни шакллантириш халқимиз гурури ва иймон-этиқодининг қай даражада мустақамлигига боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Президент жамиятда бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган бир пайтда маънавиятни мустақамлаш ҳамда маърифатпарварликни кенг тарғиб этиш лозимлигини ва бунда матбуотнинг роли катта эканини алоҳида қайд этди. Матбуотни демократлаштириш ҳақида сўзлар экан, Президент оммавий ахборот воситаларида ҳолис танқидга эътибор берилиши, барча, айниқса, раҳбар шахслар танқидга бардошли бўлиши лозимлигини таъкидлади. **“Инсон озод ва ҳур туғилади ва шундай яшаши лозим, — деди Ислом Каримов. — Бунинг учун эса у ана шу олий неъматни асрай ва ардоқлай билиши керак. Халқимиз руҳан тўла қайта уйғонган тақдирдагина бу қадриятлар ҳаётимиздан мустақам ўрин олади”.**

Ушбу учрашув чоғида жамғарма фаолиятини янада жонлаштириш, унинг “Хуррият” номли газетасини нашр этиш, Миллий матбуот маркази фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Фикримизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, кейинги йилларда Президент Ислом Каримов томонидан имзоланган қўллаб фармон ва қарорлар, фармойишлар, Олий Мажлис қабул қилган қонунлар оммавий ахборот воситаларининг “тўртинчи ҳоқимият” даражасида фаолият кўрсатишига имкон яратмоқда. Журналистнинг эркин ижод қилиши ва мамлакат равнақи йўлида бел боғлаб хизмат этишига зарур бўлган барча шарт-шароитларнинг вужудга келиши учун замин туғдирмоқда.

## МАЪНАВИЯТ ШИЖОАТДИР

## АДОЛАТ

Оламнинг буюклиги фақат унинг чексизлигида эмас, балки чексиз ранг-баранглигида, дейди ашломалар. Дарҳақиқат, ана шу чексиз ранг-барангликда борлиқнинг бутун жозибаси, сиру синоати, серқирралиги, мураккаблиги ва бетакрорлиги мужассам.

Инсон эса оламари олам бўлиб, унинг қалб тўлғонишлари, идроки, тафаккур кучи ва туйғуларининг бепоёнлиги, ҳиссиёти ва эҳтиросининг жўшқинлиги оладида ташқи олам рангсиз ва бемажолдир. Зеро, Аҳмад Дониш ҳам “Инсон улуғ оламдир. Унга қараганда бу олам кичик оламдир” деганида ана шуни назарда тутган.

Дарвоқе, инсон яралибдики, ҳамиша оламни англашга, дунёнинг турфа мўъжизаларини билишга интилади. Бу ҳол унинг мавжудот сифатида ўзига хослигини идрок этиш ва тафаккурга таяниб яшашини кўрсатади. Инсоннинг барча севинчу шодликлари, қайғую изтироблари, турмуш ташвишларини қамраб олган ички дунёси ташқи олам билан чамбарчас боғлангандир.

Шарқда ҳаётга муносабат, юқорида айтганимиздек, ахлоқийлик, маънавий изланиш ва комиллик фалсафаси асосига қурилган. Бу фалсафага кўра, инсон бахту саодат ва эзгулик сари интилиши, шу тамойиллар замида ҳаёт кечирishi лозим бўлган ягона мавжудотдир. Чунки унда бошқа жонзотлардан фарқ қиладиган, улардан юксакроқ турадиган хислат — борлиқни англаш, тушуниш қобилияти мавжуд. Унинг оламни англашга, идрок этишга эҳтиёжини бутун ҳаётининг мазмуни десак, хато қилмаймиз.

Айтиш мумкинки, Шарқда шаклланган бой маънавият ва маърифат инсоният тарихининг турли даврларида,



турли минтақаларда кескин бурилишларга сабаб бўлган тараққиётга пойдевор яратган. Азалдан бу заминда нодонлик ва хурофот қораланган, маърифат ва тафаккурга кенг йўл очиб берилган. Улуғ мутасаввуф Аҳмад Яссавий бундан тўққиз юз йилча олдин:

Дуо қилинг нодонларни юзин кўрмай,  
Ҳақ таоло рафиқ бўлса, бирдам турмай,  
Бемор бўлса, нодонларни ҳолин сўрмай,  
Нодонлардан юз минг жафо кўрдим мано.  
Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлиб,  
Бағрим қуюб, жондин тўюб, ўлдим мано.  
Тўғри айтсам, эгри йўлга бўйин тўлғар,  
Қонлар ютиб ғам заҳрига тўйдим мано,—

деб бекорга фарёд чекмаган.

Чиндан ҳам, одам маърифат ва билимга қанчалик интиلسа, жамият ҳаётининг маънавий қиёфаси шунчалик кўркем бўлади. Шунинг учун аждодларимиз ҳамма вақт етукликка интилиб яшашган. Комилликни орзу этган киши улуғланган, бунга қаршилик қилган ҳар қандай кимса ва тўсиқлар қораланган. Бежиз эмаски, ҳазрат Алишер Навоий “Маҳбубул-қулуб” асарида *“Нодон — эшак, балки эшакдан ҳам баттар. Эшакка нимани юкласанг кўтаради, қаёққа ҳайдасанг ўша ёққа боради, унда ақл-фаросат даввоси йўқ, бермасанг оч, берсанг тўқ. Нодон — юқоридаги сифатлардан холи, зоти билим либосидан маҳрум. Нодоннинг иши такаббурлик, кеккайиш, хаёлида юз хил беҳуда ташвиш...”* деган эди.

Ҳеч қандай фикр ва ўй талаб этмайдиган меҳнатга маҳқумлик нодонликнинг ибтидоси, инсонийликнинг интиҳосидир. Ҳаёт мўъжизаси, қадрияти, олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, ўтмиш ва истиқбол олдидаги масъулият деган тушунчалар бундай табиатдаги одам учун бегонадир.

Нодонлик ва хурофот ҳукмрон жойда жаҳолат авж олади. Жаҳолат зўр келган жойда эса тараққиёт бўлмайди. Янги ўзбек давлатчилиги пойдеворини барпо этишда айна шу жиҳатларга ғоят катта аҳамият берилаётганининг боиси ҳам шунда.

Маълумки, жамиятдаги барча ўзгаришлар, янгиланишлар тафаккур асосида амалга оширилади. Президент И.Каримов сўзлари билан айтганда, **“демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга татбиқ қилишни ҳамда уларни ҳимоя қилиш зарурлигини авваламбор жамиятнинг ўзи англамоғи даркор”**. Зотан,

жамият янгилашиш моҳиятини англамагунча, ўзгаришлар мазмунини тушунмагунча ва уни ҳимоя қилмагунча кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Жамики кашфиётлар, илм-фан ютуқлари бевосита халқнинг умумий савия даражасига ва ҳар бир шахснинг ақлий лаёқатига боғлиқ. Орифлик, камолат йўлида заҳмат чекишдан қочмаслик, руҳий бедорлик — маънавий уйғоқликдир. Ўз фикрий танбаллигини енгиш, ўзини ўзи илм олиш ва оламни англашга сафарбар этиш — инсоннинг олий сифатидир. Шу маънода Аҳмад Яссавий:

Ориф ошиқ бўлай десанг, алам тортғил,  
Ҳақ васлига етай десанг, тунлар қотғил,  
Бу дунёни ишратини ташлаб отғил,  
Ташлаб отсанг, хонумонлик кетар, дўстлар, —

деганида минг бора ҳақ эди.

Маърифатга эришиш, маърифатли бўлиш қанчалик машаққатли бўлмасин, у моҳият эътиборига кўра инсон ҳаётининг мазмунини ўзида мужассам этади.

Маърифатли жамият маърифатли шахслардан таркиб топади. Бундай жамиятда соғлом ақл-идрок, соғлом фикр ва адолат устуворлик қилади. Бундай жамият шукуҳли ва файзли бўлади. Адолатли жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик ишига рағбати кучли бўлади. Одам боласига номуносиб турли иллатлар туфайли юзага келган руҳий азиятлар барҳам топади.

Халқимиз руҳига жароҳат етказган тоталитар тузумнинг ғайрихлоқий сиёсати асоратини кескин тугатиш мустақилликнинг илк кунлариданоқ ҳаётий заруратга айланди. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов: “Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интилаяпмиз. Адолатга интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак”, деган масалани долзарб вазифа қилиб қўйди. Айни пайтда Ўзбекистон раҳбари мустақилликнинг мазмуни, унинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни ва истиқбол режаларини белгилаб олишда ўзига хос йўналишларни кўрсатиб берди.

Президентнинг фикрича, Шарқ цивилизацияси ютуқларини, ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлигини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз

даркор. Бу эса ўз навбатида қадимий халқимизнинг маданиятини, турмуш тарзини, урф-одатлари ҳамда анъаналарини яхшироқ билиб олишимизга имкон яратади. Шунга кўра бугунги кунда буюк аждодларимиз бўлмиш мутафаккирлар, олимлар, гўзаллик ижодкорларининг олижаноб номлари ва асарларини миллий маънавиятимиз хазинасига қайтариш муқаддас бурчимиз бўлиб қолди.

Маънавиятни мафкуравий ақидалардан халос қилиш, миллий тикланиш, ҳурфикр, миллий мафкурани шакллантириш ва ривожлантириш учун катта имкониятлар очилди. Эндиги асосий вазифамиз, Президент таъкидлаганидек, одамларимизни ана шу билимлар билан бойитиб, уларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига, ўз ҳаётларини ўзлари яхши томонга ўзгартира олишларига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

Миллатимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ютуқларини тиклаш, сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсат юритилмоқда. Бу сиёсат Ўзбекистон халқининг қадимий маданияти тараққиёти учун ўзига хос демократик кафолат бўлиб хизмат қилади.

Президент Ислом Каримовнинг бош мақсади — Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик, адолатли давлатни барпо этиш, инсонпарвар фуқаролик жамиятини вужудга келтириш, деб айтиб ўтган эдик. Давлатимиз етакчиси маънавий-ахлоқий ва маданий юксалишни, халқимизнинг азалий турмуш тарзига айланган маърифат ва адолатни мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг кафолати деб билади. Бу юргимизда фан, маданият, санъат ва адабиётни ривожлантириш билан бирга ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бозор муносабатларини жорий қилиш, таъбат, маиший хизмат, соғлом авлод тарбиясидан тортиб кадрлар сиёсатигача бўлган кўнлаб соҳаларни қамраб олади.

Истиқлол бизга маърифий, маданий, адолатли ва инсонпарвар жамият куриш имконини берди. Улуғ аллома Носириддин Тусий ижтимоий адолатнинг учта асосий талаби мавжудлигини ва у жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омил эканини алоҳида уқтирган эди:

“Адолатнинг биринчи талаби аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлашдир. Иккинчи талабга кўра, эл-улуснинг ҳақ-ҳуқуқи тенг таъминланган ҳолда кишиларни хизматга тайинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш лозим. Адолат-

нинг учинчи талаби эса барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишига имкон яратишдан иборат”.

Бу каби давр ва ҳаёт тажрибасида тасдиқланган фикрлар орадан саккиз аср чамаси ўтиб, Президент Ислом Каримовнинг раҳбарлик фаолиятида ўзига хос тарзда ифода топмоқда. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун юртбошимизнинг маърузаларидан биридаги ушбу нуқтага диққат қилайлик. Бу маърузада у меҳнат тақсимоти, меҳнатга ҳақ тўлаш мезонлари, инсон меҳнатини қадрлашда адолатга амал қилиш хусусида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди:

**“Орол фожиаси Қорақалпоғистон билан Хоразм воҳасига, унинг иқлими, табиатига ҳам таъсири жуда салбий бўлаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу фожианинг энг ёмони, энг оғир таъсири шу заминда яшаётган одамларнинг соғлиги, саломатлигига бўлса, шу қаторда деҳқон тақдирига тушаётган оғирлигини ўлчаб бўлмас. Фақатгина бир мисол: Хоразм деҳқонлари ҳар йили ўн беш миллион тонна тузни даладан ювиб чиқаради! Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари гектарига 25—28 центнердан ҳосил кўтарадиган бўлса, Хоразм вилояти йилига ернинг шўрини уч-тўрт марта ювиб 30—35 центнердан ҳосил олади. Буни ким ҳисоблайди, буни ким қадрлайди?”**

Бошқа бир ўринда эса Президент қатъий таъкидлаган эдики, **“давлат жамиятнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару камбагал қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак”**.

Бундан шу хулоса келиб чиқадики, ҳар турли қинғир йўллар билан ҳаддан ташқари бойлик орттириб ўзини қўярга жой тополмай, “тўқликка шўхлик” қиладиган кимсаларнинг жиловини тортиб қўйиш билан бирга, ҳалол меҳнат кишиларига имконият яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, зарур бўлса, рағбатлантириб бориш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган.

**“Адолатнинг учинчи талаби” сифатида Президент жамият тараққиёти ва унинг сиёсий муҳитини белгилашда раҳбар кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишга катта аҳамият беради ва бу масалага ҳал қилувчи маънавий-сиёсий омил, туб ислохотларнинг таянчи ва бош йўналтирувчи кучи, деб қарайди: “Халқнинг дардига бепарқ қарайдиган, ўз манфаатидан бошқа нарсани**

ўйламайдиган, худбин ва таъмагир раҳбарлар мамлакатимиз равнақиға, халқимиз фаровонлиғиға тўсиқ бўлмоқда. Энди улар билан муроса қилиб бўлмайди. Бизға шундай раҳбарлар керакки, токи улар элим деб, юртим деб куйиб-ёниб, ўз ҳаловатидан кечиб меҳнат қилсинлар! Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдағидек бўлмайди”

Ислом Каримов тасавурида адолат тушунчаси инсоннинг жамики фазилатларини қамраб олиш билан бирга унинг жамият тараққиётида тутган ўрнини ҳам белгилайди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, биз бугун мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш билан халқнинг маънавияти ва руҳияти чамбарчас боғлиқ эканига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Давлатимиз раҳбари топиб айтганидек, биз Шарқ цивилизациясига мансублигимиз билан фахрланамиз. Шарқ цивилизацияси эса доимо халқни бўлғуси ўзгаришларга маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрлаб келган.

**“Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин”.**

Президент томонидан баён этилган бу ҳулоса ҳозирги кунда ҳаётда ўз тасдиғини топди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг сиёсий маданияти, маърифийлиги, қолаверса, ҳаётийлиги ва қудрати унинг умуминсоний қадриятлар ва халқимиз маънавий-руҳий эҳтиёжлари билан уйғунлиғидадир.

Зеро, маънавий замини мустаҳкам, асрлар мобайнида шаклланган илғор анъаналар, тараққиётга хизмат қиладиган урф-одатлар ва қадриятлар асосига қурилган сиёсатгина ҳаётийдир.

## **ИСТИҚБОЛ ЭҒАСИ — СОҒЛОМ АВЛОД**

Ўзбекистонда жамият маданий-маънавий қиёфасини шакллантиришнинг яна бир муҳим жиҳати оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, соғлом авлод тарбияси ва хотин-қизлар ўртасида иш олиб боришнинг самарали, замонавий йўллари тонишдир. Бу борада ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли шаклланиб бормоқда.

Маълумки, маънавий тарбия аввало оиладан бошланади. Оила мустаҳкам, тинч ва фаровон бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Бу эса ўз навбатида

маънавий ва руҳий муҳитнинг соғломлиги, ислоҳотлар муваффақияти учун тегишли замин яратади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгач, фуқаролар дахлсизлигини таъминлаш, оила, оналар ва болалар муаммоларини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этди. Бу масалага Ўзбекистон Конституциясидан ҳам алоҳида ўрин ажратилгани бежиз эмас. Жумладан, Асосий Қонуннинг “Оила” деб аталган 14-бобида қуйидаги қоидаларни ўқиш мумкин:

**“63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга...**

**64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг вассийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.**

**65-модда. Фарзандлар ота-оналари насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.**

**Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.**

**66-модда. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”.**

Бу моддаларни зеҳн билан ўқисангиз, мамлакатнинг Асосий қонунинда оиланинг жамиятда тутган ўрни ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, оила мустақиллиги, унинг маънавий-ахлоқий асоси, фарзанд тарбияси келгуси авлод тақдири билан боғлиқ ҳолда ифодаланганини кўрасиз. Мазкур ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистонда том маънодаги фуқаролик жамиятини шакллантиришга асос бўлди. Айни пайтда инсонни инсонлиги учун улуғлаш, унинг яшаш ҳуқуқини кафолатлаш каби эзгу ниятлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бугун ҳаммага аён.

Улуғ бобомиз Абу Наср Форобий: “Агар инсон эзгуликка интилиб яшаса, унинг умри қувончли ва гўзал кечади, гўзал ҳаёт эса халқ назарида ҳам, худо назарида ҳам юксакдир”, деган эди. Азиз юртимизда янги давлатчиликка пойдевор қўйилаётган илк кунларданоқ республика раҳбарияти ана шу шарқона ҳаёт ҳикматларига алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Шу боисдан бизда

ислохотлар халқ руҳияти, унинг маънавий эҳтиёжлари, кундалик турмуш тарзи талабларидан келиб чиқиб амалга ошириломоқда. Бу эса халқ билан ҳокимият, фуқаро билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қиломоқда. Бошқача айтганда, халқ ўз ҳокимияти, ўз давлатига ишонч ва ҳурмат билан қарамоқда. Чунки у ўз тақдирини, фарзандлари истиқболини давлат истиқболи билан уйғун ҳолда кўрмоқда. Давлат сиёсатимизнинг жуда катта маънавий қудрати ҳам мана шунда.

Кучли ижтимоий муҳофаза Президент Ислом Каримов ислохотчилик фаолиятининг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Аҳолисининг кўпчилигини болалар ва ёшлар ташкил этадиган мамлакатда бу масала муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Қийослаш учун шуни айтиш лозимки, масалан, баъзи мамлакатларда оилада икки-уч киши ишлаб бир кишини боқса, ўзбек хонадонида кўп ҳолларда бир кишининг иш ҳақи билан 6—7 жондан иборат оила тирикчилик қилади. Очироқ айтганда, Ўзбекистонда ишловчидан кўра истеъмолчи кўпроқ.

Ана шундай бир вазиятда ислохотларга маънавий тус бермасдан, одамлар психологиясини ўзгартирмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Ўзбекистон ҳукумати халқни иқтисодий бўҳронлардан эсон-омон олиб чиқиш юзасидан бир қанча ибратли ишларни амалга оширгани бугун ҳар томонлама эътироф этиломоқда.

Мамлакат ва миллат истиқболи учун доимий қайғуриш давлат арбобининг сиёсий нуфузини, унинг янги-дан-янги қирраларини, фаолиятининг кўлами ва миқёсини белгилайди.

Президент Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу борадаги ўз нуқтаи назарини очиқ-равшан баён қилди. У президентлик лавозимини эгаллагач, имзо чеккан биринчи Фармон ҳам “Соғлом авлод учун” деган икки даражали орден таъсис этиш ҳақида эди.

“Бизнинг вазифамиз—ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш. Жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун Ўзбекистонда бангфурушликка, жиноятчиликка қарши олиб борилаётган шафқатсиз курашни авваламбор ўзимизнинг порлоқ келажагимиз учун кураш деб биламан... Соғлом деганда биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганимиз. Чунки ҳар томонлама соғлом авлодга эга бўлган халқни

**ҳеч қачон енгиб бўлмайди**”, деб таъкидлаган эди юрти- миз раҳбари шу муносабат билан.

“Соғлом авлод” ҳаракати билан боғлиқ эзгу мақсад Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаётига дахлдор масалалар- ни қайта кўриб чиқиш, бу борадаги ишларни такомил- лаштириш вазифасини кун тартибига қўйди.

Мустақилликнинг қисқа даврида, собиқ Иттифоқ тар- кибидан ажралиб чиққан мустақил мамлакатлар ўртаси- да биринчи бўлиб ватанимизда соғлом авлод тарбияси бўйича ҳукумат миқёсида бутун бир тadbирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Жумладан, хотин-қизлар қўмиталари- нинг раислари маҳаллий ҳокимият органлари таркибига киритилди. Улар жойларда ҳоким ўринбосарлари этиб тайинланди. Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси эса Бош вазир ўринбосари мақомига эга бўлди. Бу юрти- мизда хотин-қизлар ҳаётини яхшилаш, она-сингилла- римизнинг фаоллигини ошириш, маънавий ва руҳий мадад бериш, қолаверса, уларни қонун билан ҳимоя қилиш имконини беради.

Хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ҳокимият таркибига киритилиши бошқарувнинг шунчаки янги шакли эмас. У мазмун-моҳиятига кўра катта сиёсий, маъ- навий ва иқтисодий аҳамият касб этади. Бунни қуйидаги- ларда ҳам кўриш мумкин:

Биринчидан, жойларда маҳаллий ҳокимият органи раҳбарининг ўринбосари мақомига эга бўлган хотин- қизлар қўмитаси раисининг фаолият доираси кенгайди, таъсир кучи ҳам, масъулият ҳисси ҳам ошди.

Иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳар бир она ва бола, ҳар бир оила маҳалла билан яқинлаши- шига қулай шароит туғилди. Бу фуқаролик жамиятини такомиллаштиришнинг соф миллий кўриниши, яъни Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган, бошқа ҳамдўстлик мамлакатларидан фарқ қиладиган ёндашувларидан бири.

Учинчидан, икки юздан ортиқ туман, шаҳар, вилоят ва республика ҳукумати таркибига кирган хотин-қизлар қўмиталаридаги ходимларни маблағ билан таъминлаш мамлакат иқтисодига бирмунча қийинчилик туғдирса- да, оналар ва болалар соғлигини таъминлаш, хотин-қиз- лар ҳаётини яхшилаш ва мамлакатда ҳар томонлама бар- камол шахсни тарбиялаш учун ҳукумат ҳар қандай хара- жатга тайёр турганлигининг ўзи мазкур масала давлат аҳамиятига эга эканлигини кўрсатади.

Тўртинчидан, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хотин-қизлар масаласини ҳукумат даражасига кўтариш,



уларнинг ҳукумат таркибида фаолият кўрсатиши тажрибасини жаҳон давлатчилиги тарихи ҳозиргача кўрмаган. Хотин-қизларнинг кундалик ташвиши, турмуши ва мақсад-интилишлари давлатнинг кундалик юмушларидан бирига айланиши, уларга давлат гамхўрлиги кўрсатилиши ва тўла ижтимоий муҳофазага олиниши соф инсонпарвар сиёсат белгисидир.

Тўғри, қатор мамлакатларда ҳам хотин-қизлар ҳаракатлари, уларнинг турли-туман ташкилотлари мавжуд. Хотин-қизлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналик ва болалик муҳофазаси каби бир қатор муаммоларни ҳал этиш учун биргаликда ҳаракат қиладилар. Уруш ва тинчлик, экология ва саломатлик муаммолари, жаҳон сиёсатининг турли йўналишлари хусусида ўз муносабатларини билдириб борадилар. Бироқ улар ҳукумат таркибида эмас, жамоат ташкилоти сифатида иш олиб боради. Фақат Ўзбекистондагина хотин-қизлар ҳаракатига ҳукумат миқёсида эътибор берилади. Бу эса юртимизда оила, аёллар муаммоси ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор кўрсатади.

Биз ҳақиқатан ҳам мураккаб даврда яшайпмиз. Энди тайёрга айёрликдан кўра кўпроқ ишлашга, ўзимизни ўзимиз боқишга, ўз турмушимизни ўзимиз изга солишга ўргана бошлаяпмиз. Бундай кўникмага эга бўлмаганимиз боис янги турмуш тарзини йўлга қўйиш жараёни осонликча кечмаяпти. Афсуски, бунга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёр эмаслигимиз бизга панд бермоқда.

Аслини олганда, бозор иқтисодига ўтиш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш ҳар кимнинг ўз қобилиятига яраша яшашини тақозо этади. Унинг қатъий, айна пайтда шафқатсиз қоидаси ана шундай. Ўзбекистон ҳукумати бу қоидани ҳам инсонпарварлик ва фуқаропарварлик йўли билан ислоҳ қилиб бормоқда.

Сиёсатнинг инсонпарварлиги жамиятда қарор топаётган маданий-маърифий муҳит билан белгиланади. Давлат сиёсати халқнинг ўй-ташвишларига қанчалик яқин бўлса, уларнинг хоҳиш-иродасини қанчалик кенг ифода этса, маърифий тараққиётга шунчалик кўп имконият яратилади. Шу маънода Президентнинг: **“Хотин-қизларга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак”**, деган кўрсатмасини яна бир бор эслаб ўтиш ўринлидир.

Давлатимиз раҳбари қуйидаги аниқ мақсадларга эътибор қаратиш лозимлигини қайта-қайта уқтиради: она-

ларнинг обрў-эътиборини жиддий равишда ошириш, уларнинг меҳнатини, жисмоний соғлом, маънавий бой ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдаги хизматини муносиб баҳолашимиз керак. Она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир. Ва биз Ўзбекистондаги оналар ҳамда уларнинг фарзандлари таъминланган, соғлом, бахтиёр бўлишлари учун, улар келажакка умид билан دادил, бе-хавотир боқишлари, эртанги кунга ишонч билан яшашлари учун барча ишни қилмоғимиз зарур.

Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Уни тубдан ислоҳ қилишигина эмас, моддий-техникавий жиҳатдан мустаҳкамлаш, замонавий диагностика ва даволаш аппаратлари билан, юқори малакали тиббий кадрлар билан таъминлаш ҳам зарур. Энг аввало, соғлиқни сақлаш бутун тизимининг энг муҳим бўғини—кўп тармоқли туман касалхоналари ҳамда қишлоқ тиббиёт муассасаларини ривожлантириш, уларни техника билан жиҳозлаш, доридармон ҳамда препаратлар билан таъминлаш даркор.

Олдимизда турган мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамиятни қуриш, ислохотларнинг тақдирини, Президент таъкидлаганидек, қандай интеллектуал кучларга эгаллигимизга, ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқ. Шу боис аҳолининг билим олиш имкониятини кенгайтириш, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Биз тафаккурга, фикр мусобақасига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайган бир даврда яшаймиз. Бинобарин, аҳолининг онги ва тафаккурида кескин бурилиш яшаш, мамлакат интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш озод ва қудратли давлат барпо этишнинг асосий шартидир.

## МАЪРИФАТ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Жадидчилик ҳаракатининг атоқли намояндаси Абдулла Авлонийнинг:

*“...Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбининг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборатдир.*

*Маорифдан, фунундан ва маданиятдан маҳрум бўлган халқ жаҳолат панжаларининг орасида хамир каби эзилгандек, аъфоли замимида ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшата олмас... Зероки, жаҳолат энг қўрқинч, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдир”,* деган оқил фикрлари бор.

Афсуски, шўролар замонида халқимиз ана шундай мусибат гирдобига тушиб қолган эди. Коммунистик як-каҳокимлиқ халқнинг эркин меҳнат қилишга бўлган рағбатини сўндирди, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини бўғди, имкониятларини чегаралаб қўйди. Оддий меҳнаткаш туғул раҳбар ходимларгача ҳеч ким ўз ақли, ўз идроки билан иш юритолмасди. Мустақил фикрлайдиган, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил баҳо берадиган кишилар ўзбошимча, маҳмадона деб қораланар, тазйиққа олинар эди. Бу тузум шундай носоғлом муҳитни вужудга келтирган эдики, натижада лаёқатсиз, фикрсиз, лаганбардор, бошлиққа таъзим, ходимга зуғум кўрсатадиганлар қадр-қиммат топиб яшарди. Негаки, мустамлакачилик сиёсатининг табиати шуни тақозо қилар эди.

Буларнинг барчаси жамиятнинг маънавий таназзулини тезлаштирди. Халқ манфаатини ўйлаган, унинг онига нур, қалбига зиё бағишлашга интиланган, виждон ва ақл билан ишлашга, ҳуррият учун курашга чорлаганлар эса коммунистик партиянинг лаббайғўй югурдаклари томонидан сўроқ-терговга тутилар, маънавий жиҳатдан бадном қилинар, баъзан эса ҳатто жисмоний маҳв ҳам этилар эди.

Натижада бундай беаёв ва шафқатсиз бедодликлардан огоҳ бўлиб турган халқ бутунлай умидсизликка тушди. Жамиятда на партияга, на сиёсатга, на давлат ва унинг йўлбошчиларига ишонч қолди. Ишончидан айрилган киши эса руҳан ўликдир. Маълумки, руҳияти шикаста ва озурда, ҳадик ва қўрқув гирдобига тушган одамда яратишга, бунёд этишга интилиш бўлмайди. Ва ҳатто ҳаётга, яшашга рағбат ҳам шунчаки “кун кўриш”га айланади.

Ҳаётга бефарқ қараш, лоқайдлик аксарият кўнчилиқнинг яшаш тарзига айланди. “Совет кишиси” ўз соясидан чўчиб яшайдиган бўлиб қолди. Чунки юрагининг тубтубига қўрқув билан қозиқ қилиб қоқилган тобелик, мутелик туйғуси уни тирик мурда ҳолига солиб қўйган эди.

## Шоир Эркин Воҳидов ибораси билан айтганда:

Билмам қандоқ, не сабаб, қачон  
Ҳаётингга ошно бўлган ул—  
Боши эгик, бесўз, беисён  
Юрагингда макон тутган қул.

Кимга даъво қилурсан, билмам,  
Қайси маслак, қай тузум масъул?  
Кегмас бўлиб жой олмиш маҳкам  
Юрагингда макон тутган қул.

Исканжадан етим зурриёд,  
Қатағондан бева қолган тул,  
Кўҳна замин қаъридан фарёд,  
Юрагингда макон тутган қул.

Бургут эдинг, парвози баланд,  
Сенга ҳам ёр зулфиқор, дулдул.  
Нечук увол мусича монанд  
Юрагингда макон тутган қул.

Умр қошу киприк ораси,  
Гадоликдан адолик маъкул.  
Куллар ичра энг бечораси  
Юрагингда макон тутган қул.

Кел, уйқулик кўзингни оч сен,  
Ўз ҳолингдан қаҳ-қаҳ уриб кул.  
Шундай кулки, ичингдан қочсин  
Юрагингда макон тутган қул.

Мустамлака тузуми қолдирган оғир асоратларни бар-  
тараф этишнинг асосий шартларидан бири жамиятни  
маърифатли қилишдир. Чунки маърифат—қуллиқ кушан-  
даси. У маънавий қарамлик, қўрқув ва ҳадикни бартараф  
қилади, инсонга беқиёс илоҳий қудрат, мислсиз сало-  
ҳият ато этади.

Шоир ана шундай инсон қалбини ва руҳиятини қул-  
ликнинг барча асоратларию тобеликнинг иллатларидан  
фориг этгувчи беқиёс кучини назарда тутиб, одамни  
ўзини ўзи маънан тозалашга, онг ва тафаккур кучи би-  
лан ўзини ўзи енгишга даъват этади ва “Кел, уйқулик  
кўзингни оч сен, Ўз ҳолингдан қаҳ-қаҳ уриб кул” деган-  
да одамларга ўзлигини ва оламни англаш асосида ўзини

енгишга маърифатли ва юксак маънавийят кишиси бўлишга чақиради. Бу жуда катта руҳий қудрат ва маънавий шижоат талаб этадиган ҳодисадир.

Тарихий тажриба ҳар қандай ислоҳот ва янгиланишлар энг аввало инсон онги ва қалби орқали ўтган тақдирдагина самарали натижа беришини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда озодликнинг илк кунлариданоқ одамлар онги ва дунёқарашида ўзгариш ясаш зарурлигига катта эътибор бериб келинмоқда. **“Иқтисодий ислоҳотларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар, қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бу дунёда бундан ортиқроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ”**.

Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ баён этган бу фикр халқни маърифий уйғоқликка чорлаш йўлидаги оташин даъват бўлиш билан бирга, бу соҳадаги ишларимизнинг асосий йўналишларини ҳам белгилаб берган эди.

Бу хусусда сўз юритишдан аввал юртимизнинг маърифатпарварлик тарихига бир сидра назар ташлаш лозим.

Юқорида зикр этганимиздек, Туркистон маърифатчилиги мактаби бой ўтмиш ва улкан меросга эга. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулқодир Шакурӣ, Ашурали Зоҳирӣ, Ҳожи Мўйин, Сиддиқий-Ажзий, Саидрасул Саидазизий, Исҳоқхон Ибрат, Аҳмад Дониш XIX аср охирларида фаолият бошлаб, халқни миллий зулм ва қолоқликдан халос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар. Бу фидойи зотлар мустабид тузум ва жаҳолатга, маънавий қуллик ва зулм-зўравонликка қарши бор кучлари, истеъдод ва салоҳиятлари билан кураш олиб бордилар. Бу маърифатпарвар боболаримиз дунё кезиб, дунё халқларининг илму урфони, касб-қори ва маданияти билан ҳар томонлама танишиб, мустамлака ўлкани илм чироғи билангина озодлик сари бошламоқ мумкин эканини чуқур ҳис этдилар. Шу сабабли ҳам энг аввало юртимизда мактаб-маориф ишларини ривожлантиришга ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан азму шижоат намунасини кўрсатадилар.

Уларнинг пешволаридан Абдулла Авлоний илгари сурган *“Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажоти-*

дур”, деган ғоя маърифатпарварлик ҳаракатининг дастурини ташкил этар эди.

Бу даврда маърифатпарварлик ватанпарварликка айланган эди.

Жадид мактаблари ташкил этишдан мақсад болаларни хат-саводли қилишгина эмас эди. Аксинча, жадид маърифатпарварлиги замирида улуг бир ғоя—миллатсеварлик ғояси, миллатнинг дардларига дармон бўлишга интилиш туйғуси мужассам эди. Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли кейинчалик бу хусусда шундай деб ёзган эди:

*“Жадид мактаби очишимизга сиёсий ва маданий курашчилар тайёрлаш баҳоси берилмаганига таассуф билдирмай ўтолмайман. Наинки биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда ўтириб насия ёзадирғон ходимлар етказсак!”*

Атоқли маърифат раҳнамолари Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдулқодир Шақурий эса дастлаб Самарқанднинг Жомбой туманига қарашли Ражабамин қишлоғида янги усулдаги мактаб очиб, миллат фарзандларига дунёвий фанлардан дарс берадилар. Янги мактаблар учун дарслик ва ўқув қўлланмаларини ҳам жадидларнинг ўзлари тайёрладилар. Бу ҳақда Бехбудий шундай деб ёзади:

*“Бизни “Мадхали жуғрофиян имроний” ва “Мухтасар жуғрофияи Руси” китобимизда Оврупа, Осиё, Африқо, Америка ва Австралия ҳам Русия мамлакатларини масоҳат, ҳудуд, нуфусларини қадари ва соати ва ҳар бирида неча мамлакат ва ҳукумат борлиғи ва Русия мамлакатини тақсимот ва нуфусларин эски ва янги қитъаларини ҳудуд ва денгизлари ва ер юзидаги ислом, насора, яҳуд ва мажусларни адади муфассал ва ҳифзи баён этдилар”.*

Табиийки, ўлкада миллий фикр уйғонишидан чор ҳукумати асло манфаатдор эмас эди. Негаки, неча ўн йиллар мобайнида қарамлик ва тобеликка маҳкум қилинган халқ замонавий дунё илмларидан баҳраманд бўлса, миллий онги уйғонса, оқу қорани таниса, охир-оқибатда мустамлакачи тўраларнинг зулмига қарши кураш бошлаши муқаррар эди.

Шунинг учун генерал-губернаторликнинг “Туркистон ўқув округи” деб аталувчи идораси маъмурлари жадид мактабларига йўл бермаслик мақсадида бор ҳийланайранларни ишга содилар. Янги усул мактаби очиш учун 9 моддадан иборат шарт талаб қилинарди. Ўз-ўзидан аёнки, бу шартлар янги мактаб очиш ташаббусларини бўғиб ташлашга қаратилган эди.

Чоризм амалдорлари бу билангина кифояланмасдан, жадид мактабларига қарши ўлкада “Русия империяси ва оқ подшоҳга содиқ фуқаролар тарбиялаб етиштириш” ниятида рус-тузем мактабларини кўплаб ташкил қилишга киришдилар.

Аммо сиёсий жиҳатдан етук миллий маърифатчиларимиз бу ҳаракат замиридаги ёвуз мақсадни ўз вақтида англаб етдилар ва унинг моҳиятини фош этдилар. Шу маънода Бехбудийнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш ўринлидир:

**“Русский-туземний мактабларга ўқиғонлар зиёли тугул ҳаёли ҳисобланмайдурлар. Улар фақат русча чаласавод кишилардур... Эски ҳукумат зоҳиран бизни маданий қилмоқ учун русский-туземний исминда (бизнинг учун) мактаблар очиб, ўз фаҳминларинча бизни дунё ва охиратда тек бахт, яъни насора (христиан) қиладурғон миссионерларга топширдилар”.**

Абдулла Авлоний ҳам сафдошлари сингари мазлум Туркистон халқини илм-маърифат зиёсидан баҳраманд қилишда унутилмас хизматлар кўрсатди. Алломанинг “Туркий Гулистон” ёхуд ахлоқ” китобидан жой олган қуйидаги фикрлар маърифат ва илм-фаннинг жамият тараққиётида қанчалик юксак ўрин тутишидан ёрқин далолат беради. Шунинг учун, муҳтарам китобхон, ижозатингиз билан китобдан бир неча кўчирма келтирсак. Бу парчаларда муаллиф маънавий ҳаётнинг ўзак тушунчаларига содда ва маънодор изоҳлар беради. Уйлаймизки, бу тушунчалар бугун—ўзлигимизга қайтиш жараёни кечаётган бир пайтда айрича аҳамият касб этади.

*“Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилиб, дунё ва охиратда масъул бўлишимизга сабаб бўлур.*

*Бизларни илм жаҳолат қоронғулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур. Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни орттирур. Жаноби Ҳақнинг азамат ва қудратини билдирур.*

*Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур. Пайғамбаримиз “Илмга амал қилгучилардан бўлингиз, нақл ва ривоят қилгучилардан бўлмангиз”, дебмушлар”.*

*“Риёзат деб савоб ишларни қилиб, гуноҳ ишлардан сақланмоқни айтилуру. Риёзат адабнинг қони, руҳнинг дармонидур, инсонларни тўғри йўлга солиб эгри йўлдан қайтарувчидур. Шу сабаб риёзат қилгувчилар оқил ва фозил бўлгувсидурлар”.*

*“Шижоат деб ботир ва юракли бўлмакни айтилуру. Шижоатнинг зидди қўрқоқликдир. Қўрқоқ киши ўзининг соясидан ҳуркар, ҳеч бир иш қилишга юраги бўлмас. Кўп кишилар ваҳима ва қўрқоқлик орқасидан молларидан, жонларидан, ватанларидан айрилурулар. Шунинг учун ҳар ишда шижоатни қўлдан бермаслик лозимдур. Шижоат инсониятнинг соф оиласи, иффат, ғайрат, истиқомат каби яхши хулқларнинг нурунийсидур. Шижоатнинг ҳақиқати қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатидан иборатдур...”*

*Чунки ҳалим кишилар ҳар қанча қувват ва қудрат соҳиби бўлса ҳам ўзидан оғиз кишиларга шиддат ила муомала қилмас. Фикри саломат кишиларнинг қалби ҳалим, таъби карим булур. Зероки, вужудимиздан пайдо бўладиғон, афъол ва ҳаракатимизнинг манбаи ҳавас ва орзудир. Бу ҳавас ва орзуга фақат ҳилм ила ғолиб келурмиз. Ва бу васила ила тўғри йўлга кириб яхши хулқ соҳиби, дин ва миллат ходимларидан булурмиз”.*

*“Жаҳолат деб ўқимаган, билимсиз, ҳеч нарсага тушунмайдиган нодонликни айтилуру. Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур. Илм ва маърифат соҳиблари фазлу камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва мушоҳода ила қилурулар. Аммо жоҳиллар эса бир нарсанинг моҳиятини мушоҳода қилуруға ақл ва фаросатлари етмас. Чунки жаҳл худбин ва зоҳирпарастдан иборатдур. Ҳар бир нарсанинг ҳақиқати ақлу ирфон, илму дониш соҳибларига махсус бир мазият, жоҳил ва нодонларга зўр азиятдур. Жаҳолат арбоби қаерда бўлса лойиқу эътибор бўлмоқ шарафидин маҳрумдир. Моддий жиҳатдан қанча бой ва сарватдор бўлса, маънавий жиҳатдан шунча фақир ва залил ҳисобланур. Зероки, жаҳолат энг қўрқинч, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдур. Ақл ила илмнинг яхшилиги ва фазилати қанча баланд бўлса, жаҳолатдан тугиладиғон ёмонликлар балолари шунча остин ва хорликдур”.*

*Ҳақиқатан ҳам, кишида жаҳолат кучли бўлса, унинг хатти-ҳаракатини жаҳолат бошқарса, жамиятда ҳалокат ва фалокат юз бериши табиий. Жаҳолатнинг қўли баланд келган чоғларни кўз ўнгимизга келтирайлик. Падаркуш Абдуллатиф содир этган фожиани қандай баҳолаш мум-*



кин? Вужудида беқиёс истеъдод нишоналари эндигина куртак отаётган Мўмин Мирзонинг қатл этилишини қандай тушуниш мумкин?

Буларнинг барчасига жаҳолат, жоҳиллик сабаб. Ёнверимиздаги ҳудудларда жаҳолат устун келиб минг-минглаб хонадонлар бошига кулфат солган Тожикистон воқеалари, Афғонистондаги хунрезликлар бугун бизга сабоқ бўлиши керак. Бу воқеалар сиёсат жаҳолат қўлида ўйинчоққа айланиб қолиши нақадар аянчли оқибатларга олиб келишини яққол кўрсатади. Демак, маърифатга асосланган, маърифат билан амалга ошириладиган давлат сиёсатигина ҳар қандай бало-офатларнинг олдини олишга қодир.

Донишманд Афлотун: *“Жоҳилнинг яхши нияти фозилнинг хусуматидан зарарлироқдир. Инсон энг юқумли касалликдан сақланган каби жаҳолатдан ҳазар қилмоғи лозим”*, деб уқтиради. Мажозий мазмунда жаҳолат еру осмон ўртасида ловиллаган оловдирки, у хуруж қилган пайтда ҳўлу қуруқ баробар ёнади ва фақат ҳалокат билан якун топади.

Бугун ҳаёт ҳар биримиздан ўз тақдиримиз, ўз оиламиз, ўз Ватанимиз ҳақида жиддий қайғуриш, эртанги кун учун астойдил ҳаракат қилишни тақозо этмоқда. Юрагимиздаги орзу-умидлар, эзгу ниятлар хатти-ҳаракатларимиз билан уйғунлашиб, ибратли фаолиятга айлансагина кўзлаган мақсадимизга эришмоғимиз мумкин. Президент Ислом Каримовнинг маърифат ва маданиятга катта эътибор бераётганининг сабаби ҳам шунда. Ҳозирги кунда халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқиш ва ўқитиш услубини жаҳоннинг илғор тажрибалари асосида янгидан ишлаб чиқиш ва шу асосда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш маърифий соҳадаги энг долзарб вазифаларимиздан биридир. Юксак маърифатли, ҳар қандай қийинчиликни енгишга қодир авлодгина Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратади.

## ЛИЦЕЙДАН АКАДЕМИЯГА

Маълумки, шўролар ҳукумати даврида ҳукмрон тузум ўзининг жаҳонда энг инсоний, энг одил ва энг демократик, энг саводхон жамият барпо этгани билан мақтаниб бутун жаҳонга жар солар эди. “Дунёдаги энг ўқимишли мамлакат”, “олий маълумотли мутахассислар

сонига кўра жаҳондаги биринчи давлат” деган сохта таърифлар расмий ва мақтанчоқ мафкура орқали кенг тарфибу ташвиқ қилинарди.

Сиртдан қараганда, ҳақиқатан ҳам манзара шундай эди. Собиқ СССРда юзлаб университет ва институтлар, олий ва ўрта махсус билим юртлари, минглаб илмий тадқиқот муассасалари фаолият кўрсатарди. Лекин улар сон жиҳатидан кўп бўлгани билан жаҳоний андозалар даражасида эмас эди. Бунинг асосий сабабларидан бири коммунистик жамиятда ҳамма нарса, жумладан илм-фан, мактаб-маориф тизимининг ҳам ўша ёлғон ва ўлик ғояларга қурбон қилинганида эди. Совет Иттифоқини таназзулга олиб келган сабаблардан бири ҳам шунда экани шубҳасиз.

Шунинг учун Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари сингари маънавий ва маърифат соҳасини ҳам тубдан ислоҳ қилиш вазифаси жамиятимиз олдида кўндаланг бўлди. Чунки шўро ҳукумати миллий кадрлар тайёрлаш масаласида рижорона сиёсат олиб борарди. Энг нуфузли, жаҳон мезонларига жавоб берадиган мутахассислар етиштирадиган ўқув муассасалари аксарият Марказда — Россияда жойлашган бўлиб, иттифоқдош республикалар, хусусан Ўрта Осиё минтақасидан бу даргоҳларга санокли вакилларгина қабул қилинарди. Ва натижада миллий республикаларда ноёб ихтисосга эга мутахассислар етишмайди, деган муаммо сунъий равишда вужудга келтирилиб, бу юртларга минг-минглаб “ўз одамлари” жўнатилар эди. Бунинг оқибатларини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Шу боис истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ фан ва техникага муносабат, халқ таълими тизимини жадал ислоҳ қилишга киришилди. Бир қатор ўқув юртларининг мақоми, дастурлари ва таълим услублари бутунлай ўзгартирилди. Энг замонавий, шу пайтгача бизда бўлмаган энг зарур ихтисосликлар бўйича алоҳида университет ва институтлар, жумладан, Мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти, Навоийда тоғ-кончилик институти каби ўнлаб янги ўқув муассасалари ташкил этилди.

Айни пайтда халқ таълими тизимини ҳам тубдан ислоҳ қилиш бошланди. Илғор мамлакатларнинг тажрибалари

асосида ва чет давлатлар билан ҳамкорликда кўйлаб лицей ва гимназиялар очилди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда лицейдан тортиб академиягача бўлган замонавий, янги таълим тизими вужудга келтирилди.

Вилоятларда ҳам янгидан-янги ўқув юрлари очилди. Қатор вилоят институтларига университет мақоми берилди. Бу республика ҳукуматининг изчил маданий-маърифий сиёсатининг яна бир далили бўлди. Хўш, бу янгиланишдан қандай мақсад кўзда тутилган эди? Профессор А. Азизхўжаевнинг изоҳ беришича, биринчидан, вилоятларда университет таълимини ташкил этиш бу жойларда илмий-маърифий ишларни ривожлантиришга, энг олис ва чекка шаҳарларни маданий-маърифий марказга айлантиришга асос бўлди. Илмий ва маърифий ишлар халқ ҳаётига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Бу мамлакат аҳолиси онги ва дунёқарашини кенгайтиришда катта аҳамият касб этади. Бевосита меҳнат жараёни билан боғлиқ одамлар энди илмий янгилликлардан доимо ва ўз вақтида хабардор бўлиб борадилар. Янгидан-янги илмий-техникавий ишланмалар, ихтиролар яратилган жойида тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихий-жўғрофий жиҳатдан хилма-хил шароит ва иқлимга эга бўлган мамлакат. Бунинг устига, турли ҳудуд халқлари умуман умумий тарихга эга бўлгани билан руҳияти, яшаш тарзи, воқеликка муносабати, уни идрок этиш жиҳатидан озми-кўми фарқланади. Бу ҳол бир вилоятнинг ўзида ҳам турли кўринишларда кўзга ташланади. Ана шундай мамлакатда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Айтайлик, қадимий Хоразм машҳур математиклари, астрономлари, тарихчилари ва давлат арбоблари билан, Фарғона водийси эса дунё тан олган шоиру адиблари билан машҳурдир. Узоқ давом этган мустамлакачилик, ҳаддан ташқари марказлаштириш натижасида марказдан узоқда яшайдиган аҳолининг илмий-маданий савияси анча орқада қолди. Бу мамлакат ишлаб чиқаришига, иқтисод ва умуман тараққиётига кучли салбий таъсир кўрсатди.

Ана шу салбий оқибатларни зудлик билан бартараф этиш учун ҳам жойларда универсал таълим тизимини жорий этиш ҳаёт тақозосига айланди.

Учинчидан, вилоят университетларининг ташкил этилиши ҳаёт билан илмнинг, назария билан амалиётнинг яқинлашувига катта ёрдам беради.

Ҳозирги кунда илму фан соҳасида ҳам рақобат муҳити ҳаётий зарурат бўлиб қолган. Бусиз эса тараққиёт бўлмайди. Илм-фандаги рақобат янги-янги фикр ва ғояларга туртки беради, киши дунёқарашини кенгайтиради. Қайси университет ўз ихтиролари, илмий хулоса ва ишланмалари билан ном чиқарса, ўша университетнинг нуфуз ва эътибори оша боради.

Туртинчидан, вилоятларнинг келажак тараққиёти ана шу ҳудудлардаги олий таълим марказлари билан бевосита боғлиқ. Вилоятларда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун янги соҳаларни эгаллаш, янги ихтисосликларни ташкил этиш, зарур кадрларни шу жойларда тайёрлаш имконияти туғилади.

Олдинлари марказда ўқиган кадрларни вилоятга юбориш масаласи анча-мунча муаммо эди. Вилоятларда университетлар ташкил этилиши билан бу муаммонинг ҳам ечими топилади.

Бешинчидан, вилоятлардаги университетлар воситасида дунёнинг энг илғор, машҳур ўқув юртлири билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида дунё тажрибасини ҳаётимизга тезроқ олиб кириш, фан ва техникани янги ўзанга буриш, шу асосда мамлакат тараққиётини жадаллаштириш имконини беради.

Мамлакатимиз шаҳарларида олий универсал таълимни жорий этишда биз ривожланган давлатлар тажрибасига суяниб иш тутдик. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг Кембриж шаҳридаги Гарвард, Стенфорд, Пристон, Буюк Британиянинг Оксфорд, Лид, Франциянинг Страсбург, Лион, Дижон, Гренобль шаҳарлари номи билан аталувчи университетлари бу мамлакатларнинг пойтахтларида эмас, турли вилоятларида жойлашган бўлишига қарамасдан, ўзининг юксак малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий салоҳиятлари билан жаҳонда ном қозонган.

Германияда эса университет таълимининг ўзига хос тажрибаси бор. Назаримизда, ҳаёт синовидан ўтган бу самарали тажриба ҳақида нисбатан қисқача тўхталиш лозим.

Бу ўлкадаги энг қадимий университет Хайдельберг шаҳрида 1386 йили ташкил этилган. XVI асрга келиб, мамлакатда университетлар беқиёс даражада ривожланади. Ўша пайтда ташкил этилган олий таълим масканлари Лейпциг, Росток, Грайсвальд, Фрайбург, Тюбинген ва бошқа шаҳарларда ҳозиргача фаолият кўрсатиб келмоқда.

Уларда ўқиш-ўқитиш ишлари илмий тадқиқот билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилмоқда. Мамлакат тараққиётининг катта-катта муаммолари ана шу даргоҳларда ўз илмий ечимини топмоқда.

Немислар ишлаб чиқаришни механизациялаш, кам меҳнат сарф қилиб, кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун бор имкониятларини ишга соладилар. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, саноатни олий малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Германиянинг турли заминларида техника университетларини янада кўпайтириш дастури ишлаб чиқилган. Шу боисдан мамлакат тараққиёти тобора тезлашмоқда.

Халқи маърифатли, жаҳон илм-фани ва маданиятидан хабардор мамлакатнинг равнақига равнақ қўшилаверади. Шу боис Ўзбекистон раҳбарияти жойларда илм-фанни, биринчи галда, универсал олий таълимни ривожлантириш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Бу мақсадларга катта миқдорда маблағ ажратилмоқда. Хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий ва таълим соҳасида ҳамкорлик тобора чуқурлашиб бормоқда. Шубҳа йўқки, кўрилаётган бу тадбирлар мазкур тизимда кескин бурилиш яшаш, келажақда мамлакатни юксак малакали, билимдон, омилкор кадрлар билан таъминлаш имконини беради.

## **МАЪНАВИЯТНИНГ БОШ ҲОМИЙСИ**

1994 йил 23 апрелда мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим бир воқеа юз берди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан “Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази” ташкил этилди.

Маълумки, собиқ Иттифоқ тугатилиши билан бирга унинг коммунистик мафкураси ҳам барҳам топди. Бу мунофиқ, яккаҳоқим мафкуранинг жабру зулмларини обдон тортган ўзбек халқи ўтмишнинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариб, бу борадаги ўз хоҳиш-иродасини мамлакатимизнинг Асосий қонунда тегишли тарзда ифода этди. Яъни Ўзбекистон Конституциясида очиқ-ойдин қилиб: “Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси бўлишига йўл қўйилмайди”, деб ёзиб қўйилган. Шу тариқа жамиятимизда ҳеч қачон мафкура яккаҳоқимлиги рўй бермаслиги учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдевор яратилган. Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази ҳам айни шу мақсадни кўзда тутиб ташкил этилди.

Миллий маънавиятни равнақ топтиришга, халқ маърифатини юксалтиришга ҳамда жаҳон халқлари тафаккури маҳсулидан халқимизни баҳраманд этишга, мамлакатдаги маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга қўмаклашиш бу ташкилотнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Маънавият маркази социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали халқимизнинг бой маданий-маънавий меросини ўрганиш, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат ва миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга татбиқ қилиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга даъват қилингандир.

Миллатлараро муносабатларни чуқурлаштириш, ҳамжиҳатликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, минтақамизда яшаётган миллатларнинг маданий-маърифий ва маънавий тараққиёт томирлари муштараклигини тарғиб қилиш мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Умумбашарий бойликларни ўзлаштириш мақсадида мамлакат ва жаҳондаги турли мафкура, эътиқод ва ғояларни ўрганиш асосида соғлом дунёқараш ҳамда сиёсий маданиятни шакллантириш, жамоат бирлашмалари, илмий-ижодий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўмаклашиш, маънавий-маърифий масалаларга доир тадбирлар, анжуманлар ва кўргазмалар ташкил этиш ҳам ушбу Марказнинг вазифалари ҳисобланади. Бу мамлакатимизда маданий-маърифий жараёни тезлаштириш, миллий маданият ва урф-одатларни кенг тарғиб қилиш, миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини кучайтиришда муҳим ўрин тутаяди.

Маънавият ва маърифат масалаларини бевосита жамоатчилик йўли билан ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу мазкур соҳа равнақига оммавий халқ ҳаракатини кучайтириш билан бирга мамлакат ҳар бир фуқароси онги ва тафаккурини амалий фаолият асосида кенгайтиришдек энг самарали усулдир.

Ўзбекистон ижодкор ёшларининг “Истеъдод” хайрия жамғармаси, Ўзбекистон ижодкорлар жамғармаси, Республика маданият жамғармаси ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари аҳоли турли табақасининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни ўз вақтида рағбатлантириб туриш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва

ижтимоий ҳимоялаш борасида қатор тадбирларни амалга оширдилар.

Вазирлар Маҳкамаси фан-техника, санъат ва маданиятни янада ривожлантириш мақсадида қатор қарорлар қабул қилмоқда. Айниқса, мамлакат истиқболи ва миллат келажагини таъминлаш, ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида Улуғбек номидаги Ўзбекистон Ёшлар жамғармаси ташкил этилди. Унинг асосий мақсади ёшларнинг интеллектуал имкониятларини янада кенгайтириш, салоҳиятли ёшлар кучини бирлаштириш, уларни асраб-авайлаш, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришга бўлган интилишларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Жамғарма “Истеъдодларни излаймиз”, “Чет элларда илм оламиз”, “Чет тилларини ўрганамиз”, “Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаймиз”, “Телекўрсатувлар илмий тараққиёт кўмакчиси”, “Ёш ишбилармонларни қўллаб-қувватлаймиз” дастурлари асосида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати аҳоли ақлий имкониятларини кенгайтириш ва маънавий етуқлигини таъминлаш асосида мустақилликнинг соф инсонпарварлик мазмунини чуқурлаштириш ҳамда унинг жамиятнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилишига катта умид боғлаган. Шу боис амалга оширилган тадбирларга танқидий назар билан қарайди. Ижодий ва илмий кучларга кўмаклашувчи қатор жамоат ташкилотлари фаолиятига ана шу нуқтаи назардан баҳо берилди. Натижада унинг куч ва имкониятларини бирлаштириш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан фан-техника, санъат ва маданиятга ҳомийлик қилувчи “Олтин мерос”, ёш ижодкорларга, олимларга ва тадқиқотчиларга кўмаклашувчи, умуман ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи “Қамолот” жамғармаси таъсис этилди.

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Юксак техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик асосидаги мустақил фикрлаш орқали олиб борилиши керак. Ана шундан келиб чиқиб, **“Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир”**, деган эди Президент Ислоҳ Каримов.

Бош ислоҳотчи мамлакат истиқболини ўйлар экан, унинг энг аввало юксак маърифат ва маданият мамлақати бўлиши, шу асосда барча ислоҳотларнинг маърифий

негизини яратиш нуқтаи назаридан туриб фикр юритади. Иқтисодга ҳам, ҳуқуқий тамойиллар ва сиёсий ислоҳотларга ҳам, шунингдек жаҳон муаммоларини ҳал этиш, уруш ва тинчлик масалаларига ҳам маърифий кўз билан қарайди, юксак маданий ва умуминсоний қадриятлар талаблари асосида ёндашади.

...Очиғини айтганда дастлаб биз ҳали унчалик ҳам кўникмаган бозор муносабатлари маънавий ҳаётимизни анча-мунча таҳликага солиб қўйган эди. Чунки узоқ йиллар мобайнида маърифат ва маданиятга боқимандалик кайфияти билан яшадик. Мустабид ҳукумат бутун маънавий турмушимизни ўз “оталиғига” олиб, мустақил фикрлаш ва миллий маданиятга муносабатларимизни чеклаб қўйган эди. Бу бир жиҳатдан мафкуравий кушандалик бўлса, иккинчи жиҳатдан, ўзлигини унутиб боришга, манқуртликка даъват этувчи ғайриинсоний сиёсат эди. Охир-оқибатда маънавиятдан жудо бўлган ҳолда яшаш, маънавий қашшоқлик аста-секинлик билан шахсни ҳам, жамиятни ҳам таназзулга олиб келди. Бундай фожа оқибатларини эндигина пайқай бошладик.

Мустақиллик бутун ҳаётимизни остин-устан қилиб, узлуксиз мудроқликдан уйғотиб, қарашларимизни ўзгартириб юборгани каби маънавиятга муносабатларимизни ҳам ислоҳ қилди. Эскича қарашлардан бутунлай қутилмаган, янгиликнинг эса олдида довдираб қолган бир пайтимизда энг тўғри йўлни танлашда — маънавий ва маърифий турмушимиз муаммоларини ҳал этишда яна бош ислоҳотчи—Давлат кўмакка келди ва мамлакат Президенти **“Биз маърифат ва маънавиятга тадбиркорлик ва тижорат соҳалари томонидан қилинаётган ҳомийликни кўллаб-қувватлаймиз, бундай ҳомийларга енгиллик бериш лозимлигини ҳам биламиз. Лекин ҳомийлик маблағлари чинакам бадий асарларга, чинакам ижодий тадбирларга сарфланиши шарт.**

Халқимизнинг келажаги учун сувдай, ҳаводай зарур бўлган бундай соҳаларга биринчи ва энг катта ҳомий — давлатнинг ўзи”, деди. Бу моддий жиҳатдан бир мунча қийинчиликка учраган маънавий ҳаётимизга давлат ғамхўрлигининг ёрқин кўринишидир. Зотан, ҳар йили маънавий ва маърифий равнақ учун давлат жамғармасидан катта миқдорда маблағ ажратилаётгани, мазкур тармоқ ташкилий-ижодий ишларини такомиллаштиришдаги раҳнамолиги бу соҳанинг давлат аҳамиятини касб этаётганидан далолат беради. Биргина мисол сифатида шуни



айтиш мумкинки, собиқ иттифоқ доирасидаги мамлакатларнинг ҳеч бирида Ўзбекистондагичалик кўп миқдорда дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, дастурлар нашр этилмаяпти ва оммавий тарздаги тадбирлар амалга оширилмаяпти. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда миллий маданият ва маънавий раўнақининг кенг миқёсли дастури мавжудлигини, унга бевосита давлатнинг ўзи раҳнамолик қилаётганини кўрсатади.

Маърифат ва маданиятни ривожлантириш асосида руҳий покланиш жамиятни ҳам, шахс ҳаётини ҳам янги сифат ўзгаришига олиб келиши шубҳасиз. Мамлакатимизда бу жараён эндигина, мустақиллик йилларида авж олди. Энди диққинафас хонамиз истиқлолнинг жонбахш, ҳузурбахш, ҳаётбахш шабадаси билан тозаланмоқда. Айни пайтда у онг ва шууримизни бойитмоқда, жонлантирмоқда. Булар, албатта, ҳукуватимиз руҳий тозариш ва маънавий камолотнинг узоқ йилларга мўлжалланган дастурини изчил олиб бораётгани самарасидир.

## РУҲИЙ ТОЗАРИШ ФАСЛИ

Европалик алломалардан бири “Нур — Шарқандир”, деган экан. Буни ҳар хил талқин этиш мумкин. Биров уни куёшнинг Шарқдан чиқишига йўйса, бошқа биров мажозий маънода эзгуликлар, оламнинг янгилиниши, ҳаёт тараққиёти Шарқдан, деб тушунади.

Ҳар қалай, бизнинг тасаввуримизча, ҳар икки ҳолатда ҳам Нур—Шарқандир.

Шарқдан таралган илм-маърифат дунёни мунаввар этгани, инсоният тарихида, одамзот тақдирида буюк ўзгаришларга сабаб бўлгани сир эмас. Шарқнинг ажралмас қисми бўлмиш гўзал диёримиз халқлари ҳаётида, уларнинг онг ва тафаккури шаклланишида дунёвий илмлар қаторида ислом динининг алоҳида ўрни бор. Бу илоҳий таълимот оламни англаш, дунёвий тафаккур, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни идрок этиш борасида беқиёс аҳамиятга эга.

Бугун жаҳон аҳли диққатини тортган бой ва ранг-баранг маданий-маънавий меросимиз икки қудратли тўлқин — дунёвий илмлар ва диний-фалсафий тафаккурнинг ўзаро уйғунлашиб, ягона, баркамол қадрият сифатида шаклланди. Натижада ислом дини тарқалган бепоён ҳудудларда дунёвий маданият, табиатшунослик, фалсафа фанларини ўрганиш кучайди, хунармандчилик ва

санъат равнақ топди, маърифат юксалди, ҳозиргача энг демократик давлатлар эътиборини тортаётган фикрлар хилма-хиллиги, дунёқарашлар ва тафаккур кенглиги сингари ноёб фазилатлар дунёга келди.

Юртимиз заминида ҳам ислом динининг ҳаётбахш таъсири туфайли давлат бошқаруви, сиёсат ва мафкура ана шу ғоялар асосида ривожланиб, ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланди, иқтисодий жиҳатдан тараққий топди. Хурфикрлилик ва демократик жараёнлар чуқурлашди. Жамиятда оддий фуқародан тортиб давлат бошлиғигача баравар риоя этадиган шаръий қонунлар мажмуаси яратилди.

Айни пайтда ислом дини назарияси ва фалсафаси халқимизнинг турмуш тарзи, анъана ва урф-одатларига айлана борди. Куръони карим, муборак ҳадислар нафақат ахлоқий мезон, балки давлат сиёсатининг дастури бўлиб қолди. Мисол учун қадим ҳукмдорлардан бири Амир Тоҳирнинг мамлакатдорлик бобида ўғлига берган қуйидаги ўғитларига қулоқ тутайлик:

*“Бева-бечоралар, ҳақсиз солиқлар борасида ўз арз-додини сенга етказиш йўлини топа олмайдиганлар, ожизу нотавон, забунлар, ўз ҳақини қандай ажратиб олишни билолмай юрганлар ҳолидан хабардор бўл. Бахтсизликка дучор бўлган, етим-есир, бева-бечоралар ҳақида ғамхўрлик қил. Уларга давлат хазинасидан маош тайин қил. Касалларга, улар орасида Куръонни яхши биладиган, унинг кўп пораларини ёд олганларга давлат хазинасидан нафақа пули бер. Оғир хасталикка дучор бўлган мусулмонларга алоҳида бошпана, уйлар бергин. Уларга қараб турадиган кишиларни ва уларнинг касалларини даволайдиган, уларнинг барча инжиқликларини кўтарадиган ва адо қила оладиган табибларни тайинла. Зеро, бу ишлар давлат хазинасини совуриш ва исроф бўлишига олиб келмайди”.*

Кўриниб турибдики, ўша даврларда ҳам давлат сиёсатида инсонпарварлик, аҳолининг мушкул аҳволда яшаётган табақаларини ижтимоий муҳофазалаш тамойиллари мавжуд бўлган.

Амир Темурнинг давлатчилик фаолиятида эса исломий қадриятлар янада улуғвор миқёс касб этгани яхши маълум. Бу ҳақда “Темур тузуклари”да шундай маълумот берилади.

*“Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон*

*ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим. Сиёсат ва инсоф билан сипоҳийларим ва раиятни умид ва қўрқинч орасида сақладим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъом улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим”.*

VIII—XIII асрларда қарор топган илмий ва ижодий муҳит туфайли Мовароуннаҳрнинг уйғониш даври бошланди. Ҳозирги университет таълимига мос келадиган ўша даврдаги мадрасаларда ҳам дунёвий, ҳам диний илмлар ўрганилди. Натижада адабиёт, тарих, риёзиёт, ҳандаса, илми нужум, фалакиёт, тиббиёт, кимё, маъданшунослик каби дунёвий фанлар айниқса тараққий топди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, буюк муҳаддис имом Бухорийнинг Бағдод мадрасаларидан бирида ташкил этган мактабида 20 минг, Абу Мансур Мотуридийнинг Самарқанд ва Бухородаги мактабида 8 мингга яқин, Абул Қосим Самарқандийнинг мактабида эса 8 минг атрофида талаба таҳсил олган. Ана шундай кенг миқёсли ўқиш ва ўқитиш, таълим бериш тизими асосида кейинчалик “Дорулҳикма”, “Дорулим”, “Дорушшифо” сингари академия шаклидаги илмий муассасалар вужудга келган.

Ислом аждодларимиз эътиқодига, иймонига, шу билан бирга бой фалсафий тафаккур мезонларига айланган бир пайтда Қуръон ва Ҳадисларни ўрганиш, шариат қонун-қоидаларини ўрганиш асосида оила ва жамиятни қарор топтириш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Ислом назарияси ва фалсафаси, ҳуқуқ асосларини тадқиқ этиш борасида Марғиноний, Насафий, Пойкандий, Замаҳшарий сингари алломалар оламшумул мактаб яратдилар.

Буюк ватандошимиз Марғиноний ўзининг шоҳ асар—“Ҳидоя” билан мусулмон дунёси ҳақ-ҳуқуқ мактабига тамал тошини қўйди. Бу фундаментал асарда ислом ақидалари, фатво ва ҳукмлар ниҳоятда асосли таҳлил этилган, ҳуқуқшуносликнинг ўзига хос тамойиллари илмий жиҳатдан чуқур исботлангани билан ажралиб туради. Бу китоб, айтиш мумкинки, ҳозиргача жаҳон ҳуқуқшунослиги фанида, хусусан ислом давлатларида нодир қўлланма сифатида беқиёс қадрланади.

“Ҳидоя” асарида Марғинович шариат қонунчилигини куйидагича тадқиқ этади:

— ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

— мулкчиликнинг турли шакллари — давлат, хусусий ва жамоа мулкчилиги шакллари, умуман молиявий фаолиятнинг туб негизларини таҳлил қилиш;

— жиноят ва жазонинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисалар сифатидаги мақомини тадқиқ этиш;

— фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиётининг таҳлили ва ҳоказолар.

“Ҳидоя” — мазмун-моҳияти, кўлами, бой-назарий хулосалари ҳамда амалий жиҳатдан тўқислиги билан муслмон халқлари турмуш тарзининг барча томонларини қамраб олган ноёб асардир.

Шуни фахр билан қайд этиш лозимки, инсоният тарихида муҳим ўрин тутувчи бундай бебаҳо асарлар қадим диёримиздан етишиб чиққан улуғ алломалар томонидан кўплаб яратилган. Масалан, хоразмлик беназир аждодимиз Маҳмуд Замаҳшарий Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини илмий жиҳатдан ишлаб чиқди. Бу унутилмас хизматлари учун ўз даврида “жоруллоҳ” — “Аллоҳнинг қўшнисини” деган ном билан шарафланган Замаҳшарийнинг хотираси араб мамлакатларида ҳозиргача эҳтиром билан эсланади. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Маълумки, Аллоҳнинг муқаддас китоби — Қуръони каримнинг муборак таълимоти асрлар мобайнида муслмон дунёси, жумладан бизнинг руҳиятимиз, маънавиятимиз мазмунига айланган.

Минг бора таассуфки, коммунистлар қилич ўйнатган — эътиқодсизлик замонида асрлар оша инсоният қалбини, шуурини мунаввар этиб келган бу муборак дин таълимоти шафқатсиз поймол этилди. Мамлакатда худосизлик, яъни ахлоқсизлик авжга чиқди. Улар бизни аждодларимиз мерос қолдирган удумлар, инсоний мезонлардан бегоналаштирди.

Ваҳоланки, ислом дини дунёдаги энг илғор, инсонларга меҳр ва шафқат улашувчи, уларни ҳақ йўлига бошловчи, халқларга тинчлик, омонлик, бахту саодат келтирувчи, гўзаллик ва муҳаббатга даъват этувчи илоҳий таълимотдир. Наҳотки, мана шу олижаноб ўғитлар, атеист коммунистлар даъво қилганидек, “реакцион”, “халқ учун афюн” бўлса?!

“Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз покиза нарсалардан энглар. Сизларга фақатгина ўлакса, қонни, тўнғиз гўштини ва Аллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларгина ҳаром қилинди”.

“Молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қуларни озод қилиш йўлида берадиган... аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар яхши кишилардир”.

“Одамларни алдаб, фитнага солиш ўлдиришдан ёмонроқдир...” “Сиздан ароқ ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттадир”. (“Бақара” сураси).

Ёки Ҳадиси шарифларда зикр этилган ушбу эзгу ҳикматлар наинки инсонни ёмонликка бошласа, тўғри йўлдан адаштиради?!

“Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир”.

“Бешикдан то қабрга киргунларингизча илм излангиз”.

“Энглар, ичинглар, садақа қилинглар, аммо исрофгарчиликка ўтманглар”.

“Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас. Ортиқлик фақат дину диёнатда ва солиҳ ишларда бўлиши мумкин. Беҳаё сўзловчи, бахил, қўрқоқ одам учун бошқа сифатлар иккинчи даражалидир”.

Ислом дини нафақат инсон одоби ва унинг турмуш тарзи, балки давлат ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар, юрт пешвосининг маънавий қиёфаси, сиёсатдаги адолат мезони, сўз ва фикр эркинлиги каби мураккаб ижтимоий масалалар хусусида ҳам бениҳоя ҳаётий тажриба ва сабоқлар беради. Шу боис ҳам бу ўлмас қадриятлар бугунги янги давлатчилигимиз қурилишида муҳим аҳамият қасб этмоқда.

Агар биз босиб ўтилган истиқлол йўлимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, озодликнинг илк онларидан бошлабоқ динга муносабат, давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Конституцияга кўра, Ўзбекистон дунёвий давлат, бинобарин, мамлакатимизда дин давлатдан ажратилган. Аммо республикамиз раҳбарияти бу масалага оқилона ёндашиб, дин давлатдан ажратилган бўлса-да, жамиятдан ажратилмаганини, хусусан, Ўзбекистон сингари қадимий ва барқарор диний анъаналарга эга мамлакатда бу борада ғоят назокат ва эҳтиёткор-

лик билан иш юритиш лозимлигини ўз вақтида тўғри англаб етди.

Президент Каримовнинг давлат арбоби сифатидаги яна бир хусусияти шундаки, у воқеалар моҳиятини жуда чуқур билади, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини олдиндан пайқаб, энг муҳими, одамлар руҳиятини, уларнинг қувонч ва ташвишлари, мақсад ва интилишларини ўз вақтида англай олади ва ҳолис баҳо беради.

Шунинг учун ҳам бугун кўп миллиатли мамлакатимизда ҳеч қайси дин вакилларининг диний нафсониятларини камситмаган ҳолда, айти вақтда диний ҳиссиётларни авж ҳам олдирмасдан, оғир-вазмин, узоқни кўзланган сиёсат амалга оширилмоқда.

Бу сиёсат моҳияти илк марта Президентнинг қуйидаги фикрларида аниқ-равшан белгилаб берилган эди:

“Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Бу дунёнинг ўтқинчи эканини таъкидлаб, одам боласини ҳушёр бўлишга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.

Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз, диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади. Айти замонда биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтирмоқчимиз: дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият таллашиб юришлар худога ҳам ёқмайди. Ислом дини инсонларни камтарликка, камсуқумликка ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир деб таллашиб юришлар бизга тўғри келмайди.

Ҳамма аҳил, ҳамма покиза бўлиб яшасин, кимнинг фазилати қанча, кимнинг гуноҳи қанча эканини Яратганининг ўзи ажрим қилиб беради”.

Қачонки киши ўзлигини англамаса, ўз виждони билан юзма-юз турмаса, иймон ва эътиқод олдида ҳисоб бермаса, қўшниси, маҳалласи, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини ҳис этмаса, бундай одам инсонлик шарафига муносиб бўлмайди.

Президент Каримов сиёсий вазият ниҳоятда қалтис ва нозик бир пайтда юқорида эслатилгандек оташин нутқ

ва маърузалари билан одамларнинг нозик туйғуларига таъсир этди, уларни узоқ йиллик қарахтлик ва ғафлатдан уйғотди, фикрлашга, ўз тақдири ва фарзандлари истиқболи ҳақида қайғуришга даъват этди. Бу билан у, биринчидан, мамлакат аҳолисини руҳий-маънавий пок-ланишига имкон яратди. Иккинчидан, мамлакатдаги тинч-лик, осойишталик ва барқарорликка ўзига хос замин яратди.

Кремнинг асабий жазаваларига қарамай, юртимиз, ҳам советлар исқанжасида турган оғир кунларда Прези-дентимиз халқ хоҳиш-иродасига қулоқ тутиб, унутил-мас бир тарихий ҳужжатга имзо чекди. Бу фармон юрт-дошларимиз руҳиятида улкан ижобий ўзгариш ясади. Бу фармон мазлум халқнинг кўксига ҳадемай шамол тега-жагидан бир нишона бўлди.

Фармонда, жумладан, шундай дейилган эди:

### **“Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида**

1. ...Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг Ўрта Осиё регионида истиқомат қилув-чи 500 кишидан иборат бир гуруҳ мусулмонларни 1990 йил 19 июнидан бошлаб 10 июлигача ҳаж қилувчилар сифатида Саудия Арабистонига юбориш тўғрисидаги илтимосига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси ҳаж қилувчиларни келишилган маршрут бўйича Жидда шаҳ-рига (Саудия Арабистони) олиб бориб қўйиш ва олиб келишни ташкил этсин. Ана шу мақсадлар учун ИЛ-86 ва Ил-62 самолётлари ажратилиб, уларни доимий истиқо-мат жойларига етказиб қўйишни ҳам таъминласин.

3. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги рухсат-номалар ва қайд этиш бўлими, Ўзбекистон Ташқи иш-лар министрлиги Ўзбекистон республика божхонаси СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР бўйича диний ишлар кенгаши билан биргаликда тегиш-ли йўл ҳужжатларининг жадал расмийлаштирилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳаж қилувчиларга зарур дори-дармонлар ажратиш, ҳаж жой-ларида бўлиш даврида уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси билан

биргаликда ёдгорлик буюмлари, эсдалик совғалари харид этишда ҳаж қилувчиларга кўмаклашсин.

6. Тошкент шаҳар ижроия комитети мусулмонлар диний бошқармасининг талабномасига кўра ҳаж қилувчилар жўнаб кетиши олдидан ва Саудия Арабистонидан қайтганидан кейин уларнинг Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналарда жойлаштирилишини таъминласин.

*Ўзбекистон Совет Социалистик  
Республикасининг Президенти*

*И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри  
1990 йил 2 июнь.

Албатта, биз сўз юритаётган давр—1989—1991 йиллардаги ижтимоий-сиёсий муҳит нуқтаи назаридан қараганда, республикамиз раҳбарининг бундай қатъий хатти-ҳаракатлари Марказдаги “катта оғаларимиз”га асло маъқул тушмас эди. Шунинг учун улар Тожикистон, Озарбайжон, Грузия, Арманистон ва бошқа бир қатор иттифокдош республикаларда турли йўллар билан уюштирилган қонли фожиаларни Ўзбекистонда ҳам ташкил этиш учун маккорона ва қабиҳ режалар туздилар, бор имкониятлари билан бу манфур ниятларни амалга оширишга уриндилар. Бунинг учун улар ўзлари вужудга келтирган оғир ижтимоий вазиятдан, миллий ҳис-туйғулардан, ўз орамиздан чиққан айрим мунофиқ кимсалардан фойдаланмоқчи бўлдилар.

Президент Каримов ана шундай мураккаб ва оғир шароитда ўз халқининг дардига қулоқ солиш, унинг муаммоларини зудлик билан ҳал қилиш орқалигина мамлакатни танглик ва бўҳрондан олиб чиқиш мумкинлигини англаб етди ва бу мушкул вазифани адо этишга зўр азму қарор, қатъият ва шижоат билан киришди.

Халқимизнинг азалий ва гўзал миллий байрами — Наврўзга маломат тошлари отилиб, тажовуз ва васвасалар авжга чиққан бир пайтда, у бу эзгулик байрамини умумхалқ шодиёнасига айлантиришга, унинг мамлакат миқёсида кенг нишонланишига бош-қош бўлди. Шундан сўнг халқ руҳияти ва қиёфасидаги кескин ижобий ўзгаришларни ҳисобга олиб Наврўз байрамини қайта тиклаш ва 21 мартни дам олиш куни, деб эълон қилиш тўғрисида 1990 йил 2 майда Президент фармони қабул қилинди. Мусулмонлар ҳаётидаги қутлуғ саналар — Қурбон ва Рама-



зон ҳайитлари кунларини бундан буён доимий суратда байрам қилиш ва уларни дам олиш кунлари деб эълон қилиниши ҳам айнан халқимиз кўнглидаги иш бўлди.

Эл-улус ўзининг янги етакчиси амалга ошираётган халқпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлай бошлади.

Бу борада ислом оламининг забардаст алломалари — ватандошларимиз имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги кенг кўламда нишонланиши юртимизда иймон, дину диёнат қайтадан юксалаётганига ёрқин далил бўлди. Бу азиз ва мукаррам зотларнинг бебаҳо асарлари қайта чоп этилди, номлари абадийлаштирилди.

Жамият аъзоларининг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги масжид ва мадрасалар қуриш, эскиларини тиклаш-таъмирлаш бўйича улкан тадбирлар амалга оширилди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда 4 минг 504 та масжид фаолият кўрсатмоқда.

Диний асарларни нашр этиш кескин суратда ошди. 1990 йилгача Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси “Совет Шарқи мусулмонлари” журналинини 5 тилда нашр қилар эди. Унинг ҳам мазмун-мундарижаси ўша давр талабларига мос равишда эди. Мустақиллик шарофати билан “Ислом нури” ҳафтаномаси дунёга келди, кўлаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этила бошланди. Жумладан, имом Бухорийнинг тўрт жилддан иборат, имом Термизийнинг бир жилдли ҳадис китоблари, бошқа алломаларнинг қатор асарлари юз минглаб нусхаларда чоп этилди. Куръони карим саккиз марта, жами бир миллион нусхада нашр этилди. Бу муқаддас китоб юртимизда Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва уч марта, жами 300 минг нусхада босмадан чиқарилди. Бундан ташқари, ҳадис ва шаръий илмларга доир кўпгина асарлар она тилимизга ўгирилди ва минг-минглаб нусхаларда чоп этилди.

Айни пайтда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида камида биттадан диний мадраса, Тошкент шаҳрида эса имом Бухорий номидаги Ислом маъҳади, Эшон Бобохон номидаги аёллар мадрасаси, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкент шаҳрида ислом таълимоти ва фалсафасини, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил этилди. Мазкур марказнинг асосий вазифаси диёримиз мусулмонларига миллий кадриятларимизни, ҳақиқий ислом таълимотини етказиш, мавжуд исломий осори-атиқалар тарихини ўрганиш, нодир қўлёзма асарларни тадқиқ этиш, улар билан кенг жамоатчиликни таништириш, дарслик ва қўлланмалар, луғатлар тайёрлаш ва нашр қилишдан иборатдир. Мамлакат телевидениеси орқали берилаётган “Маърифатнома”, “Одобнома” кўрсатувлари халқнинг маънавиятини юксалтиришда, диний маърифатини ўстиришда катта аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари мислсиз эркинлик ва имкониятларга эга бўлмоқдалар. Улар бевосита ҳукумат ёрдамида ҳар йили муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эришдилар. Ҳозиргача 17 мингдан зиёд ҳамюртларимиз ана шу муқаддас қадамжойларни тавоф қилиб қайтиш шарафига ноил бўлдилар. Биргина 1996 йилнинг ўзида 3 минг 700 га яқин мусулмонлар Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварага сафар қилдилар.

Президент Ислом Каримов 1992 йили Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз ас-Сауд таклифига биноан ушбу мамлакатда бўлди. Подшоҳ олий мартабали меҳмонни катта обрў ва иззат-икром билан кутиб олди ҳамда кисво — муборак Каъба узра ёпилган ёпинчиқни ҳадя этди. Албатта, бу қутлуғ ҳадя диёримиз мусулмонларининг ислом тараққиётига қўшган оламшумул ҳиссалари, айна вақтда Президентимизнинг юртимизда исломий арконларни тиклаш борасида амалга ошираётган улкан хизматлари учун ўзига хос бир эҳтиром рамзи эди. Бундай табаррук совға жуда камдан-кам одамларгагина насиб этади. Ўз навбатида давлатимиз раҳбари бу муқаддас каъбапўшни мамлакатимиздагина эмас, балки бутун мусулмон дунёсида машҳур қадамжо — зиёратгоҳ ҳисобланувчи Муҳаммад Исмоил Бухорийнинг Самарқанд вилоятидаги масжид-мақбарасига тортиқ қилди. Бунинг теран тарихий-рамзий маъноси бор.

Президент Ислом Каримовнинг маънавий ва руҳий тозариш, юксак инсоний баркамоллик соҳасида амалга ошираётган ишларининг миқёси фақат шулар билан чекланмайди. У мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ

мамлакат аҳолиси маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ислом дини равнақиға қанчалик кенг йўл очиб берган бўлса, советлар тузуми даврида юртимизнинг хорижий ислом мамлакатлари билан бутунлай узилиб қолган алоқаларини янгитдан ташкил этди. Бу алоқалар ўзаро иқтисодий ва маданий муносабатларни чуқурлаштириш асосида минтақавий барқарорликни таъминлаш, дини ва дили бир-бирига яқин бўлган халқлар ўртасида манфаатли ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Ислом Каримовнинг Туркия, Эрон, Малайзия, Индонезия, Покистон, Миср сингари мамлакатларда бўлиши Ўзбекистон мусулмонлари ҳаётида ўчмас из қолдирди. Албатта, булар бугунги кун ўлчови билан қараганда, табиий бир жараёнга ўхшайди. Бироқ, ҳар бир ҳодисани ўз вақтида баҳолаш, у рўй берган ё амалга оширилган вазият ва шароитни чуқур таҳлил этсак, мазкур сафарларнинг нақадар катта тарихий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий воқеа бўлганини англаш мумкин.

Президент Каримовнинг диний масалаларга муносабатининг инсонпарварлик мазмуни шундаки, у динни юксак маданият ва маънавият қуроли, беқиёс ахлоқ мактаби сифатида баҳолайди:

“Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Уни оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват, ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган.

Дин халқ маънавиятининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз керак”.

Кўпмиллатли мамлакатда динга муносабатнинг ўзига хос томонлари бор. Аҳолининг турли табақаларини умумий мақсадларни амалга оширишга сафарбар этиш, диний маҳдудлик ва ақидапарастликни авж олдирмаслик, жамият аъзолари ўртасида ягона замин, ягона макон тақдирига жавобгарлик ҳиссини кучайтириш каби вазифалар сиёсий арбобдан ғоят масъулият ва мулоҳаза билан иш юритишни талаб қилади. Жумладан, миллатлараро муносабатларни барқарор сақлаш ва ривожлантиришда дин омили муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда Ўзбе-

кистонда ислом дини билан бир қаторда православлар, баптистлар, яҳудийлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар, баҳоичилар, кришнаитлар, буддистлар, пятидесятниклар, Иегова худоси шоҳидлари, янги ҳаввориийлар, христиан — пресвиторианлар сингари бир қанча дин ва мазҳаблар мавжуд. Улардан ҳар бирининг ўзига хос мафкураси, тартиб-қоидалари, муайян диний қавмининг ҳаёт тарзи ва дунёқараши, талаб ва эҳтиёжлари мавжуд. Ана шундай хилма-хилликдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида:

*“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга”*, деган қоида киритилган (31-модда). Бу Ўзбекистон давлати ва унинг бошлиғи олиб бораётган сиёсий йўлнинг қонуний асосидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент ва Урта Осиё архиепископи Владимирнинг Свято-Успенский кафедрал собори қошида диний-маъмурий марказ ташкил этиш ва 1996 йил ноябрь ойида Епархиyaning 125 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги мурожаатини қўлаб-қувватлади ва бу ҳақда алоҳида қарор қабул қилди. Қарорда Тошкент шаҳридаги Свято-Успенский собори ҳудудини кенгайтириш учун икки гектар ер ажратиш, бюджет маблағи ҳисобига уни ободонлаштириш кўзда тутилган.

Ўнлаб миллат ва элат истиқомат қилаётган, аҳолисининг руҳий ва маънавий эҳтиёжлари ранг-баранг бўлган Ўзбекистондай мамлакатда тили, миллати, ирқи, дини, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, инсонни улуғлаш давлат сиёсатининг бош йўналишидир.

Президент Ислом Каримов: **“...биз демократик янги-ланиш палласига кирар эканмиз, руҳий покланишни ҳам унутмайлик, тараққиётимизга гов бўладиган маънавий риёкорликдан тезроқ қутулайлик”**, деган гоёни илгари сурар экан, мамлакатда юксак маърифий-маданий жамият қуриш, ҳар томонлама баркамол Ватанни шакллантиришни асосий вазифа қилиб қўймоқда. Бу эса Президент маданий-маърифий сиёсатининг олижаноб моҳиятидан далолат беради.

## МАНГУЛИК

### АМИР ТЕМУР РУҲИ ДУНЁ КЕЗМОҚДА

**Б**угун соҳибқирон Амир Темуру руҳи дунё кезмоқда. Аммо унинг азамат руҳи машъум шўро замонидагидек безовта чирқираб эмас, аксинча, ўз хотираси ва шаън-шавкатига она ватанида намоён бўлаётган чексиз иззат-икром, фарзандлик эҳтироми туфайли бутун жаҳонда унга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибордан мамнуну масрур бўлиб, олам узра шодон парвоз қилмоқда.

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, улар кишилик жамияти тараққиётида, онгу тафаккурида кескин бурилишларни бошлаб беради. Ана шундай ҳодисалар йиллар мобайнида бир қолипга тушиб қолган, турмуш тарзига айланган, кўникма ҳолатларни буткул ўзгартириб юборади.

Биз бундай ҳодисалар ҳақида бежиз гапирмаямиз. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, унинг ҳуқуқий, иқтисодий-сиёсий ва маънавий асослари беихтиёр шу ҳақда фикр юритишга ундайди.

Ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар абадиётга дахлдордир. Айни ишларда, табиийки, миллий-маънавий қиёфамиз, ўзига хослигимиз мужассам этмоқда.

Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришларга жаҳон жамоатчилиги — ишбилармонлар, сармоядорлар қаторида олим, уламо ва фузалолар, сиёсат ва давлат арбоблари ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқда, ҳар томонлама кузатиб, ўрганмоқда. Шунинг учун айтиш керакки, ҳар қандай ислоҳотнинг нечоғлик самарали бўлиши ёки бўлмаслиги, унинг тарихий аҳамияти бевосита давлат раҳбарининг дунёқараши, оғир пайтларда энг мақбул ва энг

тўғри йўналишни тез англаб олиш қобилиятига боғлиқдир. Чунки, жамият ва инсоният тараққиётида шахснинг роли—раҳбарнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий баркамоллиги, мақсад ва ғоялари муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон жамоатчилиги мамлакатимиз бош ислоҳотчисининг айни фазилатларини кузатиб, баҳолаб, биз билан турли соҳаларда ҳамкорликка киришади.

Ўзбекистоннинг янги тарихий шароитларда ўз тараққиёт йўли, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришига ўз муносабати, дунёвий муаммолар ва умуминсоний масалаларни ҳал этишда ўз мустақил фикри, ҳар томонлама пухта асосланган хулосалари мавжуд. Унинг раҳбари эса тарихан жуда қисқа фурсатда беқиёс ислоҳотчилик қобилиятини, илму шижоатини намоён эта олди ва айни пайтда дунё аҳлига ҳозирги замон муаммоларига чуқур ва изчил, оқилона ёндашадиган сиёсат ва давлат арбоби сифатида танилди.

Хукуматнинг маърифат ва маданиятга ҳомийлиги, энг аввало иқтисодий ислоҳотларнинг маънавий асосларини яратиш каби тамойиллари ҳозирги замон жаҳон тараққиётининг энг илғор тажрибаларига ғоят мос келади. Маънавий етук, ақлан баркамол одамгина ҳар қандай ислоҳотларни амалга оширишга қодирдир. Халқи ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаган, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўз вақтида баҳолай оладиган мамлакатда ҳар томонлама барқарорлик ҳукм суради.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйи нафақат бизнинг тарихий, маданий ва маърифий байрамимиз, балки дунё маърифий оламида катта воқеадир. Бу қутлуғ сананинг халқаро миқёсда кенг нишонланиши шундан далолат беради. Ахир тарихий меросга ҳурмат одамзотга қудрат ато этиши ва олижаноб туйғуларга бошлаши, ақл-заковатнинг тўқислиги ўтмиш меросни нечоғли ўзлаштирганига боғлиқлиги исбот нораво ҳақиқатдир.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов: “Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнаганини, Европада уйғоғниш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз.”

“Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб йш қилиш курол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир”, деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди<sup>1</sup>, деганида айни шу нуқтаи назарни ифода этган эди.

Бу фикр жаҳон маданиятининг сарвари саналган Париж шаҳрида, Ўзбекистон маданияти кўргазмаси очилиши маросимида, соҳибқирон Амир Темур юбилейининг ЮНЕСКО қароргоҳида нишонланаётган дақиқаларда айтилганлиги ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан жуда катта аҳамият касб этди. Буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, Амир Темур XIV асрдаёқ мамлакатлараро ва минтақалараро муносабатларни чуқурлаштириш асосида инсоният тараққиётини жадаллаштириш зарурат эканлигини кўрсатиб берди. Жумладан, у Европа ва Осиё давлатларини ягона иқтисодий маконга бирлаштиришга ҳаракат қилган. Темур барпо этган буюк салтанат ўша даврлардаёқ том маънодаги интеграцияни ишлаб чиққан ҳамда Буюк ишак йўли ўтган мамлакатлар ўртасида маданиятлар мулоқотини бошлаб берган эди.

Иккинчидан, Амир Темурнинг давлат тизими ва бошқарувни ташкил этишдаги ўзига хос мактаби адолатли, инсонпарвар жамиятни қарор топтириш кераклигини уқтиради. Бунда қонун устуворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш тамойиллари муҳим ўрин тутди.

Учинчидан, Амир Темурнинг давлатчилик тамойиллари бевосита ўз тафаккур кучига, ўз фикрининг тўғрилигига, ақл-идрок салоҳиятига, тактика ва стратегиясининг пухта, ҳаётий ва яшовчи эканлигига қатъий ишонч асосида шаклланган эди. Бу бевосита унинг давлат ва сиёсат арбоби сифатидаги тўлақонли сиймосини, бетакрор шахс сифатидаги ноёб иқтидорини, феъл-атворини, иродаси ва олисни кўра олиш қобилиятини кўрсатади.

Тўртинчидан, Амир Темур салтанати юксак маънавият ва олий даражадаги маданиятга йўғрилган салтанат эди. Буни соҳибқироннинг фарзандларига қолдирган васият сўзларида ҳам кўриш мумкин:

*“Уғилларим, миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун Сизларга қолдираётган васият ва “Тузуқлар”имни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.*

*Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ қутлуғ вазифангиздир. Заифаларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига*

ташланган. Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен сингари узун салтанат сурмак истасангиз қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чеккандан сўнгера-да уни усталлик-ла қўлангиз. Орангизда нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка чалишажакдурлар. Фақат васиятимда Сизга идора шаклини, унинг илқуларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз тош асло бошингизга тушмас”.

Амир Темур қадрияти, унинг жаҳон давлатчилиги ва бошқарувида қолдирган буюк мероси, тажрибалари шу билангина чекланмайди. Айни пайтда у сиёсатда инсонпарварлик, жамиятда адолат тантана қилиши учун курашда, эркинлик ва инсоннинг яшаш ҳуқуқи сингари ноёб қадриятларни, таъбир жоиз бўлса, юксак мақомга кўтарди ва уни янги мазмун билан бойитди. Унинг ҳаёт дастури бўлмиш “Тузуқлар” бунга гувоҳлик беради:

— Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.

— Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззат-икром кўрсатдим.

— Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

— Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим”.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темурнинг олижаноб сиёсати, эзгулик йўлидаги ишлари дунёнинг ҳеч бир давлат арбоби ёки саркардалари фаолиятида бу даражада мукамал, ёрқин ва баркамол тарзда кўзга ташланмайди. Унинг фаолияти, зиддиятларга тўла ҳаёти биргина “Тузуқлар”нинг ўзида шу қадар тиниқ, шу қадар рангин ва жозибали ифода этилганки, соҳибқироннинг оддий инсон, оила бошлиғи, ота ва давлат арбоби сифатидаги тенгсиз фазилатлари, изтироблари, қувонч ва андуҳлари кўз олдингизда ёрқин гавдаланади.

Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи муносабати билан Францияда ўтказилган тантаналар қадимий Туркистон-



да инсонпарварлик ва маданиятнинг илдишлари ғоятда чуқур эканлиги, бугунги Ўзбекистон эса ана шу мустақкам пойдеворга таяниб дунё муаммоларини ҳал этишнинг ўзига хос мактабини яратётганини яққол кўрсатади. Туркистон ва бугунги Ўзбекистон давлатчилигидаги узвийлик, ворисийлик, бошқарувдаги уйғунлик унинг имкониятлари ниҳоятда кенглигидан дарак беради. Буни Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти, фани ва санъати билан, хусусан, ЮНЕСКО билан қалин ҳамкорлигида ҳам кўришимиз мумкин.

ЮНЕСКО жаҳон маърифат ва маданиятни асрайдиган, инсон тафаккури маҳсулларини қўллаб-қувватлайдиган, ҳимоя қиладиган нуфузли халқаро ташкилотдир. У ўзбек халқининг атоқли давлат арбоби Амир Темурга, юлдузлар илмининг султони Улуғбекка ва бошқа ўнлаб олиму уламоларига, мутафаккирларига, бой меросига мислсиз қизиқиш ва алоҳида эътибор билан қарамоқда. Миллат сифатида ўзбекни, давлат сифатида Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан эътироф этмоқда.

Халқимизда “Қарс икки қўлдан чиқади”, деган гап бор. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОга бўлган муносабати ҳам ана шундай мазмунга эга. Табиийки, бу муносабатларнинг боғланиши ва мустақкамланишида Президент Ислон Каримовнинг ҳиссаси беқиёсдир. Ўзбек халқи, Ўзбекистон маданий жамоатчилиги ЮНЕСКО Бош директори жаноб Федерико Майорнинг маърифат ва маданиятга беқиёс ҳомийлигини ҳурмат қилади. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг махсус фармони билан унга мамлакатимизнинг юксак мукофоти — “Дўстлик” ордени берилгани ана шу эҳтиромнинг яна бир далилидир.

Жаноб Федерико Майор юртимиз ҳақида ҳамиша ҳаяжон билан ҳикоя қилади. Шу маънода унинг ушбу хотиралари айниқса эътиборга моликдир.

“Самарқанд, Бухоро ва Хивага қилган сафарим ҳаётимдаги ҳаяжонли дамларим бўлди, — деб ёзади у. — У ерлар эртақлардаги каби афсонавий ва тарихий жойлардир.

Мен “Ипак йўли” шу жойлардан ўтиб, маданиятлар ва динларнинг бир-бирига кириб келишига ва Шарқ билан Ғарбнинг мулоқотига кўмаклашганини тасаввур этишга ҳаракат қилдим. Мен борган жойлар инсоният тақдирининг чорраҳалари ўтган буюк шаҳарлар эди.

Энди биз ана шу тарихий ҳолатларни инобатга олган ҳолда “Ипак йўли” тинчлик ва мулоқот йўли сифатида

хизмат қилишини давом эттиришга кўмаклашмоғимиз лозим”.

Бу Ўзбекистоннинг жўғрофий-сиёсий жиҳатдан ҳам, тарихий-маданий ва маънавий жиҳатдан ҳам жаҳон ҳам-жамиятида тутган беқиёс нуфузига, халқимиз тафаккурига берилган холис баҳодир. Зеро, илғор фикрли одам ҳам тарихий, ҳам ўз даври бойликларидан бирдек баҳраманд бўла олади.

Соҳибқирон Амир Темур тўйи ЮНЕСКО қароргоҳида нишонланаётганида ва Ўзбекистон маданияти кўргазмаси очилиши маросимида Франция Президенти Жак Ширакнинг қатнашиши Ўзбекистон, ўзбеклар ва уларнинг беқиёс маданиятига бўлган эътиборнинг, юртимизнинг давлат сифатида энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олаётганининг далилидир.

Яқинда жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (ЖИМТ) Бош директори Арпад Богшдан мамлакатимиз Президенти номига мактуб келди. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор:

*“Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Бош директори сифатида Сизни, сэр, Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳомийси сифатида жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг олтин медали билан мукофотлашга қарор қилганини маълум қилиш менга мамнуният бахш этади.*

*Сиз ЖИМТ олтин медалига сазовор бўлган биринчи давлат бошлиғисиз. Бу илмий ва технологик, ихтирочилик фаолиятига кўмаклашишга, шунингдек, мамлакатингизнинг ЖИМТ билан ҳамкорлигига шахсан қўшган буюк ва ижодий ҳиссангизга билдирилган эҳтиромдир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, Сиз саноат мулки тўғрисида тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиш, саноат мулки миллий тизимини барпо этиш ва ривожлантириш зарурлигини англаб, ЖИМТ доирасида энг муҳим халқаро шартномалар тузишда алоҳида донолик ва зийраклик кўрсатдингиз.*

*...Жаҳонга Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва Хоразмий сингари буюк мутафаккирларни етиштириб берган гўзал мамлакатингизга 1996 йил май ойида қиладиган ташрифимдан фойдаланиб, ЖИМТ олтин медали ва дипломини Сизга шахсан ўзим топширмақчиман”.*

Бу мукофот ақл-зиё соҳасида Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва салоҳияти, бизнинг қадимий маданиятимизга жаҳон маърифатини ривожлантиришга қўшаётган, интеллектуал мулкни асраш, ҳар томонлама бойитиш

борасида олиб бораётган ишларимизга берилган муносиб баҳодир.

Ўзбекистон нафақат ишлаб чиқариш имконияти, табиий бойликлари, балки беқиёс ақлий ва бой яратувчилик имкониятлари билан ҳам дунё аҳли диққатини тортмоқда. Янги аср остонасида, дунё маърифат сари янги қадам ташлаётган даврда Ўзбекистоннинг маданият ва маърифат равнақини таъминлаш борасидаги эътибори ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистоннинг инсоният тақдирини белгиловчи муҳим омил сифатида фан, маданият ва маърифат равнақига кенг йўл очиб бераётганини эътироф этмоқда.

Ҳа, бугун Амир Темур руҳи дунё кезмоқда. Бундан қарийб олти аср аввал ҳазрат соҳибқирон бобомиз айтиб кетган васиятлар истиқлол шарофати билан бугун амалга ошмоқда. Келажакка бўлган комил ишончимиз, бебаҳо моддий-маънавий бойлик ворислари эканлигимиз ва уларнинг ифтихоримизга айлангани дунёнинг бизга, бизнинг дунёга интилишимизга асос бермоқда. Франциянинг Лион шаҳри ҳокими муовини, Европарламент депутати А.Сулиэ мамлакатимиз раҳбарига мурожаат этар экан: *“Биз шахримиз меҳмонларига Рим салтанати, Галлия тўғрисида, умуман, тарихимиз ҳақида ғурурланиб гапирамиз, лекин Амир Темурдай буюк зот авлоди бўлмиш Сиз жаноб Президентнинг олдингида нима ҳам дейишимиз мумкин?”* деган эди. Бу қадимий ўзбек маданиятини жаҳон тан олаётганидан, Ўзбекистон ҳукуматининг маънавият ва маърифатга йўғрилган қарашлари эътироф этилаётганидан далолат беради. Айни эътирофлар бугунги кунда дунёнинг бизга ишонч кўзи билан қараб, ҳалол ва кенг кўламда ҳамкорлик қилишига даъват ҳамдир. 1994 йилда Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлиб ўтган “Буюк ипак йўли мероси: Ўзбекистон” кўргазмаси дунё мамлакатлари билан маънавий соҳада ҳам биргаликда фаолият олиб бориш соҳасида мамлакатимиз улкан имкониятларга эга эканлигини намоиш этган эди. Сўзимизнинг исботи учун Германия Федерал Президенти Роман Ҳерцогнинг ушбу фикрларини келтириш ўринли деб ўйлаймиз:

*“...Ўзбекистон кўргазмасининг очилиши герман жамоатчилигига бу мамлакатнинг қадимий маданияти билан бевосита танишиш имкониятини берибгина қолмасдан, балки бугунги гўзал ва ранг-баранг Ўзбекистонни тенг шерик деб*

*тан олишга, у билан барча поғоналарда муносабатларимизни ташкил этиш ва кенгайтириш сари чорлайди”.*

Ҳерцог сингари тажрибали ва зукко сиёсатчининг эътирофи биз учун ҳам, Ўзбекистон билан тенг шерикчилик асосида дўстлашмоқчи бўлган мамлакатлар учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, маданий ҳамкорлик сиёсий, иқтисодий ҳамкорликка, халқларнинг тинч-тотув, иноқ яшашига ўзига хос гаровдир.

Ўзбекистон Президенти Францияда соҳибқирон таваллуди тантаналарида қатнашар экан, **“Мен ХХІ аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман”**, деди. Бу хулоса мамлакатимизда маданий-маърифий, сиёсий-ижтимоий соҳаларда аниқ ва изчил давлат тафаккури қарор топганидан ва келажақда юртимиз шу асосда олға ривожланишидан далолат беради.

## БОҚИЙ ШАЖАРА

Мустамлакачилик даврида нафақат Амир Темур номи қатағон этилган, балки, унинг шахсини, сиёсат ва давлат арбоби сифатидаги тажрибаларини ўрганишга журъат этганлар ҳам расмий тузум посбонларининг беаёв тазйиқига дучор бўлар эди.

Аммо тақиқ ва таъқибларга қарамай, халқимиз беназир аждодининг хотирасини ҳеч қачон унутмади, ҳаммаша қалб тўрида пинҳон асраб яшади. Ижодкор зиёлилар томонидан Амир Темур шахсини холисона ўрганиш, унинг қадр-қимматини тиклаш борасида қилинган дастлабки уринишлар қаттиқ қаршиликка учради, ўнлаб тақдирларнинг топталиши билан яқунланди.

70-йиллар бошида ана шундай ҳаракатлардан бири “Гулистон” журналида “Темур тузуклари” таржимасининг эълон қилиниши шаклида намоён бўлди. Машҳур аллома ва жамоат арбоби Алихонтўра Соғуний таржимасида бу мумтоз асарнинг илк боблари журналда босилиб чиққач, мустамлакачи тўралар ва уларнинг содиқ малайлари пайтавасига қурт тушди. Таржима ярим йўлда тўхта-тилди, журнал раҳбарияти ва таҳририят “силлиққина” усуллар билан тарқатиб юборилди.

Атоқли файласуф олим Иброҳим Мўминов ҳам, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Амир Темурга қарши шўро ҳукумати олиб борган “салб юриши”нинг қурбони бўлди. Унинг соҳибқирон ҳақидаги ихчам рисоласи

бутун бир ўзбек фалсафаси ва тарих фанида катта ўзгариш ясади. Шу билан бирга собиқ марказ мустамлакачилик сиёсатининг илдизига болта ургандек бўлди. Натижада Кремлда уя қуриб олган мафкурачилар таъқибига учраган миллатпарвар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Мустақиллик шарофати билан тикланган бебаҳо қадриятлар ҳақида кўн гапиряпмиз. Истиқлол бизга тарих ҳақиқатини тиклаш, миллий маданий меросни ўрганиш ва холис баҳолаш имконини берди. Президент Ислам Каримов мустақил давлатнинг бош меъмори сифатида истиқлолнинг илк кунлариданоқ халқда миллий ғурур, миллий ифтихор, ўзининг бой тарихидан фахрланиш ҳиссини кучайтириш орқали мамлакатда маънавий-руҳий муҳитни барқарорлаштиришга киришди.

Мустақилликнинг икки йиллигини нишонлаш арафасида бир пайтлар чор генерал-губернатори Кауфман, сўнгра миллионлаб инсонлар ёстиғини қуритган Сталин ва кейинчалик коммунистик мафкура доҳийси Маркс ҳайкали ўрнатилган жойда соҳибқирон Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. Бунинг ўзига хос маънолари бор, албатта.

Биринчидан, мустамлакачилик тузумининг яловбардорлари ҳайкаллари ўрнига миллий давлатчилигимиз асосчиларидан, жаҳон халқларининг халоскорларидан бири бўлган Амир Темур ҳайкалининг ўрнатилишидан мақсад — том маънодаги мустақиллигимизни тан олдириш ва ҳар бир кишининг онгига синдиришдир.

Иккинчидан, буюк ва қадимий халқимизнинг ўз истиқболига қатъий ишонч билан қараётганлиги, энди бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаслигининг рамзий ифодасидир.

Учинчидан, илмий ва маънавий жиҳатдан тарих ҳақиқатини тиклаш, буюк аждодларимиз руҳини шод этиш, улар бошлаган улуғ анъаналарни давом эттириш, уларга муносиб ворис бўлишдир.

Ҳайкалнинг очилиш маросимида мамлакатимиз раҳбари шу воқеанинг тарихий аҳамиятини аниқ-равшан ифодалаб берди:

“Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Фарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят беқиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темур маданият ва дин аҳлларига кўрғазган чексиз меҳру мурувват айниқса ибратлидир.

**Кўхна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради.**

**Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаёти-нинг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади”.**

Бу улуғ бобокалонимизга берилган юксак баҳо, улкан иззат-икромдир. Шу билан бирга, у бугунги кунимиз мазмун-моҳиятини чуқур англашга, истиқболга комил ишонч билан қарашга даъват этади.

Умуман олганда, Президент Ислом Каримовнинг Амир Темурга муносабати замирида ўзбек халқининг миллат сифатидаги қадриятларига, унинг оламшумул меросига, кўп асрлик тарихга эга урф-одатлари ва анъаналарига, ана шулар таъсирида шаклланган маънавий-руҳий оламига чуқур ҳурмат-эҳтиром, уни ҳар қандай шароитда ҳам асраб-авайлашга интилиш ётади. Акс ҳолда тарихан жуда қисқа муддатда миллат тарихини ўрганиш ва уни тиклаш борасида бу қадар кенг миқёсли ишлар амалга оширилмаган бўлур эди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов топиб айтганидек, Амир Темурнинг топталган шаън-шавкатини қайтадан тикламоқ учун тарих майдонида Амир Темурдек шижоатли бир зот пайдо бўлиши лозим эди. Тақдир XX аср сўнгида ўзбек халқи манглайига ана шундай зотни ато этди ва у соҳибқироннинг музаффар байроғини баланд кўтариб, юртимизнинг қадим доврўғини олам узра таратмоқда.

Шунга кўра 1993 йилни ҳам тўла асос билан рамзий маънода темурийлар йили бўлган эди, дейиш мумкин. Чунки ўша йили улуғ шажаранинг Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари буюк сиймоларнинг юбилей саналари кенг нишонланди. Гарчи 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинган бўлса-да, аслида бу тўйга тайёргарлик 1993 йили, улуғ бобокалонимизнинг ҳайкали очилишидан бошланган эди. Шуниси эътиборлики, Президентимиз соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйига бағишлаб ўтказилган ҳар бир тадбирнинг ташаббускори сифатида улар хусусида мунтазам равишда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб боради.

1996 йил июнь ойида Амир Темур дунёга келган юрт — Қашқадарёга қилган сафари давомида Шаҳрисабздаги

Оқсарой тарихий ёдгорлиги ўрнашган майдонда юбилейга тайёргарлик ишлари билан танишув чоғида билдирган фикрлари айниқса эътиборга моликдир: “Амир Тему́р — нафақат Турон — Туркистон — Ўзбекистон заминининг, балки инсониятнинг энг улуғ даҳоларидан биридир, — деб таъкидлади Президент. — Демак, унинг тарихий образи, тарихий сиймосини яратишга жуда катта меҳр ва масъулият билан ёндашмоқ шарт. Менинг назаримда, юртимизда бу улуғ аждодимиз шарафига бунёд этилаётган ва этиладиган ёдгорликларда у зотнинг қиёфаси шундай акс этирилиши керакки, уни кўрган одам, ҳайкал қаерда ўрнатилганидан қатъи назар, соҳибқирон бобомизни беҳато таниб олсин. Шунинг учун шахсан мен Амир Тему́р ҳайкаллари, унинг ҳаётий даврлари, яъни болалик, ёшлик, кексалик палласи тарзида тасвирлаш таклифига тарафдор эмасман. Амир Тему́р деганда киши кўз ўнгида яхлит, тенгсиз азму шижоат соҳиби бўлган буюк инсон сиймоси гавдаланмоғи лозим.

Маълумки, Амир Тему́р умр бўйи янги-янги ғоялар ва уларни рўёбга чиқариш билан машғул бўлган беназир шахсдир. Унинг нигоҳи ҳамиша олис уфқларни қамраб олган, хаёли жаҳоний миқёсларни забт эта билган. Демак, соҳибқирон бобокалонимизга ҳайкал қўяётганимизда мана шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳайкал олдидаги майдонда Амир Тему́рга хос бағрикенглик ва улуғсифатлик фазилатларини бўрттириб кўрсатиш учун кенглик, очиқлик бўлиши даркор. Ҳайкал атрофида барпо қилинадиган боғ ҳам Амир Тему́р замонидagi боғларга ўхшаши керак. Бу боғларда асрлар давомида мағрур қад ростлаб турадиган чинорлар экиш керакки, улар соҳибқирон шахсининг нақадар муаззам ва буюклигига ёрқин тимсол бўлиб хизмат қилсин”.

Президент Ислом Каримов бугунги ўзбек миллий давлатчилигини бунёд этишда ҳам, олис ўтмишни баҳолашда ҳам, порлоқ истиқболни белгилашда ҳам Амир Тему́р сиймоси, унинг тафаккури, сиёсати, бошқарувдаги тактика ва стратегиясига ҳурмат билан қарайди. Айни пайтда Амир Тему́р шахси ва унинг бой меросини, улкан мактабини бугунги куннинг муқаддас дарсхонаси деб билади. Шу маънода унинг Тошкентда Амир Тему́р ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда айтган ушбу сўзларини яна бир карра эслаб ўтиш ўринлидир:

“Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаън-шавкати юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-этиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аجدодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Биладельимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуг бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танги, ҳалол ва гайратли халқимизни бирлаштиришда, жиқслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди”.

Амир Темурнинг тарихий хизмати, унинг инсоният тараққиётида тутган ўрни, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларига таъсири фақат шулар билан кифояланмайди. Унинг, айтиш мумкинки, бошқарувдаги тактика ва стратегияси, миллий хавфсизлик ва мудофаа, адолатли фуқаролик жамиятини такомиллаштириш борасидаги тажрибалари оламшумул аҳамият касб этган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темур номи ва унинг даври бизнинг тарихимиздан бутунлай ўчириб ташланган бир пайтда Темур ҳарбий мактаби тажрибалари, тактика ва стратегияси энг илғор ва ривожланган давлатлар қуроли кучлари тизимларида муҳим қўлланма сифатида ўрганиб келинди.

Академик Бўрибой Аҳмедовнинг фикрича, биринчидан, соҳибқирон мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка, майда гуруҳларга барҳам бериб, эл-юртни ягона туғ остига бирлаштира олди, марказлашган йирик давлатга асос солди. Натижада зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, фан ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратилди.

Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халқлар ва мамлакатларнинг озод бўлишига ёрдам берди.

Учинчидан, Мовароуннаҳрни юксак деҳқончилик маконига, ҳунармандчилик, илм-фан ва маданият ривожланган илғор мамлакатга айлантирди.

Тўртинчидан, соҳибқироннинг саъй-ҳаракати билан кўплаб шаҳар ва қишлоқлар обод этилди, Шаҳрисабз,



Самарқанд, Бухоро, Туркистон, Тошкент сингари шаҳарларда мадрасалар, карвонсаройлар, мақбаралар, боғлар ва бозорлар барпо этдирдики, булар ўзбек миллий меъморчилигини юксак мавқега кўтарди, унинг ўзига хос мактабига асос солди.

Мустақиллик даври том маънода ҳазрати Темурнинг қайта туғилиш даври бўлди. У бобокалонимиз васиятларининг рўёбга чиқаётгани билан алоҳида қимматлидир. Амир Темурга муносабат, унинг тарихий хизматини муносиб баҳолаш ва иззатини ўрнига қўйиш хусусида гапирар эканмиз, бу масала Президент Ислоҳ Каримовга нима учун керак, деган савол туғилади.

**Биринчидан**, Амир Темур қадрияти мустамлакачилик йилларида онгу шууримиздан ўчириб ташланган миллий туйғуларимизни қайта тиклаш, миллатни миллат, давлатни давлат қилиш учун, тафаккур ва тушунчаларимиздаги парокандаликка барҳам бериб, миллий замин ва миллий руҳ ҳаққи-ҳурмати учун бирлашишимиз керак. Унинг беқиёс фаолияти ва ўлмас мероси халқимизнинг миллий туйғусини, буюк ва жаҳоншумул анъаналарига ворис эканлигини чуқур англашга хизмат қилади.

**Иккинчидан**, халқимизнинг миллий ғурурини, миллий онгини юксалтириш учун қарийб унутилган тарихимизни қайта тиклаш лозим. Амир Темур эса шу кўҳна тарихнинг буюк чўққисидир.

**Учинчидан**, фарзандларимизни, келгуси авлодни улуғ аждодларимизнинг номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, уларни ана шу буюк анъаналарнинг муносиб давомчилари қилиб тарбиялаш, миллий ғурурини юксалтириш учун керак. Шу маънода соҳибқироннинг: “Азиз-авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз деб билур эдим”, деган гаплари бугунги кунда юртимизда улуғ аждодларга, олиму фозил боболаримизга муносабатимизнинг тарихий уйғунлигини кўрсатиб турибди.

**Тўртинчидан**, Амир Темур қадрияти бизга демократик, ҳуқуқий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун, “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” деган ғояни рўёбга чиқариш учун керак. Янги жамият, янги ҳаёт, янги тафаккур, қолаверса, бутун давлатчилик асосларини қайта тиклаётган бир пайтда Амир Темур ўзбек халқига тоғдай таянч бўлиб хизмат қилади, унинг олижаноб ишларига беқиёс сафарбарлик руҳи бахш этади.

**Бешинчидан**, бу беназир қадрият мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун керак. Дарҳақиқат, ҳазрати Темур: *“Куч-қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурган биноларга боқинг”*, деган эди. Бугун эса, ўтиш даврининг энг қийин, зиддиятли ва мураккаб бир пайтида Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланганини улуғ бобомиз бошлаган анъаналарнинг давоми, эзгу орзуларининг рўёби, дейиш мумкин. Кейинги йилларда юзлаб янги бинолар, завод ва фабрикалар, йўллар ва кўприклар, ҳаммом ва чойхоналар, шифохона ва ошхоналар, кўркам маиший хизмат уйлари, миллий шакл ва мазмунга эга бозорлар қурилганини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ишларнинг барчаси *“Хон бўлсанг-да боғ ярат, гадой бўлсанг-да боғ ярат, бир кун мевасини татурсан”*, деган халқ мақолини ёдга солади. Кейинги беш йилда яратилган боғ-роғлар, дарахтзорлар ва ўрмонлар бир неча минг гектарни ташкил этади. Мамлакатимиз ҳудудида жойлашган ўнлаб азиз зотлар, ислом динининг улкан уламолари ва бошқа тарихий намояндаларнинг мақбаралари қайта тикланди, таъмирланди. Дунё халқларининг диққатини тортадиган муъжизавий зиёратгоҳларга айлантирилди.

Умуман олганда, Амир Темур давлатчилиги, унинг бошқарувдаги ўзига хос тамойиллари бугунги ўзбек миллий давлатчилигининг тамойилларига асос бўлмоқда, десак янглишмаймиз. Буни нималарда кўриш мумкин?

Энг аввало, соҳибқироннинг: *“Барча ишларимнинг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирдим”*, деган доно ўғитлари Президент Ислом Каримовнинг дунё муаммоларини ва ички масалаларни ҳамжиҳатлик, ошкора музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори сифатида амалга ошираётган фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Улар ўртасида ўзаро уйғунлик бор. Жумладан, Президентимизнинг халқаро масалаларни ҳал этишда “томонларнинг бир-бирига ён бериш ва муроса йўли билан бир-бирига яқинлашуви, ҳар бир мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақланиши, барча манфаатдор томонларнинг музокара жараёнида иштирок этиши, қай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъсир ўтказиш ва аралашувга йўл қўймаслик” тамойиллари Амир Темурнинг машварату кенгаш воситасида сиёсат юритишини эслатади.

Президентнинг мамлакат Парламенти, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари, вилоят кенгашлари сессияларида

иштирок этиши, мамлакат ҳаётининг энг муҳим долзарб масалалари юзасидан очиқ фикр алмашуви темуроно демократиянинг янги шаклдаги кўринишидир.

Иккинчидан, Амир Темурнинг: *“Чақалоқларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз — бу гуноҳи азим эрур. Бундай гуноҳни Аллоҳ хуш кўрмагай”*, деган гаплари Президент Ислом Каримовнинг оналар ва болаларга ғамхўрлиги, уларга тиббиёт хизмати кўрсатиш ва ижтимоий муҳофаза қилишни ривожлантириш борасида амалга ошираётган тадбирлари, халқ таълими ва болалар тарбиясини ислоҳ қилиш ҳамда хотин-қизлар ҳаётини яхшилаш борасида олиб бораётган ишлари соҳибқирон давлат шажарасининг, Амир Темур маънавиятининг давом этаётганидан далолат беради.

Улуғ бобокалонимизнинг биргина *“Куч — адолатда”*, деган гаплари бугун Ўзбекистонда янги давлат қурилишига асос қилиб олинди. Ҳуқуқий демократик, адолатли давлатни барпо этиш, инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантириш тамойиллари аввало Амир Темур мамлакатдорлик мактабининг илғор жаҳоний тажрибалар билан уйғунлашган маҳсулидир.

Соҳибқироннинг: *“Давлату салтанат уч нарса билан: мулк (давлат ҳудуди, мамлакат — муал.), хазина ва лашкар билан тикдир”*, деган фикрлари давомини Президент Каримовнинг давлат суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, миллий хавфсизлик, хазинанинг бақувватлиги ва қуролли кучларнинг жанговарлик ҳолатига алоҳида эътибор бераётганида кўришимиз мумкин. Бу мамлакатимизда ҳарбий академиянинг ташкил этилиши, миллий хавфсизлик, ҳарбий доктринанинг ишлаб чиқиши, қолаверса, мамлакат хазинасини мунтазам тўлдириб бориш борасидаги изчил ва оқилона фаолиятда ҳам ўз аксини топмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, бугунги ўзбек миллий давлатчилиги, туб ислоҳотлар жараёни Амир Темур давлатчилиги шажарасининг узвий ва мантиқий давоми дейиш мумкин.

## СОҲИБҚИРОН САБОҒИ

Бугун биз мустақиллик моҳиятини, унинг жамият тараққиётида туган ўрни ҳамда халқ турмушидаги беқиёс аҳамиятини улуғ бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур орқали яна ҳам чуқурроқ англамоқдамиз.

Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналари бир-бирига улашиб кетди. Бу тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши аждодларимизнинг муқаддас руҳи ва бугунги авлод хоҳиш-иродасининг муштараклигидан далолат беради. Бироқ биз учун бугунги фараҳли кунларга етиб келиш осон бўлмади.

... Давр ва шароит нечоғлиқ оғир, шафқатсиз бўлмасин, ўзбек халқи ҳеч қачон ўтмишини, унинг буюк сиймоларини ёддан чиқармади, қалб кўрида сақлаб келди.

“Қизил империя” Амир Темурга, у орқали ўзбек халқига нисбатан таҳқирлаш сиёсатини олиб борган бир пайтда, хорижда бу беназир зотга бағишланган кўплаб илмий-оммабоп, бадиий, санъат асарлари яратилди, халқаро анжуманлар ўтказилди, унинг номи билан боғлиқ ташкилотлар тузилди.

Шуниси қувончлики, ўзбек халқининг бағрига озодлик шамоли теккан илк йилларданоқ, ЮНЕСКО Амир Темурнинг инсоният тарихидаги улкан хизматларини жаҳон аҳлига танитишда Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда жонбозлик кўрсата бошлади. Бу, биринчидан, улуғ бобокалонимизнинг жаҳон тарихидаги беқиёс нуфузидан далолат берса, иккинчидан, миллат шаъни, унинг тарихий шавкатини тиклаш йўлида Президент Ислом Каримов саъй-ҳаракатларининг натижасидир. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор билан Ўзбекистон раҳбарининг амалий мулоқотлари ва ҳамкорлиги бугун ўзбек миллати довуғини оламга таратишга хизмат қилмоқда.

Бундан 600 йилча бурун Испаниянинг машҳур ўғлони Рюи Гонзалес де Клавихо дўстлик элчиси мақомида Самарқандга ташриф буюриб, ватанига қайтгач, юртимиз ҳақида ўз таассуротларини эълон қилган эди. Ушанда нафақат Испания, балки бутун Европа Клавихо асари орқали Туркистон ва унинг маданияти борасидаги ўз тасаввурларини янада бойитиш имкониятига эга бўлганди. Тақдир тақозоси билан орадан деярли олти аср ўтиб, Испаниянинг бошқа бир ўғлони — Федерико Майор маърифат, илм ва маданиятнинг халқаро миқёсдаги ҳомийси ва ҳимоячисига айланган ЮНЕСКОга раҳбар бўлиб, Ўзбекистоннинг бой тарихини, унинг умуминсоний қадриятларини, буюк аждодларини жаҳонга танитишга ҳисса қўшмоқда. Унинг бу хизматлари Ўзбекистон ҳукумати томонидан муносиб баҳоланди. Ф. Майор “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Амир Темур шахсиятининг бугунги кундаги мазмуни ва беқиёс моҳияти шундаки, Соҳибқирон сиймоси бир томондан бугунги авлодда ўз ўтмиши билан фахрланиш, маънавий илдизларини топиб олиш, эркинлик қадриятини тушунишга ва келажакка ишонч билан қарашга даъват этса, иккинчи томондан, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, озодлик, юксак маданият ва тараққиётнинг қадрига етувчиларнинг ўзаро яқинлашувига хизмат қилади.

1996 йил юртимизда Амир Темур йили деб эълон қилинди, “Темур тузуклари” бир неча тилларда чоп этилди. Ўша давр тарихий-маданий ёдгорликларини тиклаб, ёзма адабиётлар илмий муомаллага киритилди.

Муқаддас қадамжо — Амир Темур мақбараси таъмирланди. Жуда қисқа фурсатда, бобокалонимизнинг дунёвий шаъни ва шавкатига мос келадиган Темурийлар музейи қурилди. 1996 йилнинг баҳорида ЮНЕСКО доирасида Парижда ўтказилган халқаро тадбирлар жаҳон маданий ҳаётида муҳим ва ёрқин воқеа сифатида баҳоланди. Туркия, Эрон ва Қирғизистонда Конрад Аденауэр ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида илмий анжуманлар ўтказилди. Булар моҳият эътибори билан бевосита Ўзбекистон давлати ва халқининг миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган ички ва ташқи сиёсатининг яхлит мазмунини белгилайди.

Амир Темур даври ва шахсига, у орқали буюк аждодларимизга, бой ўтмишимизга алоҳида эътибор билан қарар эканмиз, бу билан биз ўзимизнинг умуминсоний маданият хазинасига нақадар беқиёс ҳисса қўшганимизни англаймиз ва намоён этамиз. Ўз миллий қадриятларини англаб етмаган, уларга муҳаббат қўзи билан қарашдан маҳрум халқ умуминсоний неъматлар мазмунини ҳам идрок этолмайди. Аксинча, умуминсонийлик минбаридан туриб фикрлаш ва фаолият кўрсатишга қодир халқ, албатта, миллат сифатида ўз қадрига ета олади.

Ўзлигини тўла-тўқис намоён қилиб, умумжаҳон тараққиётига бутун борлиғи ва имкониятлари билан қўшилиш учун миллат, энг аввало, озод бўлмоғи даркор. Чунки эркинлик миллат нималарга қодирлигини кўрсатувчи қудратли омилдир. Соҳибқирон Амир Темур даври биз учун худди ана шу жиҳатдан ҳам характерли. Шунинг учун ҳам биз Амир Темур сиймосига мурожаат қиламиз, унинг тарихи ва меросини ҳар томонлама ўрганамиз.

Президентимиз миллатимиз тарихи ва давлатчилигимиз анъаналари ҳақида гапирар экан, **“дарахт қанча баланд бўлса, унинг илдизи шунча чуқур бўлади. Қурилаган бинонинг бўйига қараб, пойдевор қўйилади”**,— деган эди.

Бу давлатларнинг тарихи, тараққиёти ва тақдири ҳақида биз китобимизда баҳоли қудрат маълумот бериб ўтдик.

Қадим Турон — Туркистон халқлари давлатчилиги ва тарихий-маданий тараққиётда кўп асрлик бой тажрибага эга бўлганлар. Лекин 1219—1220 йиллардаги мўғул истилоси улар бошига ҳадсиз кулфатлар келтирди. Мовароуннаҳр хўжалигига оғир зарба берди. Мазкур сабабларга кўра, мўғул истилосининг аввалги ўн йилларида мамлакат хўжалигининг умумий аҳволи яна ҳам аянчли бўлди.

Темурийлар, айниқса Амир Темур даври ҳақида гап кетганда фақат ана шу уйғониш даври ютуқлари ҳақида гапириш камлик қилади. Зотан, унғача бўлган минг йилликлардаги тарихий-маданий равнақ айни ана шу тараққиётга замин яратган ёки Президент И. Каримов Соҳибқирон юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуманда айтганидек, **“Юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритган ютуқлар бўм-бўш, ҳувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган. Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман Темурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки бехосдан юз бериб келган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсули!”**.

Чингизийлар ҳукмронлик қилган йиллари кўплаб нодир ҳунар, санъат ва истеъдод эгалари жон сақлаш ниятида чекка мамлакатларга қочиб кетдилар. Иқтисод издан чиққан, савдо сусайган, бошқарув тизими йўқ ҳисобида эди. Хуллас, Амир Темур олдида бир ярим асрлик мустамлакачиликдан сўнг кўп асрлик миллий давлатчилик ва миллий маданиятни қайтадан тиклаш каби оғир вазифа турарди.

Амир Темур сиёсатшунослик ва давлатчилик фалсафаси тарихида янги дунёқарашга асос солди, уни амалда татбиқ этди. У илгариги даврлардан фарқли ҳолда жамият барча табақаларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари-

ни инобатга олиб, уларнинг ҳаёти учун зарур ижтимоий заминни вужудга келтирди. Ҳар бир тоифанинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ўзига хос қонун билан кафолатлаб қўйилди.

Соҳибқироннинг улкан хизматларидан яна бири унинг давлат бошқарувини ташкил қилиши билан боғлиқ. Маълумки, сомонийлар давридан бошлабоқ ўзбек давлатчилигида ҳокимиятнинг иккига — даргоҳ тимсолидаги қонун чиқарувчи ҳамда девонлар — вазирликлар тимсолидаги ижроия тизимларига бўлиниши яққол кўзга ташлана бошлаган. Ўз даври учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган бу ҳолат кейинги асрларда ҳам, то Чингизхон босқинига қадар давом этган. Чингизийлар ҳукмронлиги йилларида эса бу анъана йўққа чиқарилди. Амир Темур ана шу тизимни қайтадан тиклашга муваффақ бўлган ва уни бойитган буюк ислоҳотчидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳокимият бўлинишига асосланган мазкур тизимни жорий этишда Соҳибқирон кўр-кўрона эмас, балки ўзи яшаб турган воқеликни назарда тутган ҳолда иш юритди. Муаррих Азамат Зиёнинг фикрича, бу тизимда салтанат даражасига кўтарилган давлатнинг жўғрофий ҳудудлари доирасида яшовчи халқларнинг турмуш тарзи, анъаналари, маънавий-руҳий эҳтиёжлари ҳам инобатга олинган. Давлат бошқаруви тизимига Амир Темур олиб кирган янгиликнинг моҳияти ҳам аслида шу билан белгиланади.

Амир Темур энг олий давлат идораси мақомида қурултойни белгилаган эди. Бугунги тушунчадаги конгресс, ассамблея, мажлис, съезд кабиларга тўғри келадиган ушбу сиёсий институт бошқарув маҳкамаси ва давлат аҳамиятига молик бўлган энг асосий масалаларни ҳал этиб, унда салтанатдаги барча йирик сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳа намояндалари иштирок этганлар.

Шу ерда ҳақли бир савол туғилиши мумкин: ўрта асрларга хос тартибга кўра Амир Темур ҳар қандай масалани ҳеч бир маслаҳатсиз ёлғиз ўзи ҳал этиши мумкин эмасмиди? Шароит бунга етарли эди-ку? Тўғри, шундай қилса ҳам бўларди. Аммо бундай сиёсат Амир Темур дунёқарашига зид эди. Зеро, Соҳибқирон давлат ва жамият асосларини мустаҳкамлашда барча ижтимоий тоифаларга суяниб фаолият кўрсатишни бошқарувнинг бош тамойили деб биларди.

Шунинг учун ҳам у бошқарув ишини иложи борича жамият манфаатлари билан боғлаган эди. Худди шунинг

учун ҳам қонун чиқарувчи тизим — даргоҳдаги хизматлар тизимида фуқароларнинг арз-додлари, шикоятлари билан шуғулланувчи алоҳида хизмат (арзбеги) бўлган.

Давлатни мустаҳкамлаш, жамиятни ривожлантириш борасида ижроия тизими — вазирликларнинг ўрни муҳим бўлган. Амир Темур даврида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий муносабатларни тўғри йўлга қўйиб, улардан жамият манфаати йўлида фойдаланиш учун қатъий интизомга асосланган, талабчан ижроия механизми зарур эди. Соҳибқирон ана шундай тизимни ярата олди.

Амир Темур салтанатининг ижроия тизимидаги саккиз вазирлик ва яна бир неча муассасалар молия, солиқлар, даромад ва харажатлар, мулкчилик, етиштирилган ҳосил, чорва, яйловлар аҳволи, ободончилик, хабар ва почта, ҳарбий ва адлия соҳаларини бошқарган. Масалан, ҳарбий ишлар вазирлиги ҳарбийларга маош бериш, уларга тегишли мулкларни бошқариш, қурол-аслаҳа таъминоти, ҳарбий машқларни уюштириш ва ташкил этиш каби вазифалар билан бир қаторда истеъфога чиққан, урушларда ярадор бўлиб, меҳнат қобилиятини йўқотганларга нафақа белгилаш каби юмушларни ҳам бажарган.

Ҳуқуқий демократик давлат кураётган бир пайтимизда Соҳибқироннинг суд ва қонунчиликка муносабати ҳам алоҳида ўрнатилган вазифасини ўтайди. Бундан олти аср бурун Мовароуннаҳрда суд тизимида ўзига хос тартиб ва қоидалар мавжуд эди. Чунончи, фуқаролик ишлари билан ижроия тизимида фаолият кўрсатган адлия вазирлиги шуғулланган бўлса, жамият ҳаётидаги маънавий, тарбиявий аҳамиятга доир муаммолар билан ислом қозиси, ҳарбийлар орасидаги ҳуқуқий масалалар билан эса аскар қозиси, яъни бугунги тил билан айтганда ҳарбий трибунал шуғулланган.

Амир Темурнинг жамият ва давлат бошқарувида ҳокимият бўлиниши ҳақида фикр юритар экан, тадқиқотчилар уни XVIII аср мутафаккири Монтескьенинг ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов идораларига бўлиниши ҳақидаги таълимотига мос келишини таъкидлайдилар.

**“Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариятига дунёда ривож бердим”.** Соҳибқироннинг биргина ана шу сўзи унинг бутун салтанатининг эзгулик ва юксак маънавиятга асосланган ғоясини, сиёсий ва ижтимоий мазмунини белгилайди. Унинг ислом динига муно-



сабати халқ манфаатларига мос келадиган, унинг тақдирини белгилайдиган улкан ҳодисадир.

Дунё меъморчилик санъатининг гултожи бўлган осори атиқалар — Гўри Амир, Бибихоним, Занги Ота, Хожа Аҳмад Яссавий мақбаралари, Оқ сарой ва Шоҳи Зинда мажмуалари каби кўплаб зиёратгоҳлар ҳамда Амир Темурнинг шариат ва тариқат пешволарига нисбатан иззат-хурмати унинг шахсиятининг нақадар улуғворлигини ва даҳолик қудратини кўрсатади.

Соҳибқирон **“Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим”**, — дейди. Маълумки, шу даврда яссавия, нақшбандия, кубровия каби сўфийлик тариқатлари пайдо бўлди ва ривожланди. У ҳукмронлик қилган йилларда ислом дини ахлоқий категориялари янада юқори даражага кўтарилди.

Бу даврда ислом Туркистон халқларини маънавий-ғоявий жиҳатдан бирлаштирувчи қудратли омил ролини ўйнаган. Сўфийларнинг сарбадорлар ҳаракатида фаол қатнашгани бежиз эмас.

Соҳибқирон умр бўйи ўзи билан Куръони каримни олиб юрган, зарур ҳолатларда ўз фикри ва саъй-ҳаракатларининг исботини ундан топган. Бу ҳақда у зотнинг ўзи: “Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олиб, кейин... Куръон ҳукми билан иш қилар эдим”, — деб таъкидлайди. У, “аҳли сунна ва жамоа”га содиқ бўлган, ақидапарастлик ва диний тарафкашликка қатъий қарши турган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ислом динини мутаассибликдан холи, ўзига хос, эркин тарзда тунган.

Амир Темур жаҳоннинг буюк саркардаларидан эканлиги у ҳаёт чоғдаёқ эътироф этилган.

Соҳибқироннинг бетакрор ҳарбий истеъдоди ва қобилияти забардаст ҳарбий ислоҳотчи ҳамда атоқли саркарда сифатида яққол кўзга ташланди. У энг қудратли ва интизомли армияни барпо этишга, ҳарбий қисмларини юриш ва жанг вақтида оқилона бошқаришга, пайдо бўлган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни тадбиркорлик билан енгишга, қўшиндаги жанговар руҳ, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини доимо юксалтириб боришга муваффақ бўлган.

Соҳибқирон қўшинининг тузилиши ва тизими баъзи бир муҳим жиҳатлари билан бошқа давлатлар қуроли кучларидан фарқ қилар эди. Жумладан, армиянинг зарбдор қисмларини ташкил этувчи отлик аскарлар билан

бир қаторда қалъа ва қўрғонларни эгаллашда қўл келадиган пиёда аскарлар ҳам етарли даражада эди.

Ҳарбий соҳада шарқ ва ғарб давлатларида юз бераётган ўзгаришлардан яхши хабардор бўлган Соҳибқирон ўз армиясида тўп ишлатишни жорий этди ва Шарқда артиллериянинг таркиб топишига ҳамда ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Қўшиннинг жанггоҳда етти қисмга бўлиб жойлаштирилиши Амир Темур даҳоси томонидан жаҳон ҳарбий санъати тарихига қўшилган ғоят муҳим ҳиссадир.

Соҳибқироннинг ҳарбий иш ва ҳарбий қурилиш тараққиётидаги буюк хизматларидан яна бири қўшин қанотларини жанг пайтида ёв ҳамласидан сақлаш ёки ганим кучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга орқадан зарба бериш мақсадида тузилган суворий қисм-қунбулнинг жорий қилинишидadir.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Амир Темур қўшини мунтазам армияга хос бўлган бир қанча белгиларга эга эди. Қўшиннинг сони аниқ ва пухта ташкил қилинган бўлиб, унинг жанговар тартиби муттасил такомиллаштирилиб борилган. Армия ўша даврнинг илғор аслаҳа ва техникаси билан қуролланган. Ҳарбий қисм ва бўлинмалар ўзаро кийим-кечаги, кўтарган байроғи орқали ҳам ажралиб турган. Бундай фарқланиш жанг чоғида қўшинни оператив бошқариш имкониятини яратган. Ҳарбий тактика жиҳатдан Соҳибқирон ташкил қилган қўшин ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Унинг жанговар тартиби етти бўлакка бўлинган, разведка юқори даражада йўлга қўйилган.

Соҳибқироннинг ҳарбий таълимоти, саркардалик маҳорати, жаҳон ҳарбий санъатидаги новаторлиги бугунги кун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Амир Темур юбилеи бизнинг ҳозирги дунё ижтимоий-сиёсий жараёнлари уруш ва тинчлик муаммоларига, инсон ҳаётининг дахлсизлигига яна ҳам жиддийроқ масъулият билан қарашимизни тақозо этмоқда.

Амир Темур шахсияти жаҳон давлатчилиги анъаналарини янада бойитиш, бу борадаги шарқ тажрибаларидан унумли фойдаланган ҳолда ёш мустақил давлатимиз тизимини тобора такомиллаштириш сабоғини бермоқда. Зотан, биз ҳуқуқий демократик адолатли давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бормоқдамиз. Демак, улуғ бобокалонимизнинг давлатчилик борасидаги сабоғи — адолат ва ҳақиқат тантанасига, юк-

сак маънавийат равнақига эришиш ҳамда маънавий баркамол жамият бунёд этиш тамойиллари биз учун ибрат ва намунадир. Айни пайтда у барпо этган сиёсий тизим, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, миллий хавфсизлик борасидаги стратегик қарашлар ҳам улкан мактаб вазифасини ўтайди.

Амир Темурнинг санъат ва маданиятга ҳомийлиги, мамлакат ободончилиги учун ғамхўрлиги, инсонни табиатнинг гултожи сифатида эъозлашга интилиш сингари хусусиятлари бугун ҳам катта қийматга эга.

Ҳурфикрлик, фуқаролар онги ва тафаккурида бунёдкорлик, ижодкорлик, истиқбол учун курашиш туйғусини шакллантириш инсонпарвар жамиятнинг олий фазилатидир. Бу борада ҳам Соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари ва тадбирлари биз учун ўрнақдир.

Бугун Ўзбекистон ўз келажагини аниқ ва равшан кўриб турибди. Чунки азалдан озод бўлган, озодлик ва хуррият гаштини сурган, жаҳон тараққиётига улкан таъсир кўрсатиб келган буюк халқнинг иродаси ҳам, даҳолик қудрати ҳам, яратувчилик ва бунёдкорлик кучи ҳам буюк бўлади. Соҳибқирон сабоғи бизни ана шу ҳақиқатни чуқур идрок этишга ўргатади. Президент Ислом Каримов Соҳибқирон юбилеи муносабати билан ўтказилган халқаро илмий анжуманда бу хусусда шундай деган эди: “Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуг сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга кўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам мана шу минбардан туриб, бутун Ўзбекистон халқига, қолаверса, бутун жаҳон аҳлига қарата “Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, гуруримиз!”,— деб айтсам, ўйлайманки, хато қилмаган бўламан”.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бой меросимиз миллий мустақиллик туфайли умумбашарият меросига айланмоқда. Бу меросга қизиқиб қараган ҳар бир олиму фозил қаерда ишламасин, ички бир иштиёқ ва касб тақозоси билан шу соҳадаги юзлаб, минглаб ҳамкасблари билан ўзаро яқинлашиб бораверади. Демак, ўзбек тарихи, хусусан Амир Темур сиймоси умуминсоний қадриятларга хизмат қилади. Бундан давлатлар ва халқлар ўртасида ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб бораверади. Шу маънода Соҳибқирон юбилейининг жуда катта сиёсий, тарихий ва маънавий аҳамияти бор.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатларида нишонлангани, улуғ бобокалонимиз меросини ўрганишга бағишланган халқаро илмий анжуманда 30 га яқин мамлакат олимлари иштирок этгани буни яна бир бор тасдиқлайди.

## ДАҲОЛИККА ТАЪЗИМ

Соҳибқирон Амир Темур даҳоси бизга аждодлар руҳини ёд этиш, улар хотирасини абадийлаштириш сабоғини берди. Аслини олганда ўтганлар хотирасини эслаш миллий анъаналаримизнинг, урф-одатларимизнинг бир бўлаги. Ҳаётимизнинг ҳар дақиқасида кимларнидир ўйлаймиз, Аллоҳдан кимларнидир қўллаб, руҳини шод этишни тилаймиз. Аммо Амир Темур бу борада ҳам ноёб инсоний фазилатнинг бетимсол намунаси сифатида шуҳрат қозongan улуғ зотдир. У нимаики иш қилган бўлса, барчасини иймон-эътиқод, инсоф ва адолат юзасидан қилди. Улкан алломалар, авлиёю анбиёларга эҳтиром кўрсатиб, уларнинг ақидалари ва таълимотларини қўллаб-қувватлади.

Дарҳақиқат, у халқимизнинг улуғ ва муътабар аждодлари, ислом динининг донишмандлари, буюк мутасаввуф алломалар руҳини шод этган, уларнинг қабрини зиёратгоҳларга айлантирган муътабар инсон эди.

Амир Темурнинг ота-боболаримиз хотираси йўлида сарфлаган куч-ғайрати, кўрсатган меҳр-муҳаббатини давом эттириш, унинг мурувватига мурувват билан жавоб бериш, аждодлар узвийлигини асраб-авайлаш навбати бизга келди. Бу миллатимиз маънавий қадриятларининг муҳим омилларидан биридир.

Истиқлолнинг шарофати ила бир неча минг йиллик бой ўтмишимиз билан бирга миллатимиз шаъни ва тимсоли сифатида Соҳибқирон қадрияти ҳам тикланди.

1996 йилнинг 18 октябрь куни. Муборак жума тонги. Бу кун энг эзгу тилаклар, орзу-умидлар ифода этиладиган, Яратганга шукроналар айтиб, ҳаёт қадри эъзозланадиган муқаддас кун.

Шу муборак кун мамлакатимиз пойтахти қадимий Тошкентнинг қоқ марказида тонг-саҳарда Қуръон тиловати олис-олисларга таралди. Улуғ бобокалонимиз, буюк давлат арбоби ва енгилмас саркарда Амир Темур ёди хотирасига атаб шарқ миллий меъморчилигининг ноёб ва муъжизавий намунаси сифатида бунёд этилган Темур-

рийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросими ана шундан бошланди. Минг-минглаб кишилар — тошкентликлар, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган меҳмонлар, хорижий элчихоналар ва ваколатхоналарнинг вакиллари ҳозир бўлишди. Уламои киромларнинг фотиҳаси билан қўйлар сўйилиб, қурбонлик қилинди.

Миллий удумларимизга қўра Қуръони Каримдан оятлар ўқилди, Соҳибқирон руҳига дуои фотиҳалар қилинди. Бир неча минг кишилик дастурхонга ош тортилди. Мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

Қуёш эндигина уйғонаётган, тонг ёришиб шаҳардаги энг баланд биноларнинг пештоқлари зарга ўралаётган бир пайтда карнай-сурнай садолари бутун шаҳар аҳлини байрамга чорлаб, музей очилишига бағишланган тантанали митинг бошланишидан дарак берди. Митингни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов очди. Президент Ислом Каримов йиғилганлар олдида катта нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари муҳташам музейнинг қисқа вақтда қуриб битказилгани ва ноёб тарихий экспонатлар билан жиҳозлангани бобокалонимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром рамзи, маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа эканлигини таъкидлади: **“Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темури шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.**

**Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин”,**— деди И. Каримов.

Дарҳақиқат, буюклик буюк қалбдан келиб чиқади. Буюк қалб эса ҳамиша миллат қайғуси, халқ дарди, ватан изтиробини билан яшайди. Ана шу эзгу ҳислардан бегона бўлган қалб беқадр ва ўткинчидир. Бугун биз ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Истиқлол ва Темури, Ватан ва Миллат, Озодлик ва Соҳибқирон тушунчаларини муштарак ҳолда ҳис қиламиз. Уларни бир-бирини тўлдирадиган, мазмунан бойитадиган тушунча сифатида қабул қиламиз.

Темурийлар тарихи давлат музейи гоёқ қисқа фурсатда бунёд қилинди. Бор-йўғи олти ой мобайнида меъморий жиҳатдан ниҳоятда мураккаб муҳташам иншоот барпо этилди. Бу, аввало, бобокалонимизнинг шаъну шавка-

тига, дунёвий обрў-эътибори ва даҳолигига муносиб бўлса, иккинчи томондан темурийлар бугунги авлодининг бунёдкорлик қудратидан, нозик диди, беқиёс истеъдод ва ҳаёлотининг чексизлигидан далолат беради.

Иншоотнинг умумий майдони беш минг квадрат метр-ни ташкил этади. Музей қурилишида бутун мамлакат мутахассислари иштирок қилдилар. Тошкентлик қўли гул қурувчилар, чиннисозлик ва керамика, “Миконд” корхоналарининг моҳир ҳунармандлари, “Уста” бирлашмаси, Югославиянинг “Торевик” фирмаси ва бошқа ўнлаб меҳнат жамоалари бу ишга муносиб ҳисса қўшдилар. Олис-олислардан ярқираб товланадиган, улуғворлиги ва нафислиги билан кишини ҳайрату ҳаяжонга соладиган нилий гумбаз эса Тошкент авиасозлик давлат ҳиссадорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланди.

Байрам тантаналари музей саҳнига уланиб кетган Амир Темур хиёбонида давом этди. Президентимиз хиёбондаги Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, нуроний отахонлар ва онахонлар, жамоатчилик вакиллари ҳам маросимда иштирок этишди.

Улуғ аждодимиз руҳини хотирлаш темурийлар давлатининг пойтахти Самарқандда алоҳида шукуҳ ва жозиба касб этди. Жаҳон сайқалига айланган бу кўҳна ва табаррук шаҳар Соҳибқирон тақдири, унинг безовтаю беором кунлари, буюк орзулари, армон-изтиробларига гувоҳ бўлган муқаддас маскандир. Айни пайтда Самарқанд миллатни миллат, давлатни давлат қилган Амир Темур даҳолик қудратининг рамзи, унинг беқиёс ифодасидир.

Соҳибқирон юбилейига тайёргарлик жараёнида самарқандликлар ўнлаб тарихий обидаларни, осори атиқаларни таъмирладилар, уларни қайта тикладилар, улуғ бобомиз номи билан боғлиқ қадамжоларни обод этдилар. Янги иншоотлар қурилди, боғлар барпо қилинди. Шаҳар марказидаги кўркам Амир Темур майдони Самарқанд сайқалига сайқал қўшди.

Давлатимиз раҳбари ана шу майдонда қад кўтарган Соҳибқироннинг ҳайкалини тантанали равишда очди. Йиғилганлар кўз ўнгида ҳамиша музаффар ва ғолиб Амир Темурнинг салобат ва улуғворлик билан тахтда ўтирган сиймоси гавдаланди. Қалбларни ларзага келтирадиган ҳаяжонли вазиятда Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги байрами арафасида шаҳар аҳлининг хайрли хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди.

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**САМАРҚАНД ШАҲРИНИ “АМИР ТЕМУР” ОРДЕНИ  
БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

*Темурийлар давлатининг пойтахти сифатида жаҳон илму фани, маданияти ва меъморчилик санъатининг ривожланишига ҳамда давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги ва шаҳар аҳлининг ўзбек халқи тарихий ва маънавий меросини кўп асрлар мобайнида авайлаб-асраб, жаҳонга машҳур этишдаги ғоятда катта хизматларини эътиборга олиб, мустақил мамлакатимизда туб ислохотларни амалга ошириш, унинг иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдаги фаол иштироки учун ҳамда соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳри “Амир Темури” ордени билан мукофотлансин.*

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти*

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 28 август”.

Тантаналар пайтида Президентимиз Самарқанд шаҳрига “Амир Темури” орденини топширди. У шаҳар аҳлини мукофот билан қутлаб, Соҳибқирон таваллуди байрами кунларида шаҳарга биринчи рақамли орден топширилиши рамзий маънога эга тарихий воқеа эканлигини таъкидлаб, ушбу унутилмас кун — 18 октябрни “Самарқанд кунини” деб эълон этишни тақлиф қилди. Йиғилганлар бу тақлифни мамнуният билан қарши олдилар.

Самарқанд ва Соҳибқирон... Бу икки муътабар тушунча хусусида гапирар экан, Президент катта фахру ифтихор билан “Қачонки, биз Амир Темури ҳазратларини ёд этар

эканмиз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз. Чунки, Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

... Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб, қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди”, — деди.

Ўша муборак кун Қашқадарё воҳасида, хусусан Шаҳрисабз — қадимий Кеш шаҳрида тарихий кун бўлди, десак муболаға бўлмайди. Бу муътабар тупроқ бобокалонимизга бешик бўлган, уни вояга етказган ота макон. Бу заминнинг, юртбошимиз ўз қутлов сўзида айтиб ўтганидек, миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган элулуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан озод қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу юртдан бошланган... Ҳазрати Темур ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйганида, аввало, ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган.

Ўзбекистон Президенти шу куни Шаҳрисабзга ҳам таширф буюрди. Қадимий Оқсарой ҳовлисига уланиб кетган улкан майдон байрамона безатилган. Унинг марказида Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали ўрнатилган. Шаҳар аҳлининг миллий маданиятимиз анъаналарини тиклаш борасидаги хизматлари муносиб баҳоланди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**  
**ФАРМОНИ**

**ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИНИ “АМИР ТЕМУР” ОРДЕНИ**  
**БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

*Шаҳрисабз шаҳри аҳлининг Темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аجدодларимизнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялаш ва уларни озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб вояга етказиш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йил-*



*лиги муносабати билан Шаҳрисабз шаҳри “Амир Темуր”  
ордени билан мукофотлансин.*

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти*

*И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 28 август.

Ватанимиз мадҳиясининг тантанавор оҳанглари остида Ислом Каримов рамзий лентани қирқиб, Соҳибқирон ҳайкалини очди. Президент ҳайкал пойига гулчамбар қўйди. Майдонда йиғилган жамоат олдида Шаҳрисабз шаҳри байроғига “Амир Темуր” орденини қадаб қўйди ва катта нутқ сўзлади. “Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида “илму адаб куббаси” дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темуր учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказаётган шу кунларда, энг аввало, бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз”, — деб таъкидлади у. Бу сўзлар халқимизнинг эзгу туйғуларини ўзида мужассам этади.

1996 йилнинг 18 октябри. Муборак жума куни. Бу кун мустақиллигимиз тарихига алоҳида сана бўлиб қўшилади. Чунки, худди шу мўътабар кунда бобокалонимизнинг шон-шавкати, тарихий адолат бутун мамлакатимиз — мустақил Ўзбекистон давлатида қайта тикланди. Амир Темурнинг қадр қиммати халқаро миқёсда жойига қўйилди. Халқимиз бой ўтмиши, жаҳонни лол қолдирган тарихи, беқиёс маданияти, улуғ аجدодлари меросини яна бир бор жаҳонга намоён қилди. Бу буюк келажак сари собитлик билан бораётган халқнинг маънавий ҳаётида унутилмас аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

### **“ҚУДРАТИМИЗГА ШУБҲАНГИЗ БЎЛСА”...**

Турли даврларда шаклан хилма-хил, мазмунан бир хил бўлган қирғин-қатағонлар халқимиз руҳиятига катта зарар етказди. Шу боис юртбошимиз мустақилликнинг илк кунлариданоқ одамлар онгидаги мутелик ва қарамлик

иллатларини йўқотишга, эркин фикрлашга, ҳаётга тий-  
рак кўз билан қарашга даъват этди. Бунинг учун аввало  
маърифат, билим ва тажриба зарурлигини такрор ва так-  
рор таъкидлади.

“Дунёда фақат икки ҳоким бор — қилич ва ақл-ид-  
рок; охир-оқибатда ҳар доим ақл-идрок қилич устидан  
ғалаба қозонади”, деган эди ғарблик машҳур арбоблар-  
дан бири. Дарҳақиқат, ҳар қандай ёвуз куч ақл-заковат,  
тафаккур ва илм олдида ожиздир. Заковатнинг қудрати  
унинг бунёдкорлигида, энг оғир пайтда ҳам яхшилик ва  
эзгулик йўлини — ғалаба йўлини топа билишида. Зако-  
ват ва тафаккур таянчи эса маърифат ва маънавиятдир.

Маърифатли одам ўз ҳаётини эркин ва тўғри қуришга  
қодир бўлади. Яхшини ёмондан, оқни қорадан фарқлай  
олади. Демакки, ҳаётда ўз ўрнини топа билади. Ҳеч қачон  
қадру қимматини йўқотмайди. Бу — маърифатли инсон,  
маърифий жамиятнинг **биринчи** фазилати.

**Иккинчи** фазилати шундан иборатки, маърифатли халқ  
изланувчан ва бунёдкор бўлади. Ҳар қандай қийинчи-  
ликлардан чўчимайди, куч-қувват, катта ирода соҳиби  
бўлади. Тўсиқларни енгиб чиқади. Энг оғир ва зиддиятли  
пайтларда ҳам истиқболини аниқ кўра олади. Унга етиш-  
моқ йўлларини топа билади.

**Учинчидан**, маърифатли, юксак маънавиятли халқ  
миллий бирлик, миллий яхлитлик намунасини кўрсата-  
ди. Жамият қарама-қарашиликларни, турли кучларни  
енга олади. Миллат яхлитлиги орқали манфаатлар ях-  
литлигига эришади. Бундай халқни енгиб ўтадиган куч  
бўлмайди.

Биз нима учун бу хусусда сўз бошладик? Бунинг ўзига  
хос сабаби бор.

Олти йиллик муддат — тарих учун бир лаҳза бамисо-  
ли, бепоён осмон кенгликларида чақнаган чақин каби-  
дир. Бироқ истиқлолнинг мураккаб, долғаларга тўла,  
зиддиятли бир пайтида халқимиз бой маънавиятини,  
мислсиз иқтидорини, беқиёс иродасини яққол намоён  
қилди. Айни ана шу муддатда мамлакатимизда амалга  
оширилган ишлар салмоғи ва кўлами билан бир неча ўн  
йилликларга тенг келади.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатда тинч-  
лик ва осойишталикни таъминлаш, иқтисодий барқарор-  
ликка эришиш, собиқ иттифоқ бир-бирига улаб ташла-  
ган моддий занжирлар узилгач, уларнинг ўрнини қоп-  
лайдиган янги имкониятларни излаб топиш лозим эди.

Энг мушкул пайтларда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш билан бирга жаҳон ҳамжамиятига йўл қидириш, дунёни ўрганиш, ўз имкониятларини олам аҳлига кўрсатиш сингари тажрибамизда кўрилмаган, машаққатли вазифаларни ҳам уддалаш керак эди. Маълумки, мустақил тараққиёт ўз қобилигига ўралиб яшаш эмас, аксинча, жаҳон андозаларига мос қадам ташлаш, дунёдаги ривожланган, обрўли мамлакатлар билан тенгма-тенг туриб гаплашиш, ўз мавқеи ва нуфузини топа билиш каби оғир масалалар ечимини ҳам тақозо этар эди.

Ҳукуматимиз ана шундай бир вазиятда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик йўлини танлади ва бу борада собитқадамлик билан фаолият кўрсатмоқда. Натижада қисқа фурсатда хорижда Ўзбекистон ҳақида, ўзбек халқи тўғрисида тўла тасаввур шаклланди, юртбошимизнинг беқиёс иқтисодий, маънавий, ақлий ва жисмоний имкониятлари тан олина бошланди. Чет элдаги ҳамкорлар бу мамлакат билан ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш мумкин ва зарурлигини тушуниб етдилар.

Энг аввало, Туркия, Германия, Франция, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар Ўзбекистон билан ҳамкорлик ҳаракатини бошлашди.

1992 йили Андижонда Туркия билан ҳамкорликда “Тиксенти” қўшма корхонаси барпо этилди. Куйганёр қишлоғида ташкил этилган бу корхона вилоятнинг катта ишлаб чиқариш ва меҳнат омилларидан унумли фойдаланишга кенг имконият яратди. 1993 йил 23 декабрда иш бошлаган “ФАМ” қўшма корхонасини италияликлар билан ҳамкорликда Асака дон маҳсулотлари комбинати тузди. Жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонада Италияда ишлаб чиқарилган энг замонавий линиялар ўрнатилган. Соатига бир тонна, суткасига эса 20 тонна, жами олти турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқара оладиган дастгоҳлар юқори унум билан ишламоқда.

Жанубий Кореянинг “ДЭУ” корпорацияси билан ҳамкорликда Асака шаҳрида икки йил мобайнида мисли кўрилмаган даражада улкан миқёсдаги иш амалга оширилиб, ўзбек миллий автомобилсозлик саноатига асос солинди. Жаҳон автомобилсозлиги тарихи бундай қудратли заводнинг лойиҳада мўлжалланган муддатга нисбатан бир неча баробар қисқа вақтда қурилганини кўрмаган.

1996 йилнинг март ойида “Дамас”, июнь ойида “Тико”, июль ойида эса “Нексия” энгил автомобиллари ишлаб чиқариладиган линиялар ишга туширилди. Бу машиналар технологик жиҳатдан пишиқлиги, техник қулайлиги, арзон ва ёқилғи кам сарф қилиши билан жаҳоннинг энг илғор ва пешқадам автомобиллари туркумига киради.

“ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси яқин йилларда тўла қувват билан ишлай бошлайди ва йилига икки юз мингдан ортиқ машина ишлаб чиқаради. Шу билан бирга бу ерда автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, мамлакатнинг барча вилоятларида сервис хизмати кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Ҳозир корхонада тўрт мингдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, олтмиш мингдан зиёд киши иш билан таъминланади.

Андижонлик деҳқонлар асрлар мобайнида қадимий деҳқончилик мактабини вужудга келтиришган. Уларнинг бой тажрибалари ва анъаналари бошқаларга ўрнак бўлиб келган. Аини пайтда улар жаҳон илғор технологияларини ҳам ўзлаштириб борадилар. 1995 йили хитойлик мутахассислар билан 50 гектар ерга плёнка остига чигит экишди. Йилни эса ҳар гектаридан 46 центнердан ҳам кўпроқ ҳосил олиш билан яқунлашди. Бу одатдаги пахта ҳосилдорлигидан 16 центнерга кўпдир. 1996 йили бу тажриба вилоятда яна ҳам кенг қўлланилди. Натижада пахтачиликда катта ютуқларга эришилди. Вилоят пахтакорлари мамлакатда биринчи бўлиб белгилаган режаларини уйдлашди.

Андижонликлар истиқлол йилларида вилоят марказидаги Боғи шамол мавзеида Бобур номидаги Миллий боғ бунёд этишди. Жами ер майдони 300 гектар бўлган бу улкан боғда буюк заковат эгаси, шоҳ ва шоирнинг ҳайкали, музей ва Бобуршоҳнинг рамзий қабр-мақбарасини қуришди. Карвонсарой, чойхона, ошхона, меҳмонхона каби жами 13 бино тикланди. Бу ишларда Андижон аҳли, хусусан, Бобур номидаги Халқаро жамғарма фаоллари, унинг раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабовнинг хизматлари катта бўлди.

Андижон шаҳридаги “Жаҳон бозори” очиқ ҳиссадорлик жамияти сифатида дунёга келди. 1995 йили 25,5 гектар майдонда 678 та дўкон бугун элу юрт маъмуриликка хизмат қилмоқда.

Бозорни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун 2000 дан ортиқ манзарали дарахт ниҳоллари, 3000 дан зиёд турли хилдаги гул кўчатлари экилди.

Бугунги кунда Бухоро вилояти ҳам йирик қурилиш майдонига айланган. Айниқса, Қоровулбозорда барпо этилаётган нефтни қайта ишлаш заводида мамлакатимиз аҳли катта умид билан, жаҳон жамоатчилиги эса ҳайрат ва ҳавас билан қарамоқда. Чунки бу корхона республикамизда нефть мустақиллигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Йилига 5 миллион тонна олий сифатли нефть ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бу улкан корхонанинг умумий қурилиш майдони 300 гектар майдонни эгаллайди. Заводнинг лойиҳада белгиланган муддатдан анча олдин ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Унинг дастлабки иншооти — газ конденсати қуйиш эстакадаси кўзда тутилган 20 ой ўрнига 7 ой мобайнида барпо этилиб, 1995 йилда фойдаланишга топширилди. Бу корхона қурувчиларининг бунёдкорлик кучини, азмушижотини кўрсатади. Эндиликда, қарийб 100 километр узунликдаги қувурлардан оқиб келаётган Кўкдумалоқ газ конденсати 330 метрли темир йўл эстакадасида цистерналарга қуйилиб, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида юборилмоқда.

Вилоятда ижтимоий муассасалар, айниқса, мактаблар қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган 1996 йилда Пешку туманидаги Й. Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида 844 ўринли, Жондор туманидаги “Зарафшон” жамоа хўжалигида 360 ўринли мактаб, Ғиждувон шаҳрида 660 ўринли лицей бинолари қурилиб, фарзандларимиз ихтиёрига топширилди.

Мустақиллик йилларида қурувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли фойдаланишга топширилган Дамхўжа — Навоий — Бухоро сув қувури бухороликларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида янги босқич бўлди. Умумий узунлиги 210 километр бўлган ва бир кеча-кундузда 300 минг куб-метр тоза ичимлик суви етказиб берадиган бу улкан иншоот 1993 йилда фойдаланишга топширилган эди.

Кейинги вақтда вилоятда 2752 километр газ қувурлари тортилиб, қарийб 60 минг хонадонда “зангори олов” ёнди. Бухоро, Ромитан, Қоровулбозор туманлари тўла газлаштирилди. Ғиждувон ва Когон туманларида ҳам газлаштириш ишлари яқин орада ниҳоясига етказилади.

Вилоят ҳокимлигининг 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш

дастурига мувофиқ 50 та қишлоқ ҳақимлик даволаш пункти, 430 ўринли касалхона, 49 та амбулатория, 17 минг 300 ўринли мактаб бинолари, 1 миллион 830 минг квадрат метр уй-жой қуриш, 810 километр водопровод, 1100 километр газ қувурларини ётқизиш кўзда тутилган. Шунингдек, умумий саҳни қарийб 20 минг квадрат метр бўлган савдо шохобчалари, салкам 11 минг ўринли умумий овқатланиш тармоқлари ва 266 та маиший хизмат кўрсатиш объектларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Буларнинг барчаси меҳнаткаш инсон ҳаётини янада кўркам ва фаровон қилишга хизмат қилади.

Бухоро нафақат Ўзбекистоннинг фаҳри, балки бутун дунёга машҳур маскандир. Шу боис ҳам ЮНЕСКО Бухорои шарифни жаҳон маданий меросининг энг ноёб обидалари рўйхатига киритган. Бу нуфузли халқаро ташкилот Бухоро юбилеи муносабати билан 1996 йилнинг 21-22 февralида “Буюк Ипак йўлини тиклаш: Ўзбекистон мероси” мавзуида халқаро конференция ўтказди. Анжуманда дунёнинг 30 га яқин мамлакати вакиллари иштирок этдилар. ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Томас Келер, ЮНЕСКО шўъбасининг директори Дуду Дьен, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик, Жаҳон туристик ташкилотининг вакили Веттор Жустини ва бошқалар сўзга чиқиб, Бухоронинг буюк санъат ва ноёб меъморчилик шаҳри сифатида жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ва роли ҳақида фикр юритдилар.

Конференцияда Бухоронинг 2500 йиллиги жаҳон аҳамиятига молик воқеа бўлгани учун шаҳарнинг тарихий обидаларини таъмирлаш, бу ерда сайёҳлик инфраструктурасини ривожлантириш каби масалаларда чет эл мамлакатлари фаол иштирок этишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди. Халқаро конференцияда ЮНЕСКО экспертлари Бухоро ёдгорликларини таъмирлаш бўйича ўз лойиҳаларини муҳокама қилиб, жаҳон жамоатчилиги диққат-эътиборини ана шу масалаларга қаратишди.

Бу табаррук заминнинг оташин фарзанди Файзулла Хўжаевнинг болалиги ўтган уй қайта таъмирланиб, музейга айлантирилди. Шаҳар марказида Файзулла Хўжаев номи билан аталган боғ барпо этилиб, унга бюст ўрнатилди. Виллоят театрида исёнкор қалб эгаси, озодлик учун толмас курашчи Ф. Хўжаев юбилеи муносабати билан ўтказилган тантанали кечада, жойларда бўлиб ўтган ил-

мий-амалий анжуман ва учрашувларда унинг халқимиз бахт-саодати йўлидаги хизматлари алоҳида таъкидланди.

Шаҳар марказида Бухоронинг яна бир улуғ фарзанди — Абдурауф Фитрат боғи ташкил этилди. Боғнинг ўрта-сида бу мумтоз сиймонинг бюсти ўрнатилди. 1996 йилда Фитрат асарларини чоп этиш, у ҳақдаги кенг миқёсли илмий тадқиқотларни давом эттириш, халқимизни унинг ўлмас мероси билан таништириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент нафақат сиёсий ва тарихий воқеалар маркази, балки маданият ва маърифат сарчашмаси, йирик саноат ва ишлаб чиқариш маскани, фан-техника тараққиёти ўчоғидир. Юртимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар аввало ана шу ердан бошланади. Давлатимизнинг истиқлол режалари, ҳукуматнинг сиёсий ва ижтимоий ғоялари дастлаб шу мўътабар шаҳарда дунёга келади, сўнгра бутун мамлакат бўйлаб парвоз қилади. Таъбир жоиз бўлса, Тошкент ҳаётимиздаги энг катта янгиликларнинг биринчи гувоҳи, туб ислохотларнинг олтин бешиги ва янгилашниларнинг мўътабар дояси.

Мустақиллик даврида Тошкент бутунлай янги қиёфа касб этди. Унинг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида тутган ўрни ва роли яна ҳам ошди. Жумладан, қисқа муддатда хорижий ҳамкорлар билан бирга-ликда мингдан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди.

Италия билан ҳамкорликда барпо қилинган “Совпласт-итал” қўшма корхонасида айни пайтда бир ярим мингга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Завод бутунлай янги технология асосида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган турли хилдаги пластмасса буюмлар, зебу зийнатлар, биноларни безаш учун ишлатиладиган ниҳоятда кўркем қурилиш материаллари бугун хонадонларимизнинг кўрки бўлмоқда. Корхона ҳар йили 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

1992 йили Туркия қурувчилари билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг кўркем “Ғалаба” боғи қайта таъмир этилди. “Тошкент Ленд” аттракциони, Аквапарк қурилиб фойдаланишга топширилди. Улар ҳозир фарзандларимизнинг энг севимли масканига, қадрдон оромгоҳига айланиб қолди.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари салмоқли даражада ривожланди,

уларнинг ишлаб чиқариш қуввати, келтираётган фойдаси, мамлакатимиз аҳолисига кўрсатаётган хизмати хусусида кўп гапириш мумкин.

Янги спорт иншоотлари қурилиши ва мавжудларини таъмирлаш ишлари ҳам ривожланиб бормоқда. Уларнинг ҳажми бир неча ўн йилликлар мобайнида қилинган ишлар кўламига тенг бўлмоқда. Жумладан, биргина 1993 йилнинг ўзида ўнта теннис майдончаси, мингта томошабинни бағрига оладиган “Юнусобод” спорт мажмуаси қурилди ва фойдаланишга топширилди. Бу иншоот замонавийлиги, кўркамлиги, меъморий жиҳатдан бетакрорлиги билан ажралиб туради ва ҳар томонлама қулайликлари билан жаҳон спорти талабларига жуда мос келади.

Кейинги беш йилда спорт иншоотлари қурилиши борасидаги ишлар хусусида сўз юритганда “Пахтакор” ва “Чилонзор” стадионларини таъмирлаш ишлари давом этаётганини, бир неча ўнлаб стадионлар бутунлай қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топширилганини, теннисни ривожлантириш мақсадида шаҳарда 4 та болалар ва ёшлар спорти мактаблари ташкил этилганини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, Олимпия шон-шухрати музейи барпо қилингани бу соҳадаги йирик ишлардан биридир.

Халқнинг турмушини билмоқчи бўлсанг, бозорларни кўр, дейишади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон бозорлари том маънода тўкинлик ва фаровонлик кўзгуси. Бу ерда йилнинг тўрт фаслида ҳам сархил хуштаъм мева ва сабзавот маҳсулотларини харид қилишингиз мумкин. 1991—1992 йилларда пойтахтдаги 11 та энг катта бозор қайтадан таъмирланди. Кўплаб янги бозорлар қуриб фойдаланишга топширилди. Дунё бозорига айланган Отчопар бозорининг биринчи навбати қуриб битказилди. Айни пайтда бу ерда ҳар куни бир неча мингдан ортиқ сотувчи фаолият кўрсатади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳар бир вилоятда қурилган янгидан-янги иншоотлар — майший хизмат уйлари, бозорлар, савдо расталари бутун Ўзбекистон ҳусни-чиройини ўзгартириб юборди. Шаҳарларимиз миллий қиёфа касб этиб, анъанавий меъморчилик ривожланиб бормоқда. Одамлар кўзини қувнатадиган, дилини яйратадиган, руҳиятига ва маънавий эҳтиёжларига мос келадиган бинолар барпо этилмоқда.

Саноат, қурилиш, энергетика, транспорт, маданият ва маориф соҳасидаги ишлар ҳам жадал сурьатлар билан



тараққий қилмоқда. Биргина мисол: мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисини табиий газ билан таъминлаш кўлами шўролар даврида, яъни етмиш уч йил мобайнида амалга оширилган ишлар миқёсига тенг келади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам ана шундай ўзгаришга эришилди.

Энди ўзингиз айтинг: ана шуларнинг ўзигина мустақилликнинг кенг имкониятларидан, унинг халқимиз қалби ва руҳиятига ижобий таъсиридан, истиқлолнинг миллий қадриятга айланиб бораётганлигидан далолат бермайдими?

Мамлакатимизда амалга оширилган ишларни собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан ёш мустақил мамлакатларда амалга оширилаётган ишлар билан қиёслаганда унинг миқёси ва кўлами яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташланади. Бошқача қилиб айтганда, халқимиз бош ислохотчи — давлатимиз раҳбарлигида энг тўғри йўлни танлай олганига ва унда собитқадамлик ҳамда келажакка қатъий ишонч билан бораётганини кўрсатади. Ўзбекистон аҳли бу йўлдаги ғовларни, турли-туман қийинчиликларни, табиий ва сунъий тўсиқлар, қарама-қаршиликларни катта сабот ва ирода кучи билан енгмоқда. Бу халқимизнинг маънавий қудратидан, унинг руҳий жиҳатдан мустаҳкам эканидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар хусусида гапирар эканмиз, жаҳоннинг ҳозирги энг ривожланган мамлакатлари бошидан кечирган ўтиш даврига назар ташласак, қўлга киритган ютуқларимиз нақадар улғувор эканига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири Америка Қўшма Штатлари ўз конституциясини мустақилликка эришгандан сўнг 17 йил ўтгач қабул қилган. Унинг ривожланиш йўлига чиқиб олиши учун эса оз эмас-кўп эмас, бир ярим асрдан ортиқроқ вақт керак бўлди. Ўзбекистон эса бир йил ичида конституция лойиҳасини тайёрлаб, уни умумхалқ муҳокамасига тавсия этди. Уч ой мобайнида 130 дан ортиқ миллат вакилларидан иборат фуқаролар мамлакатнинг Асосий қонунини муҳокама қилдилар. Янги тақлиф ва мулоҳазалар билан бойитдилар. Конституция лойиҳаси ривожланган демократик давлатлар мутахассислари кўригидан ўтказилди. Шундан сўнг мустақилликнинг ҳаммаси бўлиб, 15 ойи ичида — 1992 йил 8 декабрда мамлакатнинг Асосий қону-

ни қабул қилинди. Конституция бизнинг давлат қурилиши тамойилларимизни белгилаб, мустақил тараққиёт йўлимизни қонун билан мустақамлаб берди. Ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлади. Ана шу биргина қиёснинг ўзи бугун Ўзбекистон қандай имкониятларга эга эканлигидан далолат беради.

Албатта, XVIII аср одамлари билан XX аср одамлари дунёқарашида, давлатчилик тизими ва бошқарув шаклларида фарқ бор. Бироқ, ўтиш даврининг ўзига хос, табиий равишда юз берадиган камчиликлари ва муаммоларини бошқача талқин қилаётган айрим бадбин кимсалар масаланинг шу томонига ҳам аҳамият берсалар ёмон бўлмас эди.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Ўз мустақиллигининг 30, 40, 50 йиллик саналарини нишонлаётган Осиё ва Африка давлатлари ҳамон ривожланиш йўллари аниқравшан танлаб олганларича йўқ. Уларда жамият тараққиётининг аниқ концепциялари ва тамойиллари мавжуд эмас. Ҳамон ишлаб чиқаришда беқарорлик, иқтисодий ҳаётда парокандалик юз бермоқда. Умуман олганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор муносабатларига ўтиш, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, мустақил тараққиётни бир маромда таъминлашнинг эволюцион жараёни ҳозирги замон давлатчилиги ва бошқаруви тажрибасига **“Ўзбек модели”** сифатида кирмоқда ва уни янги мазмун билан бойитмоқда.

Биз бугун турли хилдаги интеграция баҳонасида олдинги зўравонлик ва текинхўрлик тузумини соғинаётганлар аҳволини, руҳиятини яхши тушунамиз. Евроосиё хонадонини бунёд этиш ташаббускорларининг муддаolari ҳаммамизга аён. Иккифуқаролик муаммоларини кўтарган, ягона қуролли кучлар, ягона конституция, ягона пул бирлиги, ягона давлат тили, мустақил мамлакатлар ишлаб чиқаришини мувофиқлаштириб турувчи ягона ижро ҳокимиятини барпо этиш тарафдорларининг ўкинч ва изтироб тўла кечинмаларини чуқур англаймиз. Этигининг қонини Ҳинд океани қирғоғида ювмоқчи бўлган империяпараст ва сафсатабоз “даҳо”ларнинг иситмаси ошган киши каби алаҳсирашлари бежиз эмас. Уларга оғир. Жуда оғир! Ўз мамлакати ва халқи истиқболини аниқ кўра олмайдиган, ўз тақдирини ўзи яратишга қодир бўлмаган, боқимандалик ва текинхўрликка ўрганган киши мустақил тараққиёт пайтида талвасага тушаётган бўлса, не ажаб?!

Буюк бобомиз Амир Темур “Куч-қудратимизга шубхангиз бўлса, биз қурган биноларга боқинг”, деган эдилар. Дарҳақиқат, мамлакатни обод қилган, юртини файзиёб этган, Ватанини улуғлаган миллат маънавий жиҳатдан баркамол, одил ва ориф халқ бўлади. Бундай халқ ўз тарихини шону шавкатга буркайди.

Мустақилликнинг қийин ва машаққатли даврида келажакка қатъий ишонч билан қараган халқгина бундай кенг миқёсли вазифаларни амалга ошириши мумкин. Ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликларини енгиб, ҳар куни кутилмаган муаммолар пайдо бўлиб турган бир пайтда майда юмушлар ва кундалик ташвишлар гирдобида қолиб кетмай, истиқбол йўлини танлаган халқнинг келажаги буюк бўлиши табиий. Бундай миллат дунё халқлари билан тенгма-тенг мулоқот қила олади, жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Бундай халқни асло енгиб бўлмайди! Зотан, маърифат, маданият, маънавият нури билан йўғрилган ватанпарварлик ҳисси, Ватан туйғуси ҳар қандай кучдан ғолиб келгувчи илоҳий қудратдир.

# ЯНА БИР ТАРИХИЙ ЛАВҲА

## СУНГСЎЗ ЎРНИДА

Бундан чорак асрча аввал Тошкентнинг Бўз маҳалласида яшовчи Саидали ака Усмонали ўғлининг умр тўйи бўлди. Саидали ака иймон-эътиқодли, тақвоси кучли, инсофли, тўғрисўз, ували-жували, пири бадавлат — беш қиз узатиб, икки ўғил уйлантириб, ҳаммасидан тиниб-тинчиган, яъни орқа этагида офирлиги қолмаган — бахтли отахонлардан эди. Маҳаллада ҳам обрў-эътибори баланд эди. Шу боис унинг умр тўйига Алихонтўра — Алихон Соғуний бошчилигида пешво уламолар ҳам ташриф буюрдилар. Алихон Соғунийнинг кимлигини айрим китобхонлар балки билмасликлари мумкин. Шуни назарда тутиб, у киши ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли 1885 йилда Туркистоннинг Болосоғун шаҳрида, ўзбек оиласида дунёга келган. Адабий таҳаллуси Соғуний бўлиб, туғилган шаҳрига ишорадир. Худуди ўзгарган бу шаҳар ҳозир Тўқмоқ деб аталади, Қирғизистондадир. Алихонтўра отанинг келиб чиқиши Тошкентнинг машҳур хўжаларига бориб тақалади, дейдилар.

Оила бошлиғи Шокирхонтўра ўртаҳол деҳқон бўлиб, ўғилларига етарли илм олиш имкониятини яратиб беради, ўсмирлик чоғида Алихонтўра акаси Олимхонтўра билан Арабистонга ўқишга юборилади. Мадинаи мунаварада таҳсил олишади. Кейин Бухорода таҳсилни давом эттиришади. Алихонтўра талабалик йилларида мусулмон мактаб ва мадрасаларида ўқитиладиган анъанавий диний фанлар билан бир қаторда математика, фалакиёт, табиатшунослик, тиббиёт, доришунослик, ҳарбий иш соҳаларини ҳам ўрганди. Араб, форс ва бир неча туркий тилларни чуқур эгаллайди, ҳатто уларда шеърлар ёзган, унинг

“Девони Соғуний” деган китоби ҳам борлиги маълум. Тинимсиз таҳсил билан тафсир, ҳадис, фикҳ, тарих, тилшунослик, шеърят, мусиқа назарияси билимдони, шунингдек, моҳир табиб бўлиб етишади. Хорижий ўлкалардаги нисбатан тараққий этган ҳаёт билан танишиш унда мустамлака асоратига тушиб қолган ўз Ватани — Туркистондаги сиёсий муҳитга танқидий қараш ҳиссини уйғотади. 1916 йилда бутун Туркистонда чор ҳукуматига қарши бошланиб кетган халқ қўзғолонларида фаол қатнашади. Қўзғолон шафқатсизларча бостирилгач, сиёсий муҳожир бўлиб, Шарқий Туркистонга кетишга мажбур бўлади. Октябрь тўнтаришидан кейин Лениннинг барча халқларга ҳурлик берилади, деган ваъдасига ишониб, зўр умидлар билан 1918 йилда ватанига қайтади. Лекин Лениннинг ваъдаси пучлигини ўз танасида туюб, зулмга дуч келиб, яна Шарқий Туркистонга йўл олади. Бу ўлкада ерли миллатлар — уйғур, қozoқ, қирғиз, татар ва дунганлар ўртасида раҳбар сифатида обрў қозонади. Алихонтўра бошчилигидаги “Озодлик жамияти” раҳбарлик қилган қуроли қўзғолон ғалаба қилади. 1944 йилнинг 12 ноябрида Шарқий Туркистон Жумҳурияти тузилгани тантанали эълон қилинади. 12 вазирликдан иборат муваққат инқилобий ҳукумат раислигига Алихонтўра яқдиллик билан сайланади. Халқ ва армия олдидаги хизматлари учун Шарқий Туркистон ҳукумати қарорига биноан 1945 йили Алихонтўрага маршал унвони берилади. Шу тариқа у халқ орасида “Маршал ота” номи билан жуда машҳур бўлиб кетади.

Албатта, икки қудратли давлат орасида учинчи бир давлат — Шарқий Туркистон Жумҳуриятининг пайдо бўлиши Фарбда — Сталин ҳукуматига, Шарқда — Чан Кайши ҳукуматига маъқул эмасди. Шўролар ҳукумати бутун Туркистондаги мазлум миллатлар бош кўтариб чиқишидан, миллий мустақиллик талаб қилиб қолишидан ваҳимага тушарди. Шунинг оқибати ўларoқ, найранг-бозлик қилиниб, 1947 йили совет чекистлари томонидан Алихонтўра махфий йўл билан тазйиқ остида Шарқий Туркистоннинг ўша пайтдаги пойтахти Фулжа шаҳридан олиб чиқиб кетилади, ёш давлат раҳбарсиз қолдирилади.

Алихонтўра икки йил давомида Тошкент чеккасида хонабанд қилиб қўйилади, ундан кейин ҳам ҳар қандай сиёсий ишларга яқин йўлатилмайди. Бироқ у деярли 30

йил илмий, ижодий ва ижтимоий фаолиятини собитқадамлик билан давом эттирди. Жумладан, Аҳмад Донишнинг “Наводирул вақое”, Дарвиш Али Чангийнинг “Муסיқа рисоласи” асарларини таржима қилди. “Темур тузуклари”ни илк бор “Гулистон” журналида эълон қилишга киришди, лекин асар охиригача чоп эттирилмай, ора йўлда тўхтатилиб қўйилди. Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғуний мазмунли ва баракали умр кўриб, 1976 йили 91 ёшида вафот қилди. Васиятига кўра унинг сўнгги маскани Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги Шайх Зайниддин бобо қабристонини бўлди...

Саидали отанинг умр тўйидаги суҳбат асносида Алихонтўрага шундай савол тушиб қолди:

— Нима учун мусулмон дунёси инсоният маданиятининг бешиги бўла туриб, Фарб дунёсидан тараққиётда, айниқса, техник равнақда орқада қолиб кетди? Бунинг боиси нимада?

— Баракалла, бўтам, отангизга раҳмат, — дея сўз бошлади Алихонтўра, у киши шундай савол тушганидан мамнун бўлган эди. — Бу савол жиддий, ўта муҳим савол, миллатнинг ҳар бир онгли фарзанди тафаккурида шундай ўй-мулоҳазалар бўлса қанийди! Бу кунларга тушиб қолмас эдик, албатта.

Шарқ фалсафаси аввал бошдан бошлабоқ асосан инсон руҳиятини, унинг маънавий оламини билишга, одамларнинг ўзаро муносабатларини англашга эътибор берган. Фарб фалсафасининг асосий мақсади эса ташқи дунё табиатини билишга, инсонларнинг табиатдаги ўрнини аниқлашга қаратилган эди.

Шарқ ўз тафаккурида инсоннинг ижтимоий аҳволини нисбатан иккинчи ўринга суриб, унинг маънавий камолотига эътибор берган. Фарб тафаккури эса инсоннинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга асосий диққатни қаратган. Бунинг оқибати ўлароқ Оврупонинг йирик давлатлари милодий XV асрнинг ўрталаридан бошлаб тараққиётда, жумладан техник равнақда Шарқдан олға кетиб, дунёнинг деярли барча қитъаларида янги-янги хуудларни эгаллашга киришганлар. Милодий XV асрнинг энг охирида румолик Христофор Колумб Амириқо қитъасигача кемада сузиб борган. Гарчи ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ундан беш асрча илгари дунёнинг нариги тарафида қуруқлик бўлиши кераклиги ҳақида ишора қилган бўлса-да, бу фикрни овруполиклар илиб кетишган. Гарчи

Христофор Колумб янги қитъа борлигини Оврупога биринчи бўлиб етказган бўлса-да, бир харита тузувчининг таклифига кўра бу янги дунёга унинг ватандоши, собиқ хизматчиси Беспуччи Америго номи қўйиб юборилади, XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб, у қитъа Амриқо деб юритилиши расм бўлиб кетган. Шарқ эса бу кашфиётдан, бу шарафдан четда қолган.

Шарқнинг Фарбдан орқада қолиб кетишига яна бир сабаб шуки, Фарб таълимни восита деб билиб, илм-фаннинг барча қирраларидан кенг фойдаланиб, моддий тўкин-сочин жамият қуришга интилган, бироқ у ахлоқий қадриятларни бой бера бошлаган. Шарқ эса таълимни мақсад деб қараб, техникавий тараққиётга жиддий эътибор бермайди, юксак маънавиятни сақлаб қола олади-ю, лекин иқтисодий таназзулга учрайди. Лекин иқтисодий бўҳрон мамлакатларни заифлаштиради, ҳарбий қудратни ҳам пасайтиради, давлат хазинаси ҳаминқадар бўлиб қолгач, лашкарни тўла таъминлашга қурби етмайди, эл-юртни мудофаа қилишга қуввати етишмайди, йирик давлатлар парчаланиб кетади. Бунинг касри маънавиятга ҳам тегади, албатта. Миллий бирлик — миллат тушунчасига эътибор сусаяди, парокандалик, бошбошдоқлик бошланади. Русия истилоси арафасида Туркистон ана шундай бир тушкун алфозда эди.

Халқим, раиятларим, давлатим жаҳонда илғорлардан бири бўлсин, деган раҳбар узоқни кўзлаб иш тутади, қаердаки, нимаики яхши нарсалар бўлса, кўздан қочирмайди, ўзлаштиришга, мамлакати манфаатига хизмат қилдиришга киришади, бу йўлда чора-тадбирлар белгилайди, амалга оширади ҳам.

Ислом тарихидан маълумки, чаҳорёрлар — Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон ва Али ҳазратларидан кейин халифалик тепасига келган уммавийлар даврида мусулмон оламида ҳар томонлама инқироз юз берди. Халифалик аббосийлар қўлига ўтгач, ислом оламида яна юксалиш даври бошланди. Аббосий халифалар, айниқса ал-Маъмун, Ҳорун ар-Рашид ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ривожига зўр эътибор бердилар. Бағдод шаҳрида дорулҳикма, яъни фанлар уйи, ҳозирги иборамиз билан айтганда, академия очилди. Қадимги Миср, Румо, Юнондан қолган илмий мерос ўрганилди, кифтий, оссурий, лотин тилларида яратилган нодир асарлар араб тилига ўтирилди. Натижада Ислом Уйғониши юз берди.

Шундай Уйғониш IX—XII асрларда Туронда ҳам содир бўлди, бу биринчи Уйғониш эди. Туронлик ҳукмронлар фаолиятидан бу борага доир икки-учта мисол келтирсак, фикримиз ойдинлашади. Туронлик Маъмун — Хоразмшоҳ Маъмун томонидан Кўҳна Урганчда академия очилганда Хоразм салтанати дунёдаги энг улкан ва энг қудратли давлатлардан бирига айланиб бораётган эди. Сабуктакин ўғли Маҳмуд Ғазнавий ҳам давлатининг қудрати ва обрўсини ошириш учун худди шу йўлдан борди. Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ҳиндистон” китобини, маъданшуносликка оид асарларини унинг топшириғига кўра ва унинг саройида яратди. Чунки Маҳмуд Ғазнавий ён қўшниси бўлмиш бу мамлакатни билиши керак эди. Қадимги ҳинд тили — санскритда яратилган энг нодир асарлар Ғазнада ўша замоннинг фанний тили бўлмиш арабчага таржима этилгани ҳам шундан далолат беради.

Шарқдаги иккинчи Уйғониш Амир Темур номи ва фаолияти билан боғлиқ. Соҳибқирон замонасида салтанат шундай қудратли ва адолатли, эл-юрт шунчалик тинч, йўллар беҳатар бўлганки, Урумчидан, Самарқанду Бухородан, Хоразму Хиротдан, қўйингки, мамлакатнинг ҳар гўшасидан ҳаж сафарига йўлга чиққан кишилар Маккаи мукаррамани, Мадинаи мунавварани зиёрат қилиб, омон-эсон ўз юртларига етиб келганлар. Савдо қарвонлари учун йўл Чиндан Румогача очиқ эди. Бунинг боиси шунда эдики, соҳибқироннинг давлат сиёсатига кўра инсоннинг ижтимоий аҳволига ҳам, маънавий камолотига ҳам баббаравар эътибор берилган, яъни Шарқ ва Ғарб фалсафаси бирлаштирилиб, ягона мақсадга йўналтирилган эди. Бунга мисол қилиб, Амир Темурнинг Испан, Фаранг, Румо, Византия давлатлари билан яловочлик, яъни элчилик, ҳозирги тил билан айтганда, дипломатик муносабатлари ўрнатилганини, элчилар бориб-келиб турганлигини келтириш мумкин. Фақир “Темур тузуклари”ни чоп эттиришдан мурод халқимизга ана шулар ҳақида бир ишора қилиб қўйиш эди, шояд миллат кўзи очилса деган эдик, афсуски...

Шарқдаги биринчи, иккинчи, учинчи Уйғонишлар Оврупога кўчди, унинг маркази дастлаб Фарангистон бўлди, кейин бутун Оврупога — Испания, Италия, Ингилистон, Олмонияга ёйилди, сўнгра бу мамлакатлар орқали Русияга ҳам етиб келди, бизлар эса жаҳон та-



раққиётидан четда — гафлатда қолиб кетдик-да, охир-оқибатда тутқунликка тушдик.

Туркийда устаси фаранг деган бир ибора бор, эшитган бўлсангиз керак. Моҳир устага нисбатан шу ибора ишлатилади. Бунинг замирида фарангийларнинг, умуман овруполикларнинг ҳунарига, ҳунармандлари яратган техник асбоблари, жиҳозлари, воситаларига қойил қолишлик, эътироф этишлик ётадир. Фарангийларнинг устаси фаранглиги мана шунда ҳам кўринадики, улар Шарқнинг илм-фан бобида эришган ютуқларининг қаймоғини ўзлаштирганлар, жумладан, буюк ватандошларимиз бўлмиш Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур асарларини ўз тилларига таржима қилганлар, дорилфунунларида дарслик сифатида қўллаганлар. Бугина эмас, ал-Маъмун, Ҳорун ар-Рашид замонларида ва ундан кейин ҳам лотинчадан арабчага таржима қилинган асарларни бу тилдан яна ўз тилларига кўчирганлар. Зеро, қадимги лотин тили аллақачон муомаладан чиқиб, ўлик тилга айланиб қолган эди. Шарқ эса ўша бойликни араб тилида асраганиди. Улар ўз меросларини шу йўл билан ҳам ўзларига қайтара билдилар. Мана шунга ҳақиқий устаси фаранглик деса бўлади. Хўш, бизлар-чи? Бизлар бўлсак, оғзимиздагини ҳам олдириб ўтирибмиз. Буюк аждодларимиз номларини қуруқдан-қуруқ санаб мақтанишга устаси фарангмизу, лекин улар тутган йўлни тутмаймиз, улардан ибрат олмаймиз, тегишли хулоса чиқармаймиз. Хуллас, аждодларимизга муносиб авлод бўлолмаяпмиз. Бунинг учун бир етакчи зарур кўринади. Замонанинг кетиши шу бўлса, умумжаҳон равнақи оқимида миллатларнинг миллий уйғонишлари кучаяверади, бунинг самараси ўлароқ, мазлум халқларнинг ўз миллий етакчилари етишиб чиқажак, иншооллоҳ. Камина минг ой юзини кўриб бўлдим, тўқсонни ҳам қоралаб қолдим. У етакчимизни бизлар кўролмасак-да, невараларимиз кўрсалар ажаб эмас. Камина ҳамиша шунинг орзусида, шунинг дуосида, беш вақт намоз устида Яратган эгамдан шуни илтижо қилади. Аллоҳ таоло сўралишни сезгувчи буюк зотдир. Сизлар ҳам Тангри таолодан шуни илтижо қилаверингиз, шояд ниятимиз мустажоб бўлғай, иншооллоҳ. Давраимизда ёш авлод вакиллари ҳозирлар. Сизлардан илтимос қилардимки, ўша ёруғ кунларга — истиқдол замонига етганингизда, Алихонтўра Соғуний бу дунёга исломшарастгина эмас, балки

инсонпараст бўлиб келган эди, бутун ҳаёти давомида шунга содиқ бўлиб қолган эди, дея каминани ҳам бир эслаб қўйсангиз, руҳимни шод этган бўлар эдингиз. Валлоҳи аълам.

Авлиёсифат Алихонтўра Соғуний ўша суҳбатда башорат қилган эканлар. Орадан чорак асрча вақт ўтгач, у киши кутган юртбошимиз етакчилигида, у киши орзу қилган ёруғ кунларга етиб келдик — миллий истиқлолга эришдик. Буни қарангки, Алихонтўра Соғунийнинг 1959 йили ёзиб тугатилган, шўролар замонида нашр этилмаган ва нашр этилиши ҳам мумкин бўлмаган “Тарихи Муҳаммадия” китоби истиқлол шарофати билан 1991 йили чоп этилди, улуғ бобонинг армони ушалди, руҳи шод бўлди.

Амир Темурга маънавий ворислигидан юртбошимиз аввал бошдан оқ йўлни тўғри белгилади. Алихонтўра Соғуний айтмоқчи, Шарқ фалсафий тафаккури ила инсон руҳияти, унинг ички олами, уларнинг ўзаро муносабатларини англашга, яъни инсоннинг маънавий камолотига керагича эътиборни қаратди. Бунга мамлакатимизда кейинги беш йил мобайнида маънавият соҳасида амалга оширилган ва изчил суратда давом эттирилаётган барча тадбирлар киради.

Иккинчидан, юртбошимиз Ғарб фалсафий тафаккури ила инсоннинг ижтимоий эҳтиёжлари, моддий талабларини қондиришни ҳам унутмади. Бунга истиқлол йилларида диёримизда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилган ва режали асосда изчил давом эттирилаётган барча ислохотлар ва чора-тадбирлар — деҳқонларга катта ер майдонларини томорқага беришдан тортиб, мулкдорлар синфини вужудга келтириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатларгача киради.

Шу тариқа ахлоқий қадриятларимиздан ҳам ажралмадик, балки улар бойиб-ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимиз ҳам дадил юксалмоқда. Хуллас, юртбошимизнинг назарий ва амалий фаолиятида Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккури туташди. Бунда Президентимиз феноменидаги яна бир қирра — файласуфлик заковати зухур этди.

Масалага чуқурроқ қарасак, бу иккала фалсафа — Ғарб фалсафаси ва Шарқ фалсафаси ҳам Одам Ато ва Момо Ҳаво авлодлари бўлмиш барча инсониятга тегишлидир. Дунёда одамга ёт нарса йўқ. Барча-барчаси унга тааллуқ-

лидир. Ҳамма гап керакли нарсани ўз ўрнида ишлата билишдадир. Бу кучли истеъдод соҳибига хос фазиладир.

Президент Ислон Каримов жаҳонни кўра билмоқда, раиятни ҳам шунга чорламоқда, мамлакатимизни мутараққий давлатлар сафига олиб чиқиш учун фидокорона курашмоқда, йўлбошчи сифатида миллатни илғор миллатлар даражасига кўтариш учун жонкуярлик қилмоқда. Бу — келажаги буюк давлат қуриш учун кураш йўлидир!

\* \* \*

Азиз китобхон!

Мана, сиз билан суҳбатимиз ҳам адоғига етиб қолди. Биз шу китоб баҳонасида ўтмиш ва бугунимиз, истиқболимиз хусусида кўнгилдаги фикр-мулоҳазаларимизни сиз билан баҳоли қудрат ўртоқлашдик. Бу суҳбатимиз ҳам энди тарих мулкига айланиб қолади. Зеро биз ҳозир чин маънодаги тарихий дамларни бошимиздан кечиряпмиз. Бу йил мустақиллигимизнинг беш йиллигини нишонладик. Шу муносабат билан беихтиёр истиқлолнинг дастлабки кунларини яна бир зум хотирлаш жоиз. Ёдингиздадир, ўша унутилмас дамларда бизга “улуғ оға” сифатида ғамхўрлик қилганлар яна ўз “марҳамат”ларини кўрсатмоқчи бўлишди. Гўёки, мустақиллик бизга қимматга тушар эмиш, биз ўзимизни ўзимиз эплай олмас эмишимиз... Бугун бундай гапларнинг нақадар ғаразли, нақадар ёлғон эканига жумлаи жаҳон гувоҳ бўлиб турибди.

Бизнинг қадимий тарихимиз, бой маънавиятимиз, оламшумул маданий меросимиз бугун қўлга киритган ютуқларимизнинг, эртага эришажак ғалабаларимизнинг ҳаётбахш асосидир.

Дарҳақиқат, бизнинг давлатчилигимиз мустаҳкам замин, бақувват пойдеворга эга. У бамисоли азамат чинорга ўхшайди. Унинг илдизлари ниҳоятда теран томир отган — неча минг йиллик тарих қатламларига бориб туташади.

Биз улкан тарих, улкан цивилизация яратган улуғ аждодларнинг қонуний ворисларимиз. Боболаримиз, момоларимиз умумжаҳон тараққиётига беқиёс ҳисса қўшгани жаҳондаги маданиятли ва маърифатли халқлар томонидан мудом миннатдорлик билан эътироф этилади. Ана

шундай аждодларни эсламаслик, уларнинг фаолиятига муносиб баҳо бермаслик, улар ишини давом эттирмаслик, доно ўғитларига амал қилмаслик ўзлигимизни унутиш, маънавий гумроҳликдир. Ўтмиш тарихимизнинг нурли саҳифаларини эҳтиром билан ёдга олиш, фожиали саҳифаларидан ибратли сабоқ чиқариш, ўтганларнинг руҳини шод этиш чинакам орифлик белгисидир. Айни пайтда у руҳий мадад, маънавий таскин, эртанги кунга ишонч ва рағбат манбаидир.

Биз бугун тараққиётнинг катта йўлига чиқиб олдик. Бинобарин, энди миллат сифатида аҳил ва баҳамжиҳат, халқ сифатида ҳар томонлама етук ва бақувват бўлишимиз, шу асосда буюк давлат, адолатли жамият барпо этишимиз керак. Ўзлигимизни, мустақиллигимизни, тенгсиз Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга ҳамиша тайёр, бу муқаддас фарзандлик бурчини шараф ила адо этмоққа доимо қодир бўлмоғимиз шарт.

Бу улуғвор мақсадларга эса миллий маънавиятимизни янада юксалтириб, янада такомиллаштириб бориш йўли билангина эришмоғимиз мумкин.

Маънавият — улкан, беқиёс куч. У одамнинг ақлу заковатини чархлайди, тафаккурини бойитади, ирода ва иймонини бақувват қилади. Маънавий баркамол одам ҳар қандай бўҳронларга қарши тура олади, мард ва матонатли бўлади, қийинчиликларни сабот билан енгади. Бошқаларга ўрнатки ва намуна бўлиб, уларни ўз ортидан эргаштира олади.

Маънавиятга эътибор суст жойда ҳеч қандай ўсиш, яратиш, ижод, бунёдкорлик бўлмайди. Маънавият жамки яхши нарсаларни озиқлантиради, эзгу туйғуларни тарбиялаб вояга етказди. Одамни ёмон йўлдан қайтариб, яхшилик ва олижанобликка ундайди. Шунинг учун ҳам маънавий баркамол сиёсатнинг умри узун, маънавиятга таянган иқтисод фаровонлик манбаи, маданият ва маърифат асосига қурилган давлат пойдор бўлади.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида .....	7
----------------------	---

### БИРИНЧИ ҚИСМ БИР ШОДА МАРВАРИД

#### Биринчи боб Тафаккур нурлари

СЎЗ .....	15
ГАП .....	15
ТИЛ .....	16
ҚАЛАМ .....	16
ҚОҒОЗ .....	17
РУҲ .....	19
ЖОН .....	21
ФАРИШТА .....	21
ИЙМОН .....	23
ЭЪТИҚОД .....	25
МАСЛАК .....	25
ТАҚВО .....	26
ҲАМИЯТ .....	26
ШАРМ .....	26
ҲАЁ .....	26
ОР .....	27
АНДИША .....	27
НОМУС .....	27
ВИЖДОН .....	27
ИНСОФ .....	28

✓ ФУРУР .....	29
✓ ИФТИХОР .....	29
✓ ОНГ .....	30
✓ АКЛ .....	34
АКЛИЙ МЕҲНАТ ВА ЖИСМОНИЙ МЕҲНАТ .....	37
ТАФАККУР .....	41
ФИКР .....	42
ФАЛСАФА .....	43
ТАСАВВУР .....	45
ХОТИРА .....	45
ХАЁЛ .....	46
ҚОБИЛИЯТ .....	47
ИҚТИДОР .....	47
ИСТЕЪДОД .....	47
САЛОҲИЯТ .....	48
ДАҲО ВА ДАҲОЛИК .....	48
ХАЛҚ ДАҲОСИ .....	49
ИРОДА .....	50

#### Иккинчи боб

#### “Одами эрсанг...”

ОДАМ .....	52
ИНСОН ШАРАФИ .....	53
ШАҲС .....	54
СИЙМО .....	56
АЖДОД ВА АВЛОД .....	57
УРУФ .....	58
ҚАБИЛА .....	58
АЙМОҚ .....	59
ЭЛ .....	60
ЭЛАТ .....	61
ХАЛҚ ВА АҲОЛИ .....	64
ФУҚАРО .....	73
МИЛЛАТ .....	74

#### Учинчи боб

#### Жамият жилолари

ОИЛА .....	81
ЎЗБЕК ОИЛАСИ .....	82
ОТИНЛАР .....	89
КАФОАТ .....	91

МАҲАЛЛА .....	91
МУОМАЛА .....	93
ЖАМИЯТ .....	94
ЖАМИЯТ ВА ШАХС .....	95
ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ .....	97
ДАВЛАТ ТАФАККУРИ .....	101

## Тўртинчи боб

### Маънавият машъали

АЛЛОҲ ТАОЛО .....	103
ПАЙҒАМБАРЛАР .....	105
ИЛОҲИЙ КИТОБЛАР .....	106
ҚУРЪОНИ КАРИМ .....	107
ҲАДИСИ ШАРИФ .....	108
ФИҚҲ .....	108
ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ .....	110
МАЪЌАВИЯТ .....	111
МАЪНАВИЯТ ВА ИСТЕЪДОД .....	111
МАЪРИФАТ .....	113
МАЪРИФАТПАРВАРЛИК .....	113
МАДАНИЯТ .....	114
МАФКУРА .....	116
ТАРБИЯ .....	121
НАСАБ ВА ҲАСАБ .....	133

## ИККИНЧИ ҚИСМ ТЕРАН ТОМИРЛАР

### Биринчи боб

#### Олтин бешик

ВАТАН НИМА? .....	139
ТУПРОҚ .....	140
МАДАНИЙ ҚАТЛАМ .....	141
ТАРИХИЙ ВАТАН .....	142
ВАТАН ТУЙҒУСИ .....	145
ВАТАН СОҒИНЧИ .....	153
ВАТАН ҚАЙҒУСИ .....	156
СУВРАТ ВА СИЙРАТ .....	160

Иккинчи боб

**Турон — Туркистон — Ўзбекистон**

ТУРК .....	176
ЎЗБЕК .....	178
ТУРОН .....	200
ИСЛОМ ВА ТУРОН .....	207
ТУРКИСТОН .....	217
ТУРКИСТОННИНГ ҚУШНИЛАРИ .....	226
ТУРКИСТОН ФОЖИАСИ .....	237
ПОЙТАХТ ВА ПОЙТАХТЛАРИМИЗ .....	242
БУЛУТЛИ ОСМОН .....	252

Учинчи қисм

**ИСТИҚЛОЛ ШИЖОАТИ**

Биринчи боб

**Узоқ ва яқин йиллар**

ИСТИҚЛОЛ АРАФАСИ: СЕВИНЧ ВА ИЗТИРОБЛАР .....	259
ИСТИҚЛОЛ .....	280
МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ .....	285
МИЛЛИЙ ИФТИХОР .....	288
МИЛЛИЙ ТИҚЛАНИШ .....	293
ЯГОНА ЗАМИН, ЯГОНА ТАҚДИР .....	298
ВОРИСИЙЛИК .....	307
ЎТИШ ДАВРИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ .....	317

Иккинчи боб

**Демократия — маънавият кўзгуси**

ДЕМОКРАТИЯ НИМА? .....	323
ДЕМОКРАТИЯНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ .....	327
ДЕМОКРАТИЯНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ .....	331
ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНГИ ДАВРИ .....	335
“ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ” САРИ .....	346

Учинчи боб

**Маънавият шижоатдир**

АДОЛАТ .....	355
ИСТИҚВОЛ ЭГАСИ — СОҒЛОМ АВЛОД .....	360



МАЪРИФАТ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ .....	365
ЛИЦЕЙДАН АКАДЕМИЯГА .....	372
МАЪНАВИЯТНИНГ БОШ ҲОМИЙСИ .....	376
РУҲИЙ ТОЗАРИШ ФАСЛИ .....	380

## Тўртинчи боб

### Мангулик

АМИР ТЕМУР РУҲИ ДУНЁ КЕЗМОҚДА .....	392
БОҚИЙ ШАЖАРА .....	399
СОҲИБҚИРОН САБОФИ .....	406
ДАҲОЛИККА ТАЪЗИМ .....	415
ҚУДРАТИМИЗГА ШУБҲАНГИЗ БЎЛСА .....	420
ЯНА БИР ТАРИХИЙ ЛАВҲА. Сунгсуз урнида .....	431

*Абдуқаҳҳор Иброҳимов,  
Хайриддин Султонов,  
Нарзулла Жўраев*

**ВАТАН ТУЙҒУСИ**

на узбекском языке

Издательство “Ўзбекистон” — 1997  
700129, Ташкент, ул. Навои, 30

Расмлар муҳаррири *О. Соибназаров*  
Техник муҳаррир *С. Собирова*  
Мусаҳҳиҳлар *Ў. Абдуқодирова, М. Раҳимбекова*  
Компьютерда тайёрловчи *А. Йўлдошева*

Теришга берилди 17.09.96. Босишга руҳсат этилди 03.04.97.  
Қоғоз формати 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. "Таймс" гарнитурда офсет босма  
усулида босилди. Шартли босма табоқ 23,52. Нашр табоғи 25,23.  
Тиражи 50000 (2-завад) Буюртма № Д-802.  
Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.  
Нашр № 212-96.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти  
техникавий ва программавий воситалар базасида тайёрланиб,  
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги  
Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Иброҳимов А. ва бошқ.**

Ватан туйғуси / А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраев. — Т.: Ўзбекистон, 1997. — 439 б.

ISBN 5-640-02193-4

I.I., 2 Автордош.

"Ватан туйғуси" деб аталган ушбу китоб бугунги куннинг маънавий эҳтиёжи сифатида дунёга келди. Унда мустақил Ўзбекистоннинг ўтмиши, бугуни ва келажагига хос миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар мухтасар ифодаланган. Шу билан бирга, китобда ўзбек халқининг келиб чиқиши, буюк аждодларимизнинг умуминсоний тараққиётга қўшган улуг ҳиссалари, янги ўзбек давлати тарихида маънавиятнинг ўрни, давлатчилигимизнинг қадимийлиги ва узвийлиги, ўз эрки, ўз эътиқоди учун мардона курашиб қурбон бўлган минглаб шижоатли инсонларнинг тақдирини бой фактик материаллар, тарихий ҳужжатлар, асл манбалар асосида ёритилган.

Китоб талабалар, ўқувчи ёшлар, аспирантлар ва маънавият масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар учун мўлжалланган.

**ББК 63.3(5У)**

№826-96

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
давлат кутубхонаси.

**4702620201 – 23**  
В **97**  
**М351(04)97**

БАЛАН ТУЙГУСИ